

ОДИЛҚОРИЕВ Х. Т., РАЗЗОҚОВ Д. Х.

# СИЁСАТШУНОСЛИК

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги томонидан олий таълим муассасалари талабалари  
учун дарслик сифатида тавсия этилган

*(Тўлдирилган ва қайта ишланган нашр)*

ЎЗБЕКИСТОН ФАЙЛАСУФЛАРИ  
МИЛЛИЙ ЖАМИЯТИ НАШРИЁТИ  
ТОШКЕНТ — 2009

**Одилқориев Х. Т.**

Сиёсатшунослик: Олий таълим мұассасалари талабалари учун дарслік/Одилқориев Х.Т., Раззоқов Д.Х. -(Тўлдирилган ва қайта ишланган нашр). –Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2009. – 352 б.  
I. Раззоқов Д.Х.

Мазкур дарслік давлат таълим стандартлари ва Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида сиёсатшунослик фанини ўқитиш бўйича ишлаб чиқилган дастур асосида тайёрланган бўлиб, унда сиёсатшуносликнинг предмети, таркиби ва вазифалари, ижтимоий-сиёсий таълимотларнинг шаклланиши ва ривожланиши, Марказий Осиёда ижтимоий-сиёсий тафаккур ривожининг асосий босқичлари, жамият ҳаётида сиёсат ва сиёсий тизим, сиёсий ҳокимият ва кўпнартиявийлик, сиёсий етакчилик, жамият сиёсий ҳаётининг демократик асослари, сиёсат, дин ва мағжуранинг ўзаро алоқаси, халқаро сиёсат ва халқаро муносабатлар, халқаро терроризм ва унга барҳам беришининг сиёсий-хукуқий чоралари, умуминсоний маданият тизимида сиёсий маданият каби долзарб масалалар ўз ифодасини топган.

Дарслік олий ўқув юртлари талаба ва ўқитувчилари учун мўлжалланган бўлиб, ундан сиёсатшунослик билан қизиқувчи барча китобхонлар ҳам фойдаланишлари мумкин.

**ББК 66.0 я73**

**Тақризчилар:** сиёсий фанлар доктори,  
профессор И.Эргашев;  
  
сиёсий фанлар доктори,  
профессор З.И.Мунавваров.

**ISBN 978-9943-319-71-4**

© Ҳожимурод Т. Одилқориев, Даврон Х. Раззоқов, 2009.  
© Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2009.

## СҮЗ БОШИ

Сиёсатшунослик илми ҳозирга қадар бой назарий ва амалий тажрибага эга бўлиб, унинг ибтидоси Конфуций, Платон ва Аристотель яшаган замонларга бориб тақалади. У сиёсий тараққиётнинг йўналишлари ва ўзига хос хусусиятларини ўрганиш жараёнида сиёсий фаолиятнинг характеристи, мақсадлари, манфаатлари, моҳияти ва усусларини таҳдил этади ҳамда сиёсий гояларнинг моҳият-мазмунини, сиёсатда эришилган ютуқ ва йўл қўйилган хатоларнинг илдизларини очиб беради.

Сиёсатшунослик фанига нисбатан кучли ижтимоий эҳтиёж сиёсатга инсонпарварлик руҳини сингдиришга қаратилгандир. Бунинг долзарблиги шундаки, инсониятнинг бутун тарихи давомида сиёсий хатти-ҳаракатларда муросасизлик ва енгилтаклик, жамиятни рационаллаштириш байроби остида амалга оширилган «инқилоблар, одатда, ҳамма даврларда ҳам зўравонлик, қон тўкиш ва аждодлар яратган барча нарсани жоҳиълик билан вайрон қилиш воситаси ва қуроли бўлиб келган. Ақидапарастлик эса, қандай қиёфада бўлишидан қатъи назар — бу диний ақидапарастлик бўладими ёки коммунистик ақидапарастлик бўладими — ўз мафкурасига, ҳаётга қарашларига мос келмайдиган ҳамма нарсани инкор этади ва «Кимки биз билан эмас экан, у бизга қарши», деган тамойил асосида ҳаракат қиласди»<sup>1</sup>. Шунинг учун демократик сиёсий таълимнинг энг асосий вазифаларидан бирни фуқароларда демократик тузумга қарши бўлган ва жамиятга у ёки бу ижтимоий утопияни тиқишираётган турли хил радикал мафкураларга қарши барқарор иммунитетни шакллантиришдир.

Мустақиликнинг самараси ўлароқ демократик принциплар, қадриятлар ва институтлар ҳаётимизнинг барча соҳаларига тобора кўпроқ кириб бормоқда. Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «Ҳар бир киши ўз мамлакатининг фуқароси эканлигини ҳис қилиши, унинг ўзига бериб қўйилган хуқуқ ва эркинликларга онгли муносабатда бўлиши ва қадрлаши, машаққатли меҳнат билан қўлга киритилган демократик қадриятларни асраб-авай-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. – Т., 2005. – Б. 183.

лаши ва ҳимоя қилиш ғоят муҳим»<sup>1</sup>. Бу эса, табиийки, фуқаролардан юксак сиёсий саводхонликни талаб қиласи.

Юқоридаги зарурият туфайли Ўзбекистон олий таълим тизимида сиёсатшунослик фанини янада ривожлантириш, бу фанинди үрганиш ва ўргатиш ишларини жаҳон стандартлари даражасига кўтариш учун кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ бугунги талаба сўнгги йилларда кўплаб чоп этилган дарслер, монография, маърузалар курслари ва ўкув қўлланмалардан фойдаланмоқда<sup>2</sup>.

Ушбу дарслер сиёсатшунослик фанининг умумназарий маъсалалари акс этган дарслер ва ўкув қўлланмалардан Марказий Осиёда ижтимоий-сиёсий тафаккур ривожининг асосий босқичлари, шунингдек, халқаро терроризм ва унга барҳам беришнинг сиёсий-ҳуқуқий чоралари каби янги, долзарб масалалар таҳлил этилганлиги билан ажralиб туради. У ёш авлодни маънавий жиҳатдан тарбиялашга, улар дунёқарашида соғлом сиёсий иммунитетни шакллантиришга, сиёсатнинг вужудга келиш сабаблари, ижтимоий тараққиётда тутган ўрни, ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги босқичидаги аҳамиятини тушуниб олишга ёрдам беради.

Дарслерни тайёрлашда мамлакатимиз сиёсатшунослигига эришилган илмий-амалий тажрибалар, Ўзбекистон ва хорижда чоп қилинган адабиётлар ҳамда вақтли матбуот нашрларидан кенг фойдаланилди.

*Муаллифлар.*

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т., 1997. – Б. 225–226.

<sup>2</sup> Рамазонов И., Мўминов Э. Политология: Дарслер. – Т., 1997; Қирғизбоеев М. Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, мағкуралар, маданиятлар. – Т., 1998; Политология: Ўкув қўлланма / С. Отамуродов, И. Эргашев, Ш. Акрамов, А. Қодиров – Т., 1999; Қодиров А.Қ. Сиёсат фалсафаси. – Т., 1999; Мамадалиев Ш. О. Ўзбекистон сиёсий партиялари: шаклланиш жараёнлари ва ривожланиш истиқболлари. – Т., 2004; Одилқориев Х.Т., Гойибназаров Ш.Ф. Сиёсий маданият. – Т., 2004; Нишинов М.Н., Джавакова К.В. Политология: Учебное пособие. – Т., 2005; Кадыров А.К. Политология: Курс лекций. – Т., 2006.

---

## **СИЁСАТШУНОСЛИК ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, ТАРКИБИ ВА ВАЗИФАЛАРИ**

### **1. Сиёсатшуносликнинг фан сифатида шаклланиши**

«Сиёсат» деб аталувчи ижтимоий феномен ёки ҳодисага инсоният ўз тараққиётининг ибтидосидаёқ дуч келган. Ўтган узоқ тарихий давр мобайнида бир замонлар уруғ ва қабила-лараро таркиб топган ижтимоий муносабатлар тўхтовсиз ри-вожланиб, бу мураккаб дунёда инсонларни бирга яшашдек буюк бир санъатни эгаллашга ўргатди. Сиёсат том маънода одамларнинг ижтимоий ҳаётни ташкил этишга оид эҳтиёж-ларини акс эттиради ва жамият ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг инъикоси, ҳосиласи ҳисобланади. Ўнинг асосий вазифаси ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларини йўналтириш, турли кучлар манфаатлари мувозанатини топиш ва таъминлаш орқали жамият яхлитлигини, жипслигини таъминлаш, тараққиётнинг илғор стратегиясини ишлаб чиқиши ҳамда ҳаётга татбиқ этишdir.

Одамлар сиёсатни кундалик амалий тажриба орқали оддий кузатувлар ва тадқиқотлар натижасида олинган илмий билимлар асосида идрок этадилар. Сиёсат тўғрисидаги кундалик, тартибга солинмаган тасаввурлар кўп минг йиллардан бўён мавжуд. У ёки бу шаклда улар ҳар бир инсонда мавжуд омма-вий онгнинг ажралмас қисмини ташкил этади. Бундай тасаввурларга кўра кундалик ҳаётда аниқ мақсадга йўналтирилган ҳар қандай фаолиятни сиёсат деб аташ мумкин. Лекин сиёсий ҳодисаларнинг асосан ташки, амалий томонини акс эттирувчи кундалик билимлар воқеликни чуқур ва ҳар томонлама акс эттира олмайди. Сиёсат тўғрисидаги кундалик тасаввурларнинг ноаниклиги, чекланганлиги, аввало, «сиёсат» деб ата-лувчи ҳодисанинг мураккаблиги, кўпқирралилиги, сермазмун-лигига бориб тақалади. Шунинг учун ҳам кундалик ижтимоий билимлар сиёсат дунёсида одамлар учун ишончли йўлланма бўла олмайди. «Сиёсат» атамасининг илмий талқинлари бир-мунча зиддиятли бўлса-да, мантикий асосланганлиги ва тартибга солинганлиги билан кундалик тасаввурлардан ажралиб

туради. Сиёсат тўғрисидаги бундай илмий, мантиқий билимларни сиёсатшунослик фани ўргатади.

Хозирги замон ижтимоий фанларининг таркибий қисми бўлган сиёсатшуносликни ўрганиш катта назарий ва амалий аҳамият касб этади.

Милоддан аввалги V асрда яшаган буюк юонон донишманди Аристотель таъкидлаганидек, аввало, инсоннинг тўлақонли ҳаёт кечириши учун лозим бўлган шарт-шароитлар фақатгина жамоада, жамиятда мавжуд бўлади. Хусусан, демократик тартибларни жорий этишни мақсад қилиб қўйган ҳар бир мамлакатда сиёсий билим ва маданият касби, жинси, ижтимоий мавқеи, миллатидан қатъи назар, ҳар бир одам учун заруратга айланади. Чунки инсон жамиятда яшар экан муқаррар равишда бошқа одамлар ва давлат билан ўзаро муносабатларга киришади.

Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш оммавий сиёсий саводхонликни тақозо этади, чунки демократик сиёсий таълимга сунянган жамиятда мустабидликка, давлат ва ижтимоий тузумнинг файринсоний ва иқтисодий заарали шаклларига ўрин қолмайди. Демократик тузум аҳолининг сиёсий маданиятисиз ўрнатилиши ва самарали бўлиши мумкин эмас.

Сиёсатшунослик демократик сиёсий-маърифий вазифани бажариш жараённада асосий гуманистик қадриятлар, аввало, ҳар бир шахснинг эркинлиги ва шаъни, унинг табиий ажralmas ҳуқуқларини эътироф этади. Сиёсатшунослик фани фуқарога тегишли ижтимоий тузумни тўғри баҳолаш, унинг давлатдаги ўз ўрни ва ролини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини англашда ёрдам беради. Натижада, фуқаро бошқаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳурмат қилган ҳолда ўз манфаатларини ҳимоя қила олишга, умумий муаммоларни жамоа билан ҳал қилишга ўрганади. Шунингдек, фуқарода демократик тартиботга ва уни таъминловчи давлат ва ижтимоий институтларга нисбатан ҳурмат туйғуси шаклланади.

Сиёсат ва сиёсий фаoliyatning вужудга келиши энг қадими замонлардан бошланар экан, табиийки, сиёсат ҳақидаги дастлабки рисолалар ва сиёсий қарашлар ҳам узоқ ўтмишга бориб тақалади. Сиёсатни англашнинг тарихан дастлабки шакли унинг диний-афсонавий талқини бўлиб, милоддан аввалги II-I минг йилликларда барча қадимги халқларда ҳоки-

миятнинг ва ижтимоий тузумнинг илоҳий келиб чиқиши тўғрисида тасаввурлар ҳукмронлик қилган ҳамда бу тасаввурлар, одатда, афсоналар тарзида ифодаланган.

Тахминан милоддан аввалги I минг йилликда сиёсий қарапшларнинг рационаллашуви кузатила бошланган. Биринчи сиёсий категориялар ва таърифлар, кейинчалик эса фалсафий-ахлоқий шаклдаги қатор таълимотлар пайдо бўлган. К. Ясперснинг қайд этишича, милоддан аввалги IX–III асрлар оралиғида қарийб бир вақтда бир-биридан мустақил тарзда Шарқда – Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Фаластинда ва Farбда – Юнонистонда сиёсий-ҳуқуқий қарапшларни ўзида мужассам этган маданий марказлар вужудга келган<sup>1</sup>. Бу даврда Хитойда Конфуций, Лао-цзи, Мо-цзи асарлари, Ҳиндистонда маънавий-руҳий «эркинлик»ни тарғиб этган диний-фалсафий тизим сифатида Упанишадилар, Хоразм ва Эронда Зардушт таълимоти, Юнонистонда эса Гомернинг «Илиада» ва «Одиссея» достонлари вужудга келган ҳамда буюк мутафаккирлар Гераклит, Демокрит, Суқрот, Платон, Аристотель номлари дунёга танилган. Шу тариқа сиёсатни назарий жиҳатдан таҳлил қилиш асослари яратилган. Бироқ қадимги замон мутафаккирларининг сиёсий тадқиқотлари ҳали мустақил фан сифатида ажралмаган ҳамда фалсафий, ахлоқий фоялар билан узвий боғлиқ эди. Шу ҳол эътиборга моликки, айнан қадимги даврларда ўша мутафаккирлар томонидан биз бугун фойдаланаётган фалсафий ва сиёсий категорияларнинг аксарият қисми ишлаб чиқилган.

Инсоният сиёсий тафаккурининг ғоят катта шитоб билан ўсишида XVI–XIX асрлар оралиғида Farбий Европа мамлакатларида рўй берган иқтисодий, илмий, сиёсий ўзгаришлар муҳим роль ўйнайди. Жумладан, италиялик мутафаккир Н. Макиавелли XVI асрда сиёсий фан, фалсафа ва ахлоқни бир-биридан аниқ ажратиб берди. У сиёсий тадқиқотларни мустақил илмий ўналиш сифатида ажратиб, давлат ва ҳокимият масалаларини таҳлил марказига қўйди, ҳокимият учун кураш услубларини ишлаб чиқди. Унинг ижоди сиёсатшуносликнинг мустақил фан сифатида шаклланишига қўйилган йирик қадам бўлиши билан бирга амалиёт ва назариянинг яқинлашувига

<sup>1</sup> Ирхин Ю.В., Зотов В.Д., Зотова Л.В. Политология. – М., 2000. – С. 31.

шарт-шароит туғдирди. Кейинроқ эса Гоббс, Локк, Монтескиё, Руссо, Мэдисон, Берк, Токвиль каби мутафаккирлар томонидан сиёсий тадқиқотлар янада ривожлантирилди.

Сиёсатшуносликнинг бошқа ижтимоий фанлар таркибидан мустақил фан сифатида ажралиб чиқиш жараёни XIX аср ўргаларидан XX аср бошларига қадар давом этди. Худди шу даврда у мустақил фан сифатида тұлық шаклланды. Бу жараёнда сиёсий тадқиқотлар билан шуғулланған илмий марказлар мұхим роль йүнади. Жумладан, 1871 йилда Францияда «Сиёсий фанларнинг озод (эркин) мактаби» иш бошлади (Хозир бу мактаб Париж университетининг сиёсий тадқиқотлар марказындағы айланған). АҚШнинг Колумбия университетида 1880 йилдан сиёсий фанлар мактаби, Англияда 1895 йилдан иқтисодий ва сиёсий фанларнинг Лондон мактаби, 1903 йилдан бошлаб эса сиёсий фанларнинг Америка ассоциациясы ғаолият юріта бошлади. Бугун бу ассоциация 16 мингдан ортиқ аъзога эга.

Юқорида таъкидланған илмий-тадқиқот марказлари томонидан чоп этилган журнал, турли таҳлилнома ва бошқа хил нашрларда ўша давр сиёсатшунослигининг долзарб муаммолари илмий жамоатчиликка ҳавола этилған.

Сиёсатшунослик шуғулланған муаммолар унда турли гармоқларнинг түркүмләнишига олиб келди. Жумладан, парламентаризм масалалари билан шуғулланған таниқли сиёсатшунос ва социолог Г. Моска 1896 йилда «Сиёсий фан элементлари» номли асарини, В. Парето сиёсий элиталар назариясини, Р. Михельс сиёсий партиялар мөһиятига оид партолология асесларини яратдилар. Шу тариқа XX аср бошларидан сиёсатшуносликнинг мустақил фан сипатида ажралиб чиқиш жараёни ниҳоясига етди. Европада «сиёсат фани» атамасы зерттеушілік, кенг тарқала бошлади. Бирок 1933 йилда Германияда национал социалистларнинг давлат тепасында келиши, сүнгра бошланиб кетген фашистик террор Европада сиёсий тадқиқотлар ривожига чек күйіди. З. Фрейд, Г. Маркузе каби ўнлаб европалик машхұр олимлар АҚШга кетиштеге мажбур бўлдилар. Шу бойынша сиёсий тадқиқотлар маркази ҳам АҚШга кўчди.

Иккінчи жағон урушидан кейин сиёсатшуносликнинг фан сипатида тараққий этишида янги давр бошланди. Бу фанга

муайян мамлакатлар манфаатлари нүктаи назаридан эмас, балки умуминсоний манфаатлар нүктаи назаридан қаралувчи халқаро фан сифатида ёндашиш келиб чиқдики, бунда БМТнинг ташкил топиши ва фаолияти катта ижобий таъсир кўрсатди. Жумладан, АҚШ ва Фарбий Европа мамлакатларининг олий таълим тизимида сиёсатшунослик фани XX асрнинг ўрталарига келиб кенг қамровли ўринни эгаллай бошлади. 1948 йили Парижда БМТнинг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти – ЮНЕСКО ташаббуси билан сиёсатшуносларнинг халқаро конференцияси ўтказилди. Конференцияда сиёсий фанларни сиёсий назария, сиёсий институтлар, партиялар, гуруҳлар, ижтимоий фикр, халқаро муносабатлардан иборат тўрт гурухга бўлиш ҳамда ЮНЕСКО аъзолари бўлган мамлакатлар олий таълим тизимида сиёсатшуносликни фан сифатида ўқитишни йўлга қўйиш таклиф этилди. Фарбий Европанинг барча, Шарқий Европанинг айрим давлатлари ушбу таклифни амалиётга татбиқ этдилар. Шу аснода аста-секин сиёсий фан институтлари тикланди. 1949 йилда сиёсий фанларнинг халқаро ассоциацияси ташкил этилди. 1956 йилда Францияда сиёсий фанлар доктори иммий даражаси жорий этилди. Сиёсий гуруҳлар ва сиёсий мувозанат назарияси бўйича Д. Трумэн, Д. Истон, Р. Тэйлор; сиёсий тизимлар назарияси бўйича Д. Истон, Р. Арон; партиявий тизимлар бўйича М. Дюверже, У. Бернхэм; сиёсатнинг таркибий-функционал масалалари бўйича Т. Парсонс, Ч. Бернард, Р. Мертон каби олимлар дунёга танилдилар. Сиёсатда конфликт ва консенсус назарияси, қиёсий сиёсатшунослик соҳаларида С. Липсет, Г. Альмонд, С. Верба кабилар салмоқли асарлар яратдилар. Натижада, XX асрнинг сўнгги чорагига келиб сиёсатшунослик алоҳида нуфузга эга бўлган фан сифатида шаклланди.

Бироқ собиқ СССР ва унга мафкуравий тобе давлатларда сиёсатшунослик фани ўқитилмади, фанга доир бирор журнал ёки газета нашр этилмади. Чунки мустабид тузум фуқароларнинг сиёсат илмидан хабардор бўлишлари уларда коммунистик партия ва совет давлати сиёсатига нисбатан танқидий, ҳеч бўлмаса таҳлилий ёндашувни шакллантиришидан хавфсирар эди. Факат СССРнинг парчаланиши тезлашгач, яъни 1989 йилдан бошлаб Россияда бу фан плюралистик асос-

да мустақил фан сиғатида ривожлана бошлади. Советлардан кейинги маконда ташкил топган мустақил давлатларда сиёсий таълим ва сиёсий маданият масалалариға қизиқиш оммавий тарзда кескин кучайиб кетди.

Жумладан, Ўзбекистонда ҳам давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши сиёсий фанларни ўрганиш ва ўқитишга нисбатан эскича ёндашувларни батамом ўзгартириб юборди. Мустақиллик шароитида олий таълим тизимини такомиллашибирлишнинг дастлабки чораларидан бири мамлакатимизда сиёсатшунослик фанини ўрганиш ва ўқитишга киришишдан иборат бўлди. Чунки, амалга оширилаётган сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларнинг самарали бўлиши фуқароларнинг сиёсий фан ва демократик маданият асосларидан қанчалик хабардорликларига бевосита боғлиқdir. Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва жамиятни сифат жиҳатдан янги поғонага кўтариш фуқаролардан аввалгидек қарам, муте, беспарво бўлиб қолишни эмас, балки эркин, мустақил мушоҳада, сиёсий маданиятда кескин ўзгаришлар ясаш, бозор иқтисадиётига ва демократияга мос бўлган омма менталитетини шакллантиришни тақозо этмоқда. Мустақиллик ва ўзликни англашнинг кучайиши жараёнида ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида сиёсий фаолият, давлат, сиёсий партиялар, но давлат, ноҳукумат ташкилотларининг иш усулларини, сиёсат ва инсон, давлат ва жамиятнинг ўзаро муносабатини, сиёсатшуносликнинг асосий тушунчаларини англашга бўлган эҳтиёж тобора кучаймоқда. Шу боис сиёсатшуносликни ўрганиш инсон камолотининг, мамлакатда демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг зарур шартига айланмоқда. Шу муносабат билан мамлакатимиз Президенти И. А. Каримов: «Кўп асрлик тарихимиз шуни кўрсатадики, инсон дунёқарашининг шаклланишида маърифатнинг, хусусан, ижтимоий фанларнинг ўрни бекиёс. Бу жамиятшунослик бўладими, психология ёки иқтисод бўладими – уларнинг барчаси одамнинг интеллектуал камолотга эришувида катта таъсир кучига эга»<sup>1</sup>, деб таъкидлаган эди.

<sup>1</sup> Каримов И. А. Миллий истиқолол мағкураси – ҳалқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончdir. // Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаронов ҳаёт – пирорвард мақсадимиз. Т. 8 – Т., 2000. –Б. 504.

Мамлакатимиз олий ўқув юртларида 1992 йилдан бошлаб сиёсатшунослик фанини ўқитиш йўлга қўйилди. Бу ҳаракат, аввало, сиёсий билимларга нисбатан ижтимоий эҳтиёжни қондириш воситаси, иккинчидан, ҳар бир киши ва бутун жамиятнинг сиёсий онги ҳамда маданиятини юксалтиришга қаратилган узлуксиз тадбирдир. Чунки фуқароларнинг оқилона қарорлар қабул қилиши, сиёсатда иштирок этиш қобилияти стихияли (тартибсиз) тарзда шаклланмайди, балки етарли билим ва тажрибани мунтазам ўзлаштириш натижасида вужудга келади. Бундай қобилият эса айнан сиёсатшуносликни чуқур ўзлаштириш ва юқори сиёсий маданиятга эришиш туфайли шаклланади.

Бироқ собиқ Иттифоқ даврида бошқа ҳалқлар қатори ўзбек ҳалқи ҳам сиёсатшунослик фанини ўрганиш имкониятидан маҳрум қилиниб, ҳалқ сиёсатшуносликдан, сиёсатшунослик эса ҳалқдан ажратилди. Бу фанга кибернетика, генетика, социология ва бошқа фанлар каби «сохта фан», «буржуа фани» деб тамға босилди. Фақатгина мустақиллик туфайли сиёсатшуносликни фан сифатида қарор топтиришга ва унинг мавқеи билан боғлиқ залворли ишларни амалга оширишга имкон яратилди. Янги сиёсий воқеликларни таҳлил ва тадқиқ этиш жараёнида шаклланаётган Ўзбекистон сиёсий фани ривожида Р. З. Жумаев, С. А. Жўраев, Б. К. Иминов, И. Эргашев, А. Қ. Қодиров, Ш. Ф. Фойибназаров каби олимларнинг ҳиссалари катта. Уларнинг тадқиқотларида Ўзбекистонда демократик тизимнинг шаклланиши, сиёсий онг, демократлаштиришнинг ўзига хосликлари, сиёсий маданият каби муҳим масалалар ўз ифодасини топди. Бугун мамлакатимиз олий ўқув юртларида сиёсатшунослик фани нуфузини янада юксалтириш борасида кўплаб ёш иқтидорли олимлар самарали меҳнат қилмоқдалар.

Бугун Ўзбекистонда сиёсатшуносликнинг фан сифатидағи обрўсими оширишга давлат миқёсида эътибор берилмоқда. Президент ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси, Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институтининг ташкил этилиши, И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳукуқ институти қошида сиёсатшунослик бўлимининг, олий ўқув юртларида ўнлаб сиёсатшунослик кафедраларининг фалият юритаётганлиги фикримизнинг далилидир. Шу ўрин-

да таъкидлаш жоизки, Президент И. А. Каримовнинг қатор асарларида ижтимоий фанларни ўқитишни тубдан янгилаш масалалари билан бир қаторда, ҳозирги замон ўзбек сиёсат илмининг асосий қоидалари ҳам ўз ифодасини топди.

Мустақиллик шароитида жамият ҳаётининг эркинлашуви, демократиянинг кириб келиши, эски сиёсий тузумнинг янгиси билан алмашинуви, аҳоли катта қисмининг сиёсатга эътиборининг кучайиши, сиёсий партия ва ҳаракатлар, фуқаролик жамиятининг асосий институтлари бўлган нодавлат ва жамоат ташкилотларининг нуфузи ва таъсирининг кенгайиши сиёсатшунослик фани ролининг янада ошиб боришини кўрсатмоқда. Бу эса, қайси соҳада мутахассис бўлиб етишишидан қатъи назар, ҳар бир талабадан бу фанга масъулият билан ёндашишни талаб этади. Бироқ мутахассисликка оид фанларга нисбатан сиёсатшуносликни «иккинчи дарражали фан» деб қараш ҳам айрим талабалар тафаккурида мавжудлиги сир эмас. Албатта, ҳар бир талаба сиёсатчи бўлиши шарт эмас. Лекин ҳар бир олий маълумотли мутахассис, хусусан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходими ўз касбий фаолиятини «давлат» деб аталувчи муҳим ижтимоий-сиёсий институт доирасида амалга оширап экан, у қонун ҳимоячиси сифатида объектив жиҳатдан мамлакатдаги сиёсий жараёнларнинг иштирокчиси ҳисобланади. Шу сабабли жамият ҳаётидаги сиёсий жараёнларга хос бўлган қонуниятларни билиш ички ишлар идоралари ходимининг касбий тайёргарлигига муҳим ўрин тутади. Чунки мураккаб ижтимоий жараёнлар шароитида мустақил, пухта ўйланган, халқ ва давлат манбаатларини биринчи ўринга кўйган ҳолда масъулият билан ёндашиш учун нафақат чуқур ва кенг ҳуқуқий, фалсафий, ахлоқий, балки сиёсий билим ва маданият ҳам зарурдир. Сиёсатшуносликни ўрганиш бугунги даврнинг долзарб муаммоларини мушоҳада этишга, сиёсатда юксак ахлоқий таъиабларга риоя қилишга, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда одамлардаги имконият, ютуқ ва камчиликларни аниқ тасаввур қила олишга ёрдам беради. Сиёсий билимларни пухта ўзлаштирган ички ишлар идоралари ходими мураккаб сиёсий ҳодиса ва жараёнлар моҳиятини, сиёсатнинг жамият ҳаётига таъсирини теранроқ англаб, қонунларни тайёрлаш ва уларни ҳаётга татбиқ этишга оид муаммо-

ларни яхшироқ тасаввур этади. Фуқаро ҳуқуқий билимлардан қанчалик чуқур хабардор бўлса, жамият сиёсий ҳаётидағи фаолиятида ўзига шунчалик чуқур ишонади ва масъулиятни ҳис эта олади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходими учун ҳам сиёсат дунёсида тўғри йўналишни аниқлаб олиш, сиёсий жараёнлар ривожланишидаги қонуниятларни, сиёсий иштирок, сиёсий етакчилик санъати, сиёсий раҳбарлик принциплари ва усуллари моҳиятини билиш катта аҳамиятга эга. Хуллас, ҳуқуқшунос сиёсатшунослик фанини қанчалик пухта билса, унинг сиёсий дунёқараши ва маданияти шунчалик бой бўлади.

Замонавий сиёсий билимларни эгаллаш сиёсатни сиёсатбозликдан, давлатни диктатурадан, демократияни анархиядан ажратиш, давлат, партия ва бошқа жамоат ташкилотларининг жамиятдаги ўрни ва вазифаларини теран англаб олиш имконини беради. Қолаверса, бу фанни ўрганиш ҳар бир фуқарога давлат ва жамият тизимини чуқурроқ билишга, ижтимоий-сиёсий ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини топишга ёрдам беради, бошқалар билан муроса қила олишга, адолатли яшашга ўргатади. Сиёсатшуносликни менсимаган, сиёсий тафаккур мактабини ўтамаган киши жамиятда ўз ўрнини яхши ҳис эта олмай, маъмурий-буйруқбозлик тазиики олдида ожиз қолади, ўзи ва бошқаларнинг манфаатларини дадиллик, босиқлик билан ҳимоя қила олмайди.

Демак, ижтимоий ҳаётда демократик қадриятларни мустаҳкамлаш, одамларнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллигини ошириш, эски тузум асоратларига барҳам бериб, демократик ўзгаришлар кўламини кенгайтириш ҳамда чуқурлаштириш учун ҳар бир киши сиёсий тафаккур мактабини ўташи, сиёсатшуносликни қунт билан ўрганиши лозим. Қолаверса, сиёсатшуносликни ўрганиш нафақат алоҳида шахс, балки бутун жамият учун ҳам катта аҳамиятга эга. Бу фанни чуқур эгаллаш жамиятни демократлаштириш ва ислоҳ этиш вазифаларини ҳал этишда муҳим ўрин тутади. Шу боис ҳар бир талаба, тингловчи ва курсант унга асосий фанлардан бири сифатида қарashi, уни астойдил қунт билан ўрганиши зарур.

## 2. Сиёсатшуносликнинг предмети, қонуниятлари ва категориялари

Хўш, сиёсатшунослик нима? У жамият ҳақидаги фанлар тизимида қандай ўрин эгаллади? Унинг предметини нима ташкил этади?

«Сиёсатшунослик» атамаси луғавий маъносига кўра юононча «politiка» – давлат ёки ижтимоий ишлар ҳамда «logos» – таълимот сўзларининг бирлишидан ташкил топган бўлиб, сиёсат ҳақидаги таълимот деган маънони англатади. Бу ҳақда биринчи атамани Аристотель ( мил. ав. 384–322 й.), иккинчи атамани эса Гераклит (мил. ав. 530–470 й.) илмий муомалага олиб кирган.

Сиёсат инсонларнинг ўзига хос фаолияти сифатида қадим замонларда ёк илмий тадқиқотларнинг обьектига айланган. Сиёсатга оид билимлар сиёсий тафаккурнинг илк кўринишлари сифатида 2,5 – 3 минг йил аввал пайдо бўлган. Аввалиари сиёсатга оид билимлар фалсафанинг узвий бир бўлаги ҳисобланган. Платон ( мил. ав. 427–347 й.) сиёсатшуносликка оид асарларини «Қонунлар», «Давлат», Аристотель эса «Политика» деб номлаган. Қадимги Гречия ва Римда полис – давлат ва жамият қурилишининг ўзига хос шакли бўлиб, у ўз ҳудудида яшовчи эркин мулкдорлар ва ишлаб чиқарувчи жамоаларнинг иқтисодий ҳамда сиёсий суворенитетига таянган. Бу суворенитет ҳар бир фуқарога шаҳар–давлат, яъни полис ҳаётига оид муҳим масалаларни ҳал этишда иштирок этиш, энг муҳими, ҳалқ йиғинида овоз бериш орқали қатнашиш ҳуқуқини таъминлаган ҳамда муайян мажбуриятлар юклаган.

( Сиёсатшунослик жамият ҳақидаги фанлардан бири сифатида ижтимоий-сиёсий фанлар тизимида муҳим ўрин тутади ҳамда сиёсатни ўрганишда ўзига хослиги, мақсад ва вазифалари билан ажralиб туради. У ҳам фалсафа, иқтисодий назария, социология, этика, ҳуқуқшунослик, диншунослик ва бошқа фанлар сингари жамият ҳасти, ижтимоий муносабатларни ўрганиади. Бироқ сиёсатшунослик ўзининг тадқиқот обьектига кўра бошқа ижтимоий фанлардан фарқ қиласди. Унинг предметини ижтимоий, иқтисодий, маънавий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний соҳаларнинг моҳияти ва ўзига хос муаммолари эмас, балки сиёсий соҳанинг табиати ва ўзига хос му-

аммолари, сиёсий ҳокимиятнинг амалга оширилиши билан боғлиқ муносабатлар ташкил этади. У жамиятда ижтимоий тартибни, адолатни таъминловчи сиёсий институтлар ҳақидаги фандир.

Сиёсат анъанавий соҳа бўлганлиги боис нафақат сиёсатшунослик, балки фалсафа, социология, иқтисодий назария, психология, ҳуқуқшунослик, тарих, сиёсий тарих, давлат ва ҳуқуқ назарияси, маданиятшунослик, мантиқ, география ва бошқа фанлар билан ҳам доимо алоқада бўлган. Жумладан, ҳуқуқшунослик фанларидан давлат ва ҳуқуқ назарияси, маъмурий ҳуқуқ, сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи, ҳалқаро ҳуқуқ кабилар сиёсат объектлари ва давлат сиёсати масалаларини бевосита ўрганади. Сиёсатшунослик фани юқоридаги ҳуқуқий фанлар билан боғлиқ бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг хилма-хил масалаларини ўрганишда уларда ишлаб чиқилган назарий хуросаларга, амалий тажрибаларга асосланган ҳолда иш олиб боради ҳамда жамиятдаги сиёсий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалардан, умуман бу фанларнинг ютуқ ва имкониятларидан фойдаланади.

Гарчи унинг предмети ва мазмуни бошқа ижтимоий-сиёсий фанлардан фарқ қиласа-да, бироқ сиёсий жараёнлар ва муносабатларнинг кечишини ўрганишда бошқа ижтимоий-сиёсий фанларнинг хуросаларига таянади, уларда ишлаб чиқилган назарий қоида ва хуросаларнинг моҳиятини умумлаштиради.

Жамият ҳаётида бирор-бир сиёсий ўзгариш, сиёсий воқеа-ҳодисалар сиёсатнинг таъсиридан четда қолмайди. Шу боис сиёсатшунослик фан сифатида жамият ҳаётининг турли соҳаларидаги ўзгаришларда сиёсатнинг ўрни ва ролини илмий-назарий жиҳатдан асослайди. Бу ҳол, шубҳасиз, унинг бошқа сиёсий фанлар билан боғлиқлигини, ўзаро алоқаларини ифодалайди. Бундай алоқадорлик сиёсий фанларда жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва муносабатларига даҳлдор масалаларни ўрганиш билан ҳам белгиланади.

Масалан, фалсафа сиёсатнинг бирмунча умумий томонларини ўрганади. Сиёсий муаммолар, воқеа-ҳодисаларни фалсафий жиҳатдан умумлаштириш асосида ишлаб чиқилган назарий қоида ва хуросалар, фалсафага хос умумий қонуниятлар сиёсатшунослик фани учун методологик асос бўлиб

хизмат қиласы. Бу каби ҳолат сиёсатшуносликнинг фалсафа фани билан қанчалик боғлиқ эканлигини күрсатади.

Сиёсий фанларнинг ҳар бири жамият ҳаётига оид масалаларни турли томондан ўрганганлиги учун ҳам биз жамият, унинг ривожланиши тўғрисида аниқ тушунча ва билимга эга бўламиз.

Шунингдек, сўнгги йилларда фанларнинг тарихий тараққиёт давомида табиий равишдаги бўлинини ҳамда фанлараро меҳнат тақсимотининг рўй бериши сиёсатни у ёки бу жиҳатдан таҳлил этувчи сиёсий назария, сиёсий институтлар тўғрисидаги таълимот, сиёсий социология, халқаро сиёсат назарияси, сиёсий таълимотлар тарихи, сиёсий антропология, сиёсий психология, сиёсий география, сиёсий экология, сиёсий астрология каби масалалар билан шуғулланувчи оралиқ фанларни вужудга келтирди.

Жумладан, сиёсатшунослик ва бошқа фанлар орасида оралиқ мавқени эгалловчи фанлардан бири сиёсий социология сиёсат ва жамият, ижтимоий тузум ва сиёсий институтлар ўртасидаги ўзаро алоқадорликни; сиёсий психология инсон ҳиссиётлари ва иродаси, эътиқодининг умуман, сиёсий хулқ-атворнинг сиёсатга таъсирини; сиёсий антропология инсондаги биологик, интеллектуал, социал, маданий, диний ва бошқа хусусиятларнинг сиёсатга таъсирини ўрганса, сиёсий география сиёсий жараёнларнинг ҳудудий жойлашиш, иқтисодий-географик, табиий иқлим шароитлари ва бошқа табиий омиллар (денгиз ва океанларга яқинлик, кучли давлатлар билан кўшничилик) билан боғлиқлигини ўрганади. Сиёсий астрология эса, гарчи хуласалари тахминий ва шубҳали бўлса-да, фазо, юлдузлар жойлашиши, қўёш фаоллигининг сиёсий ҳодисалар, оммавий хулқ-атвор ҳамда сиёсий фаолликка таъсирини ўрганади.

Демак, сиёсатни турли фанлар нуқтаи назаридан ўрганиш имконияти мавжуд ва айни пайтда юқорида қайд этилган фанларнинг бирортаси ҳам сиёсат тўғрисида яхлит, тугал тасаввурни бермайди. Улардан ҳеч бири сиёсатни ўзига хос ижтимоий ҳодиса сифатида яхлитлигича маҳсус ўрганмайди. Сиёсатшунослик эса сиёсат соҳаси билан боғлиқ бўлган билимлар тўғрисида ана шу вазифани амалга оширади.

Сиёсат нима? У жамиятни тартибга солиш ва ўзгартиришга

қодирми? Агар қодир бўлса, уни қай аҳволда тартибга солади ва ўзгартира олади? Сиёсий ҳокимият нима? Давлат билан фуқаронинг, ҳокимият билан халқнинг бир-бирига муносабати қандай тамойиллар асосида қурилмоғи керак? Демократик давлат нима? Уни қандай барпо этиш мумкин? Ушбу сиёсий масалалар бўйича умумназарий тадқиқотлар олиб бориш сиёсатшуносликнинг предметини ташкил этади ва бу саволларга батафсил жавоб беради.

Модомики шундай экан, сиёсатшунослик нимани ўрганинди, яъни унинг предмети нима, деган савол туғилади. Бунга қуидагича жавоб бериш мумкин. *Сиёсатшунослик жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатларини ҳамда жаҳон сиёсатининг намоён бўлиши ёки таъсир этиши хусусиятларини ўрганувчи фандир.*

Жамиятни бошқариш ва ундаги муаммоларни ҳал қилишга дахлдор бўлган давлат, сиёсий партиялар ва ҳаракатлар, халқаро сиёсий ташкилотлар, жамоат ташкилотлари, шунингдек, ижтимоий гурӯҳларнинг сиёсий фаолияти ҳам сиёсатшуносликнинг предметини ташкил этади.

Бу фаннинг предмети тўғрисида бошқа бир қатор таърифлар, қарашлар ҳам мавжуд. Бироқ уларнинг ҳаммаси моҳиятан бир-бирига ўхшашидир.

1. Сиёсатшунослик жамиятда ҳокимиятни анъанавий тарзда амалга оширувчи давлат, партиялар ва бошқа институтларни, шунингдек, бошқа сиёсий институтларни тадқиқ этувчи фандир. Фаннинг предмети хусусидаги бундай анъанавий қараш у ўрганадиган бош обьект – давлат, унинг тузилиши ва фаолияти бўлганлигидан келиб чиқади.

2. Сиёсатшунослик – сиёсий институтлар ва сиёсий жараёнлар, сиёсий маданият, халқаро тизимлар, уларнинг механизм ва воситалари ҳамда амалиётини ўрганувчи фан. Бу таърифга кўра сиёсий ташкилотларнинг шаклланиши ва ривожи, сиёсий маданият ва мафкура, халқаро тизимлар ҳамда умумбашарий тараққиётнинг сиёсий муаммоларини ўрганиш сиёсатшунослик фанининг асосий йўналишидир.

3. Сиёсатшунослик – жамиятнинг сиёсий тизими, сиёсий жараёнлар ва сиёсий ҳокимият, унинг асосий таркибий қисмлари, давлат ҳокимияти, сиёсий партиялар, сиёсий ташкилотлар ва ҳаракатлар билан ўзаро муносабатда бўлган турли

ижтимоий турұхлар, фуқароларнинг ўрни ва роли, ҳокимиятта муносабат, уни сақлаб туриш механизми ва воситалари, жараёнлари ҳамда амалиётини ўрганадиган фан.

Фикримизча, сүнгги таъриф ўзининг кенг қамровлилиги ва равонлиги билан эътиборга моликдир.

Масалани янада соддароқ баён қилиб айтиш мүмкінки, сиёсатшуносликнинг предмети – сиёсат. Сиёсат эса сиёсий ҳокимиятни шакллантиради. Демак, сиёсатга оид фан ҳақида сүз юритганда муайян маңнода ҳокимият ҳақидағи фанни назарда тутган бўламиз.

Аммо кейинчалик сиёсатшунослик предмети бошқа сиёсий фанлар ўрганмайдиган масалалар, масалан, сиёсий жараёнлар, сиёсий хулқ-атворт, сиёсий тизимлар ва ҳоказолар ҳисобига кенгайиб борди. Натижада, дунёда сиёсатшуносликни сиёсат ҳақидағи умумий, ягона, айни пайтда кўп таркибли фан сифатида қабул қилиш, уни сиёсат ва унинг шахс ҳамда жамият билан ўзаро таъсири тўғрисидаги ягона, интеграл фан деб эътироф этиш кенг тарқалмоқда<sup>1</sup>. Айрим олимларнинг фикрича<sup>2</sup>, бу фанга бундан-да аниқ умумий таъриф бериш мүмкін эмас. Бу, аввало, «сиёсат» атамасининг кўп маънолилigi, уни тавсифлашнинг хилма-хил усуслари мавжудлиги, сиёсатшунослик предмети ҳақидағи тасаввурларнинг мунозаралилиги билан изоҳланади. Шуларнинг барчасини ҳисобга олиб, айрим музаллифлар мазкур фанга умум эътироф этувчи таъриф излашдан воз кечиш керак, деб ҳисоблайдилар.

Сиёсатшуносликнинг фан сифатидаги ўзига хос жиҳати шундаки, у барча ижтимоий жараёнларни сиёсий ҳокимиятга нисбатан ўрганади. Шунинг учун ҳам айнан «сиёсий ҳокимият» категорияси сиёсат феноменининг моҳият ва мазмунини тўлиқ очиб беради. Қаердаки ҳокимият учун кураш мавжуд экан, у ерда сиёсат бўлади. Ҳокимиятсиз сиёсатнинг ёки сиёсатнинг ҳокимиятсиз мавжуд бўлиши мүмкін эмас, чунки сиёсат ҳокимият орқали амалга оширилади. Шуни таъкидлаш жоизки, сиёсатшунослик сиёсий институтларни жа-

<sup>1</sup> Пугачев В.П., Соловьев А.И. Сиёсатшуносликка кириш. – Т., 2004. – Б. 31.

<sup>2</sup> Немис олими П. Ноак сиёсатшуносликни сиёсий назария, сиёсий институтлар тўғрисидаги таълимот, сиёсий социология, халқаро сиёсат назариясидан иборат фан деб ҳисоблайди.

мият, фуқаролар билан ўзаро алоқадорликда деб билади. Чунки сиёсий институтлар кишилар ижтимоий ҳаётининг ташкилий шакли, фуқаролар эса сиёсий институтларнинг ижтимоий манбаидир.

Шунинг учун сиёсатшуносликни сиёсий ҳокимиятни ким, қайси сиёсий ёки ижтимоий гуруҳлар томонидан қандай мақсадлар, манфаатлар ва принциплар асосида амалга ошириши қизиқтиради.

Сиёсатшунослик фани сиёсий ҳокимият, уни амалга оширишда ўрнатилган сиёсий режим фаолияти доираси, шунингдек, муайян гуруҳлар мавқеи ва муносабати, ҳокимият қамрови, уни бошқариш усувларини аниқлаб беради.

Хуллас, яхлит ижтимоий ҳодиса сифатида сиёсатнинг мөҳиятини ёритиш сиёсатшуносликнинг предметидир.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, сиёсатшунослик жамиятдаги сиёсий жараёнларга таъсир кўрсатишда катта имкониятларга эга. Сиёсий жараёнларнинг бориши, унда иштирок этаётган сиёсий кучлар томонидан сиёсатнинг идрок этилиши, уларнинг мақсад ва маслаклари, ташаббуслари, фаоллик даражалари сиёсатда ўз ифодасини топади.

Сиёсатшунослик жамият ҳаётининг сиёсий соҳасини ўрганар экан, унда жамиятни бошқаришнинг асосий институтлари, давлат, партиялар ва бошқа сиёсий-ижтимоий ташкилотларнинг ўзаро муносабатлари мазмунини, характеристини ҳам ҳисобга олади. Чунки сиёсий муносабатларнинг натижаси кўпроқ ана шуларга боғлиқ бўлади.

Сиёсатшунослик фанида жамият сиёсий ҳаёти, уни ҳаракатга келтирувчи сиёсий тузилмалар ва механизмлар фаолиятини ўрганиш етакчи ўринни эгаллайди. Яъни, у асосий эътиборни сиёсий институтларнинг асл мөҳиятини ташкил этган давлат, парламент, ҳукумат, сиёсий муассасалар ва партиялар ролини ўрганишга қаратади.

Агар сиёсий институтларни, гуруҳларни сиёсатнинг субъектлари тарзида тасниф қиласиган бўлсак, уларни икки турга ажратиш мумкин. Биринчиси, ижтимоий гуруҳлар, миллатлар ва бошқа ижтимоий қатламлар ўртасидаги муносабатлар, иккинчиси, сиёсий ҳокимият, сиёсий партиялар, ҳаракатлар билан муайян сиёсий кучлар ўртасидаги муносабатлар. Бир-бирига тўлиқ мос келадиган ёки бири иккинчисини

үйғунлаштирадиган мақсадлар йўлида сиёсий кучлар ўзаро ҳаракат қилиши ва консенсусга эга бўлишига сиёсий ҳамкорликка эришиш дейилади.

Сиёсий кучларнинг ўзаро муносабатларида бир-бирига мос келмайдиган ҳолатлар айрим ҳолларда сиёсий ихтилофларга сабаб бўлади. Сиёсий муносабатларда бундай ҳолатларни ҳисобга олиш сиёсатдаги стратегик мақсадларни амалга оширишнинг муҳим омили ҳисобланади.

Демак, сиёсатшуносликнинг обьектини жамиятнинг сиёсий тизими, сиёсий институтлар ва турли гуруҳлар, предметини эса сиёсат, сиёсий муносабатлар ва ҳокимиятнинг ривожланиш қонуниятлари ташкил этади.

Бошқа ижтимоий фанлар сингари сиёсатшунослик ҳам муайян қонуниятларга мувофиқ иш олиб боради. Айрим муаллифлар/сиёсатшуносликнинг асосий қонуниятларини уч гуруҳга бўладилар.

1. Сиёсий-иқтисодий қонуниятлар — жамиятнинг иқтисодий базиси билан сиёсий ҳокимият ўртасидаги ўзаро алоқадорликни акс эттиради.

2. Сиёсий-ижтимоий қонуниятлар — сиёсий ҳокимиятнинг ўзига хос ижтимоий тизим сифатидаги ривожланишини характерлайди. Бу асосий қонуният сиёсий ҳокимиятнинг барқарорлигини мустаҳкамлашни ифода этади.

3. Сиёсий-психологик қонуниятлар — шахс ва ҳокимият ўртасида амал қилувчи муносабатлар мажмунини ташкил этади. Бу қонуниятдаги энг муҳим жиҳат сиёсий ҳокимиятни қўлга киритиш ва уни ушлаб туришдир. Бу қонуният биринчи бўлиб Н. Макиавелли томонидан таърифлаб берилган,

Сиёсатшуносликнинг қонуниятлари обьектив характерга эга бўлиб, улар айрим адабиётларда<sup>1</sup> икки гуруҳга ажратиб кўрсатилган.,

Биринчи гуруҳга мамлакатларнинг ички сиёсий ҳаётида амал қиласидиган қонуниятлар киради. Булар ижтимоий ҳаётни демократлаштириш, сиёсий ҳокимият механизмларидан самарали фойдаланиш, сиёсий бошқариш принципларига амал қилиш сингари кўплаб умумий қонуниятлардир.

<sup>1</sup> Носирхўжаев С., Сафарбоев М., Султонов К. Сиёсатшунослик фанидан кўргазмали методик кўлланма. – Т., 1997. – Б. 13.

Иккинчи гурухни халқаро сиёсий муносабатлар доирасида амал қиладиган умумий қонуниятлар ташкил этади. Буларга турли давлатлар билан сиёсий ҳамкорликни амалга ошириш, халқларнинг тинч-тотув яшаши учун кураш, халқаро низо ва келишмовчиликларни бартараф этишда сиёсий воситалардан фойдаланиш, умумбашарий муаммоларни ҳал қилишда сиёсат кучидан фойдаланиш каби умумий қонуниятлар киради.

Бугунги кунда россиялик олимлар сиёсатшуносликнинг қонуниятлари тўғрисида қўйидаги янги талқинларни ҳам илгари сурмоқдалар:

- сиёсий ва ҳуқуқий маданиятнинг ривожи баробарида одамларнинг жамият сиёсий ҳаётида онгли равишда иштироки кенгайиши туфайли сиёсатнинг демократлашув тенденциялари кучайиши;
- тараққиётнинг ўтиш босқичларида сиёсий лидерлик ролининг ошиши;
- тарихий тараққиётнинг мураккаб даврларида сиёсий фаолиятга қатнашувнинг фаоллашуви ва ҳоказолар<sup>1</sup>.

Сиёсатшуносликнинг моҳияти ва мазмунини ифодалашда унинг категориялари муҳим аҳамиятга эга. Сиёсатшуносликнинг категориялари ҳам бошқа ижтимоий-сиёсий фанларнинг категориялари каби шу фанда ўрганиладиган масалаларни умумий тарзда ифодалашда қўлланилади. “Категория” тушунчаси сиёсий фанларда жамият ҳаётида рўй берадиган воқеа-ҳодисалар, ўзгаришларни умумий тарзда ифодалашга хизмат қилади.

Сиёсатшунослик категорияларига «сиёсат», «сиёсий ҳокимиёт», «сиёсий жараёнлар», «сиёсий ҳаёт», «сиёсий муносабат», «сиёсий фаолият», «сиёсий партиялар», «сиёсий ташкилотлар», «сиёсий институтлар», «сиёсий тизим», «сиёсий онг ва маданият», «сиёсий қадриятлар», «халқаро сиёсий муносабатлар», «сиёсий қатнашув», «сиёсий бегоналашув», «жон сиёсати», «геополитика» ва бошқалар киради.

Бу тушунчаларнинг ҳар бири ўз сиёсий мазмунинга эга бўлиб, сиёсий жараёнлар тизимида намоён бўлади. Масалан, сиёсат давлат ишларида иштирок этиш, давлатнинг йўнали-

<sup>1</sup> Ирхин Ю.В., Зотов В.Д., Зотова Л.В. Политология. – М., 2000. – С. 25.

шини, фаолият мазмунини, шакли ва вазифаларини белгилашда иштирок этиш, сиёсий ҳокимият эса муайян ҳалқ, синф, гуруҳ, шахс сиёсатида ифодаланган ироданинг амалга оширилиш имкониятини англатади. Жамият ва сиёсатнинг фундаментал асосларидан бири бўлган сиёсий ҳокимият турли эрк-иродаларнинг ҳокимият учун тўқнашувида сиёсий кучлар мувозанати сифатида вужудга келади.

«Сиёсий тизим» категорияси давлат ҳокимияти ва бошқарувини шакллантириш ҳамда амалда рўёбга чиқариш билан боғлиқ муносабатлар, ҳаракатлар, ташкилотлар моҳиятини, сиёсий жараён категорияси эса индивидлар, гуруҳлар, ҳокимият институтларининг ўзига хос ўрни ва вазифаларини амалга ошириш учун бир-бирлари ҳамда давлат билан ўзаро муносабатлари моҳиятини очиб беради.

«Сиёсий институтлар» категорияси ижтимоий субъектлар ўртасидаги сиёсий муносабатларни тартибга солиб турувчи, муайян субъектларнинг манфаатини кўзлаб иш кўрувчи давлат, ҳуқуқий, сиёсий, ижтимоий муассаса ва ташкилотлар.

«Сиёсий ҳаёт» категорияси эса сиёсий ҳокимиятни жорий қилиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий ҳаётнинг бир қисми, соҳасини ифода этади.

Сиёсатшунослик категориялари умумийлик хусусиятига эга бўлиб, бошқа ижтимоий-сиёсий фанларнинг ҳам категорияси ҳисобланади. Масалан, онг муаммосини социология фани гуруҳ онги, давлат ва ҳуқуқ назарияси эса ҳуқуқий онг муаммоси сифатида, сиёсатшунослик фани эса сиёсий онг муаммоси тарзида ўрганади, маданиятни сиёсий маданият тарзида таҳлил этади.

Сиёсатшуносликнинг категориялари сиёсатга дахлдор масалаларни ойдинлаштиришга, бир тушунча орқали кенг маъноли фикрни умумлаштирган ҳолда ифодалашга хизмат қиласди.

### 3. Сиёсатшуносликнинг вазифалари ва усуслари

Ҳар қандай фан сингари сиёсатшунослик ҳам муайян вазифаларни бажаради. Сиёсатшуносликнинг сиёсий-маърифий вазифалари юқорида умумий тарзда ёритилганлиги боис, қуйида ушбу фаннинг аниқ вазифалари хусусида тўхталамиз:

I. Сиёсий ҳодисаларни билиш вазифаси. Бу вазифа орқа-

ли инсон онгига сиёсий воқелик, унинг ривожланиши ҳақида умумий билим ва тасаввурлар ҳосилт бўлади. Жамиятниңг сиёсий ҳаётида рўй берадиган воқеа-ҳодисалар ва ўзгаришлар илмий-назарий жиҳатдан асосланади.

2. Тушунтирувчилик вазифаси орқали сиёсатшунослик сиёсий ҳодисалар ва жараёнларни тушунтиради. Сиёсий ҳаётда пайдо бўлувчи саволларга (хусусан, нимага, қандай сабабларга кўра муайян ҳолат келиб чиқди каби) жавоб беради. Сиёсий тизимларниң, давлат институтлари ва ижтимоний-сиёсий ташкилотларниң ўрнини, вазифаларини, уларниң ўзаро муносабатларини тушунтириб беради.

3. Сиёсатшунослик сиёсий ҳодисалар ва жараёнларни тушунтирибгина қолмай, баҳолайди ҳам. Бунда унинг баҳолаш вазифаси ўз ифодасини топади. Жаҳон тажрибаси сиёсий қарашларни ягона мафкурага бўйсундириш ғоясининг асоссизлигини ҳамда сиёсий фикр ва демократия ривожига зид эканлигини кўрасатди. Ҳозирги даврда сиёсий институтлар хилма-хилтиги ва сиёсий плюрализм авторитаризм ва тоталитаризм ғоясига зид равишда аҳолининг жамият сиёсий ҳаётида кенгроқ иштирок этишини таъминламоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда сиёсатшунослик сиёсий тузумни, ундаги сиёсий тартибларни, муассасаларни, ҳулқ-атвор ва воқеаларни синфийлик нуқтаи назаридан эмас, балки умуминсоний қадриятлар, ижтимоний эҳтиёжлар асосида баҳолайди.

4. Сиёсий билимларни тўплаш, тўлдириш ва бойинтиш, қонун ва тушунчаларни ишлаб чиқиш орқали сиёсатшунослик мавжуд сиёсий тузилмалар фаолиятини, уларни янгидан ташкил этиш тамоийларини назарий акс эттирадики, бу унинг назариётчилик вазифасига киради.

5. Сиёсий жараёнларни таҳтил қилишнинг муайян йўлларини ишлаб чиқиш сиёсатшуносликнинг услубий вазифасида ўз ифодасини топади.

6. Сиёсий воқелик далилларини ўрганиш, тўплаш, уларга тавсиф бериш, далилларни тизимлаштириш, шу асосда сиёсий тараққиётниң қонуниятларини очиб бериш сиёсатшуносликнинг тавсифлаш, баён қилиш вазифасига киради.

7. Сиёсатшунослик фақат назария эмас, балки амалиёт ҳамдир. Амалий сиёсат билан боғлиқ вазифаларни бажариш асосида сиёсатшунослик «Кўзланган сиёсий мақсадни амалга

ошириш учун қандай қарор қабул қилиш лозим ёки қандай амалий ҳаракат қилиш керак?» каби саволларга жавоблар тақлиф қиласы.

8. Сиёсатшуносликнинг энг асосий вазифаларидан бири аҳолининг сиёсий маданиятини шакллантиришдир. Зоро, сиёсий маданият жамиятни бирлаштиришга, элита ва электорат муносабатлари барқарорлигини таъминлашга, фуқарога ўз ҳуқуқлари, сиёсий вазифа ва манфаатларини амалга оширишда имкон берувчи муайян кўникмаларни эгаллашга ёрдам беради.

9. Шу асосда сиёсатшунослик ғиёсий хулқ-атворни тартибга солиш ва сиёсий ҳаётни мукаммаллаштириш вазифаларини ҳам бажаради.

10. Сиёсатшунослик башорат қилиш вазифасини ҳам адo этади. Сиёсий қарорлар қабул қилишда, сиёсий жараёнлар ва муносабатларни моделлаштиришда башорат мухим аҳамиятга эга. У жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида объектив, қонуний жараёнларни билиш, реал сиёсий вазиятни, унинг асосий зиддиятларини ва ижтимоий кучлар нисбатини таҳлил этиш асосида воқеаларнинг қайси томонга ривожланишини олдиндан башорат қиласы. Бу билан у амалиётда оқилона қарорлар қабул қилиш, энг маъкул, түғри йўлни танлашга ёрдам беради.

Юқоридагилардан ташқари сиёсатшунослик жамият тараққиёти, сиёсий ҳокимиятнинг шаклланиши ва амал қилиши, шахснинг ижтимоийлашуви, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатнинг шаклланиши каби мухим аҳамиятга эга бўлган назария, концепцияларни ишлаб чиқиш вазифасини ҳам бажаради.

Хўш, бугунги шароитда Ўзбекистонда сиёсатшунослик қандай назарий ва амалий аҳамият касб этмоқда? Куйида ана шу саволларга жавоб берамиз:

1) мамлакатимизнинг сиёсий ҳаётида содир бўлаётган сиёсий жараёнларни таҳлил қилиш ва уни жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тажрибалари билан солиштириш асосида мамлакатимиз, миллатимиз хусусиятларига ва манфаатларига хизмат қилувчи сиёсий хулюсалар бериш;

2) Ўзбекистоннинг ҳалқаро ҳамжамиятга кириб боришининг қулай йўлларини белгилаш;

3) жамиятда демократик жараёнларни ривожлантириш-

нинг механизмларини вужудга келтириш ва уларнинг уйғун ҳолатда фаолият күрсатишларига ёрдамлашиш;

4) фуқароларнинг сиёсий маданияти, салоҳияти ва фаолиятини ошириш, уларда мамлакатимиз олдида турган улкан вазифаларни бажаришида яқдиллик рұхиятини, жаҳонда ва минтақамизда содир бўлаётган турли ўзгаришларга сиёсий хушёрлик билан қарашиб туйгуларини шакллантириш;

5) сиёсий барқарорлик, миллатлараро тотувлик ва юксак илмий салоҳият мамлакат мустақиллигини таъминлашнинг, жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари қаторидан муносаб ўрин эгаллашнинг асосий шарти эканлигини ёшларимизнинг онги ва қалбига сингдириш билан боғлиқ бўлган тарбия ва зифасини амалга оширади<sup>1</sup>.

Сиёсатшунослик сиёсий ҳодиса ва жараёнларни ўрганишда хилма-хил усуслардан фойдаланади. Бу усуслар унинг предметини чуқуроқ ва ҳар томонлама билиш имконини беради. Энг кўп қўлланиладиган аҳамиятга молик усусларни уч гуруҳга бўлиш мумкин:

- сиёсатни тадқиқ этишнинг умумий усуслари (Уларни замонавий сиёсатшуносликда «умумий ёндашувлар» деб ҳам аташади);
- сиёсатни тадқиқ этишнинг умуммантиқий усуслари;
- эмпирик тадқиқот усуслари.

Биринчи гуруҳдаги энг муҳим усул ёки ёндашувлардан бири – **социологик ёндашув** сиёсатнинг жамиятга боғлиқлигига, сиёсий ҳодисаларнинг ижтимоий белгиланганлигига, иқтисодий муносабатлар, ижтимоий қатламлашув, мафкура ва маданиятнинг сиёсий тизимга таъсирига алоҳида эътибор беради. У сиёсатга турли ижтимоий гуруҳларнинг ўз манфатларидан келиб чиқувчи рақобати сифатида қарайди. Социологик ёндашув сиёсий социологияда марказий ўринни эгаллайди ва бу ёндашувдан **мсьерий ёндашув** келиб чиқади. У сиёсий ҳодисаларнинг жамият ва шахс учун аҳамиятини аниқлаш, уларни умумий фаровонлик, адолат, эркинлик, инсон шаънини ҳурмат қилиш ва бошқа қадриятлар нуқтаи назаридан баҳолашни тақозо этади.

<sup>1</sup> Политология: Маъruzalар матни / Тақризчилар: В.С. Ким, Ж. Баҳронов. – Т., 2000. – Б. 11.

Меъёрий ёндашув сиёсий борлиқни идеаллаштиргани учун аматиётдан узоқ дея танқыл қылғанади. Аммо бу ёндашув, бир-мунча чекланганлыгига қарамай, сиёсатшунослық учун зарур, чунки у сиёсатга ахлоқий, инсоний мезонларни олиб келади, унга гуманистик рух беради.

Сиёсатни тадқиқ этишнинг умумий усуслари қаторига функционал, тизимли, институционал, антропологик, психологик, фаолиятли, танқидий диалектик, қиёсий, тарихий ёндашувларни ҳам киритамиш.

Жумладан, функционал ёндашув сиёсий воқеа-ҳодисаларни ўрганишда улар ўртасидаги боғлиқларни фақат далиллар ва тажриба асосида текширишни афзат кўради. Масалан, иқтисодий ривожланиш даражаси билан сиёсий тузум ўртасидаги, аҳолининг урбанизация даражаси ва сиёсий фаоллик ўртасидаги боғлиқларни тажриба асосида текширишни таъаб этади. Бу усул фанда илк бор Н. Макиавелли томонидан қўлланилган.

Сиёсатга нисбатан тизимли ёндашув эса XX асрнинг 50—60-йилларида таниқли америкалик олим Т. Парсонс ва Д. Истон томонидан ишлаб чиқилди. Унинг моҳияти сиёсатни яхлит, мураккаб, ўз-ўзини бошқарувчи механизм сифатида баҳолашдан иборат. У сиёсатни тизимли таҳтил этиш воситаси ҳисобланади ва сиёсий тизим категориясини ўрганишда катта самара беради. Чунки сиёсий тизим жамиятдаги олий ҳокимият эгаси бўлиб, ўзини доимо сақлаб қолишга интилади. Сиёсий тизимларни тоталитар, авторитар, демократик типларга бўлиш тизимли ёндашув натижасидир.

Институционал ёндашув давлат, партиялар, турли ташкилотлар ва уюшмалар, сиёсий фаолиятни амалга оширувчи бошқа институтларни ўрганади.

Антропологик ёндашув қадим тарихга эга бўлиб, у сиёсатни ижтимоий омиллар эмас, балки инсон табиати, ҳар бир одамга хос бўлган эҳтиёжлар (овқат, кийим, уй-жой, хавф-сизлик, эркинлик, мулоқот, маънавий ўсиш ва бошқалар) белгилайди, деб ҳисоблайди. Бугунги кунда антропологик ёндашув инсоннинг эркинликка туғма эгалиги, ирқий, этник, ижтимоий, географик ва бошқа фарқларга қарамай барча одамларниң тенглиги, давлат тузилиши ва қонунларига нисбатан инсоннинг табиий, асосий ҳукуқларининг усту-

ворлиги принципидан келиб чиққан ҳолда сиёсатни тадқиқ этишга аҳамият бермоқда.

Сиёсатни ўрганишда қўлланиладиган психологик усул сиёсий хулқ-атворнинг субъектив механизмларини, индивидуал сифатларни ўрганишга катта эътибор беради. Ҳатто Конфуций ўз даврида Хитой ҳукмдорлариға фуқаролар ишончи ва итоатини таъминлаш учун ўз фаолиятларида уларнинг психологиясини ҳисобга олишни тавсия этган. Н. Макиавелли эса «Давлат» асарида ҳокимлик психологиясини ишлаб чиқишига самарали ҳисса кўшган.

Замонавий сиёсатшуносликда бу масалада З. Фрейд ишлаб чиққан руҳий таҳлил усули эътиборга моликdir. Фрейдинг фикрича, одамдаги кучли ва аффектив кечинмалар унинг онгидан йўқолмайди, балки ботиний онгга ўтади ва сиёсий хулқ-атворга кучли таъсир кўрсатишда давом этади. Бу усул ёрдамида сиёсий хулқ-атворнинг ҳар хил турларини тушунтириш мумкин. Масалан, авторитар шахсият эгаси бўлган инсон ўз қўлидаги ҳокимиятдан ўзидаги шахсий номукаммаллик, тури комплекслар, ички зўриқиши ҳисларини енгиш учун фойдаланиши кузатилган.

**Фаолиятли ёндашув** эса сиёсатнинг ривожланиш тасвирини очиб беради. Унга кўра сиёсат бутун жамият учун мажбурий қарорларни тайёрлаш, қабул қилиш ва амалга ошириш жараёнидир. Сиёсатни жамиятни бошқаришининг ўзига хос шакли сифатида талқин қилиш ушбу усулга хосdir.

**Танқидий диалектик** усул эса сиёсатни танқидий таҳлил асосида ўрганиб, ундаги ички зиддият ва ихтилофларни сиёсий ўзгаришларнинг ҳаракатлантирувчи манбаи деб билади. Бу усул жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатларida бўладиган ўзгаришларни умумий алоқадорлик ва ўзаро таъсир натижаларига асосланган ҳолда таҳлил қиласди. Танқидий-диалектик усул сиёсатнинг марксистик таҳлилида, неомарксизмда (И. Хабермас, Т. Адорно ва бошқалар), сўл либерал ва социал-демократик ғоявий-сиёсий оқимларида қўлланилган. Жамиятни плюралистик асосда ташкил этишнинг барча тарафдорлари танқидий-диалектик усулни самарадор усул деб биладилар. Чунки плюрализм хилма-хил ғоялар, қадриятлар, сиёсий, иқтисодий ва маданий институтлар, индивидлар ва гуруҳларнинг зиддиятлари, рақобатли курашига

асосланади. Сиёсатшунослик ва социологиянинг мұхим тармоқларидан бири – конфликтология учун ҳам танқидий-дialektik ёндашув асосий усул ҳисобланади.

Сиёсий жараёнларда рўй берадиган воқеа-ҳодисаларни ўзаро таққослаш, уларни бир-бирига солиштириш орқали сиёсий ҳаётнинг энг самарали шаклларини ёки вазифаларни ҳал қилишнинг маъқул йўллари ҳақида илмий холосалар беришни кўзда тутувчи усул қиёсий усул бўлиб, у дастлаб Платон ва Аристотель томонидан қўлланилган.

Ўтмишнинг тарихий ҳодиса ва далилларини тарихий ёндашув асосида ўрганиш эса унинг ҳозирги кун ва келажак билан боғлиқлигини аниқлашга, тарихда йўл қўйилган хатолардан сиёсий сабоқ чиқаришга ёрдам беради.

Сиёсатни тадқиқ этишнинг иккинчи гуруҳига мансуб усуллари умуммантиқий усуллар бўлиб, уларга индукция ва дедукция, анализ ва синтез, моделлаптириш, ҳаёлий эксперимент, математик, кибернетик баниорат кабилар киради.

Сиёсатни тадқиқ этишнинг учинчи гуруҳини эса эмпирик тадқиқот, сиёсий воқелик тўғрисида бирламчи ахборот олиш усуллари ташкил этади.

Эмпирик усул анкета сўрови, лаборатория тажрибалари, ҳуж-жатлар таҳлили, статистик таҳлил, математик моделлаштириш, тажриба қилинаётган вазият шароитидаги одамларнинг хулқ-атворини кузатиши кабилардан фойдаланади.

XX асрнинг 50-йилларида эмпирик таҳлиллар функционализмнинг ўзига хос ҳосиласи сифатида бихевиористик ёндашувни келтириб чиқарди. Бихевиористлар фикрича, сиёсатшунослик қатъий илмий, эмпирик усуллар ёрдамида одамларнинг бевосита кузатиш мумкин бўлган сиёсий хулқ-атворини ўрганиши керак. Далиллар ва қадриятларни бир-биридан ажратиш, фанни қадриятли муроҳазалардан холи қилиш тарафдори бўлган бихевиористлар билиш жараёнида фақат далиллар ва мантиққа суюнишни таклиф этадилар.

Бихевиористларнинг кузатиши, статистик маълумотлар ва ҳужжатларни ўрганиш, анкета сўровлари, лаборатория тажрибаларини кенг қўллашни изчил рағбатлантиришлари тадқиқотларнинг янги даражаси – амалий сиёсатшуносликнинг ривожи учун шарт-шароит яратди. Амалий сиёсатшунослик холосалари, одатда, сиёсий барқарорликни сақлаб

қолишга қаратылған бўлади. Унинг асосий вазифаси аниқ тавсиялар ва қисқа муддатли башоратларни муайян субъектлар учун улар фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида баён этишдан иборат. Бу фаннинг имкониятлари ҳукуматнинг соғлиқни сақлаш, ижтимоий, миллий ва мудофаа сиёсатида ва бошқа фаолиятида дастурлар тузишда, ижтимоий ихтилофларнинг олдини олиш ёки уларни ҳал этиш йўлларини белгилашда, жамият учун зарур бўлган муросага келишда амалий аҳамият касб этади.

Умуман, сиёсатшунослик усулларини умумлаштириб:

- 1) сиёсий таҳлил;
- 2) қиёсий таққослаш;
- 3) эмпирик социологик усулларга бўлиш мумкин.

Сиёсатшуносликнинг усуллари унинг назария ва амалиёт уйғуналигидан иборат фан эканлигини кўрсатиб турибди. Сиёсатшунослик усулларидан самарали фойдаланиш асосида мамлакат ва халқаро майдондаги сиёсат, унинг ўзига хос хусусиятлари, ривожланиш истиқболлари тўғрисида аниқ маълумотларга эга бўлиш мумкин.

Умуман, назарий ва амалий сиёсатшунослик бир бутунликни ташкил этиб, бир-бирини тўлдириб боради, сиёсатнинг самарадорлиги ва инсонпарварлиги йўлида мухим имкониятлар яратади.

Бугунги кунда сиёсатшунослик фанининг ўрни ва аҳамияти тобора ўсиб бормоқда. Бу бевосита қўйидаги омилларга боғлиқ:

1) дунёнинг бир-бирига қарама-қарши икки қутбга бўлиниши оқибатида кучли қарама-қаршилик барҳам топганидан кейин ҳам дунёда осойишталик қарор топмади. Инсоният XXI асрда ҳам кўпгина глобал муаммоларга дуч келмоқда. Глобал хавфсизлик жаҳонда янги сиёсий тартибни, кўп қутбли оламни, толерантлик ва ҳарбий-сиёсий мувозанатни шакланишига боғлиқ бўлиб, бу масалалар сиёсат нуқтаи назаридан атрофлича таҳлил этиб боришни тақозо этади;

2) умумбашарий муаммоларни ҳал этишда мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги ҳамжиҳатликка қаратылған қараашлар, назария ва таҳлилларни ишлаб чиқиши бу фаннинг долзарб вазифасига айланмоқда;

3) жадал кечаетган сиёсий жараёнларнинг дунё ҳамжами-

яти ва инсон манфаатлари билан уйғулашувига эришиш давр тақозосидир. Бунинг учун сиёсатта инсонпарварлик руҳини олиб кириш керак. Бу онгли сиёсий фаолиятни, сиёсатга онгли муносабатда бўлишни талаб этади. Буларни ўрганиш сиёсий фан вазифаларидир;

4) кучайиб бораётган демократик жараёнлар шахсда сиёсатга қизиқиш, у билан шуғулланишга эҳтиёжнинг ошиши сиёсий билимлар аҳамиятини янада оширмоқда;

5) демократик тузумга қарши бўлган ва жамиятга у ёки бу ижтимоий утопияни тиқишираётган турли хил радикал мафкураларга қарши барқарор иммунитетни фуқаро руҳиятида шакллантириш зарурати сиёсатшуносликни кенг ўрганишини талаб этмоқда;

6) цивилизациянинг бугунги кундаги буюк кашфиётларидан бири – шахс ва ҳокимият тизимлари ўртасидаги ўзаро муносабатларда адолатнинг, инсон қадр-қимматининг устувор аҳамият касб этиши, шахс эрки ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қодир демократик қадриятларнинг шаклланганидир. Бу қадриятларни ўрганмай туриб, демократик институтларни шакллантириш, фуқаролик жамиятининг асосларини яратиш мумкин эмас. Бунда ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан сиёсатшуносликка катта эҳтиёж сезамиз.

Барча ижтимоий фанларда бўлганидек, сиёсатшуносликда ҳам субъективизмга йўл қўймаслик, унинг олдини олиш муаммоси мавжуд. Бу муаммони сиёсий жараён, сиёсий билимларни ўрганишда холислик, очиқ-ойдинлик ва плюрализмга риоя қилиш орқали ҳал этиш мумкин. М. Вебер таъкидлаганидек, аудиторияда ўқитувчи ҳам, талаба ҳам сиёсат билан шуғулланмасликлари лозим. Зоро, сиёсий кўрсатма ва сиёсий муассаса ёки муайян партиявий нуқтаи назарнинг илмий таҳлили амалда бошқа-бошқа нарсалардир. Илм толиби олдидағи асосий вазифа сиёсатга оид назарий билимларни эгаллаш, мураккаб сиёсий ҳодиса ва жараёнларни чукур таҳлил қилишга ўрганишdir.

Сиёсатшунослик одамларга улар қандай сиёсий нуқтаи назарни эгаллашлари ёхуд қайси сиёсий партияга аъзо бўлишлари лозимлигини ўргатмайди. Бильякс у сиёсат тўғрисидаги илмий билимлар мажмуасидир. Ҳар бир инсон ўз сиёсий йўлини мустақил танлаши лозим. Бунда, албатта, тўғри йўлни

тәнлаш имконият<sup>тын</sup> жиҳатдан сиёсатшуносликни инсон  
қай даражада ўзлашып<sup>тын</sup> илгига боғлиқ.

Шундай қилиб<sup>тын</sup> сиёсатшунослик фанининг ўрни ва аҳамияти ҳозирги замоңа и нисоният тараққиётидаги ўзгаришлар, сиёсат ва сиёсий қараёнлар билан боғлиқдир. Мамлакатимиз ижтимоий ҳағида кечәтган эркинлаштириш жараёнлары келажакда сиёсий фан нуфузининг янада мазмунан етук тадқиқотлар билә бөйишидан далолат беради.

### Таянч түшүнчалар

*Сиёсат, сиёсілік фан, сиёсатшуносликнинг предмети, сиёсатшуносликнинг обьекті, сиёсий назария, сиёсий институтлар түгрисида таъымот, сиёсий социология, халқаро сиёсат назарияси, сиёсий таъымоттар тарихи, сиёсий антропология, сиёсий психология, сиёсий география, сиёсий экология, сиёсий астрология, сиёсатшунослик фанининг қонун ва категориялари, сиёсатшуносликнинг вазифалари ва усууллари.*

### Назорат учун савол ва топшириқлар

1. Жамиятда демократик тарбибларни жорий этишда сиёсий билим ва сиёсий маданият қандай аҳамиятта эга?
2. Сиёсатшуносликнинг фан сифатидаги шаклланиш тарихини түшүнтириңг.
3. XIX-XX асрларда сиёсатшуносликнинг фан сифатида шаклланишила қайси илмий мактаблар, муассасалар ва халқаро танкылолтар катта роль йүнади?
4. Собиқ СССР ва унга тобе мамлакатларда сиёсатшунослик фанининг ўқитилмаганлығы сабабини қандай изохлаш мүмкін?
5. Сиёсатшунослик фанининг предмети, таркибий қысмлари, қонуниятлари, категориялари ва вазифалари ҳағида гапириб беринг.
6. Социологик, месъерий, институционал, антропологик, психологик, тәнқидий-диалектикалық, қиёсий, тарихий ёндайнув (усул)лар мөхиятини түшүнтириб беринг.
7. Сиёсатшуносликнинг эмпирик тадқиқот усууларини изохланың.
8. Гуманитар ва ижтимоий-иктисодий фанлар тизимида сиёсатшунослик фанининг ўрни ва аҳамияти түгрисида нималарни биласиз?

- Сиёсатшунослик ва **хуқуқшунос** фанлари ўртасида қандай алоқадорлик мавжуд?
- Ўзбекистонда демократик хуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда сиёсатшунослик фани қандай аҳамият касб этади?

## АДАБИЕТ: IЛ

*Каримов И. А.* Озод ва обод Ватан, экин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т. 8. – Т., 2000. – ғ 330–351.

*Каримов И. А.* Ўзгариш ва янгиланиш ҳаёт талаби. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессиясида сўзланган нутқ. 2000 йил 25 мај // Каримов И. А. Т. 8. – Т., 2000 – Б. 479–488.

*Каримов И. А.* Ватан саждагоҳ каби ~~мадаслир~~. Т. 3. – Т., 1996. – Б. 5–22; 370–404.

*Каримов И. А.* Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. – Т., 2005. – Б. 174–222.

*Каримов И. А.* Инсон, унинг хуқуқ ва ~~эркинликлари~~ ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият. Т. 14. – Т., 2006. – Б. 61–97.

*Каримов И. А.* Юксак маънавият – ~~енғилемас~~ куч. – Т., 2008. – 176 б.

*Каримов И. А.* Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасиги ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т. 15. Т., 2007. – 320 б.

*Каримов И. А.* Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т. 16. Т., 2008. – 368 б.

*Отамуротов С.* Глобаллашув ва миллат (фалсафий-сиёсий таҳлил). – Т., 2008. – 202 б.

*Ирхин Ю. В., Зотов В. Д., Зотова Л. В.* Политология: Учебник. – М., 2000. – С. 7–29.

*Қодиров А. Қ.* Сиёсат фалсафаси. – Т., 1999. – Б. 6–29.

Политология: Ўқув кўлланма / *Отамуродов С., Эргашев И., Акрамов Ш., Қодиров А.* – Т., 1999. – Б. 3–15.

*Пугачев В. П., Соловьев А. И.* Сиёсатшуносликка кириш: Ўқув кўлланма. – Т., 2004. – Б. 26–47.

*Рамазонов И., Мўминов Э.* Политология: Дарслик. – Т., 1997. – Б. 5 –21.

---

## **ИЖТИМОЙЙ-СИЁСИЙ ТАЪЛИМОТЛАР: ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ**

### **1. Инсоният цивилизацияси тарихида сиёсий-хуқуқий ғояларнинг келиб чиқиши**

Сиёсатшуносликни ижтимоий-тарихий муҳит тақозо этувчи муайян сиёсий қарашлар ва ғояларсиз тасаввур этиш қийин. Сиёсий фикр тарихан хуқуқий фикр билан боғлиқ бўлиб, улар ўртасида уйғунлик мавжуд. Жумладан, у ёки бу шахснинг, гуруҳнинг ижтимоий табақа ёки синфнинг мавқеи хуқуқий жиҳатдан асосланган сиёсатни тақозо этади. Сиёсатшуносликнинг ўзак ғояси – сиёсий ҳокимият, жамиятни бошқарув, идора этиш ғоясидир. Буни чуқурроқ англамоқ учун сиёсий ғояларнинг илк шаклланиш даврига мурожаат қилиш мақсадга мувофиқдир.

**Қадимги Миср, Бобил, Ҳиндистон ва Хитой халқлари сиёсий-хуқуқий қарашларидаги ўзига хос анъаналар.** Сиёсий-хуқуқий қарашлар тахминан милоддан аввалги 4 минг йилликда инсоният цивилизациясининг илк ўчоқлари бўлган Шарқ ўлкалари – Миср, Месопатамия, Ҳиндистон ва Хитойда пайдо бўлган. Цивилизация инсонларнинг нафақат оила, уруғ ёки қабила теграсидаги, балки давлат доирасида кечадиган маданий ҳаёти, ўзаро алоқаларини англатади. Буни гоҳо субмаданият деб ҳам аташади. Ижтимоий-иқтисодий тафовутлар, ҳукмронлик ва бўйсунувчилик муносабатлари, одамларнинг сиёсий-хуқуқий тасаввурларида акс этиб, бу тасаввурлар жамият цивилизациялашуви даражасининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади.

Дастлабки сиёсий-хуқуқий фикрлар барча қадимги халқларда, Шарқда ҳам, Фарбда ҳам диний негиздаги афсона ва ривоятлар таъсирида шаклланган.

Қадимги халқлардан мисрликлар, бобилликлар (Дажла ва Фрот дарёлари оралиғида яшаган аҳоли), хитойликлар, ҳиндлар, яхудийлар, форслар, греклар ва римликлар ердаги тартибларни коинот тартибларининг узвий бир қисми ва келиб чиқиши жиҳатидан илоҳийдир, худо унинг бош сабабидир,

дея талқин қылғанлар. Бундай тафаккур тарзи узоқ даврлар мобайнида ижтимоий-сиёсий онғда чуқур ўрнашиб, давлат, сиёсатта оид ғояларда ҳам ўз ифодасини топган.

Ҳокимият – ҳукмдорлик тарихан жамиятда меңнат тақсимоти, тенгсизликнинг вужудга келиши, бу тенгсизликни сиёсий-хуқуқий жиҳатдан асослашга йўналтирилган ilk уринишлар натижасидир. Масалан, Қадимги Мисрда олий сиёсий ва диний ҳокимиятни ўз қўлида жамлаган фираъвн худова одамлар ўртасида воситачи сифатида илоҳийлаштирилиб, худо иродасини ифода этувчи фираъвнга сўзсиз ва мутлақ итоат этиш лозимлиги милоддан аввалги ХХVIII асрга оид «Птахотеп ўғитлари» номли қадимий сиёсий-диний ҳужжатда ҳам ўз аксини топган.

Дажла ва Фрот дарёларининг оралиғи – Месопатамиядаги сиёсий-хуқуқий фикрларнинг ёрқин намуналари Вавилон, Ассурин ва Хетт подшоҳларининг қонунлари бўлиб, уларда ҳокимиятнинг илоҳий тарзда келиб чиққанлигини ифодаловчи тасаввурлар акс этади. Жумладан, милоддан аввалги XVIII асрга оид Хаммурапи (Вавилон подшоси) қонунларида ҳукмдор ўз фуқароларига ғамхўрлик қилувчи, айни пайтда илоҳийлик сифатларига эга худога монанд мавжудот сифатида тавсифланади.

Қадимги Ҳиндистон халқларининг сиёсий-хуқуқий қарашларини ўрганишда милоддан аввалги 2 минг йилликка оид муқаддас битик – Ведалар («Веда» – санскрит тилида «билим» деган маънени англатади.) муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, худоларга бағишлиланган мадҳиялардан иборат бўлган ригведалар бу масалада энг кўхна ва йирик ёзма ёдгорлик бўлиб, уларда азалдан ерда ва бутун коинотда олий құдрат томонидан ўрнатилган илоҳий тартибот, одамларнинг бу тартиботга бўйсунишлари хусусида сўз юритилади.

Милоддан аввалги IV–III асрларда брахман Каутиля томонидан ёзилган «Артхашастра ёки сиёсат ҳақидаги фан» рисоласида ўша даврга оид давлат ва хўжалик бошқаруви билан боғлиқ бўлган қатор масалалар баён этилган. Хусусан, идеал шоҳ ҳақидаги қарашларда унинг адолатли ва халқпарвар, ўз лафзида турувчи, ёмонликдан ҳазар қилувчи, маърифатли, ҳақиқатга интилевчичи, золим амалдорларни бошқарувдан четлаштирувчи бўлиши лозимлиги қайд этиладики, бу

ғоялар ҳозирғи замон сиёсий фани учун ҳам ниҳоятда қимматли ҳисобланади. «Артхашаастра»да ички ва ташқи сиёсат масалалари ҳам қаламга олиніб, ҳокимият ва бойлыкни сақлаб қолиш ҳамда күчайтириш учун ҳар қандаій воситалардан фойдаланиш маңқуллiği ғояси илгари сурелади (Орадан 2 минг йиллар үтгач, бу ғояни Н. Макиавелли «Хукмдор» аса-рида тақрорлаган эди).

Қадимги Хитойдаги илк сиёсий-хуқуқиі қараштар үзига хос хүсусиятларга эга бўлиб, уларда муқаддас битикларнинг эмас, балки мутафаккир олимларнинг давлатни ташкил этиш, бошқариш, инсон ва жамият мұносабатлари таҳтили акс этганды таълимотлари мұхим ўрин әгаллайды. Улар сафида Конфуций (Кун-Фу-цзи – мил. ав. 551–479) қарашлари алоқида аҳамиятта мөлик. Хитойнинг кейинги тараққиеті учун ҳам ғоятда аҳамиятли бўлган конфуцийчилик фалсафий-ахлоқиі ва сиёсий таълимоти диннинг үзига хос муқобили вазифасини үтаган. Мамлакат түрли майдада давлатчаларга бўлиніб, улар ўртасида тўхтовсиз низолар ва урушлар кучайған даврда яшаган бу мутафаккир давлатнинг патриархал-патерналистик концепциясини ривожлантирган. Унинг фикрича, давлат улкан оиласидир. Император ҳокимиятты оила бошлиғи, яъни отанинг оиласидаги ҳокимиятидек, қўл остидагиларга нисбатан адолат ва меҳр-шафқатга асосланиши лозим. Ҳокимиятнинг илоҳий тарзда келиб чиққанлигини инкор этмаган ҳолда Конфуций ўз диққат-эътиборини жамиятда ва давлатда ижтимоий барқарорликни таъминлаш масалаларига қаратади. У қадимда мавжуд бўлган адолатли давлат бошқаруви тўғрисидаги қарашлар ва улар асосида ётувчи кўхна Хитой урф-одатларига соғинч ҳиссини туйніб, қадимги эътиқод ва анъана-ларга катта умид ва ишонч билан қарайди.

Конфуций «Лунь-юй» (Сұхбат ва мулоҳазалар) номли рисоласида «Мен ҳеч нарсаны кашф қылғаним йўқ, балки ўтмиш дурданаларини авлодларга етказяпман. Мен ўтмишга ишонаман ва уни севаман», деб ёзган эди.

Мутафаккир давлат ва жамият бошқарувини, аввало, интизом ва тартиб билан боғлаб «Подшоҳ подшоҳдек, хизматкор хизматкордек, ота отадек, ўғил ўғилдек бўлсин», дейди. Бундай бошқариш – ҳаммани жой-жойнiga қўйиш деган ху-лосани чиқаради. У одамларни ижтимоий келиб чиқишига

қараб түрт қатламга ажратади: аслзодалар (табиий туфма қоби-лиятли); билимларга ўқиш-ўрганиш жараёнида эга бўлган-лар; билимларни қийинчилек билан ўзлаштирувчилар; би-лим олишга интилмайдиганлар.

Конфуций фикрича, қатламлараро тафовутлар улар ўрта-сидаги тенгсизликни келтириб чиқаради. Бу тенгсизлик ки-чикларнинг катталарга, куйи табақаларнинг юқори табақа-ларга бўйсунишини, ҳокимиятнинг аслзодалар қўлида тўпла-ниши зарурлигини тақозо қиласди. Конфуций сиёсий таъли-мотининг негизида эзгулик, инсонийлик ғояси ётади. Инсо-нийлик оиласда ва жамиятда иззат-икром билан ўзини тута олишда, ўз хизматига сидқидиллик билан ёндашишда, бош-қа кишилар билан муносабатларда адолатли бўлишда намоён бўлади. Конфуцийдан кўпгина ҳикматлар ёдгор бўлиб қол-ган. Улар ахлоқ-одоб, турмуш тарзи, баҳт ва омад каби мав-зуларга оиддир. Масалан, «Мамлакатда имконият борлигига фақир ва ночор бўлишга, бундай имконият йўқлигига бой ва зодагон бўлишга уял»<sup>1</sup>, дейди. Орадан 2 ярим минг йил вақт ўтган бўлишига қарамай, Конфуций таълимоти ҳозирги Хи-тойда ҳамон ўз таъсир кучига эга.

**Қадимги Греция ва Римдаги ижтимоий-сиёсий ғоялар.** Даст-лабки сиёсий ғоялар Шарқда пайдо бўлганлигига қарамай Еарбда, хусусан Қадимги Греция ва Римда том маънода ил-мий шаклга яқинлашди. Сиёсий фикр афсона ва ривоятлар қобигидан чиқиб, инсон, жамият масалаларини илмий-фат-сафий талқин қилишга интилди. Бунинг боиси шуки, Қадимги Грецияда худоларга Шарқ субмаданиятларидаги каби инсон-лардан устун турувчи, жамиятга ўз иродасини ўтказувчи мут-лақ куч ва ҳақиқат деб қараш эмас, балки нисбатан эркин муносабат шаклланган эди.

Қадимги Греция ва Римда худолар инсон қиёфасида та-саввур қилинган. Бу эса худолар тўғрисида мuloҳазаларда бирмунча эркинликни келтириб чиқарган. Қадимги греклар давлат ва худоларни бир бутун, яхлит тасаввур этишган. Иж-тимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаётдаги турли муаммолар улар-ни дунёвий фикр-мулоҳаза юритишга унdagан. Шу боис ай-

<sup>1</sup> Антология мировой политической мысли: В 5 т. Т.1. – М., 1997. – С. 53 / / Ирхин В.Д., Зотов В.Д., Зотова Л.В. Политология. – М., 2000. – С. 40

нан Қадимги Грецияда ҳозирги Farb цивилизациясининг илк куртаклари вужудга келиб, дунёвий билимларнинг тараққиётiga йўл очилган. Хусусан, инсон эркинлигининг кўрсаткичи – демократия ҳақидаги тасаввурлар мифология ва дин ўрнига аниқ дунёвий билимларнинг ривожига йўл очган.

Бироқ адолат юзасидан шуни қайд этиш лозимки, антик Farb маданиятидаги инсон ҳурфикрлилиги ва ижтимоий турмушдаги демократик тартиб келиб чиқиши илоҳий дея қаралган давлат манфаатларига бўйсундирилган эди. Давлатга илоҳий хусусият бағишлаб, уни шахс ва жамоа манфаатларидан устун қўйиш анъанаси айнан ўша даврларда келиб чиққан. Шу билан бирга Қадимги Греция ва Рим мутафаккирларидан Платон, Аристотель, Цицерон ва бошқаларнинг кишилик ижтимоий ҳаётини ташкил этишда давлатга энг зарур ижтимоий институт сифатида қарашлари бугунги кун учун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаганлигини қайд этишимиз зарур.

Давлат ва унинг бошқарув шакллари, усуслари ҳақида дастлаб Суқрот, унинг шогирди Платон, ундан сўнг Аристотель яратган ғоялар диққатга сазовордир.

Платоннинг (мил. ав. 427–347) сиёсий-ҳуқуқий қарашларига дастлаб устози Суқротнинг рационал фалсафаси катта таъсир кўрсатган бўлса-да, кейинчалик у объектив идеализм тарафдори ва ифодачисига айланди. Бу руҳ унинг «Давлат», «Сиёсатчи», «Софист», «Парменид» ва «Қонунлар» каби асарларида илгари сурилган икки дунё тўғрисидаги қарашларida яққол сезилади. Унингча, ғоялар дунёси ҳақиқий борлик бўлиб, мутлақ ва абадийдир. Инсоннинг ўзгарувчан дунёси, реал ҳаётдаги нарса ва ҳодисалар эса ғоялар дунёсининг бузилган ифодасидир.

Ўзининг «Қонунлар» асарида идеал давлатнинг соф рационал андозасини назарий жиҳатдан асослашга интилган Платоннинг фикрича, инсон табиати уч асосий элементдан таркиб топган: ақлий, жангарилик ва яратувчилик. Шунга мувофиқ идеал давлат ижтимоий тузилиш жиҳатидан уч асосий тоифани ўз ичига олади. Доноликка салоҳияти бўлган файласуфлар ҳукмдорлик қилиб, давлатни бошқарадилар, жангариликка мойил бўлган жангчилар мудофаа билан, яратувчилик эгалари – деҳқон ва хунармандлар эса моддий неъматларни ишлаб чиқариш билан банд бўладилар. Файласуфлар

ва жангчилар Платон орзу қылган давлатда хусусий мулкка эга бўлмасликлари лозим, чунки бу ҳол уларнинг ўз вазифаларини, бурчларини суиистеъмол қилишлари хавфини туғдиради.

Платон давлат шаклларининг уч турини: тимократия (ҳарбийлар ҳокимияти), олигархия (оз сонли қулдорлар ҳокимияти), демократия (халқ ҳокимияти)ни бузилган, нотўғри шакллар деб, монархия ва аристократиянинг бошқарувини эса маъқул бошқарув деб ҳисоблайди. Қуллар меҳнатини аристократик ёки монархияга асосланган давлатнинг зарур шарти деб билади. Демократиянинг моҳиятини тўлиқ тушунмаган ва унга нисбатан бутунлай салбий муносабатда бўлган Платон фақат билимдон одамларгина давлатни бошқаришлари мумкин, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, демократия омманинг ҳукмронлиги бўлиб, у охир-оқибатда қўпчиликни эзишга олиб келади. Барча одамлар табиатан бир-бирларига тенг эмаслар, демократия ҳам бундай тенгликни таъминлай олмайди, шунинг учун давлатни доно ва ақлли файласуф олимлар бошқариши зарур, деган foяни илгари суради. Давлатнинг келиб чиқишини ижтимоий эҳтиёжга боғлаган ҳолда «Давлат – ҳар биримиз ўзимизни қондира олмаганимиз ҳолда жуда кўп эҳтиёжларга муҳтоҷлигимиздан келиб чиқади. Ҳар бир инсон бирор-бир эҳтиёжини қондириш учун ё унисини, ё бунисини жатб қилади. Кўп нарсага муҳтоҷлик сезган одамлар биргаликда яаш ва бир-бирларига ёрдам бериш учун бирлашадилар. Ана шундай уюшма бизларда давлат номини олади», дейди Платон. Ушбу давлатда ҳар бир инсон ўз табиатида устунлик қилувчи хусусиятларга кўра меҳнат тақсимотида ўз вазифасини бажаради. Демократик тузум доирасида инсон истаган ишини қилиши мумкин, дея фикрлаган Платон бундай тузумга қарши чиқади.

Суқротнинг вафотидан кейин Грецияни тарк этиб, Эгей денгизи атрофидаги мамлакатларда, жумладан, Қадимги Миср ва жанубий Италияда кечган 12 йиллик мусофириликдан сўнг Афинага қайтган Платон бу ерда қадимги грек қаҳрамони Академ номи билан аталган Академияга асос солади. Деярли минг йил фаолият кўрсатган Платон Академиясида фалсафа, мантиқ ва этикага оид қатор муаммолар хусусида узоқ давом этувчи баҳс – мунозаралар бўлиб ўтган.

Платоннинг идеал давлат тўғрисидаги назарияси унинг машҳур шогирди, А. Македонскийнинг устози, Шарқда «биринчи муаллим» номи билан танилган Аристотель (мил. ав. 384–322) томонидан кескин танқидга учради. Жамиятдаги синфий табақаланиш ва давлатнинг келиб чиқишини мутлақ, илоҳий фоя билан боғлаган Платонга қарама-қарши ўлароқ Аристотель инсон салоҳиятига кўпроқ эътибор билан қаради. Бу ҳол Платон ва Аристотель таълимотлари ўртасида муайян тафовутларни, қарама-қаршиликларни келтириб чиқарди. Жумладан, «Сиёsat», «Этика», «Риторика», «Афина политияси» каби асарларида Греция ва унинг атрофидаги 158 шаҳар-полислар ҳаётини кузатиш асосида Аристотель реал ҳаётдаги ўзгаришларнинг ўз ички зиддиятлари асосида содир бўлишини таъкидлади ва бу фикрлари билан устозидан ижобий жиҳатдан ўзиб кетди. Бу ҳолни изоҳлар экан «Платон менинг дўстим, лекин ҳақиқат ундан устунроқдир», деган эди Аристотель.

Аристотель «Инсон ўз табиатига кўра сиёсий мавжудотдир», деган фикрни илгари суриб, унга адолат ва адолатсизликнинг фарқини англайдиган ягона мавжудот сифатида қарайди. Давлатнинг нисбий яхлитлигини маъқуллаб, унинг мақсади ҳамма фуқароларга фаровонлик улашишдир, деб ҳисоблайди.

Аристотель Платонга зид равишда хусусий мулкни ҳимоя қиласар экан, шахсий манфаатдорлик ва хусусий мулкка эга бўлиш инсонга хузур бағишлийди, ҳар ким ўз иши билан банд бўлади, бу ўз навбатида тараққиётни тезлаштиради, деб билади. Мутафаккир фикрича, бойликка бундай муносабат худбинлик эмас, балки ўз-ўзини ҳурмат қилишга ҳамда ўз имкониятларини рўёбга чиқаришга ёрдам беради.

Давлат шаклларини ким томонидан (якка шахс, нисбатан озчилик, ҳамма) ёки қандай мақсадда (умумманфаати ёки шахсий манфаат) амалга оширилишига қараб тўғри ва нотўғри шаклларга бўлади.

Давлатнинг тўғри шаклларига монархия (бир киши), аристократия (озчилик) ва полития (кўпчилик бошқарувини); нотўғри шаклларига эса тирания (мустабидлик), олигархия (оз сонли бойлар бошқаруви) ва демократияни киритади. Шу ҳол диққатга сазоворки, Аристотель таълимотида ҳозирги за-

мон сиёсий фанида кенг ишлаб чиқилаётган назарияларнинг куртакларини учратамиз. Масалан, Аристотелнинг «Қайси ҳокимият афзалроқ: баркамол инсонлар ҳокимиятими ёки баркамол қонунлар ҳокимиятими?» деган саволига эътибор берайлик. XVII аср мутафаккири Ш.Л. Монтесъкё ушбу саволга «Баркамол қонунлар ҳокимияти афзалроқ», деб жавоб беради ва жамиятда қонун олдида барча инсонларнинг тенглиги, қонунларнинг ўзи эса бутун жамият манфаатларидан келиб чиқиб яратилиши лозимлиги принципини илгари суради. Аристотель кун тартибига қўйган савол орадан йигирма тўрт аср ўтгач, ҳозирги замон ривожланган мамлакатларининг демократиялари тимсолида ўз амалий ечимини топмоқда.

Аристотель давлат тузилишининг асосини уч қисмга бўлади:

*биринчиси*, қонун муҳокама этувчи орган – ҳокимият ишларини кўриб чиқади;  
*иккинчиси*, лавозимлар;  
*учинчиси*, суд органлари.

Аслида ҳокимиятларнинг бўлиниши тўғрисидаги бу фикрлар ўзини демократик деб атаётган ҳар бир замонавий давлат конституциясида учрайди.

Гарчи, демократия камбағал – йўқсиллар манфаатини ифодалайди, умум манфаатини назарда тутмайди деб, демократияни мукаммал тузум қаторига киритмаган бўлса-да, Аристотель давлатнинг мустақиллиги учун камбағаллар тўғрисида фамхўрлик қилиш лозим, чунки, камбағаллар, одатда, давлатни бошқаришдан четда бўладилар. Исён ва жиноятлар кўпаяди, қаердаки ўрта синф бўлмаса, камбағаллар сони кўп бўлса мураккаб вазият вужудга келади ва давлат ҳалок бўлади, деб ҳисоблайди.

Шундай қилиб, Платон идеал давлатни орзу қилган бўлса<sup>1</sup>, унинг шогирди Аристотель ўз устозига нисбатан бирмунча прагматик ва реалистроқ чиқди, инсонга сиёсий мав-

<sup>1</sup> Изоҳ: Машҳур тарихчи А. Тойнби Платоннинг идеал давлат тўғрисидаги назариясини реакцион назария деб ҳисоблайди. К. Поппер эса Платонни тоталитаризмнинг илк назарийётчisi деб атайди. Чунки, Платон таълимотти шахс, инсон устидан давлатнинг total (тўла) назоратини ҳимоя қиласи.

жудот дея баҳо бериб, сиёсатнингadolatга таянган ҳолда қонунлар ишлаб чиқиши лозимлигини қайд этди.

Грек фалсафаси, маданияти, фани қадимги Рим жамиятига катта таъсир кўрсатган. Лекин Қадимги Грециядаги сиёсий-хукуқий тафаккурда ижтимоий-сиёсий масалаларга катта эътибор устуворлик қилган бўлса, Қадимги Рим сиёсий-хукуқий қарашларида хукуқий жиҳат устунлик қилган. Грекларда давлат ва хукуқ масалалари билан файласуфлар, римликларда эса амалий тажрибага эга бўлган хукуқшунослар шуғулланган.

Рим хукуқшунослиги ҳокимият, мансабдор шахс ва унинг ваколатлари, фуқаролик каби сиёсий категорияларни ишлаб чиқишида, умумий хукуқ назарияси ва давлат хукуқини ривожлантиришда катта ютуқларга эришди.

Қадимги Рим сиёсий ва хукуқий таълимотлари тарихи Марк Тулий Цицерон (мил. ав. 106 — мил. 43), Ульпиан, Модестин (I—III асрлар) номлари билан боғлиқ. Машхур нотиқ ва давлат арбоби Цицерон «Давлат тўғрисида», «Қонунлар тўғрисида», «Мажбуриятлар тўғрисида» каби асарларида хукуқий давлатнинг илдизлари ҳақидаги таълимотни яратди. Унинг фикрича, дастлаб инсоннинг табиий хукуқлари, кейин эса давлат ва унинг қонунлари вужудга келган. Хукуқшунос ва тажрибали маъмур сифатида Цицерон давлатни қонунлар жамияти деб билади ва одамлар бойлик, қобилият жиҳатидан тенг бўлмасалар-да, лекин барчалари қонун олдида тенг бўлишлари лозим, дейди. Умуман, Цицерон давлатнинг пайдо бўлишини табиатда мавжуд бўлган адолат ва хукуқнинг рўёбга чиқишидан иборат, деб тушунади.

Цицероннинг қарашларида учрайдиган «халқ» ва «оломон» тушунчаларига берилган таърифлар янада қизиқарлидир. Халққа умумий хукуқ ва фойда асосида бирлашган кишилар, оломонга эса ҳурматга лойиқ бўлмаган, давлатга зарар келтиришга, исёнлар қилишга мойил куч сифатида қарайди. Давлат бошқарувининг уч шаклини — подшолик, оптиматлар (аристократлар ҳокимияти) ва халқ ҳокимияти (демократия)нинг ҳар биридаги ижобий жиҳатларни таҳлил қилиб, давлатни бошқаришнинг аралаш шаклини маъкул кўради.

Цицерон нутқлари нотиқлик санъатининг ҳақиқий дурданалари саналади. Шу боис хукуқшунос бўлишни мақсад

қилған ҳар бир талаба, тингловчи Рим сенати «Ватаннинг отаси» дея улуғлаган бу мутафаккирнинг илмий-амалий меросидан кўп нарсани ўрганиши мумкин. Шу ўринда Цицероннинг қуидаги фикрини келтирамиз: «Сиёсий фанни тушунмасдан, унга оид билимларни пухта эгалламасдан туриб сенатда давлат ишлари ёхуд халқ олдида муайян қонунни қабул қилиш ёки рад этиш тўғрисида қандай қилиб нутқ сўзлаш мумкин? Файласуфларнинг инсон характеристи ва хусусиятлари тўғрисидаги билимларини чукур ўрганмай туриб, тингловчилар қалбига йўл топувчи нутқни ирод этиш мумкини?»<sup>1</sup>

Дарҳақиқат, ушбу фикр ҳозир ҳам ўз аҳамиятини заррача йўқотганий йўқ.

Шундай қилиб, сиёсий-хуқуқий таълимотларнинг келибчикиши антик даврларга бориб тақалади. Антик давр мутафаккирларининг сиёсий қарашларида давлат қурилиши ва бошқаруви, ички ва ташқи сиёсат, халқаро муносабатлар, уруш ва тинчлик, тинч-тотув яшаш, халқ ҳаракатлари, жамиятдаги ижтимоий табақаланиш каби кўплаб сиёсий масалалар тўғрисида муҳим фикрлар илгари сурилган.

## 2. Ўрта асрлар ва янги даврдаги ижтимоий-сиёсий гоялар

«Ўрта асрлар» антик дунё ва Янги давр оралиғидаги тарихий босқич бўлиб, дастлаб XV асрдаги итальян гуманистлари томонидан илмий муомалага киритилган атамадир. Анъана-га кўра V аср бошларида (410 йил) қирол Аларих бошчилигидаги гот қабилаларининг Рим шаҳрини вайрон қилиши ва Фарбий Рим империясининг қулашидан бошланувчи Ўрта асрлар XIV асргача давом этган. Уйғониш ва Реформация даврини қамраб олувчи XV асрдан XVII асрнинг ўрталарига-ча бўлган даврни сўнгги Ўрта асрлар ёки Янги давр бошларига киритиш фикри кенг тарқалган.

Ўрта аср сиёсий-хуқуқий гояларининг негизида христиан илоҳиётшунослиги ётади. Христианлик I асрда Рим империясининг шарқий вилоятларида вужудга келди ва XIII асрга келиб гоявий жиҳатдан тугал диний мафкурага айланди.

<sup>1</sup>Цицерон. Эстетика. Трактаты, речи, письма. – М. 1994. – С. 175//Ирхин Ю.В., Зотов В.Д., Зотова Л.В. Политология. – М., 2000. – С. 55.

**Аврелий Августин.** Ўрта аср сиёсий-хуқуқий фикри тарихида диний анъаналарнинг энг классик (мумтоз) кўриниши католик черкови асосчилари ва даъватчиларидан бири Аврелий Августин (345–430) нинг сиёсий назариясида ўз ифодасини топди. Африка шимолида таваллуд топиб, Карфаген нотиқлик мактабида таҳсил олган А. Августин Римнинг варварлар томонидан истило этилишидан таъсирланиб ёзган «Илоҳ шахри» ҳамда «Ваъз, панд-насиҳат» («Исповедь») асарларида дунёвий давлат ҳокимиятини инкор этиб, католик черкови диний ҳокимиятининг ер юзида хукмронлик қилиши лозимлиги тўғрисидагиояни илгари сурди.

А. Августиннинг фикрича, инсоният тарихи илоҳий башорат орқали белгилаб қўйилган бўлиб, эзгулик ва ёвузлик кучларининг ўзаро курашидан иборатдир. Илоҳийликдан фақат эзгулик таралади, ёвузлик ва зулм эса ўзбилармонликка интилувчи, илоҳий ақидаларни тан олмайдиган эркин иродада маҳсулидир.

Черковга бўйсунмай шайтон измида юрганлар қурган дунёвий давлат қасоскорлар тўдасидан фарқ қилмайди, деб билган бу илоҳиётшунос «илоҳ шахри»ни «инсонлар шахри»га қарама-қарши қўяди. Зўрликнинг ҳар қандай кўринишини рад этар экан, инсонлар бир-бирининг устидан хукмронлик қилиш, бири иккинчисини итоат эттириш, хукмронликка интилиш иштиёқида давлат ва унинг жазоловчи идоралари-ни ўйлаб топганлар, дея ҳисоблайди. Одамларни «ўзларича», яъни шайтон домидаги «ердаги одамлар»га ва худога интилиб яшаётганлар – «илоҳий одамлар»га ажратади. «Диний эътиқодсиз билим йўқ, ҳақиқат йўқ», деган тамойилни илгари суриб, «гуноҳга ботган шаҳарлар ва давлатлар»га «илоҳий шаҳар»ни, католик черковининг жаҳонга хукмронлигини қарама-қарши қўяди.

Бундан кўриниб турибдики, Платоннинг икки дунё, стоикларнинг икки полис тўғрисидаги қарашлари билан Августин назарияси ўртасида ўхшашлик мавжуд.

Августин таълимотига таянган католик черкови XI–XIII асрларга келиб Европа ижтимоий-иктисодий ва сиёсий ҳаётида етакчи мавқени эгаллади.

Шарқ мамлакатларига уюштирилган салиб юришлари, инквизиция судлари, черковнинг расмий-сиёсий мафкура-

сига қарши чиққан, папа ҳокимияти ва феодал тартибларга бўйсунишни истамаган еретикларга қарши қўлланилган жазолар бу даврнинг сиёсий тафаккури, юриспруденцияси, фалсафаси ва табиатшунослиги илоҳиётнинг кучли таъсири остида қолиб кетганлигидан далолат беради.

**Фома Аквинский.** У (1225–1274) яшаган давр католик черковининг энг кучли мавқега эришган асрларига тўғри кела-ди. Унинг сиёсий қарашлари акс этган «Ҳукмдорларнинг бошқарувлари тўғрисида», «Илоҳиёт мажмуаси» асарларида, қола-верса, Аристотелнинг асарларига ёзган шарҳларида илоҳиёт ва фалсафа муаммоларидан ташқари, ҳуқуқ, ахлоқ, давлатчилик ва иқтисодиёт масалалари ҳам қаламга олинган. Умуман, Ф. Аквинскийнинг диний-сиёсий руҳдаги назарияси ижтимоий тенгсизликнинг худо томонидан ўрганилганлиги тўғрисидаги foяни ҳимоя қилишга асосланган. Унинг таълимотига кўра, дунёвий ҳокимият илоҳий ҳокимиятнинг ерда-ги ифодасидир. Дунёвий ҳокимият илоҳий ҳокимият талаблари асосида иш кўрсатсанына инсонларга яхшилик ва эзгулик олиб келиши мумкин. Фақат ҳокимиятнинг аниқ шакли, ҳокимиятга эга бўлиш усуслари, унинг тузилиши ва ундан фойдаланиш худонинг foяларига зид, адолатсиз бўлиши мумкин эмас, деб ҳисоблади.

Ф. Аквинский давлат бошқаруви масаласига илоҳиёт нуқтаи назаридан ёндашганлигига қарамай, дунёвий давлатда суиистъемолчиликларнинг олдини олиш учун сиёсий ҳокимиятнинг ҳалқ розилиги асосида амалга оширилиши лозимлиги, қонунларнинг эса ҳалқ ёки унинг вакиллари томонидан қабул қилиниши кераклиги тўғрисидаги фикрлари ҳозирги давр учун ҳам аҳамиятга моликдир.

«Токи ўзга шахс иродасига тобе эканмиз, хавф-хатардан холи бўлишимиз мумкин эмас»,<sup>1</sup> – деган эди Ф. Аквинский.

Хуллас, ердаги давлат доирасида мавжуд бўлиши лозимлиги қайд этилган ҳалқ суверснитети сиёсий фикр тарихида антик даврдан кейин пайдо бўлган янгилик нишонаси эди.

Қонун назариясининг таҳлили Ф. Аквинский меросида

<sup>1</sup> Антология западноевропейской классической либеральной мысли. – М., 1995. – С. 397 // Ирхин Ю.В., Зотов В.Д., Зотова Л.В. Политология. – М., 2000. – С. 64.

муҳим ўрин тутади. Христиан давлатининг фуқароси сифатида инсон қонунларнинг тўрт турига дуч келади:

1. Абадий қонун – коинотни бошқарувчи илоҳий тафаккур.

2. Табиий қонун – илоҳий, абадий қонуннинг инсон тафаккуридаги инъикоси.

3. Инсон қонуни – табиий қонун, табиий ҳуқуқдан инсон иродаси орқали келиб чиқади. Ф. Аквинский худди Аристотель каби инсоният яратган қонунлар барча фуқароларнинг манфаатларига хизмат қилиши керак, бу қонун ваколатли ҳокимият томонидан ишлаб чиқилиши лозим, деб ҳисоблайди.

4. Илоҳий қонун – Библиядаги Эски ва Янги аҳдлар бўлиб, инсоннинг нариги дунёдаги саодатга боришига йўл очади.

XIV асрга келиб, Европада черков ҳокимиётининг кучизланиши, қироллар дунёвий ҳокимиётининг кучайиши даври бошланди ва бу ҳол марказлашган миллий давлатларнинг ташкил топиш жараёнида янги сиёсий-ҳуқуқий назарияларни пайдо қилди. Жумладан, инглиз файласуфи В. Оккам (1300–1350) дунёвий ҳокимиётнинг диний ҳокимиётдан мустақил бўлиши лозимлиги foясини илгари сурди. Бу эса ҳалқ ҳуқуқининг демократик назарияси яратилишига олиб келди. Лекин бу назарияда ҳалқ индивидлар жамоаси тарзида тушунилмас, Ўрта асрда хос жамоа ҳуқуқи тафаккури устунлик қиласар эди.

**Ўйғониш даври ижтимоий-сиёсий ғоялари.** Европадаги Ўйғониш (XIV–XVI асрлар) ва Реформация (XVI аср) даврлари Ўрта аср тартиблари шароитида янги буржуа муносабатларининг пайдо бўлиши, Петrarка ва Боккачо, Леонардо да Винчи ва Никколо Макиавелли, Дюрер, Лютер, Микеланджело ва Мюнцерлар номини дунёга танитган даврdir.

Антик давр демократияси ғояларидан руҳланиб, инсон тафаккурига ишончни қайта тиклаган Ўйғониш даври ва унинг ғоялари инсоният тарихидаги туб бурилиш давридир. Инсон қадр-қиммати, унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, инсон учун муносаби ҳаёт яратиш ғоялари айнан Farb мамлакатларида уларнинг давлатчилик ва сиёсат соҳасидаги амалий изланишлари давомида вақт синовидан ўтиб, реал воқеаликка айланди.

Үйғониш ва Янги давр сиёсий-хуқуқий қарашларида давлатнинг пайдо бўлиши ва қарор топниши мұаммосини ўрганиш кучайғанлиги кўзга ташланади. Давлат, жамият ва шахс тўғрисидаги қарашлар тизимида индивид-фуқарога алоҳида эътибор бериш бошланади. Шунинг учун бу даврнинг сиёсий қарашлари «фуқаролик тўғрисидаги қарашлар» деб ҳам атлади.

Янги давр сиёсий фанининг асосчиси дея тан олинган буюк италян гуманисти Н. Макиавелли (1469–1527) диний ақидалардан холи бўлган Уйғониш даври сиёсий фалсафасини яратди. У «Хукмдор»<sup>1</sup>, «Флоренция тарихи» асарларида сиёсатни биринчи бўлиб фан сифатида асослаб берди ва жамиятнинг илоҳий эмас, балки табиий қонунлар асосида ри-вожланишини таъкидлади.

Леонардо да Винчининг замондоши, Микеланджелонинг дўсти, 27 ёшида Флоренция Республикасининг давлат арбоби, тарихчи ва шоир, бир қатор Фарбий Европа мамлакатларида элчи сифатида фаолият кўрсатган Н. Макиавелли XV аср охири ва XVI аср бошларида узлуксиз урушлардан жабр кўрган, марказлашган давлатга эҳтиёж сезаётган Италия манфаатларининг ифодачиси эди. Шу нуқтаи назардан унинг сиёсий назарияси ўз даври талабларини илгари сурғанилигини унутмаслик лозим.

«Макиавелли ва унинг таълимоти тарафдори бўлган бошқа муаллифлар, – дейди Ф. Бэкон. – у ёки бу вазиятда одамлар қандай қадам қўйиншлари лозимлигини эмас, балки, одатда, амалда қандай қадам қўйиншларини очиқ ва тўғридан-тўғри баён қилганларни учун ҳам ҳурматга лойиқдирлар». Сиёсат дунёсини ўрганишда Н. Макиавелли тадқиқотнинг янги усууларидан фойдаланди. Меъёрий-қадриятли назарияга асосланган фалсафий ёндашувдан ташқари, бу мутафаккир реал сиёсий муносабатларни кузатишда эмпирик усуулдан фойдаланди. Тарихий жараёнларни ўрганиш асосида у биринчи бўлиб сиёсатни фан сифатида асослаб берди, сиёсий фаоли-

<sup>1</sup> Изоҳ: Бу асарни Н. Макиавелли Италия қироли Лоренцо деи Медичига бағишилаган.

<sup>2</sup> Бэкон Ф. Соч.: В 2 т. Т. 1. – М., 1977. – С. 401. // Ю.В.Ирхин, В.Д.Зотов, Л.В.Зотова. Политология. – М., 2000. – С. 71.

ятда черков ахлоқи эмас, балки фойда ва куч мезон бўлганлигини қайд этди. Макиавеллининг фикрича, христианликнинг ахлоқий қадриятларини амалда ҳаётга татбиқ этиш мумкин эмас, чунки олий саодатни итоатда, дунёвийликка нафрат билан қарашда, ҳаётдан юз ўгиришда деб билган черков ахлоқи одамларни кучсиз ва забун қилиб, абраҳамлар қурбонига айлантиради. Динни давлатга маъқул ахлоқни ҳаётга жорий этувчи сиёсий восита деб билади.

Сиёсий таълимотлар тарихини таҳдил этиш билан шуғулланган айрим мутахассислар «Мақсад воситани оқладиди» деган тамойилни илгари сургани учун Макиавеллини кескин танқид қиласидилар. Масалага бугунги кун талабидан келиб чиқиб эмас, балки ўша давр эҳтиёжи нуқтаи назаридан туриб ёндашилса, муаммо ойдинлашади. Чунки Макиавелли Рим папасига тобе бўлмаган, кучли, марказлашган миллий давлат тузиш йўлида мамлакатни бирлаштирувчи, халқ сайлаган ислоҳотчи подшонинг барча воситалардан фойдаланишини маъқуллаб, агар натижа кўнгилдагидек бўлса, барча воситаларни, гарчи улар ноахлоқий бўлса-да, оқлаш мумкин деб билар эди.

Макиавелли ўша давр сиёсий бошқарувида фойда ҳамда куч асосий мезон бўлганлигидан келиб чиқсан ҳолда ҳукмдор кучли армия тўғрисида қайфуриши керак ва қайси тарафнинг армияси кучли бўлса, тақдир ўша тарафга кулиб боқади, деган фикрни олға суради. Макиавелли назарida барча давлат ва халқларнинг табиатида ҳокимииятпастлик, муно-фикалик, журъатсизлик, нонкўрлик, кўрқоқлик, дангасалик ва иккюзламачилик, ҳасадгўйлик ва бир-бирини кўролмаслик иллатлари учрайди. Шу боис давлат бошлиғи инсон табиатини яхши билмоғи, бу борадаги билимларини давлат манфаатлари йўлида ишлата билмоғи керак, дея таъкидлайди.

Макиавелли давлат бошқарувида республика шаклини маъқул кўради. Омма қиролга нисбатан ақллироқ ва доимийроқдир. Халқ овози — худо овозидир, чунки халқ барча масалаларда ҳукмдорга нисбатан одилроқ мулоҳаза юритади. Республика идора усули ўрнатилса, давлат мустаҳкам ва барқарор бўлади, деб ҳисоблайди.

Макиавелли «Ҳукмдор» асарида республикани бошқариш-

нинг тўғри ва қулаги шакли деб билса-да, аввало, «янги ҳукмдор»нинг якка ҳукмронлиги ўрнатилиб, у Италияни бирлаштириши, ислоҳ қилиши ва юксалтириши, сўнг унинг ўрнини республика ёки бошқарувнинг «аралаш» шакли (демократия, аристократия, монархия элементларидан иборат шакл) эгаллаши лозимлигини қайд этади. Шу тариқа Макиавелли давлатчиликнинг монархиядан республикага томон ривожланишини олдиндан айтиб ўтган.

Таъкидлаш жоизки, А. Смит эркин бозор афзаликлари тўғрисидаги либерал назариясини яратишидан анча аввал Макиавелли индивидуал эркинликнинг бутун жамият учун фойдалигини уқтириб ўтган эди. Бироқ бошқарувнинг республика шакли ҳалқнинг муайян фазилатларга, жумладан, фуқаролик сифатларига эга бўлишини тақозо қиласди, бундай фазилатларга эга бўлмаган ҳалқлар учун эса монархия бошқарувини маъқул деб билади.

Умуман олганда, Соҳибқирон Амир Темурнинг «Куч адолатдадир» тамойили акс этган «Темур тузуклари» Шарқ мамлакатлари ҳукмдорлари учун қанчалик зарур қўлланма бўлган бўлса, кўпроқ «адолат кучдадир» деган гарбона менталитет акс этган Макиавеллининг «Ҳукмдор» асари 400 йилдан кўпроқ давр мобайнида Фарб мамлакатлари давлат бошлиқлари диққат-эътиборини ўзига жалб этиб келмоқда. Шуни унумаслик лозимки, Уйғониш даврининг бу мутафаккири қарашлари ўша давр эҳтиёжлари инъикоси бўлиб, ҳали класик либерализм гоялари даражасига етмаган эди. Макиавелли таълимотида инсон ижтимоий ҳодиса, мавжудот сифатида катта маъно касб этмаган, унинг манфаатлари давлат ва умумманфаатларга тобе этиб кўйилган эди.

Француз мутафаккири **Жан Боден** (1630—1596)нинг қарашлари ҳам муайян қизиқиш уйғотади. «Давлат тўғрисида олти китоб» асарида у биринчи бўлиб давлат суворенитети гоясими илгари сурди, давлат илоҳий тарзда келиб чиқмаганлигини таъкидлаб, унинг манфаатлари дин манфаатларидан устун бўлиши лозимлигини ва виждан эркинлиги ўрнатилишини тарғиб этди.

Хуллас, Уйғониш даври сиёсий таълимотлари сиёсий-хукуқий таълимотлар ривожининг кейинги тараққиёти учун муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилди.

**Маърифатпарварлик даврида сиёсий ғояларнинг тараққиёти.** Бундай сиёсий қарашлар кейинчалик Томас Гоббс (1598–1679) қарашларида ривожлантирилади. Гоббс монархияни – ҳокимиятнинг энг қулай шакли, деб ҳисоблайди. Буни ўзининг «Левиафан» асарида инсонларнинг давлат пайдо бўлгунигача бўлган даврдаги ҳаётини тасвирлаб, унда «хаос» ва «ихтилоф»лар хукмрон бўлганлигини таъкидлайди ёки бу хукмронликни «ҳамманинг ҳаммага қарши уруш» ҳолати сифатида қайд этади. «Ижтимоий келишув»га «хаос»дан чиқишидаги муҳим йўл сифатида қаралади. Гоббс монархнинг асосий вазифаси қонунни сақлай билиш, деб тушунади.

Англия файласуфи Ж. Локк (1632–1704) қарашларида эса сиёсатда фуқаролик концепцияси илгари сурилади. Локк таълимоти нисбатан реал ҳаётга асосланганлиги билан ажralиб туради ва чекланган монархни ўрнатишни ёқлайди.

У сиёсий фикр тарихида биринчилардан бўлиб «шахс», «жамият» ва «давлат» тушунчаларининг таҳлилини беради ҳамда шахсни жамият ва давлатдан юқори қўяди. Локкнинг фикрича, инсон туғилганидан бошлаб табиий ҳуқуқларга эга бўлади. «Ҳаёт» ёки «яшаш», «эркинлик» ва «мулкка эга бўлиш» ҳуқуқларини ана шу ҳуқуқлар жумласига киритади. У хусусий мулкка эга бўлиш ҳуқуқини қўйидагича асослайди. *Биринчидан*, хусусий мулкка эга бўлиш инсоннинг ўзини ва унинг оиласининг ялаши учун зарур эҳтиёжни таъминлаш учун керак, инсон зарур нарсаларга эга бўлган тақдирдагина ўзининг ривожланишига алоҳида эътибор бериши мумкин. Хусусий мулк мутлақ қадрият эмас, аксинча, эркин жамиятга эришиш воситасидир. Инсонлар мулк жамғарнишда эркин бўлишлари керак. *Иккинчидан*, мулкка эга бўлиш инсоннинг индивидуаллиги шаклланишига таъсир кўрсатади. Давлат жамиятга, жамият ўз навбатида шахсга бўйсуниши лозим. Давлат ва жамият бир нарса эмас, давлат ҳокимиятининг қулаши жамият ривожининг тугаганидан далолат бермайди. Жамият янги давлат ҳокимиятини ўрнатиши лозим. Давлат шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида фаолият кўрсатади. У шахсдан кучлироқ бўлиши мумкин эмас, чунки шахс жамиятни, жамият эса давлатни ташкил этади. Локк қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимияти бўлишини ёқлайди. Қонун чи-

қарувчи ҳокимиятга устуворлик беради, чунки у давлатнинг сиёсатини белгилайди, деб кўрсатади.

Франция маърифатпарвари Шарл Луи Монтескьё (1689–1755) ўзининг «Қонунлар руҳи» асарида «идора этиш тарзи»га ёки «қонунлар руҳи»га таъсир этувчи омилларни кўрсатиб беради. «Кўпгина нарсалар – иқлим, дин, қонунлар, идора этиш шакллари, ўтмиш сабоқлари, ахлоқ, одатлар халқнинг умумий руҳининг натижаси сифатида инсонларни бошқарди», – деб ёзади Монтескьё.

Монтескьё ҳокимиятнинг бўлиниш назариясини «аралаш идора этиш» foясининг давоми ҳисоблаб, қонун устуворлигини қайд этади. Шу асосда қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари бир-бирларини тўлдирган ҳолда ҳокимиятни сақлаб туришлари мумкин, деган холосага келади.

Сиёсий фикр ривожи Европадаги давлатлар қурилиши билан узвий боғлиқ ҳолда борди. Бу давр намояндалари унитар мустақил давлатнинг камчиликларини ҳисобга олиб, сиёсий назарияни амалиёт билан боғлиқ ҳолда амалга оширишга ҳаракат қила бошладилар.

АҚШ Конституциясининг муаллифларидан бири Ж. Мэдисон (1751–1836) республиканизмнинг кўзга кўринган назарийетчиларидан бири бўлиб, у халқ – сиёсий ҳокимиятнинг ягона манбаи, сайловлар – республикавий идора этишнинг муҳим хусусияти, деган қоидага асосланади. У кўпчилик фракциясига эҳтиёткорлик билан ёндашади, ҳокимиятдан фойдаланиб, озчиликнинг манфаатларини поймол этиши мумкинлиги хавфининг олдини олиш чораларига алоҳида эътибор билан қарайди. Озчиликнинг эркинлигини кафолатлаш зарурлигини ҳимоя қиласди. Мэдисон демократиянинг вакиллик орқали идора этиш шакли билан бирга либерал идора этиш ҳам зарурлигини исботлайди. Давлат ҳокимиятининг бўлиниши, уларнинг ҳар бирининг нисбий мустақиллигини ва тенглигини тан олади.

Сиёсатнинг «ижтимоий концепцияси» фуқаролик концепциясининг давоми сифатида шаклланди. У энди алоҳида индивид – фуқарога эмас, айрим ижтимоий гуруҳга таяна бошлади. Миллат, синфлар, инсонлар, индивидлар мурайян гуруҳларнинг, бирлашмаларнинг маҳсули сифатида қаралади.

Француз маърифатпарвари **Ж. Ж. Руссо** (1712–1778) эса сиёсатда фуқаролик концепциясининг қатъий ифодачиси ва тадқиқотчисидир. Индивидлар давлатни яратади ёки айни пайтда индивидларнинг ўзи давлатнинг маҳсулидир, деган фикрни олга суради. Руссо учта ташқи омилни қуидагича қайд этади:

1. Ижтимоий тенгликни кувватлаб, мулкнинг жамият аъзолариға нисбатан тенгсиз тақсимланишига қарши чиқади.
2. Сиёсий яхлитликни ҳимоя қилади. Давлатда хусусий ҳамкорлик бўлиши мумкин эмас, деган гояга таянади.
3. У вакиллик ҳокимиятини қуллик деб ҳисоблайди. Бир сўз билан айтганда, Руссо демократиянинг бевосита шаклини қўллаб-кувватлайди.

Англиялик консерватор **Э. Берк** (1729–1797) таълимотида табиий ҳуқуқларни тан олмаслик гояси муҳим ўрин тутади. Унингча, давлат ва жамият инсонларнинг ихтироси эмас, балки табиий ривожланишнинг натижасидир. Давлатнинг асосий вазифаси тартиб ва қонунни сақлашдан иборат. Ҳокимиятнинг вакиллик шаклини қўллаб чиқади. Берк парламентга Англиядаги ҳокимиятнинг ҳақиқий шакли сифатида қарайди ва унинг фаолияти халқ томонидан назорат этилиши мумкин эмас, деб ҳисоблайди.

**А. Токвиль** (1805–1797) «Америкадаги демократия» номли асарида ўзига хос либерал сиёсий назарияни яратади. Уни сиёсий тенглик билан сиёсий эркинлик ўртасидаги муносабат кўпроқ ўйлатади. Сиёсий апатия – сиёсий марказлашув ва ижтимоий бўйсундиришнинг бошланишидир, дейди. Демократиянинг ижобий ва салбий жиҳатлари бўлиши мумкинлиги тўғрисида фикр юритади.

XIX асрнинг 40-йилларидан бошлаб сиёсий фикр ривожи мустабид коммунистик тузумни асослаган қарашлар билан боғлиқ кечди. Улар томонидан муайян ижтимоий гуруҳга, синфга таяниш, уларнинг сиёсий қарашлари, манфаатларини «ҳимоя» қилиш, улар ёрдамида «пролетар инқилобини» амалга ошириш гояси илгари сурилади. Тенглик, демократия, эркинликни таъминлашда улар «пролетариат диктатурасини» ўрнатиш зарурлигини, шу орқали адолатли демократик жамият қуриш мумкинлигини асослашга уриндилар. «Синфиий қураш»га жамиятни ҳаракатлантирувчи куч сифатида қарадилар.

Бу гояда сиёсий ҳокимиятга эга бўлиш, яъни диктатуранинг пролетариат қўлига ўтиши туб масала сифатида қаралди. Октябрь тўнтариши Россияда большевизм кўринишида тоталитар, маъмурий буйруқбозлик жамиятининг ўрнатилишига олиб келди. Собиқ СССР конституциясида ҳокимиятнинг вакиллик ва бевосита шаклларидан фойдаланиш кўрсатилган бўлса-да, амалда ҳақиқий демократик жамиятни ўрнатилишига эмас, аксинча, мустақиллик, эркинлик, инсон ҳуқуқларига зид бўлган тамоийлар марказ билан республикалар ўртасидаги ўзаро муносабатларда, жамият сиёсий ҳаётида ўзининг ифодасини топди. Бу сиёсий қарашларнинг гоявий жиҳатдан бир томонлама, нодемократик ва сохта эканлигини ҳаёт кўрсатди.

### **3. XIX–XX аср сиёсий гояларидаги асосий йўналишлар (либерализм, консерватизм, социализм)**

**Либерализм ва неолиберализм.** Либерализм – лотинча «liberalis» – озод, эркин сўзларидан келиб чиқсан бўлиб, Янги даврнинг биринчи тарихий гояси сифатида вужудга келган. Унинг пайдо бўлиш тарихи Европадаги XVII–XVIII асрларда бўлиб ўтган буржуа инқилоблари даврига бориб тақалади, яъни либерализм феодал тартиблар ва христиан черкови ҳукумронлигига қарши олиб борилган курашлар жараёнида сиёсий таълимот сифатида шаклланган.

Либерализм таълимотининг асосчилари Англиялик Жон Локк (1632–1704) ва Адам Смит (1723–1790) ҳамда америкалик Томас Жефферсон (1743–1826)лардир.

XIX асрда либерализм Англияда куили ривожланди. Унинг ривожига бу ерда Милль (1806–1873), Гербет Спенсер (1820–1903), кейинроқ эса Джон Кейнс (1883–1946)лар катта ҳисса қўшдилар. Бу таълимот тараққёти XX асрда «янги либерализм» концепциясининг пайдо бўлишига олиб келди.

Либерализмнинг ижтимоий фикр ва сиёсий оқим сифатида асосий принциплари инсон эркинлиги ва озодлиги бўлиб, либерализмнинг асосий қадриятидир. Унинг бошқа барча принциплари мана шу асосий қадриятдан келиб чиқсан ва булар қаторига қуидагиларни киритиш лозим:

– инсон ўз эркинлигига таяниб, жамиятда ҳаётий мақ-

садларини белгилаш ва фаолият йўналишини танлаш ҳуқуқига эга;

— у ўз фаолиятининг натижалари учун, фаровонлиги ва ижтимоий аҳволи учун ўзи масъулдир.

Либерализм инсоннинг индивидуал эркинлигини унинг, аввало, сиёсий эркинлиги ва табиий ҳуқуқлари билан уйғун ҳолда тушунади. Бунда инсоннинг хусусий мулкка эгалик қилиш ҳуқуқига алоҳида эътибор берилади. Демак, индивидуал эркинлик, аввало, хусусий мулк эгасининг эркинлиги билан узвий боғлиқликда тушунилади.

Хуллас, либерализмнинг асосий идеали тенг ҳуқуқ ва имкониятларга эга бўлган фуқароларнинг жамиятидирки, ундаги ҳар бир инсон, агар меҳнатсевар ва ақлли экан, ҳётда муваффақиятларга ҳамда ижтимоий тан олинишга, яъни ҳурматга эришиши мумкин. Тарихда бу foянинг амалга оширилишида ибратли ишлар қилинган. XIX асрнинг 60-йилларида АҚШнинг либерал-демократик ҳукумати президенти Авраам Линкольн 21 ёшдан катта бўлган ҳар бир америкалик фуқаронинг давлат фондидан 64 гектар ер олиш ҳуқуқи тўғрисидаги ҳужжатни тасдиқлаган эди. Бу эса АҚШ қишлоқ хўжалигига фермерлик ривожини таъминлашга асосий омил бўлиб хизмат қилди.

XIX–XX асрлар давомида либерализмда икки оқим шакланди:

1. Буржуа-элитар оқими – мулкдорларнинг манфаат ва ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ҳамда давлатнинг ижтимоий-иқтисодий муносабатларга аралашувини рад этувчилар. Бу оқим XIX асрнинг охирларигача назариёт ва амалиётда ҳукмронлик қилди.

2. Демократик ёки ижтимоий либерализм оқими – XIX–XX асрларда кучли мавқени эгаллади. Унинг машҳур вакиллари – М. Вебер, сиёsatчилар орасида эса Ллойд Джордж, В. Вильсонларлар бўлишган.

Амалий сиёsatда демократик либерализмни АҚШ президенти Ф. Д. Рузвельт «янги капитализм» шаклида 1930 йилларда Америка ҳаётига татбиқ этди. Айнан шу модел туфайли II жаҳон урушида Farбий Европадаги вайрон бўлган иқтисодий ҳаёт қайта тикланди ва либерал-демократик турмуш вужудга келтирилди.

Инсон эркинлиги, озодлиги принципига таянган либерализм ҳозирги замонавий демократиянинг ғоялари, меъёрларини яратишда катта роль ўйнади. Бу ерда гап барча инсонларнинг қонун олдидаги тенглиги; ҳар бир инсоннинг асосий эркинликлардан (виждон эркинлиги, сўз эркинлиги, ассоциация ва партиялар тузиш эркинлиги) фойдаланиш хукуқини тан олиш; ўзгача фикрга нисбатан сабр-тоқат; озчилик хукуқларининг тан олиниши тўғрисида бормоқда.

Ниҳоят, замонавий демократиядаги хукуқий давлат назарияси ҳам либерализм маҳсулидир, яъни жамиятни бошқарувчи барча тизим халқнинг назорати остида ишламоғи керак.

Жамият иқтисодий ҳаётини ташкил этишнинг замонавий принципларини ишлаб чиқишида ҳам либерализм катта ҳисса кўшган. Бу қўйидагиларда кўринади:

- эркин индивидуал ва гурухий тадбиркорлик;
- эркин бозор ва эркин рақобат.

Ҳозирги замон либерализмининг моҳияти қўйидагилардан иборат:

1. Хусусий мулк ижтимоий табиатга эга. Зеро, унинг яратилиши ва кўпайишида фақат мулкдорнинг ўзигина иштирок этмайди.
2. Хусусий мулкдорлик муносабатларини давлат йўналтириш хукуқига эга.
3. Саноат демократиясининг либерал назарияси ишчиларнинг бошқарувдаги иштирокини тан олмоқда ва қўллаб-куватламоқда.
4. Давлатнинг «тунги қоровул» эканлиги тўғрисидаги класик либерал назария «фаровон давлат» тўғрисидаги концепция билан алмаштирилди. Яъни, жамият ўзининг ҳар бир аъзосининг кун кечириши учун зарур бўлган нарсаларнинг энг кам миқдорини яратади, давлат сиёсати иқтисодий барқарорликни таъминлашга ва ижтимоий бўхронларнинг олдини олишга қаратилмоғи керак. Чунки бизнинг асримизда кўпчилик аҳоли ёлланма ишчилардир, шунинг учун давлат замонавий иқтисодиёт шароитида ўз фуқаросининг камбағал бўлиб, ёрдамга муҳтож бўлиб қолишидан мутлақо манфаатдор эмас.
5. Замонавий либерализмда ижтимоий адолат концепци-

яси муҳим ўрин тутади. Бу принцип индивиднинг тадбиркорлиги ва қобилиятини рағбатлантиришни, айни чоғда камтаъминланган аҳоли гуруҳлари учун ижтимоий бойликни қайта тақсимлаш заруратини инобатга олади.

Либерализм сиёсий тафаккурнинг ғоявий-сиёсий йўналиши сифатида тарихий тараққиёт давомида ўз партияларини ҳам вужудга келтирди:

- 1828 й. АҚШ демократик партияси;
- 1832 й. Буюк Британия либерал партияси;
- 1884 й. Норвегия либерал-буржуа партияси;
- 1922 й. Италия либерал партияси;
- 1923 й. Швейцария либерал партияси;
- 1948 й. Нидерландия либерал партияси бугун дунёнинг энг обрўли либерал партияларидир.

**Консерватизм ва неоконсерватизм.** Консерватизм — лотинча «conservare» — «сақлаб қолмоқ»; «бузилиб, йўқолиб кетишга йўл қўймаслик» деган сўзлардан келиб чиқсан бўлиб, узоқ вақтлардан буён бизнинг сиёсий терминологиямизда салбий маъно касб этувчи сўз, жараён сифатида ишлатиб келинган эди.

Консерватизм ижтимоий-сиёсий тафаккур кўриниши сифатида 1789–1791 йиллардаги Буюк француз инқилобининг натижалари ва тажрибаларининг танқидий баҳолари сифатида шаклланди. Таълимотнинг асосчиси англиялик мутафаккир Эдмунд Беркдир (1729–1797). Шунга кўра, классик консерватизмни Англияда вужудга келган дейиш мумкин. Э. Берк 1790 йил ёзган «Франциядаги инқилоб тўғрисида ўйлар» асарида эркинлик концепциясини ҳимоя қилди, ҳатто бунга либераллар ҳам тан беришли. Бироқ Берк фикрича, жамият ҳаётида яхши натижаларга инқилоб орқали эмас, балки ижтимоий-сиёсий институтларнинг эволюцион тараққиёти орқали эришилади.

XX асрда англиялик файласуф Карл Поппер консерватизмнинг йирик назариётчиси сифатида танилди.

Консерватизмнинг асосий қадриятлари тарих, ҳаёт, қонун, тартиб, интизом, ижтимоий барқарорлик, анъаналар, оила, миллат, давлат, жамият, ҳокимият, иерархия ва диндир.

Ижтимоий консерватизмнинг ўзига хос жиҳатлари қўйидагилардан иборат:

- инсониятнинг қадимий ахлоқий анъаналарини сақлаб қолиш;
- қадриятлар ёки ижтимоий институтларни радикал инкор қилишга нисбатан шубҳали муносабат;
- жамиятни ўз ички ҳаёти ва жуда мурт тузилишга эга бўлган маънавий реаллик, борлиқ сифатида идрок этиш;
- жамиятни яхлит организм сифатида тушуниш ва уни машинага ўхшаб қайта қуриш мумкин эмаслигига ишониш.

Консерватизмнинг асосий қоидаси шундан иборатки, гўё инсон онги, ақли, тафаккури имкониятлари чекланганлиги боис, у ижтимоий жараёнларнинг моҳият ва мақсадини тўлиқ англашга ожиздир. Ижтимоий жараёнлар, консерватизм тарафдорларининг фикрича, одамлар тақдирини белгиловчи олий илоҳий куч (Яратувчи) томонидан бошқарилади. Бироқ инсон онгги ҳам Яратувчи билан биргаликда бу бошқарувда иштирок этади. Реал ижтимоий жараён эса ижтимоий институтлар ва қадриятларда ифодаланган тажриба ва хатолар натижасидир. Бу реал ижтимоий жараёнларни инсон онгли равишда ўйлаб топмаган ва амалга оширмаган, шу боис уни радикал тарзда ўзгартириш ҳуқуқига ҳам эга эмас.

Шунинг учун консерватизм мафкурасининг асосий қоидалари янада тушунарлироқ баён этилган қуйидаги фикрга эътиборингизни қаратмоқчимиз:

«Биз ўз институтларимизни доимо яхшилашга ҳаракат қилмоғимиз лозим, биз уларни бутунлай қайта қуришни ҳеч қачон ўз олдимизга мақсад қилиб қўймаймиз, ўз имкониятимиздаги яхшиланиши лозим бўлганларини биз тушунмаган нарсаларнинг бири сифатида қабул қилмоғимиз керак. Биз доимий равишда ўзимиз яратмаган шу қадриятлар ва институтлар ичida ҳамда уларнинг атрофида ҳаракат қилмоғимиз лозим»<sup>1</sup>.

Консерваторларнинг нуқтаи назарича, давлат доимий мавжуд бўладиган органик бутунликдир, унинг айрим қисмлари пайдо бўлади, ўз шаклини ўзгартиради, йўқолади, лекин давлатнинг ўзи ўзгармасдир.

Ворисийлик, авлоддан авлодга ўтувчи ижтимоий алоқаларни янгилаб бориш қоидасига таянган консерватизм инқилоб-

<sup>1</sup> Мельник В. Основы политологии. – Минск. 1992. – С. 135.

ларга мутлақо салбий қарайди. Жумладан, тарихга, тараққиётта бундай нүқтai назардан қарап тарафдорлари коммунистик түзум инқирози боис, кейинги ўн йилликларда кескин ошди. Консерваторлар жамиятда аста-секинлик билан эволюцион ўзгаришлар ясаш тарафдорлари дидир. Консерватизмни бундай талқын қилувчилар неоконсерватизм вакиллари ҳисобланади. Уларнинг сиёсий фалсафасида икки фоя мавжуд:

1. Индивидни давлатга бўйсундириш.

2. Миллатнинг маънавий ва сиёсий бирлигини, яқдиллигини таъминлаш.

Таъкидлаш жоизки, неоконсерваторлар иқтисодиётда эркин бозор муносабатлари тарафдори бўлиб, шу маънода улар либералистлар билан ҳамфирдирлар. Бироқ сиёсий қарорлар у ёки бу индивид, гурӯҳ манфаатини ўйлаб эмас, балки миллатнинг муштарак, умумий манфаатларини кўзлаб қабул қилинмоғи керак, дея ҳисоблайдилар консерваторлар.

Халқаро муаммолар неоконсерватизмда муҳим ўрин тутмоқда. Ўз давлатини дунёнинг илгор давлатига айлантириш олий ва абсолют мақсад дея белгиланмоқда, шахсий ва гурӯҳий манфаатлар шу мақсадга бўйсундирилмоқда. Уларнинг фикрича, фақат давлатгина ўз қонунларига кўра ривожланиши, эркин бўлиши мумкин. Индивид ўз эркинлигига чекланган, шунинг учун ҳам у миллат ва давлат аъзоси сифатида фойдали бўлиши мумкин.

Бугунги дунёдаги машҳур консерватив партияларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

— Англия консерватив партияси;

— АҚШ республикачилар партияси;

— Христиан-демократик йўналишдаги Фарбий Европа партиялари;

— Канада консерватив партияси;

— Австралия ва Янги Зеландия консерватив партиялари.

Англиядаги неоконсерваторлар (тэтчеризм) ва АҚШдаги неоконсерваторлар (рейганомика)нинг фикрича, давлат либераллар ва социал-демократлар давларида иқтисодий йўналтириш ҳамда ижтимоий ҳимоя масалалари билан кўпроқ шуғулланди, бу эса давлат аппаратида бюрократияни кучайтирди, шахсий ташаббус ва рақобатнинг ролини пасайтириб юборди.

Шунинг учун ҳам 1975 йилда Англия бош вазири лавозимига сайланган Маргарет Тэтчер ўн йил ичидаги ўз «тэтчеризм сиёсати» билан «темир хоним» номини олган бўлса-да, Англияни юксак тараққиётга олиб чиқди.

Хўш, унинг сиёсатидаги асосий тамоилилар нималар эди? Булар:

1. Тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;
2. Давлатнинг иқтисодий ҳаётга аралашувини минимум даражага тушириш, хусусий мулкчиликни демократлаштириш;
3. Ҳар ким ўз-ўзини моддий жиҳатдан таъминлаши шарт, давлат фақат ногиронларга ёрдам беради;
4. Ижтимоий харажатларни мумкин қадар камайтириш;
5. Жамият учун зарар келтирадиган иш ташлашларни қатъиян тақиқлаш.

Натижада, 1982–1987 йилларда Англия иқтисодий ва маданий жиҳатдан Фарбий Европада биринчи ўринга чиқиб олди<sup>1</sup>.

**Социализм – XIX–XX аср сиёсий ғояларидаги йўналишлардан бири.** Бу ғоя XIX асрда ишчилар синфи манфаатларининг ифодачиси сифатида майдонга келди.

Социализм тенглик, ижтимоий адолат, умумий манфаатларнинг устунлигига асосланган жамият ҳақидаги ғоя сифатида даставвал қадимги дунёда пайдо бўлган. Унинг неғизида илк христиан жамоалари қурилган. Бироқ социализм янги даврда Т. Мор, Т. Кампанелла, Р. Оуэн, Ш. Фурье, А. Сен-Симон асарларида назарий жиҳатдан ишлаб чиқилди ва ғоявий оқим сифатида шакллантирилди. Кейинроқ XIX асрда социализм пролетариатнинг мафкураси сифатида немис мутафаккирлари К. Маркс ва Ф. Энгельс томонидан асослаб берилди ва марксизм номини олди. Маркс таълимотига кўра, тенглик ва ижтимоий адолатни капитализм эмас, балки социализм ва коммунизм таъминлади. Унга эса инқилобий йўл билан, пролетариат диктатурасини ўрнатиш орқали дунёning ривожланган мамлакатларида бирданига ўтилади.

XX асрнинг бошларида марксизм бир-бирига қарама-

---

<sup>1</sup> Дунёning кучли аёли // Ўзбекистон овози. 2001. 20 декабрь.

қарши икки ғоявий оқимга: ленинизм ва социал-демократияга бўлиниб кетди.

1864 йилда I Интернационал ташкил топгач, Европанинг кўп давлатларида оммавий социал-демократик партиялар вужудга келди. 1889 йилда II Интернационал, 1898 йилда эса РСДРП<sup>1</sup> тузилди. 1895 йилда Ф. Энгельс вафотидан кейин марксизмнинг асосий постулатлари<sup>2</sup> масаласида ўзаро келишмовчиликлар бошланди. Натижада, 1918 йилдан кейин ягона социалистик ҳаракат бўлиниб кетди. 1917 йилдаги коммунистик рус инқилобидан кейин Россиядаги большевиклар (рус коммунистлари) социал-демократик партиялардаги сўл кучларни III Коммунистик Интернационалга бирлаштирилар. Ленин ва унинг тарафдорлари фикрича, социализмга дунёнинг ривожланган мамлакатларида бирданига эмас, балки капитализмнинг «заиф ҳалқаси» ҳисобланган, алоҳида олинган бир мамлакатда, инқилобий йўл билан — буржуа давлат машинасини синдириб ташлаш ва пролетариат диктатурасини ўрнатиш, хусусий мулкни тугатиш ҳамда уни ижтимоий (давлат) мулкка айлантириш йўли билан эришилади. Бу таълимот асосида собиқ СССР ва бир қатор Шарқий Европа мамлакатларида олиб борилган социализм қуриш тажрибаси самарасиз бўлиб чиқди ва ҳалқ ишончини қозонмади. Оқибатда социализмнинг ленинчча концепцияси сиёсий ғоя сифатида инқирозга учраб, амал қилишдан тўхтади.

Ўнг социалистик ва социал-демократик партиялар эса 1923 йилда Социалистик Интернационалга бирлаштилар ва у бугунги кунда ҳам мавжуд. Фарбий Европада XIX аср охири XX аср бошларида Э. Бернштейн ва К. Каутскийлар томонидан назарий жиҳатдан ишлаб чиқилган социал-демократик таълимот Россиядаги Ленин бошлиқ коммунистлар таълимотидан ўз pragmatizmi ҳамда ҳаётийлиги билан тубдан фарқ қиласи эди. Бу таълимотга кўра, социализмга синфий кураш, инқилобий йўл орқали эмас, балки тинч, эволюцион йўл билан буржуа жамиятини аста-секин ислоҳ қилиш орқали ўтилади. Социал-демократлар бу кўрсатмаларини амалга

<sup>1</sup>Изоҳ: РСДРП – Российская социал-демократическая рабочая партия (Россия социал-демократик ишчи партияси).

<sup>2</sup>Изоҳ: Постулат – исботсиз қабул қилинадиган дастлабки қоида, фараз.

оширишни давлатнинг жамият иқтисодий ҳаётига фаол аралашини, даромадларни камбағаллар фойдасига қайта тақсимлаш, иқтисодиётнинг давлат секторини ва кўплаб давлат ижтимоий дастурларини ривожлантириш билан боғлайдилар.

Бернштейн ва Каутскийлар марксизм-ленинизм хатоларини кескин таңқид қилиб, «демократик социализм» тушунчасини ижтимоий онгга олиб кирдилар. Бернштейн яратган демократик социализм назарияси К. Маркснинг «капитализм инқизози ва халқнинг тобора камбағаллашуви» тўғрисидаги тезисини рад этди. Шу муносабат билан пролетар инқилобини амалга ошириш ва унинг диктатурасини ўрнатиш тўғрисидаги марксча-ленинчағо яхам заарли ҳамда асоссиз деб топилди.

XX асрнинг иккинчи ярмида социал-демократик фоя неғизида Фарбий Европанинг бир қатор мамлакатларида турли-туман «социализм моделлари» шаклланди. Булар ичидага ҳаётнинг юқори даражаси ҳамда сифатини таъминлай олгани учун швед ва герман моделлари катта обрў қозонди, айрим мамлакатларда социал-демократик партиялар узоқ йиллар давомида ҳокимиятни ҳам бошқаришди. Жумладан, Норвегия ишчи партияси олтмиш йил давомида хукмон партия бўлди, Швецияда эса социал-демократик партия 1932 йилдан бўён ҳокимиятни бошқармоқда. «Швед социализми» фояси шу партия хукмонлиги йилларида ҳаётга татбиқ этилди. Аммо XX асрнинг 80-йиллари охирларида бу мамлакатларнинг иқтисодиётида давлат монополияси ва бюрократизм, хусусий тадбиркорлик учун рағбатлантиришнинг пасайиши билан боғлиқ салбий жараёнлар кучайди. Натижада, социал-демократлар кўпчилик сайловчилар томонидан қўллаб-қувватланмади ва ҳокимиятни консерватив партияларга топширишга мажбур бўлдилар. XX асрнинг 90-йиллари охирига келиб социал-демократлар сайловларда ғалаба қозониб, қайтадан ҳокимият тепасига келдилар.

Ҳозирги замоннинг обрўли социал-демократик партияларига қўйидагиларни киритиш мумкин:

- 1869 й. Германия социал-демократик партияси;
- 1871 й. Дания социал-демократик партияси;
- 1879 й. Испания социалистик ишчи партияси;
- 1887 й. Норвегия ишчи партияси;
- 1889 й. Швеция социал-демократик ишчи партияси;

— 1900 й. Буюк Британия лейбористлар (ишчи) партияси ва бошқалар.

Иккинч жаҳон урушидан кейин қайта тузилган Социалистик Интернационал 1951 йилда Франкфурт декларациясида ўз расмий доктринасини эълон қилди. Бу «социализмга фақат демократик йўл билан бориш керак», деган тезисга асосланган «Демократик социализм» доктринаси эди. Ҳозирги замонда Социалистик Интернационалга дунёнинг 120 мамлакатидаги 139 партия аъзодир. Жаҳон социалистик системасининг инқизозидан кейин кўпгина коммунистик партиялар ҳам Социалистик Интернационалга аъзо бўлиб киришди. Ҳозирда Социалистик Интернационал марказий бошқарув органига эга эмас. Конгресслари эса ҳар 3 йилда бир марта ўтказилади.

Мафкура жиҳатдан турлича, лекин сиёсий йўли муштарак бўлган партиялар Социалистик Интернационални ташкил этганлар. Шуниси эътиборга лойиқки, сиёсий плюрализмни инкор этувчи партиялар бу ташкилот аъзоси бўла олмайдилар. XX асрда социал демократиянинг бир қатор машҳур вакиллари дунё сиёсати ва тарихида чукур из қолдирдилар. Улар қаторига В. Брандт, У. Пальме, Б. Крайский, Франсуа Миттеран, Социалистик Интернационал раиси — Франциянинг собиқ бош вазири Пьер Моруа ва бошқаларни киритиш мумкин<sup>1</sup>. Сўнгги пайтларда социал-демократлар «экологик социализм» гоясини илгари сурмоқдалар.

Социал демократия ҳозирги даврнинг энг таъсирили гоявий оқимларидан бири бўлиб, у ижтимоий ислоҳотларни амалга ошириш йўли орқали жамиятни социалистик асосда қайта қуришни, халқ фаровонлигига эришишни кўзда тутади.

Хулоса қилиб айтганда, ижтимоий-сиёсий таълимотларнинг шаклланиши ва ривожланишига оид юқорида келтирилган маълумотлар сиёсий қарашларнинг узоқ тарихга эгалигидан, бугунги жамият сиёсий ҳаётидаги турли масалаларни ҳал этишда назарий ва амалий аҳамият касб этишидан далолат беради. Шубоис бу билимларни чукур ўрганиш ақида-парастликнинг ва сиёсат дунёсида бирёкламаликка берилишнинг олдини олади.

<sup>1</sup> Ю.В.Ирхин, В.Д. Зотов, Л.В. Зотова. Политология. — М., 2000. — С. 362–365.

## Таянч тушунчалар

*Сиёсий-хуқуқий гоялар, цивилизациянинг илк ўчоқлари, Хаммурапи қонунлари, давлатнинг патриархал-пательнистик концепцияси, тимократия, олигархия, демократия, монархия, аристократия, Академия, полис, сиёсий мавжудот, полития, тирания, «халқ», «оломон», Ўрта асрлар, инквизиция, юриспруденция, католик чerkови, дунёвий ҳокимият, илоҳий ҳокимият, Ўйгониши даври, макиавеллизм – Ўйгониши даври сиёсий фалсафаси, Реформация, «фуқаролик тўғрисидаги қарашлар», Янги давр, сиёсатнинг фуқаролик концепцияси, сиёсатнинг изжтимоий концепцияси, либерализм, неолиберализм, консерватизм ва неоконсерватизм, социализм, марксизм, ленинизм, социал демократия, «демократик социализм», «социализм моделлари».*

## Назорат учун савол ва топшириқлар

1. Қандай тарихий шароит сиёсий гояларнинг келиб чиқишига турткى бўлди?
2. Дастрлабки сиёсий қарашларнинг Қадимги Шарқда шакланиши сабаблари нимада деб биласиз?
3. Платон идеал давлат тўғрисидаги қарашларида демократия ва давлат бошқаруви масаласига қандай ёндашган?
4. Хусусий мулкка муносабат масаласида Платон ва Аристотель қарашларидаги асосий тафовутларни аниқланг.
5. Аристотель инсонни «сиёсий мавжудот» деганда нималарни назарда тутган эди?
6. Жамиятда ўртаҳоллар ва камбагаллар нисбати хусусидаги Аристотель фикрлари ҳозирги замон учун қандай аҳамиятга эга?
7. Сизнингча, антик давр мутафаккирлари қарашларида ҳозирги жамият учун қандай фойдали жиҳатлар мавжуд?
8. Европада ўрта асрлар сиёсий гояларида дунёвий ва диний таълимотларнинг нисбатини таққосланг.
9. Аврелий Августин ва Фома Аквинскийнинг сиёсий қарашларини таҳлил қилинг.
10. Ўйгониш даврининг сиёсий соҳадаги ўзига хос жиҳати нимада эди?
11. Макиавеллининг «Мақсад воситани оқлади», деган тамойили сиёсатни демократлаштириш вазифасига мувофиқ келадими? Жавобингизни тарихий далиллар билан исботлашга ҳаракат қилинг.
12. Локк «Давлат шахсдан кучлироқ бўлиши мумкин эмас»,

- деганда нималарни назарда тутган эди?
13. Либерализм ва неолиберализмнинг ижтимоий фикр сифатидаги асосий принциплари нималардан иборат?
  14. «Тунги қоровул» ва «фаровон давлат» каби либералистик концепцияларни ўзаро таққосланг.
  15. Замонавий демократиянинг шаклланишида либерализм ва неолиберализмнинг қандай хизмати бор деб ўйлайсиз?
  16. Консерватизм ва неоконсерватизм таълимотининг характерли хусусиятлари тўгрисида нималарни биласиз?
  17. Консерватизм жамиятни яхлит организм деб билади. Бунинг маъносини сиз қандай тушунасиз?
  18. «Тэтчериzm» ва «рейганомика» – неоконсерватизмнинг ифодаси, деганда нимани тушунасиз?
  19. Социализм таълимотининг асосий идеали нимадан иборат?
  20. XX аср социал-демократик ҳаракатининг қайси машҳур арбобларини биласиз?
  21. Социализмнинг сўл радикал концепцияларини таҳлил қилинг.

## АДАБИЁТЛАР

- Каримов И. А.* Биз келажагимизни ўз қўнимиз билан қурамиз. Т. 7. – Т., 1999. – Б.132–154.
- Каримов И. А.* Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. – Т., 2005. – Б. 174–22.
- Каримов И. А.* Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., 2008. – 176 б.
- Аристотель.* Политика. Сочинения в 4-х т., Т.4. – М., 1984. – С. 112–134.
- Монтескье Ш.* О духе законов. М., 1955. – С. 22 – 43.
- Рамазонов И., Мўминов Э.* Политология: Дарслик. – Т., 1997. – Б.17–23.
- Политология: Ўқув қўлланма / С. Отамуродов, И. Эргашев, Ш. Акрамов, А. Қодиров – Т., 1999. – Б. 21–39.*
- Политология: Маърузалар матни /Тақризчилар: В. С. Ким, Ж. Баҳронов. – Т., 2000. – Б.15–40.
- Ирхин Ю. В., Зотов В. Д., Зотова Л. В.* Политология: Учебник. – М., 2000. – С. 30–127.
- Пугачев В. П., Соловьев А. И.* Сиёсатшуносликка кириш: Ўқув қўлланма. – Т., 2004. – Б.10–25.
- Макиавелли Н.* Государь. История Флоренции. – М., 1987. – С. 3–33.
- Сулаймонова Ф.* Шарқ ва Фарб. – Т., 1997. – Б. 3–44.
- Артхашастра или наука политики. М., 1993. – С. 3–18.
- Цицерон.* Речи. М.,1993. – С. 7–25.

---

# **МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ТАФАККУР РИВОЖИНИНГ АСОСИЙ БОСҚИЧЛАРИ**

**(ҚАДИМГИ ДАВРДАН XX АСРНИНГ  
30-ЙИЛЛАРИГА ҚАДАР)**

## **1. Марказий Осиёда ижтимоий-сиёсий ғояларнинг келиб чиқиши**

Жамиятнинг сиёсий ҳаёти масалаларига доир қарашларнинг юзага келиши узоқ тарихий тараққиёт натижасидир. Бундай қарашлар дунёning барча халқлари, жумладан, Марказий Осиё ҳалқлари тарихида мавжудdir. Шу сабабли Марказий Осиёда антик замонларда, уйғониш ва темурийлар даврида ижтимоий-сиёсий ғояларнинг вужудга келиши ҳамда ривожланиши тўғрисидаги билимларни ўрганиш, бу билимларнинг жаҳон цивилизацияси тараққиётидаги аҳамиятини билиш, шунингдек, жадидларнинг ижтимоий-сиёсий қарашларини ўрганиш, бу қарашларнинг мустақиллик давридаги аҳамиятини таҳлил қилиш долзарб аҳамият касб этади.

Марказий Осиёда ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий қарашлар тарихининг энг қадимги даврларидан гувоҳлик берувчи дастлабки манба бундан 2700 йил илгари илк бор тартиб берилиб, тўпланган тарихий ёзма манба «Авесто» китобидир. «Авесто» сўзининг ўзаги «сто» бўлиб, «ўрнатилган, муқаррар қилинган қонун-қоидалар, ҳаётнинг асосий йўриқномаси» демакдир. Минтақамиизда исломга қадар амал қилган зардуштийлик динининг муқаддас китоби бўлган «Авесто» узоқ аждодларимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий дунёси ҳақида ноёб матълумотларни ўзида мужассам этган. Марказий Осиёдаги турли қабилаларни илк буюк давлатчилик ғояси атрофига бирлаштириш заруратини англаған етакчи шахслардан бири сифатида тарих саҳнасида ёрқин из қолдирган, Амударё бўйларида яшаган, Спитама уруғи вакили Зардушт кўп худолик тасаввурлари, табиат ҳодисаларига сигинишга қарши чиқиб, якка худолик ғоясини тарғиб қиласиди. Аждодларимизнинг бундан қарийб 3 минг йил аввалги сиёсий-ҳуқуқий

Қарашларида ҳокимият, ҳукмронлик учун кураш мавзуси диний-мифологик шаклда ўз ифодасини топиб, уларда яхшилик, адолат, ҳақиқат, саховат ва олижаноблик каби фазилатлар улуғланган. Зардустнинг барча ахлоқий йўл-йўриқлари ни бажо келтириш ҳар бир кишининг муқаддас бурчи ҳисобланган. Ҳар бир инсон ўз умрини яхши фикр, яхши сўз, эзгу ишларга бағишлиши лозимлиги уқтирилган.

«Авесто»даги яхши фикр, яхши сўз, эзгу ишлар ҳақиқат асосида бажарилиши фоят муҳим аҳамият касб этган. «Ҳақиқат, – деб ёзилган «Ясна»нинг<sup>1</sup> муқаддимасида, – энг олий неъмат, баҳт-саодат манбаидир. Баҳт фақат ҳақиқатни севгувчи инсонгагина мансубдир<sup>2</sup>.

«Авесто»да ижтимоий-сиёсий ҳаётни, ҳокимиятни бошқаришнинг ахлоқий, ҳуқуқий муаммоларига оид кўплаб масалалар кенг ёритилганини кўриш мумкин. Бу таълимотдаги сиёсий-ҳуқуқий қадриятларнинг фоят муҳим хусусиятларидан бири инсониятга Қирғин келтирувчи уруш ва можароларнинг қораланганилиги, тинч-тотув яшаш, сулҳарварлик каби олижаноб фояларнинг илгари сурилганлигидир. «Ерни одил ҳукмдор, покиза қалб ва эзгу ниятлар билан бошқариш керак. Золим ҳукмдорнинг бошқаришига йўл қўйма!» ёки «Адолат тантана қилиши, ёвузлик йўқ қилиниши керак», каби мурожаатларнинг ўз даври ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий тафаккурига амалий таъсир кўрсатганлиги шубҳасизdir.

Шу ўринда таъкидлаш зарурки, «Авесто»да баён қилинган ахлоқ ва ҳуқуқий мезонлар Марказий Осиё ҳудудида қарийб 3 минг йил аввал сиёсий категориянинг илк куртаклари шаклланганлигидан далолат беради.

«Авесто»да ижтимоий масалаларга ҳам кенг аҳамият бе-

<sup>1</sup> Кадыров М. «Ясна». Пур Дауда / Тегеран, 1968. – С.50. Бу тўғрида қаранг: Ф.С.Низамов.«Авесто»да ҳуқуқий қадриятлар намоён бўлиши шаклларининг таҳлили//Ҳуқуқ-Право-Law. – 2003. – № 1. – Б. 68.

<sup>2</sup> Изюҳ: «Авесто» 21 наск, яъни китобдан иборат бўлган. Лекин бу 21 китоб бизгача етиб келмаган. Ҳозир фанда «Авесто»нинг «Ясна», «Видевдот», «Яшт», «Виспарат» каби китоблари маълум («Ясна» – намоз учун зарур дуоларни, «Видевдот» – девларни маҳв этишга оид дуолар тўпламиини, «Виспарат» – намоз ва зикру сано матнларини, «Яшт»лар эса алқов (гимн)лар тўпламиини ўз ичига олган.

<sup>3</sup> Материалы по истории прогрессивной общественно-философской мысли в Узбекистане. – Т., 1976. – С. 54.

рилган. Кимки ерга вақтида ҳам ўнг қўли, ҳам чап қўли билан ишлов бермаган, меҳнат қилмаган бўлса, ундан кимсаларга Замин: «О сен, одам, менга топинмайдиган, меҳнат қилмайдиган одам! Сен ҳақиқатдан ҳам тиланчилар қаторида, ёт эшикларга таъзим қилиб, абадул-абад бош эгиб туражаксан! Ҳақиқатдан ҳам сенинг ёнингда ҳар хил зироатларни олиб ўтадилар, бу ноз-неъматларнинг барчаси меҳнат қилаётган, яъни тўқ ва фаровон яшаётган хонадонга насиб қиласди. Абадул-абад шундай бўлажак!» – деб жавоб беради<sup>1</sup>.

Умуман, зардуштийлик илгари сурган ижтимоий, сиёсий, ахлоқий, ҳуқуқий фикрлар ҳарбий демократия типидаги қабилалар бирлашмаси эмас, балки бошқарувнинг марказлашган тизими ва унинг фаолиятига асос бўлган қонунлар, қатъий тартиб-интизомга таянадиган давлатларга хос бўлган хусусиятлардир. Шунинг учун ҳам зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авесто» Марказий Осиё ҳалқларининг қадимги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий қарашлари ифода этилган ноёб манбадир. Бугунги «Авесто»нинг ўзбек тилида чоп этилганлиги ҳалқимиз ижтимоий-сиёсий тафаккури тарихини ўрганишда, шубҳасиз, катта воқелик бўлди.

Марказий Осиёнинг қадимги ҳалқлари ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий қарашларини ўрганишда «Авесто»дан ташқари монийлик манбалари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Диний-сиёсий таълимот сифатида милоднинг III асрда Марказий Осиёда вужудга қелган монийликка мусаввир Моний (216–276) асос солган. Ўз тарғиботи орқали зардуштийлик, христианлик ва буддизм ғояларини умумлаштирган Моний 276 йилда расмий ҳокимият томонидан қатл этилган. Унинг оромий (Сурдия), мўътадил форс ва сўғд тилларида ёзган асарлари бизгача етиб қелган. Монийнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари «Сир-ул асар» (Сиру асрор китоби), «Китоб-ул худо вост тадбир» (Раҳбарлик ва бошқарув китоби), «Шабуркан» (Шапуркан) ва бошқа асарларида баён қилинган.

Монийлик қарашларида ҳам зардуштийликдаги каби дуалистик характер устунлик қиласди. Моний сиёсий қарашларида ўз давридаги ҳокимият вакилларини ахлоқсизликка, манманликка, порахўрликка, тубанликка дучор бўлганликда

<sup>1</sup> Тўленов Ж. Қадриялар фалсафаси. – Т., 1998. – Б. 104.

айблайди. Умуман, монийликда сиёсатга нисбатан насиҳатгүйлилек ёндашуви устунлик қиласы<sup>1</sup>. Унда сиёсат ҳар қандай вазиятта ҳам ахлоқий принциплар: ростгүйлик, ҳалоллик, одамларга хайрихохлик ва ҳоказоларга зид бўлмаслиги кераклиги ва фақат ахлоқ йўл кўядиган воситалардан фойдаланиш лозимлиги талаб қилинади.

Милодий V асрнинг охири VI аср бошларида Марказий Осиёда маздакийлик деб ном олган диний-фалсафий таълимот юзага келди. Эроннинг Нишопур шаҳрида туғилган Маздак дэҳқонлар кўзголонига раҳбарлик қилганлиги ҳамда маздакчилар ўз сиёсий талабларида «з» ҳарфи билан бошланувчи тўртта нарса «замин» (ер), «зар» (олтин, бойлик), «зўр» (куч, ҳокимият), «зан» (хотин)нинг барчага тенг тақсимлашишини талаб қилиб чиққанлари тарихдан маълум. Ижтимоий тенгиззиликни жамиятдаги фалокат ва баҳтисизликлар сабаби деб ҳисобловчи бу таълимот мол-мулкни умумлаштиришдек утопик фояни илгари сурган<sup>2</sup>.

Марказий Осиё туркий халқарининг ижтимоий-сиёсий тафаккури тарихини ўрганишда Ўрхун-Енисей ёдгорликларидан Тунюқуқ, Кул тегин, Билга ҳоқон битикларининг ҳам аҳамияти каттадир. Айниқса, Байкал кўлига қўйиладиган Ўрхун дарёсининг шарқий қирғоғи яқинида жойлашган (732 йилда тошга ўйиб ёзилган) Кул тегин битиктоши Турк ҳоқонлигидаги давлат бошқаруви масалаларини ўз ичига олганлиги билан диққатга сазовордир. Бу битиктошдаги «...турк беклари, халқи буни эшитинг! Турк халқини тўплаб давлат тутишингизни бу ерда тошга ўйиб ёздим. Унга қараб билинг, туркнинг эндиги халқи, беклари!» сўзлари эътиборга моликдир.

Хулоса шуки, «Авесто», «Ўрхун-Енисей» ёдгорликлари ва

<sup>1</sup> Изоҳ: Сиёсатни ахлоқий қилишга интилиш сифатида тушуниладиган бундай ёндашув сиёсатнинг инсонийлашувига ёрдам беради. Бундай интилиш ҳозирги гарб христиан демократик ҳаракатлари мағкурасида ҳам ифодаланмоқда. Ҳозирги дунёда сиёсатга нисбатан ахлоқий талабларнинг институционаллашувидаги марказий йўналиш инсон ҳуқуқларицир. Амалда сиёсатнинг инсонийлиги эълон қилинаётган мақсадлари билан эмас, уларга етиш жараённада қўллаётган усул ва воситалари билан белгиланади.

<sup>2</sup> Изоҳ: Хусусий мулкни жамият ҳаётидан сиқиб чиқаришга, ижтимоий мулкчиликни мутлақлаштиришга таянган коммунистик бошқарув тизими мол-мулкни умумийлаштириш истиқболсиз ва ҳатто тараққиёт учун зарарли эканлигини яқин тарихда исботлади.

бошқа ёзма манбалар «қадимги Марказий Осиё халқларида ижтимоий-сиёсий таълимотлар бўлган эмас, сиёсий-фалсафий назария улар учун мутлақо ёт, фалсафа тўла маънода Фарбда бошланган», деган европацентристик даъволарнинг пуч ва ҳақиқатга тамомила зид эканлигини исботлайди.

## **2. Шарқ уйғониш давридаги ижтимоий-сиёсий ва ҳукуқий таълимотлар**

Маълумки, VIII аср бошларида Марказий Осиё араблар истилосига учради. Бу истило ўлкамиз халқларининг иқтисодий, сиёсий, маданий-маънавий тараққиётига кучли зарба берди. Абу Райхон Беруний «Қадим халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида Қутайба Хоразм ёзувини билган, Хоразм афсоналарини сақлаган кишиларни, уларнинг орасида бўлган олимларнинг ҳаммасини турли йўллар билан тъқиб остига олди ва йўқ қилиб юборди», деб ёзган эди. Босқинчиларга қарши олиб борилган озодлик кураши туфайли IX асрнинг иккинчи ярмига келиб мустақил давлатлар (Сомонийлар, Фазнавийлар, Қорахонийлар, Хоразмшоҳлар)нинг пайдо бўлиши бу ерда ижтимоий гуманитар фанларнинг, жумладан, сиёсий ғояларнинг тараққий этишига олиб келди.

Марказий Осиёда сиёсий фикрларнинг вужудга келиши ва ривожланишида ислом дини ҳам муҳим манбалардан бири бўлди. IX асрда маҳсус ислом илмлари шаклланди. Греклардан ўтган фалсафа, математика, физика ва бошқа қатор илмлардан ташқари калом, ҳадис, фиқҳ каби исломий илмлар юзага келди. Ислом Шарқда нафакат дин сифатида, балки яхлит маданият, маънавиятнинг шаклланишида ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. У маданиятнинг илм-фан, санъат, ахлоқ, сиёсат каби соҳаларининг ривожига ҳам ижобий таъсир кўрсатди.

Сиёсат ва сиёсий масалалар Қуръон асосида ишлаб чиқилган диний, жиноий ва фуқаролик қонун-қоидалари мажмуи шариатда ўз аксини топди. Мусулмон ҳукуқшунослари, қозилар иш юритиш осон бўлиши учун шариат доирасида Қуръон, ҳадис, ижмоъ, қиёсдаги қонун ва қоидаларни алоҳида тўплам ҳолига келтириб, фиқҳ иммига асос солдилар. Чунки шариат жуда кенг бўлиб, у ўзида ҳукуқий, ахлоқий,

диний мезонларни мужассамлаштирган бўлса, фикҳ эса ундан торроқ, кўп жиҳатдан қозилар, ҳуқуқшунослар учун масалаларни қонуний ҳал қилиш учун зарур бўлган қоидалар (меъёрлар) тўпламидир. Мұхаммад пайғамбарнинг вафотидан кейин икки аср давомида шаклланган фикҳ (ислом қонунчилиги) тўрт имомнинг номи билан боғлиқ тўрт мактабни (мазҳабни) юзага келтириди. Бу мазҳаблар асосчиларининг номи билан аталди.<sup>1</sup>

Шу даврда минтақа шуҳратини оламга танитган ўнлаб буюк мутафаккирлар етишиб чиқдилар. Улардан энг машҳури – *Абу Наср Мұхаммад ибн Мұхаммад Үзлуғ Тархон Форобий* (873–950). Форобий ўз замонаси илмларининг барча соҳасини мукаммал билганлиги, юон фалсафасини шарҳлаб, дунёга кенг танитганлиги туфайли Шарқ мамлакатларида унинг номи «Ал-муаллим ас-Соний» – «Иккинчи муаллим» (Аристотелдан кейин), «Шарқ Арастуси» деб улуғланган. Форобий илмий меросида ижтимоий-сиёсий масалалар, хусусан, давлат тузилиши ва уни идора этиш, етук ва мукаммал жамоага эришиш масалалари алоҳида ўрин эгаллайди. Мутафаккир ўрта асрлар шароитида биринчи бўлиб жамиятнинг келиб чиқиши, мақсад ва вазифалари ҳақида изчил таълимот яратди. Бу таълимотда ижтимоий ҳаётнинг кўп масалалари – давлатни бошқариш, таълим-тарбия, ахлоқ, маърифат, диний эътиқод, уруш ва сулҳ, меҳнат ва бошқа масалалар қамраб олинган. Умуман, Форобий ўз умри давомида 160 дан ортиқ асар яратган, улар орасида ижтимоий-сиёсий ҳаёт, давлатни бошқариш масалалари ёритилганлари қўйидагилардир:

«Бахт-саодатга эришув йўллари ҳақида рисола» («Рисола фит танбиҳ ала асбоб ас-саодат»), «Шаҳарни бошқариш» («Ас-сиёсат ан-мадания»), «Уруш ва тинч турмуш ҳақида китоб» («Китоб фи маойиш ва-л хуруб»), «Фазилатли хулқлар» («Ас-сийрат ал-фазилат»), «Фозил одамлар қарашлари» ва ҳ.к.

Мутафаккирнинг фикрича, ҳар бир инсон яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди,

<sup>1</sup>Изоҳ: Ҳанафий мазҳаби (Имом Абу Ҳанифа), моликий мазҳаби (Имом Молик ибн Анас), шоғиий мазҳаби (Мұхаммад ибн Идрис Шоғиий), ҳанбалий мазҳаби (Имом Аҳмад ибн Ҳанбал).

уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади.

Форобий инсон қадр-қимматини камситувчи жамиятга қарши чиқади. «Давлат арбобининг ҳикматлари» рисоласида эса у доимий урушлар ва босқинчиликларга асосланувчи жамиятни адолатсиз, жоҳил жамият сифатида қоралайди. Давлат бошлиғи ва давлат хизматчилари бошқарув санъатини яхши билишлари шартлигини қайд этади. «Давлатнинг вазифаси инсонларни баҳт-саодатга олиб боришдир, – деб ёзди у, – бу эса илм ва яхши ахлоқ ёрдамида қўлга киритилади». Форобий давлатни етук шахс (маърифатли шоҳ), етук хислатларга эга бўлган бир неча шахслар (аристократия) ва сайланган шахслар (демократия) ёрдамида адолатли бошқариш мумкинлигини қайд этади. Унинг фикрича, давлатнинг вазифаси шаҳар аҳолисининг (Форобий «шаҳарни» камолот ва баҳтга эришишнинг зарурий воситаси деб ҳисоблаган) баҳтли ҳаётини таъминлаш ва қўриқлашдан иборат, деб ҳисоблайди.

Умуман, Форобий таълимотида шаҳар-давлатлар иккига – Ал-Мадина ал-Фозила, ва Ал-Мадина ал-Жоҳилияга бўлинади. Ўзаро бирликда, иттифоқда яшаб, бир-бирига ёрдам кўрсатувчилар шаҳрини фозиллар шаҳри деб баҳолайди. Ўз даврининг мавжуд феодал давлатларидағи адолатсизликларни, тенгсизлик ва баҳтсизликларни қоралаб, босқинчилик сиёсати ва урушларни номақбул деб билади, бундай ташқи сиёсатга амал қилаётган давлатни фазилатсиз давлат деб ҳисоблайди. Давлат бошлиқларини ва барча фуқарони яхшилик қилишга, ўзаро ёрдам асосида яшашга даъват этадики, бундай даъват ҳозирги замон жамиятлари учун ҳам катта маърифий-сиёсий қимматга эга.

Шундай қилиб, Форобий орзу қилган фозил шаҳар-давлатларнинг асосий вазифаси тинчликни таъминлаш, адолатни ҳимоя қилиш, одил судловни ўрнатишидир. Бундай фозил жамоада комил инсон хислатлари вужудга келади.

Адолатли давлат ва фозил жамиятнинг ўзаро боғлиқлиги, сиёсий ҳокимият масалалари *Ғаззолий*, *Низомулмулк* (XI аср) асарларида ҳам қаламга олинган. Имом Ғаззолийнинг «Кимёйи саодат» асарида давлат раҳбари жамиятнинг юраги, одамларнинг доно ва диёнатли раҳбар атрофида уюшиши Ҳақ таоло ҳоҳишига мувофиқ, деган фоя ифодаланган. Аммо *Абу*

*Али Ҳасан ибн Али Тусий-Низомулмұлқ* (1018–1092) ўзининг «Сиёсатнома» («Сияр ул-мулук»), «Дастур-ул-вузаро», «Қонун ул-мұлқ» каби асарларида адолат, инсоф, тұғрилик ва ҳалол-лик каби ахлоқий категорияларга ургу берган бўлса-да, сиёсат ҳодисасини реал ҳаёт билан боғлаб талқын этган ҳамда марказлашган кучли давлат тоғасини қатъий ҳимоя қилган. Шоҳнинг жасур, доно, тадбиркор ва қатъиятли бўлиши тоғасини илгари сурган. Давлатни идора қилишда амалдорлар катта ўрин тутишларини, уларни танлаш ва жой-жойига қўйишга ўзига хос талаб даражасида қараган. «Сиёсатнома»да амалдорларни тарбиялаш, ҳимоялаш ва зарур бўлса, жазолаш билан боғлиқ бўлган тавсиялар берилганки, бу ҳол сиёсатчи ва давлат раҳбарларининг эътиборини жалб этади. Низомулмұлқ давлатда марказлашган ҳукумат (ижро ҳокимијати) кучли бўлса, шунда тинчлик ва адолат барқарор бўлади, раият (халқ) ўз мақсадига етади, жамият сулҳ ва адолатда, муруватда яшайди, деб қайд этадики, кучли ижро ҳокимијати ҳақидаги бу муаллиф қарашлари демократик қадриятларни қарор топтираётган ҳозирги замон сиёсий тизимлари учун ҳам ўз дол зарбилигини сақлаб қолмоқда. Умуман, «Сиёсатнома» жиддий сиёсий-тарихий ҳужжат бўлиб, марказлашган ҳукуматнинг парчаланишига қарши қаратилган асардир.

Уйғониш даврининг буюк қомусий олими *Абу Райҳон Мұхаммад ибн Аҳмад ал-Берунийдан* (973–1048) илм-фаннинг турли соҳаларига оид 160 дан ортиқ таржималар, турли ҳажмдаги асарлар, ёзишмалар қолганлиги маълум. Берунийнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари акс этган асарлари орасида «Осор ал-боқия ан ал-қурун ал-холия» («Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар») ва «Хиндистон» асарлари, айниқса, машҳурдир.

Мутафаккир давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши, уларнинг вазифалари масалаларини Форобий каби эҳтиёжга боғлаб, маърифатли шоҳ бошқаруви тоғасини илгари суради, ижтимоий ҳаётни ўзига хос «шартнома»нинг натижаси деб билади. «Инсон ўз эҳтиёжларини тушуниб, ўзига ўхшаш кишилар билан бирга яашнинг зарурлигини англай бошлайди. Шунинг учун ўзаро келишувчанлик қабилидаги «шартнома» тузишга киришади. Одамларнинг биргаликдаги турмуши инсонни ҳақиқий қудратга, унинг эҳтиёжларини қондиришга

олиб келмайди, бунинг учун яна мөхнат қилиш ҳам зарурдир», деб ҳисоблайди аллома.

Беруний фикрича, идора қилиш ва бошқаришнинг моҳияти бошлиқнинг золимлардан азият чекканлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиши, бирорларнинг тинчлиги йўлида ўз тинчлигини йўқотишидир деб билади. Қолаверса, жамиятни бошқарувчи шахс қатъиятли, маърифатпарвар, янгиликка интилувчи бўлмоғи, олий ва қуий табақалар, кучлилар ва кучсизлар орасида тенглик, адолат ўрната олиши лозим. Ҳар қандай низожанжаллар, тож-тахт талашиш, зўравонлик, босқинчилик ҳаракатларига қарши турган Беруний, давлатлар ва халқлар ўртасида яхши қўшничилик муносабатларини олиб бориш фоясини илгари сурган.

Буюк мутафаккир *Абу Али ибн Сино* (980–1037) ҳам қомусий олим бўлиб, умумий асарлари сони 450 дан ортиқ, лекин бизгача фақат 160 тага яқини етиб келган. Жаҳонда «Шайх ур-раис», яъни «Олимлар бошлиғи», «Табиблар подшоҳи» номлари билан улуғланган бу олимнинг «Китоб ал-қонун фиттибб» («Тиб қонунлари») асари XII асрдан бошлаб Европада лотин тилига таржима қилинган ва 30 мартадан ортиқ нашр қилинган.

Улуғ ҳакимнинг ижтимоий-сиёсий қарашларига Форобий, Платон, Аристотель ва Сукрот каби алломалар таълимоти катта таъсир кўрсатган. У ҳам Форобий каби ҳақиқий идеал жамоага мавжуд дунёда эришиш мумкин, жамият аъзолари ўзаро келишув асосида қабул қилинадиган адолатли қонунларга итоат этишлари, қонунни бузиш ва адолатсизлик жазоланиши, башарти подшонинг ўзи адолатсизликка йўл қўйса, халқнинг унга қарши қўзголони тўғри ва жамият томонидан қўллаб-куvvatланмоғи лозим деб билган.

Ибн Сино фикрича, идеал жамият аҳолиси уч табақага, яъни маъмурий ишлар билан шуғулланувчилар, ишлаб чиқарувчилар ва ҳарбийларга бўлинади. Уларнинг барчаси ўз соҳасида фойдали мөхнат билан шуғулланишлари лозим.

Мутафаккир «Тадбир ул-манзил» («Туарар жойнинг тузилиши») асарида агар жамиятда ҳамма шоҳ ёки аксинча, ҳамма оддий мөхнаткаш бўлса эди, жамият бундай ҳолда ҳалок бўлур эди, дея ижтимоий табақаланишни ва моддий тенгсизликни эътироф этади. Лекин аллома жамиятда камбағаллар сони

кўпайишига қарши чиқиб, одамларни бир-бирига ўзаро ёрдам кўрсатишга, ҳамжиҳатликка даъват этади. Халқлар ва давлатлар ўртасида тинчлик бўлиши, маърифатпарвар шоҳ бошқаруви, илм-фан равнақ топишини орзу қилади.

Маълумки, Марказий Осиёда ижтимоий-иқтисодий, ҳукуқий сиёсат билан боғлиқ барча масалалар VIII асрдан бошлиб шариат қоидалари асосида ҳал этила бошланган. Шу ўринда шариат меъёрларини ишлаб чиқишига беназир ҳисса қўшган улкан фикъшунос *Али иби Абу Бакр иби Абд ул-Жалил ал-Маргиноний* (1123–1197)нинг «Ҳидоя» асари хусусида тўхталиб ўтиш жоиздир. Фикъ имидаги шуҳрати учун бу олимни «Бурҳон уд-дин вал-л-милла» («ислом динининг далили, исботи») ва Бурҳониддин ал-Маргиноний деб аташган. «Ҳидоя» асари ўз ихчамлиги, мукаммаллиги, ҳанафий мазҳабини бошқа суннийлик мазҳаблари билан қиёсий ўрганиб, ҳар томонлама ёритганилиги учун ўзига хос назарий ва амалий аҳамият касб этади<sup>1</sup>.

Фақҳ ўз асарида давлат ҳукуқи, молия ҳукуқи, фуқаролик ҳукуқи, оила ҳукуқи, мерос ҳукуқи, жиноят ҳукуқи, суд ҳукуқи бўйича ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи шариат нормаларини аниқ, изчил ва мукаммал тарзда баён этган.

«Ҳидоя» бир неча асрлар давомида кўпгина мусулмон мамлакатлари, жумладан, Марказий Осиё давлатларида ҳам ҳукуқшунослик бўйича энг асосий қўлланма сифатида қозилик судлари бекор қилинган 1930 йилларгача амалда қўлланилиб келинган. Айни пайтда ҳам мусулмон давлатларида «Ҳидоя»дан ҳукуқшуносликда кенг фойдаланилмоқда.

Умуман олганда, мутафаккирларнинг фозил жамият ва комил инсон, маърифатли шоҳ ва тенглик ҳақидаги фикрлари ўз даври учун хаёлий бўлишига қарамай, сиёсатга инсон-парварлик йўналишини олиб киришга қаратилганлиги учун ижтимоий-сиёсий тафаккур равнақига катта ҳисса бўлиб қўшилди. Шу ўринда Форобий ва бошқа Шарқ мутафаккирларининг foяларини бугунги кунда янада теран англашимиз муҳим аҳамият касб этади. Уларнинг қарашларини европа-

<sup>1</sup> Исҳаков С. А. «Ҳидоя»нинг мусулмон ҳукуқи манбаи тизимида тутган ўрни // Ҳукуқ-Право-Law. – 2003. – № 2. – Б. 56.

центристик тамойиллар асосида аллақандай сиёсий «изм»ларга боғлаб тушунтириш түгри бўлмас. Ҳалқимизнинг таниқли тасаввуфшунос олими Нажмиддин Комилов айтганидек, «Бу — инсоният камолоти ва жамият такомиллашуви учун олиб борилган кураш саҳифалари, орзу-армонлар, хаёл ва таклифлар, истиқболга мўлжалланган «лойиҳалар», яъни улуғ мутафаккирларнинг идеал инсон ва жамият ҳақидаги фикрлари эди. Бироқ бу шунчаки хаёл эмас эди, бундай жамиятни ҳеч қачон амалга ошмайдиган ҳомхаёл, утопия десак адолатдан бўлмайди»<sup>1</sup>.

Ўтмишдаги мутафаккирлар асарларида ўз даври тартиблари ва тафаккурининг таъсири кучли бўлса-да, ўша замонларда ёқ давлат ва унинг тимсоли бўлмиш ҳукмдорга қўйилган талаблар, ҳукуматнинг жамият олдидаги мажбуриятлари хусусидаги тасаввур ва қарашлар моҳиятига кўра бугунги кун меъёрларидан фарқ қilmайди. Бу эса давлат ва жамиятни бошқариш тўғрисидаги қарашлар Макиавелли (1469–1527) Европа сиёsat илмида танилмасдан анча илгарироқ Марказий Осиёда илмий-назарий шаклга эга бўлганлигидан далолат беради.

### 3. Амир Темур ва темурийларнинг сиёсий қарашлари

Марказий Осиё мутафаккирлари ва давлат арбобларининг сиёсий-хукуқий меросини ўрганишда соҳибқирон *Амир Темур* (1336–1405)нинг ҳокимият ва уни бошқариш тўғрисидаги қарашларини ўрганиш алоҳида аҳамиятга эга. Чунки, биринчидан, Амир Темурнинг сиёсий қарашлари ўз даври маънавияти ва давлат бошқаруви билан бевосита боғлиқ, иккинчидан, бу масаланинг холисона ва ҳаққоний баҳоланиши давлат тепасида турган биринчи раҳбарнинг шахсий сифатларини мукаммалроқ билиш, унинг инсоният тарихида тутган ўрнини объектив баҳолаш имконини беради.

1370 йилда Мовароуннаҳр таҳтининг соҳиби бўлиб, Самарқандни ҳокимият пойтахтига айлантирган Амир Темур фаалиятидаги асосий сиёсий йўл — майда феодаллар ҳукмронлигини тугатиш, муҳим ҳалқаро карvon йўлларида устунлик

<sup>1</sup> Комилов Н. Ҳикмат ва ибрат достони // Тафаккур. 2003. №4. – Б. 54.

қилиб турган Олтин Ўрда, Эрон ва бошқа мамлакатларнинг рақобатини енгиди, Мовароуннахрнинг сиёсий-иктисодий қувватини таъминлай оладиган марказлашган давлат ташкил этиш эди. Шу жиҳатдан Амир Темурни ўз даври ва ўз халқи талаб-эҳтиёжларини тўғри англаган прагматик ҳукмдор дейиш ўринлидир. Шунинг учун соҳибқирон мамлакатда давлат тизимини мустаҳкамлаш, бошқаришдаги тартиб-интизом, қонунчиликни кенгайтиришга имконият яратиш, солиқларни тартибга солиш, мамлакат ҳимоясини таъминлаш йўлида қўшиннинг қудратини ошириш каби масалаларга катта эътибор берди.

Маълумки, Амир Темур ўз фаолиятининг биринчи даври – 1360–1385 йилларда Мовароуннахрда марказлашган давлат тузиб, ўзаро урушларга чек кўйган бўлса, иккинчи даври – 1386–1405 йилларда бошқа мамлакатларга бир қатор ҳарбий юришларини амалга ошириди. Бу ҳарбий юришларнинг сабабларини, умуман, Амир Темурнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашларини ү колдирган назарий ва амалий қўлланма «Темур тузуклари»ни чуқур ўрганмай туриб тушуниш мушкулдир.

Янги ташкил топган давлатнинг чегараларини мустаҳкамлаш, ташқи душманлардан ҳимояланиш, карвон йўлларини қароқчилардан тозалаш, хиёнатчи, сотқин, алдамчиларни жазолаш, бўйсунмаганларни итоат эттириш, ўзининг сиёсий таъсирини кенгайтириш каби ҳолатлар Амир Темур ҳарбий юришларига сабаб бўлган эди. Масалан, 1379 йилда Амир Темур Ўрусхонни енгиди, Олтин Ўрда таҳтига Тўхтамишхонни ўтқазган, унга кўп илтифотлар кўрсатган эди. Лекин Тўхтамишхон Мовароуннахрга бир неча бор талончилик юришларини амалга оширгач, 1395 йил 15 апрелда Қундузчада Амир Темур Тўхтамиш ва Олтин Ўрда тақдирини бир йўла ҳал қилган эди.

Шу ўринда машҳур можар (венгр) олими Ҳерман Вамберининг «Темурни Чингизхон билан бир қаторга қўйиб, уни ёвуз, ўзбошимча, мустабид ҳоким деб атовчиларнинг фикрлари икки томонлама хатодир. У, аввало, ўзининг голибона қуролини замонасининг одатига кўра ишга солган осиёлик ҳоким эди. Унинг душманлари таъкидлаган қабиҳ ишлари ва вайронагарчиликлари эса бирор жиноят учун олинган ўч эди,

холос. Тұғри, бу ўч жуда қаттиқ, лекин шу билан бирга адолатли эди»,<sup>1</sup> деб ёзғанлиги бежиз әмас.

Темур үз сиёсий қарашлари ва давлатчилик фаолиятида қандай бўлмасин низо ва уруш чиқариш ва шу йўл билан мол-дунё орттиришни мақсад қилиб қўйган әмас. Бу ҳолни «Темур тузуклар»идаги айрим тафсилотлардан ҳам билиб олиш мумкин.

«Жаҳонгирлик қилишга киришганимда, — деб ёзади Соҳибқирон, — тўрт нарсани хотираамда маҳкам сақладим. Биринчиси — қайси мамлакатни забт этмоқчи бўлсан, тўғри тадбир ва кенгаш билан иш тутдим. Иккинчиси — хатога йўл қўймаслик учун ҳар бир ишни кўп ўйлаб, сергаклик ва эҳтиёткорлик билан қилдим... Учинчиси — уч юз ўн уч асил, зотли, шижаатли ва ақл-фаросатли эр йигитларни атрофимга бирлаштиридим... Тўртинчиси — қайси ишни чораю тадбир билан битиришнинг иложи бўлса, унда қилич ишлатмадим»<sup>2</sup>.

Амир Темур таклифларини рад этган, унга нисбатан ҳар хил иғволар қилган ҳукмдорларга қарши дафъатан уруш эълон қилмаган, аксинча, улар билан музокаралар олиб борган, ўз сиёсатини ва империясининг асл мақсадларини тушунтиришга ҳаракат қилган. Бу тадбирларнинг фойда бермаслигига кўзи етгандагина жанг ҳаракатлари ҳақида амирлари билан маслаҳат қилган, уларнинг маслаҳатлари билан иш тутган. Туркияning буюк султони Боязид Йилдирим, Олтин Ўрда ҳукмдори Тўхтамишхон билан бўлиб ўтган жанглар шундай ҳодисаларга мисол бўла олади.

Қайд этиш керакки, ана шундай савоб мақсадларни назарда тутган уруш ва курашлар ҳамма замонларда ҳам, жумладан, биз яшаб турган ҳозирги замонда ҳам қораланмайди, уларга адолат ва тинчлик ўрнатишнинг, халқлар баҳт-саодатини кўзлаган тараққиётга йўл очишнинг бир воситаси, мажбурий усувлари деб қаралади. Ҷунончи, ҳозир дунёning кўп мамлакатларида рўй бериб турган терроризм, диний экстрем-

<sup>1</sup> Мұминов И. А. Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли, – Т., 1993. – Б. 49.

<sup>2</sup> Темур тузуклари / Масъул муҳаррир Мұхаммад Али. – Т., 2005. – Б. 116–117.

мизм ва бошқа ёвуз кучларга қарши курашлар шунга далилдир<sup>1</sup>.

«Темур тузуклари»да давлат тизими, давлатдаги лавозимларнинг вазифаси, ундаги турли тоифалар ва уларга муносабат, давлатни бошқаришга асос бўлган қоидалар, қўшинларнинг тузилиши, уни бошқариш, таъминлаш, рағбатлантириш, қўшин турларининг тутган ўрни ва ўзаро муносабати каби масалалар баён этилган.

Таъкидлаш жоизки, давлатчилигимиз тарихида давлат бошқарувига доир асар ёзиб қолдирган ягона ҳукмдор Амир Темур ҳисобланади. Олий мақомдаги ҳукмдорнинг давлатчилик масалалари ҳақида мукаммал асар битиши дунё ҳалқлари тарихида камдан-кам учрайдиган ҳолдир. Ўзбек давлатчилигини Амир Темур ва темурийлар тараққий эттирган даврни таҳлил этишда, миллий давлат бошқаруви тизими шакллана бориш йўлининг ўзига хос жиҳатларини аниқлашда «Темур тузуклари» бизга ниҳоятда қўл келади. Амир Темур жамиятнинг бирор-бир табақасига имтиёз бермайди. Гарчи ул зот замонаси тартибларига мос равишда жамиятни ўн икки тоифага ажратса-да, аммо моҳияттан улар аслида барча ижтимоий гуруҳларни қамраб олган эди. Амир Темур қайси сабабларга кўра жанг қилган ва қайси мамлакатни забт этган бўлмасин, у ерда зудлик билан ўзининг асосий мақсадини ҳаётга татбиқ этишга киришган. Мамлакат аҳолисининг ҳолини сўраган, олиму фозилларни сийлаб, уларнинг ижодлари учун кенг шарт-шароитлар яратган, адолат ва тинчлик ўрнатган, ободончилик соҳасига катта эътибор берган. Президентимиз И. А. Каримов таъбири билан айтганда, «Тарих бу кўхна дунёда кўп жаҳонгириларни билади. Уларнинг аксарияти фақат бузган. Амир Темурнинг улардан фарқи шундаки, у умр бўйи бунёдкорлик билан машғул бўлган... Энг муҳими, мазкур қурилишлар географияси биргина Туркистон билан чегараланиб қолган эмас. Бунинг исботи сифатида Соҳибқирон қадами етган жойлардаги тарихий обидаларни эслашнинг ўзи кифоя...»<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Фойибов Н. Темур тузукларида Соҳибқирон ҳарбий сиёсатининг асослари // Ҳукуқ—Право—Law. — 2002. — № 4. — Б. 24.

<sup>2</sup> Каримов И. А. Маънавий юксалиш йўлида. — Т., 1998. — Б. 411.

Умуман, Амир Темур давлати «Тузуклар»даги ўн икки қоида асосида идора этилган. Бу қоидалар ҳозирги замонда ҳам ўз амалий аҳамиятини йўқотмаганлиги боис, кўп темурнийшунослар, масалан, покистонлик Ҳаниф Рамей ҳам Темурни буюк шахс сифатида таърифлаб, давлат тузиш тартибини Амир Темурдан ўрганишимиз лозим, дейди<sup>1</sup>.

Амир Темур қоидалари қуйидагилардан иборат эди:

- 1) ислом дини ва шариат қоидаларига риоя қилиш;
- 2) турли табақалар ва тоифалар билан бамаслаҳат иш юритиш;
- 3) маслаҳат, тадбиркорлик, ҳалоллик, ҳушёрлик, эҳтиёткорлик билан ғаним қўшинларини енгиш;
- 4) давлат ишларини салтанат қонунларига асосланган ҳолда бошқариш;
- 5) амирлар ва сипоҳийлар билан яхши муносабатда бўлиш, мартаба ва унвонларни ҳурматлаш;
- 6) адолат ва инсоф билан иш кўриш;
- 7) сайдлар, уламою машойих, оқилу донолар, муҳандислар, тарихчиларни эътиборли шахс сифатида иззат ва ҳурмат қилиш;
- 8) сиёсатда қатъиятлилик;
- 9) оддий халқ аҳволидан доимо огоҳ бўлиш;
- 10) турк, тожик, арабу ажамнинг турли тоифаларидан ўз паноҳига кирган кишиларга ҳурмат кўрсатиш;
- 11) фарзандлар, қариндошлар, ошна-оғайни, қўни-қўшнилар ва улар билан дўстлашган кишиларни давлат мартабасига эришганда ҳам унутмаслик, уларга иззат ва ҳурмат кўрсатиш;
- 12) дўст-душманлигига қарамай сипоҳийларни ҳурмат қилиш.

Ўз халқини, миллатини севган Соҳибқирон 1405 йил 18 февраль куни ўлими олдидан ўғилларига қолдираётган васият ва тузукларни яхши ўқишини ва ҳаётга татбиқ этишни, миллатнинг дардига дармон бўлиб, бева-бечораларни бойлар зулмидан ҳимоя қилиш ҳамда ҳар ишда адолат ва озодлик дастур бўлишини васият қиласди.

<sup>1</sup> Гоийбов Н. «Темур тузуклари»да Соҳибқирон ҳарбий сиёсатининг асослари // Ҳукуқ-Право-Law. – 2002. – № 4. – Б. 25.

Шарқ ҳукмдорларидан Шоҳ Жаҳон (1628–1657), Муҳаммад Алихон (1821–1842), Абдулаҳадхон (1885–1910) бу ҳужжатдан кўчирмалар олишган ва қўлланма сифатида фойдаланишган.

Хулоса қилиб айтганда, «Темур тузуклари» ўзига хос кодекс, яъни давлат ва уни идора қилиш нормалари, қоидлари тўплами бўлиб, уларда илгари сурилган ғоялар ҳозирги кунда ҳам муайян даражада ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Амир Темур ва темурийлар даври (1370–1501) сиёсий-ҳуқуқий қарашларини таҳлил этишда шоир ва буюк файла-суф олим *Алишер Навоий* (1441–1501) мероси алоҳида аҳамиятга эга.

Алишер Навоий сиёсий қарашларининг шаклланиши ва ривожланишини нисбий равишда икки даврга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ. Биринчи давр – унинг ёшлиқ йилларидан то 1476 йилда Ҳусайн Бойқаро ҳокимиятидаги вазирлик мансабидан истеъроғ этиб кетишигача бўлган вақтни ўз ичига олса, иккинчи давр эса 1476 йилдан бошлаб, умрининг сўнгги кунларигача бўлган вақтни қамраб олади.

Биринчи даврда Алишер Навоий мамлакатда ҳокимият тепасигаadolатli подшо келишига, баҳтли жамиятга эришиш мумкинлигига ишонади ҳамда уни амалга ошириш учун курашади. Навоийшунос олимларнинг ёзишича, «Навоий давлат ишида турганида ҳам бир нафас бўлса-да, ҳалқни эсдан чиқармади. У давлатни ҳалқ манфаатларини кўзловчи, ҳалқ орзуларини амалга оширувчи воситага айлантиришга, давлат арбобларини ҳалқ хизматчиларига айлантиришга тиришиди ва бу ишда унинг ўзи намуна бўлди. У давлат ишларини интизомга солишга, ҳукумат идораларини, саройни ярамаслардан, ҳалқ ҳисобига зарбоф тўн киювчи, айшу ишрат қилувчи ифлослардан, амалпарастлардан, фитначилардан тозалаш, уларни фош этиш, қамчилаш учун қўлидан келганича ҳаракат қилди»<sup>1</sup>.

Алишер Навоий мамлакат сиёсий ҳаётидаги сиёсий тарқоқликка чек қўйиш, таҳт учун кетаётган қон тўкишларнинг олдини олиш борасида саъй-ҳаракатлари кутилган натижани бермагач, сиёсий фаолиятдан воз кечади. Унинг сиёсий

<sup>1</sup> Зоҳидов В. Улуғ шоир ижодининг қалби. – Т., 1970. – Б. 104.

қарашларидаги иккинчи давр бошланади. Энди Навоий ўзининг хәлий адолатли давлати ва шоҳини яратишга киришади. Мутафаккир маърифатпарвар шоҳ foясидан келиб чиқиб, бутун дунёда ягона адолатли, тартибли давлатнинг қарор топишини истайди ва «Садди Искандарий» («Искандар девори») достонини яратади. Асардаги Искандар давлати утопик давлат бўлиб, Навоий унда ўзининг сиёсат, давлат, ҳуқуқ ҳақидаги орзу-истакларини, фояларини тасаввувуф таълимоти асосида баён қиласди. Асарда энг оддий сиёсий масалалардан, яъни бўлажак адолатли шоҳни танлаш, тарбиялаш, бозорларда тошу тарозига давлат назоратини ўрнатишдан энг мураккаб масалалар — давлатлараро муносабат, адолатли ва адолатсиз урушлар, ҳокимиятни бошқаришда шоҳ, омма ва маърифатнинг роли каби қатор масалаларгача таҳлил этилган.

Навоий идеалидаги Искандар обод ўлкаларни, маданиятли шаҳарларни вайрон қилувчи яъжуҷ-маъжуҷ деган маҳлуқлар йўлига девор солиб, жабр кўрган халқни улар зулмидан халос қиласди. Яъжуҷ-маъжуҷ биринчи марта Тавротда тилга олинган (Гог-Магог). Куръони каримнинг «Қаҳф» сурасида (83–98 оятлар) ҳам бу ҳақда хабар берилган. Куръонда келтирилишича, Искандар Зулқарнайн кун чиқарга қараб қилган юришларида яъжуҷ-маъжуҷ зулмидан азоб чеккан халқни учратади. Улар: «Сенга бож тўлаймиз, бизни шу балодан кутқар», — деб сўрайди. Искандар уларга қараб: «Парвардигорим берган қудратга таяниб, сизлар билан яъжуҷ-маъжуҷ орасида бир маҳкам девор қурайин» (18, 95), деб бу ишни амалга оширади<sup>1</sup>. Аслида эса Навоий назарида яъжуҷ-маъжуҷ тўймас ва тийилмас нафс рамзи эди.

Навоий подшоҳсиз раият ва давлатсиз жамият бўлиши мумкин эмас деб билади. Жамият бўлиши учун давлат бўлиши зарур. Чунки манфаат кишиларни бир-биридан ажратади ва айни пайтда бирлаштиради. Бу — жамият қонуни. Шу қонунни назорат қилиш — одил подшонинг вазифаси. Подшо ва лашқар, подшо ва бошқарув тизими халқнинг осоийишта ҳаёт кечиришига кафил, дейди Навоий. Одамлар билим ва амалий фаолият, зеҳну заковатда бир эмас, дейди у.

<sup>1</sup> Комилов Н. Ҳикмат ва ибрат достони // Тафаккур. — 2003. — № 4. — Б. 57.

Бирор ақлли, бирор ўта ақлли, кимнингдир ақли кам, бирор эса жоҳил. Чунки ҳар бир кишида Оллоҳнинг бир сифати акс этади, сифатлар эса турлича, «икки сифат бирдай» эмас. Шундай бўлгач, ахлоқ нуқтаи назаридан ҳам одамларни тенг бир ҳолга келтириб бўлмайди. Демак, уларнинг мол-мулки тенг бўлиши амримаҳол.

Мутафаккирнинг «Садди Искандарий» асарида мамлакат раҳбарининг асосий тўрт сифати ҳақидаги қадимий қарашлар акс этган: 1) раҳбар донишманд бўлсин; 2) раҳбар қонун тарафдори бўлсин; 3) раҳбар қўлида ҳокимият бўлсин; 4) раҳбарда имомлик (раҳнамолик) хислатлари бўлсин. Бу аслида фозил шаҳар ҳокимининг сифатлари, чунки Абу Наср Форобий санаб ўтган ўн икки хислат шу тўрт сифат ичига киради. Навоий назарida илму ҳикмат ҳокимиятнинг дастёри эмас, балки раҳнамоси, қудратидир. Искандар – халқлар подшоҳи, аммо у халқ билан бирга ва халқ дардига шерик, мушкуларни осон қилувчи халоскор ҳукмдор. Шу асосда Навоий тасаввуф гояларининг эзгуликка, адолатли сиёсатга хизмат қилувчи жиҳатларини кўрсатади.

Умуман олганда, Алишер Навоийнинг мероси жуда бой ва серқиррадир. Унинг ўттиздан ортиқ нодир асарлари бизгача етиб келган. Навоий асарларидаги давлат ва ҳуқуқнинг вазифаси инсонга хизмат қилишдир, деган фикрлар катта аҳамиятга эга.

Амир Темур ва темурийлар даврининг сиёсий қарашларини ўрганишда Фарғона улуси ҳукмдори Умар Шайх Мирзонинг ўғли шоир ва йирик давлат арбоби *Заҳириддин Мұхаммад Бобур* (1483–1530)нинг сиёсий фаолиятига эътибор қаратиш муҳим. Шайбонийхонга қарши урушларда мағлуб бўлган Бобур 1504 йилда Кобулда ўз ҳокимиятини ўрнатди. Унинг 1505–1514 йилларда ўз юртига қайтиш учун қилган бир неча уринишлари натижасиз тугагач, 1519–1527 йилларда Ҳиндистонни эгаллади ва 300 йиллик даврга чўзилган бобурийлар сулоласига асос солди.

Бобурнинг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари уни жаҳонга машҳур қилган шоҳ асари «Бобурнома»да баён этилган. Асарда Марказий Осиё, Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистоннинг XV аср иккинчи ярми ва XVI асрнинг биринчи чорагидаги сиёсий-иктисодий тарихи, муҳим сиёсий воқеа-

лар моҳир саркарда ва давлат арбоби назари билан таҳлил этилган. Асарда жуда кўплаб иқтисодий, ижтимоий масалаларга нисбатан муаллифнинг шахсий нуқтаи назари ўз инфодасини топган. Масалан, Бобур Мовароуннахрда Чингизхон ўрнатган тартиб-удум ва дипломатик қоидалардан воз кечиш, дипломатик муносабатларда туркона тартиб-низом қонунларини жорий этишни ёқлаган ва амалда ўз бошқарувига олиб кирган. Бобур Чингизхонни очиқчасига «ёмон ота» даражасида баҳолаганки<sup>1</sup>, унинг давлат бошқарувини ислоҳ этишга интилган дипломатик тартибларни ўрнига қўйишга астойдил киришган. «Бобурнома»даги ўнлаб мисоллар Амир Темур давридан бошлаб Чингизхоннинг давлат бошқаруви, саройдаги дипломатик тартибларига ислоҳ назари билан қараш, мўгулча ибораларни имкон қадар туркий, форс тилларидағи атамалар билан алмаштириш майли кучайганлигини исботлайди.

Бобур «Бобурнома»дан ташқари «Мубайин» («Баён этилган»), «Хатти Бобурий», «Ҳарб иши» каби рисолалари, нафис фазал ва рубойлари билан ислом қонунчилиги, шеърият ва тил назарияси ривожига муҳим ҳисса қўшган. 1522 йилда ўғли Ҳумоюнга атаб ёзган «Мубайин» асарида солиқ тизими, солиқ йигишнинг қонун-қоидаларини назмда баён этган. «Хатти Бобурий»да эса араб алифбосини туркий тиллар, хусусан, ўзбек тили нуқтаи назаридан бирмунча соддалаштирган.

Умуман, Бобурнинг ижтимоий-сиёсий, ҳукуқий ва бадиий қарашлари халқимиз маънавий маданияти тарихида муносиб ўрин эгаллади.

#### **4. Марказий Осиёда XVII–XIX асрларда рўй берган сиёсий инқироз сабаблари**

Халқимизнинг ижтимоий-сиёсий ва ҳукуқий қарашлари тарихига доир маълумотлар, далиллар ҳамда таҳлиллар Шарқ, хусусан, Марказий Осиё IX–XII, XIV–XV асрларда кучли ижтимоий-сиёсий юксалишни бошидан кечирганлигини

<sup>1</sup> Чингизхоннинг тўраси наssi қотиъ эмасдурким, албатта киши анинг била амал қилмоғи керак, агар ота ёмон иш қилғон бўлса, яхши иш била бадал қилмоғ керак, – деб ёзади Бобур “Бобурнома”да.

күрсатади. Бироқ шу қадар юксак цивилизацияни бошдан кечирган миңтақамиз ва миллатимиз XVII–XIX асрлар мобайнида таナzzулга юз тутгани ва Россия империяси мустамлакасига айлангани ижтимоий фанлар, жумладан, сиёсатшунослик нұқтаи назаридан ўрганилиши зарур бўлган масалалардандир.

Ўзбек миллий мустақил давлатчилигини янада мустаҳкамлашда сиёсий тарихимиздан бундай мураккаб саволларга жавоб топиш катта назарий ҳамда амалий аҳамият касб этиди. Чунки ҳалқ, миллат ва давлатнинг тақдирида фақатгина моддий бойликлар эмас, балки маънавий куч-қудрат ва салоҳият ҳам кўп нарсани ҳал қиласди.

XVII–XIX асрлар мобайнида Марказий Осиё миңтақасида бир-бирига зид омиллар, жараёнлар ўртасидаги номутансибликтининг кескинлашганини, кучайганлигини кузатиш мумкин. Уларни тизимни тузувчи ва бузувчи жараёнлар деб номлаш мумкин. Жумладан, Амир Темур ва темурийлар хукмронлигидан сўнг тинчлик, барқарорлик, фуқаровий ҳамжиҳатликка интилиш, жамиятни бошқаришда тараққиётни тъминловчи қадриятлар, давлатчилик тажрибаси, Ватан шоншухрати учун қайфура олиш каби тизимни барқарорлаштирувчи жараёнлар бирин-кетин барбод бўлган. Секин-аста улар ўрнини вайрон қилувчи қуйидаги омиллар эгаллади:

- 1) маҳаллий ҳалқ ўртасидаги парокандалик;
  - 2) қабилачилик ва уруғчилик кайфиятининг кучайиши боис ягона ҳалқнинг бир-бирига ёвлашиши;
  - 3) биродаркушлик можаролари (ўзбек хонликлари, қолаверса, марказ ҳамда бекликлар ўртасида рўй берган қонли тўқнашувлар);
  - 4) сиёсий, ҳудудий-маданий яхлитликни сақлаб қолишига қодир кучларнинг мамлакатдан чиқиб кетишга мажбур бўлгани (Бобур ва унинг маслақдошлари, Абдумалик тўра<sup>1</sup> ва бошқаларнинг қисмати) ва ҳоказолар.
- Натижада, мамлакатимиз тарихидаги сўнгги 400 йил мобайнида йўқотилган кўпгина қадриятларимиз оқибатлари

<sup>1</sup> Изод: Абдумалик ёки Катта тўра – амир Музаффарнинг тўнғич ўғли бўлиб, 1870 йилда Қаршида у бошчилик қилган исён бостирилгач, Пешоварга ҳижрат қилган.

халқымиз менталитетида жиддий асоратлар қолдириди. Сүз ва иш бирлиги бузилди. Миллий бирликка, миллий виждон ва ватаний ахлоққа<sup>1</sup> даъват этиш борасида жиддий амалий ҳарататлар изчил олиб борилмаганлиги, фақат этник, сулолавий ва ҳудудий бирлашиш билан қаноат қилиш, Ватан ва миллат манфаатларини тор шахсий манфаатларга алмаштириб юбориш каби нохуш жараёнлар кучайди.

Ҳокимиятга келган янги, аммо тараққиёт учун яроқсиз кучлар — хонлар сулолалари халқ әхтиёжлари, фуқароларнинг ҳаётий манфаатларини ҳис этиш ва ифодалашга заифлик қилганлар. Маҳаллийчилик ва минтақавий можаролар гирдобига тушиб қолган мамлакат Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликларига бўлиниб кетган. Шахсий ва уруғчилик манфаатларининг устувор аҳамият касб этиши мамлакатда бошбошдоқчиликни келтириб чиқарди. Сиёsatшунослик илми нуқтаи назаридан баҳолаганда мамлакатда тизим бузувчи жараёнлар батамом устун бўлиб қолган.

Тўғри, амалда ижтимоий тизимни, у қанчалик мустаҳкам бўлмасин, узоқ муддат авайлаб ушлаб туриш қийин. Тажриба шуни кўрсатадики, ижтимоий жараёнлардаги нохушликнинг олдини олиш, бунёдкорликка эришиш Шарқ дунёси шароитида кўпгина ҳолларда халқ ва Ватан тақдири учун бутун масъулиятни ўз зиммасига оладиган фидойи етакчининг ҳокимият тепасига келишига, унинг кучли иродасига боғлиқ бўлган. Бироқ маҳаллийчиликка берилган ҳар учала хонлик даврида Марказий Осиёда бундай етакчи ҳокимият шаклланмади. Аксинча, Марказий Осиё давлатлари етакчилари ҳам ташқи, ҳам ички манфаатларга эришиш учун бир-бирига қарама-қарши давлатлар ва давлатлараро гуруҳлар билан тил бириттирдилар. Масалан, Бухоро амирлиги ташқи сиёsatида Эронга мойиллик, Хива хонлиги сиёsatида эса кўпроқ Россияга суюниш тамойили сезилди. Бунинг оқибатида ички парокандалик, иттифоқчиликни мустаҳкамлаш ўrniga нажотни четдан излаш истаги устун келди. Бу ҳол эса мустамлака-

<sup>1</sup> Изоҳ: Тарих умумий бир қоида сифатида шуни кўрсатадики, қайси халқда миллий виждон шаклланган бўлса, у ерда мустамлака бўлиб қолиш хавфи мавжуд бўлмайди. Ватаний ахлоқ эса Ватан манфаатлари учун ўз ҳаётини ва энг севган нарсаларини фидо қилишдан чекинмасликдир.

чи давлатларнинг босқинчиллик истаклариға қўл келди. Маънавий ҳушёрлик сезгиси заифлашиб, охир-оқибатда миллатимиз тарихида уч асрдан зиёдроқ давом этган инқирозга олиб келди.

Марказий Осиёда рўй берган бу таназзул Фарб давлатлари ташқи сиёсатида XVII аср бошларидан кучайиб борган истилочилик юришлари боис янада чуқурлашди. Фарбда Шарқ мамлакатларига нисбатан устувор европацентризм, буюк давлатчилик шовинизми, мустамлакачилик ва умумбашарий ҳакамлик сари интилиш билан боғлиқ бўлган ғоявий-сиёсий амалиёт шаклланди. Пировардида ҳар икки цивилизацияга мансуб халқлар, мамлакатлар ўртасидаги маърифий муносабат заифлашди. Охир-оқибатда Марказий Осиё худуди жаҳон сиёсатининг чекка, иккинчи даражали объектига айланди, сиёсий-маъмурӣ тизим сифатида ўз нуфузини йўқотди. Қарийб уч аср давом этган сиёсий инқироз ва ўзаро низолар оқибатида минтақамиз халқлари бир юз ўттиз йиллик сиёсий, иқтисодий, маънавий қарамлилкка дучор бўлишиди.

Бу даврда Марказий Осиё халқлари сиёсий тафаккури, иқтисодий-ижтимоий ва маданий ҳаёти қандай жараёнлар таъсирида кечганини ўрганишда ўша замонларнинг бевосита шоҳиди бўлган олим-у фузалолар меросини ўрганиш катта аҳамият касб этади. Шундай олимлардан бири табиий ва аниқ фанлардаги юксак салоҳияти туфайли *муҳандис* номини олган, улуғ маърифатпарвар ва шоир *Аҳмад Донишдир* (1827–1897). У мадраса таълимини олгач тарих, адабиёт, астрономия, геометрия, тиббиёт, ҳаттотлик, мусиқий санъат соҳаларини мустақил ўрганган. XIX асрнинг 50-йиллари ўрталарида амир Насруллоҳ саройида бош ҳаттот ва рассом сифатида иш бошлаган Дониш Бухоро амирлари топширифи билан Россияга юборилган элчилар сафифа уч марта – 1856, 1869, 1873–1874 йилларда Петербургда бўлган эди. Аҳмад Дониш Бухоро ва Россия тараққиётидаги тафовутни амалда кўриб, таққослайди ва унда маҳаллий ҳукмдорлар ички ва ташқи сиёсатига нисбатан танқидий муносабат янада чуқурлашади. Ўз сафари таассуротлари ҳамда қозилик фаолиятида тўплаган тажрибалари асосида олим Бухоро ижтимоий-иқтисодий тузилишида социал-иқтисодий ўзгаришлар зарур, деган қатъий хulosага келади. Унинг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий

қарашлари акс этган «Наводирул-вақое» («Нодир воқеалар») ва «Рисолаи тарихи амирон манғит» («Манғит амирлари тарихи ҳақида рисола») каби машҳур асарлари юқоридаги сабабларга кўра яратилади. Бу асарларда амирликнинг бошқарув тизими, ундаги халқларнинг аҳволи, Россия билан бўлиб ўтган уруш масалалари ёритилган.

Аҳмад Дониш давлат бошқарув тизимини тубдан ўзгартириш ҳақидаги мулоҳазаларида манғит амирлари ҳамда амалдорлари хатти-ҳаракатларини қаттиқ танқид қилиб, «халқ ахлоқининг тузалишидан илгари подшоҳ ва ҳукумат амалдорлари ахлоқининг тузалиши зарурроқ. Чунки подшоҳ ахлоқли бўлса, бир шаҳарга эмас, балки вилоятга, ҳаттоқи бутун бир иқлимга таъсири ўтади. Шунингдек, подшоҳнинг маънан бузуқлиги ҳам бутун мамлакат халқининг бузилишига сабаб бўлади» қабилидаги фикрларни ёзди. Масалан, Бухоро вазоратини (Бош вазир) эгаллаган Муҳаммад қушбеги шунчалик ожиз, бесавод ва ақлсиз бўлганки, у бутун «иқтидори»ни давлатнинг аянчли аҳволи ҳақидаги заррача тўғри фикрни ҳам амирга етказмасликка сарфлаган. Чунки адолат, диёнат, инсоф талабидаги ҳар қандай гап амирнинг кайфиятига ёмон таъсир ўтказиб, уни ғазаблантирган.

Донишнинг икрорига кўра, «қуруқ хушомад, бемаъни мақтovлар билан давлатнинг ишлари ўнгланмаганидек, халқнинг аҳволи ҳам яхшиланмайди»<sup>1</sup>.

Умуман, Аҳмад Дониш ўз «Рисола»сида амир Дониёлдан (1758–1785) то амир Абдулаҳадгача (1885–1910) бўлган (амир Шоҳмуроддан ташқари) барча Бухоро амирларини давлат ва унинг фуқаролари фаровонлиги йўлида эмас, балки факат ўз шахсий манфаатлари йўлида қайғурган нўноқ ҳукмдорлар сифатида таърифлайди. Шу ўринда Аҳмад Донишнинг қўйидаги фикрлари эътиборни тортади: «Улар, – деб ёзди Дониш, – нимани топишса ўшани олиб қўйишар, бева-бечоралар шамчироғидаги оловдан тортиб, вақф омборидаги ғаллагача ўғирлашар, қорин ғами ва қувончу хурсандликларига хизмат қилса бўлди эди. Ҳеч ким қаршилик кўрсатишга журъат этмасди. Амирлар ва ҳокимлар орасида қиморбозлик, майхўрлик ва бузуқчилик авж олди, дехқон ва ҳунармандларда

<sup>1</sup> Иброҳим Ҳаққул. Аҳмад Калла // Тафаккур. – Т., 2005. – № 3. – Б. 80.

эса шафқатсизлик, эзиш, солиқлар ва аминона, вакилона каби йигимлар сероблигидан на туриш, на юришга ҳол қолди».<sup>1</sup>

Мамлакат амалдорларининг сунистъемолчиликлари, ҳокимлар ва амирларнинг очкӯзлиги, ўз хатти-ҳаракатлари ни оқлаш учун диний қонун-қоидалардан фойдаланиши, схоластик хусусият касб этувчи таълимнинг аянчли аҳволи, давлат мустақиллигини сақлашга қаратилган аниқ ташқи иқтисодий ҳаракатларнинг йўқлиги, минтақада янги ерларни босиб олишга йўналтирилган анча тор интилишлар, ҳалқнинг қашшоқ аҳволи ўша замоннинг умумий ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий манзарасини ташкил этарди. Рост сўз, тўғри фикрнинг бир чақалик қиймати бўлмаган ана шундай қалтис шароит ва оғир муҳитда сарой хизматида бўлган Аҳмад До-ниш ислоҳотчиликнинг аниқ таклифларини, жиддий, лекин мутлақ тўғри танқидий мулоҳазаларини айта олди. Унинг фикрича, «ҳасадгўйлик, такаббурлик, кўролмаслик, иттифоқсизлик каби чиркин иллатлар «бошқаларга қараганда мусулмонларда кўпроқдир»<sup>2</sup>.

Аслида етилиб келаётган жадидчиликнинг тамал тошини Аҳмад До-ниш кўйган эди. Е. Бертельснинг «До-ниш – Ўрта Осиё жадидларининг отаси» деб берган таърифи айни ҳақиқат. Шунинг учун ҳам бундай улуф зотнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганмасдан туриб жадидчиликнинг вужудга келишини ҳамда аҳамиятини тўлиқ тушуниш қийин.

Улкан салоҳият, таҳлил ва баҳолаш қобилиятига эга бўлган ўша давр маҳаллий муаллифлари тарих ғилдирагининг айланнишида маҳаллий ҳукмдорлар феъл-атворидаги иллатлар оқибатларини ўз кўзлари билан кўрганлар ҳамда мамлакатни инқирозга олиб келган сиёsatнинг гувоҳи бўлганлар, тўғри ва холис хуласа чиқарганлар.

Шу тариқа таназзули кучайиб бораётган ижтимоий бошқарув тизимининг бағрида инқирозли аҳволдан чиқишни кўзлаган изланишлар юзага келган. Бу изланишларнинг са-мараси сифатида Бухоро ва Туркистон жадидчилиги пайдо бўлди.

<sup>1</sup> Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. Даврий тўплам // Масъул муҳаррир тарих фанлари доктори Д.А. Алимова. – Т., 1999. – № 1. – Б. 84–85.

<sup>2</sup> Иброҳим Ҳаққуя. Аҳмад Калла // Тафаккур. – 2005. – № 3. – Б. 78.

## 5. Жадидларнинг ижтимоий-сиёсий ғоялари

Жадидчилик XIX аср охири ва XX аср бошларида шаклланиб, қисқа муддатда ижтимоий турмушнинг барча жабҳаларини қамраб ола билган ижтимоий ҳаракат эди. «Жадид» сўзининг маъноси «янги» демакдир. У шунчаки «янги», «янгилик тарафдори» дегани эмас, балки «янги тафаккур», «янги инсон», «янги авлод» сингари кенг маъноларни ўзида мужассам этган. «Жадид» атамаси Туркия туркларида илк марта Султон III Салим ҳукмронлиги (1789–1802) даврида пайдо бўлди. Австрияга элчи қилиб юборилган Абубакр Ратиб афанди шоҳга ёзган билдирувларида у ерда кўрган идора тизими ни «низоми жадид» деб тушунтиради.

«Жадид» ва «қадим» иборалари кейинги асрларда майдонга келган бўлса-да, у моҳиятан эскилик ва янгилик, тараққиёт ва тургунлик ўртасидаги эски кураш эди. Шу боис жадидчилик ғоясининг асосчиси Исмоилбек Гаспринский (Гаспрали) «Юнон қадимчилари икки минг неча юз сана муқаддам Суқротни жадидчилик қабоҳати билан айблаб, қатл эттиридлар»,<sup>1</sup> – дея ёзганида мутлақо ҳақ эди.

Исмоилбек томонидан тахминан 1884 йилда «Таржимон» газетаси орқали Шарқу Farbning жуда кўп ўлкаларига ёйилган жадидчилик XIX асрнинг 90-йилларида Туркистонга кириб келди. 1917 йилги большевиклар тўнтаришидан кейин ҳам 1930 йиллар охирларига қадар ўз мавқе ва йўналишини сақлаб қола олган жадидчилик оқим эмас, балки кучли ижтимоий ҳаракат эди. Жадидчилик – давлат, тузум, бошқарувни ислоҳ этиш ва миллатни ривожлантириш орқали, умуман, жамиятни янги тараққиёт босқичига олиб чиқишини мақсад қилиб қўйган ва аниқ амалий тадбирларни ўзида мужассамлаштирган ғоялар тизими. Бу тизим жаҳон цивилизациясида ниҳоятда катта роль ўйнаган Туркистондек бир тарихий ўлкада шарқона ҳаёт тарзини сақлаган ҳолда, уни Farb ва Европа тараққиёти натижалари билан бойитишни кўзлаган.

Агар I жаҳон урушидан кейин жадидлар парламентар монархия учун курашган бўлсалар, 1917 йилги февраль инқи-

<sup>1</sup> Қосимов Б. Миллий ўғониши: жасорат, маърифат, фидойилик. – Т., 2002. – Б. 9.

лобидан кейин уларнинг «тараққийпарварлар» оқимини ташкил этган радикал қисми федератив давлат шаклида мухторият олишга умид боғладилар. Аммо Россиядаги Муваққат хукумат ҳам, унинг Туркистондаги муваққат қўмитаси ҳам ўлкада аввалгидек мустамлакачилик сиёсатини давом эттириш йўлини тутаётганлиги маълум бўлгач, жадидлар мухторият учун жиддий сиёсий қураш бошладилар, хукуматнинг мустамлакачилик сиёсатини қаттиқ танқид остига олиб, миллий-худудий мухторият олиш учун астойдил ҳаракат қилишга киришдилар. Бошқача айтганда, бошқарувнинг пойдевори сифатида республика шакли танлаб олинди. Бироқ 1917 йилги октябрь воқеалари – большевикларнинг ҳокимиятни эгаллаши уларга ўз мақсадларини охиригача амалга оширишга имкон бермади. Шунга қарамай, улар большевиклар ҳокимиятининг «Миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш тўғрисида»ги декларациясида кўрсатилган хукуқларидан фойдаланиб, маркази Кўқонда бўлган, «Туркистон мухторияти» деб аталган мустақил мухтор республика эълон қилдилар. Бу мухтор республика уч ой фаолият кўрсатгач, «қизил» қўшин томонидан қонга ботирилди, омон қолган жадидлар эса 1937–1938 йилларда бутунлай қириб ташланди.

Шу ўринда Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдурауф Фитрат каби жадидларнинг сиёсий қарашлари ва фаолиятларидағи энг муҳим жиҳатларга эътиборни қаратамиз.

Туркистонда жадидчилик ҳаракатининг етакчиларидан бири И. Гаспринскийнинг содиқ шогирди *Маҳмудхўжа Беҳбудий* (1875–1919) эди. Ўтган асрнинг бошларида Туркистон ва ундан ташқарида ҳам замонасининг кўзга кўринган зиёлиси сифатида машҳур бўлган Беҳбудий тўғрисида Файзулла Хўжаевнинг «Сиёсий, ижтимоий фаолияти, билимининг кенглиги жиҳатидан унга teng кела оладигани бўлмаса керак», деб ёзиши бежиз эмас эди, албатта. Сиёсий қарашларида кадетларни қўллаган М. Беҳбудий «Хуршид» газетасида (1906 йил 10 октябрь, 6-сон) чоп этилган «Ишларнинг яхшиси ўргачасидур» мақоласида социалистик таълимотни ва большевиклар партияси – РСДРП(б) дастурини кескин рад этиб, уларни туркистонликлар учун мутлақо яроқсиз бўлган утопия деб атаган эди. Чунки жадидлар назарida марксизмнинг энг ёмон

жиҳатлари хусусий мулкни инкор этиш ва даҳрийлик (атеизм) эди.

Жадидларнинг сиёсий қарапашлари миллий маҳдудликни рад этар, улар Туркистондаги барча миллат ва элатларни бирлаштиришга, жамиятни ҳар қандай келишмовчилик ва зиддиятлардан холи қилишга интилардилар. Маҳмудхўжа Беҳбудий бу хусусда қуйидагиларни ёзган эди: «Туркистон мусулмонларига лозимки, аввало, қадим ва жадид низо лафзи ни қўйиб, иттифоқ истасак. Туркистон мусулмонлари бундаги русий, яхудий ва бошқалар билан қўшилган ҳолда, ўз бошларига Русиянинг бир парчаси ҳисобланана турган Туркистон ҳукмини (хукуматини) таъсис этсак, ўзимизнинг мажлис-машваратимиз (парламент) бўлсин десак, Туркистон мусулмонлари шариат ва одатларига, ўз закун (қонун) ва динларига мувофиқ тириклик қилсинлар. Туркистон яхудийлари, насронийлари ва мусулмонлари учун ҳаммаларининг манфаатларини эътиборга олатурғон қонунлар тузилсин. Агарда биз – Туркистон мусулмонлари хоҳласакки, дин ва миллатимизни... иттифоқ этиб, бугундан ислоҳотга қадам қўйсалар... зиёли ва тараққийпарварларимиз, бой ва уламомиз бирлашиб, дин ва миллат, Ватан ривожи учун хизмат этсак... Ўзимиздан бора-бора тадрижий суратда аскарларимиз бўлсин. Ул миллий аскарларимизнинг вазифасини, қиёфат ва шаклини, либос ва маишат тарзини ўзимиз тайин қилурмиз. Мана, бизнинг олдимиизда энг катта ишлар турибдир... Ҳозирги аҳволга қаранганд, яна биз мусулмонлар, русларнинг фуқароси ва раияти бўлган ўлгадек, алардан даст ва рижога қолурмиз. Колония (мустамлака) қоидаси или бизни идора этурларки, бунга ўз ихтилофимиз сабаб бўлур»<sup>1</sup>.

Кўриниб турибдики, Беҳбудийнинг қарапашларида миллий қадриятларга бўлган ихлос ва айни пайтда Европа дунёсining тарихи, маданияти, таълим тизими, давлат қурилиши соҳасидаги тажрибаларини ўрганишга эътибор катта ўрин тутган. Шунингдек, Беҳбудий миллат ўзини англагандагина ижтимоий-сиёсий масалаларга бошқалари билан тенг арала-

<sup>1</sup> Маҳмудхўжа Беҳбудий. Ҳақ олинур, берилмас // Ҳуррият. – 1917. – №22. Бу ҳақда қаранг: Алимова Д. Ҳақиқатнинг туташ манзили // Тафаккур. – 2000. – №2. – Б. 59.

ша олади, деган фикрни илгари суриб, тарихга алоҳида эътибор берди.

Жамиятдаги ҳуқуқий муаммолар Беҳбудийнинг диққат марказида бўлиб, унинг «Қонуни Оврупо», «Ҳақ олинур, берилмас!», «Лойиҳа», «Қози ва бийлар ҳақида лойиҳа» мақолаларида Туркистонда вужудга келган ҳуқуқ соҳасидаги оғир вазият баён этилади. Шунингдек, ҳуқуқий масалаларни ҳал қилишни элликбоши ва қозилар ихтиёрига бутунлай топшириб қўйилганлиги оқибатида, улар нафақат диний, балки майший масалаларни ҳам порахўрлик асосида бажараётгандиклари учун рус ҳукуматини танқид қиласди. Ислом қонунчилигидан чуқур хабардор бўлган муфтий Беҳбудий ўз шахсий манфаатлари йўлида шариат нормаларини сохталаштираётган қозиларни қаттиқ танқид остига олган.

Беҳбудий мустақилликнинг курашсиз қўлга киритилмаслигига имони комил бўлса-да, лекин у мустамлакачиларга қарши қон тўкишларсиз кураш тарафдори бўлган. Яъни, ҳар қандай кўринишдаги инқилобларга қарши бўлган. Россия Думаси ишини мунтазам равишида кузатиб борган Беҳбудий парламент кураши орқали қўп нарсаларга эришиш мумкин, деб ҳисоблаган.

«Туркистон мухторияти»нинг ташкил топишида Беҳбудийнинг амалий хизматлари катта. У миллний-озодлик ҳаракатидаги тарқоқлик қайтадан мустамлака тузумига олиб келишини яхши тушунар, шунинг учун мухторият қўлга киритилиши биланоқ, «Агар бугун Туркистон ҳалқи иттифоқ этса, қон тўкилмас. Ер ва амлок ҳам тақсим бўлмай қолур. Они ҳам раво топур. Минг карра доду бедодки, ихтилоф этмоқ учун иттифоқ этканимиз ва ихтилофимиз сабаби ила бадбахтликка дучор бўлурмиз. Бутун Туркистон иттифоқ этса, 15 миллионлик бир қувватли имлоға келурки, мунга ер титрайдур», деб ҳалқни ҳамжиҳат бўлишга унданаган. Хуллас, Беҳбудийнинг ижтимоий қарашлари марказида сиёсий масалалар бош масала бўлганлигининг гувоҳи бўламиз.

Мамлакатда бўлиб ўтган фожиали воқеалар Беҳбудийда совет давлати ва унинг Туркистондаги вакилларига нисбатан шак-шубҳасиз нафрат уйғотади. Шу боис 1917 йилнинг июль ойидаёқ «Ҳақ олинур, берилмас» сингари кўплаб публицистик мақолалар билан чиқиб, аҳолини, айниқса, ёшларни ҳуррият учун курашга даъват этган Беҳбудий мухторият тор-мор

этилганидан кейин ҳам таслим бўлмади. Аксинча, у энди хурпият учун курашнинг яширин жабҳасидан ўрин эгаллади.

Хорижда чоп этилган «Миллий Туркистон» журналининг 1950 йил 66-сонида ёзилишича, «ул Қарши шаҳаринда ўз вазифаларини ўринлов ҳаракатида экан, Русиянинг Бухоро элчихона хизматчиси Уткин воситаси-ла амир томонидан тутилди. Беҳбудий «жадидчи» дея айбланиб, амирнинг Қарши шаҳариндаги волийси Нуридин Оғалиқ томонидан амирнинг буйруғи илиа 1919 йилда ваҳшиёна ўлдирилди. Бу эса ниқоб эди. Ҳақиқатда эса, Беҳбудийнинг ўлими амир воситаси-ла рус большевикларининг совет комиссиариати томондан ўюштирилганлиги аниқланди. Буни собиқ «Туркистон совет жумхурияти»нинг ҳарбий министри Осипов 1919 йил Бухорога қочган вақтинда «Ёш бухороликлар» жамиятинда («Ёш бухороликлар» партияси назарда тутилмоқда. – Муаллиф.) берган баёнотида билдирган эди. Туркистон халқи бул усуlda бундан 31 йил аввал ўзининг буюк жамоат ва сиёsat ходимидан айрилган»<sup>1</sup>.

Ўлими олдидан «Биз ўз қисматимизни биламиз, аммо бечора халқимизга ўз ҳаётимизда нима қилишимиз мумкин бўлса, шуни қилганимизни ҳис этиш билан фаҳрланганимиздан ўлимни ҳам хотиржам кутмоқдамиз..., агар бизнинг ҳаётимиз хурriят ва халқнинг баҳт-саодати учун қурбонлик сифатида керак бўлса, биз ўлимни ҳам хурсандчилик билан кутиб оламиз»<sup>2</sup>, деган мардона сўзларни айтган муфтий Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг ҳаёти ва ижодий мероси ҳозирги мустақиллик шароитида ҳам ёшларимизда, хусусан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари дунёқарашида юрт учун, халқ учун фидойилик кўрсатишда ибрат намунаси бўлиб қолади.

XIX аср охиrlарида Туркистондаги уйғониш даврини бошлаб берган жадидлардан яна бири *Мунавварқори Абдурашидхон ўғли* бўлиб, у 1878 йилда Тошкентнинг Шайҳонтохур даҳасидаги Дархон маҳалласида мударрис оиласида таваллуд топган. Тошкентдаги Юнусхон мадрасасида, сўнгра Бухорода олий таҳсил олиб «ҳофизи Куръон» бўлгач, XIX асрнинг 90-йиллари охиrlарида жадидчилик ҳаракатига қўшилади.

<sup>1</sup> Каримов Н. Беҳбудийнинг сўнгги кунлари // Тафаккур. – 2005. – №3. – Б. 70–71.

<sup>2</sup> Қосимов Б. Маслақдошлар. Беҳбудий, Ажзий, Фитрат. – Т., 1994. – Б. 39.

1901 йилда Тошкентда биринчилардан бўлиб «усули жадид» мактабини очади.

Мунавварқори XX аср бошидаги ижтимоий-сиёсий тафаккурнинг, миллий-озодлик ҳаракатининг энг эътиборли намояндаларидан бўлганлиги учун ҳам 1921 йилда унинг номзоди «Туркистон миллий бирлиги» номли яширин ҳаракатнинг раислигига қўйилган. Бироқ у ҳеч қачон исёнга, қўзғолонга даъват қилган эмас. Тўғри, у «Ҳақ олинур, берилмас»<sup>1</sup>, деб ёзди. Лекин бу ҳақни илм-маърифатни, фан-техникани эгаллаш, маърифий-маданий воситаларни ишга солиш орқалигина қўлга киритишни мақсадга мувофиқ деб топди.

Мунавварқори сиёсат билан жиддий шуғулланган прагматик шахс эди. Масалан, 1917 йилда тарих туркистонликларга мустақилликни қўлга киритиш ва муносиб идора усулини ўрнатишдек ноёб имкониятни берганида бир гурӯҳ кишилар хонликни тиклаш, Худоёрхоннинг ўғли Муҳаммад Аминбекни хон қилиб кўтариш фикрида бўлишганда, иккинчи бир гурӯҳ ривожланган мамлакатлардан ўрганиш, андоза олиш йўлларини қидирган эди. Шулардан бири бўлган Мунавварқори 1917 йил воқеаларидан анча олдин Финляндияга бориб, фин идора усулини ўрганиб келган эди.

Мунавварқори ва унинг сафдошлари коммунистларнинг Марказий Осиёдаги ҳукмронлигини мустамлакачиликнинг янги кўриниши, социализм қурилиши тўғрисидагиояни утопия, унинг тарғиботчиларини эса мутаассиблар деб билишган. Истикололчилик ҳаракатининг ғалабасига ишонган бу фидойилар жаҳон ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг асосида эволюцион йўл ва демократик инқилоб ётади, деб ҳисоблашган.

Марказий Осиёда совет тузуми истибоди ўрнатилгач, жадидлар тутган сиёсий позиция хусусида тўхталар экан, Мунавварқори Абдурашидхонов ўзининг большевиклар қамоқхонасида ёзган «Хотираларимдан» асарида шундай дейди: «Бизларнинг синфий дунёқарашимиз негизида синфларни

<sup>1</sup> Изоҳ: Марҳум профессор Б. Қосимов «Бу фикр асли Жан Жак Руссога тегишли бўлиб, унинг «Ижтимоий шартнома» асаридан олинган. XIX аср ўрталарида Францияда ўқиб келган туркиялик ёшлар орқали у турк матбуотига, ундан Туркистонга келган», дея ёзган эди. Бу тўғрида қаранг: Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. – Т., 2002. – Б. 238.

инкор этиш ётади. Бизлар синфларни билмас эдик, агар йирик буржуазия деб ҳисобланып катта ер эгалари ва савдо-гарларнинг жуда озгина гуруҳи ҳисобга олинмаса, бизларнинг кўз ўнгимизда ҳамма тенг эди. Буржуазия тўғрисида гапирганда, бизлар йирик савдогар ва катта ер эгаларинигина назарда тутар эдик. Бизлар шўро ҳукуматининг мана шуларга эмас, балки майда ва ўрта ҳол буржуазияга нисбатан олиб борган тадбирларига қарши бўлдик. Бинобарин, бизлар, асосан, майда буржуазия манфаатларини ҳимоя қилдик: мана шундан бизларнинг ўктараб инқилобидан кейин мамлакат сиёсий ҳаётида тутган ролимиз, шўро ҳукумати, йўқсил диктатурасига қарши олиб борган курашимиз тушунарли бўлса керак. Бизларнинг мустақиллик ҳақидаги шиоримиз аввал буржуа демократик Туркистонни, ундан сўнг эса, қайта чегаралишидан кейин Ўзбекистонни ташкил этиш, ҳокимиятни майда ва ўрта буржуазия қўлига бериш тўғрисидаги ҳаракатимиз ана шундан келиб чиқади<sup>1</sup>.

Бу машҳур сиёsatчи қамоққа олингач, «Мунавварқори тўдаси» деган иш очилди ва 87 киши терговга тортилди. Ўн етти ой мобайннида аввал Тошкент, кейин эса Москва авахтахоналарида олиб борилган оғир руҳий ва жисмоний қийноқлардан сўнг, 1931 йилнинг 15 апрелида ОГПУ (собиқ СССР Халқ Комиссарлари Совети қошидаги Махсус Давлат Сиёсий бошқармаси) қарори билан шулардан 15 киши отиб ўлдиришга, 31 киши 10 йил, 19 киши 5 йил, 14 киши 3 йил қамоққа ҳукм қилинади, 1 киши 1 йилга Омскка сургунга юборилади, 3 киши юртидан бадарға этилади<sup>2</sup>.

Мунавварқори Абдурашидхонов Салимхон Тиллахонов, Сайд Аҳрорий, Тангриқул ҳожи Мақсадов, Нажмиддин Шермуҳаммедловлар билан бирга 1931 йилнинг 23 майида Москванинг машҳур Бутиркасида отилиб, Ваганково қабристонига пинҳона кўмилди ва бу маълумотлар Россия матбуотида 1992 йилнинг 25 майида, роса 61 йилдан кейин ошкор қилинди. Ўзбекистонда бундан ҳам кейинроқ – 1997 йилда

<sup>1</sup> Абдурашидхонов М. Хотираларимдан // Жадидчилик: ислоҳот, янгилашиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. Даврий тўплам. – Т., 1999. – №1. – Б. 202.

<sup>2</sup> Қосимов Б. Миллий уйғониши: жасорат, маърифат, фидойилик. – Т., 2002. – Б. 235.

маълум бўлди. Ҳолбуки, унинг қатли ҳақидаги хабар дунёга 1933 йилдаёқ тарқалган эди. Мустафо Чўқаевнинг Парижда нашр қилиб турган «Ёш Туркистон» журнали ўзининг 1934 йил январь сонида Туркистон зиёлилари бошига тушган бу мусибатдан жаҳон жамоатчилигини хабардор қилди. У ҳақда мақола ва хотиралар чоп этди<sup>1</sup>.

Хулоса қилиб айтганда, Мунавварқори Абдурашидхоновнинг сиёсий-хуқуқий қарашлари ва ҳаёт йўли XX аср биринчи чорагидаги Туркистон халқлари ижтимоий-сиёсий тафаккури, маданияти, маърифатининг мумтоз ва бетакрор намунаси бўлиб қолди.

Туркистон жадидчилигининг таниқли намояндаларидан яна бири машҳур адаб ва забардаст олим *Абдурауф Фитрат* (1886–1938) эди. Дастлаб, у эски мактаб, сўнг Бухоронинг машҳур Мир Араб мадрасасида таҳсил олган Фитрат Туркия, Ҳиндистон, Марказий Россия шаҳарларида ва Арабистонда бўлган. 1909–1913 йилларда Истамбулда ўқиган даврида «Ёш турклар инқилоби»дан қаттиқ таъсирланган Фитрат сиёсатга фаол алаша бошлади, бу ҳол унинг ижодида ҳам ўз аксини топди.

1913 йилда маориф ва маданий-ижтимоий қурилиш ҳақидаги янги ғоялар билан она шаҳри – Бухорога қайтиб келган бу ёш жадид қисқа муддатда Бухоро жадидчилик ҳаракатининг етук вакилларидан бирига айланди. Фитратнинг ўша даврдаги сиёсий қарашлари «Раҳбари најот» (1915), «Оила» (1915), «Бегижон» (1916), «Мавлуди шариф» (1916), «Або Муслим» каби асарларида ўз аксини топди. Қолаверса, у жадид мактаблари учун «Мухтасар ислом тарихи» (1915), «Ўқу» (1917) каби дарсликларини яратди.

1917 йил февраль воқеалари амирлик ҳудудида жадидчилик ва ундан ўсиб чиққан «Ёш бухороликлар»<sup>2</sup> ҳаракатига

<sup>1</sup> Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. – Т., 2002. – Б. 235.

<sup>2</sup> Изоҳ: «Ёш бухороликлар» – Бухоро жадидларининг сўл оқимиidan 1910 йилда ташкил топган партия. Бу партия тараққийпарвар зиёлилар, савдо-гарлар ва шаҳар камбағаллари вакилларидан тузилиб, дастлаб мавжуд амирлик тузуми доирасида демократик ислоҳотлар ўтказиш, конституцион монархияни ўрнатиш орқали амирнинг мутлақ ҳокимиятини чеклаб қўйиш тарафдорлари бўлишган. Фитрат, Файзулла Ҳўжаев, Садриддин Айний, Абдулвоҳид Бурҳонов (Мунзим), Усмон Ҳўжа (Усмонхўжа Пўлатхўжаев)лар «Ёш бухоролик»лар партиясининг дастлабки ташкилотчилари бўлишган.

кучли туртки берди. Фитрат ушбу ҳаракатнинг сўл қанотидан ташкил топган «Ёши бухороликлар» инқилобий партиясининг бош котиби эди. Фитрат Туркистон мухторияти эълон қилинган 27 ноябрни эса «миллий лайлатулқадримиз», «Туркистон туркининг имонини юксалтгучи бир қувват»<sup>1</sup>, деб атади.

Фитратнинг 1918–1919 йилларда Тошкентдаги энг катта хизмати Туркистон халқлари маданий меросини тўплаш ва ўрганишда катта роль ўйнаган маданий-адабий ташкилот – «Чигатой гурунги»<sup>2</sup>ни ташкил этгани бўлди. Бухорода амир Сайид Олимхон таҳтдан ағдарилгач (1920), Фитрат Бухоро ҳукумати аъзоси, 1921 йилдан эса халқ маорифи нозири ва бошқа кўплаб муҳим лавозимларда умуммиллий тараққиёт йўлида хизмат қилди. Жумладан, Бухорода Шарқ мусиқа мактаби очилишида, 60 дан ортиқ ёшларнинг хорижга таълим олиш учун жўнатишда, «Анжумани тарих» шўбаси томонидан «Бухоро арки тарихи» қўлёзмасининг ёзилишида, Бухоро республикасида турк (ўзбек) тилининг давлат тили деб эълон қилинишида, Туркия, Эрон, Афғонистон билан дўстлик, ҳамкорлик муносабатларининг йўлга қўйилишида, Германия ва Озарбайжон ваколатхоналарининг Бухорода очилишида Фитратнинг хизмати беқиёс эди. Бироқ давлат мустақиллиги йўлидаги бу ҳаракатларга 1923 йилдан бошлаб марказ томонидан кескин тазииклар бошланди. Фитрат Бухоро ҳукуматининг бошқа 4 аъзоси қаторида партиядан ўчирилиб, ишдан олинди ва Бухородан чиқарилиб юборилди. 1923–1925 йилларда Фитрат Москвадаги Шарқ тиллари институтида ишлади, Санкт-Петербург давлат университетининг шарқ факультетида шарқ тиллари, адабиёти, маданиятидан маърузалар ўқиди, профессорликка сайланди. Айни пайтда «Абулфайзхон» (1924), «Шайтоннинг Тангрига исёни» (1924) каби драматик асарларини яратди.

<sup>1</sup> Абдурауф Фитрат. Мухторият. Танланган асарлар, 3-жилд. – Т., 2003. – Б. 198–199.

<sup>2</sup> Изоҳ: Фитрат маданиятимиз тараққиётининг барча тан олган юксак чўққиси Навоий даврини ибрат сифатида олиб, «Чигатой гурунги» уюшмасини ҳозирги ўзбек халқининг XV асрдаги номи билан атаган эди. «Чигатой гурунги»нинг фаолияти ҳақида қаранг: Абдурауф Фитрат. Ёпишмаган гажжаклар // Танланган асарлар, 3-жилд. – Т., 2003. – Б. 232–233.

Бу йиллар Фитратнинг совет ҳукумати ҳақидаги сиёсий қарашларини янада мустаҳкамлади. У миллатларни, шу жумладан, Туркистон халқларини асрий манбалардан узиб, советлар мағкураси асосида руслаштириш орқага қайтмас жараён эканлигини англаб ета бошлади. Олимнинг сиёсий фолиятида ижтимоий бегоналашув<sup>1</sup>, ижтимоий муҳитдан ўзини тортиш бошланди. Оқибатда Фитратга қарши кураш ҳаракатлари бошланиб кетди. ЎзКПМК (Ўзбекистон коммунистик партияси марказий комитети) биринчи секретари Акмал Икромов Фитратнинг асарлари ва хатти-ҳаракатларини «шўрга қарши уруш эълон қилиш», деб атади. «Шайтоннинг Тангрига исёни» асарини «бизга қарши ёзилган асар», умуман «Фитрат РКП (б) (Россия коммунистик (большевиклар) партияси) сиёсатига қарши», у: «Мени жазолайверинг, мен сизнинг ифлос ҳукуматингизда, сизнинг партиянгизда ишлашни хоҳламайман!» демоқда», – дейди<sup>2</sup>.

Ф. Хўжаев томонидан ҳимоя қилинган Фитрат 1927 йилдан Самарқанд олий педагогика институти (ҳозирги СамДУ)да дарс бера бошлайди, кўплаб тадқиқотлар эълон қилади. Хусусан, олимнинг Туркистонни мустамлакага айланишига олиб келган сабаблар, Европанинг Шарқдаги «маданий» сиёсатига оид мулоҳазалари эътиборга моликдир.

«Бу кун оёқлар тагинда эзилган Шарқ бир кун маданиятнинг йўлбошчиси, билим ва ҳунарнинг ўчоги эди... Оврўпада бир маҳалла оқсоқоллиги йўқ экан, Шарқнинг «бараҳма», «исо», «зардушт» ва Муҳаммадлари бутун олам ўғулларини бир нуқтада тўплаб тўгри ва билгили йўлға киргумзак учун тиришар эдилар. Чинлилар ёзиш учун қофоз ясағанда оврўпалилар ўнг-сўл кўлларини бир-бириндан айира олмас эдилар»<sup>3</sup>, деб ёзар экан, адаб Шарқнинг кейинчалик ўз тараққиёт йўлида давом эта олмаганлигини, хонлар ўз қоринларини тўйдирмоқ учун халқни бир-бири билан уриштирганларини, ҳокимиятдаги муҳим лавозимларни сотганларини, мулла-

<sup>1</sup> Изоҳ: «Ижтимоий бегоналашув» сиёсатшунослик категорияларидан бири бўлиб, тоталитар-репрессив сиёсат ҳосиласи сифатида қаралади.

<sup>2</sup> Қаранг: Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. – Т., 2002. – Б. 360–361.

<sup>3</sup> Фитрат Абдурауф. Шарқ сиёсати // Танланган асарлар, З-жилд. – Т., 2003. – Б. 213.

лар ўз истакларига «дин» номини тақиб бозорга чиқарғанларини, дин, тангри, пайғамбар, дўзах ўти билан халқни қўрқитиб талағанларини зўр бир ички дард билан баён қилади.

Фитрат миллий тарихимизнинг сиёсий таҳлили устида ҳам тадқиқот олиб борган сиёсатшунос эди. Шу маънода унинг «Абулфайзхон» асари тарихий мавзуда ёзилган биринчи ўзбек драмаси бўлиб, унда аштархонийлар сулоласининг сўнгги вакили – Абулфайзхон ҳукмронлиги даврида (XVIII аср) салтанатда манғитлар сулоласининг нуфузи ортиб, хоннинг қўғирчоққа айланаб қолиши, қўшҳокимиятчилик шароитида зулм ва хиёнатнинг авж олиши қаламга олинган. Фитрат миллат тарихидаги энг фожиали икки даврни (XVIII аср, XX аср бошлари) сиёсий таҳлил қилишга ундовчи фикрларни илгари суради. Бу икки даврнинг бирбиридан фарқи шу эдик, бири янги турмуш байроғи остида, иккинчиси янги сулола ҳимояси йўлида кечди. Ҳар иккиси ҳам жамиятнинг барча қатламларини ўзига жалб этган ва энг муҳими, ҳар иккиси ҳам кучга, зўравонликка таянган эди. Ҳокимиятга интилган манғитлар раҳбарлари (Муҳаммад Ҳакимбий, унинг ўғли Ражаббий) Эрон ҳукмдори Но-диршоҳга, туркистонлик «инқилобчилар» эса рус большевиклари мададига таянган эдилар. Фикримизча, Фитрат бу тарихий хатони кечроқ бўлса-да англаб, муайян давлат ва халқقا хос бўлган замин ва хусусиятларни ҳисобга олмасдан янги замонавий сиёсий тартибни ташқаридан туриб ўрнатишга қаратилган ҳаракатларнинг аянчли оқибатларга олиб келиши муқаррарлигига ишора қилган.

Фитратнинг «жадид» ва «қадим» баҳси асосига курилган «Мунозара» (1911) асарида бугунги Европа цивилизациясининг манбаи Шарқ эканлигини, илм, ахлоқнинг, давлат ва жамиятни бошқарувнинг асл андозалари ислом маданиятидан олиниб, тараққий эттирилганини, унинг асл эгалари эса ўз мулкларини тамом унтиб, европаликларга муҳтоҷ бўлиб қолганини фаранги тилидан рад қилиб бўлмайдиган далиллар билан исботлаб беради<sup>1</sup>.

Қисқа муддатда шуҳрат топган Фитратнинг «Мунозара»

<sup>1</sup> Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. – Т., 2002. – Б. 364–365.

асари 1911 йилда полковник Ягелло томонидан таржима қилиниб, рус тилида чоп этилган. Ўзбекча нашри эса 1912 йилда босилган эди. Бу асарнинг чоп этилиши туфайли Бухорода янги усул мактаблари қайта очилиб, кўпдан-кўп мулла-мударислар устидан тавқи лаънатлар олиб ташланган.

Олимнинг «Сайёҳи ҳинди» («Баёноти сайёҳи ҳинди») асари 1912 йилда ёзилган бўлиб, 1913 йилда А. И. Кондратьев томонидан таржима қилиниб, рус тилида босилган эди. Ўзбекча нашри эса 1991 йилда нашр этилди. Йўл очерки сифатида ёзилган ушбу асарда Бухоронинг маиший-сиёсий турмуши тасвирланган. Фитратнинг фикрича, ижтимоий-иктисодий ва сиёсий қолоқликнинг сабаби идора усулининг бузуқ ва но-боплигига, ҳокимият эгаларининг илм-маърифатдан узоқлигига бориб тақалади. «...Қарши ё Китобнинг бирон бир алача тўқувчиси Фарангистонда яшаса, бошдан оёқ зар-зеварга ботар эди. Бу бечораларнинг нега ейишга нони йўқ?... Агар шу Шаҳрисабз ерлари Японияда бўлганда эди, зар экиб, зар ундирап эди. Бу ерлар нега шўразорга айланган?» каби саволларни бежизга муаллиф асарига киритмаган. Иқтисодий-маънавий тараққиётнинг асосий ғовлари – ишлаб чиқаришдаги ўрта асрга хос қонунсизлик тартиби кенг ёритиб берилган ушбу асар Ф. Хўжаев томонидан юксак баҳоланган эди.

Фитратнинг 1911 йилда Истамбулда чоп этилган «Сайҳа» («Бонг») шеърий тўплами ҳозир ҳам ёшларда ватанпарварлик туйғусини шакллантиришда ўз амалий аҳамиятини йўқотгани йўқ. Зотан, жадидчилик мафкурасида Ватан туйғусини чуқур англаш, ҳар қандай тамадан холи бўлган чин ватанпарварлик ғояси марказий ўринлардан бирини эгаллаганлиги бугунги ўқувчига яхши маълум. Фитрат «Сайҳа»да Ватанини «саждагоҳ», «қиблагоҳ» билди, уни «иззу шарафи» деб атади. У учун бахт ва најот қидирди. 1914 йилда «Садойи Туркистон» газетасида босилган бу ўтли шеърларни ўқиган кишиларни Бухоро ҳукуматигина эмас, рус ҳукумати ҳам таъқибга ола бошлади. Чунки бу шеърларда Бухоро мустақиллиги ғояси илк бора ёрқин, таъсирчан бир шаклда ифодаланган эди.

Фитратнинг сиёсий қарашларини ўрганиш ва таҳлил этиш жараёнида маълум бўлмоқдаки, 1917 йилги Февраль, Октябрь тўнтиришлари ҳам, 1920 йилги Бухоро «инқилоби» ҳам олимнинг миллий мустақиллик масаласидаги орзу-умидларини

рўёбга чиқармаган. *Биринчидан*, бу инқилоблар Туркистоннинг маҳаллий халқига ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш имконини бермади, *иккинчидан*, ҳокимият халқа тегмади. Ҳокимиёт чор мустамлакачиларидан совет мустамлакачилари қўлига ўтган. Фрунзе мадади билан ҳокимиятни қўлга киритган ёш бухороликлар партиясининг раҳбарлари нотўғри иш тутганикларини кейинчалик тушуниб етганлар. Лекин хатолар англанганда уни тузатиш деярли имконсиз эди.

Шу боис 1921 йилда Фитрат Бухородаги меҳмонхонасида Абдулҳамид Чўлпон шарафига берилган зиёфатда амирликдаги тараққийпарварлардан собиқ қозикалон Шарифжон қозининг<sup>1</sup> ҳақли эътиrozларига жавобан: «Ахир биз бунақа инқилобни истаган эмасмиз, тақсир!» — деган эди. Фитратнинг бу жавоби машъум 1937 йилда адига қарши жиддий айбловлардан бири бўлиб ишга тиркалган.

Ватаннинг асл фидойи фарзанди бўлган Абдурауф Фитрат 1937 йилнинг 24 апрелида ҳибсга олиниб, бир яrim йиллик қийноқлардан сўнг «миллатчи», «аксилинқилобчи», «аксилшўровий», «халқ душмани», «ватан хоини», «немис, инглиз разведкаси айгоқчиси» деган асоссиз айбловлар билан СССР Олий суди ҳарбий коллегияси томонидан суд қилиниб, 1938 йилнинг 4 октябрида Тошкентда отиб ўлдирилди.

Фитрат асарлари у ҳаётлик пайтларида ёқ юксак баҳоланганди эди. Бироқ унинг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий қарашларини холис ва изчил ўрганиш, ёш авлодга тақдим этиш масалалари амалда Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг бошланди. Забардаст олимнинг уч жилдлик танланган асарлари тўплами чоп этилди. Бугун Фитрат номида Тошкент ва Бухорода кўчалар, мактаблар мавжуд. Она шаҳри ҳисобланмиш Бухорода унга атаб ёдгорлик музейи ва кўркам хиёбон барпо этилган. 1996 йилда мамлакатимизда Фитрат таваллудининг 110 йиллиги кенг нишонланди. Миллат тарихидаги хизматлари эътиборга олиниб, Фитрат Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотига сазовор бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, Марказий Осиёда ижтимоий-сиё-

<sup>1</sup> Изоҳ: Шарифжон Маҳдум, тахаллуси Садр Зиё (1867–1932).

сий тафаккур ривожининг асосий босқичларига доир юқорида қайд этилган маълумот ва таҳлиллар минтақамиз халқлари жаҳон цивилизацияси тарихида ўзининг муносаб ўрнига эга эканлигидан, ҳақиқий маънодаги озодликни орзу қилган отабоболаримизнинг Ватан ва халқ баҳт-саодатини кўзлаган орзуистаклари бугунги Ўзбекистон мустақиллиги шарофати билан рӯёбга чиққанлигидан далолат беради.

### **Таянч тушунчалар**

*Авесто, монийлик, маздакийлик, Кул тегин битиктоши, шариат, Ал-Мадина ал-Фозила, Ал-Мадина ал-Жоҳилия, маърифатли шоҳ, Темур тузуклари, яъжуэс-маъжуэс, ижтимоий-сиёсий инқироз, тизимни тузувчи ва бузувчи жараёнлар, европацентризм, буюк давлатчилик шовинизми, мустамлакачилик, умумбашарий ҳакамлик, цивилизация, жадидчилик, ижтимоий ҳаракат, парламентар монархия, федератив давлат, мухторият, советлаштириш, «Миллий имтиҳод», тоталитар режисм.*

### **Назорат учун савол ва топшириқлар**

1. Марказий Осиёда ижтимоий-сиёсий қарашлар ва таълимотлар ривожини босқичларга бўлиб таҳлил қилинг.
2. Ватанимизда шаклланган сиёсий қарашларнинг манбаларини, тарихий, миллий-маънавий илдизларининг ўзига хос хусусиятларини аниқланг.
3. Шарқ ва Farbdagi сиёсий қарашларни таққосланг.
4. Марказий Осиёда XVII – XIX асрларда рўй берган ижтимоий-сиёсий инқироз сабабларини таҳлил қилинг.
5. Маҳаллийчилик, минтақавий низолар, европацентризм ва буюк давлатчилик шовинизми Марказий Осиё сиёсий тарихида қандай салбий оқибатларни келтириб чиқарди?
6. Туркистон халқларининг XIX аср охири XX аср бошларидағи сиёсий тафаккури ривожида жадидчилик қандай аҳамиятга эга эди?
7. Европанинг Шарқдаги «маданий» сиёсати моҳиятини А. Фитратнинг «Шарқ сиёсати» асари асосида таҳлил қилинг.
8. Нима сабабдан жадидчилик ижтимоий-сиёсий ҳаракат сифатида тоталитар тузум томонидан тор-мор қилинди?

## АДАБИЁТЛАР

- Каримов И. А.* Биз келажагимизни ўз қўлимииз билан қурамиз. Т. 7. – Т., 1999. – Б. 132 – 154.
- Каримов И. А.* Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. – Т., 2005. – Б. 287–305.
- Каримов И. А.* Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., 2008. – 176 б.
- Абдулҳаким Нурбой.* Озодликка тўланган тово // Тафаккур. – 2005. – №4. – Б. 12–17.
- Абдурашидхонов Мунавварқори.* Танланган асарлар. – Т., 2003. – Б. 9–60.
- Абу Наср Форобий.* Фозил одамлар шаҳри. – Т., 1993. – Б. 3–33.
- Алимова Д.* Жадидчилик ва диний бағрикенглик // Тафаккур. 2005. – №4. – Б. 18–23.
- Алимова Д.* Ҳақиқатнинг туташ манзили // Тафаккур. – 2000. – №2. – Б. 54 – 59.
- Алихонтўра Соғуний.* Туркистон қайғуси. I-китоб. – Т., «Шарқ», 2003. – 320 б
- Алишер Навоий.* Садди Искандарий. – Т., 1996. – Б. 3 – 17.
- Бобоев Ҳ.* Алишер Навоий – буюк давлат арбоби. – Т., 1992. – Б. 5 – 21.
- Вамбери Ҳ.* Маърифат йўлидаги уйғониш // Тафаккур. – 2000. – №2. – Б. 60–81.
- Жўраев Т.* Тузувчи ва бузувчи тизимлар // Тафаккур. – 2000. – №2. – Б. 24–29.
- Иброҳим Ҳаққул.* Аҳмад Калла // Тафаккур. – 2005. – №3. – Б. 74–85.
- Иванин В.* Икки буюк саркарда: Чингизхон ва Амир Темур. (Таржимон: А. Маҳкамов.) – Т., 1994. – Б. 3–76.
- Исмоил Ака.* Буюк Темур давлати (Таржимон Т. Қаҳҳор) – Т., 1996. – Б. 3–37.
- Каримов Н.* Беҳбудийнинг сўнгги кунлари // Тафаккур. – 2005. – №3. – Б. 64–73.
- Қодиров П.* Амир Темур сиймоси: Илмий бадиа // Жаҳон адабиёти. – Т., 2006. – №7. – Б. 3–57.
- Қосимов Б.* Маслакдошлар: Беҳбудий, Ажзий, Фитрат. – Т., Шарқ, 1994. – Б. 3–37.
- Қосимов Б.* Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидоийлик. – Т., 2002. – Б. 217–243.
- Низомулмулк.* Сиёсатнома ёки Сияр ул-мулук. – Т., 1997. – Б. 3–36.
- Улрих Рудольф.* Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳи-

ёти (Рус ва немис тилларидан таржима.). Имои ал-Бухорий халқа-ро жамғармаси. Т., 2001. – 397 б.

Политология: Ўқув қўлланма / С. Отамуродов, И. Эргашев, Ш. Акрамов, А. Қодиров – Т., 1999. – Б. 21–35.

Политология асослари: Ўқув қўлланма. (А. А. Аъзамхўжаев таҳрири остида) – Т., 1992. – Б. 12–54.

Политология: Маърузалар матни / Такризчилар: В.С. Ким, Ж. Баҳронов.. – Т., 2000. – Б. 19–35.

Рамазонов И., Мўминов Э. Политология: Дарслик. – Т., 1997. – Б. 27–30.

Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. – Т., 1997. – Б. 3–35.

Темур тузуклари /Сўзбоши муаллифи ва масъул мұҳаррир Мұхаммад Али, форсчадан тарж. А. Соғуний ва Ҳ. Кароматов. Т., 2005.

Фитрат А. Оила. – Т., 1998. – Б. 5–30.

Фитрат А. Танланган асарлар. Жилд I. – Т., 2000. – Б. 46–98.

Фитрат А. Танланган асарлар. Жилд II. – Т., 2000. – Б. 17–30.

Фитрат А. Танланган асарлар. Жилд III. – Т., 2003. – Б. 5–41.

Хидоя: комментарии мусульманского права. Т. I.– Т., 1994. – С. 3–26.

Шарафиддинов О. Истиқлол фидойилари: Мустафо Чўқай, Чўлпон, Отажон Ҳошим. – Т., 1993. – Б. 7–88.

## **ЖАМИЯТ ҲАЁТИДА СИЁСАТ ВА СИЁСИЙ ТИЗИМ**

### **1. «Сиёсат» тушунчаси. Унинг объектлари ва субъект муносабатлари. Сиёсатнинг турлари, йўналишлари ва шакллари**

«Сиёсат» тушунчаси. Сиёсатшунослик фанини эгаллаш, аввало, сиёсат тушунчасини чуқур ва ҳар томонлама ўрганишни тақозо этади. Чунки сиёсий ҳаётда, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида сиёсат ва сиёсий муносабатлар мухим роль ўйнайди. Ҳар қандай давлат жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ва бошқа муаммоларини ҳал этишда ўз сиёсий фаолиятини амалга оширади. Давлат ҳокимиютига оид муносабатлар сиёсий муносабатлар моҳиятини ташкил этади. Демак, ўз-ўзидан равшанки, жамиятни сиёсатсиз, сиёсий муносабатларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Чунки сиёсат ёрдамида жамият тараққиёти йўналтирилади ва таъминланади.

«Сиёсат» тушунчаси ўзининг ижтимоий моҳияти, мазмани ва хусусиятларига кўра кенг ва тор маъноларда қўлланилади. Кенг маънода у жамият ҳаётининг хилма-хил соҳала-рида рўй берадиган воқеа-ҳодисалар, ўзгаришларни акс эттиради. Тор маънода эса сиёсат жамият ҳаётининг алоҳида бир соҳасида, яъни унинг сиёсий соҳасида рўй берадиган ўзгаришларни ифодалайди ва шу соҳанинг ўзига нисбатан қўлланилади.

Сиёсат – кишилар фаолиятини муайян мақсад атрофида бирлаштирувчи, уларни мазкур мақсадга эришиш учун бирликда ҳаракат қилишга ундовчи восита. Мақсадлар бирлигининг вужудга келиши – сиёсат ибтидосининг шаклланиши демак. Мақсад бирлиги кишилик тарихининг энг ибтидоий даврларида – ибтидоий жамоа тузуми даврида вужудга келган.

Ижтимоий фанларда сиёсатнинг келиб чиқишига оид З хил ёндашув мавжуд:

1. Формацион ёндашувга кўра сиёсатнинг келиб чиқиши қулдорлик ижтимоий-иқтисодий формацияси билан боғлиқ бўлиб, бунда дастлабки меҳнат тақсимоти ва унинг натижага-

сида вужудга келувчи табақаланиш, антогонистик синфларга бўлиниш асосий омиллардир. Формацион ёндашув марксизм мағкураси билан боғлиқдир.

2. Функционал ёндашув. Унинг асосчиси сиёсат ва давлат ҳақида илк бор илмий асар ёзган қадимги юнон мутафаккири Платондир. Ушбу ёндашувда сиёсат турли вазифаларга эга бўлган жамоа ёки полис аъзоларининг умумий мақсад атрофида бирлашиши сифатида тушунилади.

3. Коммуникатив, яъни инсонлар ўртасидаги ўзаро алоқа эҳтиёжини сиёсат ибтидоси учун асос қилиб олувчи ёндашувнинг асосчиси – Платоннинг шогирди Аристотель бўлиб, у «Сиёсатчи» рисоласида тирик мавжудотлар ичida фақат инсонгина тилга эга бўлиш баҳтига мусассар бўлиб, бу хусусият инсонга яхшилик ва ёмонлик, адолат ва адолатсизлик ҳақидааги тушунчаларни идрок этиш ва бу билан ҳайвонот дунёсидан фарқланиш имконини беришини, бу нарсалар мажмуаси ўз навбатида оила ва давлатнинг асосини ташкил этишини айтган. Шунинг учун олим оиласи, жамиятни ўзаро алоқа деб, полисни эса якунланган ва тугалланган ўзаро алоқа деб таърифлади. Демак, Аристотелнинг фикрича, сиёсат нафақат кишилар ҳаёти ва фаолиятини бир нуқтага қаратувчи, бирлаштирувчи ҳодиса, балки инсоннинг моҳияти ҳамдир.

Айрим тадқиқотчилар сиёсатни, ҳатто санъат даражасига кўтарадилар. Масалан, таниқли немис олими Арнольд Бергиштresser сиёсатни кишиларга раҳбарлик қилиш санъатининг олий кўриниши сифатида баҳоласа, унинг ватандоши Пауль Ноак эса кишиларни асосий ишларга жалб этиш санъати, деб қарайди.

Ўзбек сиёсатшунос олими А. Қодиров «Сиёсат ўта жўшқин ҳодисадир. Унга муайян ҳолатда қараб бўлмайди. Шу маънода француз тадқиқотчisi Ж. Бюрдонинг «Сиёсат ўзини суратга олишга имкон бермайди», деган фикрига қўшилиш мумкин», – деб ёзади. Дарҳақиқат, сиёсат инсон ҳаётининг ҳар бир дақиқаси билан боғлиқ ҳодисадир. Унинг ўзгарувчанлиги инсонни ўраб турувчи ижтимоий воқеликнинг ўзгарувчанлигидан келиб чиқади. Турғун ҳолатдаги сиёсат ҳақида фақат ўтмишга нисбатан гапириш мумкин, чунки ўтмиш ўзгармайди. Ўтмишдаги сиёсат ўз изини қолдиради.

Ижтимоий-сиёсий фанларда «сиёсат» тушунчасига кўплаб

таърифлар берилган. Бундай таърифлар қанчалик кўп ва хилма-хил бўлишига қарамай, уларда сиёсат тушунчасининг мөҳиятини очиб беришда умумий ёндашувлар устунлик қилади. Агар айрим сиёсатшунослар сиёсат тушунчасини «давлат бошқаруви тўғрисидаги фан» деб тушунтирасалар, баъзилари эса уни сиёсий кучларнинг ҳокимият учун кураши бўлиб, давлат ҳокимиятининг шаклларини ифода қиласади, деб таърифлайдилар.

Сиёсат тушунчаси ҳозирги замон сиёсатшунослигига муҳим ўрин эгаллади. Масалан, англиялик сиёсатшунос Ж. Лоски ўзининг «Сиёсатга кириш» (1957) асарида сиёсатни давлатнинг фаолияти, унинг ҳаракатларининг ифодаси, деб таърифлайди.

Санкт-Петербург университетининг профессори А. Беляев сиёсат давлат органлари, сиёсий партиялар, ижтимоий ҳаракатларнинг жамиятдаги йирик ижтимоий гуруҳлар, биринчи навбатда, синфлар ва миллатлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар соҳасидаги фаолияти, дея тарифлайди.

Аксарият ўзбек олимларининг таъкидлашларича, «Сиёсат – бу муайян давлат ҳокимияти, сиёсий партиялар, ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар, жамоат ташкилотларининг мамлакат ички ҳаётида ва халқаро майдонда миллатлар, синфлар ва бошқа ижтимоий гуруҳларнинг мақсад ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган фаолиятидир»<sup>1</sup>.

Демак, сиёсат – жамият ҳаётининг хилма-хил соҳаларида рўй берадиган оддий ва мураккаб вазифаларни ҳал қилишга, аниқ мақсадларга эришишга қаратилган фаолият ва восита. Бошқача айтганда, сиёсат – бу ижтимоий гуруҳлар ва инсоннинг зиддиятли жамоа манфаатларини англаш, бутун жамият учун мажбурий бўлган қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни давлат ҳокимияти ёрдамида амалга ошириш фаолиятидир.

**«Сиёсат» тўғрисидаги концепциялар.** Сиёсат тушунчасини мукаммал ўрганиш учун унинг юқорида қайд этилган умумий таърифларигина етарли эмас. Бўлажак ҳукуқшунос сифатида тингловчилар сиёсат, ҳукуқ ва иқтисодиёт ўртасидаги

<sup>1</sup> Политология: Ўқув қўлланма / С. Отамуродов, И. Эргашев, Ш. Акрамов, А. Қодиров – Т., 1997. – Б. 42–43.

алоқадорликни чуқур англашлари лозим. Бунинг учун сиёсатнинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни ва вазифаларини ҳам кўриб чиқиш жуда муҳим. Шу боис сиёсат тўғрисидаги тоталитар, анархистик, либерал ва кейнсчилик қарашлари эътиборга молик.

Сиёсатнинг тоталитар концепциялари сиёсатнинг жамиятга таъсири масаласида барча чеклашларни рад этади, жамиятнинг кенг қамровли тотал сиёсийлашувидан, иқтисодиёт, маданият, фан ва бошқа соҳаларни бошқаришдан келиб чиқади. Жамият ҳаётини бундай андозага кўра бошқариш фуқаролик жамиятини, шахсий ҳаётнинг мустақиллигини, эркинлигини амалда йўқقا чиқаради.

Сиёсатнинг анархистик концепциялари тоталитар концепцияларнинг акси бўлиб, улар сиёсатни, ҳар қандай уюшган ҳокимиятни зўравонлик, шахс ҳукуқларининг поймол этилиши билан бир нарсадир, деб билади ва уни ўз-ўзини бошқариш ассоциациясидан ажralиб чиқишини таъминлайдиган, эркин, суверен кишиларнинг пастдан юқоригача кўнгилли бирлашмалари билан алмаштиришга интилади. XIX асрда кенг тарқалган анархизм ўз foяларини амалга оширишни исбот қилолмасдан кейинги йилларда ўз таъсирини йўқотди.

Сиёсатнинг либералистик концепциялари ижтимоий тизими давлатга ва давлат томонидан назорат қилинмайдиган хусусий иқтисодий, маданий, оиласвий, диний ва бошқаларга, шу жумладан, сиёсий ҳаёт – фуқаролик жамиятига бўлади. Уларда сиёсатнинг жамиятни қамраб олиш доираси чекланади. У фуқаролик жамияти ишларини қамраб олмайди.

XVIII–XIX асрларда Farbda ҳукмронлик қилган либерал қарашлар XX асрнинг 30-йилларида D. M. Кейнс томонидан қайта кўриб чиқилди ва унинг қарашлари *кейнсчилик* деб ном олди. Бу концепция капитализмга ўз-ўзини тартибга солувчи жамият сифатида баҳо берувчи мумтоз либерал қарашлардан воз кечишини ва бутун ижтимоий тизим фаровонлиги учун масъулиятни ҳукуматнинг зиммасига юқлаш foясини илгари суради. Бу, ўз навбатида, давлатнинг иқтисодиёт, ижтимоий таъминот соҳаси, иш билан бандлик, меҳнат ва ижтимоий муносабатларга аралашишини тақозо этади. Кейнсчилик қарашлари ҳозирги кунда ривожланган демократик давлатлар сиёсатининг назарий негизи бўлиб хизмат қилади.

Хўш, сиёсат ижтимоий ҳаётда қандай ўрин тутади? Унинг мақсади ва вазифалари нималардан иборат?

Сиёсат жамиятнинг асосий соҳаларидан бири бўлиб, жамиятнинг бошқа соҳалари каби халққа ва ижтимоий тараққиётга хизмат қиласди. У жамиятнинг бирлиги ва яхлитлиги, хавфсизлиги ва барқарорлиги, тинч-тотувлиги ва осойиштагигини таъминловчи соҳадир.

Сиёсат жамиятни бошқариш, тартибга солиш ва мустаҳкамлаш учун унинг барча соҳаларига: ижтимоий, иқтисодий ва маънавий соҳаларга чуқур кириб боради ва таъсир ўтказади. Жамиятнинг сиёсат кириб бормайдиган ва таъсир ўтказмайдиган биронта ҳам соҳаси йўқ. Сиёсатнинг иқтисодий ва маънавий соҳалардан фарқ қиласдиган хусусиятларидан бири ана шундадир.

Сиёсат иқтисодиётдаги муаммоларни ҳал этувчи, уни тартибга солувчи соҳадир. У иқтисодиётдаги муаммоларнинг, адолатсизликлар, ҳақсизликлар, қонунбузарликларнинг қанчалик тўла ва чуқур ҳал этилишига эришса унинг таъсирчанлиги, самарадорлиги, халқчиллиги шунчалик юқори бўлади. Ижтимоий, иқтисодий соҳаларни тартибга солиш ва мустаҳкамлашга қаратилган тадбирларнинг ўзигина кутилган натижаларни бермайди. Шунинг учун ҳам сиёсат маънавий-маърифий соҳани изчиллик билан қайта қуришга ва ривожлантиришга, олдинги даврдан мерос бўлиб қолган заарли урф-одатлар, нотўғри тасаввурлар, мутелик, қарамлик, бегамлик, боқимандалик ва бошқа иллатларни бартараф этиш, илфор, янгича қарашларни шакллантиришга доир тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади.

Аммо сиёсат жамиятдаги ҳар қандай иқтисодий, маънавий-маърифий масалаларни ҳал этмайди ва ҳал эта олмайди деб ўйлаш масалани очиқдан-очиқ сийқалаштиришдан, сиёсатнинг асл моҳиятини тушунмасликдан, бузиб кўрсатишдан, уни бўрттириш, мутлақлаштиришдан бошқа нарса эмас.

Сиёсатнинг ижтимоий, иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларга таъсири катта, аммо чексиз эмас. У жамиятнинг бошқа соҳаларига ҳар доим ҳам аралашавермайди. Фақат тоталитар тузумдагина сиёсат ҳар қандай пайтда ва ҳар қандай жойда ижтимоий, иқтисодий, маънавий-маърифий ва бошқа соҳалар фаолиятига аралашади. Сиёсат демократик жамиятда бошқа соҳалар фаолиятига улар доирасида файриқонуний,

масъулиятсиз хатти-ҳаракатлар содир этилганда, ижтимоий адолат бузилганда аралашиши мумкин. Қонунларнинг бажарилмаслиги, ижтимоий адолат ва ижтимоий тартибнинг бузилиши, ёвузлик, зўравонлик – сиёсатнинг бошқа соҳалар фаолиятига аралашиши учун объектив асос бўлади.

Сиёсат ўзининг барча воситаларига таяниб адолатсизликни, ҳақсизликни, қонунбузарликни бартараф этади, ижтимоий адолат ва тартибни, уйғунлик ва мувозанатни, тинчтотувлик ва осойишталиктин ўрнатади. Шу тариқа сиёсат жамиятнинг таянчи, халқнинг посбони, ҳимоячиси сифатида, бутун ижтимоий ҳаётни тартибга солувчи куч сифатида майдонга чиқади. Сиёсат туфайли жиноятчилик илдизлари ижтимоий ҳаётда қирқилади, адолат ва тартиб хавфсизлик ва барқарорлик ўрнатилади.

**Сиёсатнинг бош мақсади** – жамиятнинг барча соҳаларини тараққий эттириш ва мустаҳкам бир бутунлигини, хавфсизлигини, барқарорлигини, тинч-тотувлигини, осойишталигидан таъминлашдан иборат. Бу улкан мақсадни рӯёбга чиқариш учун қатор назарий ва амалий вазифаларни бажаради.

Сиёсатнинг дастлабки ва биринчى даражали вазифаси ижтимоий муаммоларни бартараф этиш ва жамиятнинг хавфсизлиги, барқарорлигини таъминлаш ва мустаҳкамлаш йўлларини кўрсатиб берадиган, илмий асосланган, оқилона дастурларни, қонунларни, қарорларни ишлаб чиқишидир.

Аммо буюк мутафаккир Гегель таъкидлаганидек, масаланинг моҳияти ўз мақсади билан эмас, балки ўзининг амалга оширилиши билан ниҳоясига етади. Шунинг учун **сиёсатнинг амалий вазифаси** қабул қилинган дастурлар, қонунлар, қарорларни ҳаётда изчиллик, қатъиятлилик билан амалга ошириш, бутун жамиятни турли-туман иллатлардан, хасталиклардан тозалашдир.

Хўш, сиёсат ўз мақсад ва вазифаларини амалга оширишда қандай усувлардан фойдаланади?

**Сиёсатнинг асосий усувлари:** ижтимоий ҳаётни тартибга солиша умуминсоний қадриятларга содиклик, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид солмаслик, дўқ-пўписа қилмаслик, муросай-мадора, холисоналик, тенглик, манфаатдорлик, мунтазамлилик, қатъийлик, изчиллик, ошкоралик, ишонтириш, тарбиялашдир.

Лекин тарихий тажриба шуни күрсатадыки, юқорида қайд этилган оқилона усуулар билан ижтимоий ҳаётни ҳамиша ҳам тартибга солиб бўлмайди. Шу боис, сиёсат ўз олдида турган вазифаларни ҳал этишда куч ишлатиш, мажбурлаш усулидан ҳам фойдаланади. Бу сиёсатнинг ўзига хос ҳусусиятидир. Инсон ҳаётига, жамиятнинг яхлитлиги, бир бутунлиги, тинчтотувлиги, хавфсизлиги, барқарорлиги, уйғунлигига таҳдид соладиган ёвузликларни фақат тушунтириш, ишонтириш йўли билан ҳал қилиб бўлмайди. Бундай хатти-ҳаракатларни куч ишлатиш, мажбурлаш йўли билан ҳал қилиш мумкин. Сиёсат қонунларни қўпол равишда бузган кишиларга нисбатан куч ишлатиш, мажбурлаш усулидан фойдаланиш билан бузилган ижтимоий адолат ва тартиб мувозанатини тиклади. Чунки қонунбузарлар жазоланмасдан қолар экан, мавжуд ижтимоий муаммолар янада кучаяди. Одамларнинг сиёсатга бўлган ишончи сўнади.

Бироқ сиёсатнинг куч ишлатиш, мажбурлаш усулидан оқилона ва самарали фойдаланиш лозим. Куч ишлатиш, мажбурлаш ҳалқнинг ҳаётий манфаатларига ҳар жиҳатдан мос тушганда, уни тажовузлардан ҳимоя қилгандагина ўзини оқлади. Бу усулни мутлақлаштириш эса сиёсатни зўравонликка, ҳалқнинг жисмоний ва руҳий эзилишига, пировардида давлат ва жамиятни ҳалокатга олиб келади. Шу жиҳатдан қараганда бир томонламалик, кучга сифиниш, кўр-кўронा муросасизлик собиқ совет тоталитар сиёсатнинг жиддий заифлиги эди. Бу ҳол унга ижтимоий муаммоларни ҳал этишга имкон бермади ва емирилишига олиб келди.

Сиёсатнинг асосий омиллари миллатлар, ҳалқлар, синфлар, цивилизациялар бўлиб, улар сиёсий ташкилотлар, институтлар, ҳаракатлар ва лидерларнинг манфаатларини ифодалайди.

**Сиёсатнинг объектлари ва субъектлари.** Сиёсатнинг объектлари ва субъект муносабатлари моҳиятини билмоқ учун, аввало, «субъект» ва «объект» тушунчалари устида тўхталиб ўтмоқ лозим.

«Субъект» — лотинча «subjectus» сўзидан келиб чиқсан бўлиб, «амалий фаолият ташувчиси» деган маънони англатади. Ҳозирги замонда «субъект» тушунчаси «объект»га, ташқи дунёга қарама-қарши турувчи, интилишга, фаолият кўрса-

тишга, йўналтиришга қодир бўлган ва фаол ҳаракат қилувчи инсонни англатади. «Объект» тушунчаси эса субъектнинг фаолияти қаратилган, ундан ташқарида мавжуд бўлган нарсалар ва ҳодисаларни англатади. «Инсон – сиёсат субъекти» тушунчаси инсон сиёсий борлиқнинг яратувчиси, бунёдкори, ижодкори, унинг фаол, онгли ва мақсадли иштирокчиси эканлигини билдиради. Бошқача айтганда, индивиднинг тор тасаввурлар доирасидан чиқиши, ўз эҳтиёжларига мос рашида жамият сиёсий тизимиға, янги ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг шаклланишига фаол ва изчил таъсир кўрсатишини тушунамиз.

Инсон сиёсат субъекти ўлароқ сайловчи сифатида овоз беради, аскар сифатида Ватанни ҳимоя қилади, курашчи сифатида турли сиёсий акцияларда иштирок этади, ўз эътиқодини намойиш қилади, зулмга,adolatsizlikka қарши курашади, халқ вакили сифатида давлат органлари, жамоат ташкилотларининг ишида, бошқарув қарорлари ва сиёсий йўлни ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилишда қатнашади, етакчи сифатида ижтимоий-сиёсий ҳаракатга бошчилик қилади, уни уюштиради ва баҳт-саодатга йўналтиради. Умуман, сиёсатдан холи бўлган инсон бўлмайди. Ҳар бир инсон, бир оз бўлсада, сиёсат билан боғланган бўлади.

Ҳар қандай инсон ҳар доим ҳам сиёсатнинг ҳақиқий субъекти ҳисобланадими, деган савол туғилиши мумкин. Бу саволга йўқ, деб жавоб беришга тўғри келади. Инсон муайян сиёсий сифатларни эгаллаганда, ўзлигини тўла ва тўғри англаганда, ўзини жамиятнинг таркибий қисми деб билганда, ўзгаларнинг манфаатларига холисона ёндаша олганда, бошқаларга таъсир кўрсата олганда сиёсатнинг ҳақиқий субъекти ҳисобланади.

Инсонларнинг сиёсат субъекти сифатидаги фаолиятлари муассасавий, қонун томонидан рухсат этилган ва номуассасавий, хуқуққа зид турларга бўлиниши мумкин. Сиёсий фаолиятнинг биринчи турига эркин, демократик сайловлар, референдумлар, йиғилишлар, музокараларда иштирок этишлар мисол бўлса, иккинчи турига эса сиёсий терроризм мисол бўлади.

**Хуллас, сиёсат субъектлари – сиёсий ҳаётда иштирок этиш салоҳиятига эга бўлган ижтимоий ва миллий уюшмалар, тащ-**

килотлар, муассасалар, шахслар бўлиб, улар ўз манфаат ва мақсадларидан келиб чиқиб сиёсий қарорлар қабул қиласидилар ва ўз қарорларини амалга ошириш учун ҳаракат қиласидилар. Демак, сиёсат субъектлари муайян мақсадга қаратилган асосли ҳаракатнинг фаол иштирокчилари.

Лекин инсон сиёсатда иштирок этиш шаклларини ва усулларини пухта ва аниқ эгалламаган бўлса, улардан самарали фойдалана олмаса, уни сиёсатнинг фаол субъекти деб ҳисоблаб бўлмайди. Кўпинча бундай кишиларда жамият ҳётида содир бўлаётган воқеаларга нисбатан сиёсий индиферантлик – бефарқлик, лоқайдлик устунлик қиласи. Бундай инсонлар сиёсатнинг ҳақиқий, фаол субъекти эмас, балки обьекти бўлиб қоладилар. Инсоннинг ҳақиқий, фаол субъект сифатида шаклланиши мамлакатда демократик сиёсий режимнинг мавжудлигига, иқтисодиётининг тараққий этганлик даражасига, жамиятнинг маънавий-маърифий жиҳатдан ривожланганлик суръатларига ҳам бевосита боғлиқдир. Масалан, жамият иқтисодиётининг юқори даражада тараққий этиши фуқаролик хизматининг билимдон, малакали бошқарув кадрлари корпусининг шаклланиши учун зарур база бўлиб хизмат қиласи. Етишмовчилик, қашшоқлик шароитида демократия негизида самарали бошқариш учун зарур бўлган умумтаълим ва касб тайёргарлигининг юқори даражасига оммавий миқёсда эришиш қийин. Бундай шароитда кадрларни шакллантиришда, улардан фойдаланишда билимдонлик ва касбга бўлган талаблар, бошқа тамойиллар: қон-қариндошчилик, юртдошлиқ, ошна-оғайнигарчилик, бошлиққа содиқлик ва бошқалар билан алмаштирилади. Давлат хизмати, сиёсий фаолиятга тезда бойиб кетиш мақсадида, шахсий, ғаразли манфаатларнинг қондирилиш воситаси сифатида қараш бошқариш тизим учун оғир оқибатларни келтириб чиқаради.

Сиёсат обьектлари деганда турли ижтимоий уюшма, гурӯҳлар, миллатлар, элатлар, муассасалар ва уларнинг бирлашмалари, инсонлар тушунилади. Уларга сиёсат муайян мақсад йўлида таъсир кўрсатади. Демак, сиёсат обьекти деб субъектни билиш ва бошқа фаолият йўналишига айтилади.

Сиёсат субъектларини икки гурӯхга бўлиш мумкин.

1. Объектив равища мавжуд бўлган ижтимоий уюшма ва бирликлар:

— халқ, синф, миллат, элат, ижтимоий, профессионал ва демографик гурухлар, индивид. Уларнинг ҳар бири ўзининг специфик (алоҳида) манфаатига эгадир ва айнан шу хусусият уларнинг сиёсатда иштирок этишларига сабаб бўлади.

2. Сиёсатда иштирок этиш учун одамлар ва уларнинг жамоалари томонидан вужудга келтириладиган ижтимоий институтлар ва ташкилотлар. Уларни сиёсий институт дейиш мақсадга мувофиқдир. Сиёсий институтларга давлат, унинг турли муассасалари, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлари мисол бўла олади.

Сиёсатшуносликда сиёсат субъектларининг қуидаги класификацияси (даражалари) бир-биридан фарқланади:

— социал даража — индивидларни ва турли ижтимоий та бақалар (жумладан, профессионал, этник, демографик гурухлар);

— институционал даража — давлат, партия, касаба уюшмалари, сиёсий ҳаракатлар;

— функционал даража — асосан носиёсий вазифаларни бажарувчи ижтимоий институтлар сифатида фаолият юритувчи, аслида эса сиёсатга сезиларли, гоҳо кучли таъсир кўрсатувчи (черков, университетлар, спорт ташкилотлари ва ҳ.к.) субъектлар.

Тарихий тажриба шуни кўрсатадики, жамиятнинг маънавий-маърифий соҳаси, инсоннинг маълумотлилик даражаси қанчалик юқори бўлса, у шунчалик сиёсий билимдон, демократик йўл, кўрсатмалар, хатти-ҳаракатларга мойил бўлади. Хусусан, мукаммал таълим инсоннинг сиёсий дунёқарашини кенгайтиради, сабр-тоқатли, меҳр-оқибатли бўлишига ёрдам беради, экстремистик гоялар таъсирига берилишдан сақлади, сайлов кампаниялари даврида унинг одил ва оқилона йўлни танлаш қобилиятини оширади.

Шундай қилиб, сиёсат ҳозирги замон кишиси учун ҳам зарурият, ҳам эҳтиёждир. Сиёсатшунослар ўртасида агар ҳозирги замон кишиси сиёсат билан қизиқмаса, сиёсат ҳам у билан қизиқмайди, деган фикр мавжуд. Бугун ўзини сиёсатдан четда деб билувчи инсонни топиш мумкин эмас, агар у ўзини сиёсатдан четда деб билса ҳам, сиёсий ҳокимият қарорларини тан олишга ва ҳурмат қилишга мажбурдир.

Сиёсат тузилишига кўра 3 турга — ички, ташқи ва халқаро

сиёсатга бўлинади. *Ички сиёсат* – сиёсат субъектларининг мамлакат ичкарисида амалга оширадиган фаолиятидир. Ташқи сиёсатни ишлаб чиқишида эса кўп субъект эмас, балки битта субъект, яъни давлат ташкилоти асосий ролни ўйнайди.

Ички сиёсат қўйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилади: иқтисодий сиёсат, ижтимоий сиёсат, миллий сиёсат, ҳарбий сиёсат, демографик сиёсат, ёшлар сиёсати, талабалар сиёсати, аграр сиёсат, таълим сиёсати, техник сиёсат, илмий сиёсат, ҳуқуқий сиёсат, экологик сиёсат ва ҳ.к.

Шу ўринда дунё давлатларининг демографик сиёсатлари тўғрисидаги қисқа бир таҳлил эътиборга моликдир. Ҳозир дунёда 6 миллиардан ортиқ аҳоли яшайди. Тахминларга кўра, Ҳиндистон 2016 йилга бориб аҳоли сони бўйича дунёда биринчи ўринга чиқади. Ҳар куни бу мамлакатда 56 минг бола туғилмоқда. Ҳинд ҳукумати ўз демографик сиёсатида бу ҳолатни ҳисобга олишга мажбурдир. Шу муносабат билан бутун дунё давлатлари ўз демографик сиёсатларида қўйидаги уч йўлнинг бирини танлашга, масалан: Хитой ёки Ҳиндистон каби туғилишни чеклашга; Farb давлатлари, Россия каби аҳоли сонини оширишга; Марказий Осиё давлатлари сингари табиий ўсишни нормал деб билиб, уни мавжуд ўсиш дарражасида сақлаб туришга ҳаракат қилишмоқда.

Ички сиёсат каби *ташқи сиёсат* ҳам сиёсат субъектларининг фаоллигига боғлиқ. Бунда асосий ролни давлат ташкилоти ўйнайди. Ташқи сиёсат мамлакатларнинг ички эҳтиёжларидан келиб чиқади ва унга хизмат қиласди. Ҳеч бир давлат ўзининг ташқи сиёсатида бошқа бирор-бир давлат манфаатини ўз манбаатидан устун қўймайди. Албатта, бунда бошқа мамлакатларнинг манбаатлари камситилмаслиги, уларнинг ривожланишига халал берадиган гаразли мақсадлар кўзда тутилмаслиги керак.

Давлатлар ташқи сиёсатига хос бўлган умумийликнинг амалдаги ифодасини Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари мисолида аниқ кўриш мумкин. Маълумки, ҳозирги кунда Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш учун кураш, ўзаро манбаатдорлик асосидаги тенг ҳуқуқли ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш, миллий худуд

яхлитлигини ва мамлакат чегараларини ҳимоя қилиш, кескин экологик ва бошқа мұхым вазифаларни амалға оширишдан иборат.

*Халқаро сиёсат* эса дунё ҳамжамияти олдидә турған муаммоларни ўзаро келишилган тарзда бартараф этишга қаратылған давлатлараро муносабатларни англатади.

Сиёсатшусында сиёсатни таснифлашнинг бошқа мезонлари ҳам құлланилади. Жумладан, сиёсат ўз устуорлиги бўйича нейтрал, очиқ эшиклар, миллий яраш, компромисс сиёсатларга; ўз мазмуни ва характеристига кўра прогрессив ёки реакцион, илмий асосланган ёки волюнтаристик<sup>1</sup> бўлиши мумкин. Нейтрал давлатларга Швеция (1814 йилдан), Швейцария (1815 йилдан), Австрия (1955 йилдан), Туркманистон мисол бўла олади.

Сиёсий муносабатлар аслида сиёсат субъектларининг ўзаро бир-бирига таъсир кўрсатишидир. Ана шу ўзаро таъсир кўрсатиш жараёнида сиёсатнинг у ёки бу шаклидан фойдаланилади. Шу маънода, *конфликт* (қарама-қарши кучлар, манфаатлар, қарашлар, фикрлар ва бошқаларнинг тўқнашуви), *кансенсус* (қарорларни, халқаро шартномаларни, хужжатларни овозга қўймасдан ўзаро келишув йўли орқали ишлаб чиқиш ва қабул қилиш), *компромисс* (ўзаро бир-бирига ён беришлар натижасида эришилган келишув), *шерикчилик* (сиёсат субъектларининг жамиятдаги ўз манфаатларини амалда рўёбга чиқариш учун биргаликдаги келишилган ҳаракатлари), *консолидация* (сиёсий ҳаётда муштарак мақсадларга эришиш йўлида курашни кучайтириш учун алоҳида шахслар, гуруҳлар, ташкилотларнинг ўюшуви, бирлашуви) ва бошқалар *сиёсатнинг шакллари*дир.

Шундай қилиб, «сиёсат» кўпқиррали тушунча бўлиб:

- давлат ишларида иштирок этиш;
- халқлар, синфлар, ижтимоий гуруҳ ва табақаларнинг муносабатлари;
- турли гуруҳ ва табақалар манфаатларининг, асосан, иқтисодий манфаатларининг лўнда ифодаланган кўриниши;

<sup>1</sup> Изоҳ: Voluntas (лот.) – ирода, шахс иродасини жамият тараққиётининг белгиловчи кучи деб ҳисоблаш. Сиёсий соҳада волюнтаризм субъективизм ва субъективистик ўзбошимчаликлардан иборат бўлади.

- фан ва санъат;
- муайян мақсадга эришиш учун ҳаракат қилаётган одамлар ўртасидаги муносабатларнинг ифодасидир.

Шунингдек, ҳозирги замонда сиёсий институтлар хилмакиллигининг сиёсий жараёнларга бўлган таъсирининг ошиб бориши кузатилмоқда. Бундай жараёнларни собиқ Иттифоқ ўрнида ташкил топган мустақил давлатлар, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг ички ва ташқи сиёсий ҳаётида ҳам яққол сезиш мумкин. Замонавий демократик сиёсий институтлар — икки палатали парламент, кўп партияйилик, турли ижтимоий-сиёсий ташкилотлар сиёсий ҳаётни демократлаштиришга тобора кучлироқ таъсир кўрсатмоқда.

**Сиёсатда интеграция ва дифференциация жараёнлари.** XXI аср шубҳасиз, ҳалқаро муносабатларда бутун дунё қамраб олинадиган аср бўлмоқда. Шу муносабат билан интеграция — турли мамлакатлар иқтисодий ҳаётининг ягона иқтисодий сиёсат асосида ўзаро боғланган ҳолда ривожланиш шаклиниң аҳамияти ҳам ортиб бормоқда. Бироқ бугунги дунёда интеграция ҳаётнинг бошқа соҳаларини ҳам қамраб олмоқда. Бундай шароитда интеграция жараёнини, ҳалқаро институтлар ва ташкилотларда суверен давлатларнинг иштирок этишини кенгайтириш жараёнини фақат тарих тақозоси деб эмас, балки айрим минтақалар кўламида ҳам, шунингдек, умуман бутун сайёрамиз кўламида ҳам событқадамлик, барқарорликнинг қудратли омили деб ҳисобламоқ зарур.

Ҳозир Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини жаҳоннинг 165 давлати тан олган. Дунёдаги 120 дан ортиқ мамлакат билан расмий дипломатик муносабатлар ўрнатилган. Тошкентда 35 хорижий мамлакатнинг элчихонаси фаолият юритмоқда. Биз жаҳон ҳамжамияти билан кенг кўламда интеграциялашган замонавий демократик давлат қуришдек стратегик вазифани бажармоқдамиз.

Интеграция ҳақида гапирав эканмиз, манфаатлар бирекувининг хилма-хил механизмлари ва шакллари ҳамда интеграция турлари мавжудлигига асосланамиз. Бунга шерикчилик ва ҳамкорлик қилишга интилаётган мамлакатларнинг бошлангич шарт-шароитлари турличалиги сабабdir. Ўзбекистон бир вақтнинг ўзида турли даражаларда — дунё миқёсида ва минтақа кўламида — интеграция жараёнларида қатнашса-

да, аммо бир мұхым қоидага, яъни бир давлат билан яқынлашиш ҳисобиға бошқасидан узоқлашмасликка ҳаракат қилади. Биз бир субъект билан шерикчиликнинг мустаҳкамланиши бошқалар билан шерикчилик муносабаттарининг заифлашувига олиб келишига қаршимиз. Шу сабабли Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги интеграциялашуви серкірпа жараёндир.

Мамлакат қанчалик интеграция алоқалари билан боғланған бўлса, унинг хавфсизлигига таҳдид шунча кам бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг дунё ҳамжамияти билан интеграцияси хусусида эътиборга молик миссоллар жуда кўп. Жумладан, БМТ, ЮНЕСКО, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Халқаро меҳнат ташкилоти, Халқаро молиявий ташкилотлар: Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, Европа тикланиш ва тараққиёт банки; Давлатларнинг минтақавий бирлашмалари: Европа Иттифоқи, ЕХХТ, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, ЭКО (иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти), Кўшилмаслик ҳаракати, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти, Марказий Осиё Ҳамдўстлиги, АСЕАН (Жанубий-Шарқий Осиё минтақаси), АТЭС (Осиё-Тинч океани минтақаси) доирасидаги интеграциялашув бунинг исботидир.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон интеграцион жараёнларда турли даражаларда – глобал ва регионал даражаларда қатнашади, бунда бир давлат билан яқынлашишда бошқасидан узоқлашмаслик принципига амал қилади. Сиёsatда интеграцион жараёнларнинг асосини манфаатлар бирлиги, муштарақлиги ташкил этади.

Интеграциянинг аҳамияти нималарда намоён бўлади?

Биринчидан, давлатларга ўз иқтисодий ва илмий-техник имкониятларини ҳаётга тўлароқ татбиқ этишга.

Иккинчидан, интеграцион жараёнларни чуқурлаштиришга – 10–15 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурларни тузишга ва иқтисодиётнинг турли соҳаларида кучли ривожлашишга.

Учинчидан, давлатларнинг колектив асосдаги ҳаракатлари уларга экология, минтақалардаги хавфсизликни таъминлаш бўйича турли долзарб масалаларни осонроқ ечишга имкон беради.

Ўзбекистон ўз иқтисодий интеграция сиёсатида дунёнинг етакчи иқтисодий ва молиявий ташкилотлари: Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, Халқаро молиявий корпорация билан қизғин ҳамкорлик қилмоқда.

Сиёсий интеграция соҳасида эса Ўзбекистон халқаро ташкилотлар ёрдамида ўз фундаментал манбаатларини глобал ва регионал миқёсда ҳимоя қилиб, ЕХХТ доирасида, шунингдек, Осиё регионида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти фаолиятида фаол қатнашиш орқали барқарор хавфсизлик тизимини шакллантиришга интилмоқда. Флоренцияда 1996 йилда Европа Иттифоқи билан Ўзбекистон ўртасида шерикчилик ва ҳамкорлик түғрисидаги Келишувнинг имзоланиши, айниқса, 2005 йилнинг 14 нояброда Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартноманинг<sup>1</sup> ва 2006 йилнинг 4 сентябрида эса Қозогистон Республикаси билан 2006–2008 йилларга мўлжалланган иқтисодий, маданий-гуманитар ҳамкорлик дастурларининг<sup>2</sup> имзоланиши мамлакатимизнинг сиёсий интеграциясида муҳим аҳамиятга молик ижобий воқеиликлар бўлди.

Европада интеграцион жараёнлар эса XX асрнинг 50-йиллари ўрталарида Европа Иқтисодий Иттифоқининг тузилиши билан бошланган эди. 1975 йилда Хельсинки Якунловчи Акти тузилиши билан Фарбий Европада интеграцион жараёнларнинг иккинчи босқичи бошланди. Бу жараёнлар бугун ягона пул бирлиги – евронинг 2001 йил 1 январда муомалага киритилишига олиб келди.

Сиёсий интеграция БМТ, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, ЕХХТ ва бошқа ташкилотлар доирасида дунёда тинчликни ва халқаро хавфсизликни таъминлашга қаратилган. Жаҳон сиёсатида бу масалада Ўзбекистон ҳам ўзининг муносаби ўрнига эга. Дунё ҳамжамияти билан кенг кўламли интеграция Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатида бундан кейин ҳам ўзининг муҳим ўрнини сақлаб қолади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон ва Россия – иттифоқчи давлатлар // Халқ сўзи – 2005. – 15 ноябрь. – №224.

<sup>2</sup> Бобоев А. Дўстлик ва қардошлиқ ришталари мустаҳкам // Халқ сўзи. – 2006. – 5 сентябрь. – №174.

Дифференциация – дифференциациялаш, фарқлаш, дарражалаш, табақалаштириш, фарқланиш деган маъноларни билдиради. Сиёсатда дифференцион жараёнлар муайян сиёсий кучларнинг сепаратизмиди, миллий ўзликни англаш натижаларида, айрим миллат ёки халқларнинг ўз миллий давлатчилигини яратиш учун олиб борадиган курашида ифодаланади. Дифференцион жараёнларда сиёсий таъсир кўрсатишнинг конфликт, тўқнашув, келишув, ҳамкорлик, консенсус каби турли шаклларидан фойдаланилади.

Хулоса қилиб айтганда, сиёсат жамиятнинг ижтимоий муммомларига чуқур кириб борувчи, таъсир ўтказувчи ва уларни ҳал қилувчи соҳадир.

## **2. Сиёсий тизим ва унинг асосий элементлари.**

### **Сиёсий тизимлар типологияси**

Сиёсий тизим ва унинг асосий элементлари, сиёсий тизимлар типологияси масалалари сиёсат ҳодисаси билан мантиқан боғлиқдир. Чунки сиёсий тизим сиёсий фаолиятнинг барча турларини ва соҳаларини ўз ичига қамраб олади.

Модомики шундай экан, «сиёсий тизим» деганда нимани тушунмоқ лозим?

*Сиёсий тизим* жамиятда сиёсат, ҳокимият ва бошқарувни шакллантириш ҳамда амалда рўёбга чиқариш билан боғлиқ муносабатлар, ҳаракатлар, ташкилотлар йиғиндисидан иборат.

Сиёсий тизим жамиятнинг бошқа тизимларидан фарқ қиласи ва бу фарқ қуидагиларда ифодаланади:

1. Сиёсий тизим доирасида қабул қилинадиган қарорлар бутун жамият учун мажбурийдир.

2. Сиёсий тизим ижтимоий муҳит ва аввало жамиятнинг ижтимоий-иктисодий тузилмаси билан узвий боғлиқдир.

3. Сиёсий тизим жамиятнинг бошқа тизимларига нисбатан мустақилдир.

Сиёсий тизим жамиятнинг мақсад ва вазифаларини аниқловчи, унинг имкониятларини амалга оширишга сафарбар қилувчи механизмдир.

Демак, сиёсий тизим деганда сиёсий ҳокимиятни шакллантирувчи ва амалга оширувчи воситалари бўлган давлат ташкилотлари ва муносабатлар йиғиндиси тушунилади.

Сиёсий тизим моҳияти қўйидаги вазифаларда ўз ифодасини топади:

— сиёсий тизим ўзида жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий, этник ва миллий тузилмаларини, демографик жараёнларни, аҳолининг маълумот даражасини, ижтимоий онг ҳолатини, маънавий-руҳий ва маърифий-мағкуравий ҳаётни, халқаро аҳволни акс эттиради;

— сиёсий тизим орқали манфаатларнинг асосий гуруҳлари аниқланади. Зоро, ҳозирги шароитда жамиятимиз сиёсий тизими олдида, аввало, бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтишда турли манфаатлар мувозанатини түғри аниқлаб олиш вазифаси турибди.

Сиёсий тизим барқарорлигини таъминлаш учун сиёсий ҳаёт иштирокчилари манфаатларини, улар ўртасида вужудга келадиган зиддиятларни ҳисобга олиш зарур. Бунинг учун эса жамиятдаги мавжуд ижтимоий қатламлар, гуруҳлар, кучлар, шунингдек, ташкилотлар ва ҳаракатларнинг манфаатларини мувофиқлаштириш лозим. Бу вазифани Ўзбекистондаги ислоҳотлар шароитида сиёсий тизимнинг асосий элементи ҳамда бош ислоҳотчи бўлмиш давлат бажармоқда.

Энди диққатимизни сиёсий тизимни ташкил этувчи асосий элементлар нималар эканлигига қаратайлик. Хўш, сиёсий тизимнинг асосий таркибий қисмларига нималар киради?

Сиёсий тизимни ташкил этувчи элементлар (унсурлар) сиёсий ҳокимиятни шакллантириш ва амалга оширишдаги ўрнига қараб қўйидаги тўртта кичик тизимлар гуруҳига ажратилиади:

1. Ташкилий тизим (давлат, сиёсий партиялар, ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ва ҳаракатлар).

2. Маданий-мағкуравий тизим (сиёсий маданият, сиёсий онг, мағкура, жамоатчилик фикри).

3. Меъёрий (норматив) тизим (сиёсий-хуқуқий, ташкилий, ахлоқий, сиёсий ва бошқа меъёрлар).

4. Ахборот-коммуникация тизими (ОАВ ва уларнинг коммуникациялари, илмий инфратузилмалар).

Сиёсий тизимни ташкил этувчи юқорида қайд этилган тўртта кичик тизимлар сиёсий мақсадларнинг амалга оширилишида муайян вазифаларни бажаришади. Масалан, таш-

килий тизимга киравчи давлат ва сиёсий партиялар сиёсий мақсадларни амалга ошириш учун тузилади. Хусусан, сиёсий ҳокимият, давлат – сиёсий тизимнинг ўзаги сифатида сиёсат субъектларининг сиёсатда ифодаланган иродасини турли йўллар, усувлар ва воситалар ёрдамида амалга оширади. Бошқа тизимлар эса сиёсий мақсадлар учун эмас, балки маълум гурухларнинг маданий, жисмоний ва малака манфатларини қондиришга хизмат қиласи.

Маданий-мафкуравий тизимнинг вазифаси сиёсий партияларнинг муайян ғоялар ва қарашларга таянишлари билан боғлиқ. Сиёсий партиялар жамият тараққиётининг йўналишлари, ҳокимият учун кураш услублари ва концепцияларидан келиб чиқиб, турли ғояларни илгари суришлари мумкин. Сиёсий партиялар мамлакатда амал қилаётган ҳуқуқий нормаларга тўла-тўқис риоя қилсалар жамият сиёсий тизимида ўзларининг муносаб ўринларига эга бўладилар, акс ҳолда уларнинг фаолияти давлат томонидан тўхтатиб қўйилиши мумкин.

Маданий-мафкуравий тизимнинг таркибига киравчи сиёсий ва ҳуқуқий онг ижтимоий онгнинг асосий кўринишларидан бири ҳисобланади. Сиёсий ва ҳуқуқий онг – бу сиёсий борлиқнинг инъикосидир. Кишилар мавжуд сиёсий воқелик билан қаноатланиб қолмайдилар. Улар ҳамиша бу воқеликни билишга, англашга ва уни ўзгартиришга интиладилар. Демак, инсоннинг сиёсий борлиқ ҳақидаги билимлари, қарашлари унинг сиёсий ҳамда ҳуқуқий онгини ташкил этади. Сиёсий ва ҳуқуқий онгнинг шаклланиши ҳамда ривожланишида инсоннинг оиласи мұхити, кенг маънодаги ахборот, индивиднинг шахсий тажрибаси катта ўрин эгаллади.

**Сиёсий меъёр** – бу давлат ва сиёсий тузилмалар даражасида тан олинган сиёсий ахлоқ ҳисобланади. Унинг асосий ҳужжати конституция бўлиб, у жамият ва давлат ҳаётининг нормаларини ўзида акс эттиради.

Ахборот-коммуникация тизимининг ўрни сиёсий жараёнларни халқа холисона етказиш ва баҳолаш билан белгиландади.

Сиёсий тизимнинг юқорида қайд этилган кичик тизимлари бевосита мустақил фаолият кўрсатсалар-да, бир-бирига боғлиқдир. Уларнинг ўзаро уйғунликдаги фаолияти сиёсий

тизимнинг барча механизмлари нормал ишлашини таъминлайди.

Хулоса қилиб айтганда, сиёсий тизимнинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

- жамиятнинг мақсад ва вазифаларини аниқлаш;
- имкониятларни сафарбар қилиш;
- жамият тизими барча элементларини бирлаштириш;
- легитимликка, ҳақиқий сиёсий ҳаётнинг зарур даражасига расмий-сиёсий ва ҳуқуқий нормалар орқали эришиш.

*Сиёсий режим.* Сиёсий тизим моҳиятини чуқурроқ билиб олиш учун «сиёсий режим» (сиёсий тартибот) тушунчаси мазмунини билиб олиш жуда муҳим. Гарчи, француз сиёсатшуноси Н. Дюверже «сиёсий тизим» ва «сиёсий режим» тушунчаларини синонимлар деб ҳисобласа-да, бу икки тушунча ўртасида муайян фарқ мавжуд. Чунки сиёсий тизим тушунчаси кенгроқ ва сиёсий режим унинг айрим жиҳатларини очиб берадиган бир кўринишидир. «Сиёсий режим» тушунчаси орқали ҳокимиятга эгалик қилишнинг уёки бу шакли, давлат ва сиёсий тизимнинг амал қилиши англашилади.

Сиёсий режим белгилари сифатида сиёсий етакчилик учун кураш табиатини (очик, ёпик), халқнинг сиёсий ҳаётга жалб этилганлигини, халқнинг сиёсатдан четлатилганлиги ёки унга сиёсатга таъсир этиш имконининг берилганлигини, сиёсий раҳбарият қандай қадриятларга суюниши (консерватизм, реформизм, революционизм ва ҳоказолар)ни санаб ўтиш мумкин. Юқоридаги белгиларга кўра сиёсий режимлар тоталитар, авторитар, демократик режимларга бўлинади.

Амалда бирорта сиёсий режим соғ ҳолда учрамайди. Шунингдек, сиёсий режимлар ривожланиш хусусиятига эга бўлиб, демократия авторитаризм ёки тоталитаризмга, авторитаризм демократияга ўсиб ўтиши мумкин. Қўйида тоталитар ва авторитар режимлар тўғрисида қисқача мuloҳаза юритамиш.

*Тоталитаризм* (лот. «totalitas» – тўлиқ, бутунлик) – ғоялар, фикрлар, нуқтаи назар сифатида жуда қадимий илдизларга эга. Платон, Т. Мор, Т. Кампанелла, Г. Бабеф, Сен-Симон, Ж. Ж. Руссо давлатнинг тоталитар моделларини ишлаб чиқишиган. Фихте, Гегель, Маркс, Ницше, Ленин ва бошқалар асарларида бу ғоялар ривожлантирилганлиги маълум. Маз-

мунидаги фарқларга қарамай, тоталитар концепциялар умумий мантиққа әгалар. Аввало, уларнинг асосида утопияларни сиёсийлаштириш ётади. Утопиялар тугал ишлаб чиқилған ёпиқ сиёсий тизим бўлгани учун зиддиятлар, ҳаракатлар, ўзгаришларга ўрин қолдирмайди. Шунинг учун ҳам утопиялар доимо тоталитар руҳдадир. Тоталитар утопия абсолют ҳақиқат билан тенглаштирилади ва бўшқа ҳар қандай қарашлар, назариялар душман ёки хато деб баҳоланади. Пировардида тоталитаризм дорма сифатида ўзининг инқирозини ҳам ўзи тайёрлайди.

*Авторитаризм* (лат. «auctoritas» тўла ҳокимият) – устунлик ва иродани кўпчиликка ўтказишга асосланган ҳар қандай ижтимоий-сиёсий режимdir. Авторитаризмнинг шакллари абсолют монархия, диктатура, посттоталитар режимлардир. Авторитар раҳбарлар қўрқитиш, қирғин, зўрликни курол қилиб олишлари ҳамда омманинг ишончини қозонишга, қонунга суюнишга ва бўшқа воситаларга ҳам мурожаат қилишлари мумкин. Тарихдаги барча авторитар режимлар ҳукмронликнинг анъанавий ва харизматик турларига асослангандир. Тоталитар режим эмирилгандан кейин ташкил топган давлатларнинг кўпчилиги авторитар режимларга амал қиласди. Бир қатор авторитар давлатлар ўзининг самарадорлигини амалда кўрсатди. Авторитар режимнинг ижобий томони сифатида уларда кучли ҳокимият ва эркин хўжалик юритиш, сиёсий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш уйғунлигига эришиш мумкинлиги таъкидланади. Бу режимнинг заиф томонларини эса сиёсатнинг айрим шахс ёки гуруҳ иродасига тўлалигича боғлиқлиги; фуқароларнинг сиёсий ҳаётдан четланганлиги; бутун жамиятнинг сиёсий ўйинлар, авантюралар қурбони бўлиш потенциал хавфининг доимий мавжудлиги; ўрта асрлардагидек подшо, раҳбар, етакчининг адолати, заковатига умид, боғлиқлик ташкил этади.

Шу билан бирга авторитар режимларнинг бир қатор ижобий томонлари ҳам борки, бу хусусият, айниқса, ўтиш даврини бошидан кечираётган жамиятларда ўз самарадорлигини амалда кўрсатади. Авторитар ҳокимият – кучли ҳокимият, шунинг учун ҳам унинг жамиятда тартиб, барқарорликни таъминлаш қобилияти бир мунча юқорироқ. Бу ҳокимият турли кучлар қаршилигини синдириб, жамиятда таркибий ўзгариш-

ларни тез ўтказа олади ва бутун имкониятларни энг долзарб муаммоларни ҳал қилишга йўналтира олади. Туб ислоҳотлар ва ўзгаришлар даврида ана шундай кучли ҳокимиятнинг мавжуд бўлиши, албатта, афзалроқдир. Авторитар тузумларнинг аксарияти модернизация йўлидан боради. Ҳозирги вақтда авторитар режимлар демократияга йўналтирилганлиги билан характерланади. Бундай йўналтирилган сиёсий режимлар жамиятда бозор муносабатларини қарор топтириш, ўрта қатлам нуфузини ошириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, қонун устуворлигини таъминлаш, жамиятни сиёсий ҳамда ҳар қандай плюрализмга тайёрлаш вазифасини бажаради. Уларнинг фаолият даври унчалик узоқ бўлмайди. Жамиятда шаклланган демократик муносабатлар ва шу йўналишдаги кучлар унинг аста-секинлик билан сиёсий режимнинг бошқа тури – демократияга ўтишини таъминлайди.

*Сиёсий тизимлар типологияси.* Сиёсатшunoslik фанида сиёсий тизимларни турларга бўлиш тоғаси турли мамлакатлар сиёсий тизимларини қиёсий таҳлил қилиш зарурати туфайли пайдо бўлди. Жамиятнинг сиёсий тизими тўғрисидаги билимлар у ёки бу мамлакатдаги сиёсий барқарорликнинг даражасини аниқлашнинг энг қулай воситасидир. Бу, масалан, чет эл инвесторининг бирор мамлакатда ўз маблағларини жойлаштириш тўғрисидаги қарорига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Ҳозир дунёда 180 дан ортиқ мамлакат мавжуд, уларнинг сиёсий тизимлари ҳам турли-тумандир.

Турли жамиятлардаги сиёсий ҳаёт шаклларининг ривожланганлигига кўра қуйидаги сиёсий тизимлар типлари ўзаро фарқланади:

1. Демократик сиёсий тизим;
2. Авторитар сиёсий тизим;
3. Тоталитар сиёсий тизим.

Халқ ҳокимиятчилиги, демократик мақсадлар ва идеалларни амалга ошириш учун реал истиқболи кўпроқ барқарор бўлган сиёсий тизим тури – демократиядир. Демократик сиёсий тизимнинг асосий хусусиятлари:

– фуқароларнинг сиёсатга кенг жалб этилганлиги, улар хуқуқлари ва эркинликларининг кафолатланганлиги, ҳаёт даражасининг юқорилиги, ривожланган ўрта табақанинг муҳим роли;

- ҳокимиятни амалга оширишда ҳокимият институтлари ва шахсларнинг кенг иштироки, сиёсий қатнашувнинг ўзаро мусобақа, раҳбарликнинг эса кўп партиявийлик шаклида ташкил этилганлиги;
- халқ ҳоҳиши-иродасининг парламент шаклида ифода этилиши, қонун чиқарувчи органларнинг сайловлар асосида шакллантирилганлиги;
- демократик сиёсий маданият;
- давлатни бошқаришда қатнашишда фуқаролар ҳуқуқларининг тенглиги;
- ҳукмрон ва муҳолиф сиёсий партияларнинг мавжудлиги;
- партияларнинг легал қураши шароитида шаклланадиган умумдавлат вакиллик органи – парламентнинг мавжудлиги;
- партияларнинг сайловлардаги легал қураши натижасига кўра ҳукуматнинг шаклланиши.

Авторитар типдаги сиёсий тизимлар эса сиёсий муҳолифатга йўл қўймайдиган, бироқ шахс ва жамиятнинг носиёсий соҳалардаги автономлигини сақлаб қолувчи, бир шахс ёки шахслар гуруҳининг чекланмаган ҳокимияти сифатида ажralиб туради. Бундай тизимларнинг асосий хусусиятлари қўйидагилардан иборат:

- ҳокимиятнинг бир шахс ёки кичик бир груп қўлида тўпланганлиги;
- ҳокимиятнинг чекланмаганлиги, фуқаролар томонидан назорат қилина олмаслиги, ҳокимият қонунлар асосида иш кўриши мумкин, аммо бу қонунлар ҳокимият эҳтиёжларига кўра қабул қилинади;
- кучга суюниш. Авторитар тузум халқ томонидан қувватланиши, репрессиялар, зўрлик ишлатилмаслиги мумкин. Аммо у етарли кучга эга бўлиб, исталган вақтда итоат ва тартиб ўрнатиш лаёқатига эга;
- ҳокимият ва сиёсат соҳасида якка ҳукмронликнинг ўрнатилиши, амалда муҳолифат ва ракоботатга йўл қўймаслик. Авторитаризм шароитида бир қанча партиялар, касаба уюшмалари ва бошқа жамоат ташкилотлари мавжуд бўлиши мумкин. Лекин улар ҳокимият назоратида бўладилар. Баъзан муҳолифатнинг йўқлиги жамиятнинг бунга тайёр эмаслиги,

ижтимоий эҳтиёжнинг етилмаганлиги билан ҳам изоҳланади;

— жамиятнинг сиёсатдан бошқа соҳаларига кам аралашиш. Ҳокимият биринчи навбатда ўз хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини ўрнатиш, мудофаа, ташқи сиёсат билан шуғулланади. Шу билан бир қаторда у бозорнинг ўз-ўзини тартибга солиш механизмини бузмаган ҳолда иқтисодий ривожланиш стратегиясига таъсир этиши, кучли ижтимоий сиёсат олиб бориши ҳам мумкин;

— сиёсий элитанинг рақобатли сайловлар жараёнида эмас, юқоридан тайинлаш йўли билан шакллантириши;

— мухолиф матбуот, мухолиф партияларнинг тақиқланиши, фуқаролар демократик ҳуқуқ ва эркинликларининг тугатилганлиги ёки чекланганлиги;

— давлат органларида сайловнинг чекланиши ва парламентнинг иккинчи даражали органга айланиб қолиши;

— ҳукмрон партиянинг давлат аппарати билан қўшилиб кетиши;

— авторитар ҳокимият ўзини чекловчи механизмларга эга.

Мулкчиликнинг турли шакллари мавжудлиги, ижтимоий соҳада ижтимоий бир хилликнинг йўқлиги, синф ва қатламларнинг мухолифат сифатида йўқ қилинmasлиги, мафкура соҳасида турли қарашлар ва нуқтаи назарларнинг чекланган ва яширин ҳолда мавжуд бўлиши, анъаналар авторитар сиёсий тизимнинг асосий чекловларидир.

Тоталитар турдаги сиёсий режимлар давлатнинг жамият ҳаётининг барча соҳаларида тўла (тотал) назорати ўрнатилганлиги билан ажralиб туради ёки характерланади. Тоталитар сиёсий режимларнинг асосий хусусиятлари қуйидагилардир:

— бутун жамият ҳаётининг мафкурага бўйсундирилиши, ҳукмрон мафкурага абсолют ҳақиқат мақоми берилиши. Мазмунига кўра тоталитар мафкура инқилобий бўлиб, ишчилар синфи ёки орийлар ирқининг устунлиги тўғрисидаги ижтимоий афсоналарга таянади (коммунизм, фашизм, националсоциализм);

— ахборот манбаларининг тўлалигича ҳокимият қўлида тўпланиши. Ижтимоий фикр йўқотилиб, аҳолининг сиёсий маданияти сиёсий ахборотлардан хабардорлик билан алма-

шинади. Кишилар онгидя ярашиш мумкин бўлмаган душман образини яратиш кучайтирилади, фоявий мухолифлар душман сифатида баҳоланади;

— давлат мавқеининг кучайиб, ҳар қандай шахсий ҳаётни бартараф этишга интилиш. Тоталитаризмнинг асл мақсади — фуқаролик жамиятининг ҳар қандай кўринишларини йўқ қилишдир. Инсон сиёсатдан мутлақо бегоналашганлигига қарамай сиёсат субъекти сифатида баҳоланаверади;

— ягона ҳукмрон партиянинг давлат аппарати билан қўшилиб кетиши натижасида вужудга келган партия номенклатурасининг жамиятни бошқариши;

— фуқаролар ҳукуқ ва эркинликларининг максимал даражада камситилиши;

— ижтимоий назорат ва зўрлик аппаратининг кучайиши, марказлашган иқтисодиёт, мулкчиликда давлат мулкининг устунлиги;

— ҳокимиятнинг барча даражаларда номенклатуранинг ёпиқ каналлари орқали шакллантирилиши;

— ҳокимият бўлинниши принципининг амалда бекор қилинганилиги.

Жаҳон сиёсий тарихида тоталитар сиёсий тизимнинг кўринишлари сифатида коммунизм (1918 йилда Россияда умумий белгилари щаклланган эди), фашизм (1922 йилда Муссолини томонидан Италияда ўрнатилган эди) ва национал-социализм (1933 йилда Германияда вужудга келди) қайд этилади.

Тоталитаризм ижтимоий турғунлик ва регрессни, фуқаролар пассивигини пайдо қилишини, давлат ва партия аппаратини деградацияга, маънавий айнишга олиб боришини юқорида қайд этилган мамлакатлар тарихи яққол исботлади.

Ўтиш ҳолатидаги жамиятларда (тоталитаризм ёки авторитаризмдан демократияга ёки аксинча) ўтиш даври сиёсий тизимлари шаклланади. Бундай сиёсий тизимлар сиёсий институтларнинг заифлиги билан, охлократия, яъни оломон ҳокимияти хавфи намоён бўлиши билан, сиёсий ҳис-туйфуларнинг жиловланмаганлиги билан, ижтимоий гурухларнинг ўз фоявий-сиёсий йўлларини йўқотганликлари (йўқотишила-ри) ва бошқа ҳолатлар билан ажralиб туради.

Айрим сиёсатшunosлар сиёсий тизимларни улардаги

марказлашув даражаси, ҳүрфикарлилик, плюрализм ва сиёсий ҳаётнинг демократлашганлиги даражасига кўра сифатлаб, қуидаги типларга ажратадилар:

1. Марксистик сиёсий тизимлар (сиёсий тизимларни бирбирига кескин қарама-қарши қўяди).

2. Демократик сиёсий тизимлар (фуқароларнинг ҳокимиёт устидан назоратини таъминловчи механизм мавжуд бўлади).

3. Модернизациялашган сиёсий тизимлар (ривожланган фуқаролик жамияти, ҳокимиёт асосланганлигининг рационал усули мавжуд бўлади).

4. Анъанавий сиёсий тизимлар (сиёсий анъаналарга содиқлик, ҳокимиятнинг монархия шакли ва ҳ.к.).

5. Ўтиш даври сиёсий тизимлари (бундай тизим негизида ривожланмаган фуқаролик жамияти, сиёсий ролларнинг заиф табақалаштирилганлиги, ҳокимиятнинг харизматик усулда асосланганлиги, сиёсий институтларнинг заиф ривожланганлиги ётади).

Шундай қилиб, жамиятнинг сиёсий тизимини мунтазам равишда такомиллаштириб бориш фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий шарти бўлиб, мураккаб ва кўп қиррали бу механизмнинг самарали фаолият кўрсатишидан жамият, ундаги ҳар бир ижтимоий гурӯҳ ва индивид манфатдордир.

### **3. Ўзбекистонда ўтиш даври сиёсий тизимининг ўзига хос хусусиятлари**

Жамиятдаги ижтимоий-синфий кучлар жойлашувидағи ўзгаришлар оқибатида жамиятнинг сиёсий тизими ҳам ўзгаришларга юз тутади. Эски сиёсий тизим ўрнига янги сиёсий тизимнинг келишини ўзида ифодалаган сиёсий ҳаёт даври Farb сиёсатшунослигида «конституциянинг қайтадан бутунлай кўриб чиқилиши, ўзгартирилиши», деб айтилади. Давлатнинг конституцияси сиёсий ҳокимиятни, унинг институтларини демократик тарзда легитимлаш усули сифатида майдонга чиқади. Янги сиёсий тузумнинг қай даражада ҳаётий ва мустаҳкам бўлиши шакллантирилаётган сиёсий институтларнинг жамият эҳтиёжларига қанчалик мувофиқ келишига бевосита боғлиқ бўлади.

Ўтиш даврининг классик йўлини ўз бошидан кечирган мамлакатларнинг (АҚШ, Фарбий Европа) аксарият қисми ўз мустақиллигига тўла эга бўлган ҳолда янги жамиятга ўтиш жараёнини амалга оширган эдилар. Ўтишнинг инқилобий йўлидан борган мамлакатларда эса (собиқ социалистик тизимга кирган Шарқий Европанинг айрим мамлакатлари) демократик тамойилларнинг бир қатор куртаклари эски тизим шароитида шаклланган эди.

Ўзбекистонда, шунингдек, советлардан кейинги маконда ташкил топган бошқа давлатларда ҳам демократик сиёсий тизимга, янги жамиятга ўтиш бир қатор хусусиятларга эга эканлигини назардан соқит қилмаслик лозим. Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистон амалда собиқ марказга қарам ҳолатдан мустақилликка эришиш билан ўтиш даврини бошлади. Тоталитаризм тизими құдратли куч сифатида ўз таъсирини барча соҳаларга ўтказган, бунинг устига ҳали тоталитаризм иллатларидан батамом қутула олмаган ижтимоий онг шароитида демократик жамиятга ўтишнинг энг мақбул йўли сифатида ўтишнинг эволюцион, яъни босқичма-босқич йўли таҳланди.

Хўш, тоталитаризмдан демократияга ўтаётган ўтиш даври сиёсий тизимлари олдида қандай вазифалар кўндаланг туради?

Ўтиш даврида янги жамиятнинг механизмлари ва асослари вужудга келтирилади. Хусусан, сиёсий соҳада бу даврда эски давлат ҳокимияти ва бошқарув тизими тугатилади, янги жамиятнинг ҳуқуқий базалари вужудга келтирилади ва шу асосда давлат ҳокимияти ҳамда бошқарув тизими шакллантирилади. Иқтисодий соҳада эски иқтисодий тизим тугатилиб, инсон манфаатларига хизмат қилувчи, унинг қобилиятини юзага чиқарувчи ва эркин фаолият кўрсатишини таъминловчи бозор муносабатларига ўтишнинг шарт-шароитлари, ҳуқуқий асослари яратилади ва аста-секин уларни реал ҳаётга татбиқ этиш амалга оширилади. Маънавий-мафкуравий соҳада эса эски тузумга хизмат қилган, инсонлар онги ва қалбига зўравонлик билан киритилган тоталитар мафкура ва дунёқарашдан озод бўлинади ҳамда янги демократик жамиятнинг маънавий-мафкуравий салоҳияти вужудга келтирилади. Жамиятда фикрлар хилма-хиллиги тамойилининг устувор бўлишига эришилади.

Мустақилликка эришилгач, юқорида қайд этилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистонда тоталитар сиёсий тизимдан мутлақо фарқ қилувчи демократик сиёсий тизмининг шаклланиш жараёни бошланди.

Президент И. А. Каримов таъкидлаганидек, Ўзбекистонда ўтиш даври ва миллий давлатчилик асосларини шакллантириш билан боғлиқ биринчи галдаги ислоҳот ва ўзгаришларни ўз ичига олган дастлабки босқич – 1991–2000 йиллар мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида улкан из қолдирган ўтиш даври том маънода тарихий аҳамиятга эга бўлган давр бўлди.

2001 йилдан 2007 йилгacha бўлган муддатни ўз ичига олган иккинчи босқич – фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даври эса иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, сиёсий ҳаётимизни, қонунчилик, суд-хукуқ тизими ва ижтимоий-гуманитар соҳаларни изчил ислоҳ қилишни таъминлашда фоят муҳим роль ўйнаган давр бўлди<sup>1</sup>.

Янги давлат ва жамият қуришда: 1) иқтисодиётнинг мафкурадан холилиги ва унинг сиёсатдан устунлиги; 2) эски тузумдан янги тузумга ўтиш даврида давлатнинг ўзи бош ислоҳотчи бўлиши; 3) қонун устуворлиги; 4) кучли ижтимоий сиёсат; 5) ислоҳотларни босқичма-босқич амалга оширишдан иборат ўзини тўла оқлаган беш тамойил асос қилиб олинди.

Мамлакатни ислоҳ қилиш ва миллий давлатчилик пойдеворини яратиш учун, *аввало*, Асосий қонун – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. *Иккинчидан*, мураккаб ўтиш даврида қабул қилинган қонунларнинг амалда бажарилишини таъминлай оладиган, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга қодир бўлган ижро ҳокимиятининг самарали тизими яратилди.

Сиёсий тизимни шакллантиришда миллий давлатчилик негизларига таяниш ва анъаналарни ҳисобга олиш натижасида ҳокимлик институтининг тарихий-сиёсий қадрият сифатида тикланиши, кўп partiya вийликнинг шаклланиши, ўзўзини бошқарув органи – маҳалла институтини ривожлан-

<sup>1</sup> Каримов И. А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. – Т., «Ўзбекистон», 2007. – Б. 5.

тириш ва мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилганлиги, миллий парламент – Олий Мажлиснинг икки палатали қилиб шакллантириши, сайлов тизимиға кўп мандатлик, муқобиллик, кўп partiyaийликнинг чуқур кириб бораётганлиги, жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат тузилмаларининг ўрни тобора ошиб бораётганлиги ислоҳотлар жараёнининг таркибий қисмлариdir.

*Учинчидан*, судларни жазоловчи ва фақат давлат манфаатларини ҳимоя қилувчи органдан қонун устуворлигини ва инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминловчи органга айлантиришга қаратилган яхлит суд ҳокимияти тизими шакллантирилди. Жумладан, суд-ҳуқуқ тизимини чуқур ислоҳ этиш ва эркинлаштириш бўйича янги концепция ҳаётга татбиқ этилиши натижасида судлар ихтисослаштирилиб, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича алоҳида судлар ташкил этилди. 2008 йил 1 январдан мамлакатда ўлим жазоси бекор қилинди, шунингдек, фуқароларни қамоқقا олишга санкция бериш ҳуқуқи прокуратурадан судларга ўтказилди.

*Тўртингчидан*, мамлакат суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини, конституциявий тузумни ишончли ҳимоя қиласиган, жамоат тартибини таъминлайдиган, халқаро террорчилик, экстремизм ва наркоаггрессия каби кучайиб бораётган хавфхатарларга қарши курашадиган миллий хавфсизлик органлари тизими яратилди. Олий Мажлис томонидан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий доктринаси тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлик Концепцияси тўғрисида»ги қонунлар мамлакатимизда хавфсизликни таъминлашнинг яхлит тизими фаолиятини йўлга қўйишда ҳуқуқий база бўлди. Шунингдек, Куролли Кучларни бошқаришнинг бутун тизими ислоҳ қилиниб, қўшинларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий курол-ярог ва техника билан таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, ўта муҳим жанговар топшириқларни бажаришга йўналтирилган Махсус операциялар бўйича кучларнинг бўлинмалари, Мудофаа вазирлиги хузуридаги Терроризмга қарши кураш корпуси тузилди. Бу бўлинмалар эҳтимол тутилаётган душманнинг ҳар қандай тажовузкорона ҳаркатларига қарши муносиб зарба беришга қодир қурдатли куч

экани Сурхондарё, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларининг тоғли туманларига суқилиб кирган халқаро террорчиларнинг жангари тўдаларини йўқ қилиш бўйича амалга оширилган операцияларда намоён бўлди.

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларида ёқ бозор иқтисодиётининг асослари, унинг талабларига жавоб бердиган молия ва банк тизими шакллантирилиб, миллий валюта муомалага киритилди.

Мамлакатимизни модернизация қилиш ва замонавий демократик жамият қуриш йўлидаги мураккаб ва кенг қўламли вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган янги авлодни тайёрлаш мақсадида 1997 йили 2009 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди ҳамда узлуксиз таълимнинг 12 йиллик яхлит тизимига ўтилди. Олий таълим соҳасида ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилди, бакалавр ва магистрлар тайёрлашнинг Европа тизимиға ўтилди. Ҳозирги даврда Ўзбекистоннинг 65 та олий ўкув юртида 850 ўналиш ва мутахассислик бўйича 300 мингга яқин талаба билим олмоқда<sup>1</sup>.

Амалга оширилган сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ўзгаришлар асосида мамлакатимизни жадал ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг янги даври – миллий тараққиётимизнинг кейинги мантиқий босқичи изчил давом этмоқда. Бу даврда мамлакатимизнинг қонун чиқарувчи олий органи – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатали қилиб шакллантирилди. Куйи палата – Қонунчилик палатаси, юқори палата – Сенат деб аталди. Бу икки палатанинг шаклланиш жараёни, яъни уларни сайлаш тартиби ҳар хил бўлиб, Қонунчилик палатаси депутатлари мажоритар («мажоритар» французча majoritaire – кўпчилик) сайлов тизимиға мувофиқ худудий сайлов округлари бўйича кўппартиялийлик асосида сайланади. Бундай сайлов, аввало, фуқароларимизнинг сиёсий фаоллиги ошишига олиб келади, қолаверса, кўппартиялийлик тизимининг янада такомиллашишига шароит яратади. Қонунчилик палатаси аъзолари бевосита халқ томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов хукуқи

<sup>1</sup> Каримов И. А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. – Т., «Ўзбекистон», 2007. – Б. 26.

асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланади.

Сенат эса, аксинча, билвосита, икки поғонали сайловлар асосида шакланади. Яъни, жойлардаги давлат ҳокимияти вакиллик органларига навбатдаги сайлов ўтказилганидан кейин кечи билан бир ой ичида вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари депутатларининг қўшма мажлисларида яширин овоз бериш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан олти нафардан Сенат аъзоси сайланади.

Ана шу 84 сенатордан ташқари, Сенатнинг яна 16 нафар аъзоси давлат раҳбари – Президент томонидан тайинланади. Бу ҳам жаҳон амалиётидан келиб чиқсан ва халқаро андозаларга тўғри келадиган қоидадир.

Шу ўринда савол туғилиши табиий – нима учун ушбу сенаторларни Президент тайинлайди?

Бунинг сабаби шуки, ҳудудий вакиллик палатаси бўлмиш Сенатнинг аъзолари ўзлари мансуб ҳудудларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш жараёнида маҳаллийчилик, субъективизмга йўл қўйишининг олдини олиш ва умумдавлат манфаатларини тъминлаш мақсадида фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа соҳаларида катта амалий тажрибага эга обрў-эътиборли ҳамюртларимиз орасидан тайинланадиган сенаторлар Сенат фаолиятида ўзига хос балансни, яъни мувозанатни сақлаб туришга хизмат қиласидилар.

Қонунчилик палатаси депутатлари Олий Мажлисда доимий равишда ишлайди. Сенаторлар эса вақти-вақти билан чақириладиган Сенатнинг ялпи мажлисларида, қўмита ва комиссиялар мажлисларида иштирок этиш асносида фаолият юритади. Сенат Қонунчилик палатаси тайёрлаган қонуни кўриб чиқиб маъқуллайди ёки рад этади. Қонунчилик палатаси аъзолари ўз сайловчилари билан бевосита боғлиқ бўлади. Сенат аъзолари эса кўпроқ маҳаллий кенгашлар билан алоқадорликда иш кўради, чунки улар айнан маҳаллий кенгашларнинг қўшма мажлисларида сайланадилар.

Мамлакатимиз сиёсий тизимини янада такомиллаштиришда Президент И. А. Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг 2005 йил 28–29 январидаги қўшма мажлисидаги маърузаси ҳам назарий ва амалий жи-

ҳатдан катта аҳамиятга эга бўлди. Маърузада давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги асосий вазифалар: парламент роли ва таъсирини кучайтириш, ҳокимият ваколатларининг маълум бир қисмини марказдан маҳаллий ҳокимият органларига ўтказиш, нохукумат ва жамоат ташкилотларининг нуфузи ва таъсирини кучайтириш; суд – ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва либераллаштириш, матбуот, телевидение, радио фаолиятини янада либераллаштириш, цензурадан холос бўлиш, ахборот эркинлигини таъминлаш, аҳолининг ижтимоий – сиёсий фаоллигини ошириш, халқаро терроризм, диний экстремизм, наркоаггрессияга қарши қурашда ички ишлар идоралари ходимларининг вазифалари белгилаб берилди<sup>1</sup>.

Амалга оширилаётган демократик сиёсий-иқтисодий ислоҳотлар жараённида сиёсий тизимнинг асосий элементи – давлат марказий ўринни эгаллагани оқилона йўл бўлганлигини тажриба тасдиқламоқда. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги мамлакатларнинг кўпчилигига (Россия, Грузия, Тожикистан) мустақилликнинг дастлабки йилларида иқтисодий парокандалик рўй бергани маълум. Ўзбекистонда ҳам шунга ўхшаш жараёнларнинг дастлабки белгилари кўриниши биланоқ, айнан давлат тўғри ва оқилона йўлдан бориб, нохуш ҳолатларга ўз вақтида барҳам берди.

Ўзбекистондаги сиёсий ислоҳотлар жараённида сиёсий тизим элементлари орасида давлатдан кейин сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотлари ҳам ўз ўринларига эга.

Сиёсий партиялар турли ижтимоий қатлам ва гуруҳлар манфаатларини ифода этиб, сиёсий ҳокимиятни амалга оширишда иштирок этадилар ёки ҳокимиятга бевосита таъсир кўрсатадилар. Сиёсий партиялар тизими бир партиявийлик, икки партиявийлик ва кўппартиявийликдан иборат бўлиб, ҳозирги замонда кўппартиявийлик тизими демократик ри-вожланиши талабларига кўпроқ даражада мос келиши қайд этилмоқда. Шу жиҳатдан 2007 йилда қабул қилинган «Давлат

<sup>1</sup> Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишdir // Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. – Т., 2005. – Б. 174–222.

бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун хукуқий давлат ва кучли фуқаролик жамият барпо этиш сари ташланган янги бир муҳим қадам бўлди.<sup>1</sup>

Жамоат ташкилотларига касаба уюшмалари, ёшлар, ижодий, маданий, илмий ва бошқа ташкилотлар киради. Уларнинг давлат ва сиёсий партиялардан фарқлари қўйидагиларда қўринади:

- давлат мақомига эга эмаслар, сиёсий ҳокимият учун кураш олиб бормайдилар;
- мамлакат аҳолисининг барча қисмларини ўзларида бирлаштирадилар;
- уларнинг қарор ва ҳужжатлари барча аҳоли учун мажбурий эмас;
- улар сиёсий мақсадларни эмас, балки маълум гурӯҳларнинг моддий, маданий, ижодий ва илмий соҳадаги манфаатларини қондиришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўядилар.

Ўтиш даври вазифаларини ҳал этишда, жамият сиёсий ҳаётида демократиянинг шаклланиши ва реал ҳаётга татбиқ қилинишида фуқароларнинг сиёсий фаоллиги катта аҳамиятга эга. Чунки фуқароларнинг сиёсий иштироки жамият ҳаётида сиёсий муносабатларни янги босқичга кўтаради ва сиёсий тизимни такомиллаштиради. Шунинг учун Ўзбекистондаги ўтиш даври сиёсий тизимининг истиқболи, аввало, замонага мослашган ва унга хос миллий истиқдол мафкураси жамият фуқаросининг эътиқодига айланиб қолишини ва уни ҳеч қандай куч енга олмайдиган даражага кўтаришни талаб қиласди. Бунда бизнингча, «Миллий виждан» ва «Ватаний ахлоқ» миллатнинг ҳар бир вакилининг, ҳар бир фуқаронинг шуурига сингиши муҳим аҳамият касб этади. Миллий вижданни уйғонган ва Ватаний ахлоқи юксак бўлган миллатни ҳеч қандай ички ёки ташқи душман енга олмайди ва бундай миллат жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнига, обрўсига эга бўлади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонуни. // Халқ сўзи. – 2007. 12 апрель, №71.

Бугунги Ўзбекистоннинг сиёсий тизими олдида муҳим вазифалардан яна бири жамоатчилик фикрини инобатга олиш, уни амалга ошириш механизмини яратишидир. Чунки, сиёсий тизимнинг нормал фаолияти учун «кўзгу» керак. Бу «кўзгу» ролини жамоатчилик фикри ўйнайди.

Хуллас, жамият сиёсий тизимининг мунтазам такомиллашиб бориши фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий шартидир. Чунки кучли давлатдан кучли жамият сари одимлашда жамият ҳаётida фуқаролар фаол иштирокининг кучайиб бориши объектив заруриятга айланади.

### Таянч тушунчалар

*Сиёсат, сиёсий муносабатлар, формацион, функционал, коммуникатив ёндашувлар, сиёсатнинг тоталитар, анархистик, либерал, кейнсча концепциялари, сиёсатнинг мақсад ва вазифалари, субъект, объект, социал дарајса, институционал дарајса, функционал дарајса, ташқи сиёсат, ички сиёсат, халқаро сиёсат, иқтисодий сиёсат, ижтимоий сиёсат, миллий сиёсат, ҳарбий сиёсат, демографик сиёсат, ёшлар сиёсати, талабалар сиёсати, аграр сиёсат, таълим сиёсати, техник сиёсат, илмий сиёсат, ҳуқуқий сиёсат, экологик сиёсат, конфликт, консенсус, компромисс, шерикчилик, консолидация, интеграция, сиёсий тизим, ташкилий тизим, маданий-мағкуравий тизим, меъёрий (норматив) тизим, ахборот-коммуникация тизими, сиёсий режим, Конунчилик палатаси, Сенат.*

### Назорат учун савол ва топшириқлар

1. «Сиёсат» тушунчасининг кенг ва тор маъноларини изоҳланг.
2. «Мақсадлар бирлигининг пайдо бўлиши сиёсат ибтидосининг пайдо бўлиши демакдир» жумлалари қандай маънони англатади?
3. Сиёсатнинг келиб чиқишига оид ёндашувлар моҳиятини тушунтиринг.
4. Сиёсатнинг тоталитар, анархистик, либерал ва кейнсчилик концепциялари унинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни ва вазифаларини қандай изоҳлади?
5. Сиёсат ижтимоий ҳаётда қандай ўрин тутади? Унинг моҳияти, мақсад ва вазифалари нималардан иборат?

6. Сиёсат ўз мақсад ва вазифаларини амалга оширишда қандай усуллардан фойдаланади?
7. Сиёсатнинг субъектлари ва объектлари мазмуни, уларнинг ўзаро муносабатлари моҳиятини тушунтиринг.
8. Ҳар қандай инсон ҳар доим ҳам сиёсатнинг субъекти ҳисобланадими?
9. Сиёсатшуносликда сиёсат субъектларининг қайси даражалари ўзаро фарқланади?
10. Сиёсат турлари, йўналишлари ва шакллари моҳиятини тушунтиринг.
11. Сиёсатда интеграция ва дифференциация жараёнлари қандай натижаларга олиб келади?
12. Сиёсий тизимнинг моҳияти ва вазифалари нималардан иборат?
13. Сиёсий тизимнинг барқарорлиги қандай омилларга боғлиқ?
14. Сиёсий тизимни ташкил этувчи қайси кичик тизимларни биласиз?
15. «Сиёсий режим», «тоталитаризм», «авторитаризм» атамаларининг маъноларини изоҳлаб беринг.
16. Демократик, авторитар ва тоталитар сиёсий тизимлар қайси хусусиятларига кўра бир-биридан фарқланади?
17. Тоталитаризмдан демократияга ўтишнинг классик (мумтоз), инқилобий ва эволюцион йўллари қандай ўзига хос хусусиятларга эга?
18. Ўтиш даври сиёсий тизимининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
19. Ўзбекистонда демократик сиёсий тизимни шакллантириш борасида амалга оширилаётган сиёсий-иқтисодий ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини тушунтиринг.

## АДАБИЁТЛАР

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2008. – Б. 15–36.

Ўзбекистон Республикасининг «Жамоат ташкилотлари тўғрисида»ги 1991 йил 15 февраль қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. – Т., 1991. – №4; 1992. №9. – 363-м.; 1997. – №4–5. 126-м.; 1998. – №3. – 38-м.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий принциплари тўғрисида»ги 1996 йил 26 декабрь қонуни //

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ахборотномаси. – Т., 1997.  
– №2.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонуни // Халқ сўзи. – 2007. – 12 апр. – №71.

Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. – Т., 1998. – Б. 31–261.

Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. – Т., 1996.  
– Б. 370–404.

Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт –  
пировард мақсадимиз. Т.8. – Т., 2000. – Б. 479–488.

Каримов И. А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. – Т., 2005. – Б. 156–173.

Каримов И. А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда ман-  
фаатлари – энг олий қадрият. Т. 14. – Т., 2006. – Б. 61–97.

Каримов И. А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни  
чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг  
ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақ-  
садидир. Т.15. Т., 2007. – 320 б.

Каримов И. А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисоди-  
ётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. Т., 2008. – 368 б.

Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., 2008.  
– 176 б.

Бобоев А. Дўстлик ва қардошлик ришталари мустаҳкам // Халқ  
сўзи. – 2006. – 5 сент. – №174.

Исмоилов Н. Сайлов тизимини янада эркинлаштириш ва де-  
мократлаштириш йўлида // Халқ сўзи. 2008 й. 6 декабрь №237.

Ирхин Ю. В., Зотов В. Д., Зотова Л. В. Политология: Учебник.  
– М., 2000. – С. 7–29, 201–219.

Қодиров А. Қ. Сиёсат фалсафаси: Монография. – Т., 1999. – Б.  
30–43.

Политология: Ўқув қўлланма // С. Отамуродов, И. Эргашев, Ш.  
Акрамов, А. Қодиров – Т., 1999.

Политология: Маърузалар матни /Тақризчилар: В.С. Ким, Ж.  
Бахронов. – Т., 2000. – Б. 41–62.

Нугачев В. П., Соловьев А. И. Сиёсатшуносликка кириш: Ўқув  
қўлланма. – Т., 2004. – Б. 64–82, 184–201.

Рамазонов И., Мўминов Э. Политология: Дарслик. – Т., 1997. –  
Б. 40 – 57, 76–91.

Темур тузуклари / Масъул муҳаррир Б. Аҳмедов. – Т., 1991. –  
Б. 3–16.

---

## **СИЁСИЙ ҲОКИМИЯТ ВА КҮППАРТИЯВИЙЛИК**

### **1. Сиёсий ҳокимият, уни амалга ошириш механизми. Легитимлик тушунчаси**

Сиёсатшунослик категориялари орасида марказий ўринни эгалловчи ҳокимият тушунчаси жамият ва сиёсатнинг негизларидан биридир. Ҳокимият бой ва хилма-хил шаклларда, даражаларда намоён бўладиган ижтимоий ҳодиса бўлиб, у одамларнинг барқарор уюшмалари: оиласда, ишлаб чиқариша, турли ташкилот ва муассасаларда, шунингдек, давлатда мавжуд.

Ҳокимиятнинг энг асосий ва ўзига хос кўринишларидан бири – сиёсий ҳокимиятдир. Сиёсий ҳокимият – сиёсат субъектларининг сиёсатда ифодаланган иродасини турли йўллар, усуллар ва воситалар ёрдамида амалга ошириш фаолиятининг ўзига хос шаклидир. У жамият ҳаётида алоҳида ўринни эгаллайди. Бу шу билан белгиланадики, сиёсий ҳокимият жамият ва давлат ҳаётини бир бутунлигича ва яхлитлигича қамраб олади, уни йўналтиради ҳамда тартибга солади, ҳокимиятнинг бошқа кўринишларини бирлаштиради, уларни халқ манфаатларига бўйсундиради.

Жамият ҳаётини сиёсий ҳокимиятсиз тасаввур этиб бўлмайди. Чунки усиз жамиятда тартибсизлик, бош-бошдоқлик, ўзбошимчалик бошланади. Шунинг учун ҳам сиёсий ҳокимиятнинг асосий мақсади – жамият ва давлат ҳаётини тартибга солиш ҳамда бошқаришdir.

Демак, сиёсий ҳокимият у ёки бу восита: обрў, ҳуқуқ, зўрлик ёрдамида ўз иродасини амалга ошириш, жамият хулқатворига белгиловчи таъсир кўрсатишнинг усул ва имкониятларидир.

Сиёсий ҳокимият бир қатор белгиларга эга бўлиб, уларнинг асосийлари қуйидагилардир:

- **легаллиги**, яъни давлат миқёсида ошкора, очиқ равишда куч ишлата олиши;
- қарорларининг ҳар қандай бошқа ҳокимият учун **мажбурийлиги**, истаган ижтимоий жараёнларга таъсир кўрса-

та олиши. Сиёсий ҳокимиятнинг қудратли корпорациялар, ОАВ ва бошқа муассасаларнинг таъсирини, агар бу таъсир қонунга зид бўлса, чеклаши ёки уларни умуман тугатиши мумкинлиги;

— оммавийлиги, яъни умумийлиги ва шахссизлиги. Бунинг маъноси шуки, сиёсий ҳокимият кичик, контакт гурухларда бўладиган шахсий ҳокимиятдан фарқли ўлароқ, хуқуқ ёрдамида барча фуқароларга бутун жамият номидан мурожаат қила олади;

— бир марказлилиги, яъни қарорлар қабул қилишда монополистик, ягона марказнинг мавжудлиги. Бозор иқтисодиётiga асосланган демократик жамиятда иқтисодий, ижтимоий ва маданий-ахборот ҳокимиятлари поликентрик, яъни кўп марказлидир. Бунда кўплаб мустақил мулкдорлар, ОАВ, ижтимоий фондлар ва бошқалар мавжуд бўлади;

— сиёсий ҳокимият имкониятларининг (ресурслари) хилма-хиллиги. Кенг маънода ҳокимият имкониятлари индивид ёки гуруҳ бошқаларга таъсир этиш учун фойдаланадиган барча нарсани англатади. Тор маънода эса субъектнинг ҳокимият объектига таъсир этишини таъминлашда қўлланиладиган барча воситалар тушунилади. «Ижтимоий айирбошлаш» назариясига (П.Блоу ва бошқалар) кўра ҳокимият асосида ноёб имкониятларнинг тенгсиз тақсимоти ётади. Имкониятларга эга бўлмаган шахслар уларни бунга эга бўлган кишиларнинг фармойишларини (буйруқларини) бажаришга алмаштиришдан оладилар. Бу билан айримлар бошқаларга боғлиқ ҳолга тушиб қоладилар, уларга бўйсунадилар.

Сиёсий ҳокимият ўз фаолиятида нафақат мажбурловчи, балки иқтисодий, маданий-ахборот имкониятлари каби ҳокимият манбаларидан ҳам фойдаланади. Жумладан: *иқтисодий имкониятлар* — ижтимоий ва шахсий ишлаб чиқариш учун зарур бўлган моддий неъматлар, уларнинг умумий эквиваленти бўлган пул, техника, унумдор ерлар, фойдали қазилмалар устидан назорат қилиш, турли-туман моддий бойликларга эгалик қилишни англатади. Жамият тараққиётининг нисбатан тинч даврларида ҳокимиятнинг бу имкониятлари унинг бошқа имкониятларига нисбатан устуворлик касб этади. Сабаби, иқтисодий назорат — бу инсон ҳаётининг бирор соҳасини шунчаки назорат қилиш эмас, балки жамиятнинг

барча мақсадларига эришиш воситалари устидан назорат қилишдир.

*Ижтимоий имкониятлар* — ижтимоий зинапоядаги ўринлар, ваколаттар, даражалар, лавозимлар, имтиёзларни тақсимлаш қобилиятини англаради. Албатта, бу тақсимотда иқтисодий имкониятларнинг ҳам муайян таъсири бор. Масалан, даромад ёки бойлик иқтисодий имкониятлар бўлишига қарамай, ижтимоий мақомни (статус) ҳам тавсифлайди. Бироқ ижтимоий имкониятлар амал, обрў-эътибор, маълумот, тиббий хизмат, ижтимоий таъминот каби кўрсаткичларни ҳам ўз ичига олади.

Жамоатчилик фикри ҳокимиюти (ижтимоий ҳокимиёт) демократик сиёсий тизимда катта роль ўйнайди. Шунинг учун ҳозирги замон ривожланган давлатлари кучли ижтимоий имкониятларга эгадирлар. Улар бундай имкониятлар ёрдамида аҳоли кенг қатламларининг ижтимоий аҳволини яхшилашга сезиларли таъсир кўрсата оладилар.

*Маданий ахборот (информацион) имкониятлари* — билим ва ахборотлар, уларни олиш ва тарқатиш воситалари: фан ва таълим муассасалари, ОАВ ва бошқалардир. Ҳозирги кунда илфор мамлакатларда маънавий таъсир этишнинг барча кўришиллари орасида илмий ахборот имкониятлари биринчи ўринга чиқмоқда. Билимдан ҳокимиёт қарорларини тайёрлашда, кишиларнинг онгига бевосита таъсир этишда кенг фойдаланилмоқда. Бундай таъсир ижтимоийлашув муассасалари (таълим, ОАВ) орқали амалга оширилмоқда.

*Мажбурлаш (куч ишлатиши) имкониятлари* — қурол, жисмоний мажбурлаш ва бунинг учун маҳсус тайёрланган кишилар институтлариdir. Давлатда унинг негизини армия, ҳукуқни муҳофаза қилувчи идоралар, уларнинг имкониятлари ташкил этади. Шу нарса диққатга сазоворки, ҳозирги замонга хос сиёсатнинг демократлашуви жараёнида анъанавий куч ва бойлик ўзининг илгариги таъсирини йўқотмоқда.

*Демографик имкониятлар* — бу одамлар. Чунки улар орқали иқтисодий, сиёсий, маданий-ахборот имкониятлари ишлаб чиқилади.

Ҳокимиёт турлари юқорида қайд этилган имкониятлардан келиб чиқсан ҳолда туркумланади. Бошқача айтганда, сиёсий ҳокимиёт жамиятда якка ҳолда эмас, балки ҳокими-

ятнинг қўйидаги турларига таянган ҳолда ҳаракат қилади:

- иқтисодий ҳокимият иқтисодий имкониятлар устидан назоратни, турли моддий неъматларга эгаликни;
- ижтимоий ҳокимият ижтимоий зинапоядаги мавқе (маком, амал, имтиёзлар)ни;
- маданий ахборот ҳокимияти билимлар, ахборотлар ва уларни тарқатиш воситалари ёрдамида кишилар устидан ҳукмронлик қилишни;
- мажбурлаш ҳокимияти эса жисмоний куч ишлатиш ёки қўллаш таҳди迪 асосида одамларни назорат қилишни билдиради.

Ҳокимият турлари юқорида қайд этилганлар билан чекланмайди. У субъектига кўра — давлат, партия, касаба уюшмаси, армия, оила ва бошқалар ҳокимиятига; қандай функцияларни бажаришига кўра — қонунчиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига; ҳокимият субъекти ва обьекти ўзаро ҳараратининг услубига кўра — демократик, авторитар ва тоталитар ҳокимиятларга ҳам бўлинади.

Шунингдек, ҳокимият тарқалиш кенглиги бўйича — халқаро ташкилотларга; макродаражада — давлатнинг марказий органларига; мезодаражада (ўрта даражада) — вилоят, туман ташкилотларига; микродаражада — бошланғич ташкилотлар ҳокимиятларига ажралади.

Сиёсий ҳокимият ҳокимиятнинг бошқа турларидан қўйидаги асосий хусусиятлари билан фарқ қилади.

1. Суверенитет — ҳокимиятнинг мустақиллиги ва бўлинмаслигидир. Масалан, мамлакатда коалицион ҳукумат ва кўп партияли парламент бўлган тақдирда ҳам сиёсий ҳокимият турли сиёсий кучларнинг келишилган сиёсати орқали амалга оширилади.

2. Ирода — муайян сиёсий мақсад ва дастурнинг мавжудлиги ва уни амалга оширишга қаратилган тайёргарлик.

3. Авторитет — сиёсий ҳокимият субъектининг ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларидаги таъсирининг мамлакат ва унинг ташқарисидаги умум эътирофи.

4. Мажбурлаш — ўз иродасини жисмоний куч ишлатиб бўлса-да амалга ошириш. (Бу хусусиятни диктатура билан айнанлаштирумаслик керак.)

Сиёсий ҳокимият юқорида қайд этилган хусусиятларга тўла

эга бўлсагина, у сиёсий ҳокимият мақомига эга бўлади.

Шундай қилиб, сиёсий ҳокимиятнинг мақсади жамият ва давлат ҳаётини тартибга солиш ҳамда бошқаришадир. Бироқ сиёсий ҳокимият томонидан амалга ошириладиган тартибга солиш ва бошқариш фуқаролар эркинлигини, қонун устуворлигини ҳам таъминлаши зарур. Шу боис, демократик давлатда ҳокимиятни ташкил этишнинг негизи, сиёсий-хукуқий, конституциявий принцип сифатида ҳокимиятлар бўлиниши тамойилига риоя қилиниши лозим. Зеро, А. Гамильтон айтганидек, «Одамлар ҳокимиятни яхши кўрадилар, ҳокимиятни кўпчиликка беринг, улар озчиликни эза бошлайдилар, ҳокимиятни озчиликка беринг, улар кўпчиликни эза бошлайдилар. Шунинг учун ҳам ҳокимият улар ўртасида тенг бўлиниши ва шундай бўлиниши қеракки, токи ҳар икки томон ўзини бошқасидан ҳимоя қила олсин». Ҳокимиятлар бўлиниши тамойилини назарий жиҳатдан асослаб берган мутафаккирлар Жон Локк ва Шарл Луи Монтескьёлар қайд этганидек, бунинг учун давлат ҳокимияти қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши қерак. Ҳокимиятни суистеъмол қилиш имконияти бўлмаслиги учун шундай тартиб ўрнатилиши қеракки, унда турли ҳокимиятлар ўзаро бир-бирини тутиб туришлари қерак.

Ҳокимиятлар бўлиниши тамойилининг қоидалари 1787 йилги АҚШ Конституциясида, кейинчалик французлар қабул қилган «Инсон ва фуқаро хукуқлари декларацияси»да, бугунги демократик давлатлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам акс этган.

Сиёсий ҳокимият яхлит ва бир бутун ижтимоий ҳодиса бўлиб, **субъект** ва **объект** унинг таркибий қисмлари ҳисобланади.

Субъект – ҳокимиятнинг фаол йўналтирувчи қисми. У алоҳида инсон, ижтимоий груп, кишиларнинг бирлиги, масалан, ҳалқ ёки ҳатто БМТга бирлашган жаҳон ҳамжамияти, давлат институтлари ва сиёсий партиялар бўлиши мумкин.

Ҳокимият субъектлари кўп погоналидир. Масалан: 1) индивидлар ва ижтимоий групчлар – бошлангич погонадаги субъектлар; 2) сиёсий ташкилотлар – ўрта погонадаги субъектлар; 3) сиёсий элита ва лидерлар – юқори погонадаги субъектлар.

Бирок ҳар қандай инсон ҳокимиятнинг субъекти бўлавермайди. Аввало, ҳокимликка нисбатан хоҳиш-истак зарур. Кўпчилик кишилар ҳокимиятга эгалик қилишдан руҳий қони-қиши ҳис этмайдилар. Агар ҳокимият турли имтиёзларни олиш учун кенг имкониятлар очиб бермаганида эди, умуман раҳбарлик лавозимларидан ва улар билан боғлиқ бўлган масъулиятдан кўплар ўзларини олиб қочган бўлур эдилар. Улар учун ҳокимиятга интилиш инструментал характерга эга, яъни бошқа бир мақсадларга эришиш воситаси бўлиб хизмат қиласи.

**Объект** – ҳокимиятнинг иккинчи муҳим элементи. Чунки ҳокимият объектнинг тобелигисиз мавжуд бўла олмайди. Агар бундай тобелик бўлмаса, субъект ҳукмдорлик иродасига ва ҳатто мажбур қилишнинг кучли воситаларига эга бўлишига қарамасдан, ҳокимият ҳам бўлмайди. Шунинг учун ҳам объект ҳокимият субъекти қарорларининг бевосита бажарувчиси бўлиб, усиз ҳокимиятни тасаввур қилиб бўлмайди. Объектга индивид, ижтимоий груп, синф, жамият киради. Назардан соқит қилмаслик керакки, жамиятда, сиёсий ҳокимият таркибида кишиларнинг субъект ва объект, бошлиқ ва ижрочига бўлинниши нисбий ва ўзгарувчандир. Айрим муносабатда шахс бошлиқ бўлиб, бошқасида ижрочи бўлиб чиқиши, вақти-вақти билан индивидлар ролларини алмаштиришлари ҳам мумкин.

Хуллас, ҳокимият объективининг сифати, фаоллиги жамиятнинг сиёсий маданияти билан белгиланади. Бу маданият қанчалик юқори бўлса мустабид тузумга эҳтиёж шунчалик кам бўлади.

Сиёсий ҳокимиятни амалга ошириш механизми мураккаб жараён бўлиб, у тўрт таркибий қисм – раҳбарлик, бошқариш, ташкилотчилик ва назоратни ўз ичига қамраб олади.

**Раҳбарлик** – жамият ҳаётидаги принципиал аҳамиятли қарорларни ишлаб чиқиши ва қабул қилиш, қарорларнинг мақсади, вазифаларини, натижаларини аниқлашдир.

**Бошқариш** – амалий фаолият бўлиб, уни одатда, маъмурӣ аппарат бажаради.

**Ташкилотчилик** – қабул қилинган қарорларни амалий фолиятда бажаришда алоҳида одамлар, грухлар, муассаса ва ташкилотларнинг келишувини, ўзаро алоқасини ташкил этишини ўз ичига олади.

*Назорат* – одамлар, ижтимоий гуруұлар ўртасида ижтимоий нормаларга риоя қилинишини амалга оширади.

Хокимиятни ўз вазифасини бажаришга қобилятли қилиш уни муассасалаштиришни, сиёсий хукмронлик шакли сифатида мустаҳкамлашни тақозо этади. Хукмронлик – бу сиёсий тартибот бўлиб, бунда айримлар буйруқ беради, бошқалири эса бўйсунади, буйруқ берувчилар бўйсунувчиларнинг демократик назорати остида ҳам бўлиши мумкин. Сиёсий хукмронликнинг муқобили – жамиятни ўз-ўзини бошқариш асосида ташкил этиш ҳисобланади. Лекин бундай бошқаришнинг яқин келажақда амалга ошиши гумондир.

Сиёсий ҳокимиятнинг хукмронлиги фуқаролар томонидан турлича баҳоланиши мумкин. Аҳолининг ҳокимиятга ижобий баҳо бериши, унинг қонунга мувофиқлигини, бошқариш ҳуқуқини тан олиши ва ихтиёрий тарзда бўйсунишга розилиги ҳокимиятнинг легитимлигини билдиради. «Легитимлик» атамаси (лот. *leg, legitimus* – «қонун») «қонунийлик», «қонунлаштирилганлик» кўринишида таржима қилинган. Бундай таржима унчалик аниқ эмас. Чунки бундай таржима кўпроқ «легаллик» атамаси мазмунига мос келади. Шунинг учун легитимлик ва легаллик айнан бир хил тушунчалар эмас. Легаллик ҳокимиятнинг ҳуқуқий асосланишини, унинг ҳуқуқий меъёрларга мос келишини, қонунга мос равишда фаолият кўрсатишини англатади. Шу маънода легаллик нолегитим ҳокимиятларга ҳам хосдир. Легитимлик эса – бу ишонч, ҳокимиятни оқлаш ва қўллаб-куватлашдир. Фуқаролар томонидан бундай тан олинишга ҳамма сиёсий ҳокимиятлар ҳам эриша олмайди.

Макс Вебер фикрича<sup>1</sup>, сиёсий ҳокимият, ўз легитимлиги га кўра уч турга бўлинади:

1. *Анъанавий легитимлик* азалдан ўрнатилган тартибларнинг бузилмаслиги ва муқаддаслигига бўлган ишончга, ҳокимиятга бўйсунишлик урф-одатларига биноан қарор топади. Унинг негизини сиёсий анъаналарга, урф-одатларга ишонч ташкил этади. Бундай ҳукмронликнинг соғ кўриниши патриархал ҳукмронликдир. Вебер уни тузилишига кўра оиласа

<sup>1</sup> Вебер М. Избранные произведения. – М., 1990. – С. 645–646. // Ирхин Ю.В., Зотов В.Д., Зотова Л.В. Политология. М., 2000. – С. 171–172.

ўхшатади. Ҳокимиятнинг ушбу турида лавозимга тайинлаш-да чинтизом ёки ўз соҳасидан яхши хабардорликдан кўра шахсий садоқат муҳим хислат ҳисобланади. Анъанавий легитимлик монархияларга хос хусусиятдир. Бунда кўп асрлик анъаналарга, ҳокимиятнинг мерос тариқасида ўтишига, фуқароларнинг ҳукмдорларга сўзсиз бўйсунишларига асосланилади.

2. *Харизматик легитимлик* (юон тилида «charisma» – худотомонидан инъом этилган илоҳий қобилият) шахснинг ҳаддан ташқари илоҳий қобилиятига, фавқулодда истеъдодига, яъни харизмасига ишонишга асосланади. Унинг негизини тарихий анъаналар эмас, балки ҳалқнинг муайян шахсга нисбатан чексиз ишончи ташкил этади. Ҳалқ лидерни ўз доҳийси сифатида қабул қиласиди. Доҳий эса гуноҳсиз ва ҳатосиз деб ҳис қилинади.

Ўтиш даври сиёсий тизимларида ҳокимиятнинг харизматик легитимлиги тез-тез кузатилади. Ҳар бир тарихий давр муайян харизматик турдаги легитимликни илгари суради. Бундан ҳозирги давр ҳам истисно эмас.

3. *Оқилона-ҳуқуқий легитимлик* легитимликнинг мустақил тури. У фуқароларнинг алоҳида шахсларга эмас, балки давлат тузилишига бўлган ишончига асосланади. Унинг асосини оқилона англанган манфаатлар ташкил этади. Бу манфаат кишиларда умумжаҳон томонидан эътироф этилган қоидалар бўйича шаклланган ҳкумат қарорларига ихтиёрий бўйсуниш ҳиссини, истагини уйғотади. Легитимликнинг бу тури либерал ҳокимият мавжуд бўлган жамиятларда қарор топади, чунки либерал ҳокимият ижтимоий ташкилотлар ва кучлар ўргасида консенсусга шаронит яратади.

Оқилона ҳуқуқий легитимлик илфор, демократик давлатларга хос хусусиятдир. Бундай давлатларда одамлар раҳбар шахсга эмас, балки қонунларга бўйсунадилар, ҳокимият вакиллари демократик принциплар асосида сайланадилар ва фаолият юритадилар. Уларда конституция асосий ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланаби, ижтимоий хулқ-атворнинг муайян қоидаларини белгилаб беради. Бу қоидаларга барча фуқаролар, шу жумладан, сиёсий раҳбарлар ҳам амал қилишлари урғфа айланади. Айтим ҳолларда, айниқса, шакланаётган демократияларда ҳокимиятнинг легитимлиги сайланувчи ташкилотларга бўлган ҳурмат эмас, балки давлатнинг аниқ раҳбар шахсига нисбатан бўлган хур-

матга асосланиши ҳам мумкин. Ҳозирги замон сиёсий амалиёт тида оқилона-ҳуқуқий легитимликни соғ, мукаммал тарзда учратиш қийин, уни кўпинча бошқа турлар билан бояланған, оқилоналиктининг анъанавийлик билан тўлдирилган ва бойитилган ҳолида учратиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, ҳокимият легитимлиги аҳолининг сиёсий маданиятига асосланади ва тузумнинг фуқароларнинг қадриятли тасаввурларига мос келишини англатади. Аммо легитимликка, яъни фуқаролар маъқуллаши ва қувватлашига эга бўлмасдан туриб, ҳокимиятнинг самарадорлигига эришиш мураккабдир. Бу эса сиёсий ҳокимиятдан жамиятдаги ўткир иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ечиш қобилиятини амалда намойиш этишни талаб қиласди.

## 2. Ўзбекистонда шахс ва ҳокимият муносабатларини демократлаштириш

Мустабид тузум ва маъмурий буйруқбозликка асосланган собиқ сиёсий тизимнинг барҳам топиши, жамиятнинг демократияга томон юз тутиши мустақил Ўзбекистонда шахс ва сиёсий ҳокимият муносабатларини ҳам демократлаштириш масаласини кун тартибига қўйди. Бироқ демократик, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим омил бўлган бу вазифани бажариш осонликча кечмайди. Бунинг боиси – давлат қурилиши ва, айниқса, бошқарувида собиқ совет тузумидан ворис бўлиб қолган эскича бошқарув тафаккури, усуллари ва воситаларининг қолдиқлари чукур илдиз отганлиги, ҳамон сақланиб қолганлигидир.

Мустақиллик қўлга киритилгач, ўтиш даврида бажарилиши зарур бўлган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда кўлгина ижобий ишлар қилинди. Бироқ тадқиқотчиларнинг қайд этишларича, бу масалада ҳали ечимини кутаётган муаммолар тўла бартараф этилгани йўқ. Жумладан, «Демократия бошқарув тизими билан халқ ўртасида вертикал эмас, балки горизонтал муносабатлар бўлишини, маъмурий шахснинг оддий фуқаро билан мулоқоти конституциявий асосда ва мақомда бўлишини тақозо этади».<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Қодиров А.Қ. Ўтиш даврида демократия ва бюрократия // Ҳуқуқ-Право-Law. 2000. №2. – Б. 34.

Бошқарув тизимидағи бюрократия, маъмурий-буйруқбозлик ўз-ўзидан эмас, балки муайян ижтимоий мұхит заминнің шаклланады. Шунинг учун бюрократия, маъмурий буйруқбозликнинг сақланиб қолишида фақат бошқарув тизими ходимларини – ҳокимлар, вазирлар ва башқа ижро ҳокимијати намояндадаринигина қоралаш инсофдан бўлмайди. Фуқаролар сиёсий онгининг ночорлиги, ҳуқуқий маданият ва билимдонликнинг заифлиги ҳам бунда муайян роль йўна-моқда. Бунинг реал сабаблари мавжуд.

Биринчидан, собиқ тузум кўпчилик онгидага давлат ҳалқдан устун турувчи, ҳалқ тақдирини белгиловчи бенуқсон куч, деган тушунчани шакллантирган эди. Иккинчидан, давлат идораларида ишлаш моддий ва маънавий жиҳатдан имтиёзларга эга бўлиш имкониятларини яратганди. Мансабпастлик мутасадди қатламларда тарбиянинг ўзак принципларидан бирига айланган эди.<sup>1</sup>

Мустақиллик Ўзбекистонда кадрлар сиёсатини қайта кўриб чиқишини, давлат идоралари учун маънавий соғлом шахсларни тарбиялашни, эскича андозалардан чиқишини тақозо этди. Зоро, шахс ва ҳокимият муносабатларини демократлаштиришда озодликка чиқсан ҳалқ учун уни юксак мақсадлар сари етакловчи сиёсий элитани шакллантириш мухим вазифага айланди.

Мустақилликни мустаҳкамлашга, шахс ва ҳокимият муносабатларини демократлаштиришга хавф соладиган салбий жараёнлардан бири айнан маънавий носоғлом маъмурий аппарат, жиноятчилик ва коррупция келтирадиган хавф бўлганилиги учун ҳам Президент И. А. Каримов «Коррупция домига илингандан амалдорлар шахсий бойлик ортириш мақсадларини ва уруғ-аймоқларнинг манфаатларини давлат манфаатларидан устун кўяди. Бу эса мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий йўлига ҳамда аҳолининг аксарият қисмига тузатиб бўлмайдиган зарар етказади»<sup>2</sup>, деб қайд этган эди.

Шунинг учун, назаримизда, жамиятни хатосиз бошқаришнинг энг юксак тартиблари ва қоидалари яратилганда ҳам бу

<sup>1</sup> Қодиров А.Қ. Ўтиш даврида демократия ва бюрократия // Ҳуқуқ-Право-Law. 2000. №2. – Б. 34.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т., 1997. – Б. 88.

тартиб ва қоидаларни ҳаётга татбиқ эта оладиган оқилона маъмурий аппарат (сиёсий элита) бўлмас экан, барча ҳаракатлар зое кетиши мумкин.

Сиёсий элита ўз-ўзидан шаклланмайди. У жамиятда зарур сиёсий шарт-шароитлар вужудга келгандагина етакчи куч сифатида майдонга чиқади. Уни шакллантирувчи сиёсий куч сифатида мамлакатдаги сиёсий партиялар, сиёсий ҳаракатлар, жамоат ташкилотлари ва сиёсий муҳолифат кучлар майдонга чиқади.

«Агар демократияга интилиш қофозда эмас, амалда бўлса, сиёсий элита жамиятда ҳокимиятнинг тақсимланиш принципига риоя қилади, мавжуд сиёсий ҳокимиятга нисбатан вето ва импичмент институтларини қўллашни қувватлайди, ОАВнинг чиндан ҳам «тўртинчи ҳокимият» эканлигини тан олади ва бу мақомнинг жамиятда қарор топишини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшади. Ошкоралик, сиёсий муносабат ва рақобатда горизонтал ҳолатни таъминлаш – жамиятнинг демократлашуви талабларидандир. Сиёсий элита ОАВ ёрдамида жамият сиёсий ҳаётини ошкора, ҳеч қандай сиёсий чеклашларсиз (цензурасиз) масъулият билан оммага етказади, омма қайфиятни ўз фаолияти учун омил деб билади».¹

Шахс ва ҳокимият муносабатларини демократлаштиришда муҳим омил бўлган юқоридаги вазифаларни бажариш учун Президент хузурида Давлат қурилиши ва бошқаруви Академияси (1995), Адлия вазирлиги қошида Ҳукуқшунос кадрларни қайта тайёрлаш маркази барпо этилди. Шунингдек, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» асосида олиб борилаётган миллий кадрлар тизимини янгилаш сиёсати бу борада кутилган самарани беришидан умид қилинмоқда.

Демократик давлат бошқаруви талаблари парламентнинг роли ва таъсирини кучайтиришни, ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд тармоқлари ўртасида янада мутганосиб ва барқарор мувозанатга эришишни, нодавлат ташкилотлари ва ўюшмалари мавқеининг ошиб боришини, давлатчилигимиз ривожлана борган сари бошқарувнинг турли хил вазифаларини бевосита ҳалқа топшириш, яъни ўзини-ўзи бошқариш

¹ Қодиров А.Қ. Жамиятни демократлаштиришда сиёсий элитанинг роли / / Ҳукуқ-Право-Law. – 2001. №1. – Б. 23.

органларини янада ривожлантиришни тақозо этади. Юқорида зикр этилган мақсад ва ўйналишларнинг барчаси, аввало, мамлакатимизни модернизация қилиш борасида узоқни кўзлайдиган «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» деган тамойилни ўзида ифода этади.

Хулоса шуки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда шахс ва ҳокимият муносабатларини демократлашириш таракқиётимизни таъминлашнинг асосий омилига айланди. Бу вазифани бажаришни изчиллик билан давом эттириш эса фуқаролик жамиятини қуриш имкониятини яратади.

### **3. Сиёсий партияларнинг келиб чиқиши, вазифалари ва турлари. Партиявий тизимлар**

Ҳозирги замон жамиятларининг сиёсий ҳаёти мураккаб, зиддиятли ва серқиррали бўлиб, унда кўп сонли иштирокчилар, яъни сиёсат субъектлари иштирок этади. Бу иштирокчилар орасида энг кўзга кўринарли ўринлардан бирини сиёсий партиялар эгаллади. Бугунги ривожланган дунёда сиёсий партия мавжуд бўлмаган давлат борлигини тасаввур қилиш мушкул, деярли барча давлатларда икки ёки кўп партиявий тизим мавжуд. Цивилизациянинг энг муҳим ютуқларидан бўлмиш сиёсий партия ижтимоий ҳаётдаги демократия ва барқарорликни таъминлашда асосий омиллардан бири бўлиб, у ижтимоий ташкилотлар орасидаги энг сиёсийлашган ташкилотdir.

Сиёсий партия тушунчасининг луғавий маъноси нима, унинг пайдо бўлиши ва кейинги тарихи қайси замонларга бориб тақалади, деган савол туғилиши табиий.

«Партия» атамаси лотинча «parts» сўзидан келиб чиққан бўлиб, «қисм», «бўлак» деган маъноларни англатади. Сиёсий партия деганда фуқароларнинг муайян сиёсий мақсадлар атрофида бирлашган ва муайян сиёсий ташкилотларга уюшган қисми, бўлаги тушунилади.

Дастлабки партиялар Қадимги Грецияда эрамиздан аввалги замонларда вужудга келган эди. Ҳудудий бўлиниш асосида ташкил топган бундай партиялар Платон, Аристотель ва бошқалар томонидан салбий баҳоланганди эди. Хусусан, Аристотель Қадимги Грециядаги уч асосий сиёсий партия – денгиз соҳилида, текисликда ва тоғли ҳудудларда истиқомат қилув-

чи фуқаролар ўртасидаги мавжуд кураш, ўзаро рақобат ҳақида ёзиб, бу партиялар ижтимоий яхлитлик ва давлат бирлигига раҳна солиши мумкин, дея қайд этган эди.

Қадимги Римда «партия» түшунчаси, асосан, у ёки бу император (масалан, Цезарь ёки Сула) сиёсатини қўллаб-қувватловчи гуруҳни ифодалаш учун ишлатилганлиги тарихдан маълум.

Ўрта асрлардаги сиёсий партиялар жамиятда зиддиятлар кучайганда, феодаллар ва бошқа синфлар ўртасида юзага келган ижтимоий келишмовчиликлар шароитида вужудга келган.

Замонавий маънодаги сиёсий партиялар маълум бир ижтимоий гуруҳнинг манфаатларини уюшган ва изчил тарзда ифода эта оладиган вакиллик сифатида XVII–XVIII асрлардаги инглиз ва француз буржуа инқилоблари даврида шаклланди.

Саноат инқилоби натижаси ўлароқ, капиталистик бозор муносабатларининг тезкор ривожи Европа жамиятларининг кучли табақаланишига олиб келди. Ижтимоий муаммоларни сиёсий йўл билан, яъни ҳокимият орқали ҳал этиш ҳаётий масалага айланди. Шутарзда сиёсий партияларнинг роли ҳам ортиб борди.

М. Вебер таклиф этган сиёсий партияларнинг шаклланиш тарихига оид классификацияга кўра сиёсий партиялар дастлаб зодагонларнинг сиёсий тўғараклари тарзида пайдо бўлиб, кейинчалик сиёсий клубларга, сўнгра эса оммавий партияларга айланганлар. (Бироқ ҳамма партиялар ҳам ўз тарихларида бу уч босқични босиб ўтмаганлар. Одатда, кўпинча сиёсий клуб ёки ижтимоий-сиёсий ҳаракатлардан сиёсий партиялар келиб чиққан.) Масалан, Англияда 1831 йилда тузилган «Чарлтон клаб» консерваторлар партиясига, 1836 йилда тузилган «Реформ клаб» клуби эса либерал партияга асос бўлган.

Шаклланаётган айрим сиёсий клублар парламентлар билан узвий боғлиқ эди. Жумладан, Франция миллий мажлиси депутатларининг бир қисми бўлган якобинчилар<sup>1</sup> 1791 йил-

<sup>1</sup> И з о ҳ: Улар муқаддас Яков монастирида ўз клублари йигилишларини ўтказганликлари учун «якобинчилар» номини олган эдилар.

да бутун Франция бўйича 448 та провинциал гуруҳларга эга эдилар.

Шу тариқа Францияда XVIII асрга келиб сиёсий партиялар узил-кесил шаклланди. Бу пайтда Франция ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этган якобинчилар, жирондистлар, эберистлар, анархистлар ҳозирги замонда кенг тарқалган ўнг, сўл ва марказ партияларга асос солдилар. Улар кейинчалик утопик (хаёлий) коммунистик ва социалистик партияларга асос бўлишиди. (Ш. Фуръс, Сен-Симон ва бошқалар).

АҚШда сиёсий партиялар XVIII аср охири XIX аср бошларида конгресс (яъни, парламент) фракциялари (федералчилар ва республикачилар) шаклида пайдо бўлиб, икки партиявийлик асосидаги партиявий тизимни вужудга келтириди. Бу тизим кейинчалик АҚШда буржуа демократиясининг асосини ташкил қилди.

XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб, сиёсий партияларга бирлашиш жамиятнинг фақат зодагон қатламларигагина хос хусусият бўлмай қолди. Чунки бу даврда кўп сонли оддий фуқароларни ўз сафларига бирлаштира олган оммавий партиялар ҳам ташкил топдики, бундай оммавий партияларнинг дастлабкиларига 1861 йилда ташкил топган Англия либерал партиясини ҳамда 1863 йилда тузилган биринчи оммавий ишчи партияси бўлган Умумгерман Ишчилар Союзини киритишимиш мумкин. Пайдо бўлаётган сиёсий партияларнинг фаолиятида сиёсий ҳокимият билан алоқадорлик, унга таъсир кўрсатиш имкониятлари кучайиб борди.

Хўш, бунинг сабаблари нимада эди?

Оммавий сиёсий партияларнинг вужудга келиши ва сиёсий мавқеининг кучайиб боришида XIX асрнинг иккинчи ярмида Европа мамлакатларида умумий сайлов ҳуқуқининг фуқаролар томонидан сиёсий ҳуқуқ сифатида кўлга киритилиши сиёsat субъектлари сонининг кескин ошувини таъминлади.

Куйидаги далилларга эътибор берайлик: Англияда 1830 йилда сайлов ҳуқуқидан 200 минг, 1832 йилда 600 минг, 1883 йилга келиб эса 9 миллион фуқаро фойдаланадиган бўлди.

XX асрда Хитой коммунистик партияси энг кўп аъзолари бўлган (50 миллиондан ортиқ) оммавий сиёсий партияга айланди.

Хуллас, сиёсий партиялар бугунга келиб, дунёнинг ривожланган давлатларида халқ билан ҳокимият ўртасида асосий боғловчи бўғин бўлган демократик институттага айландилар. Бундан холоса шуки, сиёсий партия жамиятнинг бир бўлаги бўлиб, у муайян гурӯҳ ёки қатламнинг мақсад ва манфаатларини ифода этувчи, уни умумдавлат ва умуммиллат манфаатлари билан уйғунлаштирган ҳолда фаолият кўрсатадиган, ривожланишнинг сиёсий йўналишларини аниқлаб берадиган сиёсий ташкилотdir.

Сиёсий партия, одатда, муайян сиёсий дастур асосида фаолият кўрсатади. Бунинг боиси – сиёсий партия атрофида жамиятнинг муайян гурӯҳлари, табақалари, синфлари маълум бир маслак, фояси асосида бирлашадилар.

Давлат ҳокимиятини қўлга киритиш мақсади ҳар бир сиёсий партиянинг фоявий-сиёсий ҳужжатларида, хусусан, унинг дастурида ифодаланади. Фоявий-сиёсий дастурда партия нима учун ва ким учун сиёсий ҳокимиятни қўлга киритмоқчи эканлиги, қандай аниқ мақсадларни ўз олдига қўйганлиги масаласи акс этган бўлади. Бироқ барча сиёсий партиялар ҳам бу мақсадларини очик-равшан ифода этишмайди. Кўпинча партиялар «барча фуқароларнинг» ёки «мехнаткашларнинг манфаатларини ифода этамиз», деган шиорларни илгари суришади. Аслида эса жамият аъзолари манфаатлари турлича бўлиб, ҳеч қачон бир-бирига тўлиқ мос келмайди.

Сиёсий партиялар, одатда, бутун жамиятнинг эмас, балки жамиятдаги муайян бир ижтимоий гурӯхнинг, гоҳида эса аҳоли қатламлари катта бир қисмининг манфаатларини ифода этадилар. Бунинг учун сиёсий партиялар жамиятдаги муайян гурӯҳлар манфаатларидан келиб чиқиб ҳаракат қиласдилар. Бу манфаатлар улар учун ижтимоий база, манба бўлиб хизмат қиласди, партиялар бу манфаатларни ҳимоя қиласдилар ва уларни қондириш учун ҳокимиятга эришишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўядилар. Сиёсий партиялар ҳамиша ҳам ўз туб мақсадларини очиқ баён этмасликларининг сабаби жамоатчилик хайриҳоҳлигини йўқотишни истамасликларидадир. Чунки кенг жамоатчиликнинг, бутун жамиятнинг хайриҳоҳлигига, қўллаб-қувватлашига эришиш йўлларини қидириш – сиёсий партиянинг муҳим хусусиятларидан биридир.

## **Сиёсий партиянинг вазифалари:**

1. Муайян сиёсий мақсаднинг ишлаб чиқилиш, ўз мафкураси ва дастурини яратиб, уни маъқулловчи жамоатчилик фикрини шакллантириш.

2. Сиёсий фаолиятда иштирок этиш. Бунда муайян манфаатлар ҳимоя этилади.

3. Фуқароларнинг сиёсий фаоллигини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш. Бунда фуқаро руҳияти партия мақсадларини амалга оширишга йўналтирилади ва жамоатчиликнинг фикрини шакллантиришда ОАВдан фойдаланилади.

4. Партиянинг ҳукмрон элитасини шакллантириш, ҳокимиятнинг вакиллик органлари ва жамият ўртасидаги алоқани таъминлаш, бошқа сиёсий институтлар билан биргаликда давлат ва ижтимоий бошқарувнинг механизмини шакллантириш, ҳокимият тузилмалари ва механизмларининг барқарорлигини таъминлаш.

5. Сиёсий маданиятни ошириш.

6. Парламент ва ҳукумат фаолиятига таъсир кўрсатиш.

7. Сиёсий етакчиларни тарбиялаш.

8. Давлат олдида турган мақсадларнинг шаклланиши ва амалга оширилишида фаол иштирок этиш.

Сиёсий партия фаолиятидаги асосий йўналишлардан бири – партиянинг дастурини, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий стратегиясини ишлаб чиқишидир. Бунда малакали мафкурашунос ходимлардан фойдаланилади.

Партиялар ўз фоявий функцияларини бажаришда бир томондан гоялар ишлаб чиқишига, иккинчи томондан, бу гоялар тарафдорларининг одамлар орасида кўпайишига ҳаракат қиласдилар. Бунда улар умуман жамиятни тараққий эттиришнинг моделларини жамоатчилик ва давлат эътиборига ҳавола эта-дилар, гарчи бу моделлар аслида муайян ижтимоий бирликларнинг манфаатларини ҳимоя этадиган моделлар бўлса ҳам.

Хуроса қилиб айтганда сиёсий партиялар фаолиятининг асосий йўналишлари қўйидагилардир:

1) муайян ижтимоий грухларнинг манфаатларини аниқлаш ва асослаш;

2) сиёсий доктрина ва дастурларни яратиш;

3) ҳокимият учун курашда иштирок этиш ва давлат ҳокимиятини амалга оширишда давлат фаолияти дастурини яратиш;

4) жамиятни ёки унинг муайян қисмини сиёсий тарбиялаш, жамоатчилик фикрини шакллантириш;

5) давлат аппарати учун ходимларни тайёрлаш ва тавсия этиш.

Ўзбекистон шароитида эса юқоридагилардан ташқари сиёсий партиялар янги бир демократик тузум қуришда жамият олдида турган энг долзарб муаммоларни илгари суришда, уларни ҳал этишнинг йўлларини кўрсатишда, давлат ва жамият курилишида амалий таклифлар билан чиқишида ташаббускор бўлишлари зарур.

**Сиёсий партиялар турлари.** Сиёсатшуносликда сиёсий партияларни турларга ажратишида турли хил ёндашувлар мавжуд. Бу ёндашувларнинг ҳар бирида муайян бир мезонга (кри-терийга), масалан партиянинг синфий табиати, сиёсий фаолият воситалари, мавжуд ижтимоий тузумга муносабати, таркибий тузилиши, сиёсий тизимдаги ўрни ва роли, мафкурага муносабатига кўра партиялар у ёки бу турларга ажратилади.

*Сиёсий партиялар синфий табиатига кўра:*

- ишчи партияларга (социал-демократик, коммунистик);
- буржуа партияларига (майда буржуа партиялари, миллий буржуазия партиялари);
- ўрта табақалар партияларига (демократик партиялар);
- синфлараро партияларга (ишчи-дехқон, зиёлилар, миллатчилар партиялари);
- дехқонлар партияларига бўлинади.

*Сиёсий фаолият воситаларига кўра:*

- парламент ва нопарламент партияларга.

**Мавжуд ижтимоий тузумга нисбатан муносабатларига кўра:**

– инқилобий, реформистик, либерал, консерватив партияларига бўлинади.

*Таркибий тузилишига кўра:*

- кадрлар партияларига ва оммавий партияларга.

**Жамиятнинг сиёсий тизимида эгаллаган ўринлари ва ролларига кўра:**

– ҳукмрон ва кам таъсирили партияларга, сўл, марказ, ўнг партияларга ҳамда мухолиф партияларга бўлинади.

*Мафкурага муносабатига кўра эса сиёсий партиялар:*

– ўта мафкуралаштирилган партияларга ва прагматик партияларга бўлинади.

Энди юқорида қайд этилган мезонлар бўйича партияларни турларга ажратишни батафсилоқ таҳдил қиласиз.

Партияларни таркибий тузилишига кўра кадрлар партиялари ва оммавий партияларга бўлиш 1950 йилларда машҳур француз сиёсатшуноси ва социологи М. Дюверже томонидан ишлаб чиқилган. Кадрлар партиялари XIX асрнинг ўрталарида сиёсатдаги электорал қўмита ва парламент гурухлалининг эволюцион ривожланиши натижасида пайдо бўлган.

Шунинг учун кадрлар партиялари ўз аъзоларининг оз сонлиги, аъзолик мажбуриятларининг оддийлиги билан ажралиб турадилар. Бундай партиялар, аввало, профессионал сиёсатчиларга, молия элитасига сунадилар. Чунки, профессионал сиёсатчи ва молия элитаси партияни моддий жиҳатдан таъминлай олади. Кадрлар партияларида парламент аъзолари, яъни депутатлар ҳукмон мавқени эгаллайдилар. Ўз юксак ва ҳукмон мавқеи боис бундай партиялар сиёсий кучлар майдонида марказдан ўнг қанотда турадилар ҳамда либерал ва консерватив партиялар сифатида фаолият юритадилар.

Сайловларда ғалаба қилиш учун кадрлар партиялари ўз сафларидаги аъзоларни кўпайтиришни эмас, балки жамият элитаси вакилларини, фаолларни жипслаштиришга ҳаракат қиладилар.

«Нима учун?» деган ҳақди савол туғилади. Чунки сиёсий элита биринчидан, сайловчилар орасида обрў-эътиборга эга, иккинчидан, у сайлов кампаниясидаги харажатларни қоплашга ёрдам беради. Демак, кадрлар партияларида аъзолар сонига эмас, балки сифатига асосий эътибор берилади.

Оммавий партиялар эса аъзолари сони кўплиги ва аъзоликнинг доимийлиги билан ажралиб турадилар. Улар умумий сайлов ҳукуқи жорий этилиши муносабати билан, асосан, ишчилар ҳаракати тўлқинида пайдо бўлган. Оммавий партияларга коммунистик, социал-демократик, популистик ва XX асрда бир неча йиллар айрим давлатларда ҳукмонлик қилган фашистик партиялар мансубдирлар.

Демократик мамлакатларда ҳар бир сиёсий партия имкони борича кенгроқ аҳоли қатламларини қамраб олишга ҳаракат қилади. Шу муносабат билан сўнгги 20 йил ичida ғарб жамиятида аралаш социал базага эга бўлган, эклектик ғояга

таянувчи партиялар пайдо бўлди. Эклектизм – юончада *eklektikos* – танлаб оловчи деган маънони англатади. Бундай партияларда сиёсий қарашларда ҳамиша ҳам бирлик, яхлитлик, тадрижийлик мавжуд бўлмайди. Эклектик партияларда турли қараш, ғоя, принцип ва назарияларнинг ўзаро чатишиб, бирлашиб кетганлиги кузатилади. Эклектизмга мойил партиялар ўз аъзоларидан кўра сайловчиларга кўпроқ эътибор берадилар, улар унчалик мафкуралаштирилмаганлар, тез-тез зўрликтан холи оммавий акциялар (тадбирлар) ташкил этадилар, кенг аудиторияга мурожаат этадилар ва сайлов кампаниясига катта эътибор билан ёндашадилар.

Парламент партиялари XVI–XIX асрларда ҳали меҳнаткашлар сайлов ҳукуқи ва парламентда ўз вакилларига эга бўлмаган даврларда буржуа партиялари сифатида пайдо бўлган.

Нопарламент ёки авангард партиялар эса парламент ва сайловларсиз ишчи партиялари сифатида XIX асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлган эди. Бироқ ҳозирги замонда ҳар қандай партия, жумладан, нопарламент партиялар ҳам ўз келиб чиқишидан қатъни назар парламент партиясига айланишга ҳаракат қилмоқда, яъни ҳокимиятга парламент орқали келишга интилмоқда.

Сиёсий партиялар жамиятнинг сиёсий тизимида тутган ўрнига кўра «сўл», «марказ» ва «ўнг» партияларга бўлиниши Буюк Француз инқилоби даврида рўй берди. 1789 йилда Францияда Татьсис мажлиси депутатлари мажлисида залда қирол ҳокимиятини тиклаш тарафдорлари – ўнгда, республикачиниқилобчилар эса – мажлис раисининг чап томонида ўрин эгалладилар. Шундан бўён «сўл» қараш тарафдорлари аҳолининг камбағал қатламлари манфаатларини ифода этувчи қатъиятли, инқилобий, радикал кайфиятли кучлар ҳисобланади. Жамиятнинг ўзига анча тўқ қатламлари манфаатларини ифода этувчи реформистик, консерватив қараш ва фаолият тарафдорлари эса «ўнг» кучлар ёки «ўнг партиялар»га киритилади. Масалан:

- коммунистик ва социалистик партиялар – «сўл» партиялар;
- социал-демократик партиялар – «сўл-марказ» партиялар;

- деҳқонлар, майда буржуа, экологик партиялар – «марказ» партиялар;
- ўрта буржуазия ва миллий буржуазиянинг партиялари – «ўнг-марказ» партиялар;
- консерватив партиялар эса – «ўнг» партиялар деб ҳисобланади.

Шунингдек, миллатчи, фашистик, экстремистик партия ва ташкилотлар «ультра ўнг» партияларга мансубдирлар.

Табиийки, сиёсий партиялар турларига оид ҳар қандай мезонлар шартлидир, бироқ бу мезонлар жамиятнинг сиёсий ва партиявий ҳаётидаги мураккаб ва кўп қиррали жараёнларни ўрганишга ёрдам беради.

Партияларни турларга бўлишнинг энг оммабоп, оддийроқ мезони ҳам бор. Бу мезонга кўра улар авторитар, демократик, консерватив, либерал, клерикал, неофашистик ва ҳоказо партияларга бўлинадилар.

Партиявий тизимларни турларга бўлишда уларни уч гурухга ажратиш кенг тарқалган. Бундай таснифлашга кўра *бир партияли, икки партияли ва кўп партияли тизимлар* ўзаро фарқланади.

Бир қутбли ёки *бир партияли тизимда* якка партия ҳукмронлиги амал қиласди. Мухолиф ва йўлдош партияларнинг мавжуд эмаслиги бу партиянинг мутлақлашувига ва ижтимоий ҳаётнинг мафкуралашувига сабаб бўлади. Бу эса мамлакат ижтимоий-сиёсий тараққиётининг турғуллашувига ва ҳатто таҳлика остида қолишига ҳам олиб келади. Собиқ тоталитар гузумда ҳукмронлик қилган коммунистик партия тақдири бунга яққол мисолдир.

Мамлакат сиёсий ҳаётида устувор роль ўйнайдиган *икки партияли* тизимга Буюк Британия ва АҚШни мисол тариқасида қайд этиш мумкин. Буюк Британияда ҳокимият амалда консерваторлар (анъанавий қарашлар тарафдорлари) ва лейбористлар (мехнат) партиялари, АҚШда эса республикачилар ва демократлар партиялари орасида кечади. У қадар катта таъсирга эга бўлмаган кичик партиялар шу икки партия атрофида бирлашишлари мумкин. Икки партияли тизим муайян даражада ҳукумат барқарорлигини таъминлайди.

Президентлик бошқарувидаги республикаларда, масалан, АҚШда президентнинг бевосита раҳбарлигидаги ҳукумат фа-

олияти парламентдаги президент партиясининг мавқеи ва таъсири билан белгиланади. Бундан ташқари, модификация қилинган икки партияли тизим ҳам мавжудки, уни «Икки ярим партияли тизим» дейишади. Сайловларда икки асосий партиядан бири ютиб чиқиши имкониятини кучайтириш учун шу икки партияning ҳар бири мақсад жиҳатдан ўзига яқин, лекин мавқеи пастроқ бўлган партия билан иттифоқ тузишга ҳаракат қиласди.

*Кўн қутбли ёки кўп партияли тизимнинг ўзагини кўппартиялийк тамойили асосида фаолият юритадиган уч ёки ундан ортиқ партиялар орасидаги рақобат ташкил этади. Бундай партиявий тизимнинг шаклланишига турли омиллар: тарихий, миллий, ижтимоий, ғоявий омиллар сабаб бўлиши мумкин. Масалан, кўп синфли, кўп табақали, мулкчиликнинг турли шакллари, барқарор демократик анъаналар мавжуд жамиятларга икки партияли ёки кўп партияли тизим мос келади.*

Бироқ кўппартияли тизим устувор афзалликларга (масалан, плюрализм) қарамай, муайян камчиликларга ҳам эга. Маълумки, икки партияли тизимда икки рақиб партия ўз электоратини (сайловчиларини) максимал даражада кенгайтиришга ҳаракат қиласди. Натижада, сиёсий тизим эфективлиги кучаяди. Кўппартиявийлик тизимида кўп сонли майда партиялар мавжудлиги ва уларнинг ҳар бири нисбатан кўп сонли бўлмаган сайловчилар манфаатларини ифода этиши боис ҳокимият сиёсат субъектларининг кўплаб зиддиятли ҳаракатларига дуч келиши мумкин. Ниҳоят, кўппартиявийлик тизими айрим ҳолларда парламентда барқарор кўпчиликни таъминлаш имкониятини йўққа чиқариши мумкин. Натижада, вужудга келиши мумкин бўлган коалицион хукумат эса барқарорликни таъминлай олмаслиги мумкин.

Бироқ кўппартиявий тизимнинг бундай эҳтимолли камчиликларини партия коалицияларини тузиш орқали барта-раф этиш мумкин. Чунки, бундай йўл туфайли сиёсий партиялар фракцияларидан иборат партиявий коалициялар ҳеч бўлмаганда парламентда ўз сиёсий ҳаракат ва йўлларини ўзаро мувофиқлаштириб оладилар.

#### **4. Ўзбекистондаги сиёсий партиялар фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари**

Шуни эътироф этиш керакки, Ўзбекистонда кўп партия-вийлик содир бўлган воқеликдир. Собиқ шўро ҳукуматининг қуролли истилоси натижасида Туркистонда XX асрнинг 20-йилларида таъқибга олиниб, тутатилган «Турон», «Иттиҳоди тараққий», «Бирлик», «Шарқ озодлиги», «Ёш буҳороликлар», «Ёш хиваликлар» каби кўплаб партия ва ижтимоий-сиёсий ташкилотлар фаолият кўрсатганлиги тарихдан яхши маълум. Бугун эса эришилган миллий мустақиллик туфайли Ўзбекистонда сиёсий партиялар яна жамиятнинг ижтимоий-сиёсий таркибига, демократик парламентнинг асосий омилига айланниб бормоқда. Сиёсий партиялар ўзларининг жамият сиёсий тизимида эгаллаган мавқеларидан келиб чиқиб дастурлар ишлаб чиқадилар, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий тараққиёт йўлларини белгилаб берадилар. Шу орқали жамият ва давлат ривожига ўз ҳиссаларини қўшадилар. Айнан сиёсий партиялар сиёсий жараёнларнинг жамоатчилик назорати остида кечишини таъминлашга ёрдам бериш билан бирга давлатни жамиятнинг турли ижтимоий гуруҳ ва қатламлари билан боғлаб, улар ўртасидаги муштаракликни янада кучайтирадилар.

Ҳозирда мамлакатимизда Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, яъни тўрт сиёсий партия фаолият кўрсатмоқда.

Жумладан, уларнинг биринчиси Ўзбекистон халқ демократик партияси бўлиб, унга 1991 йилнинг 1 нояброда бўлиб ўтган таъсис қуултойида асос солинган. ХДПнинг асосий дастурий мақсади, бош сиёсати, қундаклик фаолиятининг асосий қисми сифатида халқимиз меҳнат аҳли, ҳар бир оиласининг моддий ва маънавий, барқамол бўлишига кенг имкониятлар яратиш, фуқароларнинг конституциявий ҳукуқлари ва эркинликларини кафолатлаш, дини, мазҳаби, миллатидан қатъи назар, барча инсонларнинг шаъни, қадр-қиммати, тинч ҳаётини ишончли ҳимоя қилиш белгиланган<sup>1</sup>. «Ўзбекистон

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг низоми ва дастури. Халқ сўзи. 1995 йил 25 март.

овози» (ўзбек тилида) ва «Голос Узбекистана» (рус тилида) газеталари партиянинг марказий нашрларирид.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партиялар ўртасида ташкил этилишининг хронологик кетма-кетлиги жиҳатидан иккинчи ўринда тургани бу – Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидир (ЎзАСДП). Ушбу партия 1995 йил 18 февралда ташкил топган. Партия ижтимоий таркибини, асосан, зиёлилар, ёшлар, ишчилар ва аҳолининг бошқа қатламлари ташкил этади.

ЎзАСДП ўз дастурида Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашни сиёсат соҳасидаги асосий вазифа деб билади. Партиянинг бошқа партиялардан ажralиб турадиган асосий хусусияти шундаки, у мамлакатимизда мафкуравий бўшлиққа йўл қўймасликни ўзининг муҳим вазифаларидан бири қилиб белгилаган. Партия дастурида жамиятда адолат мезонининг бузилишига қарши кураш олиб бориш вазифаси қайд этилган бўлиб, бу вазифа жамиятда адолатни, ҳақиқатни қарор топтириш, қонун устуворлигини таъминлаш, демократик юксак онглилиқ, маънавий-ахлоқий қадриятларга амал қилувчи фуқароларни тарбиялашдек тадбирлар билан ҳамоҳанг тарзда амалга оширилади. Партиянинг марказий нашри – «Адолат» ижтимоий-сиёсий газетаси.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партиялардан яна бири Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси (ЎзМТДП) ҳисобланади. У илк бор 1995 йилнинг 3 июнидаги таъсис қурултойида ташкил топган эди.

Жамият тараққёти ва сиёсий партиялар амалиёти бора-сида тўпланган тажриба партияларнинг бирлашувига сабаб бўлмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ 2008 йилнинг 20 июнида «Миллий тикланиш» демократик партияси ва «Фидокорлар» миллий демократик партиясининг бирлашув қурултойи қарори асосида янги Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси тузилди<sup>1</sup>. Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси 2008 йил 11 августда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган. Бун-

<sup>1</sup> Қаранг: «Миллий тикланиш» демократик партияси ва «Фидокорлар» миллий демократик партияси бирлашув қурултойининг қарори. – Тошкент. 2008.

дай бирлашиш мазкур партиялар томонидан сўнгги йиллардаги ўз фаолиятини чуқур таҳтил қилиш, шунингдек, иккала партиянинг асосий мақсадлари ва вазифалари, мафкурасининг яқинлигини англаш натижасида содир бўлди.

“Янгиланган Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг асосий мақсад-вазифаси миллий анъана-ларни ва қадриятларни сақлашдан иборат. Партия ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш, фан-техника тараққиётини ва Ўзбекистоннинг глобаллашиб бораётган дунёда муносаб ўрин эгаллашини таъминлашни ёқлади. Партиянинг марказий нашри – «Миллий тикланиш» газетасидир.

Шу ўринда ҳозир амалда мавжуд бўлмаса-да, лекин «Миллий тикланиш» партияси таркибига кирган собиқ «Фидокорлар» партиясига ҳам тўхталишни лозим топдик. Партиянинг вужудга келиши ва фаолият кўрсатишидан мақсад мамлакатда янги шаклланаётган кичик ва ўрта мулқдорлар ижтимоий табақасининг сиёсий манфаатларини ифода этиш эди. 2000 йилнинг 14 апрелида Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий демократик партияси ва Ўзбекистон «Ватан тараққиёти» партиялари бирлашиб, партиянинг номи «Фидокорлар» миллий демократик партияси деб аталган эди. Бу бирлашишда ҳар иккала партиянинг дастурий мақсадлари муштараклиги, таянадиган ижтимоий табақалари тадбиркорлар ва ишбилармонлар эканлиги муҳим роль ўйнади.

«Фидокорлар» партияси илк бор ташкил топиб, янги иш бошлаганида мамлакатимиз равнақи, фуқароларимизнинг фаровон ҳаётини таъминлаш борасида бир қатор самарали тадбирларни амалга ошира бошлаган эди. Лекин айрим объектив ва субъектив сабабларга кўра ушбу партия ўртаҳол партия даражасига тушиб қолди.

Бу вақтда ўзига хос замонавий партия – Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси мамлакат сиёсий майдонига чиқди. 2003 йилнинг 15 ноябрида ташкил топган ЎзЛиДеп мулқдорлар синфи, кичик бизнес, фермер хўжаликлари, ишлаб чиқариш ва бошқарувдаги юқори малакали мутахассислар ҳамда ишбилармон кишилар манфаатини ифода этади, ҳимоя қиласиди.

Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг мақсад ва

вазифаларига оид фикрлар 2003 йил 7 октябрда Президент Ислом Каримовнинг янги тузилаётган сиёсий партия ташаббус гуруҳи аъзолари билан учрашувдаги нутқида баён этилди. Жумладан, янги ташкил этилаётган партия ўз эътиборини дунёдаги тараққий топган давлатларнинг эркинлаштириш ва демократлаштириш борасидаги тажрибаларини инобатга олиб, либерал-демократик фояларни олдинга сурган ҳолда фуқароларнинг турмуш даражасини ўстириш, йўлимиздаги ғов-тўсиқларни олиб ташлаш, Ватанимизнинг тараққиётини жадал суръатлар билан ривожлантиришга қаратиши лозим эди<sup>1</sup>.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ЎзЛиДеп қуидагиларни ўз фаолиятининг асосий мақсади сифатида белгилади:

— сиёсий кучга айланиб, тадбиркорларнинг йўлини янада очиб, уларнинг истиқболини ҳам назарий, ҳам амалий соҳаларда исботлаб бериш, манфаатини ҳимоялаш, эртанги кунини таъминлаш. Шу ижтимоий тоифа номидан Ўзбекистоннинг сиёсий саҳнасига чиқиш ва ўзининг муносиб ўрнини эгаллаш;

— Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига жавоб берадиган, унинг стратегик истиқболлари дастурини Конституция принципларига суюниб, бошқа сиёсий партия ва ҳаракатлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга татбик қилиш учун партиянинг куч-имкониятларини сафарбар этиш;

— Ўзбекистон танлаган очиқ демократик, бозор иқтисодиётiga асосланган ҳуқуқий давлат қуриш, фуқаролик жамияти институтларининг ривожига кенг йўл очиб бериш ва демократик қадриятларни халқимиз, аввало, ёшлар онги ва ҳаётига сингдириш;

— давлатни бошқариш, жамиятда шаклланаётган қарашларга таъсир ўтказиш, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, ҳаётимиздаги муаммоларни ҳал этишда кўмаклашиш, юртимида тинчлик ва осойишталикни сақлаш,

<sup>1</sup> Қаранг: *Каримов И. А. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ижтимоий қатлами Ўзбекистон сиёсий майдонида ўз ўрнини эгаллаши лозим / Янги тузилаётган сиёсий партия ташаббус гуруҳи аъзолари билан учрашувдаги нутқ. Халқ сўзи. -- 2003 йил 8 октябрь.*

асраб-авайлашда, миллатлараро ва фуқаролараро аҳиллик ва тутувликни мустаҳкамлаш ишида фаол қатнашиш;

— ўзи учун сиёсий платформа деб танлаб олган либерал-демократик ғоялар ва мақсадларни ўз фаолияти билан кенг омма онгига сингдириш, бу борада ҳар томонлама чукур ўйланган ташвиқот ва тарғибот ишларини олиб бориш, ўз сафини кенгайтириш.<sup>1</sup>

ЎзЛиДeP юқорида қайд этилган вазифаларни ўз уставида мустаҳкамлаб, амалий фаолиятида рўёбга чиқармоқда. Матбуот нашри «XXI аср» газетаси бўлиб, партия фаолиятини кенг ёритиш, ўз мақсад ва вазифаларини амалга оширишга, аҳолини сиёсий жараёнларда фаол иштирок этишига салмоқли ҳисса кўшмоқда.

Мавжуд партиялар ўз фаолиятларини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Олий Мажлиснинг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги (1996 йил 26 декабрь), «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги (2004 йил 29 август), «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонуни (2007 йил 11 апрель) асосида амалга оширадилар. Сиёсий партия тузиш учун камидаги саккизта худудий субъектда (вилоятда), шу жумладан, Қорақалпогистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида яшайдиган ҳамда партияга бирлашиш истагида бўлган камидаги йигирма минг фуқаронинг имзоси бўлиш талаб этилади<sup>2</sup>.

Партия Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олингач, юридик шахс мақомини олади. Минтақавий партиялар тузилишига йўл қўйилмайди. Чунки турли минтақавий партияларнинг мавжуд бўлиши ягона мамлакатнинг бўлиниб кетиш хавфини туғдиради. Ўзбекистонда:

— конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи;

<sup>1</sup> “Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси” Устави. –Т.: 2006 йил. – Б. 4–5.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонуни. 6-модда. (ЎзР 12.12.2003 й. 568-II сон қонуни таҳриридаги қисм) // Ўзбекистонда сиёсий партиялар. «Академия», Т., 2007. – Б. 226.

- Ўзбекистон Республикаси суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи;
- урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи;
- ҳалқнинг соғлиги ва маънавиятига тажовуз қилувчи;
- миллий ва диний руҳдаги партияларни тузиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши тақиқланади.<sup>1</sup>

Шунингдек, ушбу қонуннинг 4-моддасига қўра судьялар, прокурорлар ва прокуратура терговчилари, ички ишлар органдари, миллий хавфсизлик ходимлари, ҳарбий хизматчилар сиёсий партияларга аъзо бўла олмайдилар.<sup>2</sup> Чунки, юқоридаги соҳалар ходимлари партия аъзолари қўллаб-қувватловчи муаяйн foялар, мафкуралар асосида эмас, балки Конституция ва у асосида ишлаб чиқиладиган қонунлар асосида ўз вазифаларини бажарадилар. Уларнинг у ёки бу партияга аъзо бўлишлари эса қонунчиликни адолатли ва холис амалга оширишга тўсқинлик қилган бўлур эди. Бундан ташқари, демократик давлатда бирор бир мафкура давлат мафкураси сифатида тан олинмаслиги ҳам бу модданинг мантиқан тўғри қабул қилинганигини кўрсатади.

Шуни эътиборга олиш керакки, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг ва улар мансабдор шахсларининг сиёсий партиялар ички ишларига аралашишлари ёхуд, агар фаолият қонунга ҳамда ўз уставларига мувофиқ амалга оширилаётган бўлса, улар фаолиятига у ёки бу тарзда тўсқинлик қилишлари ман этилади.

Ноэкстремистик партиялар ўртасидаги маданиятли рақобатга асосланган партиявий тизим биз қуриш йўлида бўлган демократик жамият тақдирида улкан роль ўйнайди. Шу мусносабат билан Президент И. А. Каримов «Модомики, биз демократик жамият қурмоқчи эканмиз, жамиятимизда албатта кўп партиявийлик тизими бўлиши керак... Кўп партия-

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрдаги «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонуни, З-модда. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 1997 й., № 2. – Б. 12.

<sup>2</sup> Ўша қонун, 4-модда. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 1997 й., №2. – Б. 12.

вийлик, аввало, жамиятимизда ўз манфаат ва қарашларига эга бўлган ҳар қайси ижтимоий қатлам ва гуруҳнинг мақсад ва интилишларини тўлиқ акс эттириши керак. Чунки ҳаёт бор экан, инсон бор экан, ҳар қайси тоифа ўзининг манфаатларини қандайдир йўллар билан амалга оширишга ҳаракат қиласи, бу ҳаётни қандай ташкил этиш лозим, инсон, оила қандай шароитда тинч ва баҳтли яшаши мумкин, деган масалалар атрофида фикр юритади, керак бўлса, қонуний йўллар билан ўз мақсадига эришишга интилади... Шунинг учун ҳам ҳар қайси партия – халқнинг маълум қатлами манфаатларини ифодаловчи сиёсий куч, десак айни ҳақиқат бўлади<sup>1</sup>, деб таъкидлайди.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг Қонунчилик палатасида учта партия – ЎзЛиДеП, «Миллий тикланиш» демократик партияси, «Адолат» социал-демократик партияси фракцияларининг Демократик блоки тузилган ва самарали ишлаб турибди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси тимсолида парламент мухолифати фолият кўрсатмоқда.

2004 йилнинг декабрида Ўзбекистонда парламентчиликнинг икки палатали андозасига, яъни бикамерализмга ўтилди. Чунки, ҳозирги шароитда қуйи палатани реал ҳокимият кучига эга бўлган сиёсий партия вакиллари билан мустаҳкамлаш ва энг муҳими, ҳар бир сиёсий партиянинг ижтимоий обрўйини оширишга имкон яратиш, соғлом, яратувчи сиёсий оппозицияга кенг йўл бериш орқали сиёсий ҳаётда демократия принципини мустаҳкамлаш зарур. Акс ҳолда қуйи палата ўзининг сиёсий вазифасини самарали бажара олмайди. Хусусан, қайд этилган сўнгги масала тўғрисида Президент И. А. Каримовнинг «Бизнинг заиф томонимиз – ҳақиқий оппозиция йўқ. Ҳукмронлик қилаётган кучга нисбатан оппозиция йўқ. Биз оппозиция деганда расмий сиёсатга қарши кучни тушунамиз. Қонунчилик палатасида ҳақиқий оппозиция пайдо бўлиши лозим. Бу ерда тортишувлар бўлиши ке-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Парламент – жамият ҳаётининг кўзгуси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи йигилишида сўзланган нутқ, 2005 йил 27 январь. // Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. – Т., 2005. – Б. 161-162.

рак. Бўлмаса, ҳақиқатни юзага чиқариб бўлмайди. Ҳақиқат баҳсларда туғилади, деб бежиз айтилмаган»<sup>1</sup>, деган сўзлари диққатга сазовор.

Шу жиҳатдан 2007 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонуни кўп partiya вийлик тизимини ривожлантиришда янги қадам бўлди. Чунки, демократик давлатларда мамлакат парламентига сайловларда иштирок этаётган у ёки бу партия ўзининг дастурий мақсадларини янгитдан шакллантирган ҳукуматнинг қандай йўлни (курсни) танлаши, унинг ўз олдига қўйган мўлжали ва мақсадли вазифаларига ўз муносабатини билдирган ҳолда белгилайди. Янгитдан сайланган парламентда мутлақо кўпчилик ўринни эгаллаган партия ҳукуматни шакллантиради, унинг етакчиси ёки вакили эса Боз вазир лавозимига даъвогарлик қилиш ҳуқуқини қўлга киритади. Парламентда кўпчилик ўринни эгаллашга муваффақ бўла олмаган партия эса «норасмий ҳукумат»ини сақлаб қолаверади ва у зарур бўлган пайтда мамлакат келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олиши мумкин.

Ушбу қонуннинг эътиборга молик жиҳати шундаки, «янгитдан шакллантирилган ҳукуматнинг тутган йўли (курси) ва дастури ёки унинг айрим йўналишларига қўшилмайдиган сиёсий партиялар фракциялари ўзларини мухолифат деб эълон қилишлари мумкин. Парламентдаги мухолифатнинг қонун билан кафолатланган ҳуқуқлари парламент кўпчилиги томонидан камситилиши мумкин эмас».<sup>2</sup>

Ривожланган демократик давлатларда кўпгина партиялар парламентдан жой олишга муваффақ бўлишдан анча илгари

<sup>1</sup> Каримов И.А. Парламент – жамият ҳаётининг кўзгуси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи йигилишида сўзланган нутқ, 2005 йил 27 январь. // Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. – Т., 2005. – Б. 170.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонуни, I-модда. // Халқ сўзи. – 2007 йил 12 апрель – № 71.

вужудга келган бўлиб, айни ўша даврда уларнинг ташкилий ва ички тузилиши шакл ҳамда сайқал топган. Партияниң шаклланиши учун узоқ вақт талаб этилади, сайлов кампанияси жараёнида унинг дастури ҳамда ташкилий тузилиши кўп маротаба синовдан ўтиши, ўз сафига янги аъзоларни жалб этиш юзасидан кўп йил иш олиб бориши, фуқаролар сиёсий маданияти ва сиёсий фаоллигини анча юқори даражага кўтариши тақозо этилади.

Мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш зарурати боис Олий Мажлис Сенатининг 2008 йил 4 декабрдаги ўн олтинчи ялпи мажлисида маъқулланган «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддаси 1-қисмига Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасида депутатлик ўринлари сонини 120 тадан 150 тага кўпайтиришни назарда тутивчи ўзгартишлар киритилди. Бунда 135 депутат ҳудудий сайлов округлари бўйича кўп партиявилик асосида сайланади. Шу аснода сиёсий партияларнинг парламент қуири палатасидаги вакиллiği кенгаяди. Ўн бешта депутатлик ўрни (бу миқдор мамлакатимизнинг маъмурий-ҳудудий бўлиниши ҳисобга олинган ҳолда белгиланган) ўз сафига кенг жамоатчиликни, мутахассислар, олимлар, шунингдек, шу соҳада фаолият юритаётган оммавий жамоат ташкилоти — Ўзбекистон экологик ҳаракатига берилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасига Ўзбекистон экологик ҳаракатидан депутатлар ушбу оммавий ҳаракатнинг республика конференциясида яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Шу тариқа, сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига янги институт — депутатлик ўринларини квоталаш институти кирилди<sup>1</sup>.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Ўзбекистон экологик ҳаракати сиёсий ташкилот ҳам эмас, сиёсий партия ҳам эмас. Унинг фаолияти сиёсий қарашлардан қатъи назар, аҳолининг

<sup>1</sup> Исломлов Н. Сайлов тизимини янада эркинлаштириш ва демократлаштириш йўлида // Халқ сўзи. – 2008 йил 6 декабрь – № 237.

деярли барча қатламлари манфаатларига дахлдор бўлган экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг аниқ муаммоларини ҳал этишга йўналтирилган.

Юқорида қайд этилган қонуннинг Ўзбекистонда кўп partiyiylik тизимини янада ривожлантиришдаги яна бир муҳим аҳамияти шундаки, унга кўра сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларидан ҳокимият вакиллик органларига фуқароларнинг ташаббускор гуруҳларидан номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги қоида чиқарип ташланди. Эслатиб ўтиш жоизки, сайлов тўғрисидаги аввалги қонун ҳужжатларига мувофиқ сиёсий партиялар билан бир қаторда бевосита фуқаролар ҳам ташаббускор гуруҳлар тузиш ва ўз номзодини қўллаб-қувватловчи муайян миқдордаги имзолар тўплаш орқали депутатликка номзод кўрсатишлари мумкин эди. Бунда ташаббускор гуруҳ томонидан кўрсатилган номзод қандайdir ҳаракат дастурига эга бўлиши шарт эмас эди, унинг ўзини номзод қилиб кўрсатган ташаббускор гуруҳ олдида бирор-бир мажбурияти ҳам бўлмаган, чунки номзод кўрсатганидан ва номзоди ҳокимият вакиллик органига сайланганидан кейин ташаббускор гуруҳнинг фаолияти тугайди.

Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, сайлов жараёнларида юқорида тилга олингани каби шаклларда (ўз-ўзининг номзодини кўрсатиш ва бошқалар) иштирок этиш демократик жамият ривожланишининг, уларнинг сайлов тизимлари қарор топишининг дастлабки босқичларига хосдир. Бизнинг мамлакатимизда ҳам ташаббускор гуруҳ томонидан номзод кўрсатиш институти айни сиёсий тизим, сиёсий партиялар эндиғина оёққа тураётган, аҳолининг аксарият кўпчилиги сиёсий партияларнинг фаолияти билан қамраб олинмаган бир даврда ривож топди. Ўзбекистонда самарали кўп partiyiylik тизими шаклланган ва жўшқин ривожланниб бораётган ҳозирги шароитда фуқароларнинг ташаббускор гуруҳи томонидан номзод кўрсатиш институти каби сайловнинг бундай номукаммал шаклидан фойдаланишга зарурат қолмади.

Сиёсий плюрализмнинг қарор топиши бутун дунёда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам узоқ давом этувчи жараён бўлиб, у фақатгина жамият ҳастидаги шарт-шароитларга боғлиқ бўлмай, балки жамоанинг ҳамда ҳар бир шахснинг онгидаги

ўзгаришларга, шахснинг ижтимоий-маданий ва ахлоқий маънавий фазилатлари камолотига ҳам боғлиқдир. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10-моддасига кўра Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган Республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши мутлақо тўғридир. Жамиятнинг бирон-бир қисми, сиёсий партия, жамоат бирлашмаси, ижтимоий ҳаракат ёки алоҳида шахс Ўзбекистон халқи номидан иш олиб боришга ҳақли эмас.

Президентликка турли жамоат уюшмалари билан бир қаторда сиёсий партияларнинг ўз партиясидан номзод кўрсатиш ҳуқуқининг мавжудлиги ва ғалабадан сўнг у ёки бу етакчи партия номидан Президентнинг давлатни бошқариши дунёдаги айрим етакчи давлатлар (масалан, АҚШ) тажрибасидан маълум. Ўзбекистонда ҳам Президентликка номзод кўрсатишда мавжуд барча сиёсий партиялар тенг асосда иштирок этадилар. Аммо Президент сайловдан кейин у ғалаба қилган партия номидан эмас, балки бутун халқ номидан иш кўрадики, бу дунёда давлат ва жамият қурилиши тажрибасини янада бойитади. (Германия, Гречия, Руминияда ҳам Президент ўз ваколати даврида бирон-бир партия аъзоси бўлиб туриши мумкин эмас.) Бунинг айрим объектив ва субъектив сабаблари мавжуд:

1. Аввало, Конституциямизнинг 10-моддаси буни тақозо этади.
2. Биздаги кўп партиявийликка асосланган сиёсий тизим ҳар бир партия учун қонун доирасида ўз фаолиятини эркин амалга оширишда зарур шарт-шароитларни яратиб беради.
3. Партиявийлик бирон-бир партияга мансубликни билдиурса, Президентлик ўзига хос мақомга эга. У айрим гуруҳ, қатлам қарашларини, манфаатларини кўзлаб эмас, балки давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи бўлган халқ номидан иш кўради. У сиёсий институтлар ўртасида ҳакамдир.

Бугун Ўзбекистонда кўп партиявийликнинг ривожланган тизимини ривожлантириш давр талабидир. Бунинг учун:

- ҳар бир сиёсий партиянинг ўз электорати — уни қўллаб-куvvatлайдиган ижтимоий қатлами бўлиши керак. Агар шундай бўлмаса, бу партия ҳақиқий сиёсий куч бўла олмайди;
- сиёсий партиялар ўз ғоя, мақсад ва вазифалари билан бир-биридан фарқ қилиши зарур. Шундагина улар жамият-

даги хилма-хил қараш ва манфаатларни тўлақонли акс этирган бўлади;

– партиялар ўз фоявий-сиёсий платформаларини ҳимоя қила олишлари, шу билан бирга бошқа партияларнинг фоявий-сиёсий платформаларидағи камчиликларни аниқлай олишлари лозим;

– ҳар қандай партия умуммиллий партия сифатида фаолият юритиши, фақат Марказда қолиб кетмаслиги ва жойларда албатта ўз аъзолари, фаоллари ва тарафдорларига эга бўлиши лозим. Акс ҳолда ҳар қандай партия сиёсат саҳнасидан тушиб кетади;

– партиялар мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг ва давлат турмушининг уёки бу воқеаларига нисбатан ўзларининг қатъий муносабатларини жамоатчилик эътиборига етказишга ҳаракат қилишлари лозим. Айнан шу ҳол партияларнинг фоявий-сиёсий платформаларига янада сайқал бериш, халққа ўзини танитиш имконини беради;

– сиёсий партиялардаги ички демократияни шакллантириш лозим. Чунки, унда янги-янги фоялар, янги қарашлар, янги тенденциялар вужудга келади ва айни вақтда улар мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги учун хизмат қиласди;

– сиёсий партияларнинг кенг омма билан яқинлашувининг мавжуд механизмларидан самарали фойдаланишга эришиш ва унинг замонавий усусларини ишлаб чиқиши лозим.

Булар сиёсий партияларнинг янги босқичдаги вазифалари ҳисобланади ва ўз навбатида уларнинг сиёсий кучига куч кўшади.

Юқорида қайд этилган масалаларнинг ҳал этилиши партияларга ўз қиёфаси, ўз услугуга эга бўлиш, ўз сафларини анчагина тўлдириш имконини беради ва Ўзбекистоннинг кўп партиявилик тизимини янада ривожлантириш имконини яратади.

Хулоса шуки, Ўзбекистон сиёсий партиялари фаолиятларидаги юқорида қайд этилган субъектив омилларга боғлиқ камчиликларни тузатиш уларнинг халқдан ажралиб қолмасликларига, унинг қалбига йўл топа олишларига ёрдам беради. Дунё халқлари, миллатлари саҳнасида ўз муносиб ўрнимизни бизга ҳеч бир бошқа халқ, мамлакат ёки давлат яратиб

бермайды. Албатта, бу вазифани ўзимиз бажармоғимиз лозим. Шунинг учун бугунги сиёсий жараёнларда умуммиллий эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда партиялар инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда амалий муқобил таклифлар билан чиқишилари, турли ижтимоий гурухларнинг демократик жараёнлардаги иштирокини таъминлашлари, ўз ваколатлари даражасида ҳалқни ўз орқаларидан эргаштириб, уни мустақилликни мустаҳкамлашга сафарбар этишни амалга оширишлари зарурдир.

### Таянч тушунчалар

*Сиёсий ҳокимият, сиёсий ҳокимият белгилари, сиёсий ҳокимият имкониятлари, сиёсий ҳокимият турлари, сиёсий ҳокимиятнинг хусусиятлари, субъект, объект, раҳбарлик, бошқариш, ташкилотчилик, назорат, легитимлик, легаллик, харизма, сиёсий элита, партия, сиёсий партия, сиёсий партиялар турлари, «сўл», «марказ» ва «ўнг» партиялар, партиявий тизимлар, оппозиция, фракция, парламент.*

### Назорат учун савол ва топшириқлар

1. Сиёсий ҳокимиятнинг моҳияти ва асосий белгиларини тушунтиринг.
2. Сиёсий ҳокимият қандай имкониятларга (ресурсларга) эга?
3. Ҳокимиятни имкониятлари, функциялари, субъектлари ва объектларининг ўзаро муносабати услубига кўра қандай турларга бўлиш мумкин?
4. Сиёсий ҳокимиятнинг асосий хусусиятларини таҳлил қилинг.
5. Сиёсий ҳокимиятни амалга ошириш механизми қайси таркибий қисмларни қамраб олади?
6. М. Вебер таснифи бўйича сиёсий ҳокимият легитимлиги турларини ўзаро таққосланг.
7. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда шахс ва ҳокимият муносабатларини демократлаштириш борасида қандай ишлар амалга оширилди?
8. Сиёсий партиялар, уларнинг турлари, мақсад ва вазифалари тўғрисида нималарни биласиз?
9. Ўзбекистондаги сиёсий партиялар ва уларнинг жамият сиёсий тизимидағи роли тўғрисидаги билимларингизни далиллар асосида баён қилинг.

10. И. А. Каримовнинг «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» (Т. 13) асаридаги маъруза ва нутқлар асосида Ўзбекистон Республикасидаги сиёсий ҳокимият ва кўппартиявийликка оид мулоҳазаларни ўрганиб чиқинг ва конспектлаштиринг.

## АДАБИЁТЛАР

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2008.

Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»-ги қонуни. 1996 йил 26 декабрь. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1997, №2.

Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонуни. 2004 йил 29 август. // Ўзбекистонда сиёсий партиялар. Т, «Академия», 2007. – Б. 234–242.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонуни. // «Халқ сўзи» газетаси, 2007 йил 12 апрель №71.

*Каримов И. А.* Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. – Т., 1998. – Б. 31–261.

*Каримов И. А.* Ватан саждагоҳ каби мұқаддасдир. Т.3. – Т., 1996. – Б. 370–404.

*Каримов И. А.* Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз Т. 8. – Т., 2000. – Б. 330–351.

*Каримов И. А.* Ўзбекистон: миллий истиқбол, иқтисод, сиёсат, мағкура. Т. 1. – Т., 1996. – Б. 227–239.

*Каримов И. А.* Парламент – жамият ҳаётининг кўзгуси // Каримов И. А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. – Т., 2005. – Б. 161–162, 179–181.

*Каримов И. А.* Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. Т., 2007. – 320 б.

*Каримов И. А.* Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. Т., 2008. – 368 б.

*Каримов И. А.* Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т., 2008. – 176 б.

Ислом Каримов демократия ва сиёсий партиялар тўғрисида / Тузувчилар: Ш. О. Мамадалиев, Ш. Р. Қобилов, Б. У. Таджиханов. – Т., 2004.

*Исмоилов Н.* Сайлов тизимини янада эркинлаштириш ва демократглаштириш йўлида // Халқ сўзи. 2008 й. 6 декабрь №237.

*Ирхин Ю. В., Зотов В. Д., Зотова Л. В.* Политология: Учебник. – М., 2000. – С. 166–182, 258–279.

*Қирғизбоев М.* Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, мафкуралар, маданиятлар. – Т., 1998. – Б. 5–26.

*Қодиров А. Қ.* Ўзбекистонда кўп партияявийлик тизимини шакллантиришнинг концептуал муаммолари // Ҳуқуқ–Право–Law. – 2002. – №4.

*Мамадалиев Ш. О.* Халқ ҳокимияти: назария ва амалиёт. – Т., 2003. – Б. 3–90.

*Мамадалиев Ш.* Ўзбекистон сиёсий партиялари: шаклланиш жараёнлари ва ривожланиш истиқболлари. – Т., 2004. – Б. 3–20.

*Политология: Ўқув қўлланма // С. Отамуродов, И. Эргашев, Ш. Акрамов, А. Қодиров* – Т., 1999. – Б. 92–124.

*Пугачев В. П., Соловьев А. И.* Сиёсатшуносликка кириш: Ўқув қўлланма. – Т., 2004. – Б. 102–120.

*Рамазонов И., Мўминов Э.* Политология: Дарслик. – Т., 1997.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ. – Т., 2001. – Б. 591.

Ўзбекистонда сиёсий партиялар. Т, «Академия», 2007. – 249 б.

---

## СИЁСИЙ ЕТАКЧИЛИК

### 1. Ҳокимият таркибида сиёсий етакчилик

**Етакчилик.** Дунёнинг турли минтақаларида давлатлар ва халқлар ижтимоий-сиёсий ҳаётида туб ўзгаришлар рўй берадиган ҳозирги замонда сиёсий етакчилик феномени алоҳида аҳамият касб этмоқда. Жамиятни қайта қуриш ва ҳокимият таркибининг асосий элементларидан бири бўлган сиёсий стакчи ролини билиб олиш фақатгина у ёки бу сиёсий арбобга хос шахсий сифатларни, унинг ижтимоий ҳаётга таъсирини аниқлаш учунгина эмас, балки аввало, сиёсатнинг чуқур ижтимоий-фалсафий моҳиятини тушуниб олиш учун ҳам муҳимдир.

Турли партиялар, жамоат ташкилотлари фаолияти муайян сиёсий стакчиларнинг сиёсий фаолиятида акс этади. Чунки сиёсий ҳокимият муайян шахсий сифатлар, феъл-атворларга, муайян ижтимоий гуруҳга мансуб бўлган шахслар томонидан амалга оширилади ва етакчига хос бўлган индивидуал хусусиятлар уларнинг ҳокимиятни қандай амалга оширишларига ҳам таъсир этади.

Ўзбекистон Республикасида давлатнинг асосий мақсади – ҳукуқий демократик жамият қуришdir. Бу мақсаднинг амалга ошиши кўп жиҳатдан барча даражалардаги раҳбарларнинг дунёқараши, билими, қобилиятларига боғлиқ. Демократик жамиятларда ҳокимиятнинг персонификациялашуви (ижтимоий онгда ҳокимиятнинг шахс тимсолида тасаввур этилиши) кучаяди, чунки аҳоли сайловларда дастурий ваъдаларга эмас, балки партияларнинг ишончга сазовор, ҳалол раҳбарларига кўпроқ ишонч билан қарайди. Шу жиҳатдан қараганда сиёсий жараёнлар таҳлилидан маълум бўлмоқдаки, зудлик билан қарорлар қабул қилиш, муайян вазифани тўғри тушуниш қобилияти талаб этиладиган ижтимоий тараққиётнинг туб бурилиш давларида сиёсий етакчилик роли жуда катта аҳамиятга эга бўлади.

Ҳокимият ва ташкилот мавжуд бўлган барча жойда етакчиларнинг бўлиши табиий, чунки «стакчи» сўзининг инглиз

тилидан таржимаси (leader) «бошловчи», «раҳбарлик қилувчи» маъноларини англатади.

Сиёсий таълимот ва қарашларда етакчи тўғрисидаги тасаввурларнинг шаклланиши ва ривожланиши. Етакчиликдек мураккаб ва муҳим ижтимоий ноёб ҳодисани ўрганиш ҳамда таҳлил этишнинг ибтидоси узоқ тарихга бориб тақалади. Қадимги замон тарихчилари Геродот, Плутарх, Конфуций ва бошқалар ўз даври етакчилари – монархлар, лашкарбошлиарни тарих ижодкорлари деб ҳисоблаганлар.

Сиёсий етакчилик ҳодисасини таҳлил этишда Шарқда Абу Наср Форобий, Низомулмulk, Амир Темур, Алишер Навоийнинг хизматлари, Фарбда эса Н. Макиавеллининг илмий мероси диққатга сазовордир. Уларнинг фикрича, сиёсий етакчи – бутун жамиятни жипслаштирувчи, ижтимоий тартибларни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун ҳар қандай воситаларни қўлловчи ҳукмдордир.

Шарқ Уйғониш даврининг буюк вакили Форобий «Давлат арбобининг ҳикматлари» рисоласида давлатни етук шахс (маърифатли шоҳ), етук хислатларга эга бўлган бир неча шахслар (аристократия) ва сайланган шахслар (демократия) ёрдамида самарали бошқариш мумкинligини, давлат бошлиғи ва давлат хизматчилари бошқарув санъатини яхши билишлари шартлигини қайд этади. Низомулмulk эса «Сиёсатнома» («Сияр ул-мулук») асарида шоҳнинг жасур, доно, тадбиркор ва қатъиятли бўлишиғи илгари сурган. Давлатни идора қилишда амалдорлар (масъул ходимлар) катта ўрин тутишган, уларни танлаш ва жой-жойига қўйишга ўзига хос талаб даражасида қаралган.

Сиёсий етакчилик ҳодисасини ўрганишда ўз даври ва ўз халқи талаб-эҳтиёжларини тўғри анлаган прагматик ҳукмдор – Амир Темурнинг назарий қарашлари ва амалий сиёсий фаолияти ҳам диққатни жалб этади.

Подшоҳсиз раият ва давлатсиз жамият бўлиши мумкин эмас, деб ҳисоблаган Алишер Навоий жамият бўлиши учун давлат бўлиши зарурлигини, турли манфаатлар кишиларни бир-биридан ажратишини ва айни пайтда бирлаштиришини, бу – жамият қонуни эканлигини, шу қонунни назорат қилиш – одил подшо ва бошқарув тизимининг вазифаси, деб уқтиради.

Умуман, сиёсий етакчиликнинг шарқона таҳлилида етакчига насиҳатгўйлик ёндашуви устуворлик қилади. Унга кўра давлат арбоби сиёсати ҳар қандай вазиятда ҳам ахлоқий тамойиллар: ростгўйлик, ҳалоллик, одамларга хайриҳоҳлик ва ҳоказоларга зид бўлмаслиги керак. Таъкидлаб ўтиш лозимики, етакчини ахлоқий тамойилларга риоя қилишга чорловчи бундай шарқона қарашлар ҳозирги замон демократик жамиятларида сиёсатнинг инсонийлашувида, унинг инсон ҳуқуқлари кафолати сифатида танилишида ўз ифодасини топмоқда.

Сиёсий етакчиликни ўрганишда Фарбда сиёсий билимлар ривожига буюк итальян гуманисти Н. Макиавелли катта ҳисса қўшган. Унинг фикрича, сиёсий етакчи – жамиятни жислаштирувчи ҳамда ижтимоий тартиб ва ўз ҳукмронлигини сақлаш учун ҳар қандай воситалардан фойдаланувчи подшоҳ. Масалан, «Миллий давлатни қуриш ва мустаҳкамлашда давлат бошлиғи шердек довюрак, тулқидек айёр бўлиши, агар пировард мақсадга фойдали бўлса, ўз ваъдаларини бажармаслиги ҳам мумкин, чунки юксак натижалар худди шундай йўл тутган князларга насиб этган»<sup>1</sup> каби Макиавелли томонидан ишлаб чиқилган, айёрлик ва кучни моҳирона бирлаштиришни тақозо этувчи фарбона менталитет акс этган амалий маслаҳатлар Кромвель, Наполеон ва бошқа кўплаб европалик сиёсатчилар томонидан юқори баҳолангандар.

XIX асрга келиб шахс иродасини жамият тараққиётининг белгиловчи кучи, деб ҳисобловчи волюнтаристик назариялар пайдо бўлган. Етакчилик тўғрисидаги бу назария вакиллари Томас Карлейль (1795–1881) ва Ральф Уолдо Эмерсонлар (1803–1882) фикрича, одамларнинг кўпчилиги барча муносабатларда етакчиларнинг йўналтирувчи таъсирисиз нормал ҳаёт кечира олмайдилар.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Фридрих Ницше (1844–1900) томонидан ишлаб чиқилган етакчилик тамойили ўз даври сиёсий фикри ва амалий сиёсатига катта таъсири кўрсатган. Ницшенинг қарашларига биологик турларнинг эволюцион ривожланиши тўғрисидаги Ч. Дарвин назарияси кучли таъсири кўрсатган. Шу боис, Ницшенинг назарий қарашларида олий биологик тип – етакчи-инсон, ўта қудратли одам шакллани-

<sup>1</sup> Макиавелли Н. Государь. – М., 1990. – С. 28.

шининг зарурлигини асослашга қаратилган уринишни кўрамиз. «Инсониятнинг мақсади, – деб ёзади Ницше, – унинг олий вакилларида мужассам бўлади... Инсоният буюк одамларни яратиш учун тинимсиз меҳнат қилиши зарур – унинг вазифаси фақат шунда ва бошқа ҳеч нарсада эмас»<sup>1</sup>.

Унинг фикрича, ўта қудратли бундай буюк одам яхшилик ва ёмонликнинг нариги томонида турди. У ахлоқ меъёрлари билан чекланмаган бўлиб, оддий одамларга нисбатан шафқатсиз, ўзига тенг, ўта қудратли етакчи инсонлар билан эса илтифотли ва мулоийим бўлиши мумкин. Агар одам маймундан қандай устунликка эга бўлса Ницше назариясидаги етакчи ҳам одамлар устидан шундай устунликка кўтарилган шахсдир. У юксак ҳаётий қувватга эгалиги ва ҳокимиятга бўлган иродаси билан бошқа кишилардан ажралиб турди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, кейинчалик ўз ирқий иddaоларини «асослаш» учун фашизм назариётчилари Ницше таълимотидан ўз ёвуз мақсадлари йўлида фойдаланишга уринганлар.

Етакчилар тўғрисидаги замонавий назарияларга Габриель Тард (1843–1904) ижоди сезиларли даражада таъсир кўрсатган. У ижтимоийлашув тўғрисидаги назария асосчиларидан бири бўлиб, ҳаётнинг асосий қонунларидан бири – етакчиларга улар издошларининг тақлид қилишидир, деганояни асослашга ҳарақат қиласи. Жамият тараққиётининг асосий манбаларидан бири Тарднинг фикрича, ташаббускор ва ноёб шахслар томонидан қилинган янгиликлар, кашфиётлардир.

**Етакчиликнинг таърифлари.** Замонавий сиёsatшунослика етакчиликнинг бир неча таърифлари мавжуд:

1. Етакчи – йўл кўрсатувчи маъносини англатади. Етакчи бошқаларга таъсир эта олиш, муайян мақсадларга эришиш учун уларнинг биргаликдаги фаолиятларини ташкил эта олиш қобилиятига эга бўлади. Етакчи ва унинг издошлари ўртасидаги муносабатларда тенгсизлик мавжуд бўлиб, у етакчидан гуруҳ аъзоларига қараб доимо бир томонлама йўналган бўлади.

2. Етакчилик – бу бошқарувчанлик мақоми, қарорлар

<sup>1</sup> Иқтибос манбаи: Ницше Ф. Так говорил Заратустра. – М., 1990. – С. 286. Қаранг: Пугачев В.П., Соловьев А.И. Сиёsatшунослика кириш. – Т., 2004. – Б. 165.

қабул қилиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий позициядир.

3. Сиёсий етакчилик – бу сиёсат бозорида амалга ошириладиган маҳсус тадбиркорлик шаклидир. Бунда сиёсий тадбиркор, яъни етакчиликка даъвогар шахс рақобат курашида ижтимоий вазифаларни ҳал этишга оид дастурини раҳбарлик амалига алмаштиради. Бу ерда сиёсий тадбиркорликнинг моҳияти шундаки, «сиёсий товар» потенциал етакчи шахси билан бир нарса деб қаралади ҳамда ушбу товарни «умумий бойлик», баҳт-саодат сифатида реклама қилиш рўй беради.

4. Сиёсий етакчилик сиёсий фаолият тури бўлиб, у икки томоннинг ўзаро алоқаларини англатади: биринчи томон – етакчилар ўз издошлиарининг манфаатларини ва эҳтиёжларини биладилар ва баён этадилар, иккинчи томон эса шу манфаатларни ифодалаш ва амалга ошириш учун ўз ваколатларининг бир қисмини етакчига ихтиёрий равишда топширадилар.

Етакчилик феноменининг негизи аслида инсон ва жамият табиатининг ўзиададир. Ҳатто етакчиликка ўхшаш бўлган «илк етакчилик» ҳайвонот дунёсида учрайди. Бу ерда биологик ўзаро муносабатлар тақозо этувчи ёзилмаган қонунларга биноан подани бошқарувчи етакчи ажралиб чиқади.

Жамиятда ҳам етакчилик эҳтиёж маҳсули сифатида майдонга чиқади, чунки ўз-ўзини ташкил этиш, ҳаётий ва функционал қобилиятларни таъминлаш учун одамларнинг хулқатворини тартибга солиш зарурати пайдо бўлади. Бундай тартибга солиш вазифалар ва ролларнинг вертикал (бошқариш – бўйсуниш) ва горизонтал тақсимланиши ҳамда бошқарувни амалга оширувчи тузилмаларнинг ажралиб чиқиши орқали юзага чиқарилади. Натижада, етакчилик муассасавийлашади, яъни у расмий етакчиликка айланади. Расмийга тескари бўлган норасмий етакчилик эса субъектив қобилиятни, етакчилик ролини бажаришга тайёрлик ҳамда лаёкатни, шунингдек, муайян гуруҳ ёки жамият томонидан унинг раҳбарлик ҳуқуқлари тан олинишини характерлайди.

Юқоридаги таърифлар ва таҳлилдан келиб чиқиб, сиёсий етакчилик ҳукмдорлик даражасини эгаллаган бир ёки бир неча шахсларнинг бутун жамиятга, ташкилотга ёки гуруҳга доимий устувор ва қонуний таъсирини ифодалайди, дейиш мумкин. Етакчилик тузилмасидаги уч асосий таркибий қисм: етак-

чининг индивидуал белгилари; унинг имконият ва воситалари; унга таъсир кўрсатадиган вазият етакчилик самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, сиёсий етакчи сиёсий жараёнлар билан бирга, бутун жамият, сиёсий ташкилот ёки ҳаракатни ҳам бошқаради. У воқеаларнинг бориши ва сиёсий жараёнлар йўналишини ўзgartира олади. Сиёсий етакчилар жамиятдаги сиёсий жараёнларни жонлантирадилар, жамиятнинг тарихий ривожланишини белгиловчи дастурларни, фояларни илгари сурадилар.

## 2. Сиёсий етакчилик табиати ва турлари

Хислатлар назарияси. Етакчилик табиатини тушунтиришга бўлган интилишлар кўпгина назарияларни пайдо қилди. Улардан энг қадимийроғи ва аҳамиятини ҳозирга қадар йўқотмагани хислатлар назариясидир. Ушбу назариянинг асосчиларидан бири Э. Богардус фикрича, аъло даражали интеллектуал истеъододлар шахсга эртами-кечми етакчиликка олиб келувчи кўзга кўринган мавқени беради<sup>1</sup>.

Етакчилик ҳодисасини етакчининг юксак фазилатлари асосида тушунтириш ушбу назариянинг моҳиятини ташкил этади. Етакчининг юксак фазилатларига ўткир заковат, фаҳмфаросат, темир ирова, қайноқ энергия, юксак ташкилотчилик, кишиларга ёқа билиш, билимдонлик, масъулиятни ўзига ола билиш киритилади. Ҳозирги демократик давлатларда сиёсий етакчиларнинг зарурий сифатларига хушсуратлик, нотиклик хусусиятлари ҳам асосий талаблар сифатида кўйилмоқда.

Ўтказилган социологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, шахснинг етакчилик қилиши учун унга хос муайян хусусиятлар йиғиндиси катта аҳамият касб этади. Рақобат мұхитида етакчилик ўринларини эгаллаш учун ҳақиқатан ҳам муайян шахсий хислатлар керак. Лекин бу зарурий хислатларни мутлақлаштириш даражасида эмас. Бу хислатлар тўплами тарихий давр, айрим давлатлар ва аниқ вазиятга боғлиқ ҳолда ўзгариб боради. Масалан, ҳозирги замонда ҳам сиёсий муваффа-

<sup>1</sup> Иқтибос манбаи: *Bogardus E. Leadership.* – New York, 1934. – Р. 138.  
Қаранг: *Пугачев В.П., Соловьев А.И. Сиёсагушуносликка кириш.* – Т., 2004.  
– Б. 171.

қиятларга имкон берувчи шахсий хислатлар Щвеция, Афғонистон, Корея ва Сомалида тубдан фарқланади. Бунинг устига кўпчилик, асосан, нодемократик давлатларда ўртамиёна, фўр, ёрқин хислатларга эга бўлмаган шахсларнинг тез-тез сиёсий етакчилар сифатида сиёsat майдонига келишлари кузатилган.

Буларни ҳисобга олиш хислатлар назариясининг ривожига – унинг омилий-таҳдилий тамойили яратилишига олиб келди. Бу тамойил етакчиларнинг соф индивидуал хусусиятларини ва муайян сиёсий мақсадларини амалга ошириш жараёнида намоён бўлган хулқ-атворларини таққослади. Масалан, Лениннинг яқинлари билан муносабатида намоён бўлувчи индивидуал хислатлари ҳеч ҳам зўравонликка чанқоқ ва одамларнинг кулфатларига бефарқ, раҳмсиз ва золимлигидан дарак бермасди. Бироқ унинг ўжарлиги ва утопик мақсадга интилишлари уни ҳокимиятни сақлаб қолиш учун жиноятлар олдида тўхтамайдиган, умуминсоний ахлоқ меъёрларини инкор этувчи диктаторга айлантирган.

Хуллас, етакчи шахсига хос хусусиятлар йиғиндиси тарихий давр ва дунёдаги турли давлатлар шароитларига кўра турлича бўлиши мумкин.

**Вазиятлар назарияси.** Етакчиликнинг муайян ижтимоий шарт-шароитларга боғлиқлигини вазиятлар таълимоти янада ривожлантириди ва асослаб берди. В. Далль, Т. Хильтон, А. Гарднер, Р. Стогдилл ва бошқалар етакчилик ҳодисасининг нисбийлигидан, кўп хиллилигидан келиб чиқадилар. Уларнинг фикрларича, «Етакчи – муайян вазият маҳсулидир. Айнан вужудга келган муайян вазиятлар сиёсий етакчиларни танлаб олади ва уларнинг хулқ-атворини белгилайди.

Шу маънода тарихда тасодиғий етакчилар бўлмайди, ҳар бир етакчи ўз даврининг, ўз даври тарихий вазиятининг маҳсулидир. Искандар Зулқарнайн, Оливер Кромвель, Чингизхон, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур ҳам ўз даврининг йўлбошчилари эдилар.

Р. Стогдилл ёзишича, етакчилик қандайдир ижтимоий вазиятларда кишилар ўргасида мавжуд бўладиган алоқалардир, бир вазиятда етакчи бўлган кишилар бошқа вазиятларда ҳам албатта шундай бўла олмайди<sup>1</sup>. Масалан, «намунали,

<sup>1</sup> Пугачев В.П., Соловьев А.И. Сиёсатшуносликка кириш. – Т., 2004. – Б. 173.

кудратли ва илғор ислом жамияти» қуриш мақсад қилиб белгиланган Эрондаги вазият муқаррар равишда етакчиларнинг европача ёки америкача типини рад этади. Худди шунингдек, Эрон типидаги етакчи (гарчи 2005 йилнинг 24 июнида Эрон президентлигига сайланган техника фанлари доктори Маҳмуд Аҳмадинажот мамлакатнинг сўнгги 24 йиллик тарихида илк дунёвий бошқарувчи бўлса-да) Фарб сиёсий майдонида ўзини намоён этиши мумкин эмас. Нефть ва газ заҳирасига эгалик қилиш борасида дунёда Саудия Арабистони ва Россиядан кейинги ўринда турувчи Эронда аҳоли жон бошига тўғри келадиган миллий даромад 320 доллар экани (қиёс: Саудияда бу кўрсаткич 19 минг доллардан ортиқ) Осиёнинг бу йирик мамлакати жiddий иқтисодий ислоҳотларга муҳтожлигини кўрсатади<sup>1</sup> ҳамда унинг сиёсий етакчисига мурракаб вазифаларни уddaлаш масъулиятини юклайди.

Бундан ташқари, давлатнинг инқироз ҳолатидалиги ёки барқарор ривожланишдалигига боғлиқ равишда етакчига қўйиладиган таълаблар ҳам бир-биридан фарқланади. Мисол учун, XX асрнинг 80-йиллари охирларида совет тузумининг инқирози Б. Елцин, И. Каримов, Н. Назарбоев ва бошقا етакчиларни илгари сурди. Улар эски тоталитар тузумни емириш ва демократик жамиятни барпо этиш сари халқни етакладилар.

Таъкидлаш жоизки, вазиятлар назарияси сиёсий етакчининг индивидуал хусусиятларини рад этмайди, лекин уларни мутлақлаштиришни ҳам ноўрин ҳисоблайди ва сиёсий етакчининг табиатини тушунтиришда мамлакатдаги шарт-шароитларга устуворлик беради.

Вазиятлар таълимотига аниқлик киритиш, ривожлантириш ва сифат жиҳатдан бойинтиш натижасида сиёсий етакчиникни унинг издошлири ва тарафдорлари (конституентлари) ёрдамида тушунтириш таълимоти вужудга келди. Замонавий сиёсатшуносликда «тарафдорлар» тушунчаси кенг қарорвли бўлиб, сиёсий фаоллардан ташқари етакчининг сайловчилари, шунингдек, у билан муносабатда бўлувчилар ҳам бу тушунча мазмунни таркибига киритилади. Уларни таҳдил қилиш

<sup>1</sup> Дунё нигоҳидаги етакчи // Ҳуррият. – 2006 йил 21 июнь. – №23.

сиёсий етакчининг хулқ-атворини, қабул қиласиган қарорларини олдиндан билиш имкониятини беради.

Етакчи билан муносабатларнинг шаклланиши ва амал қилишида сиёсий фаолларнинг роли каттадир. Айнан тарафдорлар, яъни конституентлар ўз етакчиларининг шахсий сифатларини ва имкониятларини баҳолай оладилар, уни қўллаб-қувватлаш кампаниясини ташкил этадилар, бир сўз билан айтганда етакчини «яратадилар».

Бироқ анча афзалликларига қарамай вазиятлар назарияси каби конституентлар назарияси ҳам сиёсий етакчининг ҳокимиятни эгаллагандан кейин нима сабабдан ўзини ҳокимиятга келтирган қатлам ва тарафдорларнинг манфаатларига зид ҳаракатлар қилиши сабабларини тушунтириб бера олмайди. Тарих сабоқлари шуни кўрсатадики, кўпгина сиёсий етакчилар ҳокимиятга келгач, уни ҳокимият тепасига келтирган қатламлар ва гуруҳлар манфаатларига қарши фаолият юритганлар. Бунга ёрқин мисол А. Гитлернинг сиёсий фаолияти бўлиб, у ҳокимиятга чиққандан кейинги йиллар давомида уни ҳокимиятга келтирган тарафдорларининг бир қисмини йўқ қилди. Бунга ўхшаш мисолларни Шарқда шайбонийлардан Абдуллахон II нинг ўғли Абдулмўмин фаолиятида ҳам кўришимиз мумкин.

Юқорида келтирилганлардан маълум бўладики, етакчи ва конституентлар ўзаро таъсирини икки томонлама йўналтирилган ҳаракат сифатида қараш лозим. Бунинг устига етакчилар ўз ижтимоий таянчларини муайян даражада ўзгартиришлари мумкин. Бундай ҳол, айниқса, авторитар ва тоталитар сиёсий тузумларда фожиали тус олиши мумкин. Бунинг сабаблари сиёсий тизимнинг характеристига, раҳбар қўлида ҳокимиятнинг жамланиши даражасига ва умуман жамиятнинг сиёсий маданиятига бориб тақалади.

Сиёсий етакчилик табиатини, унинг субъектив механизмларини тушунтириш ва уни бир хилда изоҳлаш мураккаб. Бу жараённи ўрганишда психоаналитика назарияси анча ютуқларга эришган. Ушбу назария асосчиси З. Фрейдdir. Бу назарияга кўра, сиёсий етакчилик негизида сенсуал характеристаги, яъни сезги, ҳиссиётларга асосланган майллар ётади. Сублимация, яъни бошқа ҳолатга ўтиш жараёнида у ижодий фаолиятга, жумладан, сиёсий етакчиликка ҳам интилиш си-

фатида намоён бўлади. Кўпгина кишиларда раҳбарлик лавозимларини эгаллаш субъектив компенсаторлик вазифасини бажаради. Турли камчиликларга йўл қўймаслик, номукаммаллик, қадрсизлик ҳиссиётини енгишга ёрдам беради.

Сиёсий етакчиликнинг психоаналитик назариясига ҳисса кўшган Франкфурт мактаби вакиллари Э. Фромм ва Т. Адорнолар авторитаризмга мойил ва ҳокимиятга интигувчи шахс типини аниқладилар. Бундай шахс оммавий ишончсизлик, асабийлик ҳукмрон бўлган нософлом ижтимоий муҳит, оиласий невроз ҳолатини келтириб чиқарувчи шароитларда шаклланади. Киши бундай шароитда буларнинг ҳаммасидан қутулиш учун ҳукмронлик ёки бўйсуниш муносабатларидан қочишга интилади.

Етакчилик – авторитар шахс учун ўзининг ўзгарувчан кайфиятларидан холи бўлишга ва ўз иродасига бошқаларни бўйсундиришга имкон берадиган психологик эҳтиёж. Бошқалар устидан чексиз ҳукмронлик қилиш бундай кишига ўзига хос сархушлик бахш этади. У ўзига хос садизм, зўравонлик шаклидир. Бошқаларнинг кучсизлиги авторитар типдаги индивидларда назорат ва уларни камситиши истагини уйғотади. Шу билан бирга, авторитар шахс мазохистик хусусиятга ҳам эгалир, ўзидан зўрроқ куч билан тўқнашганда унга сажда қиласи. Бошқаларнинг кучсизлиги унда фазабланиш, уларни таҳқирлаш кайфиятларини туғдиради.

Бундай хулқ-автор шакли психологик маънода куччиликнинг эмас, кучсизликнинг намоён бўлишидир. Авторитар шахс ҳаққоний кучга эга бўлмасдан, бошқа кишилар устидан ҳумронлик қилиш ёрдамида шу кучга эгалигига ўзини ишонтиришга ҳаракат қиласи. Бундай шахс иррационалдир, улар жоҳилликка, мистикага мойил бўлиб, биринчи навбатда ҳиссиётлар асосида иш юритади, тенглик ва демократияга тоқат қила олмайди. Бошқа барча кишиларни «кучли – кучсиз» муносабатлари воситасида идрок этади. Умуман, психоаналитика назарияси сиёсий етакчиликка интилишнинг барча сабабларини қамраб ололмаса-да, унинг асосий ички сабаблари ҳақидаги тасаввурларни анча кенгайтирди.

**Интерфаол таҳлил.** Етакчилик тўғрисида юқорида кўрсатиб ўтилган назариялар унинг турли томонларини кўришга имкон беради, бироқ унинг бир бутун кўринишини бера ол-

майди. Етакчиликни комплекс тадқиқ этишни амалга оширишни интерфаол таҳлил бажаради. У етакчиликнинг тўрт асосий жиҳати: етакчининг хусусиятлари; у бажариши лозим бўлган вазифалар, унинг издошлари ва конституентлари; етакчи ва унинг конституентларининг ўзаро муносабатлари механизмини ҳисобга олади.

Бироқ етакчиликнинг ягона, универсал тамойилини яратишнинг имкони йўқ. Чунки етакчилик ҳодисаси намоён бўлиши ва вазифаларига кўра турли-туман бўлиб, тарихий давр, сиёсий тизим тури, етакчи ва унинг конституентлари хусусиятлари каби қатор омилларга боғлиқдир.

**Сиёсий етакчилик турлари.** Ҳозирги замон сиёsatшунослигига сиёсий етакчилар у ёки бу мезонларга кўра хилма-хил турларга ажратилади.

Раҳбар кўл остидагиларига муносабатига кўра авторитар ва демократ йўлбошчиларга ажратилади.

1. Авторитар етакчилик – танҳо йўналтирилган таъсир этиш хусусиятига эга бўлиб, тақиқловчи чоралар, куч ишлатишни назарда тутади.

2. Демократик етакчилик – раҳбар томонидан гуруҳ ёки ташкилот барча аъзоларининг фикрлари, манфаатларини ҳисобга олишда, уларни бошқарувга жалб этишда ифодаланади.

Сиёsatшуносликда сиёсий етакчиликни турларга ажратишнинг кенг тарқалган кўринишларидан бири М. Вебернинг ҳокимиятни легитимлаштириш усуллари ҳақидаги таълимотига бориб тақалади.

Унга мувофиқ етакчилар анъанавий, харизматик ва рационал-легал етакчиларга бўлинади. Биринчи турдаги етакчилик асосида одатлар, иккинчисида эътиқод ва ҳиссиётлар, учинчисида эса тафаккур ётади.

**Анъанавий етакчилик.** Етакчиликнинг бу тури анъаналар, маросимлар, одат кучи каби механизмларга таянади. Итоат қилиш одати анъаналарнинг муқаддаслигига ва ҳокимиятнинг мерос тариқасида ўтишига асосланган. Урф-одат ва анъаналар жамиятда нафақат йўналтирувчилик вазифасини, балки авлодлараро ворисийликни, тарихий тараққиётнинг узвийлигини ҳам таъминлайди. Бизнинг замонамизда монархияни гоҳо ўз тарихий ролини бажариб бўлган, ўтмишга хос

ҳокимият бошқаруви деб ҳисоблашади. Лекин бу фикр унчалик тўғри эмасга ўхшайди. Акс ҳолда ҳозирги Испанияда айнан монарх бошқаруви жамиятни генерал Франконинг диктаторлик режимидан демократияга томон нисбатан муваффақият билан олиб ўтганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Умуман олганда, етакчиликнинг бу тури доҳийлар, оқсоқоллар, шоҳлар бошқаруви учун хосдир.

**Харизматик етакчилик.** Етакчиликнинг бу турига М. Вебер инқироз даврида жамиятни инқилобий тарзда янгилашнинг муҳим ҳаракатлантирувчи кучи сифатида қарайди. Чунки етакчиликнинг бу тури ҳукмдор – етакчининг қудратига нисбатан халқнинг чексиз ишончига асослангандир. Омманинг фикрича, раҳбарлик учун алоҳида хислатлар, буюк сифатлар, ғайриоддий қобилиятларга эга бўлган харизматик етакчилар халқни ижтимоий янгиланиш вазифаларини очишга сафарбар эта оладилар. Аслида эса етакчининг индивидуал сифатлари унинг харизмаси шаклланишида иккинчи даражали роль ўйнайди. Масалан, Ленин, Сталин, Гитлер, Мао Цзедун, Ким Ир Сен, Фидель Кастролар харизматик етакчилар бўлишган.

**Рационал-легал етакчилик** етакчини сайлаш тартиби, унга берилган ҳокимлик ваколатларининг оқиллиги, қонунийлиги тўғрисидаги тасаввурларга асосланади. Чунки, жамият тараққиётидаги нисбатан тинч даврларда тарихий анъаналарни асраб-авайловчи ва зарурий ислоҳотларни амалга оширувчи рационал-легал етакчиларга ижтимоий эҳтиёж, зарурат юзага келади.

Умуман эса кўпчилик давлатларнинг тарихида сиёсий етакчилик турларининг алмашинуvida маълум бир кетма-кетлик кузатилади. Масалан, харизматик етакчи анъанавий етакчига, у эса, ўз навбатида, ислоҳотчи-қонунчига (рационал-легал етакчига) ўз ўрнини беради.

Етакчиларни турларга ажратишнинг яна бир қўриниши хақида АҚШнинг Принстон университети профессори Роберт Такер таклиф киритган. У 1987 йилда нашр этилган «Политическая культура и лидерство в Советской России. От Ленина до Горбачева» («Совет Россиясида сиёсий маданият ва етакчилик. Лениндан Горбачевга қадар») номли асарида етакчиларни уч турга бўлади:

*1. Консерваторлар – жамиятни ўз ҳолатида сақлаб қолиш-*

га қаратилган фаолият олиб борувчилар.

*2. Реформаторлар* – ҳокимият таркибини кенг қамровли ислоҳотлар воситасида тубдан ўзгартиришга интилевчилар.

*3. Инқилобчилар* – одатда, қурол кучи билан бошқа ижтимоий тузумга тез, сакраш орқали ўтишни режалаштирувчилар.

Хозирги замон сиёсатшунослигида етакчиларнинг 4 та йиғма тимсоли айтиб ўтилади:

- 1) байроқдор ёки буюк инсон;
- 2) хизматчи;
- 3) савдогар;
- 4) ўт ўчирувчи.

*Байроқдор етакчи* воқеликни ўзича кўра билиш, жозибали идеал, оммани қизиқтира олиш қобилияти билан ажраби туради. Ленин, Гитлер, Мартин Лютер Кинг, Ҳумайнйлар бундай етакчиларнинг типик вакиллари бўлишган.

*Хизматчи етакчи* ҳам ўз тарафдорлари ва сайловчиларининг манфаатларини ифода этишга интилади ва улар номидан иш кўради.

*Савдогар етакчи* учун ўз фоя ва режаларини чиройли қилиб кўрсатиш, уларнинг афзаллигига фуқароларни ишонтира олиш ҳамда бу фояларни «сотиб олишга» мажбур қилиш ва шунингдек, уларни амалга оширишга оммани жалб этиш хосдир.

*Ўт ўчирувчи етакчи* долзарб ижтимоий муаммоларга ечим топиб, даврнинг муҳим талабларини мўлжалга олади. Унинг хатти-ҳаракати аниқ вазиятга кўра аниқланади.

Реал ҳаётда етакчиларнинг бу тўрт идеал тимсоли, одатда, соғ ҳолда эмас, балки аралаш ҳолда учрайди.

**Етакчиларнинг вазифалари** улар фаолиятининг бош йўналишидир. Вазифалар донраси сиёсий тартибот, фуқаролик жамиятининг стуклиги, аҳоли турмуш даражаси каби омилларга боғлиқ бўлиб, биринчидан, жамиятдаги вазиятни таҳдил этиш ва баҳолашни мўлжалловчи ташхисни; иккинчидан, ижтимоий муаммоларни ҳал этишга хизмат қилувчи фаолият йўналиши ва дастурини аниқлашни; учинчидан, мақсадларни амалга ошириш учун ижрочиларни (амалдор шахслар, омма) сафарбар этишни қамраб олади.

Етакчининг вазифаларини янада аниқроқ тавсифлаш ҳам мум-

кин. Бу аниқ жиҳатларга қўйидагиларни киритиш мумкин:

1. *Жамиятни жислаштириш ва бирлаштириши*. Етакчи бошқа давлатлар билан муносабатларда миллий бирликни ўзида намоён қилиши, умумий мақсадлар ва қадриятлар йўлида фуқароларни бирлаштириши, Ватанга, давлатга, халққа хизмат қилишда ўрнак бўлиши лозим.

2. *Энг мақбул сиёсий қарорларни шилаб чиқиши ва қабул қилиши*. Етакчи хато қилишдан кафолатланмаган бўлса ҳам ижтимоий вазифаларни ҳал қилишнинг энг мақбул йўлини топа олишлик қобилияти, одатда, унинг раҳбарлик лавозимини эгаллашини оқладайди.

3. *Ижтимоий ҳакамлик, қўриқчиллик, оммани қонунсизликдан, турли даражадаги амалдорларнинг ўзбошимчалигидан ҳимоя қилиши, тартибот ва қонунчиликни назорат, рағбатлантириши ва жазолаш чоралари орқали сақлаб туриши*.

4. *Ҳокимият ва омманинг мулокотини, сиёсий ва ҳиссий алоқа каналларини мустаҳкамлаш ва шу билан фуқароларнинг ҳокимиятдан бегоналашувишининг олдини олиши*. Оммавий ахборот воситалари, айниқса, телевидение, шунингдек, сайловчилар билан ўзаро учрашувлар ва бошиқ тадбирлар орқали сиёсий стакчилар омма билан бевосита алоқада бўлишнинг кенг имкониятларига эга бўладилар.

5. *Янгиланини ташаббускори бўлиши, оптимизм ва ижтимоий энергияни тўнлаши, оммани сиёсий мақсадларни амалга оширишига сафарбар қилиши*. Етакчи халқ анъаналарини авайлаб сақлаши, ўз вақтида янгиликларни илғай олиши, жамият тараққиётини таъминлаши, халқда ижтимоий идеаллар ва ғояларга нисбатан ишонч уйғотиши лозим.

6. *Сиёсий тизимни легитимлаштириши*. Бу вазифа, асосан, тоталитар давлатлар стакчиларига хосдир. Сиёсий режим ўзини ўзи оқдай олмаганида у буни харизматик стакчининг алоҳида хусусиятларидан излашга уринади. Масалан, большевиклар ҳокимиятнинг кўп асрлик анъаналарини шафқатсиз вайрон этганда Маркс, Ленин, Сталин шахсини илоҳийлаштириши орқали тоталитар тизимни легитимлаштиришига уринган эдилар. Лекин бу уриниш бутун тарихда бўлганидек, сиёсий тизим легитимлигини эмас, балки фақатгина унинг легаллигини таъминлаган эди, холос.

Маълумки, собиқ Иттифоқнинг инқирози ва парчаланиб

кетиши ўз мустақиллигини қўлга киритган республикаларда «миллий миқёс»даги ўтиш даври етакчиларини жамият ва давлат раҳбарлигига олиб келди. Бу етакчилар ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш, фуқаролар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш, уларнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллигини ошириш, демократик ўзгаришлар кўламини кенгайтириш ва чуқурлаштиришда сиёсий етакчи ва раҳбарлар жиддий муаммоларга дуч келдилар. Бундай шароитларда сиёсий етакчидан катта масъулият, ўткир зеҳн, ҳар қандай муаммонинг туб моҳиятини кўра олиш, жасурлик ва дадиллик, одамларнинг табиатини яхши ҳис қилиш, уларга ишониш, улардаги яширин куч ва имкониятларни кашф эта олиш, янгича сиёсий тафаккур талаб этиларди. Бундай хусусиятларга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ижтимоий-иктисодий ривожланишнинг пухта ўйланган дастурини ишлаб чиқди ҳамда Ўзбекистоннинг салоҳияти буюклигига, унинг ўтмишда жаҳон тамаддунига катта ҳисса кўшганига асосланиб, келажаги ҳам буюк бўлиши тўғрисидаги фояни илгари сурди. Турли сессия ва бошқа анжуманларда нафақат ютуқларимиз, балки ҳали ҳал қилинмаган муаммолар, иктиносидий мураккабликлар, ислоҳотимиз нималарда оқсан қолаётгани ҳақида сўзлаб, жамоатчиликни, раҳбарларни бу муаммоларни бартараф этишга чорламоқда. Шу муносабат билан Президент И. А. Каримовнинг «Қачонки раҳбарнинг юраги ҳам, қўли ҳам тоза бўлса, тамадан, бараздан йироқ бўлса, унинг табиатида қатъийлик билан вазминлик, талабчанлик билан ақл-заковат ўйғун бўлса, фақат шундагина у одамларнинг ғам-ташвишини ўз қалбидан ўтказишга қодир бўлади»<sup>1</sup>, деб таъкидлаши бежиз эмас, албаттга.

Президент томонидан турли муассасаса ва ташкилотлар раҳбарлари олдига қўйилган талаблар суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларига ҳам тааллуқли бўлиб, уларнинг масъулиятини кучайтиришга қаратилгандир. Чунки «Бу соҳада хизмат қиласиган одамлар ўзининг профессионал ва фуқаролик бурчини, ўз вазифасини қанчалик ҳалол ва сидқидилдан ижро этиши, ҳеч муболағасиз, бутун ҳокимиётнинг

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбек ҳалқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. – Т., 2005. – Б. 31.

обрўси ва кишиларимизнинг адолатга ишончи қай даражада бўлишини белгилайди»<sup>1</sup>.

Ўзбекистондаги ҳозирги сиёсий етакчиликнинг ўзига хос жиҳатлари хусусида хорижлик мутахассисларнинг ҳам фикр-мулоҳазалари эътиборга лойик. Ўзбекистондаги сиёсий тизим ва бошқарувдаги хусусиятларни таҳдит қилиш, уларнинг фикрларича, бу ердаги етакчиликда ижтимоий-сиёсий вазијат тақозо этаётган ўзига хос авторитаризмни ҳам, шарқона демократия билан уйғунлашган харизматизмни ҳам, ислоҳотчиликни ҳам, демократизм томон интилган рационал-легал етакчиликни ҳам ўзаро боғлиқ ҳолда кўзга ташланаётганидан далолат беради.

Таниқли ҳуқуқшунос Л. Левитиннинг ёзишича «Ҳозир Ўзбекистонда Президент И. А. Каримов томонидан қатъий сиёсат юритилмоқда. Бироқ бу сиёсат, биринчидан, аксарият аҳолининг кучли ягона ҳокимиятга бўлган анъанавий эҳтиёжларига жавоб беради, иккинчидан, барқарорликни таъминляяпти, учинчидан, ислом ақидапарастлигига қатъият билан қарши турмоқда ва тўртинчидан, унда ташқаридан келаётган демократлаштириш талабларига мослашиш тамойили мавжуд»<sup>2</sup>.

Евроосиё минтақасида авторитар анъаналар, раҳбардан нажот кутиш, унга умид ва ишончни ўзида мужассам этувчи тасаввурлар узоқ тарихга бориб тақалади. Асосий масала эса сиёсий етакчи шахсининг буюқ ўзгариш – давлат мустақиллигига эришган жамият талабларига қанчалик даражада мувофиқ қелишидадир. Таниқли рус файласуфи Иван Ильин XX асрнинг 50-йилларидаёқ «коммунистик режим қулаганидан кейин Россияда иккита имконият бўлади – ё қаттиқ ва оқилона авторитар режим уни парчаланишидан сақлаб қолади ёки бошидан-оёқ анархия юз беради», деб башорат қилган эди. Шу сабабли унинг «Ўтиш даврида авторитаризм Россия учун нажот йўлидир»<sup>3</sup> деган нуқтаи назари муайян маънода минтақадаги бошқа мамлакатларга ҳам тегишлидир.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. – Т., 2005. – 189.

<sup>2</sup> Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилии палласида. Президент Ислом Каримов тарафдорининг танқидий мулоҳазалари. – Т., 2001. – Б. 24.

<sup>3</sup> Ўша асар. – Б. 20.

Бунинг устига Марказий Осиё халқлари қарийб 130 йил да-вомида мустамлакачилик зулми остида эзилганлигини, бир неча авлодлар умргузаронлиги тоталитар етакчилик ҳукмрон-лиги остида кечганлигини инобатга оладиган бўлсак, бу ердаги авторитар бошқарув жараёнларига унчалик ҳайратлан-май қараш мумкин, албатта.

### **3. Сиёсий етакчиликнинг шаклланиш тартиби. Демократик жамиятда сиёсий етакчи ва сиёсий элитанинг ўрии**

Замонавий сиёсатшунослик сиёсий етакчиликнинг шаклланиш тартибida икки хил йўналиш, принцип мавжудлиги-ни қайд этади.

**1. Номенклатура принципи** (бирор юқори ташкилот ҳисобида турадиган ва шу ташкилот томонидан белгиланадиган, тайинланадиган ходим) тоталитар тизимларда амал қиласди ва бунда етакчиликка танлаш жамоатчилик иштирокисиз, ҳукмрон, оз сонли одамлар гуруҳи орасида амалга оширилади.

**2. Демократик принцип** либерал-демократик тизимларда амал қиласди. Уларда сиёсий етакчи очиқ сиёсий кураш натижасида сиёсат майдонига кириб келади, ҳокимият зинапояла-рида унинг қуидан юқорига кўтарилишини жамиятнинг му-айян ижтимоий гуруҳлари оммавий тарзда қўллаб-қувватлайди.

Номенклатура (аппаратга оид) принципи асосан тотали-тар ва авторитар режимларга хос бўлиб, унда сиёсий етакчи-лик аслида қўлга киритилмайди, балки шахс етакчиликка тайинланади ёки қўйилади. Бу масалани сиёсатдаги оз сонли ҳукмрон гуруҳ ҳал этади. Етакчилар, раҳбар кадрларни тан-лашнинг бундай маъмурий-буйруқбозлик принципига собиқ Иттифоқда амал қилинар эди.

Сиёсий етакчиликни шакллантиришда номенклатура принципи ҳеч қандай сиёсий мухолифнинг аралашувига им-кон бермайди, етакчининг ахлоқий ва сиёсий жиҳатдан бу-зилишига олиб боради. Вақт ўтиши билан номенклатурага хос етакчилик ўз эфективлигини йўқота боради. Брежнев, Черненко каби собиқ совет етакчиларининг сиёсий фаолияти бу фикрнинг исботидир. Гоҳо вазият тақозоси билан ушбу принципни бузишга ҳаракат қилувчи, ҳукмрон гурухга «бе-гона» бўлган шахсларнинг ҳокимият тепасига келиши эҳти-

моли ҳам рўй беради. М.С. Горбачёвнинг 1985 йилда ҳокимият тепасига келишини шу билан изоҳлаш мумкин.

Демократик принципнинг характерли томони шундаки, сиёсий етакчи «биринчи шахс» ўрнини эгаллаш учун сиёсий элиталар ўртасида кечадиган очиқ сиёсий кураш жараёнида ўз авторитети (обрў-эътибори), муайян ижтимоий гуруҳдаги, жамиятдаги умум эътироф этган обрў-эътибори орқали етакчиликка келади. Етакчининг ҳокимиятда юқорига кўтарилиши муайян ижтимоий гуруҳлар, хусусан, сиёсий элита мадади, қўллаб-қувватлаши билан ошкора тарзда кечади.

Хўш, сиёсий элита нима ва у сиёсий етакчиликнинг демократик принциплар асосида шаклланишида қандай аҳамият касб этади?

«Элита» атамаси француз тилидан олинган бўлиб, «*сарланган, сайланган*» деган маънони билдиради. Сиёсий элита эса алоҳида ижтимоий сифатларга, сиёсий таъсири этишнинг муайян даражасига эга бўлган ва у ёки бу давлатнинг ҳокимият институтлари учун раҳбар кадрларнинг асосий манбай ҳисобланган катта ижтимоий гуруҳларга мансубликни англатади. Сиёсат субъектлари орасида муҳим ўринни эгалловчи сиёсий элиталар таркибига олий раҳбар кадрлар, бошқарувчилар, катта обрўга эга бўлган ғоявий иш билан шуғулланувчилар, шунингдек, иқтисодий ва маъмурий доиралар, оммавий ахборот воситалари, таълим-тарбия муассасаларининг кўзга кўринган вакиллари киради.

Сиёсий элиталар доимо ўзгариб боради. Уларнинг тараққиётида аристократик ва демократик йўналишлар қайд этилади. Аристократик йўналишнинг устунлик қилиши сиёсий элитанинг «ёпиқлигига ва кристаллашувига», яъни сифат жиҳатдан ўзгариб, турғунлашувига олиб келади. Одатда, ҳукмрон элита ўз имтиёзлари ва ижтимоий мавқеларини мерос таринқасида ўзининг ноэлитар авлодларига бернишга ҳаракат қиласиди. Натижада, элита таркиби сифат жиҳатдан бузилиб, жамиятда ҳукмронлик учун интилувчи янги ижтимоий кучлар – контэрэлита гуруҳларининг кураши фаоллашуви рўй беради. Ҳукмронлик ва имтиёзли мавқени эгаллаш учун юксак психологик ва ижтимоий сифатларга эга бўлган кўпгина кишилар интиладилар. Лекин ҳеч ким ўз мавқеи ва лавозимини кўнгилли равишда бўшатиб бермайди, шунинг учун эли-

талар орасида очиқ ва яширин ҳолда ҳукмронлик учун кураш бориши табиийдир.

Демократик йўналишдаги тараққиётда сиёсий элиталар қатламларининг етакчиликка оид қобилияtlари одамлар ҳисобига янгиланиб боради. Бу эса сиёсий элитанинг дегенарация жараёнларини олдини олади ва унинг жамиятни бошқаришдаги самарадорлигини таъминлайди.

Ҳозирги даврда демократик жамиятлар учун долзарб вазифалардан бири элитар гуруҳларга қарши кураш эмас, балки жамият учун фойдали сиёсий элиталар гуруҳини шакллантириш, унда ижтимоий ваколатлилик янгиланиб туришининг юқори сифатини таъминлаш, олигархиялашуви, халқдан бегоналашуви ва ёпиқ ҳукмрон, имтиёзли табақага айланнишининг олдини олишдир.

Сиёсий етакчиларни танлашнинг демократик принципи икки хил усул билан амалга оширилиши мумкин:

1. *Стихияли танлаш* (куйидан қўтарилиш). Бунда ижтимоий фикр шкаласи йўналишига таянилади. Бундай танлаш усули сиёсий йўлнинг туб бурилиш даврида янги етакчиларни пайдо қиласди.

2. *Етакчи* – раҳбарларни мақсадга мувофиқ шакллантириш – сиёсий таълим ва амалиётни ўз ичига қамраб олувчи яхлит бир тизимни тақозо этади.

Ўзбекистонда сиёсий кадрларни тайёрлашда айнан иккинчи ёндашувга таянилмоқда. Шу мақсадда 1995 йилда Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академияси иш бошлади. Унда давлат бошқариш тузилмаларининг раҳбарлик бўғини учун сифат жиҳатдан янги, юқори малакали мутахассислар тайёрланмоқда. Чунки сиёсий меҳнат тобора кўпроқ шифокор, конструктор ёки адвокатлик касблари каби касб-корга айланмоқда. Янги парламент – Олий Мажлис қонунчилик палатаси депутатлиги Ўзбекистондаги янги бир сиёсий касбга айланниб улгурди. Шунинг учун ҳам сиёсатчи амалда аҳоли талабларини аниқ ифодалашни таъминлашни, коллектив қарорлар қабул қилиш ва уларни амалга ошириш учун зарур бўлган парламент ва ҳукумат органлари, оммавий ахборот во-ситалари, жамоат ташкилотлари ва алоҳида кишилар ўртасида алоқаларни йўлга қўювчи, можароларни ҳал этиш ва ке-

лишув йўлларини топувчи, ижтимоий алоқалар соҳасидаги мутахассисга айланиб бормоқда. Шак-шубҳа йўқки, етакчиларни, сиёсий элитани мақсадга мувофиқ равишда шакллантириш етакчилик ҳақидаги анъанавий, асосан, харизматик тасаввурларни кўп даражада ўзгартиради.

Ўзбекистонда давлат аппаратини такомиллаштиришнинг ўта мураккаб муаммолари ечимини излашда авлодлар алмашуви йўлидан борилмоқда. И. А. Каримов бу масалада ўз нуқтаи назарини таърифлаб: «Менинг энг катта ишончим ёш авлоддир. Замонавий билимга эга, одобли, илмли, кўрсанг ҳавасинг келадиган, баркамол ва шижоатли фарзандларимиздир. Мен ўзимнинг тақдиримни ҳам, мамлакатимиз ва мустақиллигимиз тақдирини ҳам ана шуларнинг қиёфасида кўраман»,<sup>1</sup> деган эди.

1991 йил 20 ноябрда қабул қилинган ва 1998 йилнинг 1 майида ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган «Давлат ёшлар сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонун ҳам, 2008 йилнинг “Ёшлар йили” деб эълон қилинганлиги ҳам ана шунга қаратилган. Ўзбекистон ҳозирнинг ўзидаёқ раҳбарлик лавозимларига кўтариш учун мустақиллик даврида шаклланган янтича, демократик тафаккурга эга бўлган кадрлар вакиллари заҳирасига эга. Президентимиз И. А. Каримов томонидан ҳаётга таъбиқ этилаётган жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш вазифалари мана шу янги, соғлом авлоддан самаралироқ фойдаланишини тақозо этади. Чунки, мамлакатни янада ривожлантиришнинг истиқболлари кўп жиҳатдан баркамол ёш авлодга боғлиқдир.

Таҳнил этилган масалалар юзасидан хulosа қилинганда, ҳозирги дунёда сиёсий етакчилик ривожланишининг қўйидаги бешта тенденцияси кўзга ташланмоқда:

1. Миллий етакчилар глобал муаммоларни эндиликда четлаб ўта олмайдилар. Улар ўз ички сиёсатларига умумжаҳон, глобал жараённинг бир қисми сифатида қарамоқдалар.
2. Норасмий етакчиларнинг роли ва таъсири ортиб бормоқда.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўнимиз билан қурамиз. – Т., 1999. – Б. 222.

3. Етакчилар фаолияти иқтисодий ва ижтимоий муаммаларни ҳал қилишга қўпроқ қаратиляпти. Бу етакчи фаолияти билан боғлиқ равища у ёки бу миллатнинг турмуш даражасининг ўсишида намоён бўлмоқда.

4. Демократик назоратнинг ривожланиши боис етакчиҳаҳрамон ва етакчи-антиқаҳрамон каби сиёсатчиларнинг пайдо бўлиши эҳтимоли камаймоқда, яъни Наполеон, Гитлер, Ленин, Сталин кабилар пайдо бўлмаяпти.

5. Ҳокимиятлар бўлиниши ва фуқаролик жамияти чегараларининг кенгайиши ҳисобига сиёсий етакчи ҳокимијати ҳам чекланяпти.

Хуллас, сиёсий етакчилик икки хил усулда, яъни номенклатура ёки демократик йўл билан шакланади. Сиёсий етакчиликнинг ижтимоий аҳамияти тўғридан-тўғри сиёсий маданият даражаси ва омманинг фаоллиги билан боғлиқ. Фаол сиёсий маданиятнинг, барқарор демократик анъаналарнинг мавжудлиги, давлат томонидан назорат қилинмайдиган фуқаролик жамияти ва сиёсий мухолифатнинг борлиги заиф етакчилар учун имкониятларни кескин камайтиради. Турли хил ўзбошимчалик ва ҳокимиятни сунистеъмол қилишнинг олдини олади, шу билан бирга, сиёсатда индивидуал қобилиятлар ҳамда талантларни намоён қилишга кенг йўл очиб беради.

### **Таянч тушунчалар**

*Етакчилик, сиёсий етакчилик, хислатлар назарияси, вазијатлар назарияси, конституент, психоаналитика назарияси, сиёсий етакчилик турлари, анъанавий етакчилик, харизматик етакчилик, рационал-легал етакчилик, консерватор, реформатор, инқилобчи, етакчининг вазифалари, номенклатура принципи, демократик принцип, элита, сиёсий элита, сиёсий етакчилик ривожланишининг янги тенденциялари.*

### **Назорат учун савол ва топшириқлар**

1. «Сиёсий етакчилик» тушунчаси ва уни изоҳловчи ёндашувлар тўғрисида гапиринг.
2. Марказий Осиё мутафаккирлари ва давлат арбобларининг етакчилик тўғрисидаги қарашларини таҳтил қилинг.

3. Ҳозирги замон сиёсатшунослигида сиёсий етакчилар қандай турларга ажратиласиди?
4. Етакчиларнинг вазифалари нималардан иборат?
5. Сиёсий етакчилик қандай принциплар асосида шакллантирилади?
6. Демократик жамиятни барпо этишда сиёсий етакчи ва сиёсий элитанинг масъулияти нималардан иборат?
7. Калрлар тайёрлашнинг либерал-демократик, тоталитар ва теократик тизимларининг ўзаро тафовутларини аниqlанг.
8. Ўрганган билимларингиз асосида муайян сиёсий етакчининг сиёсий қиёфасини таҳлил қилиб беринг. Танлаган қаҳрамонингизнинг шахсий фазилатлари, сиёсий дастури ва фаолиятига эътибор беринг.

## АДАБИЁТЛАР

*Каримов И. А.* Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. – Т., 1996. – Б. 348.

*Каримов И. А.* Ўзбек ҳалқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. – Т., 2005. – Б. 9–37, 174–222.

*Каримов И. А.* Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва ҳалқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадиллар. Т.15. Т., 2007. – 320 б.

*Каримов И. А.* Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. Т., 2008. – 368 б.

*Каримов И. А.* Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., 2008. – 176 б.

*Алихонтўра Соғуний.* Туркистон қайфуси. I-китоб. Т., «Шарқ», 2003. – 320 б

*Бозорбоев Б.* Сиёсий лидерлик феномени. – Т., 1993.

*Бурлацкий Ф.* Ислам Каримов – лидер, оказавшийся на высоте в период становления государственной независимости Узбекистана // Правда Востока. – №18. – 12 сент. – 2001.

*Джавакова К.В.* Политическое лидерство: Учебное пособие. – Т., Академия МВД Республики Узбекистан, 1999.

*Карлайн Д., Левитин Л.* Ислам Каримов – Президент нового Узбекистана. – Австралия, 1995. – Т., 1996. – С. 3–24.

*Левитин Л.* Ўзбекистон тарихий бурилиши палласида. Президент Ислом Каримов тарафдорининг танқидий мулоҳазалари. – Т., 2001. – Б. 3–45.

*Қодиров А.Қ.* Жамиятни демократлаштиришда сиёсий элитанинг роли // Ҳукуқ–Право– Law. – 2001. – №1.

- Макиавелли Н. Ҳукмдор // Жаҳон адабиёти. – 2002. – № 9.*  
*Низомулмулк. Сиёсатнома ёки Сияр ул-мулук. – Т., 1997. – Б.12–*
24. О них говорят. Политические портреты зарубежных деятелей / А.Красиков, С.Воловец, Б. Шестаков и др.– М., 1989. – С. 30–54.
- Пугачев В. П., Соловьев А. И. Сиёсатшуносликка кириш: Ўқув қўлланма. – Т., 2004. – Б. 164–183.*
- Рамазонов И., Мўминов Э. Политология: Дарслик. – Т., 1997. – Б. 181–198.*
- Темур тузуклари /Сўзбоши муаллифи ва маъсъул муҳаррир Муҳаммад Али, форсчадан тарж. А. Соғуний ва Ҳ. Кароматов. Т., 2005.
- Шарафиддинов О. Мустақиллик меъмори // Тафаккур. 2003. – № 1. – Б. 4–23.*

---

## ЖАМИЯТ СИЁСИЙ ҲАЁТИНИНГ ДЕМОКРАТИК АСОСЛАРИ

### I. «Демократия» тушунчаси, унинг моҳияти ва амал қилиш механизмлари

«Барча одамлар республика шаклидаги давлатларда ҳам, мустабид давлатларда ҳам тенгдирлар; биринчи ҳолатда улар ҳамма нарсани ҳал қилувчи бўлганликлари учун, иккинчи ҳолатда эса «ҳеч нарса» эканликлари учун тенгдирлар... Эркинлик – қонун руҳсат этган барча ишни қилишидир».

III. Монтескьё.

«Демократия» тушунчаси. «Демократия» бугун дунё ҳалқлари ва сиёsatчилари томонидан кенг кўлланиладиган сўзга айланниб қолди. Ҳўш, демократиянинг ўзи нима, белгилари, асосий шартлари нималардан иборат? Демократияда эркинлик, тенглик, маънавият, қадр-қиммат қандай бўлади? Ва, биз демократияни қандай тушунамиз?

Одатий мушоҳадаларга зид ўлароқ, демократия кеча пайдо бўлгани йўқ, қолаверса, у Фарбнинг маҳсули ҳам эмас, аксинча, демократия қадим-қадимда Шарқда шакллангандир. Гарчанд биз кўп йиллик цивилизация тарихини юононлардан, римликлардан бошлиб ўрганган бўлсак-да, қадим маданий тараққиёт аслида ҳиндлардан, улардан ҳам аввалроқ хитойликлардан туркий аждодларимиз бўлган хунлардан бошлангани бугун биз учун сир эмас. Ўтмишда Конфуцийдан бу ўткинчи дунёда одамдай яшаш учун керак бўладиган йўлни, ҳаёт тарзини биргина сўз билан ифодалаганда у қандай сўз бўларди деб сўрашганида у: «Кенглик, болаларим, кенглик!» деган экан.

Аслида демократия шу – бағрикенглик, муроса, бирорни чираб эшитиш, кенгашиб, можароларни сиёсий йўл билан ҳал қилмоқ, қанчалик нокулай бўлмасин, ўзгача фикрни ҳам эшишмоқ, ҳамма ижтимоий табақалар билан, ҳалқ билан ҳисоблашмоқдир. Инсоний муносабатлардаги ана шу бағри-

кенгликтин давлат сиёсатига айлантириб, уни «демократия» деб атайдилар<sup>1</sup>.

**Демократиянинг этиология таърифлари.** Ҳозирги даврда «демократия»нинг бир неча маънолари мавжуд. «Демократия»-нинг биринчи маъноси унинг этиологияси, яъни атама сифатида келиб чиқиши билан боғлиқ. Чунки, Қадимги Гречияда пайдо бўлган «демократия» атамаси *demos* – «халқ», *kratos* – «ҳокимият»дан иборат бўлиб, «халқ ҳокимияти» деб таржима қилинади. АҚШнинг собиқ президенти А. Линкольн ушбу таърифни янада тушунарлироқ қилиб, «Демократия – халқ учун халқ сайлаган халқ бошқарувидир», деб изоҳлайди. (*goyernment of the people, by the people, for the people.*) Юқоридаги таърифларга кўра, демократия халқнинг ўзидан келиб чиқади («of»), халқ томонидан амалга оширилади («by»), халқ манфаатлари учун хизмат қиласи («for»).

Бироқ айрим муаллифлар «демократия» сўзининг том маъноси, кўпчилик ўйлаганидек, «халқ ҳокимияти» эмас, балки «йўқсиллар ҳокимияти» («*demos*» – мулксиз, йўқсил, мансабсиз) деб ҳисоблайдилар<sup>2</sup>. Бу фикрни рад этиш шунинг учун ҳам мушкулки, милоддан аввалги Қадимги Гречиядаги Афина давлатида 400 минг аҳоли бўлиб, унинг фақатгина 40 минигина тенг ҳуқуқли фуқаролар бўлишган<sup>3</sup>. Мана шу ўн фоиз аҳоли бутун «*demos*» номидан ҳокимиятга даъвогарлик қилган. Бунинг устига аёллар, кўчиб келганлар, қуллар сиёсий ҳуқуқларга эга бўлмаганлар.

Демократиянинг этиологик таърифига нисбатан кенгроқ тушуниш унинг иккинчи маъносини келтириб чиқаради. Унга кўра демократия – «бошқарув ва қарорлар қабул қилинишида аъзоларнинг тенг иштирокига асосланувчи ҳар қандай ташкилотнинг тузилиш шакли», дея эътироф этади.

Учинчи маънода демократия қадриятларнинг маълум бир тизимиға асосланувчи ижтимоий тузум идеали сифатида тушунилади ва унинг қадриятларига эркинлик, тенглик, инсон ҳуқуқи, халқ суверенитети ва бошқалар киритилади.

<sup>1</sup> Демократия ва инсон ҳуқуқлари. «Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» туркумидан 10-рисола. – Т., 1997. – Б. 33.

<sup>2</sup> Ўша асар. – Б. 55.

<sup>3</sup> Ирхин В.Д., Зотов В.Д., Зотова Л.В. Политология. – М., 2000. – С. 241.

*Тўртинчи маъносида демократия халқ ҳокимиятчилиги, демократик мақсадлар ва идеалларни амалга ошириш учун ижтимоий ва сиёсий ҳаракатлар сифатида қаралади.*

Ҳозирги тушунишда демократия камчилик ҳуқуқини ҳимоя қилган ҳолда кўпчиликнинг ҳокимиятини, асосий давлат органларининг сайланишини, фуқаролар ҳуқуқлари ва сиёсий эркинликларининг мавжудлигини, уларнинг тенг ҳуқуқлигини, қонуннинг устунлигини, конституционализм ва ҳокимиятнинг бўлинишини билдиради<sup>1</sup>.

**Демократия ички зиддиятининг моҳияти.** Демократия тушунчаси жамият сиёсий ҳаётини ташкил этишнинг демократик шакллари каби узоқ тарихга эга. Бундай шаклларни мукаммаллаштириш ҳозиргача ҳам тугагани йўқ, балки давом этмоқда. Ҳатто ривожланган давлатларда ҳам демократия соҳасида яққол ютуқларга эришилганига қарамай, аҳоли ўртасида мавжуд демократиядан бир қадар даражада қониқ-маслик кайфияти мавжуд. Шу муносабат билан У. Черчилнинг демократия даҳшатли нарса, лекин инсоният ҳали ундан афзатроқ нарсани ўйлаб топгани йўқ, деган сўзларини эслаш диққатга сазовордир. Демократия ўз луғавий маъносига кўра халқ ҳокимиятини англатади. Демократияни бундай тушуниш меъёрий ҳисобланади, чунки бунда у инсоний идеаллар, қадриятлар ва истаклардан келиб чиқувчи катерияни англатади. Демократия ўзининг мана шундай қадриятли мазмунига кўра ҳозирги дунёда шу қадар машҳурликка эга бўлди. Лекин демократияни бундай меъёрий тушуниш уни жозибадор қилиб кўрсатишига қарамай, воқеликдан узиб, идеаллаштиради. Реал демократия ҳеч қаерда ва ҳеч қаочон халқ ҳокимияти бўлган эмас, чунки бундай ҳолда у нодавлат, ижтимоий ўз-ўзини бошқаришни билдиради. Аслида «демократия» тушунчаси ўзи пайдо бўлган замонлардан бошлаб давлат билан, демак, мажбурлаш билан боғланган. Шу сабабли, демократия энг яхши маънода кўпчиликнинг камчилик устидан ҳокимияти ҳисобланади, кўпинча эса кўп ёки камроқ даражада халқ назоратида бўлувчи, яхши ташкил этилган озчиликнинг бошқарув шаклидир.

<sup>1</sup> Юридик энциклопедия / Юридик фанлар доктори, профессор У. Таджи-хановнинг умумий таҳририда. – Т., 2001. – Б. 113.

Шу маънода ҳозирги замонавий демократик жамиятлар халқ ҳокимиятчилиги идеалига нисбатан яқинроқ жамиятлардир. Жамият ҳаётини бошқаришнинг кўпгина вазифаларини ҳамон вакиллик органлари, яъни давлат амалга ошироқ мөқда. Демак, демократия ҳозирги кўринишида давлат бошқарувининг бир шаклидир. Иккинчи томондан, демократия халқнинг ўз ҳаётини бошқаришда ролининг ошиб бориши ва шунга мос равишда давлатнинг ижтимоий функцияларининг камайиб, заифлашиб боришидир.

Тўлиқ демократия эса ижтимоий ҳаётни бошқаришда давлат ролининг бутунлай тўхташи ва бу жамиятнинг носиёсий, нодавлат кўринишидир. Парадоксни қарангки, у ҳолда – яъни давлат йўқолганда, барҳам топганда «демократия» тушунчаси ҳозирги маъносини йўқотади. Бундан хулоса шуки, модомики давлат мавжуд экан, демократик жамиятда ҳам демократия идеал демократия бўла олмайди ва ижтимоий онг буни тўғри, табиий бир реаллик сифатида қабул қилмоғи лозим. Шундай қилиб, жамиятда давлат мавжуд бўлганда демократия тўлиқ бўлмайди, тўлиқ демократияда эса давлатга – ижтимоий муносабатларни бошқаришнинг ҳокимият кўринишидаги шаклига эҳтиёж қолмайди.

**Демократия – сиёсий тизимни ташкил этишининг усули.** Юқоридагиларга кўра, ҳокимият – одамлар бир гуруҳининг иккинчи бир гуруҳ устидан ҳокимиятини билдиради. Шу боис «демократия» халқни ҳокимият субъекти сифатида қарайди, лескин ҳокимиятга таъсир этувчи обьект сифатида қайд этмайди. Табиийки, демократия термини ўз этимологик аҳамиятига қараганда бизнинг замонда анча кенг мазмун – моҳият касб этади. Бугунги кунда демократияга жамиятнинг давлатсиёсий қурилиши шакли сифатида қараш кенг тарқалган ва бундай демократия ҳокимият субъекти ва манбаси сифатида халқни назарда тутади. Ҳозирги вақтда демократия халқни ҳокимият манбаи деб эътироф этувчи, фуқаролар тенглиги, озчилик ҳуқуқларини ҳимояловчи, давлатнинг асосий органлари – сайловлар натижасида шаклланувчи ҳокимият тизими, шакли сифатида тушунилади.

Мустақил ўзбек давлатчилиги ва озодликка эришган Ўзбекистон халқлари учун бугунги демократлаштириш, демократия жараёни Фарб дунёсида кейинги асрларда шаклланган

сиёсий тамойилларга кўр-кўронада эргашиш эмас, балки аждодларимиздан қолган миллий, инсоний қадриятлар асосида жаҳон халқлари сафидан ўз ўрнини топишдир. *Демократия – ўзини англамоққа, ўз ҳаётини ўз ақлу истагига монанд қурмоққа ва бу ҳаракатнинг оқибати учун масъулиятни ўзиға олмоққа, ўз-ўзини бошқармоққа, ўз қадрини билмоққа, ўзини ҳурмат қилмоққа асосланган тузумдир.*

Маълумки, ҳар қандай ҳокимият халқнинг устидан ўрнатилади. Демак, «демократия» – халқнинг халқ устидан ҳокимияти! Инсоннинг ўз устидан ҳокимияти! Ўзини ўзи бошқариш! Демократиянинг сири ҳам шундадир. Демократияда фақат ҳокимият субъекти – ҳукмдоргина ўзгармайди, балки ҳокимият субъекти – халқ ҳам ўзгаради. Халқ эса инсонлардан ташкил топган. Демократия – халқнинг халқ устидан ҳокимияти сифатида, инсоннинг бошқа бир инсон устидан эмас, энг аввало, ўз ҳаёти устидан ҳокимияти. Дарҳақиқат, демократиянинг мазмун-моҳияти ҳам шундан иборатдир.

Шундай қилиб, демократиянинг асл моҳияти ўз-ўзини бошқариш, ўз ҳаётини ўз қобилияти, ўз тафаккури ва ўз вижденига кўра қуриш ва бунинг оқибати учун масъулиятни ҳам ўзига олишдир.

**Демократиянинг амал қилиш механизмлари (принциплари).** Бу механизм ривожланган мамлакатларнинг асрлар давомидаги сиёсий тажрибалари натижасида шаклланган бўлиб, у принципларни ўз ичига қамраб олади. Улар қўйидагилардир:

1. Инсоннинг асосий иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ҳуқуқларининг қонун билан мустаҳкамланиши.

2. Ҳокимият органларининг эркин, тенг, тўғридан-тўғри, яширин овоз бериш йўли билан сайланиши.

3. Озчилик ҳуқуқларини мустаҳкам кафолатлаган ҳолда масаланинг кўпчилик томонидан ҳал этилиши, ўз нуқтаи назарини очиқ-ойдин ҳимоя қила олиш ҳуқуқи.

4. Бевосита ва вакиллик демократиясининг мавжудлиги.

5. Сиёсий плюрализм – камида иккита сиёсий партия-нинг мавжудлиги.

6. Конструктив мухолифатнинг мавжудлиги.

7. Белгилаб қўйилган ваколатлар доирасида нисбий мустақил бўлган қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг бўлинганлиги.

**8. Суднинг мустақиллиги.**

**9. Альтернатив, яъни муқобил ахборот манбаларининг мавжудлиги.**

Бу талаблар у ёки бу мамлакатда бошқарувнинг демократик шакли борлиги ҳақида гапиришга имкон берувчи минимал шароитлар ҳисобланади.

**Демократлаштиришнинг шарт-шароитлари.** XXI асрга келиб демократия фояси кенг тарқалган фоя бўлишига қарамай, ҳанузгача дунё аҳолисининг жуда оз қисми бошқарувнинг бу шакли шароитларида ҳаёт кечирмоқда. Модомики реал вазијат шундай экан, жамият ва давлат демократияга ўтиши учун қандай шарт-шароитлар тақозо этилади? Дарҳақиқат, ривожланган мамлакатлар тажрибасига кўра, демократияни барпо этиш бир қатор иқтисодий, ижтимоий, маданий, диний ва ташқи сиёсий шарт-шароитларни талаб қиласди.

**Демократиянинг иқтисодий шарт-шароитлари.**

1. Мулкчилик шакллари плюрализми, ривожланган бозор ва товар ишлаб чиқарувчилар рақобати мавжудлиги, индустрiali ва умуман иқтисодий ривожланишнинг нисбатан юқори даражаси. Одатда, демократик мамлакатлар иқтисодий ўсиш суръатлари бўйича авторитар ва тоталитар давлатлардан илгарилаб кетишган. Аммо иқтисодий ривожланиш даражаси ва демократия ўртасида тўғридан-тўғри боғланиш йўқ. Саноати нисбатан юқори ривожланган мамлакатда ҳам авторитар ёки тоталитар тартибот бўлиши мумкин.

2. Урбанизациянинг юқори даражаси. Йирик шаҳарлар аҳолиси бошқарувнинг анъанавий шаклларига мойил бўлган қишлоқ аҳолисига қараганда демократияга кўпроқ тайёр бўлади.

3. Оммавий коммуникациянинг ривожланганлиги.

4. Рақобатли бозор иқтисодиёти.

**Демократиянинг ижтимоий шарт-шароитлари.** Ўрта синфа мансуб аҳоли сонининг кўплиги ва ижтимоий плюрализмнинг мавжудлиги. Камбағаллар ва бойларга нисбатан ўрта табақага мансуб фуқароларнинг кўпчиликни ташкил этиши ҳокимиятни монополлаштирувчи кучларга қарши посанги бўлиб чиқади ҳамда ҳокимият устидан самарали назорат ўрнатишга имкон беради. Ривожланган ички бозор ва рақобатбардош мулкдорлар мавжуд бўлган мамлакатларда демокра-

тиянинг шакланиши муваффақиятли кечади. Бирёзлама, экспортга мүлжалланган иқтисодиёт ва давлат билан қўшилиб кетган монополистик буржуазияга эга давлатлар эса кўпроқ авторитаризмга мойил бўлади.

**Демократиянинг маданий шарт-шароитлари.** Аҳолининг юқори саводхонлик даражаси ва фаол сиёсий маданиятнинг мавжудлиги. Билимсиз одамлар, одатда, сиёсат ва демократия билан қизиқмайдилар, натижада, турли сиёсий кучлар найранглари обьектига айланиб қоладилар. Маърифатлилик ва фаол сиёсий маданият демократия учун зарур бўлган сиёсатда фаол қатнашишни, айни пайтда қонунга, кўпчиликнинг қарорларига бўйсуниш қобилиятини акс эттиради.

**Демократия ва дин.** Дин демократияга ўтишни секинлаштириши ҳам, тезлаштириши ҳам мумкин. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бугунги кунда Фарбнинг айрим сиёсатдонлари ва сиёсатшунослари нутқлари, асарларида «Ислом демократияни инкор этади» қабилидаги нуқтаи назарлар, баёнотлар тез-тез учрамоқда. Бу исломнинг моҳиятини билмаслик натижасида келиб чиқсан янгилиш фикрлашнинг натижасидир. Аксинча «Айнан Аллоҳнинг яктолигини эътироф этароқ Исломда демократия барҳақдир, чунки Яратувчининг бетакрорлигини тан олмоқ заминдаги диктатура ва диктаторлардан, шахсга сифинишлардан асрайди. Исломда фақат Аллоҳнинг эътироф этилиши заминдан бандаларнинг барини унинг қошида тенг шароитга кўяди, эътиқод тақводорни ўзини «Тангрининг сояси», «вакили» атаётганлар қошида қалтирамасликка ўргатади. «Беайб Парвардигор», демак, бандалар гуноҳдан холи эмаслар, демак, уларга сифиниш ҳам жоиз эмас, демак, бу гуноҳлар ҳақида сўзламоқ мумкин. Бу Ислом плюрализмидир»<sup>1</sup>.

**Сайлов – давлат ҳокимиятини демократик асосда шакллантириши воситаси.** Демократиянинг амал қилиш механизмидаги ҳокимият органларининг эркин, тенг, тўғридан-тўғри, яширин овоз бериш йўли билан сайланиши тамойили «демократия» ва «сайлов» тушунчаларининг бир-бири билан уз-вий боғлиқ эканлигидан далолат беради. Демократик сайловлар уч шароит бўлгандагина мумкин: биринчидан, муқобил-

<sup>1</sup> Демократия ва инсон ҳуқуқлари. «Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» туркумидан 10-рисола. – Т., 1997. – Б. 46.

лик, иккинчидан, сайлов кампаниясини ўтказишда эркинлик, учинчидан эса, сайловчилар хоҳиш ва иродаларининг эркин ифодаланиши. Сайловлар доимо овоз бериш билан боғлиқ бўлиб, улар умумийлик, тенглик, овоз беришнинг яширинлиги, тўғридан-тўғри (бевосита) овоз бериш каби демократик тамойилларни ўз ичига қамраб олади. Ҳозирги замонда сайлов тизимининг мажоритар (муқобиллик асосидаги), пропорционал (ваколат асосидаги) ва унитар турлари мавжуд.

**Мажоритар сайлов тизими** («мажоритар» французча majoritaire – кўпчилик) демократик типдаги давлатларга хос бўлиб, унда «50 фоиз плюс 1 сайловчи овози» тамойилига амал қилинади, яъни сайловчиларнинг ярмидан кўпи овозини олишга муваффақ бўлган номзод галиб ҳисобланади. Номзодларнинг ҳеч бири овозларнинг ярмидан кўпини ололмаган тақдирда иккинчи босқич сайловлар ўтказилади ва унда энг кўп овоз олган икки номзод иштирок этади. Бу тизимнинг афзаллиги ҳокимиятнинг нисбатан осон шаклланишида ва барқарорлигида намоён бўлади. Мажоритар сайлов тизимига ҳозирда АҚШ, Канада ва Буюк Британия каби бир қатор мамлакатларда амал қилинади.

**Пропорционал сайлов тизимининг моҳияти** – парламентдаги депутатлик ўринларининг партиялар ёки сайлов иттифоқлари (коалициялари) олган овозларга мувофиқ тақсимланишида намоён бўлади. Бунда сайловчилар алоҳида номзод учун эмас, балки ўз номзодлари рўйхатини тақдим этган партиялар учун овоз берадилар. Бу тизимнинг афзал томони шундаки, ваколатли органларда партияларнинг сайловчилар ўртасида эга бўлган мавқеига кўра депутатлик ўринларини эгаллаши жамиятдаги барча гуруҳларнинг манфаатларини ифодалашга, фуқароларнинг сайловларда фаол иштирок этишларини таъминлашга имкон беради. Сайловнинг бу тизимига Европа мамлакатларида кенг амал қилинади.

**Унитар сайлов тизими.** Баъзи мутахассислар фикрича, унитар (французчадан «бирлик» демакдир) сайлов тизими ҳокимиятнинг харизматик типига хос бўлганлиги учун демократиянинг антиподи ёки муқобили ҳисобланади<sup>1</sup>. Унитар давлат барча давлат маъмурий идораларининг фаолияти ўта мар-

<sup>1</sup> Қодиров А.К. Сиёsat фалсафаси. – Т., 1999. – Б. 45.

казлашган давлатдир. Бундай давлатда, одатда, миллий ва иқтисодий жиҳатдан бир хиллик кузатилади, иқтисодий худудлар сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатдан мустақил бўлмайди. Чунки улар ягона конституция ва улар учун умумий бўлган қонунлар тизими асосида фаолият кўрсатади. Унитар сайлов тизими номзодларни халқ эмас, балки ҳукмрон давлат ҳокимияти ёки ҳукмрон партия тавсия этадиган сайлов тизимиdir. Бу тизимнинг салбий жиҳати шундаки, у ёки бу давлат органига номзод марказдан тавсия этилади. Бу ҳолда маҳаллий худуд хоҳиши инобатга олинмайди.

Унитар сайлов тизимининг ижобий томони шундаки, у мамлакатда сиёсий бошбошдоқлик, анархия бўлишига йўл қўймайди, марказдан бошқариб ва назорат этиб турилувчи ижтимоий тартиб, осойишталик ва тинч-тотувликни таъминлайди. Унитар сайлов тизимидан оқилона фойдаланиш маҳаллий худудларда анархия, бош-бошдоқчиликнинг олдини олади. Масалан, Япония ва Францияда маҳаллий бошқарув органлари билан бир қаторда марказдан белгиланувчи вакиллар ҳам фаолият кўрсатади. Натижада, марказ ва маҳаллий худуд ўргасида ўйғунлик ҳолати вужудга келиб, маҳаллий давлат вакилининг ҳушёрлиги ортади, сунистеъмолчиликка, коррупцияга йўл қўйилмайди. Бироқ унитар сайлов тизими мутлақ афзал сайлов тизими эмас. Бу усуlda шаклланган ҳокимият муайян маънавий ва маданий шарт-шароитлар доирасидагина ижобий натижаларни бериши, акс ҳолда эса тоталитаризмга, коррупцияга йўл очиши мумкин.

**Бевосита демократия ва вакиллик демократияси.** Ҳокимият органларининг тузилиши ва шаклланиш тартибига боғлиқ ҳолда демократик давлатлар парламент, президентлик, аралаш (ёки ярим президентлик) республикаларига, парламентли монархияларга бўлинади. Халқнинг бошқарувда иштирок этишин даражаси, ҳокимият функцияларини кимлар бажаришига боғлиқ ҳолда демократия бевосита демократия ва вакиллик демократияси каби турларга ажратилади. «Бевосита демократия»ни «плебисцитар демократия», «вакиллик демократияси»ни эса «репрезентатив демократия» деб аташ айрим илмий адабиётларда ҳам учрайди.

Бевосита демократияда халқнинг ўзи муҳим сиёсий қарорларни қабул қиласиди, ҳокимиятнинг вакиллик органлари эса

фуқаролар назорати остида бўлади. Масалан, Швейцарияда фуқароларнинг ўзлари томонидан масалалар кўриб чиқилади ва ўзлари томонидан ҳал қилинади. Бунга муҳим қонунчилик ҳужжатларини қабул қилиш, муҳим сиёсий ва маҳаллий аҳамиятга молик қарорлар қабул қилиш кабилар киради.

Бевосита демократия фуқароларнинг сиёсий фаоллигини оширади, ҳокимият легитимигини мустаҳкамлашни таъминлайди, давлат институти ва мансабдор шахслар фаолиятини самарали назорат қилиш имкониятини яратади. Натижада, ҳокимиятни суистеъмол қилиш, депутатнинг ҳалқдан узилиб қолиши, амалдорлар бюрократлашувининг олди олинади. Лекин бевосита демократияда ҳам фуқароларнинг сиёсатга таъсир этиш имкониятларини мутглақлаштириш керак эмас. Чунки бевосита демократия фуқароларга овоз бериш воситасида, одатда, президент, ҳукумат, партия ёки ташаббускор гурӯҳ томонидан тайёрланган муайян қонун лойиҳасини, қарорларни маъқуллаш ёки рад этиш ҳуқуқини беради, холос. Лекин фуқароларнинг бевосита ўзларига қонунларни тайёрлаш, уларни қонунчилик органларига ёки умумхалқ овозига қўйиш ҳуқуқи берилган тақдирда ҳам аҳолининг асосий қисми бундай ишларда жуда суст иштирок этади.

Вакиллик демократиясида эса ҳалқ ҳоҳиши-иродаси унинг ўзи томонидан эмас, балки унинг ҳокимият органларидаги вакиллари орқали амалга оширилади. Бу – фуқароларнинг бошқарувдаги билвосита иштироки бўлиб, улар қонунларни қабул қилиш ва фармойишлар бериш ваколати берилган ўз вакилларини ҳокимият органларига сайлайдилар. Бундай демократиянинг аниқ таърифини немис сиёсатшуноси Ральф Дарендорф ўзининг том маъносига қарама-қарши ўлароқ демократия «ҳалқ ҳокимияти» эмас, бунақаси умуман бўлмайди. Демократия ҳалқ томонидан сайланадиган, керак бўлса унинг ўзи чақириб оладиган ҳукумат, бундан ташқари, ўз йўналишига эга бўлган ҳукуматдир, деб таърифлайди. Бундай ҳукумат вакиллик демократияларида икки усул: парламент ва президент бошқаруви орқали шакллантирилади. Масалан, Буюк Британия парламент шаклидаги бошқарувнинг ватани ҳисобланади. Бошқарувнинг бу шаклини Швейцария, Дания, Норвегия, Германия, Австрия, Швейцария, Бельгия, Италия, Испания, Португалия каби мамлакатларда ку-

затсак, АҚШ, Россия, Ўзбекистон, Қозоғистон давлатларида эса бошқарувнинг президентлик шакли ҳукмронлик қилади.

Вакиллик демократиясининг асосида доимий ўтказиладиган, ҳаққоний, ҳалол ва муқобил сайловлар ётади. Ҳатто бир номзод қўйилганда ҳам ҳалқ учун сайловда ҳамиша танлов мавжуд. Бор-йўғи бир номзод қўйилганда ҳам сайловчининг олдида камида учта йўл очилади: биринчидан, шу номзод учун овоз бериши мумкин; иккинчидан, шу номзодга қарши овоз бериши мумкин; учинчидан, сайловларга келмаслиги ва бу билан уни инкор этиши мумкинки, натижада яна янги сайлов ўтказишга асос яратилади. Шу тариқа фуқаролар ўзларининг устларидан ҳокимият сайлаб, унинг фаолиятидан ҳисобдор ва хабардор бўлишга ҳақли бўладилар.

Демократик шарт-шароитларда фуқаронинг эркинлик, масъулият тўғрисидаги тушунчалари ҳамда ҳукуқий саводхонлик даражаси муҳим аҳамиятга эга. Масалан, табиий ҳолатда инсон ўз шахси ва мол-мулкининг мутлақ ҳокими, бошқалар билан тенг, ҳеч кимга қарам бўлмаган мавжудот экан, нега у бу эркинлигидан ихтиёрий равишда воз кечиб, ўзини бошқанинг ҳокимияти ва раҳбарлигига бўйсундиради? Локкнинг таъбири билан айтганда, «табиий ҳолатда инсон шундай ҳукуқقا эга, аммо ҳаётда бундай ҳукуқдан фойдаланиши амри маҳол, доимий равишда бошқаларнинг бу ҳукуқقا тажовуз қилиш хавфи мавжуд. Ахир, ҳамма ҳам унинг даражасида ҳукмбардор, чунки ҳар бир одам унга тенг, қолаверса, одамларнинг каттагина қисми тенглик ва адолатга риоя қила-вермайди, шунинг учун инсон табиий ҳолатда эга бўлган мол-мулкидан фойдалана олиши анчайин хавфли, анчайин ишончиз». Бу инсонни хавотир ва қўрқувларга тўла эркинлигидан воз кечишга ундейди ва у «ўз ҳаётини, эркинликлари ва мол-мулкини асраб қолиш учун бирлашган ёки бирлашишга тайёрланаётганлар жамиятига қўшилади. Шунинг учун инсонлар давлатга бирлашуви ва ўзини ҳукумат ҳокимиятига топширишининг улуғ ва бош мақсади ҳаётини, ҳақ-ҳукуқларини ва мол-мулкини ҳимоя қилишdir»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Локк Джон. Сочинения, 3-том. – Москва: Мысль, 1988. – С. 334. Қаранг: Демократия ва инсон ҳукуқлари. «Демократлаштириш ва инсон ҳукуқлари» туркумидан 10-рисола. – Т., 1997. – Б. 62–63.

Бунда парламентарийлар, яъни депутатлар алоҳида сайлов округларининг вакиллари каби эмас, балки ўз қарорларида виждонлари олдидағина масъул бўлувчи, биринчи на-вбатда бутун халқ манфаатларининг ифодаловчилари сифатида қараладилар. Шу муносабат билан машхур сиёсатшунос ва қонунчи Эдмунд Бёрк 1774 йилда Бристолдаги (Англия) ўз сайловчилари ҳузуридаги нутқида шундай деган эди: «Жаноблар, ўз сайловчилари билан муайян иттифоқда, узвий боғлиқда ва сира чегараланмаган мулоқотда яшаш, албатта, ҳар қандай халқ вакили учун баҳт ва шон-шарафдир. Уларнинг хоҳиши депутатга катта масъулият юклайди; у сайловчиларнинг фикрини ҳурмат қилиши лозим; уларнинг ишларига доим эътибор бериши керак... Аммо ўзининг холис назарини, етук азму қарорини, маърифатпарвар виждонини у на Сиз учун, на бошқа бирор учун қурбон қиласлиги керак.

...Парламент – турфа ва бир-бирига зид манфаатларни йўлбошли ва ҳимоячи сифатида бошқа йўлбошли ва ҳимоячилар билан курашда қўллаб-кувватлаши керак бўлган элчилар мажлиси эмас, парламент – умумий манфаати бир бўлган бутун халқнинг масалаларини муҳокама этадиган мажлисdir. Маҳаллий интилишлар ҳам, маҳаллий тафовутлар ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмаслиги керак. Ҳал қилувчи нарса ўзаро фикр юритиб эришиладиган умуммиллий фаровонлик манфаатлари бўлиши лозим. Албатта, парламент аъзосини Сиз сайлайсиз, аммо Сиз уни сайлаганингиз заҳоти у Бристол фуқароси эмас, энди мамлакат парламентининг аъзосидир»<sup>1</sup>.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, вакиллик демократияси халқнинг розилиги билан амалга оширилувчи элита бошқарувидир. Бунда демократиянинг ривожланиши омманинг бошқарувда тўғридан-тўғри иштирокини кенгайтириш билан эмас, балки халқ томонидан назорат қилинувчи рационал элитани шакллантиришнинг самарали механизмини яратишга бориб тақалади. Шу билан бир қаторда вакиллик демократиясининг танқидчилари фикрича, демократиянинг бу кўриниши бир қанча заифликларга ҳам эга: сайловлар ора-

<sup>1</sup> Демократия ва инсон ҳуқуқлари. «Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» туркумидан 10-рисола. – Т., 1997. – Б. 82–83.

сидаги оралиқда халқнинг амалда ҳокимиятдан узоқлашиб қолиши, ҳокимиятнинг бюрократлашуви ҳамда олигархиялашуви, ижроня ҳокимияти томонидан қонун чиқарувчиларнинг аста-секин сиқиб борилиши оқибатида давлатда авторитар тенденцияларнинг кучайиб бориши, ҳокимият легитимлашувининг сүстлиги шулар жумласидандир.

Хулоса қилиб айтганда, инсон ҳуқуқлари жамият сиёсий ҳаётини демократик ташкил этишда алоҳида аҳамият касб этади. Агар демократиянинг амал қилиш механизмлари, демократлаширишнинг шарт-шароитлари, сайлов ва ундан кўзланган асосий мақсадлар каби юқорида кўриб чиқилган масалалар замирига чуқурроқ эътибор берсак, охир-оқибатда уларнинг барчаси инсон ҳуқуқларини таъмин этишга бориб тақалишини кўрамиз. Демак, инсоннинг жамиятдаги юридик ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатламасдан туриб жамиятда демократик сиёсий жараёнларни амалга ошириш мумкин бўлмайди. Яна шуни эътиборга олиш керакки, демократияни амалга ошириш механизмилари қотиб қолган ақида эмас. Бу механизmlар демократия ривожланиши жараёнида ривожланиб боради.

## **2. Демократик сиёсий тизимнинг асосий шакллари ва принциплари**

Сиёсат илмида замонавий демократиянинг уч асосий шакли (модели) – мумтоз-либерал демократия, жамоавий демократия, плюралистик демократия ажратиб кўрсатилади.

*1. Мумтоз-либерал демократия.* Мумтоз-либерал демократия инсон ҳуқуқларининг давлат ҳуқуқларидан устуворлигига намоён бўлади. Чунки либерализм ижтимоий фикр тарихида биринчи бор индивидни жамият ва давлатдан, икки муҳтор соҳани – давлат ва фуқаролик жамиятини бир-биридан ажратди, давлатнинг фуқаролик жамияти ва шахс билан муносабатларини қонун ва вазифалар жиҳатидан чеклади, озчиликнинг кўпчиликка нисбатан муҳторияти ва ҳуқуқларини ҳимоя қилди, барча фуқароларнинг сиёсий тенг ҳуқуқлilikигини баён этди, шахени сиёсий тизимнинг бош элементи сифатида фундаментал, бегоналашмайдиган ҳуқуқлар билан таъминлади. Демократиянинг бу шакли АҚШда намоён бўлмоқда. Давлат фаолияти бу ерда, асосан, жамоат тартиби-

ни сақлашга, фуқаролар ҳуқуқларини юридик ҳимоялашга қаратилган. Бироқ бу ерда ҳам индивидуал, гурухлараро манфаатлар билан умумий манфаатлар ўртасида зиддиятлар мавжуд.

Мумтоз-либерал демократиянинг асосий хусусиятлари:

1. Индивидуаллик, ҳокимиятнинг бирламчи ва бош манбай деб шахснинг тан олиниши, давлат қонунлари устидан индивид ҳуқуқининг устуворлиги.

2. Эркинликнинг сиёсатда фаол ва тенг ҳуқуқли қатнашиш имконияти эмас, балки давлат ва бошқа кишилар томонидан аралашувлардан сақланган бўлишнинг пассив индивидуал ҳуқуқи сифатида талқин этилиши.

3. Парламентаризмнинг устунлик қилиши.

4. Давлат бошқаруви ва ваколати, асосан, жамоат тартибини, фуқаролар хавфсизлиги ва ҳуқуқини, ижтимоий тинчликни сақлаш билан чегараланиб, унинг фуқаролик жамияти ишларига, иқтисодий, ижтимоий, маънавий-ахлоқий жараёнларга аралашмаслиги.

5. Ҳокимият тақсимланиши тамойилига амал қилиш.

6. Озчилик устидан кўпчиликнинг ҳокимиятини чеклаш, индивидуал, гурухий мустақилликни ҳамда эркинликни таъминлаш. Озчилик қатъий белгиланган масалалардагина кўпчиликка бўйсунишга мажбурдир, бошқа ҳолларда эса тўлиқ мустақилдир.

Лекин аҳолининг қўйи табақалари, аввало, ёлланма ишчилар ва аёллар XX аср бошларига қадар сайлов ҳуқуқларига эга бўлишмаган. Сақланиб қолган мулкий ва бошқа цензлар туфайли кишилар овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмас эдилар. Масалан, АҚШнинг айrim штатларида ўзига хос мулк цензи – сайлов солиги 1961 йилда бекор қилинган эди. Назардан соқит қилмаслик керакки, мумтоз либерализм оммага эҳтиёткорона муносабатда бўлган. Жумладан, ilk либерализм мағкурачилари – Жон Локк, Шарль Луи Монтескьёларни фуқароларнинг тенг сиёсий ҳуқуқлар билан таъминланиши, уларнинг давлат бошқарувига жалб этилишидан кўра янги мулқдорлар синфини монархлар зўравонлиги ва феодал чеклашлардан ҳимоялаш кўпроқ ташвишлантирган.

Шу билан бир қаторда аҳолининг камбағал қатламлари, аёлларнинг амалда тенг ҳуқуқли эмаслиги оқибатида келиб

чиқувчи ўта чекланган сиёсий иштирокчилик, унинг оқибатлари бўлган сиёсий лоқайдлик, фуқароларнинг ҳокимиятдан бегоналашуви демократиянинг бу модели камчиликларидир. Чунки бундай шароитларда юзага чиқувчи ижтимоий мухит давлат ва жамиятнинг асосларини емирувчи манманликни ва ўтакетган худбинникни рафбатлантиради.

Лекин халқ ҳокимиятчилиги идеалидан анча узоқ эканлигига қарамай демократиянинг бу модели инсон эрки, қадр қиммати ва энг асосий ҳуқуқлари ҳурмат қилиниши йўлидаги катта қадам бўлди.

**2. Жамоавий демократия.** Коллективистик ёки жамоа демократияси халқ (миллат, синф) яхлитлигидан, бирлигидан келиб чиқади, деб талқин этилса-да, аслида унда ягона ирода у баён этилгунга қадар мавжуд бўлади ва бу ирода билан ваколатли ҳокимият фаолиятининг айнанилиги, ўхшашлиги кўзга ташланади. Лўнда қилиб айтганда, жамоа демократиясида индивид, гуруҳлар эмас, балки халқ қонун ва ҳукумат фаолиятини белгиловчи куч ҳисобланади. Бундай демократия халқни ижтимоий субъект сифатида тан олишдан келиб чиқади, озчиликнинг кўпчиликка бўйсуниш тамойилини мутлаклаштиради, шахс автономиясини инкор этади. Жамоавий демократияни амалга оширишга уриниш «халқ»номидан ҳокимиятдаги озчилик ҳукмонлигига, сиёсий ҳуқуқлар ва фуқаролар эркинлигини бостиришга, қатафонларга олиб келади.

Жамоавий демократия назариясининг таниқли вакиллари – Руссо, Маркс ва Ленинлардир. Жамиятни либералларча «оммавий» ва «шахсий»га бўлишни танқид қилган Руссо фикрича, демократик давлат фуқароси шахсий ҳаётга берилиб кетган индивидуалист эмас, балки ягона «ижтимоий тана»нинг фаол аъзосидир. Кўп ўтмай, 1789–1791 йилдаги француз инқилоби етакчиларидан бири бўлган Робеспьер Руссонинг халқ иродасининг бирлиги ва зиддиятсизлиги тўғрисидаги ғояларидан ўз шафқатсиз террорини ғоявий оқташ мақсадида фойдаланган эди.

Руссонинг демократия тўғрисидаги таълимотининг тоталитар табиати кейинчалик демократиянинг ленинча ва сталинча назарияларида ҳамда айни пайтга қадар айрим коммунистик давлатларда сақланиб келаётган «социалистик демок-

ратия» моделларида амалиётга татбиқ этилди. Жумладан, «социалистик демократия» концепцияси хусусий мулкчиликнинг, шахснинг ҳар қандай мустақиллигининг тўлиқ инкор этилишида, халқни ишчилар синфи, меҳнаткашлар билан айнан тушунилишида, коммунистик партиянинг етакчилик роли тўғрисидаги вайронкорояларда намоён бўлади.

Жамоавий демократия назарияларининг умумий белгилари:

1. Халқни колективистик талқин қилиш, уни ягона, бир турдаги объектив мавжуд бўлган умумий манфаат ва иродага эга бутунлик сифатида тан олиш.

2. Халқ ичидаги гёё қарама-қаршилик йўқлиги, сиёсий муҳолифатни душман ёки ёт куч сифатида баҳолаш ва уни куч воситасида йўқ қилиш.

3. Эркинликни жамоавий (қадимги даврдагига яқин), яъни фуқаронинг ўз давлати ва жамияти ишида фаол, тенг хукуқли иштироки сифатида тушуниш.

4. Ҳокимиятнинг амалда ўзини халқ билан уйғунликда кўрсатиши, яъни унинг тоталитар, барча соҳага кириб борувчи мутлақ табиатга эга эканлиги, алоҳида шахсларнинг ҳимоясизлиги.

5. Давлат бир бутунлик сифатида ўз таркибий қисмларининг тинчлигидан манфаатдор бўлганлиги сабабли инсон хукуқлари масаласининг умуман йўқ қилиниши.

6. Умумий сиёсий сафарбарлик, фуқароларнинг асосий органлар ва мансабдор шахсларни қонун доирасида мустақил ва қабул қилинган қарорлар учун масъул раҳбарлар сифатида эмас, балки халқ иродасини амалга оширувчилар, унинг хизматкорлари сифатида қарашлари.

7. Ижтимоий демократияни тарғиб этиш, асосий эътиборни сиёсий хукуқларни юридик жиҳатдан эътироф этишдан фуқароларнинг бошқарувда иштирок этишлари учун ижтимоий шароитларни яратишга кўчириш.

Жамоавий демоқратия тарихда ўз ноқобиллигини ва асосизлигини кўрсатди. Уни қўллашга интилиш собиқ социализм мамлакатлари тажрибасида янги хукмрон гурӯҳ – но-менклатуранинг пайдо бўлишига, ҳар қандай индивидуал эркинликнинг бостирилишига, ўзгача фикрловчиларга қарши давлат терроризмига, умуман айтганда тоталитаризмга олиб

келди. Шу билан бирга, бу назарий ва амалий тажриба сиёсий фикр ривожланиши ҳамда демократик бошқарув шакллари тараққиётiga ўз салбий таъсирини кўрсатди. Инсоннинг шахсий эркинлиги ва бошқа ҳуқуқларини кафолатламасдан, унинг ҳокимиятнинг бирламчи манбай сифатидаги ролини тан олмасдан ҳамда муассасавий мустаҳкамламасдан туриб халқ ҳокимияти ҳақиқий бўла олмаслиги аччиқ тажриба на-тижасида маълум бўлди. Шу маънода жамоавий демократияни амалга оширишга оид ижтимоий экспериментдан олинганд сабоқлар советлардан кейинги макондаги сиёсий фикрлар ривожига катта таъсири кўрсатди.

**3. Плюралистик демократия.** Плюралистик демократия Фарбий Ёвропадаги постиндустриал мамлакатларига хос демократиядир. Демократиянинг ушбу шакли «плюралистик» деб номланишига сабаб, у авваллари мавжуд бўлмаган иқтисодий, ижтимоий, маданий, диний, гурӯҳий, ҳудудий манфаатлар ва уларни ифодалаш шаклларининг турли-туманлигига асосланади. Бу манфаатларни сиёсий партиялар, турли ўюшма ва бирлашмалар, жамоатчилик ҳаракатлари, фуқароларнинг ташаббускор гурӯҳлари сиёсат саҳнасига олиб чиқадилар. Яъни, демократиянинг бу шакли халқни тушунишда индивидуалистик (мумтоз-либерал) ва жамоавий демократиялар ўртасидаги оралиқ мавқени эгаллаб, сиёсатнинг бош субъектлари сифатида индивидлар ҳам эмас, халқ ҳам эмас, балки кишиларнинг турли гурӯҳларини тушунади. Чунки, ҳар бир одам муайян оиласи, касби, этник, диний, мінтақавий, демографик ва бошқа гурӯҳнинг вакили ўлароқ шахс сифатида шаклланади. Гурӯҳлар ёрдамидагина шахс ўзининг сиёсий қарашларини ифода этиди ва ўз манфаатларини ҳимоя қилади. Халқ эса мураккаб ва зиддиятли бўлган қисм сифатида талқин этилади. Кўплаб гурӯҳлар – партиялар, жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлар ҳокимиятга, ҳукмрон гурӯҳлар фаолиятига таъсири ўтказишга ҳаракат қиладилар. Бундай моделдаги демократиянинг вазифаси – жамиятдаги, плюрализмни рағбатлантириш, барча фуқароларга ўз қизиқишлигини очиқ ифодалаш учун бирлашишларига имкон бериш, ўзаро келишувлар ёрдамида уларнинг сиёсий қарорларда ифодаланувчи мувозанатини топишдир.

Шу ҳол эътиборга моликки, замонавий Farb жамиятла-

рида бирор бир гурух бошқа ижтимоий уюшмаларнинг кўллаб-куватлашиз ҳокимиятни монополаштиришга ва қарорлар қабул қилишга қодир эмас. Айнан норози гуруҳлар ҳокимиятнинг монополаштириш жараёнларини тўхтатиб қолувчи ижтимоий посанги вазифасини бажарадилар. Сиёсий қарорлар қабул қилиниши жараёнида муайян гурух манфаатларининг камситилиши камситилган гурух аъзоларининг сиёсатга тортилишини ва кейинги сиёсатга таъсирини кучайтиради. Шу тариқа плюралистик демократия турли ижтимоий гуруҳларга ўз манфаатларини эркин ифода этиш ва рақобатли курашда келишувга асосланган қарорларни қабул қилишга имкон беради.

Бу – замонавий Farb демократиясидир, у либерал (АҚШ) сиёсий тизимдан ўсиб чиққан ва унинг асосий ташкилий принципларини мерос қилиб олган. Уларга конституционализм, ҳокимиятнинг бўлинниши, шахсий эркинликлар, инсон ҳуқуқлари, озчиликнинг мустақиллиги каби қадриятлар киради.

Плюралистик демократия дунёning кўплаб мамлакатларида эътироф этилди ва амалда қўллана бошланди. Бироқ демократиянинг бу шаклида аҳолининг гуруҳларга мансублиги масаласи идеаллаштирилгандир. Чунки Farбда аҳолининг учдан бир қисми манфаат гуруҳларида бирлашган бўлса, аҳолининг қолган қисми эса сиёсатда пассивдир. Бунинг устига зиддиятларга лаёқатлий, масалан, сиёсий имкониятлар: пул, билим, оммавий аҳборот воситалари ва бошқалар жамиятда тенгсиз тақсимланганки, пенсионерлар, ногиронлар, малакасиз ишчилар бундай кенг имкониятларга деярли эга бўлмаган ҳолда, йирик капитал эгаларида бу имкониятлар керагидан ҳам кўпроқ эканлиги амалий сиёсатшунослик тадқиқотлари орқали аниқланган. Шунинг учун плюралистик демократия кўпчилик ҳокимияти бўла олмайди. Бироқ бугунги кунда халқ ҳокимиятчилигига бунданда яқинроқ демократия шакли мавжуд эмас. Чунки у ҳар ҳолда халқни ҳокимиятга кўпроқ яқинлаштирувчи, барча хоҳловчиларнинг қарорлар қабул қилишда қатнашишларига имконият берувчи демократия шаклидир.

Хуллас, муайян давлат «демократик давлат», у ёки бу жамият «демократик жамият» дёя аталмоғи учун қатор та-

лабларга жавоб бермоғи лозим. Замонавий сиёсатшуносликда бу талаблар қўйидагича қайд этилади:

- 1) имкон қадар кўпроқ катта ёшли аҳолининг фуқаролик ҳуқуқларига эгалиги;
- 2) сиёсий ҳаётда иштирок этишда барча фуқароларнинг тенг имкониятга эгалиги;
- 3) масалаларнинг овоз бериш йўли билан ҳал этилиши;
- 4) кўрилаётган масала бўйича ҳар бир фуқаронинг тўлиқ тасаввурга эга бўлиш учун имкониятга эгалиги;
- 5) ҳар бир фуқаро, фуқаролар гуруҳи ёки оммавий ташкilotларнинг ҳокимият фаолиятини тўсиқсиз назорат қилиш ҳуқуқи;
- 6) ҳокимият барча даражалари ишида ошкоралик мавжудлиги.

Демократик сиёсий тизимнинг асосий шакллари тўғрисидаги юқоридаги таҳлиллардан кўринадики, уларнинг ҳар бири ўз афзалликларига ва камчиликларига эга. Замонавий демократия хилма-хил ижтимоий гуруҳларга ўз манбаатларини баён этиш имкониятларини берувчи ва рақобатли курашда уларнинг мувозанатини акс эттирувчи, муросаи-мадорага асосланган бошқарув шаклидир.

**Демократия ва Шарқ. Ўзбекистон Республикасида демократлантириши жараёнининг хусусиятлари.** Фарбда демократия индивиднинг гуруҳдан устунилигига асосланса, Шарқда кўпинча гуруҳ, жамоа манбаати ва ҳуқуқлари устун кўйилади. Масалан, япон модели «шахсни ўз-ўзини чеклаши», уни жиловлаш, уни жамият ва давлат манбаатлари тизимиға ўйғун киришини таъминлаш вазифасини қўяди. Албаттга, бунда анъана ва замонавийликнинг ўзига хос синтезига эришилган. Модернизация жараёни ижтимоий-маданий ва сиёсий маданий соҳалардаги энг муҳим анъаналарни сақлаган ҳолда амалга оширилган. Бу ерда монархия, бурч, келишув, жамоага содиқлик, шахс манбаатларининг гуруҳ манбаатларига бўйсундирилиши каби қадриятлар сақланган. Зиддиятларни ҳал қилишда патернализм руҳидаги норасмий механизмлар қўлланилади, ёш, жинсдаги фарқлар ва ижтимоий, касбий фарқлардаги тенгсизлик сақланади ва бундай ўзига хосликлар жуда кўп. Демак, демократияни мутлақо индивидуал эркинликка боғлаш, шунингдек, бугунги кунда

аҳолиси мусулмон бўлган давлатларда демократик тартиботларни ўрнатишда энг катта тўсиқ деб ҳисоблаш ҳам хатодир. Чунки бу борада Туркия, Миср, Марокаш, Малайзия каби давлатларнинг ижобий тажрибалари мавжуд. Исломда фитна – бирликни емириш хавфи ва умма – жамоа роли билан бирга бидоат – янгиланиш ҳам муҳим ўрин тутади.

Жамият замини, ҳалқ менталитетида демократия қадриятлари, қоидалари, шартларини қабул қилиш учун тайёр элементлар бўлиши керак. Япония, Туркия ва бошқа давлатларнинг тажрибасига кўра, модернизация жараёни авторитар тартиботлар шароитида кечган ва иқтисодий ўсишни кучли марказлашган давлат таъминлаган.

Шу маънода Япония «ёпиқ гуруҳлар очиқ жамияти» деб баҳоланади. Яъни, сиёсий макроструктура парламент демократияси, конституционализм, хукуқий давлат, кўппартиявийлик ва демократиянинг бошқа белгилари кўринишида жамоа, колективизм асосларига амал қиласди.

Ўзбекистон Республикасида ҳам демократияга ўтишда ўзига хос йўлдан борилмоқда. Унда миллий анъаналар, урфодатларни умуминсоний қадриятлар билан уйғунлаштириш, миллий давлатчилик анъаналарини асраб-авайлаб саклаш ва ривожлантириш йўлидан шошилмасдан, изчил, босқичмабосқич борилмоқда.

Айрим сиёsatшунос олимлар фикрича, демократия нафакат ички ривожланишининг натижаси, балки ташқи таъсирининг оқибати ҳам бўлиши мумкин. Бунга улар бაъзи собиқ мустамлакаларда демократик муассасалар метрополияларнинг (мустамлакага эга давлатнинг) тўғридан-тўғри таъсири остида шаклланганлигини ёки демократик давлатлар билан қўшни бўлиш ҳам муайян аҳамият касб этганлигини мисол келтирадилар<sup>1</sup>. Бироқ демократия ташқаридан келтирилган ҳолларда мамлакатда ички шарт-шароитлар етилмаган бўлса кутилган натижани бермайди. Шу ўринда бу масала хусусида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг фикрлари муҳим аҳамиятга эга. «Ҳозирги пайтда, – деб ёзади у, – маълум тарихий сабаб ва шароитларга кўра демократик ан-

<sup>1</sup> Бу тўғрида қаранг: Пугачев В.П., Соловьев А.И. Сиёsatшуносликка кириш. – Т., 2004. – Б. 249–250.

дозалардан ҳали узоқ бўлган мамлакатларда демократик жараёнларни сунъий равишда тезлаштириш, демократия фояларини зўрма-зўраки қарор топтириш учун уринишлар тескари натижа бериши – бундан учинчи бир куч фойдаланиб қолиши муқаррар бўлган вазиятни қелтириб чиқариши мумкин. Бу учинчи куч – радикал исломдир.

Бундай вазият қарийб 80 фоиз аҳолиси ислом динига эътиқод қиласидиган Марказий Осиё ҳудудида ислом динини нишқоб қилиб олган турли тоифадаги экстремист ва ақидапарастларга жуда қўл келиши мумкин. Албатта, биз ҳам Farb дунёси, демократия ривожланган давлатлар ҳаракат қилаётган мақсадларга етиш учун интилишимиз керак. Лекин ижозатингиз билан айтишим мумкин, ҳозирда демократиянинг бутун дунёда тан олинган тарафдори бўлмиш Збигнев Брезжинский ҳам демократияни экспорт ёки импорт қилиб бўлмаслигини эътироф этмоқда. Чунки бу борадаги шошқалоқлик жиддий фожиавий оқибатларга олиб келиши мумкин<sup>1</sup>. Ушбу фикрлардан хулоса шуки, демократия ичкаридан ҳам, ташқаридан туриб ҳам ўрнатилмайди, балки ҳар бир халқ демократияни ўз менталитети, ўз кўнкимлари, қадриятларига муносиб тарзда у ёки бу даражада ҳаётга жорий қиласиди, яратади.

Дунё халқлари тарихий тажрибасидан маълумки, колониал тузумни бошдан кечирган мамлакатлар демократик очиқ жамият қуриш йўлида бир қатор тўсиқларни енгигб ўтишга мажбур бўладилар. Чунки, тоталитаризм шароитида ижтимоий онгда ҳокимиятдан кучли қўрқиши хисси шаклланади. Натижада, ўз-ўзидан анъанавий жамоавий руҳият кучаяди. Индивидуалистик руҳият эса жамиятнинг иқтисодий бойлиги ортиб бориши билан шаклланиб боради ва бундай руҳият очиқ демократик жамият ҳамда бозор иқтисодиётининг тараққиёти учун манба бўлиб хизмат қиласиди.

Мустақилликка эришилгач, Ўзбекистонда амалга оширилиши лозим бўлган сиёсий-иқтисодий, ҳуқуқий ислоҳотлар ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олиши ва вужудга келиши мумкин бўлган салбий

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. – Т., 2005. – Б. 339–340.

жиҳатларни назарда тутиб, уларнинг олдини олиш имкониятига эга бўлган алоҳида яхлит, шу билан бирга бир-бирини тақозо этувчи тизимни ташкил этиши лозим эди. Шунинг учун ҳам ислоҳотларнинг барча йўналишларида икки тамоилга асосан иш олиб борилди.

*Биринчиси*, мамлакатнинг тараққиётига восита бўла оладиган миллий урф-одат, анъаналар, миллий ва диний бағрикенглик, меҳнатсеварлик, тадбиркорлик каби миллий хусусиятлардан келиб чиқадиган сифатларга эътибор бериш, тараққиётнинг ички мотивациян асоси сифатида уларга ёндашиш эди.

*Иккинчиси* эса, умуминсоний тараққиётнинг қонуниятлари ва қадрияtlари тамойилларини ўзлаштириб, миллий тараққиёт моделига татбиқ этишдан иборат бўлди. Ислоҳот йўлидаги дастлабки қадамлар, энг аввало, инсон омилини барча ўзгаришларнинг марказига қўйиб, инсоннинг эрк, яшаш, қадр-қимматини тиклашдан бошланди. Бу борадаги биринчи қадам 1992 йил 8 декабрда республика Конституциясининг қабул қилингани бўлди. 1997–1998 йилларда суд-хуқуқ ислоҳотларининг иккинчи босқичи амалга оширилиб, хўжалик, фуқаролик-процессуал кодекслари қайтадан кўриб чиқилди ва янги қонунлар қабул қилинди. 2001 йилдан бу ислоҳотларнинг учинчи босқичи бошланиб, «Судлар тўғрисида»ги, «Прокуратура тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди. Шунингдек, умуминсоний хуқуқ тамойилларининг гуманистик хусусияти миллий хуқуқ тизимиға жорий этилмоқда. Шу ўринда 2008 йилнинг 1 январидан кучга кирган «Ўзбекистонда ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармонни алоҳида қайд этиш лозим. Чунки, мамлакатда амалга оширилаётган жамият ва давлат ҳаётини демократик жиҳатдан янгилаш, мамлакатни модернизация қилиш борасидаги ислоҳотларнинг моҳияти ва мазмуни, суд-хуқуқ тизимини либераллаштириш бўйича олиб борилаётган ишларнинг натижалари жазо тури сифатида ўлим жазоси бекор қилинишини ҳамда уни умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси билан алмаштирилиши зарурлигини кун тартибига қўйди.

Олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида ички ишлар идоралари тизимининг, бу тизимда хизмат қилаётган ходимлар-

нинг ҳам ўзига хос ўрни бор. Мамлакатимиз порлоқ келажагини яратиш йўлида фидокорона меҳнат қилаётган заҳматкаш халқимизнинг тинч, осойишта ва хотиржам турмуш тарзини таъминлаш, фуқароларнинг ҳақ-хуқуқларини турли тажовузлардан ҳимоя қилиш, жиноятчиларга нисбатан аёвсиз курашини янада кучайтириш орқали давлат ҳамда жамият ҳаётидаги демократик жараёнларни чукурлаштиришга ёрдам бериш инсон хуқуқлари ва эркинликларининг ҳимоячилари бўлмиш ички ишлар идоралари ҳар бир ходимининг асосий вазифасидир. Зоро «бу соҳада хизмат қиладиган одамлар ўзининг профессионал ва фуқаролик бурчини, ўз вазифасини қанчалик ҳалол ва силқидилдан ижро этиши, ҳеч муболагасиз, бутун ҳокимиятнинг обрўси ва кишиларимизнинг адолатга ишончи қай даражада бўлишини белгилайди»<sup>1</sup>.

Юргимизда фуқароларнинг кайфияти ва сиёсий ислоҳотларни қабул қилиш кўникмалари асосида хуқуқ тизими йилдан йилга такомиллашиб, ижобий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Хусусан, қонун чиқарувчи ҳокимият – Олий Мажлиснинг сайловлар жараёнида бикамерализм (икки палатали тизим) тамоили асосида шакллантирилиши, суд ҳокимиятининг либераллашуви, фуқароларнинг давлатдан бегоналашув кайфиятини олдини олиш мақсадида миллий ўз-ўзини бошқарув тизими бўлмиш маҳалла билан хуқуқ-тартибот органлари ҳамкорлигининг кенгайтирилиши хуқуқ тизимининг тобора демократлашиб бораётганлигидан далолат бермоқда.

Масалан, агар чет эл парламентларига назар ташласак, 2000 йилда Европанинг 29 мамлакатида икки палатали парламент фаолият кўрсатганига амин бўламиз. Ўзбекистонда икки палатали парламентдан кўзланган асосий мақсад қонунчилик соҳасида мукаммалликка ва профессионализмга эришиш, адолат, ошкораликни ҳамда хурфиқрлиликни янада ривожлантиришdir. Икки палатали парламентнинг устунлиги шундаки, қонун ҳар томонлама кўриб чиқилиши учун турли манфаатлар ва қарашлар ҳисобга олинади ва энг илғор, тўғри фикрга тўхтадади. Иккинчи устунлиги, бундай ти-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. – Т., 2005. – Б. 189.

зимда жамоатчилик манфаатлари бирмунча кенг ва ранг-бранг бўлади. Учинчиси эса, професионализм асосида яратилади. Тўртингчи устунлиги, бу жараёнда парламент ва ижроия ҳокимият вазифалари аралашиб кетишининг олди олинади<sup>1</sup>.

Шу тариқа «парламент жамият ҳаётини ойнадек яққол акс эттирадиган кўзгу»га<sup>2</sup> айланади. Бинобарин, жамиятда қандай интилиш, фикр ва қарашлар мавжуд бўлса, улар парламентдаги партиялар фракциялари мажлислари муҳокама ва мунозараларида ўз ифодасини топиши керак.

Президент ташаббуси билан ўтказилаётган ислоҳотлар натижаси ўлароқ 2006 йилда Президент ваколатларининг бир қисми Сенатга ўтказилди ва «Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунга мувофиқ Конституциянинг 80-моддасида ўз аксини топди.

Ушбу моддада Сенат раиси ва унинг ўринбосарларини сайлаш; Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Конституциявий суд, Олий суд, Олий хўжалик судини сайлаш; республика Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги Президент Фармонларини тасдиқлаш; Миллий хавфсизлик хизмати раисини тайинлаш ва уни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги Президент Фармонларини тасдиқлаш; Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан давлатимизнинг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини, Марказий банк бошқарувининг раисини тайинлаш ва уни лавозимидан озод этиш; амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш; сиёсий, ижтимоий-иктисодий ҳаёт соҳасидаги у ёки бу масалалар юзасидан, шунингдек, давлат ички ва ташқи сиёсати масалалари юзасидан қарорлар қабул қилиш белгиланган<sup>3</sup>. Шунингдек, Конституциянинг «Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир»

<sup>1</sup> Икки палатали парламент истиқболлари // Ҳуррият. – 2004. 28 июль. №30.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. – Т., 2005. – Б. 171.

<sup>3</sup> Раҳимов А. Миллат тимсоли // Ҳуррият. 2005. 7 декабрь, №47–48.

деб қайд этилган 89-моддасининг таҳрири принципиал ра-виша ўзгарди. Бу модданинг «Ўзбекистон Республикаси Президенти айни вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланади» дейилган иккинчи қисми олиб ташланди.

Шунингдек, Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 28 февралда қабул қилиниб, Сенат томонидан 2007 йил 29 марта маъқулланган «Давлат бошқарувини янгилаш ва яна-да демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни-нинг қабул қилиниши ижтимоий-сиёсий ислоҳотларнинг давоми, мамлакатнинг давлат-хуқуқий ва сиёсий тизимини босқичма-босқич тадрижий ривожлантиришнинг натижаси, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятни сари ташланган муҳим қадам бўлди<sup>1</sup>.

Маълумки, жамияг сиёсий ҳаётини демократлаштишда инсон хуқуқларининг таъминланганлиги ҳам муҳим аҳамият қасб этади. Шу жиҳатдан 1948 йилнинг 10 декабрида БМТ Бони Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Инсон хуқуқла-ри умумжаҳон декларацияси ҳозирги замонда инсон эркин-ликлари кафолатининг буюк хартияси ҳисобланади. Жами 30 та моддадан иборат бўлган бу декларация шахснинг ҳам фуқаролик ва сиёсий, ҳам иқтисодий, ижтимоий ва маданий эркинликлари кўламини ўзида илк бор тўла мужассам этган халқаро-хуқуқий ҳужжатдир<sup>2</sup>. Шунинг учун миллий қонун-чилитгизни инсон хуқуқ ва эркинликларига оид халқаро хуқуқ нормалари билан уйғунлаштириш жараёни изчил давом эттирилмоқда. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси то-монидан 170 дан зиёд халқаро Конвенция, Пакт, Битим, Дек-ларациялар ратификация қилинган бўлса, уларнинг 60 дан ортиги инсон хуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига ба-гиниланган.

<sup>1</sup> Бу тўғрида қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Кон-ституциявий қонуни // Халқ сўзи. – 2007. – 12 апрель – №71.

<sup>2</sup> Инсон хуқуқлари умумжаҳон декларацияси. /Декларациянинг 60 йилли-гига багишланган нашр. Т., 2008. – Б. 12.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришганидан кейин қўшилган биринчи ҳалқаро-ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, унинг қоидалари Ўзбекистон Конституцияси, инсоннинг сиёсий, иқтиносидий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайдиган миллий қонунчилик нормаларида ўз ифодасини топган. Мазкур ҳужжатнинг муҳим аҳамият қасб этиши эътирофи сифатида 2008 йилнинг 1 майида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганинг 60 йиллигига бағишлиланган тадбирлар Дастири тўғрисида»ги Фармони<sup>1</sup> қабул қилинди. Мазкур Фармон Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси 60 йиллиги муносабати билан Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини янада самаралироқ рағбатлантириш ва муҳофаза этишга қаратилган аниқ тадбирлар дастиурини белгилаб берди. Тадбирларда давлат ташкилотлари ва муассасалари, жамоат бирлашмалари, оммавий ахборт воситаларининг фаол иштирокидан кўзланган мақсад, аввало, инсоннинг асосий ҳуқуқларини тушунишни яхшилашга кўмаклашиш, Ўзбекистон Республикасининг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қоидарини миллий қонунчиликда мустаҳкамлаш бўйича ҳуқуқий йўналишдаги фаолияти ҳақида кенг хабардорликни йўлга қўйишдан иборатdir. Масалан, инсон ҳуқуқлари таъминланишини янада такомиллаштириш мақсадида 2008 йилда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси ташкил этилди. Юқоридагилардан демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш жараённада мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоялаш давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланганлиги кўринниб турибди.

Мамлакатимизда демократияни барпо этиш, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш жараёнлари босқич-ма-босқич ва изчил равишда амалга оширилмоқда. Демократияни барпо этиш борасидаги турли назариялар ва хорижий мамлакатлар амалиётидан маълум бўлмоқдаки, демократия

<sup>1</sup> Қаранг: Ҳалқ сўзи. 2008 йил 2 май. №87.

барча муаммоларни ҳал қилувчи сирли калит ёки «орзудаги жамият» эмас. Демократиянинг тоталитаризм ва авторитаризмдан мухим фарқи шундаки, у жамиятни ташкил этувчи озод ва эркин фуқароларнинг иродаси, манфаатлари, эҳтиёжларининг кўплиги ва бир-бирига ўхшамаслигини эътироф этгани ва бу хилма-хилликни қадрлагани ҳолда фуқароларга келишув, ён босиш, муҳокама, мунозаралар учун расмий, очик, қонуний йўлларни очиб беради ҳамда кўпчиликка маъқул қарорларни ишлаб чиқишга имкон беради.

Демократик жамиятда инсон якка ҳоким ёки гурӯҳ иродасига эмас, ўз иродаси ва имкониятларига кўра ўз ҳаётини қуради ва фарзандлари ҳамда ўзининг баҳти учун энг аввало ўзи замин яратади.

### **3. Оммавий ахборот воситаларининг жамиятни демократлаштиришдаги роли**

*«Жамиятимизнинг бугунги ҳаёти, унинг барча қувончили, шу билан бирга, мاشаққатли, оғир томонлари матбуот ва оммавий ахборот воситаларида ўзининг қанчалик холисона аксини топса, жамиятимизда шунчалик адолат ва тўйрисўзлик муҳити ҳукмрон бўлади».*

*Ислом КАРИМОВ.*

**Сиёсий коммуникациянинг моҳияти ва вазифалари.** Сиёсат инсон фаолиятисиз, ижтимоий-сиёсий ҳаётни ўзаро боғловчи, йўналтирувчи турли хил оммавий мулоқотларсиз, коммуникацион жараёнларсиз мавжуд бўла олмайди. Ўтмишнинг анъанавий жамиятларида оммавий мулоқот воситаларига эҳтиёж катта бўлмаганлиги учун бундай воситалар ролини чопарлар, элчилар, хабарчилар бажаришган. Бироқ XIX–XX асрлардаги илмий-техник тараққиёт туфайли замонавий алоқа воситалари вужудга келди ва гуркираб ривожланди.

«Коммуникация» атамаси лотин тилидаги «communico» – яъни «биргаликда бажараман», «боғлайман», «мулоқотда бўламан» сўзларидан келиб чиқсан бўлиб, инсондан инсонга, бир авлоддан иккинчи авлодга муайян ахборот, фикр, ҳистойғунинг узатилишини англатади. Сиёсий коммуникация эса сиёсий маълумот, ахборотларни ишлаб чиқиш, узатиш ва ўзаро алмашув жараёни бўлиб, у сиёсий фаолият тизимини шакл-

лантиради, шу тариқа сиёсий фаолиятга алоҳида бир мазмун баҳш этади. Шунинг учун ҳам сиёсий коммуникация сиёсат оламидаги ўзига хос ижтимоий-информацион майдондир. «Коммуникация» атамасининг тўлақонли таърифини машҳур француз социологи Р. Ж. Шварценберг «Коммуникация сиёсий маълумотларни узатиш жараёни бўлиб, бу жараён натижасида маълумотлар сиёсий тизимнинг турли элементлари ўртасида, шунингдек, сиёсий ва ижтимоий тизимлар ўртасида айланади», дебаифодалади.

Умуман, сиёсий коммуникация сиёсий воқеа-ҳодисалар, жараёнлар тўғрисидаги билим, маълумот ва хабарларнинг йигиндишидир. Унинг ёрдамида сиёсий тажрибалар, билимлар узатилади, инсонлар фаолияти йўналтирилади, уларнинг сиёсий адаптацияси рўй беради, сиёсий ҳаёт ташкил этилади.

**Сиёсатшуносликда коммуникациянинг уч тури: норасмий коммуникация, ижтимоий-сиёсий институтлар коммуникацияси ва оммавий ахборот воситалари коммуникацияси** бир-биридан ажратиб қайд этилади. Буларга сайлов, референдум ва бошқаларни ҳам (социологик сўров, анкета) қўшимча сифатида киритиш мумкин.

Сиёсий коммуникациянингadolатли, идеал модели демократик жамиятда шаклланади.

Хўш, қандай қилиб бунга эришиш мумкин? Бу жараён жамиятдаги асосий сиёсий гуруҳлар – бошқарувчилар ва бошқарилувчилар ўртасида ўзаро teng, горизонтал мулоқот жараёнда шаклланади. Жамиятда сиёсий барқарорлик ва ўзаро келишувнинг вужудга келиши бир лаҳзада амалга ошадиган жараён бўлмай, у маълум бир вақт ва маконни тақозо этади. Давлат ўз коммуникацион сиёсатида маълумот эркинлигига оид қонунчиликни яратиш, таъминлаш билан бирга уни хусусий ташкилотлар, уларнинг эгаларига қараашли халқаро ва миллий мустақил матбуот ҳамда телевидение каби оммавий коммуникация манбаларининг фаразли ҳаракатларидан, суистеъмолчиликларидан (масалан, инсонни маънавий-ахлоқий тубанлашувга олиб келиши мумкин бўлган порнографик ахборотлар ёки шундай материалларни тарқатувчи сайтлар) ҳимоя ҳам қиласи.

**Оммавий ахборот воситаларининг жамиятни демократлаштиришдаги роли.** Оммавий ахборот воситалари коммуника-

ция таркибидаги асосий бўғин бўлиб, ҳар қандай шахсларга очик, оммавий тарзда, маҳсус техник воситалар ёрдамида турли маълумотларни узатиш учун тузилган муассасалардир. Оммавий ахборот воситаларига вақтли матбуот, радио, телевидение, овоз ёзиш, суратга олиш, видео ёзув, компьютер маълумотлари, маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш, узатиш ва кўпайтиришнинг индивидуал воситалари (кассеталар, дискеталар, принтерлар), интернет тизими ва ҳоказолар киради. Демократик жамият барпо этишда оммавий ахборот воситалари ҳал қилувчи ўрин тутади, нафақат муайян мамлакатлар, балки глобал миқёсда сиёсий, иқтисодний, ижтимоий ва маданий жараёнларга жиддий таъсир кўрсатади.

Замонавий жамиятларда оммавий ахборот воситаларининг асосий вазифалари қўйидагилардир:

- ғоявий-сиёсий қадриятларни, сиёсат тўғрисидаги билимларни, сиёсий маълумотларни тарқатиш;
- сиёсий муносабатларни интеграциялаш ва йўналтириш;
- жамоатчилик сиёсий фикрини шакллантириш;
- сиёсий маданиятни тарқатиш;
- сиёсий-маданий тажриба алмашинувини таъминлаш;
- жамоатчиликни сиёсатда қатнашишга тайёрлаш.

Оммавий ахборт воситалари тизими демократик бўлмоғи учун у нафақат замонавий техника билан жиҳозланмоғи, балки глюралистик ва демократик талабларга ҳам жавоб бермоғи лозим. Бу нимани англатади? Бу аввало, оммавий ахборот воситалари устидан жамиятнинг ҳуқуқий ва ахлоқий назорати, маълумотни узатувчи ва қабул қилувчининг ўзаро тўғридан-тўғри алоқаси ҳамда сўз эркинлигини ҳурмат қилишdir. Интеллектуал эркинлик, маърифатпарварлик билан йўғрилган жамоатчилик фикри, юксак сиёсий маданият, оммавий ахборот воситаларининг ҳокимият тизимидан мустақиллиги демократияни ривожлантиришнинг муҳим шартлариданdir. Жамоатчилик фикри шаклланишида оммавий ахборот воситаларининг ўрни каттадир. Шу пайтгача жамоатчилик фикрини шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг расман ва бир томонлама аҳолига маълумот узатиши асосий эътиборга олинар эди. Бироқ кейинги даврларда аҳолига узатилган маълумотларга нисбатан унинг реакцияси, яъни муносабатини ўрганишга эътибор кучайди. Бу мантиқан тўғри

ҳамдир, чунки оммавий коммуникация расмий субъектнинг (оммавий ахборот воситалари) маълумоти норасмий субъект (оддий фуқаро) томонидан ижобий қабул қилинса ва қўллаб-куватлансанагина у одамлар томонидан муваффақиятли тарзда ўзлаштирилади. Ҳар қандай муҳим хабар, маълумот, одатда, оиласда, меҳнат жамоасида, норасмий гуруҳда муҳокама қилинади ва ўз баҳосини олади. Шу баҳо у ёки бу расмий ахборот манбасига нисбатан у ёки бу муносабатни шакллантиради. Агар оммавий ахборот воситалари айрим бир факт ёки муаммо хусусида сукут сақлар экан, уларнинг обрў-эътибори даражаси албатта паст бўлади.

Илмий-техник тараққиёт туфайли оммавий ахборот воситалари бугун жамиятнинг ҳар бир аъзосига таъсир кўрсатмоқда. Ўз аҳамияти ва таъсир кучи боис оммавий ахборот воситалари «тўртинчи ҳокимият» сифатида таърифланади. Бу «ҳокимият» жамоатчилик фикрини, ҳокимият тизимлари легитимлигини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди, муҳолиф сиёсий фаолият атрибути (белгиси) сифатида майдонга чиқади, жамиятда барқарорлик ёки бекарорлик манбаси бўлиб хизмат қиласди.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистонда ахборот қаналларини демократлаштириш давлат сиёсатининг таркибий қисмига айланмоқда. Энг муҳими, ахборот эркинлигини таъминламасдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикри ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга муносабатини эркин ифода этадиган минбарга айлантирмастан туриб, демократияни чуқурлаштириш ва аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакат сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироқи ҳақида сўз юритиб бўлмайди, деган тушунча фуқаролар онгида тобора кучайиб ва мустаҳкамланаб бормоқда.

Бунинг учун оммавий ахборот воситалари том маънода «тўртинчи ҳокимият» даражасига кўтарилмоғи зарур. Бироқ мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари узоқ вақт давомида тоталитар тузумнинг мафкуравий ва маъмурий назорати остида фаолият юритгани туфайли уларнинг бу ҳолатдан чиқиши, аввало, психологик жиҳатдан ўзини эркин ҳис этиши қийин кечмоқда. Шу сабабдан уларнинг фаолиятида ҳозирга қадар юқоридан кўрсатма кутиш ҳоллари яққол кўри-

нади. Ҳолбуки «халқимиз оммавий ахборот воситаларидан мамлакатимиз ва хорижда содир бўлаётган воқеалар тўғрисида холис ва тезкор ахборотлар олишни, биринчи навбатда, ҳокимият органлари ва бошқарув тузилмалари фаолияти ҳақидаги танқидий фикрларни, ислоҳотлар ва янгиланишлар йўлидан илгари боришимизга тўсиқ бўлиб турган нуқсонлар, ҳаётдаги долзарб муаммолар хусусида ошкора, профессионал таҳлилий материалларни кутади»<sup>1</sup>.

Бунинг учун ўз ўқувчиларига эга бўлишни кўзловчи демократик матбуот кўрсатма кутмасдан ишлашни ўрганмоғи керак. Балки эркин матбуот муайян маънода сиёсат учун ноқулай бўлиши мумкин. Чунки ҳақиқатни ҳокимиятга ҳам, халққа ҳам ёқишга интилмаган ҳолда ёзиш ваколатини журналистнинг виждони ва иймони тақозо этади. Аммо унинг ана шу ноқулайлиги, кутилмаганда ростини ёзиб туриши сиёсатга бўлган буюк хизматидир. Чунки демократик жамиятда қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари бир-бирiga назоратчиидир, айни пайтда улар «тўртинчи ҳокимият»га — оммавий ахборот воситалари ҳокимиятига, яъни ҳақиқатнинг ҳокимиятига муҳтождир. Оммавий ахборот воситалари илгари сурувчи ҳақиқат йўқ ерда иш ҳам, демократия ҳам, қонун ҳам бўлмайди. Эркин матбуот реал вазият шароитида фаолият кўрсатиши, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётнинг долзарб муаммоларини дадил кўтариб чиқиши керак. Барча оммавий ахборот воситаларига мулк шакли, тиражи, қамрови ҳамда мавзу йўналишидан қатъи назар, уларнинг мамлакатимиз ахборот майдонида ҳалол рақобат асосида фаолият олиб боришин учун давлат зарур шарт-шароитларни яратиб бериши лозим. Айтиш мумкинки, бу — жамиятни том маънода демократлантириш гаровидир.

**Оммавий ахборот воситалари ва ҳуқуқ.** Оммавий ахборот воситалари жамиятнинг айрим грухига эмас, балки бутун жамият аъзоларининг манфаатлари йўлида хизмат қилмоғи керак. Бунинг учун эса у жамоатчилик назорати остида барча ижтимоий табақалар эҳтиёжларини ҳимоя қилмоғи лозим. Жамият қанчалик катта ва турли грухлардан иборат бўлса,

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. – Т., 2005. – Б. 190–191.

телевидение дастурларини тузишда ҳам шунчалик катта эътибор ва масъулият зарур. Аҳолининг ҳеч бир табақаси бу ма-салада камситилмаслиги, ҳар бир киши ўзини ҳам ўзи мансуб гуруҳ вакили, ҳам дунё ҳамжамияти аъзоси сифатида ҳис қилмоғи учун одамлардаги диний, миллий, руҳий, ёш ва бошқа тафовутларни албатта инобатга олмоқ керак. Бугунги илмий-техник тараққиёт Ер юзининг исталган бир нуқтасидаги воқееликни эфирга узатиш имконини берастган ҳозирги даврда бир цивилизацияни иккинчи бир цивилизацияга қарши қўювчи ғояларнинг оммавий ахборот воситалари орқали тарқатилиши дунё барқарорлигига жиддий хавф туғдиришини унутмаслик керак ва буни коммуникацион сиёсатда эътиборга олиш зарур.

Терроризм ва миллий озодлик ҳаракатларини айнан бир нарса сифатида талқин этмаслик, дин ва дин ниқобидаги экстремизм ва терроризм тафовутини англаш лозим. Албатта, бу борада журналистик малака ва сиёсий маҳорат кескин оширилмоғи керак. Оммавий ахборот воситалари, жумладан, телевидение умуммиллий ва умуминсоний қадриятларни шакллантириш ҳамда мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан бирга инсоният тараққиётига хавф солаётган жараёнларга аҳоли эътиборини қаратмоғи зарур. Айниқса, бунда халқаро телекўприклар телевидение фаолиятида муҳим ўрин тутади. Хусусан, халқаро муносабатларда, социологик тадқиқотлар ўтказишда бу ниҳоятда аҳамиятлидир.

Жамиятда холис ва ҳаққоний ахборот тарқатишда мустақил матбуотнинг ўрни бекиёс. Мустақиллик туфайли цензуранинг бескор қилинганлиги ҳамда оммавий ахборот воситалари соҳасидаги туб ўзгаришлар боис бугун мамлакатимизда юзлаб газета-журнал, ўнлаб нашриёт, бир нечта ахборот агентлиги фаолият түрларидан кўрсатмоқда. ОАВ фаолиятининг ҳуқуқий асослари, аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, шунингдек, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги, «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги, «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги каби қонунларда белгилаб қўйилган. Уларда оммавий ахборот воситалари ходимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўз ифодасини топган. Жумладан, журналистлар ўзларига маълум бўлган маълумотларнинг объективлиги учун масъул эканликлари,

ижтимоий аҳамиятга молик ахборотларнинг тўғрилиги ҳамда сохталаштирилмаслиги учун жавобгар эканликлари қайд этилган.

Хуллас, бир томондан оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун сиёсий мулоқотлар жараёнларини демократлаштиришга, иккинчи томондан эса оммавий ахборот воситаларига давлатнинг хуқуқий жиҳатдан таъсир кўрсатиш имкониятини бермоқда. Бу имконият оммавий ахборот воситалари ходимлари, сиёсатчилар, давлат арбоблари ва расмий шахслар эркинлик ва ошкоралик шароитида ўзаро муносабатларнинг мушкул ва нозик санъатини чуқур эгаллашларига ёрдам беради.

### Таянч тушунчалар

*Демократия, демократиянинг амал қилиш механизмлари (принциплари), маҳсоритар, пропорционал ва унитар сайлов, бевосита демократия, вакиллик демократияси, мумтоз-либерал демократия, жамоа демократияси, плюралистик демократия, индивидуализм, патернализм, бикамерализм, қонунчилик палатаси, сенат, коммуникация, оммавий ахборот воситалари, «тўртинчи ҳокимият».*

### Назорат учун савол ва топшириқлар

1. »Демократия» атамаси ва ундаги ички зиддиятнинг моҳиятини тушунтириб беринг.
2. Демократиянинг амал қилиш механизмлари (принциплари)га нималар киради?
3. Демократлаштиришнинг шарт-шароитларини изоҳланг.
4. Давлат ҳокимиятини демократик асосда шакллантиришда сайловлар қандай аҳамиятга эга?
5. Бевосита демократия ва вакиллик демократияси тўғрисида нималарни биласиз?
6. Мумтоз-либерал демократиянинг асосий хусусиятлари нималардан иборат?
7. Жамоавий демократиянинг ижобий ва салбий жиҳатлари тўғрисида билимларингизни далиллар орқали исботланг.
8. Плюралистик демократия қандай принципларга асосланади?
9. Муайян давлат «демократик давлат», у ёки бу жамият «демократик жамият», дея аталмоғи учун қандай талабларга жавоб бермоғи лозим?

10. Ўзбекистон Республикасида демократлаштириш жараёнининг хусусиятларини тушунтиринг.
11. Мамлакатимизда кечётган демократик ислоҳотларда ички ишлар органлари ходимларининг хизмати нималардан иборат?
12. Оммавий ахборот воситаларининг жамиятни демократлаштиришдаги роли ва аҳамиятини матбуотда нашр этилган муайян мақола асосида исботланг.

## АДАБИЁТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., 2008. II, V–XI боблар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганligининг 60 йиллигига багишланган тадбирлар Дастири тўғрисида»ги Фармони. // «Халқ сўзи» газетаси, 2008 йил 2 май №87.

*Каримов И. А.* Ватан саждаоҳ қаби муқаддасдир. Т.3. – Т., 1996. – Б. 370–404.

*Каримов И. А.* Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т.5. – Т., 1997. – Б. 104–131.

*Каримов И. А.* Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. – Т., 2005. – Б. 174–222.

*Каримов И. А.* Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият. Т. 14. – Т., 2006. – Б. 61–97, 266–270.

*Каримов И. А.* Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. Т., 2008. – 368 б.

*Каримов И. А.* Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., 2008. – 176 б.

Ислом Каримов демократия ва сиёсий партиялар тўғрисида / Тузувчилар: Ш. О. Мамадалиев, Ш. Р. Қобилов, Б. У. Таджиханов. – Т., 2004. – Б. 4–27.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. /Декларациянинг 60 йиллигига багишланган нашр. Т., 2008. – 12 б.

*Ирхин Ю. В., Зотов В. Д., Зотова Л. В.* Политология: Учебник. – М., 2000. – С. 240–257.

*Қирғизбоеев М.* Фуқаролик жамияти: Сиёсий партиялар, мафкуралар, маданиятлар. – Т., 1998. – Б. 3–31.

*Қодиров А. Қ.* Ўтиш даврида демократия ва бюрократия // Ҳуқуқ–Право–Law. – 2000. – №2.

*Қодиров А. Қ.* Шарқ демократияси: маънавий зиддиятлар муаммоси // Ҳуқуқ–Право–Law. – 1999. – №2.

- Қодиров А. Қ. Сиёсат фалсафаси. – Т., 1999. Б. 45.*
- Мамадалиев Ш. О. Ҳалқ ҳокимияти: назария ва амалиёт. – Т., 2003.*
- Ўзбекистонда миллий-давлатчилик назариясининг тарихий-фалсафий ва ҳуқуқий асослари. (Илмий-назарий мақолалар тўплами) / Масъул муҳаррир юридик фанлар доктори, профессор Р.Ж. Рўзиев. – Т., 2005. – Б. 98.
- Одилқориев Х. Т., Ғойибназаров Ш. Ф. Сиёсий маданият. – Т., 2004. – Б. 22–54.*
- Политология: Ўқув қўлланма / С. Отамуродов, И. Эргашев, Ш. Акрамов, А. Қодиров – Т., 1999.
- Пугачев В. П., Соловьев А. И. Сиёсатшуносликка кириш: Ўқув қўлланма. – Т., 2004. – Б. 202–255.
- Рамазонов И., Мўминов Э. Политология: Дарслик. – Т., 1997. – Б. 83–91.

---

## СИЁСАТ, ДИН ВА МАФКУРАНИНГ ЎЗАРО АЛОҚАСИ

### 1. Ҳозирги жамиятда сиёсат ва дин

**Ҳозирги жамиятда диннинг ўрни.** Диний эътиқод инсоният тарихининг барча босқичларида маънавий-маданий ҳаётнинг муҳим бўлаги сифатида барча мамлакатлар ва жамиятларниң маънавий-маданий ва ҳатто иқтисодий тараққиётига бевосита ёки билвосита ўз таъсирини кўрсатиб келган. Шу боис инсоннинг динга эътиқод қилиш ёки қилмаслик ҳуқуқини эътироф этган ҳолда сиёсат, дин ва мафкуранинг ўзаро алоқадорлигини, ҳозирги жамиятда диннинг ўрни ва ролини, диннинг сиёсийлашуви ва сиёсатнинг динийлашувидаги асосий тенденцияларни, сиёсий мафкура моҳияти ва ҳозирги замоннинг асосий мафкуравий оқимларини ҳамда Ўзбекистоннинг миллий мафкурасида дин ва сиёсатнинг ўзаро муносабати масалалари таҳлили ўта долзарбdir.

Дин ўз табиатига кўра ўта мураккаб ижтимоий ҳодиса бўлиб, у файритабии кучларнинг мавжудлигига нисбатан ишончнинг ҳосиласидир. «Дин» атамаси араб тилидан таржимада «ишонч», «ишонмоқ» деган маъноларни англатади.

Дин инсониятнинг дунёни билиш шакли, орзу истаклари, ҳис-туйғулари, эътиқоди ва файритабии кучларга ишончининг ифодаси сифатида қадимги даврларда вужудга келган. Диний онгнинг ибтидосида инсоният тафаккурида яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва ёвузлик, адолат ва адолатсизлик каби ахлоқий категорияларнинг илк тарихий элементлари шаклланган. Ижтимоий тараққиёт давомида дин инсонларнинг яшаш ва фикрлаш тарзи, қадимиј маданият ва маънавият шаклларидан бирига айланган. Шу билан бирга ижтимоий онг шаклларидан бири сифатида дин жамият сиёсий тизимининг фаолиятида муҳим ўринни ҳам эгаллаган.

Жаҳон динларининг пайдо бўлиши инсоният тарихида рўй берган муҳим воқелик бўлиб, буддавийлик, христианлик ва ислом уларнинг асосийларидир.

Милоддан аввалги VI–V асрларда Ҳиндистоннинг шимо-

лида вужудга келгән буддавийлик (қадимги санскрит тилида «Buddha» – «осойишталикка ва буюк ҳақиқатта эришган» деган маңноларни билдиради), асосан, Осиёда кенг тарқалған бўлиб, унинг марказида бошқа жаҳон динларида бўлгани сингари ахлоқий нормалар ётади. Сиддихартха Гаутама бу диннинг пайғамбари ҳисобланади<sup>1</sup>. Бу диннинг асосий хусусиятларидан бири тирик мавжудотга нисбатан меҳр-муҳабатли ва раҳм-шафқатли бўлишdir.

Ҳозирги пайтда буддавийлик Ҳиндихитой мамлакатлари – Бирма, Камбоджа, Таиландда давлат динидир. Бу динга мансуб ҳалқаро ташкилотлар ҳам мавжуд бўлиб, жумладан, «Буддавийларнинг умумий биродарлиги», «Осиё буддавийларининг тинчлик учун конференцияси» ҳалқаро сиёсатда, тинчлик учун курашда фаол иштирок этмоқда.

Христианлик яна бир жаҳон дини бўлиб, милоднинг I асрида Қадимги Рим империясининг шарқий қисми – Фа-ластинда Иисус Христос (Исо Масих)нинг даъвати остида вужудга келиб, кейинчалик Европа, Жанубий ва Шимолий Америка, Африканинг айrim мамлакатларида кенг тарқалған. Католик, православ ва протестант йўналишларига бўлиниб кетган христиан дини кўпгина мамлакатларнинг сиёсий ҳаётига фаол таъсир кўрсатмоқда. Масалан, XX асрнинг иккинчи ярмида Италия христиан демократик партияси, Голландиядаги христиан демократик иттифоқи партияси ҳукмрон сиёсий партия даражасигача кўтарилди.

Жаҳон динлари қаторига кирувчи энг ёш дин ислом бўлиб, милоднинг VII асрида Арабистон ярим оролида вужудга келганд. Бу диннинг асосчиси – Мұхаммад пайғамбар тарихий шахс бўлиб, 570–632 йилларда яшаб ўтган. Ҳозирги пайтда исломга эътиқод қилувчи 1,2 миллиард аҳоли дунёнинг 120 мамлакатида истиқомат қилади. Осиё ва Африканинг 52 мамлакатида ислом дини давлатнинг мафкуравий асоси деб эълон қилинган.

Исломда уч йўналиш – суннийлик, хорижийлик ва шиалик шаклланган бўлиб, 92 фоизни ташкил этувчи суннийлар тўрт мазҳабга бўлингандир. Жумладан, ҳанафийлар 47 фоиз

<sup>1</sup>Изоҳ: «Гаутама» – ургунинг номи, «Сиддихартха» – ҳар қандай ишда мукаммалликка эришган деган маънени англатади.

бўлиб, Индонезиядан, жануби-шарқий Осиё мамлакатлари-дан то Туркиягача; шофейлар 27 фоиз бўлиб, шимоли-шарқий Африкада; моликийлар 17 фоиз бўлиб, шимоли-ғарбий Африкада; ҳанбалийлар 1,5 фоиз бўлиб, Саудия Арабистонида истиқомат қилишади.

Ислом динида шариат муҳим ўрин тутади. Шариат ахлоқий, ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий қонун-қоидалар мажмуми бўлиб, унинг асосий манбаи Куръондир.

**Сиёсатнинг динийлашув ва диннинг сиёсийлашуви моҳияти.** Ҳозирги жамиятда сиёсат ва дин ўртасидаги муносабатлар моҳиятини тушуниб олмоқ учун, аввало, дунёвий тараққиёт йўли ва дин бир-бирига қанчалик мувофиқ келишини тарихга қисқача бир назар ташлаш орқали кўриб чиқиш зарур.

Инсониятнинг кўп минг йиллик тажрибаси давомида сиёсат ва дин ўртасида мураккаб, лекин барқарор алоқадорлик вужудга келган. Сиёсат ва дин ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг узоқ йиллик тарихи сиёсатнинг динийлашув ёки аксинча, диннинг сиёсийлашув даврлари кўп марта рўй берганлигидан далолат беради. Бундай жараёнлар муайян маънода ҳозирги замонда, хусусан, Марказий Осиё минтақасидаги давлатларда ҳам кўзга ташланмоқда.

Аслида, тарихга мурожаат қилинса, антик замонларда ёқ сиёсатчилар Европада оммага таъсир кўрсатишининг энг фаол воситаси сифатида христианлик ақидаларидан фойдаланиб, черковни сиёсат қурулига айлантирганликлари маълум бўлади. Инсоният цивилизациясининг кейинги босқичи – ўрта асрларда жаҳоннинг икки йирик дини – ислом ва христианлик сиёсат ва сиёсатчиларга шу даражада кучли таъсир этдики, натижада бу динлар Фарбда ва Шарқда барча давлатлар устидаги «давлат»га айландилар. Бироқ Европадаги реформация, монархия режимлари сиёсий эҳтиёжларини қондириш борасида черков мавқеининг аста-секин сўниб бориши мутлақ сиёсий ҳокимиятнинг мустаҳкамланишига, охироқибатда эса христиан черковининг сиёсатга нисбатан таъсиригининг синишига олиб келди. Феодал тартибларга қарши инқилоблар ва ундан кейинги сиёсий жараёнларда диний ақидалар якка ҳукмронлигидан узоқлашган Европа тафаккури бозор муносабатлари эркинлиги, дунёвий таълим ва тех-

ник тараққиёт сари жадал юзланди. Жамият мутлақ ҳукмронлик бошқарувини рад этиб, антик демократиянинг айрим шаклларидан ижодий равишда фойдаланишга кириши. Янги давр Европасида ҳокимиятнинг черковдан узоқлашуви индивиднинг инсоний қадр-қиммати ҳақидаги масалани кун тартибига қўйди. Бу эса ҳукмдор суверенитетидан ҳалқ суверенитетига ўтишни тезлаштириб, турли дунёвий мафкуралар, жумладан, либерализм ҳамда либерал сиёсий тизимларни яратди.

Европада тўпланган тажриба, динни дунёвий, давлатга оид ишлардан ажратиш даҳрий давлат ва ахлоқсиз жамият қуришга олиб келади, деган даъволарнинг мутлақо асоссиз ва тутуруқсиз эканлигига заррача шубҳа қолдирмайди. Мазкур қитъянинг дунёвий, демократик давлатлари ўз фуқароларига тўлақонли виждон эркинлигини, биринчи навбатда инсон ҳуқуқларининг асосий таркибий қисмларидан бири бўлган эътиқод эркинлигини намунали тарзда таъминлагани эътиroz билдирилмайдиган ҳаётий воқеликка айланди. Аммо бу жараёнлар Европадаги давлат ва дин муносабатлари тарихига оид эканлигини назардан соқит қилмаслигимиз керак.

Шарқда эса IX–XII асрларда ўз мавқеини янада мустаҳкамлашга муваффақ бўлган ислом дини сиёсатни ўзига тобе этибина қолмай, у билан уйғуналашиб ҳам кетдики, бу ҳол бу ердаги сиёсий режимларни заифлаштириш у ёқда турсин, аксинча, уларнинг сезиларли даражада мустаҳкамланишига, жамиятнинг жипслашувига, фан ва маданиятнинг гуллабяшнашига ёрдам берди ва шу билан бирга Шарқ Уйғонишининг тамал тоши қўйилишига имкон туғдирди. Ислом вужудга келган даврда дин сиёсатдан, ҳуқуқдан, фалсафадан ажralмаган ҳолда эди. Ижтимоий тараққиётнинг муайян босқичида сиёсат билан дин ўртасидаги ўзаро боғлиқлик давом этаверди. Баъзан бу алоқадорлик кучайди, баъзан бир қадар сусайди. Аммо диннинг сиёсатга таъсири ҳеч қачон батамом йўқолмади. Ислом фақатгина дин бўлиб қолмасдан, балки яратувчилик ҳаракати, тараққиёт таълимоти, шунингдек, жамиятни жипслаштириш воситаси бўлиб келди.

Бироқ адолат нуқтаи назаридан тан олиш керакки, исломнинг мусулмон Шарқи сиёсий ҳаётида кейинчалик ҳам яккаҳокимликни сақлаб қолишга интилиши бу ерда илмий-

техник тараққиётга тўсиқ бўлиб қолди, унинг жамият сиёсий ва маънавий ҳаётидаги босими давом этди. (Масалан, Имом Фаззолийнинг Форобий ва Ибн Синолар дунёвий фалсафасини кескин рад этиши ёки мутаассиб уламолар фатвоси билан Улуғбекнинг ўз ўғли Абдуллатиф томонидан қатл этилиши ва ҳ.к.)

Лекин бъязи муаллифлар минтақамиз тарихида ислом ва давлат ўртасида кечган муносабатларни бир қадар бошқача таҳлил этиш тарафдоридир. Уларнинг фикрича, Марказий Осиё жамияти ҳаётини ташкил этишда диннинг, айнан эса – исломнинг роли доимо муҳим бўлиб қолганига қарамай, у ҳеч қачон ҳукмрон бўлмаган. Марказий Осиё Уйғониш даври ва ундан кейинги замонларда жамиятни бошқариш масалаларида дунёвийликка мойил сиёсий кучларнинг ўрни ва аҳамияти мунтазам мустаҳкамланиб борган ҳамда диний доиралар таъсир фаолияти соҳаси соғф маънавий-ахлоқий табиатга эга масалаларгача торайиб борган<sup>1</sup>.

Демак, давлат ва жамият ҳаётида тараққиёт талабларига тўла жавоб бера олмаётган исломий мафкурага муқобил дунёвий мафкурага эҳтиёж аста-секинлик билан шаклана бошлаган. Бундай дунёвий мафкура сифатида кейинроқ жадидчиликнинг майдонга чиққани фикримизни исботлайди. Худди шу даврда Марказий Осиёнинг Россия томонидан забт этилиши исломнинг ўрни ва ролининг жиддий ўзгаришига ҳам олиб келди: истилочилар исломни ижтимоий-сиёсий ҳаётдан имкон қадар эҳтиёткорлик билан сиқиб чиқаришга ҳаракат қилдилар. Бунда биринчидан, мусулмон руҳонийларни инкор этиб, уларни ижтимоий ҳаётдан аста-секин сиқиб чиқариш, иккинчидан, уларнинг моддий-иқтисодий заминини емиришни кўзлаган вақф мулкларини қисқартиришга қаратилган тадбирлардан иборат усууллардан фойдаланилди.

Маърифат ва миллий мустақиллик байроғи остида XIX аср охири XX аср бошларида шаклланган жадидчилик мафкураси эса «илмий социализм» туғдирган ленинча фундаментализм ва унинг бевосита натижаси бўлган Сталин режими зуғумлари остида ўз такомилига етмаган ҳолда қолиб кетди. Жамият ҳаёти-

<sup>1</sup> Ислом ва дунёвий-маърифий давлат / Мунавваров З. ва В.Шнейдер-Детерснинг умумий таҳрири остида.– Т., 2003. – Б. 136.

да диннинг ҳар қандай ролини камайтиришга интилиш шўролар даврининг динга нисбатан давлат сиёсатидаги асосий хусусият бўлиб қолди. Бу сиёсат жангари атеистик усуслар ишлатиш, руҳонийлар ва диний муассасаларга қарши кенг кўламли ҳужумлар уюштириш, диннинг ижобий салоҳиятини бутунлай инкор этиш йўли билан амалга оширилди. Исломнинг тарбиявий салоҳиятидан фойдаланишга даъват этган туркистонлик жадидларнинг уринишлари ҳам рад этилди. Руҳонийлар ва диний муассасаларга тазиик ўтказиш узлуксиз ошиб борди: атеистик жамият куриш билан боғлиқ ҳомхаёл тобора қатъийлик билан ҳаётий воқелик сифатида тақдим этила бошланди. Аммо табиийки, бундай сиёсат асрлар оша шаклланган мусулмон жамияти ҳаётидан динни таг-томири билан узиб ташлашни таъминлай олмади. Шунга қарамасдан уламоларнинг мутлақ кўпчилиги жисмонан маҳв этилди ва мусулмон диний муассасаларининг анчагина қисми вайрон этилди. Лекин бундан ислом омили жамият ҳаётидан йўқолиб кетмади, балки унинг ўрни ўзгарди, холос – у ниҳоятда ўзига хос шакл касб эта бошлади. Жумладан, диннинг яширин фаолият олиб боришга ўтиши бундай сиёсатнинг маҳсули бўлди, натижада у ҳокимиятга қарши мухолиф кучга айланди. 1980 йилларнинг охирларидан бошлаб, собиқ Иттифоқнинг парчаланиш жараёни батамом равшан бўлгач, радикал кайфиятдаги баъзи арбоблар миллатнинг мальавий раҳнамолигига ошкора даъво қилиб чиқдилар. Масалан, 1990 йилда Тожикистондаги Ислом уйғониш партияси шу мамлакатдаги диний бошқарма раҳбарияти билан тил бириктириб, демократия ниқоби остида ҳокимият учун курашга отланди. Натижада, республикада фуқаролар уруши бошланиб, ўн минглаб бегуноҳ одамларнинг қони тўкилди, бир миллат икки қарама-қарши қисмга ажralиб кетди.

Ўзбекистон Республикасида эса давлатнинг динга нисбатан оқилона равишда ишлаб чиқилган ва амалга оширилган сиёсати боис, қўшни давлатдаги сингарни фожиаларга йўл қўйилмади. Миллий ва диний тотувлик таъминланди. Биз барпо этаётган дунёвий, демократик жамият, ҳуқуқий давлатдаги давлат ва дин муносабатлари мустақил Ўзбекистон Республикаси Конституциясида очик-ойдин ифода этилган. Республикаизда дин давлатдан расман ажратилган. Бироқ

диннинг давлатдан ажратилганлиги унинг жамиятдан ажратилганлигини билдиримайди. Бас, шундай экан, бу нозик ва мураккаб масалада муносабатларнинг ўзаро хурмат ва ишонч асосида қурилиши ягона мақбул йўлдир. Давлатни идора қилиш, жамиятни бошқариш – сиёсий раҳбарларнинг вазифаси. Диний раҳбарлар эса кишиларни ислом қадриятлари асосида тарбиялаб, жамият олдида турган вазифаларни амалга оширишда, ҳаётий масалаларни ҳал этишда ҳукумат раҳбарларига ёрдам беришлари, давлат қонунлари ва сиёсатини хурмат қилишлари лозим. Мамлакатимиз раҳбари таъкидлага-нидек, «Давлат диндор фуқароларнинг диний эътиқод ва ҳақ-хукуқларини қанчалик ҳурмат-эҳтиром қилса, диндорлар ҳам давлат қонунлари ва сиёсатини шунчалик ҳурмат-эҳтиром қилишлари шарт»<sup>1</sup>. Шундагина жамиятнинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаёти мутаносиб ривожланади.

Диний фундаментализмнинг сиёсий таълимоти. Маълумки, барча жаҳон динларида динни замонавийлаштириш жараёнлари узоқ тарихга эга. Бу хусусиятдан бизнинг давр ва ислом дини ҳам мустасно эмас. Айни вақтда исломни замонавийлаштириш жараёнига қарама-қарши равишда уни илк асосларига қайтаришга интилиш ҳам кузатилмоқда. Бу фундаментализмдир, унинг вакиллари эса ақидапарастлардир. Улар фундаментализмни, асосан, икки йўл билан: биринчидан, тинч йўл билан – яъни, масалан, исломнинг фундаментал асосларини кенг тарғиб қилиш, уни ҳозирги ижтимоий ҳаётта, инсоннинг руҳий, диний қарашларига сингдириш, диннинг фундаментал асосларига қайтишнинг афзалликларини исбот қилиш йўли билан амалга оширишга ҳаракат қилишмоқда; иккинчидан, фундаментализм тарафдорларининг бир қисми куч ишлатиш йўли, яъни зўравонлик, қонтўкиш, ҳатто қуролли жанглар йўли билан ўз мақсадларини амалга оширишга уринмоқдалар. Бу уринишлар ёрдамида баъзан улар вақтинча бўлса-да, ўз сиёсий мақсадларига – ҳокимиятни эгаллашга муваффақ бўлмоқдалар. («Толибон» террорчи ташкилотининг Афғонистонда 1997–2002 йилларда сиёсий ҳокимият тепасида бўлганлиги бунга далил бўла олади.)

<sup>1</sup> Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. – Т., 1994. – Б. 291.

Араб Шарқи мамлакатларида, масалан, Жазоир, Миср ва Суданда фаолият кўрсатаётган «Ихвони муслимин», Жанубий Ливандаги «Хизбуллоҳ», Фаластиндаги «Хамас» аксилистроил гуруҳи, «Хизб-ут-тахрир ал-Исломий» каби экстремистик ташкилотлар шариат нормаларини жамиятнинг барча соҳадаги ҳаётини тартибга солувчи восита сифатида тан олинишига, қолаверса, барча мусулмон мамлакатларини бирлаштирган ягона теократик давлат – халифаликни ташкил этишга ҳаракат қилишмоқда. Қисқа қилиб айтганда диний ақидапарастларнинг талабига кўра диний арбоблар давлатни бошқаришлари ва сиёsat билан шуғуланишлари керак.

Шу ўринда мусулмон мамлакатларида диний ақидапарастликнинг кучайишига сабабчи бўлаётган омиллар ҳақида тўхталсан: *биринчидан*, Фарбнинг мусулмон мамлакатларига тазиик кўрсатишга асосланган сиёsatининг кучайиши; *иккинчидан*, кўпгина мусулмон мамлакатларида сиёсий вазиятнинг кескинлашуви ва иқтисодий аҳволнинг оғирлашуви; *учинчидан*, мавжуд тараққиёт даражасидан қониқмаслик натижасида ўзининг тарихий, маданий-диний илдизларига қайтишга интилиш; *тўртинчидан*, Араб дунёси, мусулмон мамлакатларида узоқ вақтдан бери ҳал бўлмаётган турли минтақавий, диний, худудий муаммоларнинг ҳал этилишига ишончизликтининг кучайиши.

Аслида, фундаментализм фақат исломгагина эмас, балки бошқа динларга ҳам хос хусусиятdir. Шу боис, айрим мутахассислар таъкидлаганидек, «ислом фундаментализми» ислом динининг тобора сиёсийлашиб бораётганини кўрсатиш мақсадида сиёsatчилар, Фарб исломшунослари томонидан ўйлаб топилган атамадир. «Ислом фундаментализми» деган сиёсий тушунча Америка исломшунослари томонидан 1979 йилда, яъни Эрон ислом инқилобининг ғалабаси натижасида АҚШнинг Эрондаги сиёсий ва иқтисодий мавқеи кескин пасайгандан кейин киритилди.

Бироқ айрим ақидапараст кучларнинг ўз сиёсий муддаоларига эришиш учун кўпроқ экстремизм ва терроризмдан восита сифатида фойдаланаётганлиги ташвишли ҳолдир.

Шу билан бирга, таъкидлаш жоизки, бир қанча исломий ҳалқаро ташкилотлар ҳалқаро ҳаётга, ундаги иқтисодий ва сиёсий масалаларни ҳал этишга жиддий ижобий таъсир ҳам

кўрсатмоқда. Масалан, 1969 йилда ташкил топган «Ислом конференцияси ташкилоти»га 50 дан зиёд давлат аъзо бўлиб, унинг асосий мақсади мусулмон давлатлари ўргасида иқтисодий, ижтимоий, маданий, илмий бирдамликни мустаҳкамлаш, давлатларнинг мустақиллиги, миллий ҳуқуқларини қўллаб-кувватлаш ҳамда уларнинг иқтисодий тараққиётини таъминлашдан иборат. Ислом тараққиёт банки бу ташкилотнинг ёрдамчи идорасидир.

Шунингдек, 1926 йилда ташкил топган, қароргоҳи эса Покистоннинг Карочи шаҳрида жойлашган «Умумжаҳон ислом конгресси», 1962 йилда Саудия Арабистонининг Макка шаҳрида ташкил топган «Умумжаҳон ислом лигаси» каби ташкилотлар халқаро ҳаётнинг барча муҳим масалаларини тинч йўл билан ҳал этиш тарафдоридир.

**Дунёвий давлатда сиёsat ва дин муносабатининг ҳуқуқий меъёrlари.** Ҳуқуқий давлат ва Ҷуқаролик жамияти қуриш йўлидан бораётган давлатимизнинг динга бўлган муносабати нималар билан белгиланади, деган саволга жавоб беришдан аввал «дунёвийлик» деган тушунчанинг ўзи нимани англатишини аниқлаштириш лозим.

Дунёвийлик диний эътиқоднинг ижтимоий-маданий ҳаёт ва қолаверса, умуммиллий тараққиётдаги аҳамиятини инкор этадими? Агар инкор этмаса, диннинг ҳаётий воқеликдаги ролини у қандай тушунади? Ана шу саволларга оидинлик киритсаккина мустақил Ўзбекистонда дунёвий жамият қуриш йўлида амалга оширилаётган саъӣ-ҳаракатларнинг, шунингдек, сиёsat, дин ва мафкура ўртасидаги алоқанинг, муносабатларнинг туб моҳияти равшанлашади. Фикримизча, тараққиётнинг дунёвий йўли собиқ коммунистик мафкура «қолиплари»га тушмаслиги, яъни унинг даҳрийлик ҳамда динийлик эмаслигига боғлиқ. Бундан дунёвийлик моҳиятан, зикр этилган икки қарама-қарши қутбнинг, яъни динийлик ва даҳрийликнинг оралиғида жойлашган маънавий-маданий ҳолат деган холосага келиш мумкин. Чунки, у динийликни ҳам, даҳрийликни ҳам инкор этмайди, уларнинг ҳар иккаласини объектив ижтимоий ҳодиса деб эътироф этади. Бундан келиб чиқадиган мантиқий холоса шуки, дунёвийлик тушунчаси плюрализм, яъни ҳурфиклиликка асосланади. Дунёвий тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатлардаги динга бўлган

муносабат демократик плюрализм, яъни ҳурфиксрилилк та-  
мойилига асослангани туфайли уларда дин ҳаётдаги ижтимо-  
ий-маданий ва маънавий-рухий муҳит ранг-баранглигини  
таъминловчи хилма-хил тарихий қадриятлар силсиласидаги  
тeng ҳукуқли бўғин сифатида қабул қилинган. Шу ўринда  
дин демократия ва ҳурфиксрилилкка асосланган дунёвийлик  
 билан муроса қила оладими, деган савол туғилади. Ўзбекис-  
тон туб аҳолисининг эътиқоди бўлган исломчи?

Дунёнинг кўпчилик давлатлари, хусусан, ривожланган  
мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, дин дунёвий дав-  
лат тузуми билан нафақат муроса қилиши, балки умуммил-  
лий юксалиш йўлида у билан самарали ҳамкорлик қилиши  
мумкин.

Диннинг жамиятимиздаги ўрни, энг аввало, унинг консти-  
туциявий мақоми билан белгиланади. Ўзбекистон Республи-  
каси Конституциясига мувофиқ барча фуқароларнинг виж-  
дон эркинлиги кафолатланган. Диний ташкилотлар ва бир-  
лашмалар давлатдан ажратилган ва уларнинг қонун олдида  
тенглиги белгилаб қўйилган. Айни пайтда миллий ва диний  
руҳдаги сиёсий партия ва жамоат бирлашмаларининг тузи-  
лиши ҳамда фаолияти тақиқланган<sup>1</sup>. Ўзбекистон Республи-  
касида давлатнинг дин билан муносабатлари мазмун-моҳия-  
тини белгиловчи қатор тамойилларга қуйидагилар киради:

- диндорларнинг диний туйгуларини ҳурмат қилиш;
- диний эътиқодни фуқароларнинг ёки улар уюшмалари-  
нинг хусусий иши деб тан олиш;
- диний қараашларга амал қилувчи фуқароларнинг ҳам,  
уларга амал қилмайдиган фуқароларнинг ҳам ҳукуқларини  
тенг кафолатлаш ҳамда уларни таъқиб қилишга йўл қўймас-  
лик;
- маънавий тикланиш, умуминсоний ахлоқий қадрият-  
ларни қарор топтириш ишида турли диний уюшмаларнинг  
имкониятларидан фойдаланиш учун улар билан мuloқot  
қилиш йўлларини излаш зарурияти;
- диндан бузғунчилик мақсадларида фойдаланишга йўл  
қўйиб бўлмаслигини эътироф этиш.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2008. – 18, 31, 57,  
61-моддалар.

Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришни кўзла-  
ган давлатимизнинг динга муносабатини белгиловчи юқори-  
даги мезон ва тамойиллардан икки асосий холосани чиқа-  
риш мумкин.

**Биринчидан,** Ўзбекистонда дин маданий-мафкуравий  
омиллар умумий силсиласига кирувчи барча миллий қадри-  
ятлар қаторида тенг ҳуқуқли қадрият сифатида тан олинади.

**Иккинчидан,** соф диний эҳтиёжларни қондиришдан таш-  
қари ҳар қандай ғаразли мақсадга эришиш йўлида диний  
омиллардан фойдаланиш қатъяян ман этилади.

Экстремизм ва фундаментализмга қарши қурашнинг асо-  
сий йўналиши ислом динига эмас, балки исломнинг муқад-  
дас ақидаларини ниқоб қилиб олган диний экстремизм ва  
терроризмга қарши қаратилиши лозим. Бироқ айрим хори-  
жий мамлакатлар матбуотидаги мақолаларда ислом дини,  
сиёсий ислом, терроризм ва диний экстремизм бир бири билан  
қориштириб юборилмоқда. Ҳатто Farbda айрим давлат ар-  
боблари терроризм билан бевосита боғлиқ бўлган сиёсий  
исломга ҳам беихтиёр ислом динининг таркибий қисми, деб  
қарашмоқда. Ваҳоланки, терроризм ва ислом экстремизми  
ислом дини билан фақат конфессионал жиҳатдан боғлиқдир.

Ислом динини агрессивликда, террорчиликда айблаш  
жаҳон миқёсида ислом нуфузининг, ислом мавқеининг ошиб  
боришидан талvasага тушиш, глобал иқтисодий, сиёсий мад-  
даний ва демографик жараёнларда гегемонлигини тарихан  
йўқотаётган постиндустриал жамиятларнинг сиёсий кучлари  
учун хосдир.

Хуллас, умумэътироф этилган демократия ва плюрализм  
тамойилларига асосланган давлат ва дин ўргасидаги янгича  
муносабатларни фуқароларимиз онгига сингдириб бориш, ҳар  
қандай диний-экстремистик ҳаракатларнинг олдини олиш энг  
муҳим вазифалардан биридир.

## **2. «Сиёсий мафкура» тушунчаси. Ҳозирги замоннинг асосий мафкуравий оқимлари**

**Сиёсий мафкура.** Сиёсий мафкура сиёsatшуносликнинг  
энг мураккаб категорияларидан биридир. Чунки жамиятни  
бошқариш зарурати муайян гоявий дастурни ва назарияни  
тақозо этади. Бу вазифани мафкура бажаради. Мафкурасиз

сиёсий ҳокимият бўлмаганлиги каби давлат ва унинг сиёсий институтларисиз мафкура ҳам бўлмайди. Шу боис мафкура ижтимоий ҳаётни ташкиллаштирувчи, бошқарувчи ва муайян мақсад сари йўналтирувчи дастур, таълимот бўлиб хизмат қиласи. Мафкура асос эътиборига кўра сиёсат билан узвий боғлиқдир. Сиёсатнинг ўзгариши мафкурага ҳам таъсир кўрсатади.

«Мафкура» арабча сўздан олинган бўлиб, тор маънода қарашлар ва эътиқодлар тизими, мажмуи деган маънони англатади. Кенг маънода мафкура – жамиятдаги муайян сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, бадиий, фалсафий, илмий қарашлар, фикрлар ва ғоялар мажмуидир. Фарб мамлакатлари тилларида мафкура «идеология» атамаси воситасида қўлланилади<sup>1</sup>.

Мафкура, хусусан, сиёсий мафкура масалалари таҳлили XIX аср охири XX аср бошларида таниқли немис олими М. Вебер тадқиқотларида янада юқори босқичга кўтарилди.

Шуни таъкидлаш зарурки, мафкура масаласи собиқ СССРда ўта мутлақлаштирилди. Мафкура ва сиёсат ўртасидаги мувозанатнинг бузилиши оқибатида синфий душманга қарши кураш ниқоби остида нафақат коммунистик мафкурага зид ғоявий унсурлар, балки ҳар қандай ҳурфикрлилик таъқиб остига олинди. Троцкизмга қарши кураш, колективлаштириш, маданий инқилоб, сталинча қатағонлар ўз қамровига кўра фашизм мафкурасидан қолишмади. Иккинчи жаҳон урушидан кейин НАТО ва Варшава Шартномаси давлатлари ўртасида вужудга келган «совуқ уруш» сиёсати ҳам асос эътибори билан мафкуравий табиятга эга эди. Ҳар қандай илмий ва маданий ҳурфиксаликка, агар у коммунистик мафкура қолипларига тўғри келмаса, ғайриинсоний, заарли деб қаралди. Бўйлан илм-фан ва маданият равнақи катта зарар кўрди. Совет мафкурасининг туб хусусиятларидан бири шунда эдики, у халқларнинг миллий ўзлигини, маданияти, ахлоқи ва маънавиятининг бетакрор жиҳатларини инкор этар,

<sup>1</sup> Изоҳ: «Идеология» юононча «идея» ва «логос» сўзларининг биримасидан ташкил топган бўлиб, ғоялар ҳақидаги таълимот деган маънони билдиради. Бу атама илк бор 1797 йилда француз инқилоби даврида Дестут де Тресси томонидан илмий муомалага киритилган.

«совет халқи» деган мавхум тушунча остида барча миллаттарни бирлаштиришга уринар эди. Натижада, айрим кам сонли халқлар ўз тили, миллий маданиятини йўқотишгача етиб бордилар.

Аслида мафкура сиёсатга оқилона йўналиш бериши, уни жамият ҳаётининг турли жабҳаларидаги реал ҳолат билан таништириши лозим. Сиёсатнинг мафкурага таянишининг сабаби – мафкуранинг жамият маънавий кайфиятини, орзуумидларини, мақсад ва манфаатларини ифодаловчи ғоявий дастур эканлигидадир. Бу борада сиёсий мафкура алоҳида ўрин тутади. Чунки у ҳуқуқий мафкура каби демократик, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда етакчи омиллардан бири ҳисобланади. Сиёсий мафкурасиз бирор-бир сиёсий ҳаракат бўлмайди. Сиёсий мафкура ўз таркибига кўра мавжуд ижтимоий воқелик, унинг келажаги тўғрисидаги сиёсий тасаввур ва тушунчалардан ташкил топади. Сиёсий мафкурада мавжуд ижтимоий воқеликнинг келажаги ҳақидаги фикр-мулоҳазалар муайян дастур қиёфасига киради. Шунинг учун сиёсий мафкура сиёсий амалиёт учун дастурний аҳамият касб этади.

Сиёсий мафкуранинг жамият тараққиёти учун аҳамияти шундан иборатки, у кишиларнинг ҳис-туйғуларига, кайфијатларига маънавий, ғоявий жиҳатдан таъсир қиласи, уларни ғоявий жиҳатдан қуроллантиради ва реал хатти-ҳаракатга ундейди. Яъни, сиёсий мафкура ижтимоий воқеликни тараққий эттиришга ёрдам беради. Сиёсий мафкуранинг ижтимоий воқеликни ўзгартиришга қаратилишининг сабаби шуки – у жамиятдаги ижтимоий гурӯҳ ва табақаларнинг эҳтиёж ҳамда манфаатлари билан боғлангандир. Шу боис сиёсий мафкура мавжуд воқеликни эмас, балки кўпроқ бўлиши лозим бўлган ижтимоий воқеликни яратишга бўйсундирилган бўлади. Чунки ижтимоий воқеликда, сиёсий жараёнларда доимо манфаатлар ва эҳтиёжлар кураши рўй беради. Сиёсий мафкура у ёки бу ижтимоий гурӯҳ, синф, табақанинг ғоявий дастури, сиёсий идеали ҳисобланади. Улар ўз мафкураларини ёки сиёсий дастурларини жамиятнинг бошқа табақалари онгига сингдиришишга ва етакчи мафкура даражасига кўтаришга ҳаракат қиласидилар. Дунёда турли-туман мафкураларнинг шаклланганлигини шу омил билан изоҳлаш мумкин.

Мафкура жамиятнинг илгариланма тараққиётида ғоявий «компас» вазифасини бажаради. Мафкура ва сиёсатнинг субъекти инсондир. Айнан кишилар ўзлари учун қайси мафкура мәъқул эканлигини танлашади. Демократик жамиятдагина мавжуд бўладиган бундай танловда турли сиёсий гуруҳлар, қатламлар, уюшмалар ва табақалар иштирок этадилар. Демак, сиёсий мафкура у ёки бу ижтимоий гурухнинг манфатларини ифодаловчи ва ҳимоя қилувчи ҳамда кўпроқ миқдордаги кишиларнинг индивидуал ўй-фикрлари ва хатти-ҳаракатларини ҳокимиётдан фойдаланишнинг муайян мақсадлари ва вазифаларига бўйсундиришни талаб қилувчи тизимлашган (системалашган) ғоялар, қарашларнинг йиғиндицидир.

*Хуллас, сиёсий мафкура – бу муайян ижтимоий гурухнинг ҳокимиётга интилишини ёки ундан фойдаланишини асословчи ва сиёсий ҳаракатнинг у ёки бу стратегиясини кўзда тутувчи ғоявий тизимdir.*

Агар фаннинг вазифаси ҳақиқатни излаш бўлса, мафкуранинг вазифаси аҳолининг оммавий сиёсий онгини эгалашдир. Аҳолини реал бирлаштириш қобилияти муайян мафкурадаги ғоя ва қоидалар кишиларнинг яхши турмуш тарзи ҳақидаги кундалик қарашлари ва тасаввурларига қанчалик мос келишига боғлиқ.

Сиёсий мафкура замон ва макондан ташқарида бўлган мавҳум руҳий ҳодиса эмас. У муайян тарихий шароит билан боғлиқ – аниқ ижтимоий мазмунга эга бўлган мъянавий ҳодисадир. Ҳар бир тарихий давр ўзига хос ва ўзига мос мафкуравий оқимларни илгари суради. Бундан ҳозирги замон ҳам мустасно эмас.

Ҳозирги замоннинг энг йирик мафкуравий оқимлари либерализм, консерватизм ва социал-демократиядир.

Либерализм – лотинча «liberalis» сўзидан олинган бўлиб, «эркин» деган мъёнони англатади. У XVII–XVIII асрларда маърифатпарварлик ғоялари негизида буржуа синфи мафкураси сифатида шаклланди. Бу мафкуранинг асосий қоидалари Ж. Локк, Т. Гоббс, Ш. Монтескьё, А. Смит, Т. Жефферсон асарларида ишлаб чиқилди ва асосланди.

Либерализм пойдеворини шахс эркинлиги, унинг жамиятдаги барча институтларга нисбатан энг олий қадрият эканлиги, шахснинг ҳам ўз олдида, ҳам жамият олдида масъулли-

ги, барча кишиларнинг ўзини-ўзи рўёбга чиқариш хукуқини тан олишлиги каби принциплар ташкил этади. Бу мафкура парламент тузумининг, муҳим сиёсий муаммоларни ҳал этишда муросай-мадора, келишувнинг тарафдоридир.

У давлатнинг кўпайиб кетган иқтисодий ва ижтимоий функцияларига салбий муносабатдадир. Либерализм ҳокимиятнинг тақсимланиши, сиёсий плюрализм, элиталар рақобати, қонуннинг устуворлигини эътироф этади. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни ўзининг асосий мақсади деб билади. Бошқа кишиларнинг қарашлари ва эътиқодларига сабр-тоқатли бўлишлик ҳимоя қилинади. Эркинлик принципи либерализм тарафдорлари томонидан давлат чеклашларидан эркин бўлишлик сифатида талқин этилади. Бу фояни Лоқк инсон ўзига нима кераклигини ҳар қандай ҳукуматдан кўра яхши билади, деб талқин этган эди.

Либерализм ҳокимиятни мерос қилиб қолдиришнинг барча шаклларига ва табақавий имтиёзларга қарши чиқади. «Давлат – тунги қоровул» мазмунидаги фояни илгари суради. Бу фоянинг мазмуни шуки, давлат фақат ижтимоий тартибни қўриқлаш ва мамлакатни ташқи таҳдиддан ҳимоя қилишни таъминлайдиган, камроқ, лекин керакли вазифалар билан таъминланиши керак. Шунинг учун айнан либерализмда фуқаролик жамиятининг давлат устидан устуворлиги фояси қарор топди ва амалга оширилмоқда.

Лоқк фуқаролик жамияти – бу доимий катталик, давлат эса ундан келиб чиқувчи, деб ёзган эди.

Либерализм эркинликнинг бозор талқинини тадбиркорлик эркинлиги сифатида баҳолайди. Яъни, бу мафкура эркинлик ва хусусий мулкнинг ўхшашлигига асосланади. Унда хусусий мулк инсон эркинлигининг кафолати ва ўлчови сифатида қаралади. Иқтисодий эркинликдан сиёсий ва фуқаролик эркинлиги келтириб чиқарилади. Классик либерализм фоялари англо-сакон мамлакатларида, аввало, АҚШнинг сиёсий ва иқтисодий тараққиётida ўзининг бир қадар тўлароқ ифодасини топди. АҚШда индивидуализм жамият тузилишининг бош принципи сифатида қаралади. Мустақиллик ва ўзининг кучига таяниш, рақобат эркинлиги америкача турмуш тарзининг асосий фоявий устунлариdir.

**Неолиберализм. Ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар таъси-**

рида XX асрнинг 30-йилларида либерализм неолиберализмга ўсиб ўтди. Унда АҚШ президенти Т. Рузвельтнинг «Янги йўли» катта ўрин тутди. Рузвельт давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий роли масаласини қайтадан кўриб чиқди. Неолибераллар давлатнинг иқтисодий муносабатларни тартиба солиши, фаол ижтимоий сиёсат олиб бориши зарурлигини тан оладилар. Улар ижтимоий адолатни ўрнатишни, монополияларнинг ҳокимиятини чеклашни, моддий бойликларни солиқ тизими ва давлатнинг ижтимоий дастурлари орқали жамиятнинг қуи қатламлари фойдасига қайта тақсимлашни ёқлаб чиқадилар. Шунингдек, либерализмда бошқарувчи ва бошқарилувчиларнинг ўзаро келишуви, сиёсий жараёнда омманинг иштирок этиши зарурлиги, сиёсий қарорларни қабул қилиш амалиётини демократлаштириш муҳим характеристерли хусусиятдир.

Умуман, либерализм Farb демократиясининг foявий асоси, АҚШда эса АҚШ демократик партиясининг foявий-назарий мафкурасидир.

Ҳозирги замоннинг яна бир мафкуравий оқими консерватизм бўлиб, у лотинча «konservare» сўзидан келиб чиқсан ҳамда «сақлаш», «қўриқлаш», «бузилиб кетишдан сақлаб қолмоқ» деган маъноларни англатади.

**Консерватизм.** XVIII асрда либерализмнинг рақиби ўлароқ худо томонидан ўрнатилган тартибларнинг бузилмаслиги foясининг илгари сурувчиси сифатида пайдо бўлди. Унинг асосий қоидалари Англиялик мугафаккир ва сиёсатчи Э. Берк, Франциялик жамоат арбоблари де Местер ва де Бональд томонидан асослаб берилди.

Бу қоидаларнинг негизида табиий равишда қарор топган нарсалар табиатининг бузилмаслиги, оила, миллат, дин, табақавий бўлиниш билан боғлиқ бўлган анъанавий қадриятларни сақлаб қолиш foяси ётади.

Ана шундан келиб чиқиб, консерваторлар ижтимоий тараққиётда янгиликларга нисбатан ворисликнинг устуворлигини ёқлаб чиқадилар. Уларнинг фикрича, сиёсий принципларни урф-одатларга, миллий анъаналарга, қарор топган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий институтларга мослаштириш лозим. Зинапоя тарзидаги ижтимоий тузилишнинг юқоридан ўрнатилганлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ ва шунинг учун

уни инсон томонидан ўзбошимчалик билан ўзгартириб бўлмайди. Бундан келиб чиқадики, тенглик принципи инсон табиатига зид келади ва уни жамият тузилишининг негизига кўйиб бўлмайди.

**Неоконсерватизм.** Тарихий тараққиёт консерватизмда ҳам ўзгаришлар ясади. У бугун либерализм сингари бозор, рақобат эркинлигини таъминлашни, иқтисодиётга давлатнинг аралашувини чеклашни талаб қилмоқда. XX асрнинг 70-йилларида консерватизм тарихида янги тарихий давр – неоконсерватизм (Д. Белл, З. Бзежинский, Н. Подгорец, Н. Кристолл, А. Хайек) бошланди. Бу янги оқимнинг пайдо бўлишини тадқиқотчилар АҚШда Рональд Рейган бошчилигида республикачилар партиясининг, Буюк Британияда Маргарет Тэтчер бошчилигида консерваторлар партиясининг, Германияда (ўша даврда – ГФР) Гельмут Коль бошчилигида ХДС-ХСС<sup>1</sup> блокининг ҳокимиятга келиши билан боғлайдилар.

Неоконсерватизм неолиберализм ва социализмга қарши туриш мақсадида шаклланди. Неолиберализм давлатнинг иқтисодий фаолиятга аралашиби зарурлигини тан олади ва давлат ижтимоий дастурларининг ривожлантирилишини кўллаб-кувватлади. Неоконсерватизм эса аксинча, давлатнинг иқтисодиётга аралашибини чеклашни талаб қилади. Антиэтатизм<sup>2</sup>, давлатнинг ижтимоий вазифаларини чеклаш неоконсерватизм ғовий-сиёсий кўрсатмаларининг белгиловчи аломатидир.

Неоконсерваторлар қарашларига кўра «энг яхши ҳукumat шуки, у камроқ бошқаради». Улар аҳолининг кам таъминланган қатламлари фойдасига ресурсларни қайта тақсимлаш мақсадида йирик капиталга солинаётган солиқларга қарши чиқадилар. Улар тенг тақсимлашнинг ашаддий душманлари сифатида давлатнинг ижтимоий дастурларини қисқартиришни талаб этадилар. Неоконсерваторлар фикрича, ҳозирги давлат кишилар учун натижалар тенглигини эмас, балки имкониятлар

<sup>1</sup>Изоҳ: ХДС-ХСС–Германиядаги христиан-демократик ва христиан-социалистик партиялар иттифоқи.

<sup>2</sup> Изоҳ: Этатизм – (etat – давлат) жамиятнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётида давлат ролининг кучайишини кўрсатиш учун асосан Фарб адабиётида кенг кўлланилган термин. Қаранг: Фалсафа: қомусий луғат. – Т., 2004. – Б. 467.

тенглигини яратиб бериши керак. Давлатнинг «соғиладиган сигир»га айланиши инсонни бузади, ишдан чиқаради. Ҳар бир киши ўз фаолиятида давлатга эмас, балки ўзининг кучига ҳамда ўз яқинлари ва ҳамюртларига таяниши зарур.

Хулоса қилиб айтганда, консерватизм мафкурасида оила, дин, ахлоқ, айрим гуруҳларнинг имтиёзли ўрни ҳақидаги эски даврнинг қадриятлари янги, буржуа муносабатлари даврининг индивидуализм, бозор эркинлиги каби қадриятлари билан чамбарчас боғланиб кетган.

**Социал-демократия.** Бу мафкура XIX асрнинг охирида немис мутафаккирлари ва жамоат арбоблари К. Каутский ва Э. Бернштейн томонидан асослаб берилган. Унга қўра янги жамиятга синфий кураш ёки инқилобий йўл билан эмас, балки тинч, эволюцион йўл билан буржуа жамиятини аста-секин ислоҳ қилиш орқали ўтилади.

Социал-демократлар бу мақсадларини амалга оширишни давлатнинг жамият иқтисодий ҳётига фаол аралashiшини, даромадларни йўқсиллар фойдасига қайта тақсимлаш, иқтисодиётнинг давлат секторини ва кўплаб давлат ижтимоий дастурларини ривожлантириш билан боғлайдилар.

Жаҳонда социал-демократия мафкураси негизида турлитуман «социализм моделлари» шаклланди. Булар ичида швед ва герман модели энг катта обрў қозонди. Германия ва Швейцарида социал-демократик партиялар бошқаруви даврида ҳётнинг юқори даражаси ва сифатига эришилди. Аммо бу мамлакатлар иқтисодиётида XX асрнинг 80-йилларида давлат монополияси ва бюрократизм билан боғлиқ салбий жараёнлар кучайди. Натижада, ҳокимият консерваторлар қўлига ўтди. XX асрнинг 90-йиллари охирларига келибгина социал-демократлар сайловларда ғалаба қозониб, консерваторлардан ҳокимиятни яна қайтариб олдилар. Шундай қилиб, социал-демократия ижтимоий ислоҳотларни амалга ошириш йўли билан жамиятни ривожлантиришни ва халқ фаровонлигига эришишни кўзда тутади.

**Миллий мафкуралар.** Ҳозирги замон мафкуралари қаторида миллий мафкуралар ҳам муҳим ўринни эгаллайди. Улар бошқа мафкуралардан фарқ қилувчи бир қатор хусусиятларга эга. Жумладан:

– Миллий мафкуралар дунё мустамлакачилик системаси-

нинг емирилиши, ёш мустақил миллий давлатларнинг ташкил топиш зарурияти билан боғлиқ. Ҳозир бу жараён собиқ СССР ва бошқа собиқ социалистик мамлакатлар ўрнида ташкил топган давлатларда юз бермоқда.

— Миллий мафкуралар фақат айрим ижтимоий, ирқий, этник гуруҳнинг, халқнинг манфаатинигина эмас, балки мустақиллик учун, миллий ҳаётни ривожлантириш учун кураш олиб бораётган халқларнинг дунёда тутган ўрнини, турмуш тарзини, орзу-умидларини, интилиш ва манфаатларини акс эттиради.

— Миллий мафкуралар у ёки бу халқлар қарамлигининг объектив негизларини, уларни бартараф этиш ва ҳақиқий мустақилликка эришиш йўлларини очиб беради.

— Миллий мафкуралар ёш, мустақил давлатлар халқларининг ўзлигини англашига, қарамлик доирасидан чиқишига, уларнинг чинакамига эркин бўлишига, жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносаб ўрнини топишига ёрдам беради.

**Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги ва миллий мафкурага эҳтиёж.** 1991 йилда совет империяси парчалангач, ўз-ўзидан унинг мафкураси ҳам йўқолди. Натижада, ижтимоий ҳаётда бўшлиқ ҳосил бўлди. Бу бўшлиқقا бир вақтнинг ўзида дунёвий, мустақил, демократик давлатни барпо этишга киришган миллий мафкурамиз билан бирга Ўзбекистонни ўзи танлаган йўлдан тойдирмоқчи бўлган, диний давлат қуриш истагидаги сиёсий кучларнинг мафкураси ҳам кириб кела бошлади. Жумладан, ваҳдобийлик, ҳизб ут-таҳрир, акромийлик қаби диний-экстремистик кучлар сиёсий мафкурасидаги асосий хусусият мавжуд ҳокимият камчиликларига нисбатан айрим ижтимоий қатламлар руҳиятида салбий ҳис-туйғу уйғотиб, уни эътиқод даражасига кўтаришга асосий эътибор қаратилишида кўзга ташланди.

Бундан шундай хулоса чиқадики, бирор-бир давлат мафкурасиз бехавотир ривожлана олмас экан. Шунинг учун ҳам мустақил тараққиёт сари одимлаётган Ўзбекистон Республикасида мафкура масаласига янгича ёндашиш муаммоси вужудга келди. Мустабид совет тузумининг инқирозга юз тутиши жамиятнинг барча соҳаларини тубдан ислоҳ қилиш ва янги жамият қуриш масалаларини ишлаб чиқишини тақозо қилди. Бу масалалар И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз

истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари», «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» каби кўплаб асарларида асослаб берилган концепцияда ўз ечимини топди. Айни пайтда бу концепция миллий истиқлол гоясини яратишга катта ҳисса бўлиб қўшилди, уни янги, фундаментал-назарий қоидалар, хулосалар билан бойитди.

Ўзбекистон Республикасида миллий мафкуранинг ижтимоий-сиёсий ҳаётга татбиқ этилишида қўйидаги уч босқич эътиборга молик.

**Биринчи босқич** Президент И. А. Каримов белгилаб берган беш тамойил ва унинг талқини билан боғлиқ. Лекин ислоҳотлар жараёнида илгари сурилган «Иқтисодий ислоҳотлар ҳеч қачон сиёsat ортида қолмаслиги керак, у бирор мафкурага бўйсундирилиши мумкин эмас», деган тамойил совет мафкурасидан безган, умуман «мафкура» сўзидан ҳадиксираб қолган фуқаролар тафаккурида мафкурани ҳаётимиздан умуман чиқариб юбориш лозим, деган нотўғри хулосаларни ҳам шакллантирди. Бу босқич тахминан 1991–1993 йилларни ўз ичига олади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий-сиёсий ислоҳотлар, айниқса, янги сиёсий тизимни яратиш, демократик институтларни шакллантириш муаммолари мафкурага, хусусан, миллий мафкурага эътибор беришни тақозо эта бошлади. Натижада, мафкура муаммосини янгича талқин этишда янги босқич бошланди. Яъни **иккинчи босқич** 1993–1999 йилларни ўз ичига олади. Бу йилларда мафкура ҳар қандай давлат сиёsatининг, жамият ҳаётининг ажралмас қисми, гоявий таянчи эканлиги тўғрисидаги фикр-мулоҳазалар мамлакатимиз зиёлилари томонидан турли ОАВ орқали жамоатчилик эътиборига ҳавола қилинди.

**Учинчи босқич** Президент И. А. Каримовнинг 2000 йил 6 апрелда мамлакатимиз зиёлилари билан Оқсанор қароргоҳида ўтказган учрашувидан бошланди десак, хато бўлмас. Чунки бу учрашувда миллий мафкуранинг негизи – миллий фоя муаммоси ўртага ташланди. Миллий фоя миллий мафкуранинг умумлашган ифодаси сифатида ватанпарварлик, миллий фурур ва миллий шаън каби таркибий қисмларни ўз ичига олади.

Миллий мафкура ўз моҳиятига қўра, халқимизнинг асосий мақсад-муддаоларини ифодалайдиган, унинг ўтмиши ва келажагини бир-бири билан боғлайдиган, асрий орзу-истакларни амалга оширишга хизмат қиласидиган ғоялар тизими-дир. Ушбу мафкура Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, миллий ва умуминсоний қадриятлар, демократия тамой-илларига асосланади. Масалан, мафкура тушунчасини Президент Ислом Каримов шундай таърифлайди: «Одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган дунёқараши ва менталитетига (халқнинг руҳиятига) асосланган, айни вақтда шу халқ, шу миллатнинг келажагини кўзлаган ва унинг дунёдаги ўрни-ни аниқ-равshan белгилаб беришга хизмат қиласидиган, кечаги ва эртанги кун ўртасида кўприк бўлишга қодир ғояни мен жамият мафкураси деб биламан»<sup>1</sup>.

Миллий мафкурамиз Ўзбекистон давлати, миллати узоқ минг йиллик тарихга эга эканлигини, унинг жаҳон цивилизациясига қўшган буюк ҳиссасини, ўтмишини аниқ манбалар асосида ифодаловчи ҳамда халқимизнинг бугунги кундаги асосий вазифаси эркинлик, мустақиллик, озодликнинг қадрига етиш, ҳар бир шахснинг ўз меҳнати, билими, ақл-идрохи, керак бўлса жон-у тани билан мустақилликни мустаҳкамлаш, авайлаб-асраш ва Ватанимизнинг ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олиши ҳамда келажак авлодга озод ва обод Ватан қолдириш барчамизнинг мақсадимиз эканлигини кўрсатувчи таълимотдир. Шунинг учун барчамиз миллий мафкуранинг мазмун-моҳиятини билишимиз лозим, зеро миллий мафкура халқни, миллатни бирлаштирувчи, йўлга бошловчи бир байроқдир.

Миллий мафкура ҳақида гапирганда шуни назарда тутиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси плюрализм, фикр ва қарашлар эркинлиги тамойилларини тўлиқ таъминлайди. Асосий Конунимизнинг 12-моддасида бу қоида қўйидагича ифодаланган: «Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас»<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Адолатли жамият сари. – Т., 1998. – Б. 11.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2008. – 12-м.

Яъни, мамлакатимизда мафкуравий яккаҳокимликка йўл қўйилмайди. Чунки мафкуравий плюрализм ҳақиқий демократик давлат шаклланишининг дебочасидир.

Бу қоида фаолият кўрсатаётган партиялар, ҳаракат ва ижтимоий-сиёсий гурӯҳлардан бирортасининг дастурий ғоялари ягона давлат мафкураси бўла олмаслигини англатади.

Миллий мафкура турли сиёсий партия ва ижтимоий гурӯҳлар мафкурасидан устун турадиган социал феномен – ижтимоий ҳодисадир. Бу мафкурада бирон бир дунёқарашибутлақлаштирилмайди ёки у мавжуд сиёсий ҳокимиятни мустаҳкамлаш мақсадида сиёсий қуролга айлантирилмайди<sup>1</sup>. Миллий мафкура ўз мазмун-моҳиятига кўра, Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий тараққиётига хизмат қиласди, барча сиёсий партиялар, гурӯҳ ва қатламларнинг – бутун халқимизнинг манфаатларини ифодалайди.

**Миллий ғоя ва мафкура – тараққиёт таянчи.** Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асрлаб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юрга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш масаласи бугунги кунда тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги 2006 йил 25 августда қабул қилган қарори эътиборга молиқдир. Чунки халқаро майдонда мафкуравий, ғоявий ва информацион курашлар кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш, ёшларимизни турли хил мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, юртдошларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, ён-атрофда юз берадиган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, мамлакатимиз мустақиллиги, тинч-осойишта ҳаётимизга хавф туғдириши мумкин бўлган тажовузларга қарши изчил кураш олиб бориш вазифаси ушбу соҳадаги ишларни қайта кўриб чиқишини тақозо этди.

Ушбу қарорга кўра Республика Маънавият ва маърифат

<sup>1</sup> Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамоийлар. – Т., 2001. – Б. 45.

кенгашида «Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази» ташкил этилди. Марказнинг асосий вазифалари сифатида:

— миллий ғоя ва мафкура масаласи билан боғлиқ долзарб муаммоларни, бугунги мураккаб мафкуравий жараёнларни илмий-амалий жиҳатдан атрофлича таҳлил қилиш ва баҳолаш, устувор йўналишларини аниқлаш, уларнинг аҳоли турли қатламларига таъсирини ўрганиш, миллий манфаатларимизга, ҳаёт тарзимизга зид бўлган зарарли ғоялар ва мафкуравий хуружларнинг моҳиятини очиб бериш;

— халқимизнинг кўп асрлик маънавияти ва миллий қадриятлари, диний қарашлари ва ҳаётий удумларига, ёшларимизнинг онгини заҳарлаб, маънавий жиҳатдан қарам этишга қаратилган мафкуравий хатарларга қарши самарали кураш олиб бориш бўйича илмий-амалий дастурларни ишлаб чиқиш каби бир қатор масалалар белгиланди<sup>1</sup>.

Миллий ғоя ва мафкура, юксак маънавият тараққиётизмнинг таянчи эканлиги тўғрисидаги концепция И. А. Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч»<sup>2</sup> асарида янада ривожлантирилди. Унда одамзот учун ҳамма замонларда ҳам энг буюк бойлиқ бўлиб келган маънавиятнинг маъно-мазмуни, унинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти, бу мураккаб ва серқирра тушунчанинг назарий ва амалий томонлари ҳар томонлама кенг қамровли фикр ва хуносалар орқали таҳлил этиб берилди. Айни пайтда истиқлол йилларида миллий маънавиятни тиклаш, уни замон талаблари асосида ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган улкан ишлар, бу борада олдимиизда турган мақсад ва вазифалар ҳақида атрофлича фикр юритилган. Шунингдек, бугунги мураккаб глобаллашув даврида маънавият соҳасида вужудга келаётган долзарб муаммолар, халқимиз маънавиятини асраш ва юксалтириш, айниқса, ёш авлоднинг қалби ва онгини турли зарарли ғоя ва мафкуралар таъсиридан сақлаш ва ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

**Экосиёсий ва диний-сиёсий мафкуралар. Экосиёсий мафку-**

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарори. 2006 йил 25 август // Ўзбекистон овози. 2006 йил 25 август. №99–100.

<sup>2</sup> Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т., «Маънавият», 2008. – 176 б.

ралар II жаҳон урушидан кейинги йилларда вужудга келди ва XX асрнинг 70–80 йилларида ривожлана бошлади. Бунга ривожланган мамлакатлардаги оғир экологик вазият сабаб бўлди.

Диний-сиёсий мафкуралар бугун пайдо бўлган эмас, балки азалдан мавжудdir. Улар диний ақидаларга таянадилар. Диний мафкуранинг бош мақсади диний-сиёсий ҳокимиятни ўрнатишdir. Буни Эрон, Покистон, Саудия Арабистони, Ватикан мисолида кўришимиз мумкин. Шуни таъкидаш жоизки, советлардан кейинги маконга турли экстремистик мафкураларнинг (ваҳҳобийлик, ҳизб ут-тахрир ҳамда унинг бевосита бир шаҳобчasi бўлмиш акромийлик ва ҳ.к.) таъсири сезилди ва кучайди. Ўрта аср халифалигини қайта ўрнатиш foяси ҳамда халқaro террорчилик ва диний экстремизм марказлари орқали моддий-foявий жиҳатдан таъминланаётган ақидапараст мафкуралар бугунги кунда минтақамиздаги тинчлик ва барқарорлик учун катта хавф бўлиб турибди. 2005 йилнинг 13 майида Андижон шаҳрида диний-мутаассиблар томонидан амалга оширилган хунрезликлар жамиятимиз ҳаётига жиддий хавф туғдирадиган мафкуравий ҳамда жинояткорона таҳдидлар ҳамон мавжуд эканлигидан далолат беради ва барчамизни огоҳ бўлишга ундейди. Бу таҳдидлар, энг аввало, оддий инсонлар қалби ва онгини забт этишга, уларни ўз миллий қадриятларидан, умумбашарий цивилизация ютуқларидан маҳрум қилишга, пировард натижада юртимизни ўзига қарам қилиб олишга қаратилган замонавий тажовузкорликнинг бир шаклиdir.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги замоннинг асосий мафкуравий оқимлари либерализм, консерватизм, социал-демократия ва миллий мафкуралардир. Улар турли ижтимоий гурӯҳларнинг манбаатларини ифода этади ва жамиятни тараққий эттиришнинг турли-туман йўлларини илгари суради.

### **3. Ўзбекистон миллий мафкурасида дин ва сиёсатнинг ўрни**

Ўзбек давлатчилиги тарихига назар солинса, диний бағрикенглик, виждан ва эътиқод эркинлиги асосий принцип ва давлат сиёсати даражасига кўтариб келинганига ишонч ҳосил қиласиз. Масалан, Тошкент Ислом университети ислом хуқуқи кафедраси мудири Абдулҳаким Жузжонийнинг ёзишича, кушонлар даврида зарб қилинган тангаларнинг бир

томонида будда дини – давлат расмий динининг рамзи бўлса, иккинчи томонида бошқа бир диннинг рамзи акс этган. Ислом дини кириб келганда Бухорода турли дин тарафдорлари бўлган: будда, зардуштийлик, насронийлик, моний ва шаманизм каби. Барча дин тарафдорлари бир-бирлари билан аҳил, иноқ яшаганлар<sup>1</sup>.

Хоразмшоҳлар давлатида бундан 1000 йил аввал фаолият кўрсатган Маъмун академиясида йирик сиймолар – Ибн Сино, Беруний, Ибн Ироқлар қаторида иккита машҳур христиан олимлари – Абу Саҳл Масиҳий, Абул Хайр Ҳаммор ижод қилишган. Масиҳий – бу христиан дегани. У Берунийнинг Ибн Ироқдан кейинги иккинчи устози бўлади. Улар бир академиянинг аъзоси сифатида кўп йиллар бирга ишлашган. Ёки Султония черкови (Озарбайжон) руҳонийсининг Амир Темур элчиси сифатида Европага юборилганлиги диний бағрикенглик ўзбек халқи менталитетида чукур илдизга эга бўлганлигидан далолат беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Марказий Осиёning туб халқлари, хусусан, ўзбек халқи менталитети негизида асосан, ислом дини ётгани инкор этиб бўлмас ҳақиқатдир. Лекин ўрта асрларда умуман Марказий Осиё, хусусан, ўлкамиз мусулмонлари учун диний фирмачилик ёт ҳодиса бўлган. Бунинг сабабини минтақамида ўзига хос Мовароуннаҳр мусулмон қонунчилиги – фиқҳ мактабининг (жумладан, ҳанифийлик мазҳабининг) юксак ривожлангани, унинг бошқа мактаблар таъсирида эмас, аксинча, у мусулмон қонуншунослигининг бошқа мактабларига ўз таъсирини кўрсатиб тургани билан боғлиқ эди дейиш мумкин. Шунинг учун ҳам мусулмон дунёси Марказий Осиёга нисбатан таъсири ўтказиши минтақаси эмас, аксинча, диний масалаларда ҳам ундан ўрганишга муносиб сарчашма сифатида қараган.

Бироқ Россия истилосидан сўнг, хусусан, шўро даврида ислом динига нисбатан ўтказилган тазиик натижасида энг салоҳиятли илоҳиётчи олимлар қириб ташланди. Маҳаллий ҳаёт даражасида сақланган маҳаллий исломга, асосан, диний билимлари саёз, узлуксиз таъқиб таъсирида ўта радикаллашган шахслар «раҳнамолик» қила бошладилар.

<sup>1</sup> Ўзбекистон овози. 2006 йил 2 декабрь. №143.

Исломнинг Марказий Осиё ижтимоий ҳаётидаги мақомининг заифлашиб бориши билан унга ташқи мусулмон дунёсининг муносабати ҳам ўзгариб борди. Узоқ йиллар давомида ташқи олам, хусусан, мусулмон дунёси учун «ёпиқ» бўлиб қолган Марказий Осиёга диний таассубга ва зўравонликка (экстремизмга) мойил ажнабий диний ташкилотларнинг қизиқиши ортиб борди. Ўзбекистон раҳбарияти томонидан мустақилликнинг илк босқичида мазкур соҳага оид қатор чоратадбирларнинг амалга оширилиши диний экстремизм ва фундаментализм ёйилиши динамикасини пасайтиришни таъминлади. Айни пайтда ҳаётий тажриба шуни кўрсатмоқдаки, унга бутунлай барҳам беришга қаратилган саъй-ҳаракатлар натижаси, кўрилаётган маъмурий жазо чоралари билан бир қаторда, дин ҳақида чуқур билимларга эга бўлган салоҳиятли мутахассисларнинг мафкуравий ҳаётдаги фаоллиги билан чамбарчас боғлиқ. Мазкур омил бизнинг анчагина заиф нуқтларимиздан эканлиги дунёвий тараққиёт йўлини танлаган Ўзбекистон олдида қатор қийинчиликларни келтириб чиқарди. Ушбу муаммони ҳал этишга – диний билимларни чуқур эгаллаган мутахассисларни тайёрлаш ишига самарали ҳисса кўшаётган Ўзбекистондаги мавжуд мадрасалар тизимиға Имом ал-Бухорий номидаги Мир Араб мадрасаси ва шу номдаги Тошкент Ислом маҳади бошчилик қилмоқда. Улар Қоҳира шаҳридаги Ал-Азҳар дорилфунуни ва Иордания қироллигининг Ислом дорилфунуни каби йирик исломий илм марказлари билан алоқа боғлаганлар.

Ўзбекистон – дунёвий давлат. Демак, дунёвий давлатларда амал қиласиган давлат ва дин муносабатлари принциплари Ўзбекистонда ҳам амал қиласиди. Бу принциплар моҳиятини янада теранроқ тушуниш учун БМТнинг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси», мамлакатимиз Конституцияси ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1998 йилнинг 1 майида янги таҳрирда қабул қилинган 23 моддан иборат «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонун билан батафсил танишиб чиқмоқ лозим.

Виждон эркинлиги демократиянинг таркибий қисмидир. Шунинг учун ҳам БМТнинг 1948 йилда қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси»нинг 18-моддасида «Ҳар бир инсон... виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга-

дир», деб ёзилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида «Ҳамма учун виждан эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл кўйилмайди»<sup>1</sup>, деб белгиланган.

Дунёдаги динларнинг барчаси эзгулик гояларига асосланади, яхшилик, тинчлик, дўстлик каби фазилатларга таянади. Одамларни ҳалоллик ва поклик, меҳр-шафқат ва бағрикенгликка даъват этади. Ҳозирги замонда бу гоя эзгулик йўлида нафақат диндорлар, балки бутун жамият аъзоларининг ҳамкорлигини назарда тутади, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Динлараро бағрикенглик гояси — хилма-хил диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир замин, бир Ватанда, олижаноб фоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб ящашини англаради. Қадим-қадимдан дин аксарият маънавий қадриятларни ўзида мужассам этиб келади. Миллий қадриятларнинг асрлар оша безавол яшаб келаётгани ҳам диннинг ана шу табиати билан боғлиқ. Ҳозирда Ўзбекистонда 18 та диний конфессияга мансуб 2200 дан ортиқ диний ташкилотлар мавжуд (Тошкент шаҳрида 114 та жоме масжиди, мамлакат бўйича эса 2 мингга яқин масжид фаолият кўрсатмоқда)<sup>2</sup>.

Уларнинг ўз фаолиятини амалга ошириши ва мамлакат ҳаётида иштирок этиши учун ҳамма шарт-шароитлар яратилган. Бу борадаги ҳуқуқий асослар Ўзбекистон Конституциясида, «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунда ўз ифодасини топган.

Дунёвий, демократик давлатнинг динга нисбатан сиёсати принципларига кўра диндорлар ва диний ташкилотлар қуидаги талабларга риоя қилишлари лозим:

— Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя қилиш;

— диндан давлатга ва конституциявий тузумга қарши тарифибот олиб бориш, миллатлараро адоват уйғотиш ва фуқаро-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2008. – 31-м.

<sup>2</sup> Ўзбекистон овози. – 2006 йил 2 декабрь. – №143.

лааро тотувликни бузиш воситаси сифатида фойдаланмаслик;

- диний ташкилотларнинг давлат рўйхатидан ўтиши;
- диний ўқув юртларида диний фанлардан дарс берувчи шахсларнинг диний таълим олган бўлишлари ва диний ташкилот раҳбарияти рухсати билангина ўқитиш ишларини олиб боришлари;
- диндорлардан мажбурий пул йиғими йиғмаслик ва тўловлар ундириналини;
- тақиқланган ғояларни, адабиётларни, кино, фото ва видео маҳсулотларни тарқатмаслик ҳамда ишлаб чиқармаслик.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 57-моддасига кўра диний моҳиятдаги сиёсий партия ва жамоат ҳаракатларини тузиш тақиқланади.

Шунингдек:

- диндорлар ва диний ташкилотларнинг давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига тазиик ўтказиши;
- яширин диний фаолият билан шуғулланиши;
- давлат рўйхатидан ўтмаган диний ташкилотларнинг фаолият кўрсатиши;
- диний ташкилотлар хизматчиларининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодининг рўйхатга олиниши;
- диний ташкилотлар хизматчиларининг ҳокимият вакиллик органлари депутатлигига номзод этиб рўйхатга олиниши тақиқланади<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддасига кўра «Фуқаро ўзининг динга эътиқод қилишга ёки эътиқод қилмасликка, ибодат қилишда диний расм-русумлар ва маросимларда қатнашиш ёки қатнашмасликка нисбатан ўз муносабатини белгилаётган пайтда уни у ёки бу тарзда мажбур этишга йўл қўйилмайди».

Бу Қонун талабига мувофиқ расмий ҳужжатларда (маса-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуни (янги таҳрирда) // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998. №5–6.

лан, фуқаро паспортида) фуқаронинг динга муносабати кўрса-тилишига йўл қўйилмайди. Фуқароларнинг динга бўлган му-носабатига қараб ҳуқуқлари чекланмайди ёки уларга ҳеч қан-дай имтиёзлар берилмайди.

Ушбу Қонуннинг 7-моддасига кўра Ўзбекистонда таълим тизими диндан ажратилгандир. Таълим тизимининг ўкув дас-турларига диний фанлар киритилишига йўл қўйилмайди. Вояга етмаган болаларни уларнинг ота-оналари розилигисиз диний ташкилотга жалб этиш, диний таълим беришга йўл қўйилмайди. Умумий мажбурий ўрта таълим олгандан ке-йингина олий ва ўрта диний ўкув юртига таълим олиш учун кириш мумкин. Хусусий тартибда диний таълим бериш ман этилади<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг (диний таш-килотлар хизматчилари бундан мустасно) жамоат жойларида ибодат либосларида юришларига йўл қўйилмайди<sup>2</sup>.

Давлатимиз ва миллий истиқбол мафкурамизнинг динни маданий-маънавий омиллар силсиласига кирувчи барча мил-лий қадриятлар қаторида тенг ҳуқуқли қадрият сифатида тан олганлигининг ёрқин мисоли тариқасида қуйидаги маълу-мотларни келтирамиз:

– XX асрнинг 80-йилларида собиқ СССР бўйича ҳар йили 25-30 киши ҳаж зиёратига борган бўлса, 1991 йилда Ўзбеки-стондан 1500 фуқаро, 2000 йилда эса 4 мингга яқин фуқаро ҳаж зиёратига бориб келди.

– 1990 йилда Ҳаким ат-Термизийнинг 1200 йиллиги кенг нишонланди.

– 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ис-лом Каримовнинг Саудия Арабистонига расмий визит билан ташриф буюриши мамлакатимиз ва мусулмон дунёси ўрта-сидаги алоқаларни ривожлантиришда катта амалий аҳамият-га эга бўлди.

– 1993 йилда Баҳоуддин Нақшбанднинг 675 йиллиги нишонланди.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Виждан эркинлиги ва диний ташкилот-лар тўғрисида»ги қонуни (янги таҳрирда) 7-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1998. №5-6.

<sup>2</sup> Ўша қонун. 14-модда.

- 1993 йилда Имом Исмоил Бухорийнинг 1220 йиллиги нишонланди ва бу улуғ муҳаддиснинг тўрт жилдлик «Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» (Ишонарли тўплам) ҳамда «Ал-адаб ал-муфрад» (Одоб дурдоналари) асарлари ўзбек тилида чоп этилди.
- 1996 йилда рус православ черкови Тошкент ва Ўрта Осиё Епархиясининг 125 йиллиги нишонланди.
- 1998 йилда Имом Исмоил Бухорийнинг 1225 йиллиги нишонланиб, унинг Челак тумани Хартанг қишлоғидаги қабри устида маҳобатли мақбара қурилди.
- 1999 йилда Тошкент Ислом университети очилди.
- 2000 йилда Имом Абу Мансур Мотуридийнинг 1130 йиллиги, Бурҳониддин Марғинонийнинг эса 910 йиллиги нишонланди.
- 2003 йилда улуғ мутасаввуф Абдухолиқ Фиждувонийнинг 900 йиллиги нишонланди.
- 2007 йилда Халқаро Ислом Конференцияси Ташкилоти — АЙСЕСКО томонидан Тошкент шаҳри «Ислом маданияти маркази» деб эълон қилинди.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда адолатли демократик жамият қуришда сиёsat, дин ва мағкуранинг жамиятда тутган ўрни, уларнинг ўзаро муносабати масалаларини чуқур идрок эта олиш ички ишлар идораларининг ҳар бир ходими учун муҳим аҳамиятга эга. Барча замонларда миллий ғоя ва мағкура диний қарашлар билан уйғун ривожланганлигига инсоният тарихи ҳам гувоҳдир. Дин ўз моҳиятига кўра поклик, меҳр-оқибат каби эзгу туйғулар орқали миллий мағкурамиз ғояларини юртдошларимиз қалби ва онгига сингдиради.

### **Таянч тушунчалар**

*Дин, буддавийлик, христианлик, ислом, шариат, сиёсатнинг динийлашуви, диннинг сиёсийлашуви, виждан эркинлиги, фундаментализм, диний фундаментализм, ақидапарастлик, теократик давлат, халифалик, диний экстремизм, диний терроризм, дунёвий давлат, диний давлат, плюрализм, мағкура, сиёсий мағкура, сиёсат ва мағкура ўртасидаги мувозанат, либерализм, консерватизм, социал-демократия, миллий мағкура, экосиёсий ва диний мағкурамар, динлараро бағрикенглик (толерантлик).*

## **Назорат учун савол ва топшириқлар**

1. Жаҳон динларининг ҳозирги жамиятлар ижтимоий-сиёсий ҳаётида эгаллаган мақомини далиллар асосида тақосланг.
2. Сиёсатнинг динийлашув ва диннинг сиёсийлашуви моҳиятини изоҳланг.
3. Демократик давлатларда диннинг сиёсатга таъсири батамом йўқолиши мумкинми?
4. Дунёвий давлатда диннинг давлатдан ажратилганлиги унинг жамиятдан ажратилганлигини англатадими?
5. Диний фундаментализмнинг сиёсий таълимоти қандай мақсадга қаратилган?
6. Мусулмон мамлакатларида диний ақидапарастликнинг кучайишига қандай омиллар сабаб бўлмоқда?
7. Диний фундаментализмнинг хурфикрлилик ва виждан эркинлиги принцилига зид эканлигини мисоллар асосида тушунтириб беринг.
8. Дунёвий давлатда сиёсат ва дин муносабатининг ҳуқуқий меъёрлари мазмунини тушунтириng.
9. «Мафкура», «сиёсий мафкура» атамалари моҳиятини изоҳланг.
10. Мафкуранинг мутлақлаштирилиши қандай салбий оқибатларга олиб келиши мумкин?
11. «Сиёсат ва мафкурада ўзаро муносабатлар маърифийлиги» деганда нимани тушунасиз?
12. Сиёсий мафкуранинг жамият тараққиёти учун аҳамияти нималарда намоён бўлади?
13. Дунёда турли мафкураларнинг мавжудлигини қандай омиллар тақозо этган?
14. Ҳозирги замоннинг энг асосий мафкуравий оқимлари ва уларнинг асосий принципларини тушунтириб беринг.
15. Ўзбекистон мустақиллиги шароитида миллий мафкурага эҳтиёжнинг кучайишини қандай омиллар орқали изоҳлаш мумкин?
16. «Мафкуравий бўшлиқ»нинг хавфи нималарда намоён бўлиши мумкин?
17. Диний-сиёсий мафкуралар билан экстремизм ва терроризм ўргасида қандай алоқадорлик бўлиши мумкин?
18. Ўзбекистон миллий мафкурасининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
19. Ўзбекистон миллий мафкурасида дин ва сиёсат қандай нисбатга эга?
20. «Диний бағрикенглик» атамаси мазмунини тушунтириng.

21. Демократик давлатларда динга нисбатан муносабатда қандай тамойилларга амал қилинади?
22. Демократик давлатда диндорлар ва диний ташкилотлар қандай талабларга риоя қилишлари лозим?

## АДАБИЁТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., 2008. V–XI боблар.

Ўзбекистон Республикасининг «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуни (янги таҳрирда). 1998 йил 1 май // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1998. №5–6.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги «Миллий foя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарори // Ўзбекистон овози. – 2006. –26 авг. –№99–100.

*Каримов И. А.* Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пиравард мақсадимиз. Т. 8. – Т., 2000. – Б. 462–474.

*Каримов И. А.* ЮНЕСКО ижроия кенгаси 155-сессиясининг якунловчи мажлисида сўзланган нутқ. 1998 йил 6 ноябрь // Кари-мов И. А. Биз келажагимизни ўз кўлимииз билан қурамиз. Т. 7. – Т., 1999. – Б. 193–206.

*Каримов И. А.* Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т., 2005. – Б. 3–33.

*Каримов И. А.* Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. – Т., 2005. – Б. 133–155.

*Каримов И. А.* Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. Т., 2007. – 320 б.

*Каримов И. А.* Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., 2008. – 176 б.

Диний экстремизм ва фундаментализм: тарихи, моҳияти ва бугунги хавфи /Тузувчилар: Ф. Хотамов, М. Лафасов, А. Умаров. – Т., 1999. – Б. 4–34.

*Ирхин Ю. В., Зотов В. Д., Зотова Л. В.* Политология: Учебник. – М., 2000. – С. 348–369.

Ислом Каримов терроризм хавфи тўғрисида / Тузувчи-муаллифлар Ш. Р. Қобилов, Б. У. Таджиханов. Т., 2001. – Б. 152–187.

Ислом ва дунёвий-маърифий давлат / З. И. Мунавваров ва В. Шнайдер-Детерснинг умумий таҳрири остида. – Т., 2003. – Б. 80–87.

*Левитин Л.* Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. Президент Ислом Каримов тарафдорининг танқидий мулоҳазалари. – Т., 2001. – Б. 22–45.

*Қирғизбоев М.* Фуқаролик жамияти: Сиёсий партиялар, мафкуралар, маданиятлар. – Т., 1998. – Б. 33–45.

*Мамашокиров С.* Эркин ва фаровон ҳаёт қуришнинг гоявий-мафкуравий масалалари. Т., 2007. – 80 б.

*Отамуротов С.* Глобаллашув ва миллат (фалсафий-сиёсий таҳлил). Т., 2008. – 202 б.

*Политология: Ўқув қўлланма / С. Отамуродов, И. Эргашев, Ш. Акрамов, А. Қодиров* – Т., 1999.

*Пугачев В. П., Соловьев А. И.* Сиёсатшуносликка кириш: Ўқув қўлланма. – Т., 2004. – Б. 297–317.

*Рамазонов И., Мўминов Э.* Политология: Дарслик. – Т., 1997. – Б. 199–217.

---

---

## **ХАЛҚАРО СИЁСАТ ВА ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР**

### **1. Халқаро сиёсат: асосий принциплари ва йўналишлари**

Бугун дунёда халқаро сиёсат ва халқаро муносабатларда мураккаб ва зиддиятли жараёнлар кечмоқда. Шу муносабат билан халқаро сиёсатнинг асосий принциплари, йўналишлари, халқаро сиёсий-иктисодий ташкилотларнинг дунё ҳамжамиятидаги ўрнини, Ўзбекистон Республикасининг ташқисиёсий концепциясини ва ҳозирги халқаро муносабатлардаги мураккаб муаммолар ечимини топишга қаратилган турли ёндашувларни сиёсатшунослик нуқтаи назаридан таҳлил этиш мүхимdir.

Халқаро сиёсат ва муносабатлар икки ёки ундан ортиқ мамлакатлар, турли хил сиёсий ва нодавлат ташкилотлар билан боғлиқ бўлган алоқаларни ифода этади. Унинг фаолияти халқларнинг талаб ва эҳтиёжлари, давлат манфаатлари халқаро нормалар ва қадриятлари билан боғлиқ бўлади. Халқаро муносабатлар рақобат ёки ўзаро ҳамкорлик асосида қурилиши мумкин. Бугун халқаро муносабатларда умуминсоний қадриятлар бу муносабатларни белгилаб берувчи асосий мезонга айланиб бораётганлиги кўзга ташланмоқда. Чунки сиёсат тарихи ва унинг ўзига хос оқибатлари давлатлараро муносабатларни тартибга солиш, бунда уларнинг манфаатларига мостушувчи тамойилларига асосланиш зарурлигини тақозо этмоқда. Шунингдек, ядрорий ва кимёвий қуролларнинг мавжудлиги, уларни ишлаб чиқаришга қаратилган ҳаракатларнинг давом этаётганлиги ҳамда халқаро муносабатларда айрим давлат раҳбарлари, сиёсий партиялар ва шахсларнинг бир томонлама қарашларининг ҳамон сақланиб қолаётганлиги, халқаро сиёсатда давлатларга нисбатан муносабатда «зўравонлик», «кучга таяниш», тазиик кўрсатишнинг турли усулларидан фойдаланиш, «халқаро терроризм» ва бошқа ҳолатлар халқаро сиёсатда ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришни, ихтилофлар пайдо бўлган тақдирда эса

уларни маърифий йўллар билан ечиш зарурлигини кун тартибига қўймоқда<sup>1</sup>.

Тарихнинг гувоҳлик беришича, давлатлараро муносабатларни «кучга таянган ҳолда» ҳал этиш қонли урушларга олиб келган, сўнгги беш ярим минг йилнинг атиги 300 йилигина тинч ва осойишта ўтган. Қолган вақтларда 15 мингдан кўпроқ ҳар хил урушлар бўлиб ўтган. Ҳозир ҳам дунёнинг турли бурчакларида турли хил ихтилофлар сақланиб қолмоқда. Чеченистон, Афғонистон, Фаластин – Истроил можароси, собиқ Югославияда бўлиб ўтган хунрезликлар ва сўнгги йилларда Ироқда бўлаётган воқеалар фикримиз далилидир. XX аср охири XXI аср бошларида кучайган ҳалқаро терроризм ҳам инсониятнинг яшаб қолишини таъминлаш барча тинчликсевар кучлар олдида турган асосий вазифага айланиб қолганинги тасдиқламоқда.

XX аср охири XXI аср бошларида ҳалқаро сиёсат ва ҳалқаро муносабатларда муҳим ўзгаришлар содир бўлди. Агар 1990 йилларга қадар икки кутб – собиқ СССР ва АҚШ жаҳон сиёсати хусусиятларини белгилаган бўлишса, ҳозирги дунё кўпкутблилик асосида ривожланмоқда.

Япония, Хитой, Ҳиндистон ва бошқа Осиё мамлакатларининг ҳалқаро майдондаги мавқеи тобора кучайиб бормоқда. 1990 йилда Шарқий ва Фарбий Германиянинг бирлашиши Европанинг марказида 80 миллионли аҳолига, курдатли иқтисодий ва илмий-техник салоҳиятга эга бўлган кучли бир давлатни шакллантириди. Советлардан кейинги маконда вужудга келган мустақил давлатлар эса дунё ҳамжамиятининг teng ҳукуқли аъзолари мақомига эришдилар. Натижада, дунё сиёсатини шакллантиришда иштирок этувчи давлатлар доираси анча кенгайди. Бундан ташқари, ҳалқаро сиёсатга фаол таъсир кўрсатаётган кўплаб трансмиллий иқтисодий, сиёсий гуманитар ташкилотлар, ҳалқаро нодавлат муассасаларнинг сони ортиб бормоқда. Маърифий ҳалқаро сиёсатни таъминлаш, давлатлараро ҳамкорликдан ҳалқаро ҳамкорликка ўтиш масалаларига эътибор кучаймоқда.

<sup>1</sup> Просурин О.А. Баланс интересов государства – основы прогресса цивилизации. Социально-политические науки. 1991. №4. – С. 65. Қаранг: Политология: Ўқув қўлланма / С.Отамуродов, И.Эргашев, Ш.Акрамов, А.Қодиров – Т., 1999. – Б. 179.

**Халқаро сиёсат субъектлари.** Халқаро сиёсат (муносабатлар)нинг асосий субъектлари, аввало, давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар ҳисобланади. Давлатлар халқаро ҳаётга таъсир кўрсатишнинг асосий воситаларини ўзида жамлаган мунассасавий субъектлар бўлиб, айнан улар орқали халқлар ва миллатлар жаҳон сиёсат майдонида ўз мақсад ва манфаатларини уюшган тарзда ифода этадилар. Юксак даражада тараққий этган ҳозирги замон жамиятлари ҳам давлатсиз ҳаёт кечира олмайди. Чунки давлатсиз ички ва халқаро ҳаётни ташкилаштириш имконсизdir.

Халқаро сиёсатнинг асосий субъектларига давлатлар томонидан тузилган халқаро-сиёсий ёки ҳарбий-сиёсий ташкилотлар ҳам киради. Улар қаторига Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ), Жанубий-Шарқий Осиё давлатлари асоциацияси (АСЕАН), Европа Иттилоқи, Араб мамлакатлари лигаси (АМЛ), Америка давлатлари ташкилоти (АДТ), Африка бирлиги ташкилоти (АБТ), Шимолий Атлантика шартномаси ташкилоти (НАТО), Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ), Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ), Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти (ЕврАЗЭС), Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШҲТ) ва бошқа субъектларни киритиш мумкин.

Халқаро сиёсатнинг муҳим субъектлари сирасига эса обрўли халқаро ижтимоий ва касбий ташкилотлар ҳам киради. Масалан, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Жаҳон касаба уюшмалари федерацияси, Халқаро меҳнат ташкилоти, Халқаро валюта фонди ва ҳоказо.

Ўз мустақил давлатчилигини барпо этиш мақсадида кураш олиб бораётган халқ ёки миллатни ҳам халқаро сиёсат субъекти деб ҳисоблаш мумкин. Шунингдек, ҳозирги тезкор замонда халқаро муносабатлар қатнашчиларининг сони кўпайиб, хусусан, конкрет шахснинг сиёсат субъекти сифатида нуфузи ортиб бораётганлиги кузатилмоқда. Индивиднинг халқаро ҳуқуқ субъекти сифатидаги роли таниқли миллий етакчилар ёки жамоат арбобларининг жаҳон сиёсатига муайян даражада таъсир кўрсата олишларида намоён бўлмоқда.

Бугунги халқаро муносабатларни маърифийлаштиришда ҳар бир давлатнинг ўз миллий манфаатларидан келиб чиқ-

қан ҳолда халқаро ҳуқуқ нормаларини ҳурмат қилишга қара-  
тилган тинчликсевар ташқи сиёсати мұхим ўрин тутади.

Агар ташқи сиёсат – давлатнинг мамлакат ташқарисида, давлатлараро муносабатларда ўз миллий ва умумбашарий мақ-  
садларини, хавфсизликни таъминлашга йўналтирилган  
фаолиятидан иборат бўлса, **халқаро сиёсат** – халқаро  
муносабатларда иштирок этаётган давлатлар, субъектлар, сиё-  
сий партиялар ва ҳаракатлар, сиёсий ва носиёсий ташкилот-  
лар, ижтимоий групкалар ва шахсларнинг халқаро мөъёлар,  
қадриятлар асосида ўзаро муносабатларини сақлаб туришга  
қаратилган фаолиятлариdir.

Демак, «ташқи сиёсат» бу бир давлатнинг ўз миллий ҳуду-  
дидан ташқарида иккинчи давлат билан бўлган муносабати-  
да ўз ифодасини топса, халқаро сиёсат алоҳида шахслар ёки  
давлатлар ўртасидаги ижтимоий муносабатларнигина эмас,  
балки муайян груп ҳамда муносабатларини амалга оши-  
риш бўйича алоқаларни, фаолият соҳаларини ҳам ўз ичига  
олади.<sup>1</sup> Масалан, Европа Иттифоқи (ЕИ) ва унга аъзо бўлган  
давлатлар бугунги кунда экологик сиёсий манбаатлар ва маъ-  
навий қадриятлар тизими билан боғлиқ бўлган муаммоларни  
ҳал этиш, халқаро ҳуқуқ нормаларига риоя этишни қўллаб-  
куватлашда мұхим роль ўйнамоқда.

**Жаҳон майдонида халқаро хавфсизлик билан боғлиқ янги**  
**тенденция ва янги таҳдидларнинг пайдо бўлиши.** Кузатишлар-  
га кўра халқаро муносабатлар муаммосининг кўйилиши, ама-  
лиёти, амалга оширилиши ҳамда маърифий халқаро сиёсат-  
дан кутилаётган самаралар билан айрим давлатларнинг хат-  
ти-ҳаракати, хулқ-атвори ўртасида улкан жарлик вужудга ке-  
лаётгани кўзга ташланмоқда.

Масалан, Марказий Осиёning айрим мамлакатларидағи  
мавжуд аҳволнинг тез ўзгариб туриши ҳамда вазиятни издан  
чиқарадиган таҳдидларнинг сақланиб қолаётгани, бундай  
хавф-хатарлар ортида турган кучларнинг имконият ва ресурс-  
лари айни минтақада яшаётган халқлар тақдирини ўйлаб қай-  
ғурадиган барча давлатлар ва одамларда ташвиш ва хавотир  
уйғотмоқда.

<sup>1</sup> Политология: Ўқув қўйланма / С.Отамуродов, И.Эргашев, Ш.Акромов,  
А.Қодиров – Т., 1999. – Б. 180–181.

Президент И. А. Каримовнинг 2005 йилнинг 5 июлида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти саммитида сўзлаган нутқида таъкидланганидек, кейинги пайтларда рўй берган воқеаларда (2005 йил май ойида Андижон шаҳрида рўй берган террорчилик ҳаракатлари назарда тутилмоқда.) пировард мақсади минтақадаги кучларнинг сиёсий ва иқтисодий мувозанатини ўз фойдасига ўзгартириш ва минтақада ўз хукмронлигини ўрнатишга қаратилган, узоқни кўзлайдиган катта стратегик пинҳона режанинг фақат айрим қирраларигина намоён бўлди.

Иккинчидан, хавфсизлик ва барқарорликка нисбатан янги таҳдидларнинг кўламигина эмас, балки қўйилган геополитик мақсадларга эришишнинг маъно-мазмуни, восита ва услублари ҳам ҳар бир мамлакатнинг ўзига хослиги ва ундаги мавжуд вазиятни ҳисобга олган ҳолда тубдан ўзгариб бормоқда. Бу кучларнинг турли экстремистик ва айрмачи тузилмалар билан қўшилиб бораётгани, шунингдек, ашаддий диний ташкилотлардан, гарчи ўзлари бошқа вазиятда уларни террористик ташкилотлар рўйхатига киритган бўлса-да, ўз мақсадлари йўлида фойдаланишдан ҳам тоймаётгани билан боғлиқ бўлган фактлар ҳам жиддий хавотир уйғотмасдан қолмайди.

Бу уринишлардан кўзда тутилган пировард мақсад минтақада «бошқариладиган бекарорлик» вазиятини келтириб чиқариш, ижтимоий-сиёсий барқарорликни бузиш ва ўзлари хоҳлаган тараққиёт моделини зўрлаб тиқиширишдан иборат.

Ўзбекистон раҳбарининг қайд этишича, Марказий Осиё минтақасига нисбатан сақланиб қолаётган таҳдидлардан бири наркографик ҳодисаси билан боғлиқdir. Наркотик моддалар ишлаб чиқариш ва ташиш региондаги вазиятни издан чиқарувчи тажовузкор кучга, халқаро терроризмнинг моддий таянчига айланиб бормоқда<sup>1</sup>.

Айрим давлатлар ва гуруҳдош давлатлар тизимида ўз сиёсий амалиётида кучга таянишни ҳокимиятга эришиш, манфаатларни рўёбга чиқаришнинг бирдан-бир энг устувор ва қулай воситаси деб қараш хукмронлик қилиб келмоқда. Халқаро ҳаётда бугун кўзга ташлананаётган адолатсизлик, менси-

<sup>1</sup> Каримов И. А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. – Т., 2005. – Б. 441–442.

маслик, империявий тафаккур, сиёсий мутаассиблик, яъни ўз ҳаёт тарзини сўнгги ва энг мақбул намуна деб эълон қилиш ва аксинча, кўпгина давлатлар томонидан юритилаётган би-қиқлиқ, ҳадиксираш, саросимага тушиш, шубҳа билан қарааш, ишончсизликка асосланган амалиётни бир-бирига ўхшамайдиган ўзаро қарама-қарши реакциянинг натижаси дейиш мумкин.

Юқорида қайд этилган объектив ва субъектив тенденциялар боис ҳалқаро тартибот бир-бирига қарама-қарши икки жараён остида шаклланади. Улардан бири парчаловчи, иккинчиси яратувчилик ролини бажаради.

#### **Парчаловчи омиллар:**

— айрим сиёсий гурӯҳлар, кучлар ва давлатлар томонидан ҳалқаро тартибот тақдирига, унинг бағрида содир бўлаётган турли-туман салбий силжиш жараёнларига нисбатан бефарқлиқ, менсимасликнинг ҳамда ўз хавфсизлигини ҳалқаро хавфсизлик манфаатларига қарши қўйиш кайфиятининг кучайиб бориши;

— ҳалқаро терроризм, диний экстремизм, миллатчилик, сепаратизм ва уюшган жиноятчилик сингари хавфли жараёнларнинг кучайиши, уларни бартараф этиш чора-тадбирларининг талаб даражасида эмаслиги;

— ҳалқаро сиёсий институтларнинг воқеа-ҳодисаларга зудлик билан эътибор қаратиш нуқтаи назари давр талабидан орқада қолиб кетаётганилиги;

— ҳалқаро тартиботда ноқонуний, нопок йўл билан ҳукмронликни якка-ёлғиз қўлга киритишга интилиш;

— узоқ йиллар мобайнида дунёда тинчликни сақлаш ишига самарали ҳисса қўшиб келаётган ҳалқаро ташкилотларни айрим қудратли давлатлар томонидан ўз измига бўйсундиришга бўлган мойилликнинг зўрайиши;

— турли-туман ҳалқаро, минтақавий муаммоларни рўйач қилган ҳолда, ўз ҳарбий салоҳиятини бутун дунё олдида на-мойиш қилишга бўлган интилиш кўламининг кенгайиб бориши.

Юқорида қайд этилган салбий жараёнларга қарама-қарши равишда муқобил, яъни умрбахш жараёнлар ҳам чуқурлашиб бормоқда. Жумладан, қуйидаги яратувчи омиллар кўзга ташланмоқда:

— нуфузли сиёсий ва илмий-амалий доираларда ҳамда халқаро жамоатчиликда дунё барқарорлиги ва хавфсизлигига зид бўлган жараёнларнинг таҳдидли тус олаётганлигидан ташвишланиш, яъни улар тўғрисида ҳақ сўзни айтишга бўлган азму-қарорларининг мустаҳкамланиши;

— халқаро терроризм ва диний экстремизм билан курашнинг долзарб сиёсий ва амалий вазифа эканлигининг дунёдаги деярли барча давлатлар томонидан англаб етилаётганилиги;

— минтақавий хавфсизликдан халқаро хавфсизлик сари ўтиш зарурлигини англаб етиш ва ҳ.к. кучайиб бормоқда.

ХХ асрнинг иккинчи ярмида халқаро сиёсатда бўлган ўзгаришларнинг марказида икки ижтимоий-сиёсий тизимнинг пайдо бўлиши қанчалик ўз ўрнига эга бўлган бўлса, бугунги кунда ана шу тизимлардан бирининг (яъни, социалистик тизимнинг) таназзулга учраши, собиқ СССРнинг тарқалиб кетиши, Шарқий Европа мамлакатларида бўлган ўзгаришлар халқаро сиёсатнинг боришига, унинг мақсади ҳамда давлатлараро муносабатларнинг қурилишига катта таъсир кўрсатди. Бу ХХ аср охирги чорагида содир бўлган халқаро сиёсатнинг муҳим воқеасидир.

Бу ҳол халқаро сиёсат ва халқаро муносабатларда ўзига хос қонуниятларни келтириб чиқармоқда:

1) жаҳон тараққиётига «икки қутбли» қараш ўрнида кўп қутбли ёндашув пайдо бўлди;

2) халқаро сиёсатда давлатларнинг бир томонлама «кучга таяниб» сиёсат олиб бориши, «зўравон»ликка асосланиш янгича тарзда «ўзаро тенг манфаатдорлик» асосида муносабатда бўлиш жараёнлари кузатилмоқда.

Халқаро сиёсатни умуминсоний тамойилларга бўйсундирish, у ёки бу давлатнинг етакчилигидан воз кечиш, давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, умуминсоний муаммоларни биргаликда ҳал этиш халқаро сиёсатда кучлар нисбатини барқарорлаштиришга, ўзаро ишончининг қарор тошиига олиб келади. Халқаро сиёсатда амал қиласидаган умумий қонуниятлар ҳар бир давлатнинг ўзига хос хусусиятлари, унинг ижтимоий-иқтисодий, маданий ривожланганлик даражаси билан узвий боғлиқ бўлади. Бу халқаро сиёсатда ўз аксини топади, чунки мустақил ҳар бир давлат халқаро му-

носабатлар билан қанчалик бўлмасин, ўз миллий, минтақавий, ҳудудий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда сиёсат олиб боради. Зотан, миллий хусусиятларни инкор этмаслик халқаро сиёсатнинг ўзига хос хусусиятларидан биридир.

**Умуман, халқаро сиёсатнинг асосий принциплари га қўйидагилар киради:**

- куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қилмаслик;
- давлатларнинг ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қилиш;
- давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик;
- ўзаро фойдали ҳамкорлик;
- чегараларнинг дахлсизлиги;
- тортишувни тинч йўл билан бартараф этиш;
- инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш;
- тенг ҳуқуқлилик ва халқларнинг ўзи танлаш ҳуқуқини ҳурмат қилиш;
- халқларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш;
- ялпи ҳавфсизлик ва ўзаро ишонч;
- халқаро ҳуқуқ нормаларига риоя қилиш.

Халқаро сиёсатнинг долзарб йўналишлари эса иқтисодий, сиёсий, ғоявий, ҳарбий, илмий-техник ва бошқа соҳаларни қамраб олади. Бугун давлатлар ўртасидаги муносабатнинг янги, демократик тури яратилмоқда. Жаҳон жамоатчилигининг фикри айрим сиёсатдонлар фикридан устунлигини кўрсатмоқда. Халқаро сиёсат ва халқаро муносабатларни демократлашириш жараёни унинг муҳим хусусиятидир. Халқаро сиёсатда умуминсоний қадриятлар аста-секин устуворлашиб, сиёсий жараёнлар инсонийлашмоқда. Чунки зўравонлик асосида кучга таяниб, инсониятни баҳтли қилиш мумкин эмас.

**Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси.** Дунё ҳамжамияти миқёсида инсон ҳуқуқларини таъминлаш, халқаро муносабатларни инсонпарварлик ва ахлоқий асосларда ўрнатиш тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлашнинг энг муҳим кафолати бўлади. Алоҳида мамлакат доирасида ҳам, халқаро майдонда ҳам уларга риоя қилиниши соғлом иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг, сиёсатда одилона фикр тантанасининг, шунингдек, агрессив ички ва ташқи сиёсатнинг олдини олишнинг зарур шартидир. Шу маънода бундан бир неча асрлар аввал – 1789 йилдаёқ инсон ва фуқаро ҳуқуқла-

ри Франция декларациясининг преамбуласида инсон ҳуқуқларини билмаслик, унтиш ва ҳурмат қилмаслик ҳукуматнинг коррумпиялашгани ва ижтимоий баҳтсизликларнинг ягона сабаби дейилган эди. Шахс ҳуқуқларини ҳурмат қилиш эса мамлакатлар ўргасидаги ўзаро ишончни мустаҳкамлайди. Одамларнинг ўзаро турли хил мулоқотлари ва ҳамкорлиги учун қулай шароит яратади, ҳалқаро муносабатларга ахлоқийликни олиб киради. Шу боис инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш туфайли вужудга келадиган умумий гуманистик қадриятлар ва ҳуқуқий заминни яратмай туриб, маърифий ҳалқаро сиёsatни таъминлаш мумкин эмас.

«Инсон ҳуқуқлари» тор маънода берилмайдиган, фақатгина давлат томонидан кафолатланадиган ҳуқуқлар бўлиб, улар конституцияда мустаҳкамланган ёки мустаҳкамланмаганидан ва давлат чегараларидан қатъи назар амал қиласеради. Улар жумласига барча одамларнинг қонун олдидаги тенглиги, яшаш ва тан дахлсизлиги ҳуқуқи, инсон шаънини ҳурмат қилиш, ноқонуний ҳибсга олиш ва тутиб туришдан сақланиш эркинлиги, виждан ва эътиқод эркинлиги, ота-оналарнинг болаларни тарбиялаш ҳуқуқи, эзувчиларга қаршилик кўrsатиш ҳуқуқи ва бошқалар киради. Кенг маънода инсон ҳуқуқлари ўз ичига шахснинг жуда кенг миқёсдаги эркинлик ва ҳуқуқлари мажмуини, уларнинг турли қўринишларини қамраб олади.

1948 йилда инсон ҳуқуқларининг энг муҳимлари: меҳнат қилиш, дам олиш, ижтимоий таъминот, таълим, инсон шаънига муносиб турмуш тарзи ва бошқаларга бўлган ҳуқуқлар БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган «Инсон ҳуқуқларининг умумжаҳон декларацияси»га киритилди. Бу ҳалқаро хужжатнинг аҳамияти эса унда белгиланган ижтимоий ҳуқуқларнинг бир қатор давлатлар конституциялари ва қонунларида мустаҳкамлаб қўйилишида ўз ифодасини топди. Ҳалқаро сиёsatнинг асосий принципларини ҳаётга татбиқ этишда 1966 йилда қабул қилинган «Инсонларнинг фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги ҳалқаро пакт» ҳам катта аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистонда давлат томонидан инсон ҳуқуқлари кафолатланганлигининг асосий манбай Конституциядир. Асосий қомусимизнинг II бўлимида бу масалага устувор аҳамият берилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 31 октябрдаги Фармонига мувофиқ инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилишнинг таъсирли воситасини барпо этиш, халқаро ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкilotлари билан ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда БМТнинг инсон ҳуқуқлари ва бошқарув тизимини демократлаштириши қўллаб-қувватлаш дастурига мувофиқ «Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази» тузилди. Бу марказнинг асосий вазифаларидан бири инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро ва миллий ташкilotлар билан ҳамкорлигини ривожлантиришdir<sup>1</sup>.

2008 йилдан «Одам савдосига қарши кураиш тўғрисида»ги, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг қучга кирганлиги, 2008 йилнинг 1 майида эса Президент И. А. Каримовнинг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишлиланган тадбирлар Дастури тўғрисида»ги Фармони доирасида кенг кўламли тадбирларнинг амалга оширилаётганлиги мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини пухта ҳамда ишончли ҳимоя қилувчи самарали ҳуқуқий механизм яратилганлигидан далолат беради.

## **2. Халқаро сиёсий-иктисодий ташкilotлар ва уларнинг дунё ҳамжамиятидаги ўрни. Бирлашган Миллатлар Ташкилотини модернизациялаш ва ислоҳ қилишнинг зарурлиги**

Халқаро ташкilotлар – муайян мақсадларни амалга ошириш учун халқаро шартнома асосида тузилган, тегишли органларга ҳамда аъзо давлатларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга бўлган, халқаро ҳуқуққа биноан таъсис этилган давлатлараро ўюшмалардир. Халқаро ташкilotларнинг давлатлараро муносабатларда ўзига хос ўрни мавжуд. Улар сиёсий, иқтисодий ҳаётимизни қайта қуришда, миллий хавфсизлигимиз, бутун жаҳонда ва минтақада тинчлик ва барқарорликни таъ-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказини тузиш тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – Т., 1996 йил октябрь. №10. – Б. 11–13.

минлашда муҳим ўрин тутади. Бу давлатлар ички ва ташқи сиёсатида бўлаётган ўзгаришлар, давлатлараро муносабатлар мавжуд сиёсий институтлар фаолияти билан узвий боғлиқ-лигини кўрсатади.

Дастлабки халқаро ташкилотлардан бири I жаҳон уруши (1914–1918) охирларида ташкил топган Миллатлар Лигаси эди. XX асрнинг 90-йилларига келиб турли хил халқаро ташкилотларнинг сони 3 мингдан ошиб кетди. Улар ўз мақсадлари, вазифалари, халқаро сиёсат ва халқаро муносабатлардаги мавқеларига кўра ихтисослашган, минтақавий, жаҳон миқёсидағи ташкилотларга бўлинади. Туркумлаш нуқтаи назаридан эса уларни сиёсий-иктисодий, ҳарбий, маданий ва ижтимоий ташкилотларга ажратиш мумкин.

**Халқаро сиёсий-иктисодий ташкилотлар.** Олам бекарорлигига сабабчи бўлаётган турли-туман низоли муаммоларнинг ечимини топишда сиёсий музокаралар йўли энг хайрли йўлдир. Бу музокараларни ташкил этиш, манфаатлар балансига келиш ва шу орқали кенг қамровли хавфсизликка ўтишда БМТ (АҚШ, СССР, Хитой, Англия, Франция) ягона халқаро ташкилот ҳисобланади. БМТ Устави II жаҳон уруши йилларида Гитлерга қарши коалициянинг етакчи мамлакатлари (СССР, АҚШ, Буюк Британия, Франция ва Хитой) томонидан ишлаб чиқилган ва 1945 йилда Сан-Франциско (АҚШ)-даги конференцияда батамом келишиб олинган. 51 та давлат имзолаган (1945 йил 26 июнда, дастлабки аъзолари томонидан) ва 1945 йил 24 октябрда кучга кирган бу уставга кўра БМТнинг асосий мақсади «келажак авлодларни ҳётимиз да-вомида инсониятнинг бошига икки марта мислсиз қайгу сол-ган уруш фалокатларидан холос этиш»dir. Уставда давлатларнинг халқаро майдондаги ҳаракатларининг асосий принцип ва нормалари, давлатларнинг куч ишлатиш ва куч билан таҳдид қилишни тақиқлаш принципига қатъий амал қилишлари зарурлиги, халқаро келишмовчиликларни тинч йўл билан ҳал этиш, ички ишларга аралашмаслик, давлатларнинг суверен тенглиги, халқаро мажбуриятларни вижданан бажариш ва бошқалар мажбурий қоидалар шаклида белгиланган<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Юридик энциклопедия/Юридик фанлар доктори, профессор У.Таджи-хановнинг умумий таҳририда. – Т., 2001. – Б. 45–46.

**БМТнинг асосий органлари:** Бош Ассамблея, Хавфсизлик Кенгаши, Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш, Таянч Кенгаши, Халқаро Суд ва Котибиятидан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бирида 3—5 тадан ихтисослашган ташкилотлар фаолият юритади.

Хавфсизлик Кенгаши зиммасига халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаб туриш бўйича асосий жавобгарлик юкланган бўлиб, 15 нафар (5 нафар доимий, 10 нафар вақтинчалик) аъзоларга эга. АҚШ, Россия Федерацияси, Буюк Британия, Франция ва Хитой БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоларидир. БМТ Уставига кўра фақат Хавфсизлик Кенгаши БМТнинг куролли кучларидан фойдаланиб операциялар ўтказиш юзасидан қарорлар қабул қилиш ҳукуқига эга. БМТнинг бошқа ҳеч қайси органи бундай ваколатларга эга эмас.

Бош Ассамблея эса БМТга аъзо бўлган тенг ҳукуқли барча давлатлардан иборат. Бош Ассамблея ҳар қандай давлат ёки Хавфсизлик Кенгаши қўйган халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлашга доир ҳар қандай масалаларни муҳокама қилишга ва бундай масалаларни манфаатдор давлатга ёки давлатларга ёхуд Хавфсизлик Кенгашига тавсиялар бериш, шунингдек, БМТ Бош котибини тайинлаш, БМТга янги аъзоларни қабул қилиш, аъзоликдан чиқариш ваколатига эга. Бугунги кунда 189 давлат БМТ аъзолигига қабул қилинган бўлиб, бу халқаро ташкилотнинг турли муассасаларида қарийб 50 минг ходим фаолият юритмоқда. (Ўзбекистон Республикаси 1992 йил 2 марта бўён БМТ аъзосидир.)

**Бирлашган Миллатлар Ташкилотини модернизациялаш ва ислоҳ қилишининг зарурлиги.** XX аср охири XXI аср бошларида халқаро муносабатларда рўй берган ўзгаришлар халқаро ташкилотларнинг фаолиятини қайта қуриш ва ислоҳ қилиш заруратини тақозо қўлмоқда. Чунки дунё хавфсизлигини талаб даражасида таъминлашда айнан шу ташкилотнинг ҳукуқий ва сиёсий имкониятлари ҳамда унинг улкан халқаро нуғузидан омилкорлик билан фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бинобарин, БМТгина барча аъзо давлатлар ва керак бўлса, башарият номидан иш юритиш ҳукуқига эга бўлган ташкилотдир.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек, бутун дунё яхлит ва бир-бирига боғлиқ тизим бўлиб бормоқда, унда ўз-ўзидан қаноатланишга ва маҳдудликка ўрин йўқ. Бу ҳол ҳозирги

халқаро муносабатларни шакллантирганда, халқаро тузилмалар билан ўзаро алоқаларда ва уларнинг фаолиятида иштирок этганда мутлақо янгича ёндашувларни ишлаб чиқишини зарур қилиб қўймоқда.

Афсуски, халқаро муносабатларнинг субъектлари бўлмиш давлатларнинг туб манфаатларига зид ҳолда, БМТ фаолиятида йирик давлатлар ва ҳарбий-сиёсий гуруҳлар тазиёки остида ўз сиёсий дастури ва идеалларини амалга ошириш имкониятидан борган сари четлатиш ҳолати содир бўлмоқда. (Масалан, 2005 йилнинг 13–14 май кунларида Андижон шаҳрида террористик актларни содир этиб, кўплаб гуноҳсиз одамларнинг ўлимига сабабчи бўлган ва қўшни Қирғизистон Республикаси ҳудудига қочиб ўтган бир тўда ашаддий жиноятчиларга «қочоқ» мақомини бериб, уларнинг Руминияга жойлашишига имкон ва шароит яратиб берган БМТнинг «Қочоқлар бўйича комитети» хатти-ҳаракатини қандай баҳолаш мумкин?) Бундай хатти-ҳаракатлар кўп қутбли, тотувлик маданияти ва ўзаро ишончга асосланган, шунинг билан биргаликда барча муаммолар ечимиға фақат сиёсий йўл, яъни серқирра ҳамкорликка таянган барқарор халқаро тизим шаклланиш жараёнини заифлаштироқда.

Натижада, халқаро ҳамжамият томонидан дунёда хавфсизликни кафолатловчи, давлатлараро ҳамкорликнинг самарали йўлларини излаб топишга қодир бўлган ҳозирги кунда муқобилий йўқ, ноёб институт ёрдамидан фойдаланиш имкониятининг кўлами тораймоқда. Ҳолбуки БМТнинг бошқа аъзолари каби Ўзбекистон ҳам бу нуфузли ташкилотнинг минтақавий ва глобал хавфсизликни таъминлаш ҳамда ҳозирги замоннинг бошқа долзарб муаммоларини ҳал этиш борасидаги иштироки кенгайишидан манфаатдордир.

Шу билан бирга, жаҳон майдонида халқаро хавфсизлик масаласи билан боғлиқ мутлақо янги тенденция ва вазиятлар, шунингдек, янги таҳдидларнинг пайдо бўлиши БМТ тузилмаларини, биринчи навбатда, унинг етакчи органи – Хавфсизлик Кенгашини ислоҳ қилиш ва таркибини қайта кўриб чиқишини тезлаштиришни тақозо этмоқда<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Каримов И. А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. – Т., 2005. – Б. 198–199.

**Европа Иттифоқи.** Ушбу халқаро ташкилотнинг ташкил топиш тарихи аслида 1947 йилда «Кўумир ва пўлат» концернининг ташкил топишидан бошланади. 1993 йилда Европа Иттифоқи номини олган ташкилот Маастрихт (Нидерландия)-да 12 та давлатнинг раҳбарлари имзолаган шартномага биноан вужудга келган федератив давлат хусусиятларини ўзида бирлаштирган давлатларо бирлашмадир.

Европа Иттифоқининг мақсад ва вазифалари қўйидагилардир:

1) Европа халқарининг яқин иттифоқини ташкил этиш, мувозанатлашган ва узоқ муддатли иқтисодий тараққиётга кўмаклашиш, бунда, айниқса, қўйидагилардан фойдаланиш: ички чегаралари бўлмаган маконни яратиш; иқтисодий ва ижтимоий ҳамкорликни кучайтириш; ягона валютани жорий этиш;

2) халқаро соҳада, айниқса, ташқи сиёсатни ва хавфсизлик соҳасидаги сиёсатни, Келажакда эса мудофаа сиёсатини биргаликда юритиш орқали ўз моҳиятини тасдиқлаш;

3) адлия ва ички ишлар соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантириш.

Кейинги 50 йил давомида бешинчи марта ўз сафига янги аъзоларни қабул қилган бу ташкилот сиёсий, иқтисодий, маданий, ҳарбий-техник, илмий-технологик ҳамкорликнинг сифат жиҳатдан энг замонавий кўриниши бўлиб, ҳозирги даврда 25 давлат унинг аъзосидир. Ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришнинг жон бошига 22 минг доллардан ортиқ қийматни ташкил этаётганлиги, шубҳасиз, бу ҳамкорликнинг самарасидир. Ҳудуди 4,2 миллион кв.км.ни, аҳолиси эса 455 миллиондан ортиқ кишини ташкил этган бу ҳудудда Буюк Британия, Дания ва Швецияни ҳисобга олмагандан 2002 йилнинг 1 январидан бўён ягона пул бирлиги – евро амал қилмоқда<sup>1</sup>.

Европа Иттифоқининг олий ижрочи органлари – Европа Иттифоқи Кенгаши, Европарламент ва Еврокомиссиядир. Европа Иттифоқи Кенгашининг 1996 йил июнда Флоренцияда (Италия) бўлиб ўтган йиғилишида Президент И. А. Каримов

<sup>1</sup> Сайдкасимова Б. Магнетизм европейской интеграции // Ҳукуқ–Право–Law. – 2004. – №2. – С. 65.

бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси иштирок этди. Учрашув жараёнида «Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўргасидаги шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисида»ги келишув имзоланди. Европа Иттифоқида эришилган юксак натижалар тажрибаси давлатлараро бошқа ташкилотлар учун ҳам, муайян бир давлатнинг тараққийси учун ҳам фойдадан холи эмас.

Шу боис, Президент И. А. Каримов: «МДҲнинг истиқболи Европа Иттифоқи каби моделнинг амалга оширилишида кўринади... Айнан шу модель МДҲни жонлантириши, унга тоза ҳаво бериши мумкин. Ҳамдўстликнинг ҳар бир аъзоси ўзининг муносиб ўрнини топа оладиган истиқбол – бу Европа Иттифоқи модели асосида ривожланиш, деб ўйлайман.

Албатта, демократияни ривожлантириш ва демократик жамият қуриш соҳасида ҳам биз Европа Иттифоқи андозалари ни қўллашимиз керак бўлади. Бу – менинг қатъий фикрим. Европа Иттифоқига хос демократик қадриятлар, инсон тафкури, таълим тизими, ижтимоий кафолатлар, аҳолининг ижтимоий ҳуқуқлари – буларнинг барчаси биз учун тўла мос келади. Мен ушбу тизимни кўр-кўrona кўчириб олишни назарда туваётганим йўқ, албатта. Бизнинг ўз менталитетимиз, ўз муаммоларимиз бор ва биз бу жиҳатларни ҳисобга оламиз», деб таъкидлайди<sup>1</sup>.

**Европада Ҳавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХХТ)** 1975 йилда ташкил топган ҳалқаро сиёсий ташкилотлардан биридир. 1992 йил 26 февралда Ўзбекистон Республикаси унинг аъзолигига қабул қилинди. Шу боис 1994 йилдан Ўзбекистоннинг ЕХХТдаги ваколатхонаси Венада, 1995 йилдан эса ЕХХТнинг Марказий Осиё мамлакатлари билан алоқалари бўйича бюроси Тошкентда фаолият юритмоқда. 1999 йилда ушбу бюрога ЕХХТнинг минтақадаги маркази мақоми берилди. Марказ фаолияти назарий жиҳатдан сиёсий-ҳарбий, иқтисодий-экологик ва инсон ҳуқуқлари каби соҳаларда Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ислоҳотларни қўллаб-куватлашга қаратилган. Бироқ ЕХХТнинг Тошкент маркази иқтисодиёт, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бўйича бир қатор ишларни амалга ошираётган бўлишига қарамай, унинг хо-

<sup>1</sup> Каримов И. А. Ўзбек ҳалқи ҳеч қаҷон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. – Т., 2005. – Б. 366–367.

димлари фаолиятида Ўзбекистондаги сиёсий вазиятни реал баҳолай олмаслик, бу ернинг ўзига хос ижтимоий, тарихий, миллий ва психологик хусусиятларини тушунмаслик каби камчиликлар кузатилмоқда. ЕХХТ (ОБСЕ) миссияси раҳбарлари минтақада ва бошқа жойларда кафолатланган хавфсизликни таъминлашда фаол иштирок этиш ўрнига бу ердаги мамлакатлар ҳукуматлари олиб бораётган ички сиёсатни асоссиз равишда танқид қилиш билан банд бўлиб қолмоқдалар<sup>1</sup>. ЕХХТнинг советлардан кейинги сиёсий маконда олиб бораётган бундай фаолиятига нисбатан кескин норозилик 2007 йилнинг 10 февраляда ҳалқаро хавфсизлик бўйича Мюнхенда (Германия) бўлиб ўтган конференцияда Россия Федерацияси томонидан ҳам изҳор қилинди<sup>2</sup>.

**Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ).** Бугунги кунда изчил фаолият кўрсатаётган ҳалқаро сиёсий-иқтисодий ташкилотлар ҳақида сўз юритилганда, шубҳасиз, биринчи навбатда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти тилга олинмоқда. Дастреб «Шанхай бешлиги» деб номланган бу ташкилотга 2001 йилда Ўзбекистон Республикаси аъзо бўлиб қўшилгач «Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти» деб аталадиган бўлди. Айни пайдада унга Россия Федерацияси, Хитой Ҳалқ Республикаси, Ўзбекистон, Қозогистон, Тожикистон ва Қирғизистон Респубубликалари расман аъзодирлар. (Монголия, Ҳиндистон, Покистон ва Эрон кузатувчи мақомига эга.) Хавфсизликни таъминлаш, минтақавий барқарорликни мустаҳкамлаш, экология муаммоларини биргаликда ҳал қилиш, савдо-сотиқ алоқаларини чукурлаштириш, илмий-техникавий, маданий-маърифий соҳалардаги муносабатларни кенгайтириш ва бошқа ҳаётий муҳим йўналишлар бўйича муаммоларни ҳал этиш ШХТнинг асосий вазифалари сирасига киради. Ташкилотнинг Котибияти Пекинда жойлашган. Шунингдек, ШХТ фаолиятида «уч ёвуз куч», яъни террорчилик, айирмачилик (сепаратизм) ва экстремизмга қарши курашда ҳамкорликни ривожлантириш алоҳида ўрин тутади. 2004 йилдан бошлаб

<sup>1</sup> Толипов Ф. ОБСЕ в Узбекистане: стратегия и перспективы // Ҳуқуқ-Право-Law. – 2004. – №4. – С. 33.

<sup>2</sup> Путин В. В. Хватит с нас однополярного мира // Аргументы и факты. – № 7. – 2007. – С. 4–5.

Тошкентда ШХТнинг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси фаолият юритмоқда. Бу тузилма фаолияти туфайли 2005 йилнинг ўзида кўплаб содир этилиши мумкин бўлган террорчилик ҳаракатларининг олди олингандиги маълум.

2005 йилнинг июль ойида ташкилотнинг Шанхай шаҳрида бўлиб ўтган саммитида унга аъзо давлатлар раҳбарлари томонидан бир қатор хужжатлар имзоланди. Хусусан, ҳалқаро ахборот хавфсизлиги тўғрисидаги баёнот; террорчилик, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш бўйича 2007–2009 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастурига доир қарор; ШХТ мамлакатлари ҳудудида қўшма аксилтеррор машқларини ўtkазиш тартиби тўғрисидаги битим; аъзо давлатлар ҳудудига террорчилик, айрмачилик ва экстремистик фаолиятга алоқадор кишилар кириб келишини аниқлаш ва бундай йўлларни тўсиб қўйиш борасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битим. Бундан ташқари, ШХТ доирасида 2020 йилгача бўлган даврда савдо-иктисодий ҳамкорликни қўзда тутувчи дастур қабул қилинган. Шунингдек, ШХТга аъзо мамлакатларнинг ҳукуқни муҳофаза қилувчи идоралари, жумладан, ички ишлар органларининг террорчилик, сепаратизм ва экстремизмга, гиёхвандлик ва оғурурушликка қарши биргаликда ҳаракат қилиши, бу борада ўзаро ахборот алмашиши яхши самара бермоқда. Умуман, «Бугунги кунда ШХТ ҳалқаро ҳамкорликнинг қурдатли институтига, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашнинг, ҳалқаро террорчилик, сепаратизм ва экстремизм, наркотик моддалар ишлаб чиқариш ва ташиш каби замоннинг энг қалтис таҳлика ва таҳдидларига қарши курашнинг кучли омилига айланмоқда»<sup>1</sup>.

Шу боис, сиёsatчилар бугунги кунда ШХТни Осиё уйига қиёслашяпти. Европа уйи – Европа Иттифоқида Конституция ва бюджет билан боғлиқ келишмовчиликлар чиқиб турган бир пайтда Осиё уйи мустаҳкамланиб бормоқда. Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, Осиё уйида худди Европа уйидаги каби ҳамманинг турмуш тарзи бир қолипга солинмайди. Бу ерда миллатлар эркинлиги ва миллий қадриятлар дахлизлиги таъминланади. Аслида Осиё уйи – Шанхай Ҳамкор-

<sup>1</sup> Каримов И. А. Ўзбек ҳалқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. – Т., 2005. – Б. 440.

лик Ташкилоти турли тараққиёт даражасидаги ҳамда анъана ва қадриятлари турлича бўлган давлатларнинг аҳил иттифоқидир.

**Евроосиё Иқтисодий Ҳамжамияти (ЕврАЗЭС).** Маълумки, Марказий Осиё Ҳамкорлиги (Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон) ташкилотининг 2005 йил 6–7 октябрь кунлари Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтган саммитида МОХТ билан Евроосиё Иқтисодий Ҳамжамиятини бирлаштиришга келишиб олинган эди. Мазкур икки ташкилотнинг мақсад ва вазифалари кўп жиҳатдан ўхшаш ҳамда бир-бирига яқин бўлганлиги Ўзбекистоннинг Евроосиё Иқтисодий Ҳамжамияти сафидан жой олишига олиб келди.

1995 йилда Божхона иттифоқи негизида тузилган бу ташкилотнинг стратегик мақсади аъзо давлатлар ўртасида интеграцияни ривожлантиришга қаратилган. ЕврАЗЭСнинг 2005 йил нояброда Санкт-Петербургда бўлиб ўтган саммитида Ўзбекистон бу ташкилотга қўшилгач, Ҳамжамият аъзолари 6 тага етди (Россия, Белорусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Тоҷикистон, Ўзбекистон). Бу Ҳамжамиятга аъзолик Ўзбекистон учун катта сиёсий аҳамиятга эга. Чунки йирик давлатларнинг геосиёсий манфаатлари кесишган минтақада жойлашган мамлакатимиз учун ЕврАЗЭСга аъзолик турли таъсир ва тазииклардан ҳимояланиш кафолатини беради.

Халқаро ташкилотлар орасида фаолияти кўпроқ соғиқтисодий масалаларни қамраб олувчи **халқаро иқтисодий ташкилотлар** ҳам мавжуд бўлиб, улар халқаро битим асосида маълум иқтисодий алоқаларни (валюта, кредит, солик, транспорт, товар алмашуви ва ҳ.к.) олиб бориш мақсадида тузилади. Улар сафига Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Умумжаҳон савдо ташкилоти, Халқаро меҳнат ташкилоти, БМТнинг Иқтисодий-ижтимоий кенгаши, унга тегишли маҳсус муассасалар, Жаҳон Ислом конференцияси ташкилоти ва бошқалар киради.

**Жаҳон банки** – 1944 йилда ташкил топган бўлиб, штаб-квартираси Вашингтонда жойлашган. Ҳозирги пайтда Халқаро қайта тикланиш ва тараққиёт банки деб номланади. Банкнинг асосий мақсади ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиётига кўмаклашишдир. Ўзбекистон

Жаҳон банкига 1992 йил 21 сентябрда аъзо бўлди. Мамлакатимизга Халқаро қайта тикланиш ва тараққиёт банки томонидан 2493 акция чиқарилган бўлиб, Тошкентда 1993 йилдан бўён ушбу банкнинг ваколатхонаси фаолият юритмоқда. Бозор структурасининг шаклланишида техник ёрдам кўрсатиш; ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларни ривожлантиришга оид лойиҳаларни амалга оширишда молиявий ёрдам кўрсатиш; мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашда Ўзбекистонга ёрдам бериш Халқаро қайта тикланиш ва тараққиёт банкининг Тошкентдаги ваколатхонаси дастурида асосий ўринни эгаллайди. Жаҳон банки энергетика соҳасини ривожлантириш ва ислоҳотларни чукурлаштиришга мўлжалланган лойиҳалар учун ҳам кредит ажратиб, Орол денгизи муаммоси ечимиға, ишлаб чиқариш секторлари ривожига, пахтани қайта ишлаш соҳасига ҳам эътиборини қаратмоқда.

**Халқаро валюта фонди (ХВФ)** – БМТнинг ихтисослашган муассасаларидан бири бўлиб, бу халқаро иқтисодий ташкилот томонидан Ўзбекистонга ҳозирга қадар 198,013 млн АҚШ доллари миқдорида кредит берилди<sup>1</sup>. ХВФ ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида самарали ҳамкорлик кенг йўлга қўйилган бўлиб, ушбу банкнинг ваколатхонаси ўз фаолиятини Тошкентда олиб бормоқда.

**Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ)** – 1991 йилда Франциянинг собиқ президенти Ф. Миттеран ташаббуси билан ташкил этилиб, ўз олдига Марказий ва Шарқий Европадаги бозорни, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашишини мақсад қилиб қўйган. Ўзбекистон Республикаси ЕТТБ аъзолигига 1992 йилда қабул қилингач, ушбу банк томонидан Ўзбекистонда кичик ва ўрта корхоналарни молиялаштириш учун 120 млн АҚШ доллари миқдорида ёрдам кўрсатилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Ташқи Иқтисодий Фаолият Миллий банкига кафолатсиз 60 млн; «Асака» акционерлик-тижорат банкига 30 млн (Ўзбекистон Республикаси давлат кафолати билан); бошқа тижорат банкларига 30 млн АҚШ доллари миқдорида (Ўзбекистон Республикаси давлат кафолати билан) кредит ажратилди<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Шодиев Р.Қ., Маҳмудов Э.Р. Жаҳон иқтисодиёти. – Т., 2005. – Б. 268.

<sup>2</sup> Ўша манба. – Б. 269–270.

**Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ЭКО) –** 1964 йилда мамлакатларо ва унинг аъзолари ўртасидаги иқтисодий, маданий, илмий-техникавий алоқаларни таъминлаш мақсадида тузилган минтақавий ташкилот бўлиб, қароргоҳи Техронда жойлашган. Ушбу ташкилотнинг таъсисчилари Эрон, Покистон ва Туркия давлатларидир. Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига 1992 йилга келиб Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тоҷикистон, Озарбайжон ва Афғонистоннинг қўшилиши натижасида унинг аъзолари сони 10 мамлакатни ташкил этди.

**Ислом ташкилоти конференцияси –** 1969 йилнинг 25 сентябрида мусулмон мамлакатлари давлат ва ҳукумат раҳбарларининг Работ (Марокаш) шаҳрида бўлиб ўтган конференциясида тузилган ташкилотдир. Ушбу ташкилот аъзолари 54 та мамлакатдан иборат бўлиб, ҳозирги кунда Марказий Осиё давлатлари, жумладан, 1994 йилдан бошлаб Ўзбекистон ҳам бу ташкилотга аъзодир. ИТКнинг мақсади мусулмонлар бирдамлигиги мустаҳкамлашга кўмаклашиш, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва илмий соҳаларда ҳамкорлик қилишдир. Шунингдек, ирқий камситишларга, колониализмнинг барча шаклларига чек қўйиш, халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга оқилона ёндашиш, ташкилотга аъзо мамлакатлар орасида ва бошқа мамлакатлар билан ўзаро келишув, ҳамкорликни рағбатлантириш ИТК фаолиятида муҳим ўрин тутади.

Хулоса қилиб айтганда, БМТ, ЕИ, ЕХХТ, ШХТ, ЕврАзЭС каби сиёсий ташкилотлар ҳамда Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки каби йирик, нуфузли халқаро молия ва иқтисодиёт тузилмалари дунё ҳамжамиятининг бугунги ҳаётида катта аҳамият касб этади. Бу халқаро ташкилотлар билан самарали ҳамкорлик келгусида ҳам Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бўлиб қолаверади.

### **3. Ўзбекистонинг ташқи сиёсий концепцияси**

Ҳар бир давлатнинг ташқи сиёсати унинг ички сиёсати, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, халқаро муносабатларда амал қилаётган тамойилларга бўлган муносабати, мақсади ва вазифалари билан белгиланади. Ташқи сиёсат давлатлар билан дипломатик муносабатлар ўрнатиш, халқаро

ташкилотлар қошида ваколатхоналар очиш ёки унга аъзо бўлиш, турли даражаларда ўзаро алоқалар ўрнатиш шаклларида амалга оширилади. Ташқи сиёсатда ўзаро ахборот алмашиш, икки томонлама ва кўптомонлама шартномалар ва келишувлар имзолаш, ўзаро муносабатлар ривожига хайриҳоҳлик кўрсатишнинг бошқа воситаларидан фойдаланиш ҳам мумкин.

Ташқи сиёсат ҳар бир замонавий давлатнинг бош атрибути, фундаментал жиҳати, ажралмас қисми ва вазифаси ҳисобланади. Чунки ташқи сиёсат орқали давлат географик-маконний жиҳат касб қилиш билан бирга ўзини ноёб тарихий, социомаданий, цивилизацион ва ниҳоят, геосиёсий яхлитлик сифатида ҳам намоён этади.

Хозирги дунё тараққиёти шундай кечмоқдаки, бугун ҳар қандай давлат ҳалқаро сиёсатда ўз устуворлигини фақат ошкора маърифий ташқи сиёсат орқали сақлаб туриши ва шунга яраша легитимликка эришиши мумкин. Ҳалқаро сиёсат майдонида сиёсий жараён тизимиға сезиларли таъсир кўрсатишнинг бирдан-бир йўли – маърифийлик, яъни куч ишлатишни мутлақ инкор этган ташқи сиёсий фаолият бўлиши мумкин. Ташқи сиёсатни мафкурадан холи этиш хавфсизликни таъминлашнинг муҳим қафолати бўлиб, уни муайян мафкуравий ақидаларга эмас, балки ҳалқаро ҳуқуқнинг барча тан олган қоида ва мезонлари асосида қурмоқ лозим.

XX асрнинг охирги чорагида жаҳонда рўй берган сиёсий ўзгаришлар давлатлар ташқи сиёсати, унинг мазмун ва характеристида ҳам ўзгаришлар ясади. Маърифий ҳалқаро сиёсатни таъминлашни кўзлаган янги жаҳон тартиботини шакллантириш учун кенг кўламли ҳаракат бошланди. Давлатлар ташқи сиёсатида икки ижтимоий-сиёсий тизим ёки «капитализм билан социализм» лагери, «ўзаро куч ишлатиш», иқтисодий, сиёсий, ҳарбий ҳокимликка эришиш, тазиик кўрсатиш, мамлакат ичидаги низоларни қўллаб-куватлаш эмас, балки давлатнинг суверенитетини тан олиш, ҳалқаро ҳуқуқ нормаларига таянган ҳолда, ҳалқларнинг эркинлигини ҳурмат қилиш асосида ташқи сиёсат олиб бориш амалиётига ўтиломоқда<sup>1</sup>. Чунки сўнгги йилларда жаҳонда юз берган воқеалар

<sup>1</sup> Политология: Ўқув қўлланма / С.Отамуродов, И.Эргашев, Ш.Акромов, А.Қодиров – Т., 1999. – Б. 191.

дунёнинг геосиёсий структураси ва йўналишини тубдан янгилади, жаҳон сиёсатига аста-секин бир гурӯҳ янги суверен давлатлар кириб келиши натижасида давлатлараро сиёсат ва дипломатия майдони бутунлай бошқача мазмун-моҳият касб этди. Дунё сиёсий харитасида пайдо бўлган бу янги давлатлар социалистик ўтмишга эга бўлган, ўз сиёсий мустақиллигини тинч йўл билан қўлга киритган давлатлардир. Улар, асосан, Шарқий Европа ва собиқ Иттифоқ ҳудудида ташкил топдилар. Ушбу давлатлар мустақил ривожланиш ва ижтимоий муносабатларни янгилаш йўлига қадам қўйиб, бошқа мамлакатлар орасида ўз мавқеини мустаҳкамлашга интилоқда. Тенглар орасида тенг бўлишга, жаҳон майдонининг таркибий қисмига айланишга ҳаракат қўймоқдалар. Жумладан, Ўзбекистон ҳам шулардан бири экан, унинг ташқи сиёсий доктринаси ва амалиётига ана шу шарт-шароитлар ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди.

Шубҳасиз, янги жаҳон тартиботини шакллантиришда Ўзбекистоннинг ҳам алоҳида ўрни, сиёсий манфаатлари бор. Шунинг учун мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ Ўзбекистон Республикаси ўз миллий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ташқи сиёсатнинг мақсад ва вазифасини аниқ белгилаб олди. Унинг дунё ҳамжамияти, халқаро ташкилотлар, давлатлар, МДҲ ва Марказий Осиё давлатлари билан олиб бораётган ташқи сиёсат борасидаги саъй-ҳаракатлари фикримиз далилидир.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати амалдаги Конституция ва 1996 йил 26 декабрда Олий Мажлис томонидан қабул қилинган «Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий принциплари тўғрисида»ги қонун<sup>1</sup> талабларидан келиб чиқилган ҳолда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-моддасида «Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла хукуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳ-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида»ги 1996 йил 26 декабрь қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997. №2.

дид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳукуқнинг умумэътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади. Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлигини ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан чиқиши мумкин»<sup>1</sup>, дейилади. «Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий принциплари тўғрисида»ги қонун ҳам ташқи сиёсатимизнинг умуминсоний тамоийиллар ва манфаатлар билан тўла мувофиқ эканлигини кўрсатади.

У ёки бу йўналишдаги ташқи сиёсатни танлашга таъсир кўрсатадиган кўпдан-кўп омиллар мавжуд. Улар орасидан иккита энг асосийини алоҳида эслатиб ўтиш лозим. Биринчиси – Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотларга аъзо бўлишида ҳамма учун бир хил бўлган талаб мавжуд бўлса, иккинчиси – ташқи сиёсатда иқтисодий манфаатларнинг сиёсий манфаатларга нисбатан устунлигидир. Ўзининг миллий манфаатларига мос келадиган кўп томонлама фаол ташқи сиёсатни амалга ошириш давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодий қийинчиликларни бартараф этиш ва халқ турмушини яхшилашнинг зарур шарти ва ғоят муҳим воситасидир.

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари Президент И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқбол ва тараққиёт йўли» асарининг ташқи сиёсатга бағишлиланган бобида аниқ-равшан ифодалаб берилган, яъни:

- миллий манфаатлар Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор мақсадидир;
- кўптомонламалик Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишидир.

Ўзбекистон тарихий тараққиёти ва этник жиҳатларига кўра мусулмон мамлакатлари жумласига киради. Буни инобатга олган ҳолда мусулмон мамлакатлари билан алоқаларга катта эътибор қаратилиди. Ўзбекистон Марказий Осиё Ҳамдўстлиги давлатлари билан биргаликда Туркия, Эрон ва Покис-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2008.

тон томонидан тузилган Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилотига ҳам аъзо бўлди.

Шу билан бирга Европанинг маърифатпарвар дунёси билан ҳам ўзаро ҳамкорлик Ўзбекистон ташқи сиёсатида муҳим ўрин тутади. Чунки, Европадан биз саноатни жадаллаштириш, иш билан таъминлаш, фавқулодда муаммоларни ҳал этиш ва жаҳон бозорига кириш учун зарур бўлган замонавий технология олиш имкониятига эгамиз. Ўз вақтида биргина Туркия эмас, шунингдек, Япония, Жанубий Корея, Ҳиндистон давлатлари, қолаверса, аҳолисининг кўпчилиги мусулмон бўлган Миср, Кувайт, Малайзия, Индонезия ҳам ана шу йўлни танлаган эди.

Ўзбекистон ташқи сиёсатида иқтисодий омиллар марказий ўринни эгаллашининг яна бир исботи шуки, у суверен давлат сифатида очиқ иқтисодиётни вужудга келтириш соҳасида фаол иш олиб бориб, жаҳон хўжалик алоқаларида, ҳалқаро меҳнат тақсимотида кенг миқёсда иштирок этмоқда. Европа тараққиёт ва тикланиш банки, Ҳалқаро тараққиёт ва тикланиш банки, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ҳалқаро валюта фонди, Ҳалқаро Молия корпорацияси, Иқтисодий Тараққиётга Кўмаклашувчи Ташкилот, Ҳалқаро Меҳнат тақсимоти, Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти ва бошқа молиявий-иқтисодий ташкилотлар аъзоси сифатида улар билан фаол алоқалар олиб бормоқда.

Умумжаҳон ва минтақавий ўзаро яқинлашиш эҳтиёжи бизнинг МДҲ тарафдори эканлигимизни билдиради. Ҳусусан, Ўзбекистон ва Россия барча соҳаларда ўзаро алоқалар кўламини кенгайтиришдан манфаатдор. Ана шу манфаатдорлик, шунингдек, ҳамкорликдаги ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳи, икки давлат раҳбарларининг ўзаро самимий муносабати, кўпгина масалаларда фикрдошлиги 2004 йили Тошкентда Ўзбекистон ва Россия ўртасида Стратегик шерикчилик тўғрисидаги шартноманинг имзоланишига асос бўлган эди. Икки давлат раҳбарлари томонидан 2005 йилнинг 14 ноябрь куни Москвада бўлиб ўтган музокаралар якуннида эса Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома имзоланди.

Ўзбекистон ташқи сиёсатида Россия катта ўрин тутганлиги боис, иккала мамлакат ўртасида ҳалқаро майдондаги ҳам-

корлик, сиёсий ҳамжиҳатлик мустаҳкамланиб, иқтисодий, ижтимоий-маданий, илмий, ҳарбий-техникавий соҳадаги алоқалар тобора ривожланмоқда. Масалан, Ўзбекистон ташқи савдосининг бешдан бир қисми Россия ҳиссасига тўғри келади. 2008 йил якунларига кўра, бу борадаги кўрсаткич қарийб 4 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди. Ўзбекистон экспортида саноат маҳсулотларининг, хусусан, автомобилларнинг улуши (жами экспортнинг 28,6 фоиз) ортиб бораётгани диққатга сазовордир. Шунингдек, икки мамлакат ўртасида сармоя соҳасидаги алоқалар ҳам жадал ривожланиб бормоқда. Ҳозирги пайтда юртимизда 786 та Ўзбекистон—Россия қўшма корхонасининг, Россияда эса ўзбекистонлик ишбильармонлар билан тузилган 349 та қўшма корхонанинг фаолият кўрсатаётганини бунинг далилидир<sup>1</sup>.

Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «Бугунги кунда бизнинг тараққиёт стратегиямиз минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга, интеграция жараёнларини жадаллаштиришга, Марказий Осиё Умумий бозорини шакллантиришга йўналтирилган бўлиб, ўз навбатида, бу иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига, аҳоли турмуш даражасининг ўсишига қўшимча имкон яратади»<sup>2</sup>.

Хуроса қилиб айтганда, мафқуравий курашлардан қатъи назар, ташқи сиёсатда очиқ-ойдинлик принципи Ўзбекистонга қисқа муддат ичидаги икки тарафлама кенг ташқи алоқалар ўрнатиш имконини берди. Евроосиё иқтисодий ва маданий кўпригининг барпо этилганлиги, ШХТ доирасидаги ҳамкорликнинг кенгайиб бораётганини республика ташқи сиёсатининг стратегик истиқболидир. Дунёning 170 дан ортиқ мамлакати томонидан тан олинган, 120 давлат билан дипломатик алоқалар ўрнатган Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик каби халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади.

<sup>1</sup> Постда. — 2009 йил 24 январь. — №4.

<sup>2</sup> Каримов И. А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. — Т., 2005. — Б. 430.

## **Таянч тушунчалар**

*Халқаро сиёсат, икки құтбилик, күп құтбилик, халқаро сиёсат субъектлари, ташқи сиёсат, халқаро хавфсизлик билан боғлиқ янги тенденция ва янги таҳдиidlар, «бошқариладиган бекарорлик», империявий тафаккур, парчаловчи омиллар, яратувчи омиллар, халқаро сиёсатнинг асосий принциплари, халқаро сиёсатнинг долзарб йўналишлари, инсон ҳуқуқлари, инсон ҳуқуқлари умумжасон декларацияси, БМТ, Европа Иттифоқи, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти, Евроосиё Иқтисодий Ҳамжамияти, Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Ислом ташкилоти конференцияси, янги жаҳон тартиботи, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий концепцияси, миллий манфаат.*

## **Назорат учун савол ва топшириқлар**

1. «Халқаро сиёсат», «икки құтбилик ва күп құтбилик», «халқаро сиёсат субъектлари» атамаларининг маъноларини тушунтириңг.
2. Ҳозирги замонда халқаро хавфсизлик билан боғлиқ қандай янги тенденция ва таҳдиidlар пайдо бўлмоқда?
3. Сизнингча «бошқариладиган бекарорлик» тушунчаси билан империявий тафаккур ўртасида қандай алоқадорлик мавжуд?
4. Халқаро тартиботдаги парчаловчи ва яратувчи омиллар мазмунини тушунтириб беринг.
5. Халқаро сиёсатнинг асосий принципларини изоҳланг.
6. Халқаро сиёсатни маърифийлаштиришда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қандай аҳамият касб этади?
7. Бирлашган Миллатлар Ташкилотини модернизациялаш ва ислоҳ қилишнинг зарурлигини изоҳлаб беринг.
8. И. А. Каримовнинг «МДҲнинг истиқболи Европа Иттифоқи каби моделнинг амалга оширилишида кўринади», деган сўзларидан Европа Иттифоқи тўғрисида қандай холоса чиқариш мумкин?
9. Терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш ҳамда иқтисодий ҳамкорликни таъминлашда ШҲТнинг ўрни ва аҳамияти тўғрисида гапиринг.
10. Евроосиё Иқтисодий Ҳамжамияти (ЕврАзЭС)га аъзолик Ўзбекистон учун геосиёсий нуқтаи назардан қандай аҳамиятга эга?

11. Ўзбекистон Республикасининг халқаро иқтисодий ташкилотлар билан алоқалари олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигига қандай ўрин тутади?
12. Янги жаҳон тартиботини шакллантиришда Ўзбекистоннинг ўрни ва сиёсий манфаатдорлиги ташқи сиёсатда қандай акс этаётганлигини далиллар асосида тушунтиринг.
13. Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати қандай принципларга таянади?
14. «Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий принциплари тўғрисида»ги қонунни конспектлаштиринг.

## АДАБИЁТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., 2008. IV, XXVI боблар.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий принциплари тўғрисида»ги 1996 йил 26 декабрь қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997. №2.

Инсон ҳуқуqlари тўғрисида халқаро билл. – Т., 1992. – Б. 3–23.

*Каримов И. А.* Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. – Т., 1998. – Б. 31–261.

*Каримов И. А.* Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ қерак. Т.10. – Т., 2002. – Б. 23–57.

*Каримов И. А.* Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. – Т., 2005. – Б. 194–203; 400–419.

*Каримов И. А.* Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т. 14. – Т., 2006. – Б. 56–60.

*Каримов И. А.* Ватан ҳимоячиларига байрам табриги // Каримов И. А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т. 14. – Т., 2006. – Б. 130–138.

*Каримов И. А.* Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. Т., 2008. – 368 б.

*Каримов И. А.* Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., 2008. – Б. 110–127.

*Отамуротов С.* Глобаллашув ва миллат (фалсафий-сиёсий таҳлил). «Янги аср авлоди», Т., 2008. – 202 б.

*Ирхин Ю. В., Зотов В. Д., Зотова Л. В.* Политология: Учебник. М., 2000. – С. 436–452.

*Норматов И.* Ўзбекистон ва ташқи дунё: сиёсатда ҳам сарҳисоб бор // Ўзбекистон овози. – 2005. –31 дек. – №156–157.

Политология: Ўқув қўлланма/*С. Отамуродов, И. Эргашев, Ш. Акрамов, А. Қодиров* – Т., 1999.

Политология. Маъruzалар матни/Тақризчилар: В.С.Ким, Ж. Баҳронов. – Т., 2000. – Б. 163–213.

*Рамазонов И., Мўминов Э.* Политология: Дарслик. – Т., 1997. – Б. 236–268.

---

## **ХАЛҚАРО ТЕРРОРИЗМ ВА УНГА БАРҲАМ БЕРИШНИНГ СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЧОРАЛАРИ**

### **1. Терроризмнинг пайдо бўлиши, турлари ва кўринишлари**

Илк бор Аристотель томонидан қўлланилган «террор» атамаси юононча «tergor» сўзидан олинган бўлиб, даҳшат, қўрқув деган маъноларни англатади. Бинобарин, терроризм деганда ўзининг муайян мақсадларига эришишда сиёсий рақибларни ҳарбий ҳаракатларга боғлиқ бўлмаган, ҳеч бир чекланмаган систематик жисмоний зўрлик ишлатиш йўли билан йўқ қилишни кўзловчи сиёсий кураш усули тушунилади. Ўз авантюристик мақсадларига эришишда жисмоний зўрлик, куролли усуллар, террор ва фитнадан кенг фойдаланиши эса терроризмнинг экстремистик табиатини яққол намойиш этади.

Жиноятнинг бу кўриниши бугунги кун учун кутилмаган ҳолат эмас. Чунки, терроризм ўта салбий ижтимоий ҳодиса сифатида у ёки бу кўринишда қадим-қадимдан маълум. Террорчилар тарихнинг барча даврларида халқ оммасининг айрим қатлам ва гуруҳларини «йўлдан уриш», турли йўллар билан улар қалбига йўл топиш тактикасига амал қилиб келишган. Ўрта аср қароқчилари ва бандитлари, янги ва энг янги даврда рўй берган «ўта инқилобий халқ ҳаракатлари» ҳам сурбетларча оддий меҳнаткаш номидан иш кўришган. Айрим ҳудудларда террорчи гуруҳларнинг узоқ муддатга ҳокимият тепасига келганлиги, ҳатто халқ билан маълум бир вақт давомида якдил бўлганликлари тўғрисида тарихда кўплаб маълумотларни учратамиз. Демак, терроризм ўзини «ҳаққоний, халқ-парвар» ҳаракат деб баҳолаши унинг бир хусусияти бўлса, бугунги ўзининг энг ташкилий жипслашган даврида ҳам ўша эски, унинг учун асосий ниқоб бўлиб келган амалиётга қатъий содиқлигини намойиш қилмоқда.

Бир замонлар террорчилар Ер шарининг турли жойларида алоҳида-алоҳида, бир-биридан батамом ажralган ҳолда ҳаракат қилган бўлсалар, бугун улар ўз фаолиятини минтақавий, ҳатто умумсайёравий даражада мувофиқлаштиришга интилмоқдалар. Яъни, бугун инсоният тинчлигига террор-

чилар мисолида халқаро миқёсда уюшган, керак бўлса бир ёки бир неча қудратли марказлар томонидан бошқарилаётган сиёсийлашган халқаро жиноий гуруҳлар таҳдид солмоқда.

Муаммо шундаки, инсоният тарихининг энг қадимги даврларидан то ҳозирга қадар ҳам жиноятнинг бу тури ўз мақсадига эришишнинг энг мақбул ягона йўли сифатида сиёсий ҳаётда қўлланио келинмоқда. Шу муносабат терроризмнинг ижтимоий-сиёсий ҳодиса сифатида пайдо бўлиш тарихини, унинг турлари ва кўринишларини, халқаро ҳукуқий хужжатларда унинг қандай баҳоланганини ҳамда Ўзбекистонда терроризм хавфининг олдини олиш масалаларини урганиш дол зарб аҳамиятга эгадир.

**Терроризм тарихи.** Терроризм тарихини шартли равиша тўрт даврга бўлиш мумкин:

1. Қадимги терроризм. (Протерроризм.)
2. Классик (мумтоз) терроризм.
3. Анъанавий терроризм.
4. Замонавий терроризм.

**Қадимги терроризм.** Терроризм узоқ тарихга эга ҳодиса бўлиб, унинг илдизлари инсониятнинг қадимги тарихига бориб тақалади. Жамиятнинг сиёсий тарихида сиёсат субъектлари томонидан мақсадга эришишнинг асосий воситаларидан бири сифатида зўрлик, даҳшатга солишдан фойдаланиш ўтмишда ҳам кенг тарқалган эди. Ёзув пайдо бўлганидан бошлаб битилган кўплаб солномаларга назар ташласак, сиёсий, ижтимоий ва ҳарбий соҳада террорчилик ҳаракатлари содир этилганига гувоҳ бўламиз. Милоддан аввалги 44 йилда Рим императори Гай Юлий Цезарга уюштирилган суиқасдни сиёсий терроризмга ёрқин мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Қадимги яхудий қабилаларининг «Шилот сикари» деб аталган отрядлари эса етмиш йил давомида римлик мустамлакачилар ҳамда бошқа душманлар билан муваффақиятли кураш олиб борганлиги тарихдан маълум<sup>1</sup>. Милоднинг 66—73 йилларида сикариларнинг Фаластин ҳудудида фаолият кўрсатган бу сектаси қадимги террористик гуруҳлардан бири

<sup>1</sup> Антонян Ю.М. Терроризм: криминологическое и уголовно-правовое исследование. — М., 1998. — С. 52

бўлиб, Қуддус кўчаларида одамлар гавжум бўлган кунларда, хусусан, байрамларда ханжар ва калта қилич («сика»)ни кийимлари ичига яшириб олган террорчилар ўз қотилликлари ни дафъатан амалга оширганлар ва тезда аҳоли орасида изсиз йўқолганлар. Сикарилар Римга қарши қайфиятдаги экстремист миллатчилар бўлиб, мустамлакачилар билан ҳамкорлик қилган ўз миллатдошларини ҳам аямаганлар.

Милоднинг VII асрода ислом дини доирасида юзага келган биринчи диний-сиёсий экстремистик ҳаракат ҳисобла-надиган хорижийлар эса «Хулафои рошидийн» (тўғри йўлдан борувчи пайғамбар ўринбосарлари)нинг иккинчи ва учинчи-си бўлган Умар ва Усмонларнинг бевақт ўлимига сабабчи бўлишган. Улар уммавийлар ҳукмронлиги даврида катта сиёсий кучга айланиб, мамлакатда доимий фитна ва бекарорлик уруғини сочганлар.

VIII асрнинг иккинчи ярмида Ироқ, Баҳрайн, Яман, Сурия, Миср, Хурросон ва Мовароуннаҳр ҳудудида террористик ҳаракатлар содир этган қарматийлар диний-сиёсий экстремистик оқими ислом номи остида оловга сифиниш эътиқодини тикламоқчи бўлишган. Улар биргина 317 ҳижрий йилда Каъбага ҳужум қилиб, 1900 кишини шаҳид этишган. Макка шаҳрида эса 30 минг мусулмонни ўлдириб, шаҳарни талонтарож қилиб, ўт қўйишган.

Эронда бундан тўққиз аср аввал тузилган ассасинлар то-талитар сектаси<sup>1</sup> террорчилик ташкилотига типик мисол бўла олади. Исмоилийлар сектасидан ажралиб чиқиб, салжуқийлар сулоласига қарши террористик актлар содир этган, ке-йинчалик XIII асрда мўғуллар томонидан йўқ қилинган ас-сасинлар қўшни Сурияга босқинлар уюштириб, давлат амалдорларини, ҳатто халифаларни ўлдирганлар<sup>2</sup>. Секта раҳбари Ҳасан ибн ас-Саббоҳ бошчилигида ассасинлар Ўрта ер денгизидан тортиб Форс қўлтиғигача бўлган кенг ҳудудни назорат этганлар. Террорчилик ҳаракатларининг иштирокчилари

<sup>1</sup> Изоҳ: Секта – муайян диндаги янги мазҳаб бўлиб, тарихий тараққиётнинг барча даврларида тоталитар секталар, одатда, диний ақидалардан ўз экстремистик манфаатлари йўлида фойдаланишга уриниб келишмоқда.

<sup>2</sup> Изоҳ: «Сиёсатнома» асарининг муаллифи, салжуқийлар салтанатида вазир лавозимида хизмат қилган Низомулмulk ҳам Ҳасан ибн ас-Саббоҳ кўрсатмасига кўра ассасинлар томонидан ўлдирилган.

руҳларини кўтариш мақсадида гиёҳвандлик воситалари, жумладан, наша, яъни гашиш истеъмол қилишган. Сектанинг Европада «Hashishin» деб номланиши ана шу сўздан келиб чиққан. Французлар уни ўз тилларига мослаб «Assassin» деб аташган. «Сиёсий қотиллик» маъносини англатувчи «Assassination» сўзи ҳам ана шундан келиб чиққан.

Ўта маҳфий тарзда иш юритган ассасинлар террор орқали амалга ошириладиган ўз қотилликларига ҳам диний, ҳам сиёсий тус берив, уни ўзига хос диний маросим даражасигача кўтарғанлар. Ассасинлар феъл-авторида зоҳидона интизом шакллантирилган. Улар ўз маслакларига кўра қийноқ ва ўлимни хурсандчилик билан кутиб олиб, янги дунёвий тартибнинг ғалабасига чуқур ишонгандар. Шу тариқа диний мутаассиблик ва сиёсий террор ўзаро уйғуналашиб кетган.

Ҳиндистонда фаолият юритган «бўғувчилар» сектаси ўз қурбонларини шойи ип билан бўғиб ўлдиришган. Секта аъзолари ўз терактларини маъбуда Кали шарафига қилинган қурбонлик ҳисоблаб, ўз қотилликларидан роҳатланишган. Хитойдаги террорчилик гурухларига, одатда, қўл жангни устаси бўлган шахс бошчилик қилган. Террорчи гуруҳдаги профессионал қотиллар гоҳо фирибгарлик билан шуғулланиб, ким кўп пул тўласа, ўшанга хизмат қилганликлари маълум. Бундай яширин жамиятлар даромадни қиморхона, контрабанда савдосидан қўлга киритсалар-да, лекин ўз манфаатлари йўлида сиёсий зўрлик билан ҳам шуғулланиб, префектларни ўлдиришган, уларнинг уйларини ҳамда қўприкларни оддий халқни қўркувга солиш мақсадида ёқиб юборишган.

Умуман, сиёсий терроризм тизимида юқорида қайд этилган ҳолатлар ҳозирги замон терроризмига нисбатан бирмунучча ибтидоий қўринишга эга бўлган ҳодисалар бўлганлиги учун уни қадимги терроризм ёки протерроризм деб аталади.

**Классик терроризм.** Терроризм тарихининг иккинчи даври классик терроризм бўлиб, унда «террор»га сиёсий кураш воситаси сифатида қаралади. Чунки, «террор» атамаси Буюк француз инқилоби даврида юзага келди. Франциядаги жирондистлар ва якобинчилар томонидан 1790 йилларда сиёсий лексиконга киритилган «террор»дан халқни қўзғолонга тайёрлаш ва ҳокимиятни эгаллаш жараённида француз инқилобининг мафкурачилари фойдаланган эдилар.

Бироқ монархияга қарши курашда террорни курашнинг асосий воситаси деб билган инқилобчи кучлар ёш француз республикаси даврида ҳам ундан воз кечмадилар, аксинча Конвент (француз республикаси ҳукумати) раҳбарлари эндиликда террорни ўз мамлакати фуқароларига қарши қаратдилар. Ижтимоий хавфсизлик Комитети Ҳалқ Конвентини танқид қилишга журъат этган ҳар қандай шахсни «сиёсий жиноятчилик»да айблаб, қатл эта бошлади. «Террор» атамаси эндиликда «қўрқув», «даҳшат» каби мазмунини ҳақиқатда бутун моҳияти билан акс эттира бошлади.

«Террор» атамаси Францияда юзага келган бўлса-да, терроризм сиёсий воқелик сифатида XIX асрнинг биринчи ярмида Австрияга тобе бўлган, лекин мустақиллик илинжида бўлган Италияда муайян даражада ривожланди. Бу ердаги карбонарийлар (итальян тилида – «қўймирчилар») итальян миллий инқилоби ғалабаси учун полиция маҳкамаларига ҳужумлар уюштириш, банкларни ўмариш, пул олиш ёки сиёсий ён беришларга мажбур қилиш учун одамларни ўғирлаш билан шуғулландилар. Италиян озодлик ҳаракатининг доҳийси Гарибальди эса бу пайтда Англияда туриб Австрия-Венгрия империясига қарши террористик актларни молиявий таъминлаш мақсадида маблағ тўплади. Охир-оқибат Италия Австрия империясидан ажralиб чиққач, бу жараён ниҳоясига етди. Кейинроқ эса мунтазам равишда террористик актларни содир этувчи ташкилотлар вужудга келди.

**Анъанавий терроризм.** Анъанавий терроризм классик терроризм замирида шаклланган босқич бўлиб, унинг асосий хусусиятлари қуйидагилардир:

1) террористик актларни амалга оширишнинг муайян усуллари ва воситалари яратилди. Буларга портлатиш, қотиллик, ўт қўйиш, заҳарлаш, гаровга олиш каби усуллар ҳамда бомба, пичоқ, ханжар, пистолет, милтиқ, турли заҳарлар ва порох каби воситалар киради;

2) терроризм ўз мафкурасини яратди, натижада, терроризмнинг турли кўринишлари пайдо бўлди (сўл ва ўнг, ижтимоий ва сиёсий, миллатчилик, дунёқараш, инқилобий ва бошқалар);

3) терроризмнинг ижтимоийлашуви рўй берди, яъни у аҳолининг турли қатламлари орасида, маргиналлардан тор-

тиб то аристократларгача ўз ижтимоий базасига эга бўлди;

4) терроризм институционаллашиб, ўзининг доимий ташкилотларини яратди ва халқаро характер касб эта бошлади.

**Замонавий терроризм.** Замонавий терроризм терроризм тарихидаги ҳозирги босқичдир. Унинг асосий хусусиятлари эса қўйидагилардир:

1) терроризм оммавий характер касб эта бошлади, яъни у тобора кўпроқ қурбонлик талаб қилиб, қўркув ва таҳлика сола бошлади;

2) террористлар одамларни саросимага ва даҳшатга со-лишнинг замонавий усуллари – газ, бактериологик восита-лар, масофавий ва космик алоқа, интернет ва ОАВдан фой-даланишга ўтдилар. Гаровга олингандар ҳаётига, Ернинг сунъ-ий йўлдошлари ва ҳатто ядрорий арсеналларга нисбатан ҳам реал ҳавф пайдо бўлди.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда замонавий терроризм XX аср 60-йиллари охиридан вужудга келган деб ҳисоблаш мум-кин. Замонавий терроризм томонидан зўрликнинг ноанъана-вий воситаларининг қўлланилиши реал воқеликка айланди. Жумладан, Япониядаги синтоизм дини тоталитар секталари-дан бири бўлмиш Аум Синрикё сектасининг 1995 йилда То-кио метросидаги пассажирларга қарши зарин моддасини иш-латиши оқибатида 5500 инсон жабрланди. Япония маҳсус хиз-матлари томонидан тезкор чора-тадбирлар ўз вақтида амалга оширилмаганида жабрланганлар сони 40 минг кишигacha ети-ши мумкин эди<sup>1</sup>. Ушбу терактдан сўнг террористлар томони-дан заҳарли газлар, бактериологик воситаларнинг, интернет ва ОАВнинг қўлланиши янада кучайиб кетди.

**Терроризм турлари.** Мураккаб ижтимоий-сиёсий ҳодиса бўлган терроризмни турларга бўлиш сиёсатшунослик нуқтаи назаридан долзарб масала бўлиб, бунда теракт жараёнида ишлатиладиган воситаларга асосий мезон сифатида қарала-ди. Шунга кўра терроризм икки турга: анъанавий ва замона-вий технологик (технологик) терроризмга ажратилади.

<sup>1</sup> Химическое оружие и проблемы его уничтожения. – М., 1997. №3. – С. 12. //Рахимов Д.Ф. Современный конструкции определения терроризма: международно-правовые аспекты. – Т., 2004. – С.20.

Одамларни ҳалок қилувчи азалдан маълум воситалар (совуқ қурол, ўқ отувчи қурол, портловчи моддалар ва ҳоказолар)-дан фойдаланиб сиёсий мақсадлар йўлида амалга ошириладиган террор анъанавий терроризмга хос хусусиятдир.

Замонавий (технологик) терроризм эса радиоактив материаллар, ўта заҳарли газлар, кимёвий ва биологик моддалар каби вайрон қилишнинг янги восталарини қўллашни афзал кўради, нисбатан катта ҳудудни қамраб олиши ва қўплаб аҳолининг қурбон бўлишига олиб келиши жиҳатидан ўта хавфли жиноят турига киради.

### **Замонавий (технологик) терроризмнинг кўринишлари.**

*Ядровий терроризм* – ядровий портловчи қурилмаларни портлатиш ёки портлатиш таҳди迪, радиоактив материаллар билан заҳарлаш, ядровий объектларни босиб олиш ёки диверсия уюштиришни ифода этади. Ҳозир дунёning 30 мамлакатида 450 га яқин ядровий саноат объектлари, юзлаб ядро реакторлари, ўн минглаб ядровий қурилмалар мавжудлиги эътиборга олинса, терроризмнинг бу кўриниши инсониятга нисбатан қанчалик катта таҳдидга айланганини тасаввур қилиш мумкин.

*Хайджекинг* – йирик транспорт воситалари: самолёт, поезд, автомобиль ва кемаларни ўғирлашни кўзда тутади. 2001 йил 11 сентябрда АҚШ ҳудудида мамлакат авиакомпанияларига қарашли уч йирик самолётнинг пассажирлар билан бирга олиб қочилганлиги, амалга оширилган теракт натижасида қўплаб фуқароларнинг ҳалок бўлганлиги катта фожиа бўлган эди.

*Кибертерроризм* – маҳсус хакер дастурлари орқали компьютер бошқаруви тармоқларини эгаллаб олиш, компьютер вируслари ёрдамида интернет тармоғида теракт содир этиш, интернет тармоғини ишдан чиқаришни кўзда тутади.

*Биотерроризм* – штам, вирус, куқун каби бактериологик воситалардан фойдаланган ҳолда теракт содир этиш.

*Кимёвий терроризм* – зарин, неприн каби заҳарловчи ва бўғувчи газлардан террористик мақсадларда фойдаланиш.

*Экотерроризм* – теракт обьекти сифатида флора (ўсимлик дунёси) ва фауна (ҳайвонот дунёси)нинг танланиши.

*Инфотерроризм* (ахборот террори) – теракт содир этишга олиб келиши мумкин бўлган маълумотнинг ОАВ орқали тар-

қатилиши, иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатнинг ўз техник имкониятларидан бошқаларнинг зарари учун фойдаланишини англатади. Мисол учун бирон бир ёлғон хабар баъзан бутун дунё давлатларини бир-бирига қарама-қарши қилиб қўяди, минг-миллионлаб одамларнинг руҳиятини заҳарлайди, уларни йўлдан адаштиради. Шу боис, жаҳон оммавий ахборот воситалари орқали, хусусан, «Интернет» тармоғидан тарқатилаётган хабарлар ноҳолис берилар экан, демак, турли заарали оқибатлар ҳам келиб чиқади. Бундай заарали ахборотларни «Ахборот терорри» деб аташ мумкин. Террорнинг бу кўриниши бугунги кунда сиёсий терроризмнинг ажралмас қисмига айланаб бормоқда.

Жумладан, АҚШ Ироққа хужум бошлашдан олдин ОАВ, хусусан, телевидение ва радио тармоғини ишдан чиқарганилиги ҳам бежиз эмас эди. Ахборот террорида асосий диққат-эътибор одамларнинг онгини ишфол қилишга, уларни ўз измига бўйсундиришга қаратиласди. Ўзгаларни тобе қилишнинг энг қулай йўли – бир давлатни бошқалардан кўра бадавлат ёки обрўли, инсонпарвар, демократ қилиб кўрсатиш, яъни манипуляция қилишdir. Масалан, АҚШнинг ҳар қандай қўшин турида ахборот урушини пайдо қиладиган марказ мавжуд. АҚШ ҳарбий ҳаво кучларининг «ахборот жангига» маркази Техас штатидаги ҲХКнинг Келли деган базасида, қурукликдагиси эса Виржиния штатининг Бельвуар фортида жойлашган<sup>1</sup>.

Шу маънода бугунги кунда «давлат терроризми» тушунчалиси кенг тарқалган. Давлат терроризмининг ташқи сиёсий жиҳати хорижий давлатларнинг муайян мамлакат ички ишларига аралашувида амалда намоён бўлмоқда. Муайян давлат ўз ҳарбий-сиёсий экспанциясини (босқинчилик сиёсатини) амалга оширасди экан, давлат терроризми миллий чегаралар доирасидан ташқарига чиқиб, бошқа мамлакатлар суверенитетига нисбатан таҳдидга айланади.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, давлат терроризмининг халқаро ҳукуқ нормаларига зид эканлиги БМТ Бош Ассамблеясининг 39-сессиясида қабул қилинган резолюцияда бел-

<sup>1</sup> Кўчкор Норқобиј. Ниқоби йиртилаётган «демократия» // Ўзбекистон овози. 2006. 10 окт. №120.

гилаб қўйилган. Ушбу резолюцияга кўра давлат терроризми суверен давлатдаги ижтимоий-сиёсий тузумни зўрлик билан ўзгартириш ёки бузиш, қонуний ҳукуматни ағдариш ҳамда терроризмни қўллаб-қувватловчи хатти-ҳаракат сифатида баҳолангандир<sup>1</sup>.

Хуллас, ўз вайронкорлик хусусиятларига кўра давлат терроризмини терроризмнинг ўта хавфли турларидан бирига киритиш мумкин.

Террористик ташкилотларнинг гоявий-сиёсий мақсадларига кўра терроризмнинг мафкуравий, миллатчилик, диний ва бошқа кўринишлари ҳам ажратилади. Масалан, ўнг ва сўл терроризм мафкуравий терроризмга киради. Ўнг терроризм миллат учун анъанавий бўлган сиёсий қадриятларга таянади. (Неофашистлар гурухлари, Лотин Америкасидаги «ўлим эскадронлари».) Бугун Фарбий Европанинг айрим мамлакатларида ҳам ўнг экстремизм ва терроризмнинг жонланиши кузатилмоқда.

Сўл (инқилобий, «қизил») терроризм эса мафкуравий терроризмнинг яна бир кўриниши бўлиб, сохта инқилобий, жумладан, троцкийча ва маоча тамойилларга таяниб, инқилобий вазиятни, ахолининг оммавий кўзғолонини ташкил этишга, охир-оқибатда мавжуд тузумни зўрлик билан ағдаришга интилади. (Германияда «Қизил Армия фракцияси», Италияда «Қизил бригадалар», Греция ва Лотин Америкасида «Халқ инқилобий кураши» каби террористик ташкилотлар.)

Миллатчилик терроризми кенг тарқалганлиги, ўта шафқатсизлиги ва кўплаб қурбонларга олиб келиши билан ажralиб туради. Мавжуд конституциявий тузумни, давлатчиликнинг кўпинча федератив тузилишини, мамлакатдаги мавжуд миллий-давлат ёки маъмурий-худудий тузилмаларни зўрлик билан ўзгартиришни ўзининг сиёсий мақсади сифатида белгилайди. Испанияда, Францияда, Англияда, Бельгияда ва бошқа Европа мамлакатларида миллатчи экстремистик ташкилотларнинг бундай фаоллигини кузатиш мумкин.

Миллатчилик терроризмининг турли-туман кўринишларидан

<sup>1</sup> БМТ Бош Ассамблеясининг 39/159 резолюцияси // Рахимов Д.Ф. Современные конструкции определения терроризма: международно-правовые аспекты. – Т., 2004. – С. 17.

рига сепаратизм терроризмини (миллатчи сиёсий озчилик томонидан мустақиллик ёки автономияга эришиш учун амалга ошириладиган терактлар. ЭТА, корсикалик террористлар.); миллий-озодлик терроризмини (мустамлака ва ярим мустамлака мамлакатларда давлат суверенитетига эришиш учун террордан фойдаланиш); репрессив-миллий терроризмини (муайян давлат ичидаги миллатлараро низолар жараённан имтиёзли миллат гурухларининг бир миллатли давлат ташкил этиш мақсадида миллий озчилик талабларини террор йўли билан бостиришида, ўз навбатида, миллий озчиликнинг террорга террор билан жавоб беришида намоён бўлади); ҳудудий-сепартизм терроризмини (оз тарқалган ҳодиса бўлиб, бунда муайян давлат ичидаги ҳукмрон миллат вакиллари мамлакатнинг муаяйн ҳудудига суверенитет берилишини талаб қиладилар) киритиш мумкин.

Бундан ташқари, дунёқарааш терроризми ҳам мавжуд бўлиб, ҳукмрон сиёсий меъёрлар ва муносабатлар билан муроса қилишни истамаслик ундаги асосий хусусиятдир. Диний терроризм шу маънода дунёқарааш терроризмига киради. Терроризмнинг Марқазий Осиё минтақасига нисбатан сўнгги ўн йилликда кучайган таҳди迪 жамият ва давлатни бошқаришнинг демократик, дунёвий шаклларини инкор этувчи диний терроризм ва экстремизм моҳиятига чуқурроқ эътибор беришни тақозо этмоқда.

Диний терроризм – ҳозирги замон терроризмининг кенг тарқалган кўринишларидан бири бўлиб, у ёки бу диний ақидалардан фойдаланган ҳолда муайян сиёсий мақсадларни кўзлайди. Сиёсат дунёсини ўз тамойиллари асосида қайта қуришни, одамлар онгига таъсир этишни диний ақида ва қадриятлар негизида амалга оширишни истовчи диний-террористик гурухлар ҳокимият учун курашиш, миллатлараро жанжаллар ва ҳар хил сиёсий можароларни келтириб чиқаришда диндан сиёсий қурол сифатида фойдаланишга ҳаракат қиладилар.

Шуни қайд этиш керакки, дунёда 500 га яқин террорчиклик ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. Уларни сиёсий мақсадлари; диний йўналиши; қандай қилиб ва нима учун пайдо бўлгани; ижтимоий ва этник таркиби; сони ва ташкилий тузилиши; қаерда фаолият юритишни маъқул кўриши; террор

усуллари; тажовузкорлик даражаси ва муросага мойиллиги бўйича таснифлаш мумкин. Аксар террорчилик ташкилотлари яширин фаолият кўрсатишига қарамай, кўплаб мамлакатларнинг ҳукуматлари уларни ҳисобга олишга ҳаракат қилишади. Жумладан, Россия ҳукумати ўз «қора» рўйхатига қуийдаги террорчилик ташкилотларини киритган:

- 1) «Кавказ мужоҳидлари бирлашган кучлари олий ҳарбий мажлиси»;
- 2) «Ичкерия ва Догистон ҳалқлари конгресси»;
- 3) «База» – («Ал Қоида»);
- 4) «Абсат Ал-Ансор» (Ливан);
- 5) «Муқаддас уруш» («Ал-Жиҳод», Миср);
- 6) «Ислом гуруҳи» («Жамоа ул-Исломия», Миср);
- 7) «Мусулмон биродарлар» («Ал-Ихвон ал-Муслимун»);
- 8) «Ислом озодлиги партияси» («Ҳизбут-таҳрир ал-Исломий»);
- 9) «Лашкари – Тойба» (Покистон);
- 10) «Ислом гуруҳи» («Жамоати Исломий»);
- 11) «Туркистон ислом партияси» (собиқ Ўзбекистон Ислом ҳаракати).

Террорчилик ташкилотларининг асосий сиёсий мақсадлари қўйидагича:

- глобаллашув ва трансмиллий компанияларга қарши;
- бирор диний конфессия ёки этник гуруҳга қарши;
- ўз ҳукуматига қарши;
- бир давлат манфаати йўлида бошқа ҳукуматга қарши;
- миллат ёки дин соғлиги учун курашиш;
- айирмачилик мақсадида ва ўз давлатини тузиш учун курашиш;
- бирор дунёқарашга қарши (абортга, экологиянинг бузилишига қарши курашиш ва ҳоказо).

Диний йўналиш тушунчаси ниҳоятда шартлидир. Чунки аксар террорчилик ташкилотлари ўз мақсадларига етишиш йўлида диндан ниқоб сифатида фойдаланишади. Булар: сохта ислом, сохта насронийлик, сохта иудаизм, янги дин ўйлаб топиш, динларни инкор этиш кабилардир<sup>1</sup>.

**Терроризмнинг сабаблари.** Терроризм сиёсий экстремизм-

<sup>1</sup> Террорчилик ташкилотлари. Улар ҳақида қисқача маълумотлар // Пост-да. – 2004 йил 15 апрель. – №16.

нинг бешафқат кўринишларидан бири бўлиб, у умумий этикани рад этувчи нигилизм оқибатида келиб чиқади. Шу ўринда савол туғилиши табиий. Хўш, терроризмнинг келиб чиқиш сабаблари нимада?

Терроризм ички сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий жараёнлар натижасида келиб чиқади. Бунга қуйидагилар сабаб бўлиши мумкин: муҳолифатни сиқиб қўйиш, давлатлараро зиддиятлар, этник ва диний зиддиятлар, айирмачилик ва мустақиллик учун курашиб, қашшоқлик ва ишсизлик, мафкуравий бўшлиқ. Бошқа давлатларнинг қўллаб-қувватлаши, анъанавий турмуш тарзини бузувчи глобаллашув, америкача сиёсат, иқтисодий ва маданий гегемонияга интилиш каби ташки омиллар ҳам терроризмни келтириб чиқариши мумкин.

Бироқ айрим мутахассислар аҳолининг камбағаллиги, қашшоқлигини терроризмнинг асосий сабаби деб ҳисоблайдилар. Бундай сабабчи омилларни инкор этмаган ҳолда уларнинг бош сабаб эмаслигини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз.

*Биринчидан*, аҳолининг ўта қашшоқ қисми доим сиёсатдан йироқ бўлади, бинобарин сиёсий экстремизм жиноятлагрига уни шерик қилиш адолатдан бўлмаса керак. Қолаверса, қашшоқликдан, ноҷорликдан тамомила тушкунликка тушган шахс қўлига қурол олиб ёки қўйнига бомба солиб, ўзи билан бошқа ўнлаб мутлақо беайб инсонлар ҳаётига зомин бўлади, дейиш мантиққа тўғри келмайди.

*Иккинчидан*, агар шундай бўлса, нега қолоқ, қашшоқ, маданий тараққиёт даражаси анчагина паст минтақаларда (масалан, Жанубий Африка бушменлари, Мексика ҳиндулари ва бошқа ўтроқ камбағал қабилаларда) терроризм деган тушунчанинг ўзи йўқ?

Камбағалликни терроризм сабаблари сифатида қайд этувчи тадқиқотчилар фикрларини мутлақ рад этмаган ҳолда унга аниқлик киритиб, шуни айтиш жоизки, террористик актларни амалга оширишни кўзловчи гуруҳлар итоаткор ижрочиликнинг кўпроқ юқорида санаб ўтилган қатламлардан излайдилар ҳамда камбағаллик, қашшоқликнинг сабаб ва оқибатларини йўқ қилиш воситаси сифатида риёкорлик билан террорчиликни кўрсатадилар.

Хулоса қилиб айтганда, терроризм ўта мураккаб ижтимоий ҳодиса бўлиб, у ўз таркибига кўра:

- террористик, экстремистик фоя ёки мафкурани;
- террорчиллик актларини у ёки бу шаклда амалга оширишни ташкиллаштирувчи ташкилий тузилмани;
- террорчиллик актларини амалга оширишга қаратилган аниқ фаолият ёки хатти-харакатни ўз ичига олади.

## **2. Халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар терроризм түғрисида**

Террорнинг аниқ инсон, одамлар гурӯҳи, аҳоли ёки давлатга қарши қаратилган жиноий ҳаракат сифатида квалификация қилиниши дастлаб 1937 йилда Миллатлар Лигаси ташаббуси билан ўтказилган Женева конференцияси ҳужжатларида учрайди. Ўша йилда терроризмнинг бутун дунёга ёйилиши хавфини олиш мақсадида Миллатлар Лигаси 11 давлат вакилларидан иборат маҳсус эксперталар қўмитасини тузиб, унга сиёсий терроризмга оид жиноятларга қарши халқаро конвенция лойиҳасини тузишни топширди. 24 давлат томонидан имзоланган «Терроризмнинг олдини олиш ва унинг учун жавобгарлик түғрисида», «Халқаро жиноят судини тузиш түғрисида» каби конвенцияларда «терроризм» тушунчасига дастлабки сиёсий-ҳуқуқий таъриф берилган эди. Гарчи бу конвенциялар ўша пайтда кучга кирмаган бўлса-да («Терроризмнинг олдини олиш ва унинг учун жавобгарлик түғрисида»ги конвенцияни фақатгина Ҳиндистон ратификация қилган эди), кейинчалик бу ҳужжатлар БМТ ва бошқа халқаро ташкилотларнинг ушбу йўналишдаги фаолиятида назарий асос бўлиб хизмат қилди. Муайян камчиликларига қарамай терроризм түғрисида қабул қилинган ушбу конвенциялар хўлосалари 1956 йилда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан яратилган «Тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноятлар кодекси» лойиҳасини тайёрлашда асос бўлиб хизмат қилди.

Бизнинг давримизга келиб эса халқаро ҳамжамият томонидан терроризм түғрисида бир қанча халқаро шартномалар, келишув ва конвенциялар ишлаб чиқилган ҳамда қабул қилинган. Уларда халқаро терроризмнинг ҳар қандай кўринишларига, уни молиявий таъминлаш ва кўллаб-куватловчи хатти-харакатларга қарши кураш масалалари ўз ифодасини топган.

БМТ ва унинг маҳсус муассасалари кўп йиллардан бўён терроризмни бартараф этиш, теракт учун жавобгар бўлганларни жазога тортиш бўйича кенг қамровли халқаро ҳуқуқий

хужжатларни тайёрлаб бермоқда. 1963 йилдан бошлаб тайёрланаётган бу хужжатлар самолётларни олиб қочиш, одамларни гаровга олишдан тортиб, то терроризмни молиялаштиришгача бўлган терроризмнинг барча кўринишиларига қарши курашда фойдаланиш учун мўлжалланган асосий юридик нормалардир.

БМТ терроризм муаммоси билан ҳуқуқий жиҳатдан ҳам, сиёсий жиҳатдан ҳам бевосита шуғулланади. БМТ ва унинг Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти (ИКАО), Халқаро денигизлар ташкилоти (ИМО) ва Халқаро атом энергияси агентлиги сингари ихтисослаштирилган муассасалари терроризмга қарши кураш борасида ҳуқуқий восита ҳисобланган қатор халқаро битимларни ишлаб чиқди.

Жумладан:

1) Ҳаво транспортида содир этилган ҳуқуқбузарликлар ва бошқа ҳаракатлар тўғрисида конвенция (1963 йилда Токиода қабул қилинган);

2) Ҳаво кемаларини ноқонуний қўлга олишни тўхтатиш тўғрисида конвенция (1970 йилда Гаагада қабул қилинган);

3) Халқаро фуқаро авиациясига хизмат кўрсатувчи аэропортларда ноқонуний зўравонлик ҳаракатларини тўхтатиш тўғрисидаги протокол (1988 йилда Монреалда қабул қилинган) ва ҳоказолар.

Жаҳон ҳамжамияти ва халқаро ташкилотларнинг терроризмга нисбатан муносабатини аниқлашда БМТ Бош Ассамблеяси раҳбарлигида тузилган қўйидаги уч конвенция алоҳида аҳамиятга эга.

**1. Гаровга олишга қарши кураш тўғрисида конвенция (1979).** Унда иштирок этувчи мамлакатлар гаровга олиш тегишли тартибда жазоланадиган ҳаракат эканига келишиб олишди. Улар, шунингдек, ўз ҳудудларида муайян турдаги фаолиятларни тақиқлаш, аҳборотлар алмашиш ва тергов фаолиятларини ҳамда экстрадиция имкониятларини яратиш тўғрисида ҳам келишиб олдилар. Агар иштирок этувчи мамлакат у ёки бу жиноятчини беришдан бош тортар экан, ишни ўз адлия органларига текшириш учун бериши лозим. 1998 йилнинг ўрталарида келиб Конвенцияга 83 мамлакат аъзо бўлди.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> БМТ. Асосий омиллар. – Т., 2001. – Б. 311.

**2. Бомба терроризмига қарши кураш түгрисида халқаро конвенция.** Ушбу Конвенция БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1977 йилда қабул қилинган. У террорчиллик акти содир этиб, бошпана қидириб юрган шахсларга бошпана беришни тақиқлашни күзде тутади, ҳар бир мамлакат зыммасига бундай шахсларга нисбатан, уларни беришдан бош тортган ҳолда жинойи иш очиш мажбуриятини юклайди.

**3. Жиноятыларни ёллаш, улардан фойдаланиш, молиялаш ва ўқитишга қарши кураш түгрисида халқаро конвенция (1989)<sup>1</sup>.**

Бундан ташқари, БМТ Бош Ассамблеяси ядро терроризмига қарши кураш бўйича халқаро конвенция лойиҳасини ишлаётган маҳсус комитет ҳам таъсис этди.

Бош Ассамблея сиёсий соҳада 1994 йилда «терроризмнинг барча ҳаракатлари ва кўринишлари, у қачон ва ким томонидан содир этилганидан қатъи назар кечириб бўлмайдиган жиноят сифатида» қораланадиган декларация қабул қилди. Ушбу халқаро ҳукуқий ҳужжат «Халқаро терроризмни бартараф этиш борасидаги чоралар түгрисидаги декларация», деб аталади. Ассамблея иштирок этувчи давлатлардан халқаро терроризмни бартараф этиш бўйича миллий ва халқаро миқёсда чора-тадбирлар қабул қилишни қаттиқ талаб қилди.

Терроризмга қарши кураш, уни бартараф этиш масалалари га оид сиёсий-ҳукуқий ҳужжатлар нафақат БМТ доирасида, балки Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, ЕХХТ, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти каби тузилмалар аъзолари бўлган давлатлар ўртасида ҳам имзоланмоқда. Жумладан:

1. МДҲ аъзолари томонидан 1999 йилнинг 4 июнида имзоланган «Терроризмга қарши кураш түгрисидаги шартнома».

2. Терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш түгрисида 2001 йил 15 июнда имзоланган Шанхай конвенцияси<sup>2</sup>.

3. Минтақавий аксиллеррор тузилмаси түгрисида 2002 йил 7 июнда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти аъзолари ўртасида имзоланган келишув ва бошқа ҳужжатларда терроризм, се-

<sup>1</sup> Бу Конвенцияга Ўзбекистон Республикаси 1997 йил 26 декабрда қўшилди.

<sup>2</sup> Ушбу Конвенция ШХТ аъзолари – Россия, Хитой, Қозогистон, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлатлари томонидан имзоланган.

паратизм ва экстремизмнинг халқаро тинчлик ва хавфсизликка, давлатлараро дўстона муносабатларга ҳамда инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга хавф солаётганлиги, шунинг учун барча тинчликсевар кучларнинг унга қарши қурашда ҳамкорлик қилиши зарур эканлиги қайд этилган. 2004 йилнинг 1 январидан бошлаб Тошкентда тўлақонли фаолият юритишни бошлаган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси зиммасига ўта муҳим вазифалар юклатилган.

2004 йил июнида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг Тошкентда бўлиб ўтган саммитида хавфсизликка таҳдидлар масаласида ягона ёндашув ва қараш, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, маҳсус хизматлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўргасида мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиш, халқаро миқёсдаги етакчи аксилтеррор марказлари (БМТ, Интерпол, АСЕАН) билан конструктив ҳамкорлик қилиш Минтақавий аксилтеррор тузилмасининг фаолиятидаги ўзига хос принципиал жиҳатлар эканлиги яна бир бор қайд этилди.

Шунингдек, Минтақавий аксилтеррор тузилмаси террорчилик, айирмачилик ва экстремизмнинг барча кўринишлари ҳамда халқаро жиноий фаолиятни молиявий таъминлаб турган наркотрафикка қарши изчил қурашиш борасида минтақа мамлакатларига кўмаклашиши зарур.

Бугунги кунда тероризм ва унинг турли-туман кўринишларига қарши ўнлаб халқаро сиёсий-ҳуқуқий хужжатлар тайёрланган ва жаҳоннинг кўпгина давлатлари томонидан ратификация қилинган. Ҳозирда ҳам бу жараён давом этмоқда. Зеро, дунёда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш терроризм, сепаратизм ва экстремизм каби инсониятга қарши жиноятларни олдини олиш ҳамда бартараф этишни тақозо этади.

### **3. Ўзбекистон Республикасида терроризм хавфининг олдини олиш масалалари**

Ўзбекистонда шакланаётган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти ўта мураккаб ва мashaққатли сиёсий жараёнга асосланганadir. Бир томондан эски совет тузумидан қолган салбий мерос демократик ўзгаришларга қаршилик

кўрсатса, иккинчى томондан айрим сиёсий кучлар халқимиз танлаган дунёвий тарақиёт йўлига раҳна солиб, уни издан чиқариш ва диний мақомга буриб юборишга ҳаракат қилмоқдалар. Бу «айрим сиёсий кучлар» диний экстремизм ва терроризмнинг бевосита илҳомчилари ва бажарувчилари бўлиб, улар нопок сиёсий мақсадлари йўлида инсон ва жамиятнинг энг нозик ва қалтис тарихий қадрияти – диндан фойдаланишга уринмоқдалар. Бу хавфни назарда тутиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан танланган ўз йўлимизда қатъйлигимизни, яни Ўзбекистон ақидапарастликнинг – у хоҳ диний, хоҳ коммунистик шаклда бўлсин – ҳар қандай кўринишларига қарши эканлигини доимо таъкидлаб келади.

1999 йилнинг 16 февралида Тошкент шаҳрида террористлар томонидан уюштирилган портлашлардан бошлаб терроризм муаммоси Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий ҳаётга таҳдид со-лувчи асосий хавф-хатарлардан бирига айланди. Чунки теократик давлат қуриш илинжида бўлған террорчилар жамиятимиз сиёсий технологиясидаги заиф нуқталардан (ишизлик, ҳокимият амалдорларининг гайрим нуқсонлари ва ҳоказолар) ўз фаразли мақсадлари йўлида фойдаланмоқчи бўлдилар.

Жиноятнинг ўта хавфли бу турига қарши кураш Миллий хавфсизлик хизмати, ИИВ, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита, Мудофаа вазирлиги ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги каби идоралар зиммасига юклатилди. Терроризмга қарши курашда иштирок этаётган тегишли давлат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда террорчилик фаолиятининг олдини олиш, унга чек қўйиш ва унинг оқибатларини минималлаштириш борасида ҳамкорликда ҳаракат қилишларини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати томонидан амалга оширилади.

Мустақил давлатимиз қонунчилигига терроризмга қарши курашнинг асосий принциплари (қонунийлик, инсон ҳукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устуворлиги, жазонинг муқаррарлиги) бир қатор норматив-ҳукуқий ҳужжатларда ўз ифодасини топган бўлиб, бу ҳужжатларнинг асосийлари қўйидагилардир:

1. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодекси (2001 йил 18 октябрдаги ўзгартиш ва қўшимчалар билан).

2. Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги қонуни (2000 йил 15 декабрь).

3. Ўзбекистон Республикасининг «Жиноят, Жиноят-процессуал кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни (2001 йил 29 август).

4. Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисида»ги қонуни (2004 йил).

Ушбу ҳукуқий-меъёрий ҳужжатлар орасида Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги ва «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисида»ги қонунлар алоҳида эътиборга молик. Чунки, бу қонунлар туфайли Ўзбекистонда терроризмга қарши курашнинг норматив, ташкилий ва моддий-техник асослари яратилди. Унга кўра терроризмни тарғибот қилиш, террористик гурӯҳ ва ташкилотларни тузиш ҳамда уларнинг фаолияти, тайёрланадан ёки амалга оширилган террористик жиноятларга оид маълумот ва далилларни яшириш тақиқланади.

«Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги қонунда «терроризм – сиёсий, диний, мафкуравий ва бошқа мақсадларга эришиш учун шахснинг ҳаёти, соғлиғига хавф туғдирувчи, мол-мулк ва бошқа моддий обьектларнинг йўқ қилиниши (шикастлантирилиши) хавфини келтириб чиқарувчи ҳамда давлатни, халқаро ташкилотни, жисмоний ёки юридик шахсни бирон-бир ҳаракатлар содир этишга ёки содир этишдан тийилишга мажбур қилишга, халқаро муносабатларни мураккаблаштиришга, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузишга, хавфсизлигига путур етказишга, куролли можаролар чиқаришни кўзлаб ифвогарликлар қилишга, аҳолини қўрқитишга, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга қаратилган, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида жавобгарлик назарда тутилган зўрлик, зўрлик ишлатиш йўли билан қўрқитиш ёки бошқа жиноий қилмishлар» сифатида тавсифланган<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – Т., 2001. №1–2.

Терроризмга қарши кураш даставвал уни озиқлантирувчи гоявий-маънавий ва молиявий-иқтисодий манбаларни зарарсизлантиришни тақозо этади. Шу муносабат билан 2006 йилнинг 1 январидан кучга кирган «Жиноий фаолиятдан олингандаромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисида»ги қонунга кўра пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкка оид операциялар устидан назоратни амалга ошириш ваколати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юклатилган. Республика Бош прокуратураси ҳузурида фаолият кўрсатаётган Солиқ, валютага ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаменти зиммасига молиявий разведканинг замонавий тизимини яратиш, жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришнинг канал ва механизmlарини аниқлашга йўналтирилган молиявий, мулкий операцияларнинг мониторингини амалга ошириш, хорижий давлатларнинг ваколатли органлари ҳамда халқаро ихтисослашган ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш ва ахборотлар айирбошлиш каби янги вазифалар юклатилди.<sup>1</sup> Чунки бугун диний шиорлар билан ниқобланган, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдосидан келаётган катта-катта маблағлар эвазига яшаётган халқаро террорчилик минтақа хавфсизлигига жиддий таҳдид туғдирмоқда. И. А. Каримов таъкидлаганидек «Марказий Осиё давлатлари юзлаб тонна опиум ва героинни, асосан, Европа ва Шимолий Америка мамлакатларига олиб чиқиш учун энг қисқа ва қулай йўлларга – коридорларга айланмоқда»<sup>2</sup>.

Халқаро валюта фондининг 2006 йилдаги маълумотларига кўра дунёнинг турли минтақаларида наркокартеллар ўушган жиноятчилик ва халқаро терроризмни молиялаштиришга ҳар йили 500 миллиондан то 1,5 миллиард долларгача маблағ сарфламоқда. Жумладан, сўнгги 6–8 йилда рўй берган 111 та можароларда иштирок этган террорчи гурухларнинг наркокартеллар билан молиявий алоқадорлиги ХВФ

<sup>1</sup> Йўлдошев Н. Терроризмнинг молиявий манбаларига қарши кураш хавфсизлик ва барқарорлик шартидир // Ўзбекистон овози. 2006. 24 авг. №97–98.

<sup>2</sup> Ислом Каримов терроризм хавфи тўғрисида / Тузувчи муаллифлар: Ш.-Р.Қобилов, Б.У.Таджиханов. – Т., 2001. – Б. 107.

экспертлари томонидан аниқланди. Минтақадаги барқарорликка хавф туғдирішда ҳамон асосий омил бўлиб қолаётган Афғонистонда ЯИМ (ялпи ички маҳсулот)нинг 50% ини гиёхванд моддалардан олинаётган даромад ташкил этмоқда<sup>1</sup>.

Ўзбекистонда терроризмнинг пайдо бўлиш илдизлари, тарқалиш динамикаси, ислом дини никоби остида фаолият юритишга киришган диний-экстремистик гуруҳлар фаолияти, уларнинг сиёсий мақсад-муддаолари хусусида алоҳида тўхталишдан аввал «диний фундаментализм», «диний экстремизм», «диний терроризм» каби тушунчалар моҳиятини англаб олиш хукуқ-тартибот идораларининг ҳар бир бўлажак ходими учун катта назарий ва амалий аҳамият касб этади.

«Фундаментализм» сўзи лотинчадан келиб чиққан бўлиб, «асос» ёки «пойдевор» маъносини англатади. («Бирор нарсанинг асоси, жумладан, диннинг асоси ёки пойдевори» маъносида.) Фундаментализм барча динларга хос бўлиб, диннинг асли қандай бўлса уни шундайлигича сақлаб қолишга ҳаракат қиласди.

Аслида «фундаментализм» атамаси авваламбор христиан дини билан боғлиқдир. У илмий манбаларга кўра, илқ бор 1908 йилда АҚШнинг Калифорния штати протестантлари тузган «Христиан динининг фундаментал тушунчалари конференцияси»га нисбатан қўлланилган эди. Фундаменталистик тенденция барча жаҳон динларига хос бўлса-да, бироқ у маълум сабабларга кўра фақат ислом динига нисбатан қўлланилмоқда. Шу маънода «ислом фундаментализми» атамаси кўпроқ геополитик маънога эга бўлиб, ундаги фундаментал ғояларга зид келади. Чунки ислом дини буддизм, яхудийлик ва христианлик каби асл моҳияти билан эзгуликка асосланган бўлиб, кишиларни маънавий жиҳатдан яқдилликка, маънавий барқарорликка ундейди. Бироқ бугунги оммавий ахборот воситаларида «фундаментализм» атамаси кўпроқ тажовузкор маънода ишлатилмоқда. Ҳолбуки, «фундаментализм» тушунчасига сиёсий маъно бериб, уни «терроризм» ва «экстремизм» тушунчалари билан бир қаторга қўйиш ҳозирги пайтда дунё сиёсий саҳнасида ўз гегемонлигини ўрнатишга даъвогарлик қилаётган айrim давлатларнинг дунё жамоат-

<sup>1</sup> Незаконная торговля наркотиками – угроза стабильности и процветанию // Правда Востока. 2006. 23 сент. №184.

чилигини «ислом хавфи» билан қўрқитиш, «ислом дини тажовузкор дин» деган тасаввурни туғдириш орқали улар эътиборини ижтимоий муаммолардан чалғитиш борасидаги манфаатларига хизмат қиласди.

Шу боис, айрим Farb оммавий ахборот воситалари томонидан ташвиқ этилаётган «ислом терроризми», «ислом экстремизми» каби ибораларнинг орқасида баъзи хорижий давлатларнинг сиёсий манфаатлари ва мақсадлари яширганинг ижро ҳокимиятининг вакиллари бўлмиш ички ишлар органлари ходимлари чуқур англамоқлари лозим. Буни англаш ҳалқимизнинг азалий қадрияти бўлмиш диний қадриятларга, диний эътиқодга, фуқароларимизнинг конституциявий ҳукуқларига тажовуз этишга олиб келувчи хатти-ҳаракатлардан тийилишга олиб келади. Шунингдек, «фундаментализм» тушунчаси моҳиятида ижобий маъно ҳам борлигини тушуниш, яъни ислом динининг туб қадрияти ҳисобланмиш эзгулик ва адолат категорияларининг экстремизм ва терроризм каби ёвузлик категорияларига зид эканлигини англашта кўмаклашади. Энг муҳими – фундаментализмнинг сиёсий эмас, балки мафкуравий ҳодиса эканлигини англашга олиб келади. Афсуски оммавий онгда нафақат фундаментализм ва экстремизм ўртасидаги фарқни, балки фундаментализмнинг мафкуравий ҳодиса эканлигини, экстремизм эса дин ниқобидаги сиёсий ҳодиса эканлигини билмаслик ҳукмронлик қилмоқда.

Шубҳасиз, ҳар қандай динда, жумладан, ислом динида ҳам тажовузкор, файридиний, файриинсоний тоталитар мазҳаб ва оқимлар учрайди. Бир вақтлар араб дунёсида тажовузкорлиги билан танилган «Мусулмон биродарлари», «Ал-жамоа ал-исломия» (Миср), Фаластин, Иордания, Жазоир ва бошқа мамлакатларда катта таъсир кучига эга бўлган «Ҳизбуллоҳ», «Фатҳ», «Хамас» каби террорчи ташкилотлар бу фикрнинг исботидир. Уларнинг фаолияти муайян даражада Истроил давлатининг экспасиявийлик сиёсатига ҳам қарши қаратилгандир. Бироқ бундан ислом дини тажовузкор, радикал диндир, деган хулоса чиқариш нотўғридир.

Диндаги муқаддас ақидаларни ниқоб қилиб олган террористик ташкилотлари ва тоталитар секталар бошқа динларга эътиқод қилинадиган минтақаларда ҳам учрайди. Масалан,

чорак асрдан буён христиан динидаги католик ва протестант йұналишлари ўртасида давом этиб келаётган террористик, экстремистик ҳаракатлар «Ирландия Республика Армияси» номли террорчи ташкилот фаолиятида, Япониядаги синтоизм дини мазҳабларидан бири – «Аум Сенрикё» ҳаракатларыда, 1990 йилларда Украинада қатор жиноятлар содир этган «Оқ биродарлик» номли диний мазҳаб фаолиятида, Шри Ланкадаги буддизм динига мансуб «Илай Ламани озод қилиш йүлбарслари» каби террорчи ташкилотларининг хатти-ҳаракатларида ҳам яққол кузатиш мүмкін.

«Ислом фундаментализми» исломдаги ҳозирги уч оқимдан (традиционизм ва модернизм билан бирга) бири бўлиб, ўзини диний уйғониш тарафдори деб атайди ҳамда мустақил «ислом тараққиёт йўли»ни исломнинг фундаментал принципларидан излашга уринади. Ислом анъаначиларидан фарқ қилган ҳолда ислом фундаменталистлари исломдаги фундаментал принципларни қайта тиклаш ва уларга амал қилиш тарафдорларидир.

Демак, диний фундаментализм ақиданинг ўзгармаслигиги ни химоя қиласиган, ваҳий ва мўъжизаларнинг муқаддас китоблардаги баёнининг ҳарфий талқинига тарафдори, уларнинг ҳар қандай мажозий талқинига муросасиз, сўзма-сўз талқинга асосланган эътиқодни ақлга таянган мантиқий далиллардан устун қўядиган, муайян диний эътиқод шаклланишининг бошланғич даврида белгиланган барча йўл-йўриқларнинг қатъий ва офишмай бажарилишини талаб қиласиган диний оқимларни ифодалашда қўлланиладиган истилоҳдир<sup>1</sup>.

«Ислом фундаментализми» деганда ислом динининг сиёсий ҳаётга аралашуви ва пировардида сиёсий ҳокимият учун курашуви назарда тутилади. Айрим адабиётларда диний фундаментализм диний экстремизм билан бир-бирига қўшилиб кетган тушунчалар сифатида талқин этилади<sup>2</sup>.

Бундай талқин муайян маънода тўғридир, чунки диндаги фундаментал асосларни зўрлик билан ҳаётга татбиқ этиш

<sup>1</sup> «Диний экстремизм ва фундаментализм: тарихи, моҳияти ва бугунги ҳавф» курсини ўрганиш бўйича методик тавсиялар / Тузувчилар: Ф. Хотамов, М. Лафасов, А. Умаров. – Т., 1999. – Б. 37.

<sup>2</sup> Ўша асар – Б. 51.

диний экстремизмни; экстремизм эса диний терроризмни вужудга келтиради. Чунки «экстремизм» сўзи аслида французча-лотинчадан келиб чиқсан бўлиб, кескин фикрларнинг билдирилиши ва қаттиқ тадбирларнинг қўлланилиши ёки кескин фикр ва чораларни ёқловчи, кескин чораларга тарафдорлик маъноларида қўлланилади. Бундай кескин фикрлар соғлом ёки носоғлом бўлиши мумкин. Шу сабабли жамият учун носоғлом маънодаги кескин чора ва фикрларни ёқловчиларни экстремистлар ёки баъзи маъноларда жаҳолат-парастлар ҳам деб аташади.

Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий барқарорликка, мамлакатнинг демократик тараққиётiga хавф-хатар туғдираётган, ислом динининг муқаддас қадриятлари ниқоби остида ҳаракат қилаётган диний-террористик оқимлар, гурӯҳ ва ташкилотлар тўғрисида қуйида қисқача тўхталиб ўтамиз. Чунки, Ўзбекистонга диний экстремизм ва терроризмнинг суқилиб кириши, аҳолининг ғоявий жиҳатдан бўш ёки ижтимоий танг табақаларидан фойдаланишга уриниши, мамлакатни дунёвий тараққиёт йўлидан оздириб, диний давлатчилик (теократия) ўзанига олиб киришга ҳаракат қилиш қаби ҳодисалар ўзининг сиёсий таҳлилини талаб қилади.

Ислом қадриятларини ҳимоя қилиш ва қайта тиклаш ниқоби остида диний террористик актлар содир этган ва ҳамон дунёнинг кўпгина нуқталарида яширин фаолият юритаётган жиной гурӯҳлардан бири **ваҳҳобийлик** ҳаракатидир. Бу ҳаракат ва таълимот XIV асрда яшаган Ибн Таймия (1263–1328)нинг ўтмишдаги халифалик давлатини идеаллаштирувчи, қуролли жиҳодни мақсадга эришишнинг асосий воситаси деб билувчи ғояларидан озиқланган эди.

Ваҳҳобийлар исломни Мұҳаммад (с.а.в.) давридаги асл ҳолига келтиришга, арабларни чинакам ислом байроби остида бирлаштиришга ҳаракат қилганлар. Ҳаракатнинг асосчиси Мұҳаммад ибн Абдул Ваҳҳоб ибн Сулаймон бўлиб, 1703 йилда Арабистондаги Надж вилоятининг Айяна шаҳрида туғилган. Ваҳҳобийлик муқаддас жойларни зиёрат қилишни, авлиё ва мозорларга сифинишни, зоҳидликни қоралайди.

XVII асрнинг ўрталарида Марказий Арабистонда юзага келган ваҳҳобийлик оқими ислом динини «асл ҳолатига қай-

тариш» даъвати остида босқинчилик, талончилик ва бегуноҳ инсонларнинг қонини тўкиш каби террорчилик ишлари туфайли тарихнинг қора саҳифаларидан ўрин олди. Жумладан, бу оқим вакиллари марҳумларни хотирлаш, уларнинг руҳига Куръон тиловатини қилиб, қабрларини зиёрат этишини кечирилмас гуноҳ ҳисоблайдилар. Улар ҳар қандай янгиликни исломга зид деб билиб, замонавий фан-техника ютуқларидан фойдаланишни қатъий қоралаб, мусиқа, театр ва тасвирий санъат билан шуғулланишни рад этадилар. Бир сўз билан айтганда, ўzlари яшаб турган жамиятни Муҳаммад (с.а.в.) даврларидағи содда ҳаёт тарзига қайтаришга интиладилар. Бунга қарши чиққанларни эса ислом душманлари деб атаб, уларга нисбатан сиёсий ва қуролли кураш олиб борадилар.

Диний террористик ташкилотлардан яна бири «Ҳизб-ут-тахрир» (Озодлик партияси)дир. Бу ташкилот моҳиятан ғоявий-сиёсий ташкилотдир. XX асрнинг ўрталари ва иккинчи ярмида ислом дунёсида пайдо бўлган «Ихвонул муслимийн», «Ал-Жиҳод ал-Исломий», «Ал-Қоида», «Ал-муҳожирун» ва «Таблиғ» каби «Ҳизб-ут-тахрир» ҳам фаол диний-экстремистик фаолият олиб бормоқда.

Тўлиқ номи «Ҳизб-ут-тахрир ал-Исломий» бўлган бу норасмий диний-сиёсий партия 1952 йилда Куддус шаҳрида фаластинлик хукуқшунос Тақиюдин Набахоний (1909–1979) томонидан ташкил этилган. Аслида бу партия XX асрнинг 20–30 йилларида Миср Араб Республикасида пайдо бўлган «Мусулмон биродарлари» ёки «Ал-Ихвон ал мусамин» диний-сиёсий ташкилотининг алоҳида йўналиши ҳисобланади. «Ҳизб-ут-тахрир» раҳбарлари асосан Фарбий Европада яшашади ва ўша ердан туриб Миср, Тунис, Кувайт, Иордания, Покистон, Афғонистон каби давлатлардаги филиалларини бошқарib туришади. Асосий мақсадлари эса мусулмонлар яшовчи мавжуд йигирма иккита араб, жами 55 та мусулмон мамлакатларини бирлаштириб, ягона ислом давлати – халифаликни яратишdir. Партияning назарий асослари унинг томонидан яратилган «Низом ул-Ислом» («Ислом тизими»), «Давлат ул-Низом» («Ислом давлати»), «Халифалик» каби асарларда ифода этилган. 1989 йилдан бошлаб ҳизбчилар мунтазам нашр этилаётган «Онг» ёки «Ал-Ваъй» журналидан

фойдаланишмоқда<sup>1</sup>. Ҳалқаро террорчи Усома бин Лодин таш-килотнинг асосий молиявий ҳомийсидир.

«Ҳизб-ут-тахрир»нинг сиёсий стратегияси мафкуравий таъсир воситасида аҳолининг кўпчилигини қамраб олиш, агар бунга имкон бўлмаса ноқонуний йўл билан давлат тўнтиришини амалга ошириш ва конституциявий ҳокимиятни ағдариб ташлашни кўзда тутади. Дастреб хайр-эҳсон ва маърифатчилик кўринишида ўз фаолиятини шакллантиришга ҳаракат қилиб, тарафдорлар ортиргач, ўз мақсадларига эришиш учун террор усулини қўлловчи ҳизбчилар «Худо бизнинг идеал, Пайғамбар бизнинг доҳий, Қуръон бизнинг конституция, жиҳод бизнинг восита, дин ва Худо йўлида қурбон бўлиш бизнинг эзгу ниятимиз» каби сохта ибораларни шиор қилиб олишган.

Бугун жаҳоннинг қайси қитъасида жойлашганлигидан қатъи назар, ҳар бир давлат ўз юритида демократик тамойилларни шакллантиришга интилмоқда. Бироқ «Ҳизб-ут-тахрир» бутун дунё тан олган бу тамойилларни «куфр низоми» дея қайта-қайта таъкидламоқда. У демократияни самовий динларга ҳеч қандай алоқаси йўқ, балки инсонлар ўйлаб топган низом, деб билади. Европа давлатларини демократияга асос солганикда айблаб, уларни ўйлаб чиққан қонун ва ҳукмлари учун «кофир Farb давлатлари», дея ҳақорат қиласди.

Ўзбекистон танлаган дунёвий, демократик тараққиёт йўли, мамлакатдаги ҳуқуқий тартиб ҳам табиийки, ҳизбчи ва бошқа диний ақидапараст кучларга ёқмайди. Улар бугунги ўтиш даврига хос бўлган турли қийинчилклардан устамонлик билан фойдаланиб, ҳокимиятни террор орқали эгаллашга интиладилар. Бироқ Ўзбекистонда ўрнатилган ҳуқуқий тартиб, терроризмнинг ҳар қандай кўринишини олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар бунга йўл қўймайди.

Жумладан, диний-экстремистик кучларнинг<sup>2</sup> фаоллашуви, миллатлараро ва динлараро ҳамжиҳатликни бузишга ҳаралди.

<sup>1</sup> Изоҳ: «Онг» журналининг 100 дан ортиқ сони Ўзбекистонда ҳам тарқатилгани айрим ҳизбчилар устидан олиб борилган терров жараёнида аниқланди.

<sup>2</sup> Изоҳ: 1990 йилларнинг биринчи ярмида ноқонуний фаолият юритиб, фош этилган ва бутунлай тутатилган «Адолат», «Ислом лашкарлари», «Тавба» каби ваҳҳобийлик гуруҳлари назарда тутилмоқда.

кат қилишлари 1991 йил 14 июнда қабул қилинган «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тӯғрисида»ги қонунни қайта кўриб чиқиши, уни конкретлаштиришни тақозо этди. Натижада, янги таҳрирдаги бу Қонун 1998 йилнинг 1 майида Олий Мажлис томонидан қабул қилинди. Ушбу Қонун нормалари хусусиятидан келиб чиқиб, Олий Мажлис томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг бир неча моддаларига ўзгартишлар киритилди ва қатор янги моддалар қўшилди. ЖКнинг 145-моддаси II ва III қисмлари (Виждан эркинлигини бузиш), 216-моддаси (фаолияти тақиқланган жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар тузиш) янги таҳрирда берилиб, 246-моддасига ҳам тегишли (контрабанда) қўшимчалар киритилди. Шунингдек, қўйидаги янги нормалар: 216<sup>1</sup> (файриқонуний жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар фаолиятида қатнашишга ундаш), 229<sup>1</sup> (диний таълимотдан сабоқ бериш тартибини бузиш), 244<sup>1</sup> (жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ва тарқатиш), 244<sup>2</sup> (диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ва бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш) Жиноят кодексига киритилди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 155-моддасида эса терроризм портлатишлар, ўт қўйишлар ёки одамларнинг ҳалок бўлиши, катта мулкий зарар келтириш ёхуд ижтимоий хавфли оқибатларга олиб келиш хавфини туғдирувчи бошқа ҳаракатлар содир этишдан иборат бўлган ва жамоатчилик хавфсизлигига қарши қаратилган жиноят сифатида қайд этилди.

Қонунчилигимизга киритилган юқоридаги ўзгартиш ва қўшимчалар сабабларини тушунмоқ учун, аввало, мустақиллик нинг дастлабки йилларидағи ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазиятни билиш лозим. Дарҳақиқат, 1991 йилда собиқ Иттифоқ ҳудудида ташкил топган мустақил давлатларда миллий ўзликни англаш туйғуси, йўқотилган миллий ва маънавий қадриятларни тиклашда бевосита диндан фойдаланишга интилиш қучайган эди. Ўша пайтда бошқа давлатларда бўлгани сингари Ўзбекистонда ҳам ҳокимиятнинг тўла қурдатга эга бўлмаганлиги, иқтисодий ва ижтимоий қийинчиликлар, кўп кишиларнинг демократияни тўла англаб етмаганлиги боис турли диний-экстремистик гуруҳларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди.

Бироқ тезда 1989–1992 йилларда Наманган вилоятида диний-террористик ҳаракатлар содир этган «Адолат», «Ислом лашкарлари», «Тавба» каби ваҳҳобийлик гуруҳлари фош этилди ва уларнинг антиконституцион фаолиятига чек қўйилди. Шундан кейин Ўзбекистонда жиноятнинг бу тури кескин пасайган бўлса-да, эндиликда ўзларини «Туркистон исломий ҳаракати» деб номлаган жиноий гуруҳ ўз жиноий мақсадларини ўта махфийлаштирилган тарзда амалга оширишга кириши. Диний-экстремистик ва террористик гуруҳлар томонидан 1999 йил 16 февраль куни Тошкентда, 1999–2000 йилларда Сурхондарё вилоятининг Сариосиё ва Узун туманларида, 2004 йилнинг 29–30 марта Бухоро вилоятининг Ромитан тумани ва Тошкент шаҳрида, 2005 йилнинг 13 майда Андижон шаҳрида амалга оширилган терактлар мамлакатимиз учун жиддий хавф-хатарга айланди.

Хусусан, Андижондаги террорчилик ҳаракатлари ташқи бузғунчи кучлар томонидан Ўзбекистоннинг мустақил сиёсатига, унинг миллий манфаатларига қарши пухта режалаштирилган ва ташкил этилган хуруж бўлиб, мавжуд конституциявий тузумни ўзгартириш ва бу кучларнинг геосиёсий манфаатларига тўлиқ жавоб берадиган ислом давлатини тузишга қаратилганлигини яна бир бор исботлади. 2004 йил август ойидан бошлаб бу бузғунчи кучлар «Туркистон исломий ҳаракати», «Ҳизб-ут-тахрир» ва унинг оқимларидан бири бўлган – «Акромийлар» халқаро-террорчилик ва диний-экстремистик ташкилотларини жалб қилган ҳолда, 2005 йил май ойида ҳокимиятни эгаллаш ва конституциявий тузумни афдариш мақсадида, Ўзбекистонда террорчилик ҳаракатлари содир этишни режалаштирган.

Ушбу жиноий гуруҳлар Фарғона водийси (Ўзбекистон Республикасининг Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари, Тожикистон Республикасининг Хўжанд вилояти, Қирғизистоннинг Ўш ва Жалолобод вилоятлари)ни ўз ичига олган алоҳида чегараланган ҳудудда ислом давлати қуриш режасини амалга ошироқчи бўлишган. Шу муносабат билан «Туркистон ислом ҳаракати» халқаро террористик ташкилотининг раҳбари Тоҳир Йўлдошев ўз вакиллари орқали Россия Федерациясининг Иваново шаҳрида фаолият юритаётган жиноий уюшма аъзоси К. Қосимхўжаевга қурол-яроғ со-

тиб олиш учун 200 минг АҚШ доллари берган. Ўз навбатида К. Қосимхўжаев ушбу валюта маблағларини божхона назоратини четлаб айланма йўллар билан Ўзбекистонга олиб кириб, жиноий уюшма аъзоси Ж. Усмоновга топширган.

Улар томонидан амалга оширилган террорчилик ҳаракатлари оқибатида жами 187 киши ҳалок бўлган, улардан 60 нафари тинч аҳоли бўлиб, иккитаси вояга етмаган бола ва биттаси аёлдир. Террорчилар томонидан 31 нафар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходими ва ҳарбий хизматчи ўлдирилган... Террорчиларга қарши кўрилган тадбирлар давомида 94 террорчи йўқ қилинган. Террорчилик ҳаракатлари давомида жиноятчилар 70 кишини гаровга олиб, улардан 15 нафарини ваҳшиёна ўлдирган<sup>1</sup>.

Ўзбекистон ҳукумати ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тегишли чораларни кўриб, мамлакатимизда ва минтақада барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш йўлида жиноятчилар, уларнинг хориждаги раҳнамолари ва ҳомийларининг ёвуз режаларини барбод қилди<sup>2</sup>.

«Ҳизб-ут-тахрир»нинг юртимиздаги биринчи амири, 1960 йилда Андикон вилоятида туғилган Абдурашид Қосимовдан ҳизб таълимини олган Акром Йўлдошев 1996 йилнинг ўрталарига келиб, элликка яқин фаол аъзоси билан аниқ мақсад ва вазифалари белгиланган «Акромийлар» жамоасини шакллантирди. У 12 дарсдан иборат «Иймонга йўл» номли китобида «Ҳизб-ут-тахрир» каби ҳозирги инсоният жамиятларининг барчасини «қийинчлик ва изтиробга тушган», дея баҳолайди ҳамда Т. Набҳоний каби кишилар дунёқарашига таъсир кўрсатиш, яъни «фикрларни ўзгартириш» орқалигина муаммонинг ечими топилади, деб билади. Бошқача айтганда, ҳужумлар фикрларга қаратилмоғи лозим, натижада, бу ҳужум фикрий курашга, фикрий кураш ўз навбатида фикрий инқилобга олиб боради. Фикрий инқилобнинг орқасидан эса ҳукм, низом ва бошқа алоқаларни ўзгартириб юборадиган сиёсий инқилоб келади, деб ҳисоблайди.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси матбуот хизматининг Андикон воқеалари бўйича тергов ишларининг бориши тўғрисида Олий Мажлис комиссиясига ҳисоботи // Постда. – 2005. – 8 сент. – №36.

<sup>2</sup> Каримов И. А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. – Т., 2005. – Б. 433.

Агар террорчилар илгарилари муайян мақсадларга эришиш йўлида одамларни гаровга олиш, аҳоли ўртасида ваҳима уйғотиш, у ёки бу давлат объектларини портлатиш, давлат арбобларига суюқасд қилиш каби усуллардан фойдаланган бўлсалар, бугунги кунда ўз фаразли мақсадлари йўлида катта молиявий манбаларга таянган ҳолда тўғридан-тўғри инсон ресурсларидан фойдалана бошладилар.

Терроризмнинг бу кўриниши – «шаҳидлик» ёки «қурбонлик» терроризми бўлиб, жиноятнинг ушбу турини малакали квалификациялаш ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимидан нафақат ҳуқуқий, балки сиёсий билимдонликни ҳам талаб қилади. Шубҳасиз, террорнинг бу кўриниши ҳам давлатнинг у ёки бу сиёсатига қарши қаратилгандир. Лекин шунга қарамай «шаҳидлик» терроризмини сиёсий кураш шаклларидан бири, деб баҳолаш мумкин эмас. Бу диний ва дунёвий нуқтати назардан исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатdir.

*Биринчидан*, сиёсий кураш – тинч, мунозара асосида олиб бориладиган курашдир. Сиёсий курашда жисмоний қурбонлар бўлмайди. Шунинг учун муайян сиёсий мақсадларда (миллий мустақиллик, озодлик ва ҳ.к.) террор воситаларидан фойдаланиш ҳалқаро гуманитар ҳуқуқ нормаларига тамомила зиддир. БМТ Низомининг 51-моддасига биноан муайян мақсадларга зўравонлик, террор воситасида эришишга уриниш – жиноятчиликнинг алоҳида кўриниши, деб баҳоланади.

*Иккинчидан*, «жиҳод» тушунчаси ислом динини куч ишлатиш ва қон тўкиш орқали тарғиб этиш эмас, балки Ватани душмандан озод этиш ёки илм истагида талабалик қийинчиликларини бўйнига олиш кабиларни ўз ичига олади. Бироқ экстремистлар бу ҳақда имкон қадар сукут сақлашни афзал биладилар. Аслида ҳеч қандай дунёвий қийинчиликлар барча динлар томонидан гуноҳи азим ҳисобланадиган ва диндан чиқиши деб эътироф этиладиган ўзини ўзи ўлдириши оқлай олмайди. Экстремистлар эса бу каби шахсларни «Ислом ва халифа давлати барпо этиш йўлида қурбон бўлиш шаҳидлар даражасига кўтаради», деб алдаб, улардан ўз ёвуз мақсадларида фойдаланишга уринадилар.

Таъкидлаш зарурки, «шаҳид»лар беришдек жирканч усул Фаластин жангари террористик ташкилотининг Истроилга, Чеченистондаги жангариларнинг Россияяга қарши айрмачи-

лик ҳаракатларида тобора кўпроқ кузатилмоқда. Турли халқаро террористик ташкилотлар ва фондлар томонидан узлуксиз равиша «шахид»лар оиласига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилмоқда.

Масалан, Фаластинда «шахидлик» харидоргир товар бўлиб, ўзини ўзи ўлдириш орқали террористик акт уюштиришга рози бўлган шахслар катта пул (таксиминан 20 минг АҚШ доллари) олиш билан бирга ўз оиласига молиявий таъминлаб кўйилишига кафолат оладилар<sup>1</sup>.

Баъзи тадқиқотчилар фикрича, «шахид» ёки «курбон» бўлиш — фақат бир воситадир. Шахидликнинг ортида муайян кучли мафкура ва эътиқод ётади. Бундай мафкура ва эътиқод бир кунда шаклланмайди. «Шахид» қачонки, ижтимоий-сиёсий ва шахсий индивидуал ҳаётда адолатсизликларга учраса, унда ижтимоий мавқе учун ҳеч қандай умид қолмаса, келажагини тасаввур эта олмаса, ўзини жисмоний қурбон қилишга (ўз жонига қасд қилишга) руҳан тайёр бўлади<sup>2</sup>.

Фаразли сиёсий мақсадларни кўзловчи кучлар қўлидаги «восита»га айланган бундай киши иродаси заиф, онгига сингдирилган вазифани сўзсиз бажарадиган зомбига айланади. Бу ҳодисанинг сиёсий жиҳати шундаки, жисмоний қурбонлик фақат восита бўлиб, «курбонлик» ижтимоий ҳаётни ларзага солиш, ижтимоий барқарорликни издан чиқариш, мазкур ҳодисага ҳокимиятнинг эътиборини қаратиш учун содир этилади.

Диний терроризм бу йўлда жамиятнинг ижтимоий мавқеи, табиий биологик жиҳатлари нуқтаи назаридан заиф табақалари, хусусан аёллар ва болалардан кенг фойдаланмоқда. Шарқ аёлларининг миллий либоси, текширув вақтида қўпинча тўхтатилмаслиги портловчи мосламани яшириш имконини беради.

Терроризмнинг ҳар қандай кўринишларини олдини олиш вазифаси қатор ҳуқуқий тадбирларни амалга оширишни тақозо этади. Жумладан:

1. Давлатнинг ижтимоий сиёсати ижтимоий норозилик-

<sup>1</sup> Мұхаммад Салома. Мусулмонларга қарши кураш жиҳодми? Бу курашда қурбон бўлиш шахидликми? // Халқ сўзи. – 2004 йил 17 апрель. – №79–80.

<sup>2</sup> Қодиров А., Исмоилов М. «Курбонлик» ёки «шахидлик» кўринишидаги терроризм // Ҳуқуқ–Право–Law. – 2004. – №2. – Б. 18.

ни келтириб чиқармаслиги, яъни адолатсизликларга олиб келмаслиги лозим. Акс ҳолда экстремист кучлар расмий сиёсий тартибни қўпориб ташлашда жамиятнинг эзилган қатламларидан ижтимоий база сифатида фойдаланишга уриандилар.

2. Инсон ресурсларидан оқилона фойдаланиш, бозор муносабатларини ривожлантириш, чет эл инвестициялари ҳажмини ошириш ҳисобига қўшимча иш жойларини яратиш (ишизлик муаммосини ечиш), иқтисодий соҳани эркинластириш мамлакатда сиёсий барқарорликни таъминлаши мумкин.

3. Ижро ҳокимиятини ислоҳ қилиш, унинг ҳар бир бўғини ва даражасида ижтимоий масъулиятни кучайтириш.

4. Аксилтеррор давлат концепциясини ишлаб чиқиш ва унда минтақавий миллий ва диний таҳдид омилларини ҳисобга олиш.

5. Халқаро терроризмга қарши иккиёклама ва кўптомонлама давлатлараво шартномалар яратиш ва ўзаро ҳамкорликни кучайтириш.

Шу ўринда ички ишлар идоралари ходимлари ҳам ҳушёрликни оширишлари, бундай нохуш ҳодисаларнинг олдини олиш чораларини қўришлари зарур. Албатта, бунда хизмат вазифаларини адо этишлари билан бир қаторда ўзларининг сиёсий онгини, дунёқарашини мунтазам ошириб боришлари талаб этилади.

Хулоса шуки, бугунги кунда биз нафақат терроризм, балки ахборот террори билан ҳам курашга тайёр туришимиз, фуқароларимиз дунёқарашида турли хил бузғунчи ғояларга нисбатан событлик билан қарши тура оладиган мафкуравий иммунитетни шакллантириш борасидаги чора-тадбирларни кучайтиромгимиш, жаҳолатга маърифат орқали барҳам бермомиз лозим. Бунинг учун ўқиши, ўрганиш ва замон билан ҳамнафас бўлиш билан бирга теран тафаккур, зукко билим ва ақлга эга бўлиб, чукур мулоҳаза ва мушоҳада юрита олишимиз зарур. Шундагина олдимизга қўйилган вазифани талаб даражасида уddyалай оламиш. Терроризмнинг ҳар қандай қўринишига юзаки қараш, менсимаслик, маҳкамачилик руҳияти жамиятга ўз таъсирини кўрсатади. Юқоридаги сиёсий-хукуқий таҳлил ҳар қандай ғайриинсоний, жиноий хатти-ҳара-

кат давлат ва жамият бирлашгандагина жиловланиши мумкинлигидан, жамиятда ижтимоий барқарорлик қарор топишидан далолат беради.

### **Таянч тушунчалар**

*Террор, қадимги терроризм, классик (мумтоз) терроризм, анъанавий терроризм, замонавий терроризм, ассасин, секта, ядовий терроризм, хайджекинг, скайджекинг, кибертерроризм, биотерроризм, кимёвий терроризм, экотерроризм, инфотерроризм, давлат терроризми, диний терроризм, экстремизм, фундаментализм, традиционализм, модернизм, ваҳҳобийлик, «Ҳизбут-тахрир», «Туркистон ислом ҳаракати», «Акромийлик», «шашидлик» терроризми, «жиход», БМТ ва ШХТнинг терроризмга қарши конвенциялари, ШХТнинг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси, сепаратизм, наркокартел, мафкуравий иммунитет.*

### **Назорат учун савол ва топшириқлар**

1. Терроризм илдизлари тарихнинг қайси даврларига бориб тақалади?
2. Қадимги ва классик терроризмнинг асосий хусусиятлари нималардан иборат эди?
3. Маълумки, анъанавий терроризм даврида терроризм ўз мафкурасини яратди. Натижада, терроризмнинг сўл ва ўнг, ижтимоий ва сиёсий, дунёқараш, инқилобий кўринишлари пайдо бўлди. Уларнинг мафкуравий даъволари моҳиятан файриинсоний эканлигини изоҳланг.
4. Замонавий терроризмнинг асосий турларини, кўринишларини ва хусусиятларини тушунтиринг.
5. «Давлат терроризми» тушунчасининг моҳиятини изоҳланг.
6. Террорчилик актларининг сабабларини қандай омиллар билан боғлаш мумкин?
7. Терроризмни бартараф этиш борасида ҳалқаро ташкилотлар томонидан қандай конвенциялар қабул қилинган?
8. Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси зиммасига қандай вазифалар юклатилган?
9. Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги ва «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисида»ги қонунлари

- терроризм хавфини бартараф этишда қандай амалий аҳамият қасб этади?
10. Террорчи ташкилотлар ва гиёхванд моддаларнинг ноқонуний савдоси билан шуғулланувчи наркокартеллар ўргасида қандай алоқадорлик мавжуд?
  11. «Диний фундаментализм», «диний экстремизм», «диний терроризм» тушунчаларининг мазмунини изоҳланг.
  12. Ислом динини ниқоб қилиб олган қайси террорчи ташкилотларни ва ҳаракатларни биласиз?

## АДАБИЁТЛАР

Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси-нинг Ахборотномаси. – Т., 2001. №1–2.

«Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самародорлигини ошириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори // Ўзбекистон овози. 2006. 26 авг.

*Каримов И. А.* Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. – Т., 1998. – Б. 31–261.

*Каримов И. А.* Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. – Т., 2002. – Б. 22–47.

*Каримов И. А.* Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. – Т., 2003. – Б. 44–89.

*Каримов И. А.* Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-кудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т. 12. – Т., 2004. – Б. 23–77.

*Каримов И. А.* Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. – Т., 2005. – Б. 433.

*Каримов И. А.* Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т. 14. – Т., 2006. – Б. 248–254.

*Каримов И. А.* Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., 2008. – 176 б.

«Диний экстремизм ва фундаментализм: тарихи, моҳияти ва бугунги хавфи» маҳсус курсини ўрганиш бўйича методик тавсиялар/ Тузувчилар: Ф. Ҳотамов, М. Лафасов, А. Умаров. – Т., 1999. – Б. 3–34.

*Алимасов В.* Очиқ жамият мухолифлари // Тафаккур. – Т., 2003. №4.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти. Асосий омиллар. – Т., 2001. – Б. 3–77.

Диний-экстремистик ташкилотларнинг Ўзбекистондаги фаолиёти ва мақсадлари тўғрисида. – Т., 2004. – Б. 3–30.

Ислом ва дунёвий-маърифий давлат / З. И. Мунавваров ва В. Шнайдер-Детерснинг умумий таҳрири остида. – Т., 2003. – Б. 7–14.

Ислом Каримов терроризм хавфи тўғрисида / Тузувчи-муаллифлар Ш. Р. Қобилов, Б.У. Таджиханов. Т., 2001. – Б. 11–14.

Қодиров А. Ҳуқуқий давлатнинг шаклланишига хавф солаётган ҳодисалар // Ҳуқуқ-Право-Law. 2005. №1.

Қодиров А., Исмоилов М. «Курбонлик» ёки шаҳидлик кўринишидаги терроризм // Ҳуқуқ-Право-Law. 2004. №2.

Раббимов К. Ислом глобализм ва ахборот технологиялари шароитида // Ҳуқуқ-Право-Law. 2005. №1.

Рахимов Ф. Д. Современны конструкции определения терроризма: международно-правовые аспекты. – Т., 2004. – С. 11–33.

Сайдкасимов С. Ислам не приемлет насилие // Ҳуқуқ-Право-Law. 2004. №4.

Сайдкасимов С. Ислам отвергает террор // Ҳуқуқ-Право-Law. 2005. № 2.

Терроризм ҳақида нималарни билишимиз шарт? Ўқув қўлланма /А. М. Шарапов, Т. Ж. Тўлагановнинг умумий таҳрири остида. – Т., 2004. – Б.3–23.

Террорчилик ташқилотлари. Улар ҳақида қисқача маълумот. Постда. 2004. 15 апр. №16.

Файзиев С., Тошқулов Ж. Терроризмнинг молиявий манбалари хусусида // Фалсафа ва ҳуқуқ. 2007, №4, – Б. 37–41.

Хасанов У. Региональные конфликты и проблема безопасности (Центральноазиатский регион) // Ҳуқуқ-Право-Law. 2004. №4.

Ходжаев А. Шанхайская Организация Сотрудничества и Узбекистан: перспективы развития отношений // Ҳуқуқ-Право-Law. 2004. №4.

Экстремизм, терроризм, груүхий ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш муаммолари: Илмий-амалий конференция материалы. Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1998. – Б. 3–56.

## **УМУМИНСОНИЙ МАДАНИЯТ ТИЗИМИДА СИЁСИЙ МАДАНИЯТ**

### **1. «Сиёсий маданият» тушунчаси, унинг тузилиши ва турлари**

ХХ асрнинг охири ХХI аср бошларидаги Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирувчи мамлакатларда сиёсий маданият феноменини ўрганиш жадаллашди. Жумладан, демократик жамият барпо этиш жараёнинда Ўзбекистон Республикасида ҳам сиёсий маданиятга бўлган қизиқиш кескин ортди. Бу бејиз эмас, чунки ҳокимият муносабатларидаги, сиёсий тизим ва жамият ўртасидаги алоқаларда юзага келган вазиятни қўпинча «сиёсий маданият» ибораси орқали тушунтириш мумкин.

Сиёсий маданиятни ўрганишнинг муҳимлиги умумисоний қадриятларни эътиборга олмасдан бирон-бир жиддий масалани кўриб чиқиб бўлмаслиги билан изоҳланади.

Сиёсий маданият анъана, миллий мерос, географик-сиёсий омил, тарихан вужудга келган ижтимоий ва этник тузилиш, диний эътиқод кабиларни қамраб оловчи ижтимоитарихий негизнинг таркибий қисмидир. Уларнинг барчаси ҳал қилувчи асослар бўлиб хизмат қилади. Инсонлар ўз сиёсий тарихини яратувчиси эканлиги маълум, аммо улар бу тарихни ўзбошимчалик билан эмас, балки ўзлари бевосита яшовчи, ўзларига мерос қолган шароитларда яратадилар.

«Сиёсий демократияни вужудга келтириш иштиёқида бўлган давлат арбоблари қўпинча асосий эътиборни демократик ҳукумат институтларининг расмий мажмуини тузиш ва конституция ёзишга қаратадилар. Ваҳоланки, барқарор ва самарали демократик бошқарув ривожланиши учун ҳукумат тузилмалари ва сиёсий жараённинг ўзи кифоя қилмайди. У...сиёсий маданиятга боғлиқдир. Агар бу маданият демократик тузумни қўллаб-қувватлашга қодир бўлмаса, мазкур тузумнинг муваффақият қозониши жуда мушқул»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Иқтибос манбай: Общая и прикладная политология. – М., 1997. – С. 689. Қаранг: Одилқориев Х.Т., Фойибназаров Ш.Ф. Сиёсий маданият. – Т., 2004. – Б. 7.

Бу ҳақиқат ҳозирги Ўзбекистон учун ҳам жуда долзарбидир. Мамлакатимизда мавжуд сиёсий маданият демократиянинг қад ростлаши ва ривожланишига қандай ҳисса қўшади? Умуман бу икки тушунча бир-бирига қай даражада боғлиқ? Сиёсий маданият билан боғлиқ муаммонинг долзарблиги ҳозирги кунда унинг савияси анча пастлиги билан изоҳланади. Бу фақат оддий фуқароларгагина эмас, балки ҳаммага – давлат идоралари, сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмалигига ҳам тааллуқлидир.

Кўпчилик жамиятшунос олимларнинг фикрича, давлатнинг ривожланиши айнан сиёсий маданиятнинг аҳволи билан боғлиқ бўлиб, сиёсий маданиятнинг ривожланганлик даражасига қараб, жамият сиёсий тизимининг қанчалик мукаммал ташкил қилинганлиги тўғрисида хулоса чиқариш мумкин. Яъни, сиёсий маданият фуқароларнинг сиёсий ва хукуқий лаёқатини ифода этувчи, сиёсий институтларнинг шаклланишига, фаолият кўрсатишига, давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг ташкил қилиниш жараёнига кучли таъсир кўрсатувчи омил сифатида намоён бўлади.

**Сиёсий маданият** – жаҳон умумий маданиятининг таркибий қисми, сиёсий тажриба, сиёсий билимлар ва ҳис-туйфулар даражаси, сиёсий субъектлар хулқ-атвори ва фаолияти намуналарининг бош кўрсаткичи, мамлакат, синф, миллат, ижтимоий груҳ сиёсий турмуш тарзининг умумий таърифи-дир.

Чунки инсоният ўз тарихий-сиёсий тараққиёти жараёнида сиёсий тажриба орттириди. Мазкур тажриба таъсирида сиёсий онг шаклланди. Одамларнинг сиёсий онги эса, ўз навбатида, ижтимоий табақалар, халқларнинг сиёсий хулқ-атворини белгилайди. Бинобарин, сиёсий маданият тарихий-сиёсий тажриба, сиёсий онг ва сиёсий хулқ-атворнинг муштараклигидир.

Сиёсий маданият – жамият сиёсий тизимининг энг муҳим элементларидан бири бўлиб, жамиятнинг бошқа кичик тизимлари – иқтисодий, диний, хукуқий, ташкилий, бошқарув ва бошқа тизимлар билан ўзаро алоқадордир. У жамият, ундаги ижтимоий груҳлар ва индивидларнинг сиёсий тажрибасини, уларнинг сиёсий ҳокимият, сиёсий муносабатлар ҳақидаги тасаввурларини, ижтимоий ҳодисаларга баҳо бериш

қобилиятини ҳам ўз ичига олади. Қисқа қилиб таърифлаганды сиёсий маданият инсоннинг сиёсий институт ва қадриятларда қайд этилган ижодий фаолиятининг тавсифи ва инъикосидир.

«Маданият» атамасини илк бор Қадимги Рим жамоат арбоби Марк Порций Катон ўзининг «Агрикола» («Деҳқончилик ҳақида») асарида ерга ишлов бериш, ўсимликлар етишириш, ҳайвонларни парваришлаш; «cultor» иборасини эса – ерга ишлов берувчи, зироатчи, чорвадор, яъни қишлоқ фуқароси ва деҳқон маъноларида қўллаган. Вақт ўтиши билан бу сўз қадриятларни яхшилаш, такомиллаштириш, яратиш маъносида қўллана бошланди. Шу боис, машҳур ҳуқуқшунос ва нотиқ Марк Тулий Цицерон (мил. ав. 106-43) «маданият» тушунчасини маърифатлилик, тарбиялилик, тарбиячи, устоз маъноларида ҳам ишлатган. Умуман олганда маданиятни инсоннинг табиатни ўзгартириш борасидаги ақлга мувофиқ фаолияти, шунингдек, мазкур фаолиятнинг моддий ва маънавий соҳаларда ифодаланган, ўз аксини топган натижаси деб тушунишимиз мумкин.

**Маданият ва сиёsat.** Маданият ва сиёsat бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Чунки сиёсий маданият инсониятнинг ўз тарихий тараққиёти жараёнида тўплаган сиёсий тажрибасидир. Сиёсий маданият ўз келиб чиқишига кўра сиёсий муносабатларнинг вужудга келиши билан бевосита боғлиқ. Аммо бу боғлиқлик сиёsatдаги жамики нарсаларни «сиёсий маданият» деб аташга имкон бермайди. Чунки маданият доирасидан ташқаридаги сиёsat баъзан зўравонлик ва ўлимга сабабчи бўлади. Маданиятнинг сиёsat билан ўзаро алоқаси, кесишиши ва тўқнашиши сиёсий ҳокимиятнинг легитимлиги ҳодисасида кузатилади. Легитимлаштириш жараёни эса бевосита ёки билвосита сиёсий муносабатлар қадриятларга асосланишини назарда тутади. Легитимликка эга бўлиш жараёнида ҳокимият маданийлашади, бу эса унга зўравонлиksиз ва самарали тарзда рамзий воситачи вазифасини бажариш имконини беради. Шунинг учун ҳам ҳокимиятнинг легитимлигига қараб жамият сиёсий маданиятининг хусусияти ва даражаси ҳақида холоса чиқариш мумкин.

Юқоридаги жиҳатларга кўра, сиёсий маданият жамиятда сиёсий барқарорликни сақлаш, мустаҳкамлаш ҳамда уни

демократлаштиришда муҳим восита бўлиб хизмат қиласи.

Сиёсий маданият тушунчаси у ёки бу тарзда Платон, Аристотель, Конфуций, Форобий, Юсуф Хос Ҳожиб, Н. Макиавелли, Ш. Л. Монтескъё, А. Токвиль, М. Вебер, Н. Я. Данилевский, Н. А. Бердяев ва бошқалар томонидан маълум дараҷада талқин қилинган.

«Сиёсий маданият» атамаси эса анча кейинроқ – XVIII асрда немис файласуфи ва маърифатпарвари И. Гердер (1744 – 1803) томонидан илмий муомалага киритилган.

XX асрнинг 50–60 йилларида сиёсий маданият ҳодисасини ўрганишга эътибор тобора кучайди. Чунки бу даврда мустамлакачилик зулмидан қутулган мамлакатлар АҚШ сиёсий институтларидан андоза олишга интилдилар, аммо уларнинг бу уриниши муваффақиятсиз тугади. Бунинг сабабларини аниқлашга уринган америкалик сиёсатшуносларнинг сиёсий маданият таҳлилига бағишланган йирик тадқиқотлари самараси сифатида 1956 йилда америкалик назариётчи Х. Файернинг «Европанинг буюк давлатлари бошқарув тизими», Г. Альмонд ва С. Вербанинг АҚШ, Англия, Германия, Мексика ва Италия сиёсий жараёнларини таҳдил қилишга бағишланган «Фуқаролар маданияти», 1965 йилда эса Л. Пай ва С. Вербанинг 10 та мамлакат жамияти сиёсий маданияти таҳлилига оид «Сиёсий маданият ва сиёсий тараққиёт» номли асарлари нашр қилинди. Мазкур илмий ишларда сиёсий маданийтинг ҳозирги замон концепцияси яратилди. Бу концепцияга таяниб, «сиёсий маданият» атамасига қўйидагича умумий таъриф бериш мумкин:

*Сиёсий маданият – сиёсий тафаккур ва сиёсий фаолият маданияти, шунингдек, сиёсий институтлар характерининг, фаолият тартибининг ва жамият сиёсий ҳаёти барча жабҳаларининг цивилизациялашганлиги даражаси.*

Умумий нуқтаи назарга кўра, сиёсий маданият жамият умумий маданиятининг таркибий жиҳатларидан бири бўлиб, одамларнинг ўз манфаатларини рўёбга чиқариш учун курашда иштирок этиш, ҳокимиятга таъсир қўрсатиш ёки уни эгаллаш учун бошқа табақалар ва сиёсий кучлар билан тортишишга мойиллиги ва тайёрлигининг ифодаси ҳисобланади.

Инсонларнинг бевосита маънавий ҳаёти, қадриятлари, дунёқараши, урф-одатлари билан боғлиқ ҳолда намоён бўлув-

чи сиёсий ҳодиса бўлган сиёсий маданият бир жойда қотиб турмайди, у доимо ўсишда, ўзгаришда бўлади. Айни пайтда сиёсий маданият бўш жойда, ўз-ўзидан пайдо бўлиб ҳам қолмайди. Унинг шаклланишида роль ўйновчи кўплаб омиллар мавжуд.

**Сиёсий маданиятнинг тузилиши.** Сиёсий маданият ўзига хос ички тузилишга эга бўлиб, сиёсий тажриба, сиёсий онг ва сиёсий хулқ-атвор унинг таркибий қисмини ташкил этади.

*Сиёсий тажриба:*

- а) халқнинг ўзига хос миллий-маънавий қадриятлари;
- б) менталитети;
- в) тарихий хотираси ва анъаналари;
- г) миллий давлатчиликни амалга ошириш тажрибаси ҳамда миллий қадриятлардан келиб чиқувчи сиёсий мақсадларидир.

*Сиёсий онг:*

- а) мафкуравий, ғоявий компонент;
- б) эмоционал – психологик компонентлардан иборатдир.

*Сиёсий хулқ-атвор:*

- а) сиёсий вазият, сиёсий жараёндаги хатти-харакат, фаолият йўналиши;
- б) ижтимоий – сиёсий фаолият услубининг намуналари, турларининг хусусиятларидир.

Сиёсий маданиятнинг мазкур ўзига хос тузилишидан қандай мантиқий хуоса чиқариш мумкин?

Аввалинг, сиёсий маданиятнинг асослари ҳар бир халқда узоқ тарихий даврни ўзида қамраб оловчи жараёнлар асосида шаклланади. Бунда ҳар бир халқда шаклланган маданий ва маънавий қадриятлар, улардаги ўзига хос миллий фазилатлар ҳамда ўзига хос тафаккур қилиш услуби ҳал қилувчи фундаментал асос бўлиб хизмат қиласди. Шу билан биргаликда, сиёсий маданиятнинг шаклланиши фақатгина субъектив ҳолатнинг ўзи билангина боғлиқ бўлмайди. Сиёсий маданиятнинг шаклланишида одамларнинг жамиятдаги сиёсий реаллик билан ҳамкорлик қилиши ва уларнинг сиёсий жараёнларга қўшилиши муҳим ўрин тутади. Масалан, жамиятнинг сиёсий тизими билан ижтимоий ҳаётнинг турли соҳалари ҳамкорлик қиласди. Уларнинг ҳар бири ўз навбатида сиёсий ма-

даниятни шакллантиришда у ёки бу даражада иштирок этади ҳамда мазкур жараёнларнинг йўналишини белгилаб беради. Бу ўринда давлат, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, ОАВ, фан ва таълим тизимининг маълум мақсадга йўналтирилган сиёсий, тарбиявий, маърифий, маънавий ва мафкуравий ишларини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Буларнинг барчаси мамлакатда ўзига хос сиёсий маданият моделининг шаклланишида ҳал қилувчи ўрин тутади.

**Сиёсий маданият турлари.** Барча ижтимоий ҳодисалар сингари сиёсий маданиятни ҳам турли мезон ва асосларга кўра туркумлаш мумкин. Сўнгги йилларда илгари сурилаётган туркумлаш асосида сиёсий маданият қуидаги турларга ажратилиди:

*Сиёсат субъектига кўра:*

- умуминсоний сиёсий маданият;
- ҳалқ, этнос, цивилизация сиёсий маданияти;
- миллий, минтақавий сиёсий маданият, субмаданият<sup>1</sup>;
- ижтимоий табақа (ишчилар, деҳқонлар, элита, бироқратия, зиёлилар, раҳбарлар) сиёсий маданияти;
- жинс ва ёш билан боғлиқ сиёсий маданият, ижтимоий-демографик, касбий, диний ва бошқа гуруҳлар сиёсий маданияти.

*Сиёсий жараён соҳаларига кўра:*

- ҳокимият, бошқарув сиёсий маданияти;
- сиёсий иштирок этиш маданияти;
- сиёсий муҳолифат сиёсий маданияти.

*Ҳокимиятни амалга ошириш шаклларига ва усусларига кўра:*

- демократик сиёсий маданият;
- авторитар сиёсий маданият;
- тоталитар сиёсий маданият;
- ўтиш типига хос сиёсий маданиятлар.

*Сиёсатда иштирок этиши хусусиятига кўра:*

- фуқаровий, демократик сиёсий маданият;
- тобелик сиёсий маданияти;

<sup>1</sup> Изоҳ: Муайян (сиёсий, касбий, этник, диний ва бошқа) гуруҳнинг сиёсий қарашлари ва қадриятлари жамиятдаги кўпчиликнинг сиёсий маданиятини ташкил этувчи нормалар, қадриятлар ва тасаввурлардан жиддий фарқ қилган ҳолларда сиёсий субмаданият шаклланади.

— қавмлар сиёсий маданияти.

*Сиёсий тизимдаги ўрнига кўра:*

— етакчи ёки эргашувчи сиёсий маданият (субмаданият).

*Қамраб олиш даражасига кўра:*

— оммавий ёки элитар сиёсий маданият<sup>1</sup>.

Сиёсий маданиятнинг бошқа типологиялари ҳам мавжуд.

Масалан, айрим адабиётларда<sup>2</sup> сиёсий маданиятнинг «ёпиқ» ва «очиқ» турлари тўғрисида маълумот берилади:

**Сиёсий маданиятнинг «ёпиқ» тури** – сиёсий маданиятнинг бошқа турларига нисбатан муросасизлиги, уларни мутлақо қабул қила олмаслиги ҳамда ўз тор миллий қобиғида қолиб кетишслиги билан характерланади.

**Сиёсий маданиятнинг «очиқ» тури** – сиёсий маданиятнинг бошқа турларини ижобий қабул қиласиди. Ўзида бой анъана-лари бўлган ҳолда сиёсий воқеликдаги ўзгарган янги реал-ликларни қабул қила олади. Доимий равиша ўз-ўзини бойитиб бориш хусусиятига эга, шундан келиб чиққан ҳолда ижтимоий ва сиёсий жиҳатдан ҳаракатчанлиги билан ажраби-лаб туради.

Айтиш жоизки, Фарб сиёсатшунослигида сиёсий маданиятни фуқароларнинг ўзлари яшайдиган давлатни ривожлантиришнинг бўлгуси концепциясини маъқуллашлари ёки маъ-қулламасликлари нуқтаи назаридан туркумлашга кўпроқ эъти-бор берилади. Шу жиҳатдан сиёсий маданиятни туркумлашда Г. Альмонд ва С. Вербанинг «Фуқаролар маданияти» аса-рида таклиф этилган усул фанда алоҳида эътибор қозонди. Улар сиёсий маданиятни қуидаги уч «соғ» турга ажратади-лар:

**Сиёсий маданиятнинг патриархал тури** – унчалик ривожланмаган маънавий маданияти ва қадриятларга эга бўлмаган халқларга хос бўлиб, ушбу тур вакилларининг сиёсий фаол-лик ҳолати деярли бўлмайди, улар сиёсий қадриятлар, сиё-сий нормалар ва институтларга қизиқмайдилар. Сиёсий ма-даниятнинг бу тури аҳолининг сиёсий тизимдан буткул узи-

<sup>1</sup> Одилқориев Х. Т., Ғойибназаров Ш. Ф. Сиёсий маданият. – Т., 2004. – Б. 77.

<sup>2</sup> Политология: Маърузалар матни/Тақризчилар: В. С. Ким, Ж. Баҳронов. – Т., 2000. – Б. 144.

либ қолганлиги ҳамда ҳеч қандай сиёсий билимга эга эмас-лиги билан ажралиб туради. Бундай жамиятларда ихтисос-лашган сиёсий роллар мавжуд бўлмаганлиги учун доҳийлар, шомонлар ва бошқалар асосий «актёрлар» сифатида ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам диний вазифани бажарадилар. Масалан, Африканинг марказлашган қабила ва князликларида сиёсий маданият, асосан, патриархал хусусиятга эгадир.

**Тобелик сиёсий маданияти** – сиёсий институтларнинг аҳамияти катта, фуқароларнинг фаоллиги эса паст бўлган сиёсий маданият. Пассив сиёсий хулқ-атвор, ҳукмрон расмий қадриятлар ва нормаларга таяниш, бу қадриятларни мустақил тушунишга интилишнинг йўқлиги бундай маданиятнинг асосий белгиларидандир. Умуман олганда, одамларда сиёсий тизимга нисбатан ўзига хос боқимандалик – патерналистик муносабат устунлик қиласиди. Яъни, жамият аъзолари сиёсий тизимдан неъматлар кутади, ё жазодан қўрқади. Сиёсий маданиятнинг бундай турига сиёсий тизимга кириш йўллари аниқ ажратилмаган, индивидлар эса ўзига «сиёсий актёрлар» деб қарамайдиган жамиятларда дуч келиш мумкин.

**Фаол сиёсий маданият тури** – унинг хусусияти шундаки, фуқаролар жамият сиёсий ҳаётида фаол равишда шахсан иштирок этадилар. Бу иштирокчилик фуқароларнинг сиёсий жиҳатдан саводхонлиги ва сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнига ўз иштироки билан таъсир кўрсата олишига бўлган ишончига асосланади. Бу иштирокчилик ва ишонч орқали жамият сиёсий тизимида шахсан маълум бир статусга эга бўлишиликни мўлжаллайдилар. Сиёсий маданиятнинг бу тури фуқароларга сиёсий ҳаётда иштирок этишдан, фаоллик кўрсатишдан манфаат кўриш имконини беради. Бундай жамиятлар юксак даражада функционал табақалашганлиги билан ажралиб туради: жамият ҳаётининг турли соҳалари нисбатан эркин, кичик тизимлар (ташқилий, маданий-мағкуравий, меъёрий, ахборот-коммуникация тизимлари) эса анча ривожланган ва кенг тармоқ отган бўлади.

Таъкидлаш жоизки, реал ҳаётда сиёсий маданиятнинг фақат биргина турининг соф ҳолда намоён бўлиши жуда кам учрайди. Жумладан, ривожланган демократик мамлакатларда ҳам сиёсий маданиятнинг фаол турини соф кўринишида

учратиш мушкул ва улардаги фуқаролар камдан-кам ҳолларда бу моделга амал қилиб яшайдилар. Уларни сиёсатдан яхши хабардор ёки сиёсатда фаол деб ҳам айтиш қийин.

Күпинча сиёсий маданият аралашган ҳолда намоён бўлали. Масалан, «фуқаролик маданияти» тушунчаси ана шунга мос келади. Фуқаролик маданияти сиёсий маданиятнинг бошқа турларидағи ижобий элементларни самарали тарзда ўзлаштириб, сиёсий тартиботнинг конструктив равишда фаолият кўрсатишига ёрдам беради. Шу жиҳатдан қараганда, миллий сиёсий маданиятлар турли маданиятларнинг ижобий хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган, яъни аралашдир.

**Сиёсий маданиятнинг даражалари.** Ҳозирги замон сиёсатшунос олимлари сиёсий маданиятнинг қуидаги уч даражасини қайд этадилар:

**а) таффакур қилиш, англаш даражаси.** Баъзи адабиётларда бу даража «дунёқарааш даражаси» деб ҳам аталади<sup>1</sup>. Унга жамият, груп ва алоҳида шахснинг сиёсат ҳамда дунёнинг сиёсий манзараси ҳақидаги тасаввурлари, шунингдек, сиёсий ҳаёт иштирокчилари амал қилувчи нормалар, қадриятлар, рамзлар,<sup>2</sup> кўрсатмалар киради. Бу даражада шахс сиёсат дунёсида ўз ўрнини аниқлаб олади.

**б) фуқаролик даражаси** – бу даражада сиёсий маданиятнинг асосий ўзаги шаклланади, шахс сиёсий ҳокимиятга нисбатан ўз муносабатини белгилайди. Инсон сиёсат дунёси билан дуч келиб, унга жамият сиёсий тузилишига нисбатан, сиёсий ҳокимият имкониятларига ва ваколатларига нисбатан ўз муносабатларини шакллантиради.

**в) сиёсий даража** – бу даражада инсоннинг сиёсат ҳодисасига муносабатлари шаклланган қадрият даражасига етади. Инсон ўзини сиёсатнинг субъекти сифатида қабул қила бошлайди.

**Сиёсий маданият моделлари.** Сиёсатшуносликда сиёсий маданиятнинг қуидаги уч модели қайд этилади:

<sup>1</sup> Одилқориев Х.Т., Гойибназаров Ш.Ф. Сиёсий маданият. – Т., 2004. – Б. 52.

<sup>2</sup> Изоҳ: Сиёсий маданиятнинг рамзий қисмини давлат рамзлари (герб, маддия, байроқ); миллий байрамлар ва давлат маросимлари (Президент қасамёди); меъморчилик мажмуалари (Вашингтонда – Оқ уй, Тошкентда – Оқсарай) ташкил этади. Тарихий шахслар ҳам рамз бўлиб хизмат қилиши мумкин (Ж.Вашингтон, Амир Темур).

**1. Сиёсий маданиятнинг тоталитар-авторитар модели – унда шахснинг индивидуал жиҳатлари сунъий равишда бузилади, сиёсий қадриятлар ва сиёсий онг жамиятда марказлашган тарзда давлат томонидан шакллантирилади ва шунинг асосида давлат манфаатлари инсон, ижтимоий гуруҳлар манфаатларидан устун қўйилади. Бундан ташқари, жамиятни ахборот билан тъминлаш ҳокимият томонидан белгиланади ва фақат бир йўналишда олиб борилади, фаол сиёсий ҳаёт бир хил қолипда кечади, жамиятнинг сиёсий маданияти ҳеч қандай муқобилсиз юқоридан туриб шакллантирилади, аҳоли аксарият қисмининг сиёсий маданияти ниҳоятда паст бўлади, сиёсий маданият ташқи дунёдан сунъий ажратилган бўлиб, у «сиёсий-маданий макон» сифатида биқиқлиги билан ажralиб туради.**

**2. Сиёсий маданиятнинг либерал-демократик модели – фуқаролар сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳуқуқ асосида юқори даражада рўёбга чиқаришга йўналтирилганлиги билан ажralиб туради.**

Бу моделнинг ўзига хос хусусиятлари:

- жамиятнинг сиёсий онги ва қадриятлари аксилмарказлаштирилган ҳолда шакллантирилади;
- жамият кенг қамровли сиёсий ахборот тизимидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади;
- сиёсий тизим етарли даражада юқори бўлади.

Умуман, сиёсий маданиятнинг либерал-демократик модели ташқи сиёсий маконга нисбатан ўз «очиқлиги» билан ажralиб туради.

**3. Шарқона сиёсий маданият модели ва унинг асосий хусусиятлари:**

- сиёсий маданиятда ахлоқ масаласига етакчи эътибор берилади;
- Шарқ халқлари сиёсий тафаккурида давлат раҳбари сиёсатидаги адолат ва инсоф масаласи ҳал қилувчи, марказий ўринни эгаллайди;
- сиёсий тўс-тўполонларга нисбатан тоқатсизлик, сиёсий мувозанатни сақлаш, сиёсий тинчлик ва барқарорликка кучли мойиллик;
- кундалик ҳаётда сиёсий раҳбарга суюниш, ундан доимо адолат кутиб яшаш ва унга нисбатан чуқур ҳурмат-эҳтиром

кўрсатиш, сиёсий хулқ-атворда кучли андишалиликни намоён қилиш;

— сиёсий эркинликни ахлоқ меъёрлари доирасида қабул қилиш;

— бағрикенглик (толерантлик), ҳалқаро тотувлик ва ишончга кучли мойиллик<sup>1</sup>.

Шу ўринда Президент И. А. Каримов таъкидларини келтириш жоиз: «Адолат ва ҳақиқатга интилиш эса ҳалқимиз табиатининг энг муҳим фазилатларидан биридир. Ўтмишда олий адолат foяси мансабдор шахсларга қўйиладиган талаб ва баҳонинг асоси бўлган. У давлатчилик негизларини белгилаш, исломий қоидалар ва шариат мезонларининг пойдерорини ташкил этган»<sup>2</sup>.

Хулоса қилиб айтганда, сиёсий маданиятни икки мураккаб ижтимоий тизим — сиёсат ва маданият ўртасида боғловчи бўғин бўлиб хизмат қиладиган ижтимоий ҳодиса деб таърифлашимиз мумкин. У кўпроқ жамиятга хос бўлган сиёсий тасаввурлар, қарашлар, қадрияtlар, анъаналар ва сиёсий хулқатвор рамзларининг мажмуи бўлиб, сиёсий тизимни барқарорлаштирувчи, маърифийлаштирувчи омил вазифасини бажаради ҳамда сиёсий анъаналар, урф-одатлар, ижтимоий-тарихий тажрибанинг ворисийлигини таъминлади.

Сиёсий маданиятнинг ўзига хос жиҳатлари эса қуйидагилардан иборат:

— омманинг сиёсий онгини ва сиёсий хулқ-атворини белгилайди;

— жамият тарихий ривожланишининг, жамоавий сиёсий ижоднинг маҳсули ҳисобланади;

— маҳаллий хусусиятга эга бўлиб, такрорланувчи барқарор алоқаларни, сиёсий жараённинг элементлари ўртасидаги муносабатларни қайд этади, сиёсий тажрибани мустаҳкамлади.

<sup>1</sup> Политология: Маъruzalар матни / Тақризчилар: В. С. Ким, Ж. Баҳронов. — Т., 2000. — Б. 141–144.

<sup>2</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон сиёсий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамоийлари. — Т., 1995. — Б. 13.

## **2. Сиёсий маданиятнинг асосий вазифалари**

Жамият ҳаётининг барча соҳаларини демократлаштириш орқали ҳар бир инсонда ўз ҳукуқ ва мажбуриятларини ҳар куни рўёбга чиқаришга интилевчи фуқаролик ҳис-туйғусини тарбиялаш сиёсий маданиятнинг энг асосий вазифасидир.

Шахснинг фуқаролик ҳис-туйғуси унинг фаол ҳаётий позицияси билан узвий боғлиқ. Сиёсий маданиятни ўзлаштириш жараёнида унинг ижтимоий фаоллиги ҳам ортиб боради. Бироқ инсоннинг ижтимоий фаоллиги ижтимоий муҳитнинг бу фаолликни «ҳазм қилиш» даражасига ҳам боғлиқ. Ижтимоий фаоллиги бир хил бўлган икки одамни тасаввур қиласйлик. Улардан бири танқид қабул қилинмайдиган, бошқарувда фуқаролар иштирок этиши учун зарур шарт-шароитлар яратилмаган жамоада, иккинчиси эса ўта қуладай шароитлар яратилган жамоада меҳнат қиласди. Уларнинг ижтимоий фаоллик мезони ўзларига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ҳар хил бўлади. Бундан кўринадики, ижтимоий фаоллик ижтимоий фаолиятни амалга ошириш имконияти бўлиб, у амалий фаолият жараёнида воқеликка айланади. Шу маънода ижтимоий фаолликни «фаолият мезони»га тенглаштириш тўғри эмаслиги мутахассислар томонидан қайд этилади<sup>1</sup>.

Фаол позицияда шахснинг муайян ижтимоий вазиятлардаги ижтимоий фаоллиги намоён бўлади. Бундай позицияга муайян ижтимоий ҳаракатларни амалга оширишга қаратилган ички эътиқодни, жамият ривожига салбий таъсир этувчи ҳодисаларга нисбатан муросасизликни, бундай ҳодисаларга қарши курашга тайёрликни, ўзи бажараётган иш учун юксак ижтимоий масъулиятни, жамоа манфаатларини ўз шахсий манфаатлари деб билишни, эгалик ҳиссининг ривожланганигини киритиш мумкин.

Шахсада бундай фаол ижтимоий позицияни шакллантириш сиёсий маданиятнинг вазифасидир. Бошқача айтганда, сиёсий маданият инсонни ватанпарварлик руҳида тарбиялаиди. Ватанпарварлик туйғуси эса нафақат жанг майдонида душманга қарши курашда, айни пайтда – кундалик тинч ҳаётда илм-фан сирларини сабот билан эгаллашда ёки ўз корхонасида меҳнат унумдорлигини оширишда намоён бўлади.

<sup>1</sup> Одилқориев Х.Т., Гойибназаров Ш.Ф. Сиёсий маданият. – Т., 2004. – Б. 56.

**Сиёсий маданиятнинг вазифалари.** Амалий сиёсатшунослик сиёсий маданият бажарадиган қуйидаги вазифаларни эътироф этади:

*Норматив вазифа* – индивидлар, гуруҳлар ва жамоага мурдабор нормалар, сиёсий тафаккур ва хулқ-атвор стандартларини белгилаб беради, сиёсий қадриятлар устуворлигининг нисбатини ўрнатади.

*Интегратив (бирлаштирувчилик) вазифаси* – маънавий соғлом ва бой жамиятни, шахсни шакллантиришга хизмат қиласди. Бу вазифа сиёсий институтлар фаолияти учун интеллектуал замин тайёрлаб, ижтимоий онгнинг сиёсийлашуви, ўсишига ёрдам беради, фуқароларнинг сиёсий хулқ-атворлари шаклланишида катта роль ўйнайди.

*Бошқарувчилик вазифаси* – ўз-ўзини бошқариш шароитларида шахсий манбаатларнинг янги бир турини шакллантиради, унда ижтимоий мақсад ва вазифалар, социал редаати эҳтиёжлар акс этади.

*Регулятив (йўналтирувчилик) вазифаси* – одамларнинг хулқ-атворлари, хатти-ҳаракатларига ва уларнинг ташкилотларига бевосита ва билвосита таъсир ўтказишда ўзини намоён қиласди. Бу вазифа одамларнинг сиёсий воқеа-ҳодисаларни қандай қабул қилишларига, сиёсий тизимларни, унинг таркибий қисмларини баҳолашларига, ундаги сиёсий арбоблар фаолиятларига ўз муносабатларини билдиришларига ўз таъсирини кўрсатади.

*Тарбияловчилик вазифаси* – эгалланган ва янгидан ўзлаштирилган сиёсий билимларнинг шахс интеллектуал ривожига кўрсатадиган таъсири жараёнида майдонга чиқади.

*Коммуникатив (алоқа) вазифаси* туфайли эса хукмон ижтимоий онг ва ижтимоий ҳаётнинг сиёсий анъаналари янги, ёш авлодга узатилади.

Юқоридагилардан ташқари сиёсий маданиятнинг қуйидаги вазифалари ҳам мавжуд:

1. Айнан мослаштириш (идентификация) вазифаси – сиёсий маданият шахсда жамиятга, мамлакатга ёки маълум ижтимоий гуруҳга мансублик ҳиссини мустаҳкамлади, сиёсат институтлари ва механизмлари орқали шахс, гуруҳ ва жамият манбаатларини рӯёбга чиқариш восита ва усуслари ни аниқлашга ёрдам беради.

2. Йўналтириш вазифаси – шахснинг сиёсий ҳодисаларни онгли идрок этишини таъминлайди, унга сиёсат соҳасидаги ўз ўрни ва имкониятларини яхшироқ тушуниш, ўз ҳуқуқ ва манфаатларини муайян сиёсий тизим доирасида муваффақиятли рўёбга чиқаришда ёрдам беради.

3. Мослаштириш вазифаси – шахснинг ўзгарувчи сиёсий вазиятга, янги имкониятларга, сиёсий фаолиятдаги у ёки бу чеклашларга мослашувига кўмаклашади.

4. Ижтимоийлаштириш вазифаси – шахс жамиятнинг сиёсий маданиятини ўзлаштириш жараённада сиёсатдаги ўз манфаатларини ҳимоя қилиш имконини берувчи кўникмалар ва воситаларга эга бўлади.

5. Сиёсий ҳаётни барқарорлаштириш вазифаси – айнан сиёсий маданият жамият аъзоларида мавжуд сиёсий тизим ва унинг институтларига нисбатан хайриҳоҳ муносабат шаклланишига ёрдам беради.

6. Бирлаштириш функцияси – жамиятнинг турли табақалари ва гуруҳларини умумий ғоялар, тасаввурлар ва қадриятлар асосида бирлаштириш орқали давлат ва жамиятнинг муштараклигини мустаҳкамлашга кўмаклашади.

7. Алоқаларни таъминлаш вазифаси – ҳокимият институтлари ва бошқа сиёсат субъектлари (сиёсий партиялар, ижтимоий-сиёсий ва диний ҳаракатлар, ижтимоий табақа ва гуруҳлар) умумий қадриятлар ва сиёсатдаги ўйин қоидалари асосида, шунингдек, умумий тушунчалар ва рамзлардан фойдаланиш ҳисобига ўзаро ҳамкорликни таъминлайди.

8. Жамиятнинг сиёсий тизими ва сиёсий ҳаётини янгилаш вазифаси – сиёсий маданият доирасида шаклланган ва қарор топган жамиятнинг сиёсий тузилишини ўзgartiriш ҳақидаги янги ғоялар янги сиёсий институтлар, жараёнлар ва механизmlарнинг яратилишига олиб келади.

9. Сиёсий тузилишда ва сиёсий ҳаётда ворисийликни таъминлаш вазифаси – сиёсий маданият бунга янги ғояларни аввалги сиёсий тажриба билан боғлаш орқали эришади<sup>1</sup>.

Сиёсий маданиятнинг асосий вазифалари ана шулардан иборат бўлиб, жамиятда бу вазифаларнинг ҳаммасини бирварақайига ўз зиммасига олишга қодир бўлган бошқа бирон-

<sup>1</sup> Одилқориев Х.Т., Фойибназаров Ш.Ф. Сиёсий маданият. – Т., 2004. – Б. 58.

бир ҳодиса мавжуд эмас. Бу вазифаларнинг таҳлили сиёсий маданият ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида амал қилишини кўрсатади, зотан ҳар бир ижтимоий ҳодиса сиёсий ёндашувга муҳтождир. Шунинг учун ҳам сиёсий маданиятни ижтимоий-сиёсий фаолият соҳаси билан чеклаш мумкин эмас. У, касби ва мансабидан қатъи назар, ҳар бир одамга зарур. Сиёсий маданият мамлакатимиз фуқароси ижтимоий ва маънавий қиёфасининг муҳим ифодаси бўлиб хизмат қиласи.

**Ўзбекистон мустақиллиги шароитида сиёсий маданиятнинг ўзига хос хусусиятлари ва уни юксалтириш муаммолари.** Адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таъкидлаганидек, «Қадимги Греция Европада цивилизация ўчоги сифатида қандай ўрин тутган бўлса, Ўзбекистон ва ўзбек ҳалқи Осиёда, бутун туркӣ ўлкалар ва барча туркӣ ҳалқлар тарихида худди шундай ўрин эгаллаган»<sup>1</sup>.

Бироқ XVI–XVII асрлардан бошланган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий инқироз туфайли Марказий Осиё минтақасида фуқароларнинг ҳокимиятдан ажратиб қўйилгани, ўзини ўзи идора қилиш механизмларининг паст даражадалиги билан боғлиқ ҳолда сиёсий маданиятнинг ўзига хослиги шаклланган.

Шу билан бирга XX асрда тоталитар режим томонидан бутун ички қатламлар (савдогар, бой, ўзига тўқ деҳқонлар, зиёлилар) ва ҳалқнинг қатағон қилиниши, иқтисодиётда бозор муносабатларидан воз кечиш, коммунистик мафкуруни мажбуран киритиш сиёсий маданиятга ўзининг кучли салбий таъсирини кўрсатди. Тоталитар режимнинг бундай сиёсати собиқ Иттифоқ республикаларининг дунё ҳамжамияти билан маданий алоқаларига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Умуман бундай сиёсат собиқ Иттифоқнинг бошқа ҳудудларида бўлгани сингари Ўзбекистонда ҳам маданиятнинг бир томонлама ривожланишига олиб келди. Бунинг устига тарихан жамоавий қадриятлар устувор бўлган минтақамизда гуруҳ адолатининг индивид эркидан устуворлиги тамойили биринчи ўринга чиқдикни, бу ҳол ҳокимиятни персонификациялашган ҳолатда идрок қилишни, шунингдек, харизматик етакчига мойилликнинг кучайишини келтириб чиқарди. Тўғри, Мар-

<sup>1</sup> Жаҳонгашта ёзувчи, таниқли арбоб // Постда. – 2004. – 8 дек. – №50.

казий Осиё халқларининг инсон ва давлат ўртасидаги муносабатларига оид ўзига хос тасаввурларида кундалик ҳаётда сиёсий раҳбарга суюниш, ундан доимо адолат кутиб яшаш ва унга нисбатан чуқур ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, сиёсий хулқ-атворга кучли андишаликни намоён қилиш анъанавий хусусиятга эгадир. Бироқ XXI аср сиёсий саҳнасидаги зидди-ятли ўзгаришлар ва мавжуд реалликлар сиёсий маданият феноменига чуқур эътибор билан қарашни тақозо этмоқда. Чунки, аҳолиси онгига демократик анъаналар сингиб кетган, ҳокимият устидан назорат юритувчи самарали институтлар мавжуд бўлган давлатларда айрим фуқароларнинг сиёсатга бефарқлиги айтарли муаммолар туддирмаса-да, яқиндагина мустабидлик тартибларини кечирган мамлакатда фуқароларнинг сиёсатдан оммавий узоқлашиши оғир ижтимоий оқибатларга олиб келиши мумкин. Бунинг олдини олиш учун демократик сиёсий таълимни кучайтириш лозим, зеро демократик тузум аҳолининг тегишли сиёсий маданиятисиз ўрнатилиши ва самарали бўлиши мумкин эмас. Демократик сиёсий таълим қанчалик самарали бўлса, фуқаро ўзи яшаётган ижтимоий тузумни шунчалик тўғри баҳолаб, давлатдаги ўз ўрни ва ролини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини чуқурроқ англайди. Юксак сиёсий маданиятгина инсонни ҳозирги мураккаб дунёда оқилона йўл топа билишга, бошқаларнинг манфаатларини юзага чиқариш ва ҳимоя қилишга, умумий муаммоларни жамоа билан ҳал қилишга имкон беради.

Ўзбекистоннинг кўп асрлик тарихи давомида ўзига хос сиёсий маданият шаклланган. Бу қуйидаги омиллар таъсирида содир бўлган:

1) республиканинг ўзига хос жуғрофий-сиёсий ўрни, ўтмишда ўлкамизга қилинган босқинчлилик урушлари, узлуксиз уруш таҳди迪 ёки мустамлака зулми натижасида ўзбекистонликларда сиёсий онг Фарбагига нисбатан ўзгача шаклланди;

2) ислом дини анъаналари ва маданияти таъсирида жамоавий турмуш тарзи ва шакллари кўпроқ ривожланди;

3) мустабид шўро тузуми давридаги маъмурий-буйруқбозлиқ тазиيқи ва чеклашларнинг натижаси ўлароқ жамиятда кундалик турмуш муаммоларини ҳал қилишда ўзини ўзи бошқариш ва ўзини ўзи тартибга солиш кенг ривож топмади.

Бироқ мустақиллик йилларида мамлакат хавфсизлигини

мустаҳкамлаш, турли террорчи гуруҳлар бузғунчиликларини олдини олиш ва бартараф этиш жараёнидаги фуқароларда жислашиш ва ўз кучларини сафарбар этиш қобилияти анча тўлиқ шаклланди.

Мутахассисларнинг башоратларига кўра XXI асрда иқтисаднинг ривожланиши ва жадал ўсиши ҳисобига Ўзбекистоннинг сиёсий маданияти ўзгарса ҳам у «иштирокчилик» (фаол сиёсий маданият) элементлари етакчилик қилувчи «фуқаролар» маданиятини эслатса керак. Аммо ҳозирги кунда Ўзбекистон фуқароларининг сиёсий маданияти классик типологияга кўра аралаш типга мансубдир. Бир томондан, ҳалқ сайлов жараёнларида фаол иштирок этади (республикада ўтказиладиган сайловларда ўрта ҳисобда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган мамлакат аҳолисининг 90–92% қатнашади), аммо бошқа томондан, одамларда «айнан менинг овозим умумий натижада ҳеч нарсани ҳал қилмайди», деган қараш ҳам анча кенг тарқалган<sup>1</sup>.

Юқоридаги омиллар Ўзбекистондаги сиёсий маданиятнинг куйидаги умумий хусусиятларини белгилаб берди:

- *биринчидан*, алоҳида шахс манфаатларининг жамият ва давлат манфаатларига ҳамоҳанглиги;
- *иккинчидан*, ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда давлатнинг ва жамиятнинг ҳал қилувчи роли эътироф этилиши;
- *учинчидан*, ҳокимиятга анъанавий ҳурмат муносабатининг мавжудлиги, раҳбарнинг маънавий қиёфасига юксак талаблар қўйиш;
- *тўртинчидан*, парламент ва бошқа вакиллик органларининг ижтимоий ҳаётдаги ролига эътиборли муносабатнинг мавжудлиги.

Ҳозирги замон Ўзбекистон сиёсий маданиятининг хусусияти шундаки, унда илфор фуқаролик маданиятининг элементлари теран илдиз отмоқда, жадал ривожланмоқда; сиёсий партиялар парламент доирасида ўз мақсадларига эришиш ҳамда баҳслашиш маданиятини ўзлаштироқдалар. Шу маънода сиёсий маданият юртимиизда тинчлик ва барқарорликни таъминлашнинг муҳим омилидир.

<sup>1</sup> Одилқориев Х.Т., Гойибназаров Ш.Ғ.: Сиёсий маданият. – Т., 2004. – Б. 252.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ва хукуқий давлатни барпо этишнинг энг муҳим вазифаларидан бири мавжуд сиёсий маданиятни демократик қадриятлар негизида ривожлантириш, маънавий эркинлик, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий маконда фуқаролар фаоллигини оширишга имкон яратиш масаласига бориб тақалади. Бу вазифанинг бажарилиши эса Farb давлатларидағи каби ҳокимият фаолиятини назорат қилишнинг самарали механизмини шакллантиришга олиб келади.

### **Таянч тушунчалар**

*Маданият, сиёсий маданият, миллий мерос, сиёсий тажриба, сиёсий онг, сиёсий хулқ-автор, демократик сиёсий маданият, авторитар сиёсий маданият, тоталитар сиёсий маданият, ўтиши даврига хос сиёсий маданият, патриархал маданият, тобелик маданияти, фаол маданият, сиёсий маданиятнинг «ёпиқ» тури, сиёсий маданиятнинг «очиқ» тури, «фуқаролик маданияти», сиёсий маданият даражалари – тафаккур қилиш, фуқаролик, сиёсий даражалар, сиёсий маданиятнинг тоталитар-авторитар модели, сиёсий маданиятнинг либерал-демократик модели, шарқона сиёсий маданият модели, норматив вазифа, интегратив (бирлаштирувчилик) вазифаси, бошқарувчилик вазифаси, регулятив (йўналтирувчилик) вазифаси, тарбияловчилик вазифаси, коммуникатив (алоқа) вазифаси, демократик сиёсий таълим, волюнтаризм.*

### **Назорат учун савол ва топшириқлар**

1. «Маданият», «сиёсий маданият» тушунчалари моҳияти ва улар ўртасидаги узвий алоқадорликни тушунтиринг.
2. Ўзбекистонда фуқаролар сиёсий маданиятини оширишнинг долзарблигини сиз қандай изоҳлайсиз?
3. Сиёсий маданият демократиянинг қад ростлаши ва ривожланишига қандай ҳисса қўшади?
4. Ҳокимиятнинг маданийлашувида легитимлик қандай ўрин тутади?
5. Сиёсий маданият ҳодисаси таҳлилига бағишланган қандай илмий адабиётларни биласиз?
6. Сиёсий маданият қандай таркибий тузилишга эга?
7. Сиёсий маданиятни туркумлашда қандай мезонларга асосланиш мумкин?

8. Сиёсий маданиятнинг «ёпиқ» ва «очиқ» турларини ўзаро таққосланг.
9. Сиёсий маданиятнинг патриархал, тобелик ва фаол турларига хос хусусиятлар нималардан иборат?
10. Ҳозирги замон сиёсатшунос олимлари сиёсий маданиятнинг қандай даражаларини қайд этадилар?
11. Сиёсий маданиятнинг тоталитар-авторитар, либерал-демократик ва шарқона моделларини ўзаро таққосланг.
12. Ўзбекистон Республикасида шарқона сиёсий маданиятга хос қандай хусусиятлар кўзга ташланади?
13. Ўзбекистон фуқароларининг сиёсий маданияти классик типологияга кўра аралаш типга мансубдир. Сиз бу жумлаларни қандай тушунасиз?
14. Ўзбекистондаги сиёсий маданият қандай умумий хусусиятларга эга?
15. Сиёсий маданиятнинг асосий вазифалари нималардан иборат?

## АДАБИЁТЛАР

*Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.* – Т., 2008.

*Каримов И. А.* Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Т., 1998. – Б. 31–261.

*Каримов И. А.* Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. – Т., 1996. – Б. 370–404.

*Каримов И. А.* Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т. 5. – Т., 1997. – Б. 104–131.

*Каримов И. А.* Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т. 8. – Т., 2000. – Б. 22–46.

*Каримов И. А.* Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. – Т., 2001. – Б. 21–60.

*Каримов И. А.* Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. – Т., 2002. – Б. 45–78.

*Каримов И. А.* Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т. 11. – Т., 2003. – Б. 67–89.

*Каримов И. А.* Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т. 12. – Т., 2004. – Б. 3–67.

*Каримов И. А.* Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. – Т., 2005. – Б. 174–222.

*Каримов И. А.* Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., 2008. – 176 б.

И. А. Каримов миллий давлатчилик, истиқлол мафкураси ва хуқуқий маданият түғрисида (Ўзбекистон Президенти асарларини ўрганувчиларга ёрдам). Тузувчилар: У. Таджиханов, А. Саидов. – Т., 1999. – Б. 455–573.

*Ирхин Ю. В., Зотов В. Д., Зотова Л. В.* Политология: Учебник. – М., 2000. – С. 280–305.

*Қирғизбоев М.* Фуқаролик жамияти: Сиёсий партиялар, мафкуралар, маданиятлар. – Т., 1998. – Б. 13-46.

*Одилқориев Х. Т., Гойибназаров Ш. F.* Сиёсий маданият. – Т., 2004. – Б. 23–59.

*Отамуротов С.* Глобаллашув ва миллиат (фалсафий-сиёсий таҳлил). Т., 2008. – 202 б.

Политология: Ўқув қўлланма / С. Отамуродов, И. Эргашев, Ш. Акрамов, А. Кодиров – Т., 1999.

Политология: Маъruzалар матни / Тақризчилар: В. С. Ким, Ж. Баҳронов. – Т., 2000. – Б. 137–149.

*Пугачев В. П., Соловьев А. И.* Сиёсатшуносликка кириш: Ўқув қўлланма. – Т., 2004. – Б. 317–333.

*Рамазонов И., Мўминов Э.* Политология: Дарслик. – Т., 1997. – Б. 218–235.

## МУНДАРИЖА

Сўз боши ..... 3

### СИЁСАТШУНОСЛИК ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, ТАРКИБИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

1. Сиёсатшуносликнинг фан сифатида шаклланиши .....	5
2. Сиёсатшуносликнинг предмети, қонуниятлари ва категориялари .....	14
3. Сиёсатшуносликнинг вазифалари ва усуллари .....	22

### ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ТАЪЛИМОТЛАР: ШАКЛЛANIШI

1. Инсоният цивилизацияси тарихида сиёсий-хукуқий фояларнинг келиб чиқиши .....	33
2. Ўрта асрлар ва янги даврдаги ижтимоий-сиёсий фоялар .....	42
3. XIX–XX аср сиёсий фояларидағи асосий йўналишлар (либерализм, консерватизм, социализм) .....	52

### МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ТАФАККУР РИВОЖИННИНГ АСОСИЙ БОСҚИЧЛАРИ

*(Қадимги даврдан XX асрнинг 30-йилларига қадар)*

1. Марказий Осиёда ижтимоий-сиёсий фояларнинг келиб чиқиши .....	64
2. Шарқ Уйгониш давридаги ижтимоий-сиёсий ва хукуқий таълимотлар .....	68
3. Амир Темур ва темурийларнинг сиёсий қарашлари .....	74
4. Марказий Осиёда XVII–XIX асрларда рўй берган сиёсий инқироз сабаблари .....	82
5. Жадидларнинг ижтимоий-сиёсий фоялари .....	88

### ЖАМИЯТ ҲАЁТИДА СИЁСАТ ВА СИЁСИЙ ТИЗИМ

1. «Сиёсат» тушунчаси. Унинг обьектлари ва субъект муносабатлари. Сиёсатнинг турлари, йўналишлари ва шакллари .....	104
2. Сиёсий тизим ва унинг асосий элементлари. Сиёсий тизимлар типологияси .....	119
3. Ўзбекистонда ўтиш даври сиёсий тизимининг ўзига хоҳ хусусиятлари .....	128

## **СИЁСИЙ ҲОКИМИЯТ ВА КЎППАРТИЯВИЙЛИК**

1. Сиёсий ҳокимият, уни амалга ошириш механизми.	139
Легитимлик тушунчаси .....	139
2. Ўзбекистонда шахс ва ҳокимият муносабатларини демократлаштириш. ....	147
3. Сиёсий партияларнинг келиб чиқиши, вазифалари ва турлари. Партиявий тизимлар .....	150
4. Ўзбекистондаги сиёсий партиялар фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари .....	160

## **СИЁСИЙ ЕТАКЧИЛИК**

1. Ҳокимият таркибида сиёсий етакчилик .....	175
2. Сиёсий етакчилик табиати ва турлари .....	180
3. Сиёсий етакчиликнинг шаклланиш тартиби. Демократик жамиятда сиёсий етакчи ва сиёсий элитанинг ўрни .....	191

## **ЖАМИЯТ СИЁСИЙ ҲАЁТИНИНГ ДЕМОКРАТИК АСОСЛАРИ**

1. «Демократия» тушунчаси, унинг моҳияти ва амал қилиш механизмлари .....	198
2. Демократик сиёсий тизимнинг асосий шакллари ва принциплари .....	210
3. Оммавий ахборот воситаларининг жамиятни демократлаштиришдаги роли .....	224

## **СИЁСАТ, ДИН ВА МАФКУРАНИНГ ЎЗАРО АЛОҚАСИ**

1. Ҳозирги жамиятда сиёсат ва дин .....	233
2. «Сиёсий мафкура» тушунчаси. Ҳозирги замоннинг асосий мафкуравий оқимлари .....	243
3. Ўзбекистон миллий мафкурасида дин ва сиёсатнинг ўрни .....	256

## **ХАЛҚАРО СИЁСАТ ВА ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР**

1. Халқаро сиёсат: асосий принциплари ва йўналишлари .....	266
2. Халқаро сиёсий-иқтисодий ташкилотлар ва уларнинг дунё ҳамжамиятидаги ўрни. Бирлашган Миллатлар Ташкилотини модернизациялаш ва ислоҳ қилишининг зарурлиги .....	275
3. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий концепцияси .....	285

## **ХАЛҚАРО ТЕРРОРИЗМ ВА УНГА БАРҲАМ БЕРИШНИНГ СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЧОРАЛАРИ**

1. Терроризмнинг пайдо бўлиши, турлари ва кўринишлари .....	294
2. Халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар терроризм тўғрисида. ....	306
3. Ўзбекистон Республикасида терроризм хавфининг олдини олиш масалалари .....	309

## **УМУМИНСОНӢ МАДАНИЯТ ТИЗИМИДА СИЁСИЙ МАДАНИЯТ**

1. «Сиёсий маданият» тушунчаси, унинг тузилиши ва турлари .....	328
2. Сиёсий маданиятнинг асосий вазифалари .....	339

**Хожимурод ОДИЛҚОРИЕВ  
Даврон РАЗЗОҚОВ**

## **СИЁСАТШУНОСЛИК**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-махсус таълим  
вазирлиги томонидан олий таълим муассасалари талабалари учун  
дарслик сифатида тавсия этилган**

*(Тўлдирилган ва қайта ишланган нашр)*

Муҳаррирлар: *Қ. Қаюмов,  
Б. Эргашев*  
Дизайнер: *И. Жуманов*  
Мусаҳҳих: *Ҳ. Зокирова*

**Ўзбекистон файласуфлари  
миллий жамияти нашриёти**

100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32 уй.  
Тел.: 236-55-79; факс: 239-88-61.

Босишга рухсат этилди 18.04.09 й. «Таймс» гарнитураси.  
Офсет усулида чол этилди. Қоғоз бичими  $60 \times 90 \frac{1}{16}$ .  
Шартли босма табоги 21,45. Нашриёт босма табоги 22,0.  
Адади 1000 нусха. Буюртма № 2.  
Баҳоси шартнома асосида.

«START-TRACK PRINT» мастьулияти чекланган жамият  
босмахонасида чол этилди.  
Босмахона манзили: Тошкент ш., 8-март күчаси, 57-үй.